

САДРИДДИН АЙНИЙ



# ЭСДАЛИКЛАР



ЎзССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1953.

Рассом  
В. Н. КЕДРИН

### СУЗБОШИ УРНИДА

Қўлимга қалам олиб совет ёзучилари қаторига кирганимдан бери эсдаликларимни ёзиб, совет болалари ва ёшларига тортиқ қилиш фикрига тушган эдим. Эсдаликларимнинг кўп жойлари бундан илгари ёзилган роман, повесть, очерк ва ҳикояларимда материаллик вазифаларини адо қилганлари сабабли булардан адабиёт ҳаваскорлари ва тадқиқотчиларнинг фойдаланишлари ҳам мумкин.

Менинг фикримча, эсдалик ёзиш роман ва ҳикоялар ёзишдан қийинроқ бўлгани учун бу ишни кўпроқ тажриба олганимга қадар қолдирган эдим. Чунки одам ўтган турмушни реалъ тарзда ўрганмагунча, ҳозирги турмушнинг — совет социалистик турмушининг қимматини етарли даражада тасаввур қилаолмайди, шунингдек то одам совет турмушини, социалистик қурилишни етарли даражада ўрганиб-ўзлаштириб, унинг адабиётида катта тажриба ҳосил қилмаса, ҳозирги нуқтаи назардан ўтган турмушни — феодал турмушни реалъ ва тўла тасвир қилаолмайди.

Ма'лумки, ҳарбир ишда одамнинг тажрибаси умрининг сўнггида такомиллашади ҳамда вояга етади. Умрим етмишдан ошиб, а'золарим бўшашиб, иш қобилиятим камаяборганидан, ўзимча муҳим кўринган бу ишнинг — эсдалик ёзиш ишининг вақти келган деб ўйладим ва фурсатни ғанимат билиб бу ишни бажаришга киришдим.

Эсдаликларнинг тахминий мундарижаси қуйидагича бўлади:

Қишлоқда, шаҳарда мадраса ҳаёти, унинг дарс программаси, ўқиш тартиби, умуман шаҳар халқининг аҳволи, турли табақаларнинг бир-бирларига муносабатлари (ўзим кўрган, билган ва сезган даражада), ўтмишдаги адабий ҳаёт, фикримда пайдо бўлган ўзгаришлар, амир ҳукуматига ва расмий уламоларга қарши ҳаракатлар, 1905 йил ва февраль революцияларининг Бухорога таъсири, бу орада ўзимнинг бошимдан ўтган воқиалар, Бухородан Самарқандга кўчишим, Самарқандда февраль ва октябрь революциялари орасида рўй берган воқиалар (ўзим кўриб билганимча).

Ҳозирги тахминимга кўра, мен бу маълумотларни беш бўлимда бермоқчиман. Аммо ишнинг бориши баъзи ўзгаришларни талаб қилиши ҳам мумкин.


*Автор*



# ҚИШЛОҚДА







## К И Р И Ш

Менинг болалик вақтим икки қишлоқда ўтган: туғилган ва беш яшарлигимдан ўн уч яшарлигимгача яшаган жойим Ғиждувон районига қарашли Соктаре қишлоғи — ота-бобом қишлоғидир, бир яшарлигимдан беш яшарлигимгача ўсган жойим Шофирком (Шофиркон) районига қарашли Маҳаллайиболо қишлоғи — тоғаларим қишлоғидир.

Шунинг учун эсдаликларим Маҳаллайиболо қишлоғидан бошланиб, ундан кейин, туғилган жойим — Соктаре қишлоғига ўтади ва умуман қишлоқда кўрган-билганларим шу икки қишлоқ теварагида бўлади.

## Т У И

Маҳаллайиболо қишлоғининг ғарб томонида — қишлоқнинг четида ички-ташқи ва томорқалик бир ҳовли бор эди. Бу ҳовлининг ташқарисидаги оғил ва бостирма пахсадан, меҳмонхона эса хом ғиштдан ясалган эди. Меҳмонхона айна замонда дўконхона ҳам бўлиб, пойга томонида тўқимачилик дўкони, жануб тарафида бир айвончада тегиримон чархи ясайдиган дўкон бор эди.

Бу ҳовлининг ичкари қисмида юзма-юз икки чўпкорихона бўлиб, мен энди эсимни таниган вақтда бу уйларнинг жанубдагисида эркак меҳмонлар ва шимолдагисида хотин-қиз меҳмонлар ўтирардилар. Эркак меҳмонларга отам, амаким ва тоғаларим хизмат қилиб турардилар, хотин-қиз меҳмонларга онам, амаким ва тоғаларимнинг хотинлари хизмат қилардилар. Қариб қолган бобом

(онамнинг отаси) эркак меҳмондорларга ва унинг хотини бувим хотин меҳмондорларга бошчилик қилмоқда эди.

Ҳовлининг бир чеккасида супа бўлиб, унда созандалар саз чалмоқда ва кўйламоқда эдилар. Созандалар дастаси катта бўлмай, бир чирмандачи, бир ногорачи, бир сурнайчи, бир раққос ва битта кўғирчоқбоздан иборат эди.

Мен созандаларни ўраб олган қишлоқ болалари блан бирга уларнинг чалиш, кўйлаш ва айниқса кўғирчоқ ўйчатишларини фавқулодда бир ҳаяжон блан тамоша қилмоқда эдим.

Менинг қувончим бошқа болаларникидан ортиқроқ эди, чунки мен бугун умримда киймаган, кийган бўлсам ҳам, эсимда қолмаган яхши кийимларни кийган эдим. Кўйлак-лозимим силлиқ матодан бўлиб, чопоним парчагуллик газламадан эди, бошимдаги онам тиккан гулдўзи дўппи болаларнинг кўзини қамаштирарди.

Ҳақиқатда менинг бугун кийган кийимларим болаларнинг диққатини ўзига тортмоқда эди; мендан ёши каттароқ бир бола менинг кўйлагимни бармоқлари орасида тутиб сийпалаб кўргач, ўзидан каттароқ бошқа бир болага уни кўрсатиб:

— Бу кўйлак нимадан бўлган?.. — деб сўради. У бола менинг кўйлагимни ёқтирмасдан бир кўз ташлаб олиб:

— Сурп, бу сурпдан бўлган кўйлак! Отам менинг тўйимда шойидан кўйлак қилиб берган эдилар, отаси, менинг отамнинг қули бўлган Эргаш ҳам бугун шунақа кўйлак кийиб юрипти,— деди.

— Эргашга ҳам ўша кўйлакни бунинг отаси (менга ишора қилиб) берган,— деди менинг кўйлагимнинг нимаданлигини сўраган бола, ҳалиги мағрур болага.

Мен у вақтларда шойи блан сурп орасидаги фарқни билмасдим. Мен шуни билардимки, ўша кун кийган кўйлагим отам тўқийдиган матолардан оқроқ ва силлиқроқ эди. Шунинг учун у боланинг паст ургани блан кўйлагимдан келган қувончим пасаймади, кўчада ўйнаб юрган вақтларимда бирнеча бор мени урган, у мағрур болага нисбатан нафратим яна ҳам ортди.

Созандалар созларини йиғиштириб хуржунларига солиб кетмоқчи бўлаётганларида қарасам: меҳмонлар бутун тарқалиб кетган ва ҳовлида қариндошлардан бошқа киши қолмаган экан.

Отам созандаларни кузатаётганида мен уларни олиб қолишни сўрадим. Созандалардан бири:

— Биз ҳозир бошқа бир тўйхонага борамиз, қайтишда яна сизларга келамиз,— деб отам ўрнига жавоб берди.

— Ундай бўлса мен ҳам сизлар блан бирга ўша тўйхонага бориб, сизлар блан бирга қайтиб келаман,— деб созандалар орқасидан югурдим.

Аmmo отам бир ирғишда мени тутиб олди. Мен бўлсам оёқларимни ерга уриб: «Бораман, бораман» деб бақириб йиғламоқда эдим. Созандаларнинг олдида ва кейинида бораётган болалар мени имлаб, боришга ундаб, яна ҳам мени қизиқтирмоқда эдилар.

Бу орада бобом етиб келиб менга:

— Созандалар блан бирга бориш керак эмас, биз ўзимиз бунда ноғора, сурнай ясаб ўзимиз чалиб, ўзимиз тамоша қиламиз, сен ноғорачи бўласан, мен сурнайчи,— деб мени овутди.

Менга бу таклиф ма'қул бўлди, менимча ноғорачининг чалганини эшитишдан кўра, ўзим чалсам яна ҳам қизиқроқ бўлар эди. Лекин мен бобомнинг ноғора ясаб беришига ишонмасдим, шунинг учун унга:

— Елғон айтасиз, мени алдайсиз! Сиз қандай қилиб менга ноғора ясаб бераоласиз?— дедим.

Бобом бутун кўкрагини қоплаб олган қуюқ ва узун пахта каби оппоқ соқолини икки қўли блан тутамлаб, сидириб, учини бурни остига кўтариб, унга қараб туриб:

— Мен шу оппоқ соқолим блан ўз неварамни, ёш болани алдармидим?!— деди ва ўрнидан туриб хотинлар ўтирган уйга қараб борди, бир ла'лича (баркашча)ни олиб чиқди, ошхонага кириб олов пуфлайдиган қамиш найни олди, сўнгра дарахт шохидан иккита хипчинни синдириб буларнинг ҳаммасини супага олиб борди. Мен ҳам эргашиб у ерга бордим.

Бобом ла'личани супа устига тўнтариб қўйиб икки хипчинни қўлимга бериб:

— Ана бу ноғора, мана бу ноғорачўп, сен ноғора чалавер, мен сурнай чаламан!— деб бир учи куйган қамишнайни оғзига тутиб, лунжини бўртдириб, сурнайчилар каби чалабошлади...

Мен жуда хурсанд эдим. Лекин бу орада отам ва бошқаларнинг акам блан Эргашни ахтариб ҳар томонга югуришлари ноғора чалишимга халал етказди. Чунки мен: «улар мени қолдириб ўзлари созандаларга қўшилиб

бошқа тўйхонага боргандирлар» деб ўйлаб, рашк-ҳасад блан безовта бўлабошладим.

Лекин бировнинг «улар томорқада бир дарахтга чиқиб олиб, шохлар орасида пусиб ётиптилар» деб келтирган хабари мени ундай гумонсирашдан қутқазди ва мен ҳам дарахт шохлари орасида яширинганларини кўриб, улардан кулиш учун, бошқаларга эргашиб томорқа томонга югурдим.

Отам уларни дарахт бошида кўриб та'на қилиб:

— Муҳиддин! Сен менинг катта ўғлим, сен дарс ўқишни бошлаган, сен учун қўрқиб қочиш айб. Укангни кўрмайсанми? У сендан саккиз ёш кичик бўлгани ҳолда, ҳеч бир нарсадан қўрқмайди, ўйнаб-кулиб, ноғора чалиб ўтирипти. Қел, тушақол!— деди.

— Укамнинг ақли ҳали етмайди, ишнинг нималигини билмайди,— деб акам йиғлаб юборди ва қат'ият блан:— тушмайман!— деди.

Қурбонниёз деган менинг бир ўктам тоғам бор эди, у акамнинг бу жавобини эшитгач, дарахтга чиқди, аввал акамни, сўнгра Эргашни дарахт шохлари орасидан ажратиб қуйига осилтирди, пастдагилар уларни тутиб олиб ерга қўйдилар, аммо уларга қочиш учун йўл бермай, тўғри олиб бориб уйга киргиздилар.

Мен, отамнинг мақташидан пайдо бўлган ғурур блан қадам ташлаб супага — ноғорам олдига келдим.

Бобом ҳали ҳам супада ўтирган эди. У мени:

— Қел! Сурнай ноғорасиз ёқимли бирор садо чиқармайди,— деб қарши олди.

Мен ноғорачўпларни қўлга олиб ноғора чалишга киришдим. Отам бошқалар блан бирга уйга кирмай, у ҳам супага келиб оёқларини қуйига узатиб, супа лабида ўтирди.

«Отам ҳам менинг ноғора чалишимни кўрмоқчи бўлган» деган фикр кўнглимга келиб ғурурим яна ҳам ортди ва бу ҳолнинг та'сири блан ноғорачўпларни яна ҳам баландроқ кўтариб ноғорамга қаттиқроқ урабошладим...

Бироз вақт ўтгандан кейин Қурбонниёз тоғам уйдан чиқиб бизнинг олдимизга келиб, менга уйга кириб ноғора чалишни таклиф қилди.

— Уйда, ўтириб ноғора чаладиган супа йўқ,— дедим унга.

— Уйда кўрпачалардан чиройли бир супача ясадим,— деди тоғам.

Мен маслаҳат сўраган тарзда «касбдошим» — бобомга қарадим.

— Майли борамиз, — деди у, — у ерда ноғора чалиб акаларингни қойил қиласан.

Бобомнинг бу кейинги гапи менга жуда ма'қул тушди, мен тезроқ бориб, ўз ҳунаримни кўрсатиб, акаларимни қойил қилиш учун ноғора ва ноғорачўпларни кўтариб уйга қараб югурдим. Бобом ва тоғам ҳам менинг орқамдан бордилар. Аммо отам супа бошида қолди.

Уйда кўрпачаларни ёзиб, уч баланд ўрин тайёр қилинган экан, уларнинг иккитасида акам блан Эргаш юзларини шифтга қаратиб чўзилиб ётган эдилар. Учинчи ётоқнинг мен «ноғора чаладиган супа эканлиги» ма'лум эди.

Мен ўша томонга йўналдим.

Мен акам ўрни олтидан ўтаётганимда кўзим унинг кўзига тушди. У энди йиғламас эди, уялгансимон менга қараб илжайди. Мен лабимни чўзиб унга жавоб бердим.

Мен, ноғора чаладиган супача — ўрин устига чиқдим. Бобом ҳам у ерга чиқиб ўтирди. Мен ла'личани ўрин устига тўнтариб қўймоқчи бўлганимда, бобом менга:

— Юмшоқ ўрин устига тўнтариб қўйилган ла'лича дуруст садо чиқармайди. Сен ноғорачўпларни қўлингга олиб юзингни осмонга қаратиб ёт, мен сенинг рўпарангда ла'личани тескари тутаман, сен чалаверасан. У вақтда ҳаммани ҳайратда қолдирадиган жарангли садо чиқаради, — деди.

Мен бу таклифни қабул қилиб, чўзилиб ётиб, бобом тескари тутиб турган ла'личани чалабошладим, ҳақиқатан ла'лича қўнғироқ каби титроқ садолар чиқармоқда эди, амаким ва тоғаларим «Балли, балли!» деб менинг ноғора чалишимни мақтамоқда эдилар...

Шу вақтда кимдир менинг оёқларимни бир-биридан ажратиб, чўзиб босди. Мен ўрнимдан турмоқчи бўлганимда бобом қўлидаги ла'личани кўкрагимга босиб қимирлашга йўл бермади. Мен дод демоқчи бўлганимда жон ёқучи бир дард пайдо бўлиб нафасимни бўғди...

Бирпасдан кейин нафасим очилиб, ўзимга келдим-да, ғазабимдан панжаларим блан бобомнинг узун соқолини тутамлаб тортиб, жон аччиғида:

— Сиз шу оқ соқолингиз блан ахир мени алдадингиз! — деб бақирдим.

Одамлар уйни бошларига кўтарар даражада хандон ташлаб қаттиқ кулдилар. Баданимда пайдо бўлган жон

ачитучи аламга қарамасдан мен ҳам ўзимни кулгидан тутаолмадим, чунки бобом узилаётган соқолининг озори-га чидаёлмай ёш боладек қичқирмоқда ва йиғламсира-моқда эди.

Бу воқиа мен ва акамнинг хатна тўйимиз эди. Эргаш бўлса «Қуллар» романининг бош қаҳрамони бўлган Қул-бобо — Раҳимдоднинг ўгли эди. Акам сутэмар бола вақт-да онам касал бўлгани учун Эргашнинг онаси акамни эмизган, у бизга сут қардош эди. Унинг отаси қашшоқ чўпон бўлгани сабабли, отам бизни тўй қилган вақтда унга ҳам кийим-кечак қилиб, биз блан бирга тўй қилган эди. Тўйхона бизнинг Маҳаллайиболо қишлоғидаги ҳов-лимиз эди.

У вақтда мен жуда кичкина — уч яшар эдим, аммо тўйда бўлган ноғора, сурнайнинг қувончли та'сири ва хатнанинг чидаб бўлмайдиган алами сабабидан бўлса ке-рак, у воқиа менинг эсимда кечагидай майда-чуйдалари-гача қолган.

## ОТАМНИНГ ОТАСИ

Отам — Саидмуродхўжанинг сўзига кўра, унинг ота-си — Саидумархўжа ўртаёшли бўлгунича «туғди-битди» қишлоғи — Соктареда ўз қавм-қариндошларининг ораси-да яшаган, у ери кам бўлгани учун қариндошлари каби тўқимачилик ва дурадгорлик ҳунарлари блан ҳам маш-ғул бўлган. Айниқса дурадгорликда «чўпга жон киргиза-ди» деган сифат блан шуҳрат топган.

Маҳаллайиболо қишлоғининг мачити эскириб бузил-ганда, у ернинг аҳолиси мачит биносини қайтадан қуриш учун бирор ҳунарманд дурадгорни излай бошлаганлар ва хабардор одамларнинг дарак беришлари блан бобом Саидумархўжани топиб олиб борганлар.

Саидумархўжа мачитнинг шипини ва устунларини чи-ройли ўйма нақшлар блан безатиб бинони қурган ва бир устунда «Амали Саидумархўжа» деб бўртма нақш блан ёзиб қўйган.

Муллалардан ҳам хат-саводликни оғ учратган деҳқон-лар бир дурадгорнинг ёғочга бўртма шаклда чиройли қи-либ хат ёзганини кўриб ҳайратда қолганлар ва унга ўзи қурган мачитда имом бўлишни таклиф қилиб:



— Бизнинг имомимиз хат ёзиш нари турсин, бир ёқдан келган дуою саломни ҳам тузук ўқиёлмайди. Сиз бизда имом бўлсангиз, керак бўлганда хатимизни ҳам ёзиб берасиз ва аввалгидай истаган жойингизда дурадгорлигингизни ҳам қилаберасиз,— деганлар.

Бу тақлиф бобомга ма'қул тушган, чунки ўз қишлоғида дурадгорлар кўп ва қариндошлари орасида ҳам бирнеча ҳунарманд дурадгорлар бўлгани сабабли у томонларда ўзининг бу ҳунаридан унча фойдаланаолмас экан. «Агар бу ерда имом бўлиб қолсам, дурадгорлар оз ва ҳунарманд дурадгорлар ҳеч бўлмаган бу томонларда яхшигина ишлашим мумкин, имоматчилик даромади бўлса кўшимча даромад бўлади» деган кўнглида.

Шундай бўлиб, бобом Маҳаллайиболо қишлоғида қолган. Аҳоли мачит ёнида ҳовлиси бўлган Ҳамрохон деган кишининг меҳмонхонасини унга тураржой қилиб берганлар.

Бу орада бобом Ҳамрохоннинг Деҳқонхон деган катта ўғлини кечалар ўқитиб хат-саводли қилган, бу ҳолни кўрган деҳқонлар ўз болаларини унга топшириб, бўш вақтларида уларни ўқитишни бобомдан сўраганлар. Шундай бўлиб биронта саводли одам топилмайдиган қишлоқда бирнеча йилда бирмунча саводлилар пайдо бўлган.

Бобомнинг даромади бу қишлоқда тузуккина бўлса ҳам, хотин-болаларидан узоқда бировнинг уйида туриш кўнглига урган. Шунинг учун қишлоқнинг чеккасидан бир бўш ерни сотиб олиб ўзи учун ҳовли бино қилган-да, Соктаредаги бола-чақаларини Маҳаллайиболо қишлоғига кўчириб келган ва Соктареда хат-саводи чиққан менинг отамни — катта ўғлини ўқиш учун Бухорога юборган (юқоридаги бобда тасвир қилинган тўйхона мана шу ҳовли эди).

Орадан бирнеча йиллар ўтиб, бобом қариб қолиб, қўлидан оғир ишлар келмайдиган бўлган, бунинг устига Соктаредаги ҳовли, бсғча ва ери хароб бўлган. Буларнинг ҳаммаси сабаб бўлиб, бобом отамни мадраса ўқишини тамом қилишдан илгари чақириб олиб, уйлантириб, қишлоқда қолдириб, ўзига ёрдамчи қилган.

Уйлантириш маросими у вақтнинг одатига қарши оз харажат блан амалга оширилган — отамга маҳаллайибололик Ҳамрохоннинг кизи Зеваройни унашганлар. Ҳамрохон ўртаҳол деҳқон бўлгани сабабли катта тўй беришни

талаб қилмаган, шунингдек у вақтнинг одатига муҳолиф бўлса ҳам нақд пул блан қалин тўланмаган, у вақтларда қалинсиз никоҳ мумкин бўлмагани учун бобомнинг Соктаредаги боғчасини қалин ҳисобига онамга атаб қўйганлар.

Отам уйлангандан кейин ёзларда Соктареда туриб деҳқончилик иши блан машғул бўлган ва қишларда Маҳаллайиболо қишлоғига кўчиб келиб тегирмон чархи яшаш ва тўқимачилик блан отасига ёрдам берган.

Шундай бўлиб, мен кўклам вақтида Соктаре қишлоғида туғилганман. Аммо мен беш яшар бўлганимда отамнинг отаси ҳам онаси ўлиб, рўзғорнинг бутун оғирлиги ўз бошига тушган, у ота-оналари ўлгандан кейин ҳам икки қишлоқда туриш одатини давом этдирган — ёзда Соктареда деҳқончилик ва қишда Маҳаллайиболода тегирмончархи яшаш ва тўқимачилик қилаверган, лекин илмга бўлган муҳаббатини йўқотмаган — қишлоқдаги отасидан савод чиқарганларни, шу жумладан менинг катта тоғамга ибтидоий дарсларни ўқитиб, уларни Бухорога олиб бориб, мадрасага жойлаштириб келган ва илтимос қилган деҳқонларнинг болаларига бўш вақтларида хат-савод ўргатган.

Отам ўзининг бу хотираларини эслаб менга:

— Уқишга шавқим зўр, қобилиятим ҳам бор эди, аммо тирикчиликнинг мажбурияти блан «чала мулла» бўлиб қолдим. Лекин «Мен эришмаган мақсадга бошқалар эришсин» деб тоғанг, яна бирнеча ёшларни мадрасага жойлаштирдим. Аммо тоғангдан бошқалари ўқишни давом этдирмадилар, бир-икки йил мадрасада тургандан кейин қишлоққа чиқиб имом бўлиб, халққа фриб беришга киришдилар, ҳам менинг меҳнатимни, ҳам ўзларини нобуд қилдилар. Фақат тоғанг ўқишни давом этдирмоқда, тузукроқ одам бўлишидан умидим бор,— деган эди.

### МАҲАЛЛАЙИБОЛО ҚИШЛОҒИ

Қадим замонларда, я'ни кўчиб юрадиган қизил қум бу қишлоқдан узоқда, Жилвон ва Шофирком (Шофиркон) рўд (анҳор)лари серсув вақтларда бу қишлоқ жуда обод бўлган. Аммо Жилвон рўдини қум босиб ва Шофиркомнинг эски рўдини ҳам онда-сонда қум босиб, бу қишлоқ пойнов бўлиб қолганидан кейин жуда хароб бўлган. Мен эсимни таниганда бу қишлоқ шундай эди.

Бу қишлоқнинг кўп ерларини қум босганлиги сабабли

экишга яроқли ер оз қолган ва у ерларнинг кўпини ҳам қишлоқдаги бир-икки катта бой эгаллаб олган эди. Ерсиз ва оз ерли деҳқонларгига эмас, ҳатто ўртаҳол деҳқонлар ҳам деҳқончилик блан ўз кунларини кечираолмасдилар, чунки бойлар сувдан тўла фойдаланганлари ҳолда турли йўллар блан ўз ерларини солиқдан қутқазаолар, ҳеч бўлмаганда озгина солиқ блан қутилоолар, аммо оз ерли ва ўртаҳол деҳқонлар сувдан тузук фойдаланмай туриб подшолик кўзда тутган солиқнинг бутун оғирлигини ўз бўйинларига кўтарардилар. Шунинг учун бу қишлоқда дарвозалик ва чўпқори иморатлар жуда оз бўлиб, кўпчилик ҳовлилар дарвозасиз пахса кулбалардан иборат эди.

Бу қишлоқнинг бир қисм ерсизлари бойларда чўпонлик, малайлик, қароллик ёки шаҳарга ва бошқа жойларга бориб мардикорлик қилар, қолган кўпчилик камбағаллар ўгинкашлик, пахтакашлик каби касблар блан ўлмаслик учун бир овқат топардилар.

Ўртаҳол ва оз ерли деҳқонларнинг ҳам асосий касблари пахтакашлик эди, чунки ердан ундирган ҳосиллари солиққа етмагандан кейин, бошқа бирон касб қилишга мажбур эдилар, у томонларда пахтакашлик умумий касб эди, чунки Россия блан савдо-сотик ривож топган ва Бухоро томонларидан Россияга олиб бориладиган асосий мол пахта эди. У вақтларда ҳали темир йўл қурилмаган, шунинг учун нақлиёт фақат туя карвони блан Қизил қум чўли орқали амалга ошириларди. Шофирком тумани Қизил қум чўли этагида бўлгани сабабли бу тижорат ва нақлиётни Шофирком туманининг бойлари ўз қўлларига олган эдилар. У вақтларда пахта тозалайдиган завод бўлмаганидан қал'ачи бойлар (Россия блан савдо қиладиганлар) деҳқонлардан йиғиб олган ғўзаларини пахтакашларга бўлиб бериб, қўл блан чувитиб, чиғириқ блан тозалатиб олардилар...

Агар бойлар пахтакашларининг меҳнатларига яраша ҳақ берсалар, пахтакашлик ёмон касб эмас эди. Аммо очкўз бойлар пахтакашларга берадиган арзимас иш ҳақини ҳам, турли фриб-найранглар чиқариб янада озайтирардилар (мен Маҳаллайиболодаги солиқ тўплаш тартибини «Қуллар» романининг иккинчи қисмида ва пахтакашлар блан қал'ачи бойлар муносабатини мазкур романининг биринчи қисмида тасвир қилганман).

Маҳаллайиболо қишлоғида сув оз бўлгани сабабли сабзи, пиёз ва бодиринг каби сабзавот сра экилмас, аччиқ

олма, тут ва ўрик каби сувсизликка чидай оладиган дарахтлардан бўлак мевали дарахтлар ҳам етишмас эди. У томонларнинг биринчи ва фаровон меваси узум эди. Чунки у томонларнинг тоқлари фақат қишда суғориш блан ҳосил берар ва ёзда сувга сра муҳтож бўлмасди.

### ҚИЗИЛҚУМНИНГ ҚУЧИШИ

Кўклам энди бошланган, бизнинг томорқамиздаги ўрик дарахтлари гуллаб ўз чечаклари блан боғчага фараҳбахш тус бергандилар. Қишлоқ деҳқонлари ер ҳайдаш, ариқ қазиш ва ток очиш каби кўклам ишларида машғул эдилар; деҳқонларнинг болалари ўз туёқли молларини ёки хўжайинлариникини сабза ва себаргалар кўкарган ариқ бўйларида, ҳали ҳайдалмаган ерларда боқардилар.

Шундай кунларнинг бирида боғчамиздаги гуллар ва сабзаларнинг тамошаси блан қаноат қилмай, далага чиқиб яйрашни истадим. Бу фикримни акамга айтиб мени далага олиб боришини сўрадим. У ҳам бу фикрни ма'қул топди, лекин отамдан рухсат олишни менинг гарданимга юклади.

Мен далага чиқиш тўғрисида яввал онамдан ижозат сўрадим. У:

— Отангдан сўра, агар у киши жавоб берса, мен далага чиқишларингга тўсиқ бўлмайман,— деди.

Мен шу мақсад блан отамга бордим. У, меҳмонхонамизнинг айвончасида тегирмон чархи ясамоқда, кўз ойнак тақиб, чархнинг паррак ўтказиладиган тешиқларини искана блан кавламоқда эди. У қазилаётган тешиқни бир чўпча блан ўлчаб кўриб, унинг ичини тозалаб силлиқлагандан кейин, менга қараб:

— Ҳа! Нима дейсан?— деди.

— Акам блан далага чиқиб тамоша қилиб келамиз,— дедим.

— Аканг ҳечерга бормайди. У ўтган ҳафта ўқиган дарсларини такрорлаб менга ёддан ўқиб бермагунича унга ҳечерга боришга, на тамошага ва на ўйинга рухсат бермайман. Ўзинг бормоқчи бўлсанг майлинг,— деди.

— Мен ёлғиз қандай бораман? Ундай бўлса мени ўзингиз блан олиб боринг!— дедим.

— Ўзинг боравер! Сени бўри емайди, дала болалар блан тўла, рўд бўйида Эргаш аканг ҳам бордир, у ўз подасини ҳарвақт ўша тсмонларда боқади.

Мен далага чиқдим. Дала бизнинг боғчадан кенг, ҳавоси ёқимлироқ эди, ўртача эсаётган ёқимли шамол кишининг юзини сийпалаб, димоққа латиф хуш ҳидларни келтирарди; кузда экилган буғдой ва арпаларнинг майсалари қора ернинг юзини ёпиб, зангор духоба ёйилгандай эди; ариқ бўйларида, экинзорларнинг марза ва йўлакларида униб ўсган сабзалар, себаргалар ва ажириқлар каби ўзи ўсар ўтлар кишининг кўзига ҳим-ҳим товланиб, кўз нуруни жилолантирарди.

Деҳқон болалар кашшиқларга гўнг солиб, эшаклар блан экинзорларга олиб бориб бўшатмоқда ва қайтишда юкдан бўшаган эшакларни миниб, пойгага қўйиб, бир-бирлари блан «ким ўзади» ўйинини ўйнамоқда эдилар.

Янги экилган, шудгор қилинган ёки гўнг солинган ерларни қарғалар босиб, тирнаб чўқилагоқда ва қиш бўйи очикқан қоринларни донлар, қуртлар, қумурсқа ва қўнғизлар блан тўйғизмоқда эдилар.

Шофиркомнинг эски рўди биздан узоқ эмас, бизнинг ҳовли қишлоқ чеккасида бўлгани сабабли олди очик ва рўд бўйидаги дарахтлар бизнинг дарвоза остидан кўришиб турарди. Шунинг учун мен экинзорлар орасидан юриб бирзумда рўд бўйига етдим.

Рўднинг жануби бўлмиш ҳовлимиз томондаги қатор толлар ҳали барг ёзган бўлмасалар ҳам, етилган узум бошлари каби сабзимадонлар боғлаб рўд бўйини май ойидагидай кўкаламзорга айлачтирган эдилар, у дарахтларнинг шохларидан шохларига учиб қўнаётган чумчуқларнинг чирқиллашлари, қалдирғоч, соч, са'ва ва суйдиларнинг сайрашлари, у ернинг ҳавоси каби одамга ёқимли эди.

Рўднинг жануб томонида ҳечбир киши йўқ эди, аммо нариги томонда — шимол томонида пастгина бўлган бир қум хома (тепа) устида чўпон болалар кураш тушмоқда эдилар, уларнинг орасида Эргаш акам ҳам бор эди.

Мен рўд бўйида ўтириб уларнинг курашларини тамоша қилабошладим, рўдда бироз сув оқиб бораётганидан, ундан ўтишга ботинаолмадим.

Бу орада Эргаш акамнинг кўзи менга тушиб «Кел, келабер!» деган ҳолда ўзи қум тепадан рўд қирғоғига тушди ва сўзини давом этдириб:

— Кел, сувдан кечиб ўтабер! Сув тўпигингча ҳам чиқмайди, — деди.

Мен иштон почаларимни тиззамгача шўмариб, сувга

6128  
25/11/53

кирдим, ҳақиқатда ҳам сув тўпигимгача етмади. Рўддан осонлик блан ўтдим, Эргаш акам бир қўлимдан тутгани ҳолда қумда тойила-тойила биргалашиб тепа устига чиқдик.

Биз юқорига чиққанимизда болалар курашни тугатиб «қочди, тутди» ўйинига киришган эдилар. Бири қочар, бири қувар, тутилган ёки тутаолмаган бола ютқизган ҳисобланарди.

Аммо эланган ундай майин ва силлиқ бўлган қизил қум болалар оёғи остида турмас, болалар қочиш ва чопишда бири орқасидан бири қумга ботиб ёки тойилиб йиқилаберарди.

Бундай ўйин болаларни тез чарчатди, уларнинг ба'зилари юмшоқ қум устига чўзилиб баданларини ёқимли баҳор офтобига товлаб ҳордиқ чиқаришга киришдилар ва ба'зилари подалари изидан чўлга қараб кетдилар.

Менга болаларга қараганда янги туғилган қўзилар ва улоқлар қум устида ўйнашда ҳунармандроқ кўриндилар: булар қум устида тинчроқ ва осонроқ югурардилар. Улоқлар ҳам болалар каби бир-бирлари блан ўйнашардилар, шохларини шохларига қўйиб «уришардилар», бир-бирларини қувишардилар. Утлаётган вақтда оналаридан кейинда қолган қўзилар ма'рашиб, оналари изидан югуришардилар. Аммо буларнинг ҳечбири болалар каби қумга ботиб қолмас ёки тойилиб йиқилмасди...

— Ота, онангга совға олиб бормаёсанми?— деб Эргаш акам мендан сўради.

— Қумдан бошқа нарсаси бўлмаган даладан нимани совға қилиб олиб бориб бўлади?— дедим.

— Сен қўзиқорин (замбурғ) егансанми?— деб сўради.

— Йўқ, емаганман! Агар еган бўлсам ҳам эсимда йўқ,— дедим.

— Кечаги ёмғирнинг та'сири блан қум устида жуда кўп қўзиқорин униб-ўсган, истаган одам бир нафасда бир қоп тераолади. Мен ўзимиз учун бир халта териб қўйдим, сен олиб бормоқчи бўлсанг сенга ҳам териб бераман.

— Майли,— дедим.

Эргаш акам подачилик таёғини қўлига олди, биз унча баланд бўлмаган икки қум хомасидан ошдик. Учинчи қум хомаси устига чиққанимизда унда-бунда қум қўпорилиб, қабариб ва бўртиб турарди. Эргаш, қумнинг қўпорилиб турган жойларини ўз таёғи учи блан кавлар ва қум остидан тўда-тўда қўзиқоринлар кўзга кўринарди. Мен териб

этагимга солабердим, этагим тўлганини Эргаш акамга айтганимда, у менга яқинлашиб келиб:

— Этагингни оч! Кўрай қани, сен нималарни тергансан,— деди.

Мен этагимни очдим. У менинг этагимдаги қўзиқоринларга қараб:

— Ерга тўк!— деди.

Мен тўкдим. У ерга тўкилган қўзиқоринларни иккига бўлди — бир томонга бўйни калта ва боши қалинларини қўйиб, иккинчи томонга бўйни ингичка ва узун, боши пулакчадай юпқаларинч қўйди-да, бўйни калта ва боши қалинларини менга кўрсатиб:

— Мана буларни ол! Булар егули,— деди.

Бўйни узун ва боши юпқаларини кўрсатиб:

— Булар аччиқ, заҳарли, буларни ейиш мумкин эмас, одамни касал қилади. ҳатто ўлдиради,— деди.

Биз икки қум хомасини айланиб бирқанча егули қўзиқорин териб олдик. Шу вақтда шамол қўзғолиб, ҳаво бузилабошлади, биз рўд бўйига етиб келгунимизча шамолнинг эсиши шиддатланиб ҳавони чанг, тўполон қоплаб олди; моллар безовталашиб, ма'рашиб ҳар томонга қочабошладилар, болалар уларнинг тарқалишига йўл қўймай «ҳей, ҳей» ва «бош, бош» деб орқаларидан югуришар ва уларни қишлоқ томонга суришга уринардилар. Эргаш акам ҳам подасини тўплаб қумзордан пастроқда ва шамолнинг эсиш йўлидан панароқда бўлган рўд қирғоғига суриб туширди.

— Қум кўчаётир! — деди бир бола қум хомаси устидан ҳаяжон блан.

Эргаш, бу сўзни эшитиши блан югуриб қум хомаси устига чиқди, мен ҳам унинг изидан югурдим. Шамол шарқи-шимолий томондан эсмоқда эди, мен орқамни шамолнинг эсиши томон ўгириб ёнимга қаратиб, бирёқлама қадам босиб зўрға ўзимни қум хомаси устига олдим.

Қум, шамол кунидаги кўл сувига ўхшаб лапиллаб секин-секин олдин келмоқда эди, қумнинг юздаги қатлами лапиллаб сурилиб, рўднинг қирғоғига тушар ва остки қатлам унинг орқасидан лапиллаб ҳаракатга келарди. Шамолнинг эсиши борган сайин шиддатланар, осмонга устма-уст чанг кўтарилиб ҳаво тобора қоронғилашарди.

Болалар минг азоб блан подаларини қишлоқ томонга сурдилар, моллар йиртқич ҳайвонлар қуваётгандек ма'рашиб, қишлоқ томон қочардилар. Мен ҳам терилган

қўзиқоринларимни қалпоғимга солиб, кўкрагимга босиб ҳовлимиз томон йўналдим.

Экинзорларда қумзорлардагидек тайғоқ йўқ эди, шамол ҳам орқадан эсарди, шунинг учун уйга қараб боришим унча қийин эмасди. Лекин ерда ва кўкда мен тамошага чиққан вақтимдаги латофат ва хуррамликдан асар қолмаган эди — майса, сабза ва себаргалар қум гарди остида қолиб сўлган, ёқимли, ҳушбўйлик ўрнида одамнинг оғиз ва бурнига ёқимсиз қум чанги кирарди...

Мен уйга кирдим, отам ҳали ҳам тегирмон чархининг паррак ўтказиладиган тешиklarини кавлаш блан овора эди. У шу қадар ўз ишига берилган эдики, мен бориб унинг олдида тик турганим ҳолда, у мендан «қаерга бординг, нималарни кўрдинг?» деб сўрамадигина эмас, ҳатто менга қайрилиб қарамади ҳам.

Мен отамнинг ишига бирпас қараб турганимдан кейин онамнинг олдига бордим ва қўзиқоринларни бериб, ундан тезроқ қовуриб беришини сўрадим, чунки жуда очикқан эдим.

Онам қўзиқоринларни кўриб:

— Эҳе шунча кўп териб келтирдингми? Балли! Бу ҳаммамизга етади, — деди.

Уйнинг юқоридаги бурчагида ўтириб дарс такрорлаётган акам гапга қўшилиб:

— Эҳтиёт бўлинг! Заҳарли қўзиқоринларни териб келтирган бўлмасин, — деди.

— Мен егули қўзиқоринни заҳарлисидан ажратаоламан, — деб ғурур блан акамга жавоб бердим.

— Ҳаммаси егули қўзиқоринлар, — деб онам менинг гапимни тасдиқ қилгандан кейин, уларни тозалаб, ёғда қовуриш учун қозон бошига олиб борди.

Отам то кўзи кўра билгунча тегирмон чархи устида ишлади. Аммо у кун ҳар кунгидан эртароқ кун қорайди, шамол шиддат блан эсмоқда, ҳаводан ёмғир каби қум ёғмоқда эди. Ҳаводан ёғаётган қум бир нафасда ерни қумлоққа айлантирди. Эшикларни ёпиб чироқ ёққан бўлсалар ҳам, эшикларнинг роғ ва тирқишидан уйга ҳам қум кириб тўшақларни қопламоқда эди...

Биринчи марта ўз меҳнатимнинг қатнаши блан тайёр бўлганиданми ёки ҳаддан ортиқ очикқанымданми, ҳарҳолда, у кунги қўзиқорин қовурдоғи гўшт қовурдоғидан ҳам тамлироқ туюлди. Мен у кун илгариги кунлардагидан кўпроқ овқат еб, тездан ухладим...



У кунги чарчаш ва кечқурун тўйиб еган овқат мени шундай қаттиқ уйқуга толдирдики, кун оқариб, отам онамга қандайдир бир воқиа тўғрисида ҳаяжон ва баланд овоз блан гапираётганида зўрга уйғондим.

Кўзимни очиб ўзимни эплаб олганимдан кейин отамнинг гапларига қулоқ солабошладим: унинг сўзига кўра қишлоқнинг кўп ерини қум босган, кўп экинзорларни но-буд қилган, шу жумладан бобомнинг узум боғини ҳам қум босган экан.

— Чойингни тезроқ тайёр қил! Отангнинг ҳеч бўлмаганда бир қисм тоқларини қутқазिश ва келажакда бундай фалокатларнинг олдини олиш учун ака-укаларингга ёрдам қилишим керак, — деди отам онамга.

Мен ўрнимдан туриб эшикка чиқдим, ҳаво соф бўлиб енгил ел эсмоқда эди. Аммо ҳовли юзи ва боғча ери қумлоқ майдонга айланган, қалин қор устида юргангадигдек қумда ковушнинг изи қоларди. Ўрик дарахтларининг гуллари қовурилиб, қорамтир бўлиб қолган ва кишининг кўзига асал ари ўликларидай ёқимсиз кўринарди; сабза, майса ва себаргалар бутунлай қум остида қолиб кетган; ўзининг гул ва сабзалари блан қувонч устига қувонч бағишлайдиган кечаги боғча, бугун азахоналар каби кишининг кўнглини ғам-қайғи блан тўлдиради.

Мен юз-қўлимни ювиб уйга кирдим, дастурхон тўрида, отам ёнида ўтириб сутли чой ичдим. Чойдан кейин акам ўз бурчагига бориб дарс такрорлашга киришди. Отам онамга болта, дасттеша, дастарра, дасткола (ток-бур) каби асбобларни тайёрлашни буюрди ва ўзи каржомасини кийиб, белини устидан боғлаб бобомга ёрдам бериш учун боришга тайёрланди.

— Мен ҳам бораман! — дедим отамга.

— Майли, — деди отам, — кеча яшнаб бораётган ям-яшил экинзорларни тамоша қилган эдинг, бугун намсиз, чўлга айланган қумзорларни кўрасан. Тирикчиликда бу ҳолларнинг ҳарбирини кўриб ўрганиш керак.

Биз — ота-ўғил уйдан чиқиб бобомнинг ҳовлисига бордик, унда менинг тоғаларим бўлмиш бобомнинг ўғиллари — Қурбонниёз, Равшанниёз ва Ниёзхонлар ишга боришга тайёр бўлаётган эдилар, аммо чорбозорчиликни касб қилиб олган бобомнинг бешинчи ўғли — Алихон отини эгарлаб, чой тўлдирилган ҳуржунини ортиб, қайси бир қишлоқ бозорига бормоқчи бўлиб турарди.

— Сен нега ҳамманинг бошига келган бу умумий фа-

локатни барҳам беришга қатнашмай, шу кун ҳам бозор бораётирсан, — деди отам Алихонга.

— Менга на боғ керак, на ер ва на уларнинг ҳосиллари, мен учун бозор бўлса бас. Бутун дунёни оби-азоб босса ҳам парво қилмайман! — деди у.

— Ичи қора, нияти бузуқ, — деди отам ғурунглаб, ўз-ўзига.

— Унга гапирманг! У биздан эмас, у чўчка! — деди бобом уй ичидан туриб. Маълум бўлишича, далага чиқиб тоқларни қум остидан қутқазиб устида, ота-ўғил биз келмасдан аввал ўзаро ғижирлашиб олган эканлар.

Тоғаларим кетмон, болта, арра, теша ва бошқа асбобларни замбарғалтакларга солиб йўлга тушдилар; қумғон, нон ва бошқа озиқ-овқат учун керакли нарсаларни солиб эшакка ортилган хуржун устига кўрпача тўшаб бобом минди ва мени ҳам унинг орқасига мингаштирдилар, отам ва бошқалар пиёда юриб боғ томон йўналдик.

Бувим (онамнинг онаси) баланд овоз блан дуо ўқиб фалокатларни бандалар устидан кўтаришни ва ишга боручиларга куч-қувват беришни худодан сўраб уйда қолди.

## К У Ч У Ч И Қ У М Б Л А Н К У Р А Ш

Бобомнинг боғ ва экинзорлари Маҳаллайиболо қишлоғининг шарқ томонидаги, яна ҳам шарқдароқ бўлган Қорахони қишлоғига бориб ёпишадиган Қоқо ёвонида эди. Қоқо ёвони эски Шофирком рўдининг жанубида бўлиб, бу кунгача у томонлар нисбатан серсув саналарди. Аммо қум кўчиши натижасида энди у ёвон қумзор бир чўлнинг манзарасини олган эди, бу ёвоннинг шарқи-шимолий томонларида катта-катта қум хомалари пайдо бўлган, ғарби-жанубий томонларида бўлса қум борган сайин озая бориб, охирида қумнинг қалинлиги одамнинг тиззасигача келарди.

Далаларда одамлар чигирткадай ёйилиб ҳаракат қилмоқда: узумзор ва экинзорларнинг шарқи-шимолий томонларида шохдан тўсиқлар қуриб қум йўлини тўсмоқда ва кўкламда очганларидан кейин қум босиб қолган тоқларини қайтадан очмоқда; қумнинг қатлами остида қолган тоқ ва экинларнинг устидаги қумларни замбарғалтаклар ва қопчалар блан ташиб қум зарар етказмайдиган бир жойга олиб бориб ташлардилар... )

Биз Қоқо ёвонининг охирида Қорахони қишлоғига ёндош бўлган бобомнинг боғига бориб етдик. Бобомнинг икки боғи бор эди: бири деворсиз бўлиб, икки таноб (ярим гектар), иккинчиси уч пахса девор блан ўраб олинган бўлиб, бир таноб келарди. Қум кўчиб келиб эски рўдни бутунлай кўмиб ўтиб, унинг қирғоғида бўлган деворли боғнинг деворига тиралиб, у ерни ҳам тўлдиргандан кейин девордан ошиб боққа кириб, унинг учдан бирини ҳам босган эди.

Шамол пасайиб ҳаво тинчланган бўлса-да, ҳали ҳам қум секин-секин юриб, оз бўлсада боққа кирмоқда ва оқсаб-оқсаб бўлса ҳам олдин бормоқда, янги пуммак боғлаган новдаларни ўзининг юмшоқ қучоғига тортиб босмоқда эди.

Деворсиз боғнинг шимол томони чакалакзор бўлгани учун уни нисбатан озроқ қум босган ва тоқлар қум остида қолган бўлсалар ҳам бирнеча йигитнинг икки кунлик меҳнати блан қайта очиш мумкин кўринарди.

Бу икки боғнинг орасида сада дарахтлари блан ўраб олинган бир сарҳовуз бор эди, бобом ёз кунларида у сарҳовузнинг соя-салқинида ўтириб рўднинг оқар суви устидан ўтиб келадиган шабададан фойдаланарди. Аммо қум босиш оқибатида у сарҳовуздан энди асар қолмаган ва ҳовуз ўрнида катта бир қум хомаси пайдо бўлиб, баландлиги қора садаларнинг панжаларигача етган эди. Шундай бўлса ҳам, бобом хуржун ичидаги нарсаларни сарҳовуз ўрнида пайдо бўлган қум тепаси устига ёзди ва кўрпачасини тўшаб дарахтга суяниб ўтирди.

Отам тоғаларимга атрофдаги дарахтларнинг шоҳларини кесиб икки боғ олдига тўплашни буюрди. Улар шоҳларни деворли боғ олдига келтирабошлагач, отам арра, теша ва дастколани ишга солиб, шоҳларни ходалчалар ва химчаларга ажратаберди. Сўнгра ходалчаларни деворли боғнинг қум тиралган томонида — қум блан девор орасида қатор қилиб қоқди ва химчаларни ходалчаларга ўраб, тўқиб, пахса девор устида саватдай тўқилган бир химча девор ҳам вужудга келтирди.

Мен ҳам бу ишдан ташқарида қолмадим — кучим етганича ходалчалар ва химчаларни судраб келиб, отамнинг талабига кўра уларни бураб-бураб берардим.

Деворли боғнинг иши тугагандан кейин отам тоғаларимга:

— Агар сизлар бир кун ғайрат қилиб боғнинг ичидаги қумларни чиқариб ташласангиз, бу тоқлар бутунлай ҳалокатдан қутилиб, қумнинг та’сири блан ҳосилини ҳарвақтдагидан мўлроқ беради,— деди.

Ундан кейин отам деворсиз боғ олдига бориб, унинг шимол ва шарқ томонларига қатор қилиб ходала қоқди ва тоғаларимга ходалалар орасида қандай химча тўқишни ўргатабошлади ва менга чакалакзордан қуриган шохча ва хас-хашак териб чой қайнатишда бобомга ёрдам беришни буюрди...

Кун қайтган ва баҳор кунларининг учдан икки улуши ўтган эди. У вақтгача мен блан бобом ҳарзамонда бир бурда нонни бирнеча дона майиз блан кемириб турган бўлсак ҳам, отам овқатланмаган ва унга эргашиб тоғаларим ҳам бирор нарса емагандилар, Чой тайёр бўлгач, отам бошлиқ ҳаммалари бобомнинг олдига келдилар ва дастурхонни ёзиб овқатланишга киришдилар.

Овқатдан кейин отам бобомга:

— Мен энди қайтаман, — деди, — болалар шох девор тўқишни яхшигина ўргандилар, кечгача бу боғнинг шох деворини тўқиб бўладилар. Эртадан бошлаб қум ташиш ва ток новдаларини қум остидан чиқаришга киришадилар. Сиз бош бўлиб турсангиз, бу ишни ҳам икки-уч кунда бажарадилар.

Қариб, оёқдан қолаёзган бобом титроқ қўлларини кўтариб отамни дуо қилди ва унга миннатдорлик билдириб, ўтирган ерида бизни кузатиб қолди ва Қурбонниёз тоғам отамга қараб:

— Язнамулло! Мен сиз каби ғайратли, ишчан бўлишни истар эдим, — деди.

— Агар истасангиз мендайгина эмас, мендан ғайратлироқ, ишчан ва иш биларман бўласиз, ҳамма гап исташ ва у истакни амалга оширишга боғлиқ, — деб жавоб берди отам ва қўшимча қилиб: — Агар ялқовлар, иш’ёқмаслар ва қорин бандалари ишнинг одам баданини қандай мустаҳкамлашини ва киши кўнглига қандай ҳузур-ҳаловат беришини билсалар, балки бекорчилик соясида ёзилиб ётмасдилар, — деди.

Биз йўлга тушдик. Аммо отам келган йўлимиз блан эмас, қум босиб кўмилган эски рўд усти блан Болойирўд қишлоғи орқали йўл бошлади.

Биз Маҳаллайиболо қишлоғининг шимолида бўлган, Болойрўд қишлоғига етдик. Кечгача обод ва рўднинг бўйида бўлгани учун у томондаги қишлоқларнинг ҳаммасидан серсув ва тегирмонли бўлган бу қишлоқ бутунлай қумнинг остида қолган эди, унда-мунда ба'зи баланд ҳовлиларнинг том бурчаклари кўринса ҳам қишлоқ, қишлоқлик тусини йўқотган ва қумли чўл манзарасини олган эди.

Хотин-қизлар ва ёш болалар тўп-тўп бўлиб қум хомаларининг устида ўтирган ва уларнинг олдида қозон-товоқ, кўрпа, кўрпача каби рўзғор буюмлар уюлиб турарди.

— Эркаклар бош-папа топиш учун бошқа қишлоқларга кетган бўлсалар керак, — деди, отам менга эшитиларли овоз блан, ўз-ўзича.

Биз ҳалвогар уста Баротнинг ҳовлисига етдик. Мен бу ҳовлини кўрган ва акам блан у ерга бориб ҳалво сотиб олган эдик. У ҳовли қишлоқдаги ҳовлиларнинг ҳаммасидан кенг, деворлари баланд ва уйлари юксак эди. Ҳалво пишириладиган уйнинг ўзи катта, мачитлар каби тўрт устунли бўлиб томи ҳовли деворидан баландроқ эди. Бу ҳовлида иморат нишонаси бўлиб фақат шу ҳалво пишириладиган уйнинг томи кўринарди, бу бинонинг ҳам уч тарафини томгача қум босган бўлиб, ёлғиз жануб томони бироз очиқ қолган ва у ердан уйнинг эшигигача бориш мумкин эди. Бу ҳовлининг дарвозахонаси жануб томонда бўлса ҳам дарвоза ва дарвозахона бутунлай қум остида қолган эди.

Отам қум тепасидан тойилиб тушди ва ҳалво пишириладиган уй олдига бориб:

— Уста Барот! Сиз қаерда, — деб чақирди.

— Мен бу ерда, бола-чақалар блан тириклай гўр ичида ўтирибмиз! — деган товуш уй ичидан эшитилди-да, уста Баротнинг ўзи эшикдан чиқиб, отам блан саломлашиб кўришди.

Отам ҳол-аҳвол сўрагач, у жавоб бериб:

— Қум ҳужум қилиб, ўтирган уйимизни хавф остида қолдиргач, биз рўзғор асбоби ва уй анжомини томи баланд бу жойга кўчирдик, мен ўғилларим блан бирга қўлга курак олиб томга чиқдик ва қор курагандай, томга тушган қумни кураб бу томонга (жануб томонни кўрсатиб) ташлайбердик. Шундай қилиб бутунлай бошпанасиз қолишдан қутилдик, — деди ва кўзларидан томабошлаган ёшларини энги блан артди.

— Шукур қилинг! Қишлоқдошларингизнинг ҳаммалари бошпанасиз қолганлар,— деб отам уни юпатгандан кейин, биз ундан ажралиб қум оша собиқ кўчага чиқдик. Уста Баротнинг ҳовлиси олдидан ўтадиган катта кўча, кўчани ёқалаб оқадиган рўд, у ердаги катта кўприк, рўднинг ўша еридан ажралган тегирмон ариғи — буларнинг ҳаммаси қум остида қолиб ўзларидан бирор нишона ҳам қолдирмаган эдилар.

Уста Барот ҳовлисининг бироз қуйроғида — рўднинг жанубида бир тегирмон бор эди. У тегирмондан ҳам асар қолмаган эди. Шундай бўлса ҳам отам у тегирмон бино бўлган жойгача борди: тегирмоннинг эскирган биноси қумнинг оғир юкини кўтараолмай ўз ариғига чўккан ва тегирмоннинг бутун асбоб, анжомлари, тош ва дўлларигача гумнинг ичида, қумнинг остида қолган ва тегирмон ўрнида катта бир қум хомаси пайдо бўлган эди.

Биз тегирмон бошидан ҳовлига қараб қайтдик. Бугунги оғир меҳнат оқибатида чарчаш аломати кўрсатмаган отам, тегирмон манзарасини кўргандан кейин шалпайиб қолди, қаноти синган товукдай зўрға қадам босарди. Бирмунча жим боргандан кейин, чўзиб бир оҳ тортиб сўзга киришди:

— Биласанми, ҳозир мен йўнаётган чархлар шу тегирмоннинг буюртмаси эди. Мен бу иш учун олдиндан йигирма танга пул ҳам олиб харж қилиб юборган эдим. Бу фалокат натижасида менинг қилган меҳнатим харидорсиз бўлиб қолдигина эмас, олдиндан олиб еганим йигирма тангани топиб беришим ҳам керак, бу мен учун жуда оғирдир, — деди-да, жим бўлди.

Биз ҳовлига етдик. Дарвоза олдида амаким бизни қарши олди. У бирнеча кундан бери Тезгура қишлоғида бировнинг бинокорлик ишида ишлар эди, бугун келган экан. Отамга у томонлардаги аҳволни қуйидагича ҳикоя қилиб берди:

— Боғиафзал ва Тезгура қишлоқларининг боғ ва экинзорлари, Қораёғоч қишлоғи экинзорлари, Деҳнов қишлоғининг шимол томони, Муҳаммадбоқи қишлоғининг бир қисми ва Кочихўрла қишлоғи бутунлай қум остида қолган. Айтишларига кўра, қум ҳужуми, Саидато ва Вардонзе кўрғонигача етган.

Энди рўд йўқ, сув йўқ, рўдни Шафтолизор қишлоғидан бошлаб, то Вардонзегача қум босган. Қум ҳужумидан амонда қолган қишлоқларда ҳам тирикчилик бўл-

майди. Демак Шофирком тумани сувсиз, гиёсиз бир чўл бўлиб қолди, — деб отам ҳовлига кирди.

Маҳаллайиболо қишлоғида тирикчилик қийин бўлиб қолди. Аслда бу қишлоқ камсув бўлгани сабабли унда фақат учтагина ҳовуз бор эди, бу ҳовузларнинг бириси мачит олдидаги умумий ҳовуз бўлиб, икки ҳовуз бойларнинг ҳовлисида эди. Аҳоли кўпинча мачит олдидаги — катта кўчадаги қудуқдан сув ичар ва ариқда сув бўлмаган вақтларда ҳайвонларини қудуқдан суғорарди.

Рўдни қум босгандан кейин қишлоқ бутунлай чанқалди, ҳовузлар қуриди, қудуқнинг суви кун сайин озаяборди.

Бу ҳолни кўрган отам бизни эртaroқ Соктарега кўчирмоқчи бўлди. Биз ҳар йил тут пишганда Соктарега кўчадиган бўлсак, у йил тутлар ҳали ғўра боғламасданоқ Соктарега кўчдик:

### СОКТАРЕ ҚИШЛОҒИ

Соктаре қишлоғи Ғиждувон районига қарашли бўлиб район марказидан саккиз километр шарқда — Зарафшон дарёсининг ғарб қирғоғидадир. Бу қишлоқ Зарафшонга яқин бўлгани ва ўртасидан Мазрангон номли катта бир ариқ ўтгани сабабли серсув ва серўт эди. Бу қишлоқнинг ҳовлилари боғчалик ва чорбоғлик бўлиб хусусий ҳовузлилари ҳам кўп эди.

Бу қишлоқда ғўза, қовун, тарбуз ва ҳар турли сабзавот мўл-кўл эди. Қишлоқдан пастроқдаги дарё бўйларида жуда кўп сув талаб қиладиган шоли ҳам униб ўсар ва яхшигина ҳосил берарди.

Бу ерда ўрикдан тортиб шафтолигача турли-туман мевали дарахтлар, тол, терак каби иморатбop дарахтлар кўпгина ўсарди.

Бу қишлоқнинг аҳолиси ҳам турли-туман бўлиб: тожиклар, араблар, урганжилар, хўжалар деб аталарди. Хўжалар қабила жиҳатидан тўртга бўлинардилар: мираконий, сайидатойи, ғиждувонли ва соктарели.

Бу қишлоқнинг тубжой аҳолиси тожиклар ва соктарелилар бўлиб, мираконийлар Машҳаддан, ғиждувонлилар Ғиждувоннинг марказидан, сайидатойилар Шофирком районининг Сайидатойи деган қишлоғидан, урганжилар

урганждан келган бўлиб, араблар араб аскарларининг қолдиқларидан эдилар.

Бу қишлоқнинг тили асосан тожикча бўлиб, хўжалардан фақат сайидатоийлилар ўзбекча гапирарди. Бухоро музофотида ерлилашиб қолиб тожикча гапиришга одат қилган арабларнинг аксича бу ердаги араблар ўзбекча гапирардилар.

Бу қишлоқ аҳолисининг асосий касби деҳқончилик бўлиб, кўпчилиги оз ерли ва ерсиз эди. Бу қишлоқнинг ерлари икки хил бўлиб, бир қисми мулки ҳур (солиқ тўламайдиган), иккинчи қисми амлак — подшоҳлик (расман ҳосилнинг қирқ процентини солиқ номи билан подшоҳликка берадиган) эди.

Мулк ерларнинг кўпи мираконийлардан қозибаччалар ва мутаваллилар деган икки хонадоннинг қўлида тўпланган эди. Оз ерли ва ерсизлар чоракорлик, қоровуллик ёки бошқа бирор касб билан машғул эдилар. Тожикларнинг кўпчилиги амлак ерларида деҳқончилик қиларди. Урганжиларнинг кўпчилиги баққоллик қиларди, шунинг учун уларни «баққоллон» — баққоллар деб ҳам юритардилар.

Хўжалар, айниқса мираконийлар ва ғиждувонлилар дуохонлик ҳам қилардилар: теварак атрофлардаги халқ ҳатто Қармина каби узоқ жойлардаги аҳоли ўз касалларини ва жинни бўлган одамларини хўжаларнинг уйларига келтириб дуо ўқитар ва бу восита билан касалликдан тузалишни умид қилардилар. Сайидатоликлар қишда — деҳқончиликдан бўшагандан кейин узоқ қишлоқларга бориб «мурид овлаш» номи билан назр-ниёз тўплаб келардилар.

Хўжалар ҳар куни, эрта номозидан кейин мачитда давра ўтириб «авроди фатҳия» деган дуони баланд овоз ва махсус мақом билан биргалашиб ўқирдилар. Буларнинг базилари саводли бўлиб, кўплари мазкур дуони ота-боларидан оғизма-оғиз ёдлаб олган эдилар. Теварак қишлоқлардаги касаллар, нимжонлар ҳар эрта бу мачитга тўпланиб, мазкур дуонинг «шарофатидан» тузалмоқчи бўлардилар.

Бу қишлоқнинг мачити олдида қишин-ёзин давом қиладиган мактаби ибтидоий, мадраса дарслари ўқиладиган мадрасачаси бор эди. Шунинг учун бу қишлоқ у томондаги қишлоқларнинг маданийроғи саналар ва унда оё бўлса ҳам хатли-саводли одамлар топиларди.



Мен эсимни таниган вақтларда ғиждувонли саводли бир хотин хатибнинг аёли бўлиб, уйда қизлар мактаби ҳам бор эди. Шу жиҳатдан бу қишлоқ Бухоро қишлоқлари орасида биринчи ҳисобланарди.

Бу қишлоқнинг диний ишлари мираконий хўжаларнинг кўп ерлиларидан бўлган мугаваллилар қўлида бўлиб, ма'мурий ишлари тожиклар қўлида ва арбобу оқсоқол каби ма'мурлар буларнинг кўп ерлиларидан сайланар, тўғриси маҳаллий ҳокимлар томонидан тайин қилинарди.

Менинг ота-боболарим соктарелик хўжалардан бўлиб, булар сон жиҳатидан жуда оз ва ҳаммалари бир дарвозадан қирадиган бирнеча ҳовлида турардилар. Соктарелиларнинг кўпчилиги бир таноб, икки таноб ерга эга бўлиб, ба'зилари бутунлай ерсиз эди. Лекин буларнинг ҳаммалари ота-боболаридан мерос бўлиб қолгандай дуррагорлик ҳунарига эга ва ўз рўзгорлари учун тўқимачилик ҳам қилардилар. Булардан ҳам бирнеча ялқовлар бор эдики, улар ўз ҳунарларидан фойдаланмай дуохонлик блан машғул бўлиб юрардилар.

Соктарелиларнинг яна бир хусусияти шу эдики, булар ота-боболаридан мерос қилиб олгандай қадим замондан бери ҳаммалари хатли-саводли бўлиб, мен эсимни таниган вақтларда амакимдан бошқалари саводли ёки чаласавод эдилар.

Соктарелилар ўзларининг бу ан'аналарини 1598 йилда вафот қилган Абуабдулла-Поянда деган боболаридан бошлайдилар. Ривоятларга кўра бу одам Шайбони хонларидан Абдуллахон блан замондош бўлиб, у блан бир йилда вафот бўлган.

Абдуллахон блан ўғли Абдумўминнинг оралари бузилиб, қозоқ хонларидан Таваккал Бухоро атрофига ҳужум қилиб, буларнинг натижасида мамлакат бузғунлик ва қирғинга учраганда, мазкур Абуабдулла-Поянда «Ўткир қиличингизни яланғочлаб, бир-бирингизни ўлдириб, бу мамлакатдан йўқолинг ва ўзингиз блан бирга халқнинг бошига тушган бош оғриқни ҳам олиб кетинг» деган мазмунда қуйидаги тожикча ше'рни ёзган экан:

«Бикашед теги тезу бикүшед якдигарро,  
Биравед азин диёру бубаред дардисарро»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўз қўлимда бўлган «Жомиулфазойил» ҳам «Самаратулмашо-йих» номли қўл'ёзма китобларидан олинди:

Бу ан'ана Абуабдулла-Поянданинг авлодига ҳам та'сирсиз қолмаган, булар орасидан хонларга ва амирларга лаганбардорлик қиладиган одамлар оз чиққан.

### СОКТАРЕ ҚИШЛОҒИДАГИ ҲОВЛИМИЗ

Бизнинг ҳовли Соктаре қишлоғи мачитининг шимол томонида эди. Қишлоқ орасидан оқадиган Мазрангон ариғининг бўйидаги катта йўлдан бир тор кўча ажралиб, мачитнинг ғарб томонига бориб, бизнинг ҳовлига туташарди. Бу тор кўчанинг шарқида мактаб, мачитнинг ҳовлиси, мачит ва унинг чорбоғи бўлиб, ғарбида дарвозаси катта йўлга қараган бир катта ҳовли ўзининг боғчаси ва сарҳовузи блан бино топган эди.

Бу тор кўчанинг охирида ғарб томонда бир бурилиш бўлиб, унда бирнеча ҳовли бор бўлса ҳам, ҳовлимизнинг дарвозаси тор кўчага қараган эди (ҳозирги қурилишда ҳовлининг дарвозаси бошқа жойда).

Мачит чорбоғининг шимолида ва ундан бир пастгина деворча блан ажратилган, эни тахминан 150 метр бўлган бу ҳовли ёлғиз менинг отамники бўлмай, бунда бутун қавм-қариндошларнинг ҳарбири бир бўлимни эгаллаб жойлашган эдилар.

Бу ҳовлининг узунлиги тахминан икки юз метр бўлиб, тўрт бўлимга бўлинган ва ҳарбир бўлим жанубдан шимолга қараб чўзилиб кетарди. Отамга қарашлиси биринчи бўлиб, тор кўчадан келганда дастлаб шу бўлимга кириларди.

Бизга тегишли бўлимнинг ташқи қисмида отам амакисининг ҳовлиси бўлиб, унинг бир қисми туртиб чиққани сабабли биз ташқаридан ичкарига тор ва узунгина бир йўлакча орқали ўтардик.

Мен энди эсимни таниган вақтда бизнинг ичкари ҳовлида эски бир чўпқори уй (мен туғилган уй) ва битта хом ғиштдан қурилган отамнинг дўконхонаси бор эди. Бу уй ва дўконхонанинг жанубида ҳовли юзи, шимолида ҳовуз ва боғча бор эди.

Бизнинг бўлимнинг шарқида ва бир қисми бизнинг ташқари ҳовлимизга туртиб кирган ҳовли отам амакисиники эди. Биз Маҳаллайиболодан Соктарега кўчган вақтда Абдуллаҳўжа номли отамнинг амакисини «тўқсонга кирган» деярдилар. Бу чолнинг ичкари ҳовлисида эски бир уй бўлиб, унда ўғли, келини ва ота-онасиз қолган бир набираси турардилар, бизнинг ҳовлига туртиб чиққан,

мачит каби тўрт бурчакли ва ўртасида устунни бор меҳмонхонада чолнинг ўзи турарди.

Бу чол ёшлик вақтида дурадгорлик ҳунарини қўлга киргизиб, қаригунича шу ҳунар орқасида тирикчилик қилган ва озгина ери ҳам бўлган. Аммо унинг Иброҳимхўжа номли ўғли бўлиб, у ялқов чиққан, на ерга қарашган ва на дурадгорлик қилган, шунинг учун чол қариб, иш қобилиятини йўқотгандан кейин ерини сотиб еган.

Мен эсимни таниган вақтларда бу чолнинг ҳечбир кирими йўқ ва унинг кундалик овқатини қариндошлар бериб турардилар. Хатли-саводли бўлган ўғли қишлоқ-ма-қишлоқ юриб дуохонлик қиларди. Айтишларича, бу меҳнатсиз «касбда» (дуохонликда) ҳам «бахт унга ёрдам бермаган» эди. Ҳар 15—20 кунда бир марта уйга келса ҳам, унинг бу «касбдан» топиб келтирган нарсаси хотини ва у блан бирга турадиган жиянининг кундалик овқатларига етмасди ва тўқсон яшар отасига ҳеч қарамас ёки қараш учун имкон топмасди.

Қишлоқдаги бошқа дуохонлар бу ишдан катта даромад олиб юрганлари ҳолда, бу «касбдан» қорни тўймаган Иброҳимхўжани, отам «фосиқи маҳрум» (фосиқлик блан машғул бўлиб унинг «лаззатидан» ялчимаган) деб атарди.

Чол — Абдуллахўжа бўлимининг шарқида бир кампирнинг уйи бор эди. Бу кампирнинг ёши саксондан ошган бўлиб, уни бутун қишлоқ халқи «Тўтапошша» деб атарди. Уни кўрмаган одам тақилган бу унвонни эшитганда «устма-уст шойи, атлас кўйлақлар кийиб, бирнеча қаваг юмшоқ кўрпачалар устида чордона қуриб ўтириб, бирнеча оқсоч (хизматчи хотин)га иш буюрадиган бўлса керак» деб тасаввур қилиши мумкин эди.

Лекин ҳақиқатда у кампирнинг эғнида мингбир ямоқ бир кўйлақ, лозими бўлиб, рўзгор буюми бир жуни тўкилган эски пўстакча, бир куя еб тешилиб титилаёзган кийгиз, бир йиртилган кўрпа, кўрпача ва бирнеча пахта-си чиқиб осилиб турган ёстиқлардан иборат эди.

Бу ўртабўйли кампир шу даража букилган эдики агар ўтирмоқчи бўлса, кўкраги бориб тиззасига ёпишаёзарди. Шунинг учун у кўп вақтда юзини осмонга қаратиб ётарди ва ётган вақтида боши остига бирнеча қават ёстиқ қўйгани каби сонлари остига ҳам ўша баландликка мос ёстиқ қўярди ва шундай қилиб у букилган

бўйнинг мувозанатини сақлаб, бели зўриқмайдиган тарзда ётарди.

Бу кампир қачонлар ўлиб кетган Абдулқуддусхўжа номли отам амакисининг хотини эди. Унинг Шарофхўжа деган бир ўғли бор эди. Лекин у ҳам Иброҳимхўжа каби иш'ёқмас бўлиб, қозиваччалар блан ошнолик қилиб юрган ва отаси ўлгандан кейин ошнобозлик йўлида ўша «дўстлари» — қозибаччалардан қарздор бўлиб, отасидан қолган икки таноб ерни уларга сотиб Қарши томонга бошини олиб кетган. У тсмонда ҳам ишсиз улоқиб юрса керакки, йилда бир марта онасини кўрмоқ учун келганида ҳам, кўзга кўринарли бирнарсга келтирмасди.

Тўтапошшанинг нафақасини ҳам Абдуллахўжаники каби қавм-қариндошлар берардилар.

Энг охирги — шарқдаги бўлимда отам амакисининг ўғли тирикчилик қиларди. Биз Маҳаллайиболо қишлоғидан кўчиб келган вақтларимизда бу одамнинг ёши элликка борган дер эдилар. Бу одам узун бўйли, қорақўз, қорақош, қорасоқол бўлиб туси оқ ва юзи ҳам лаби блан бирга кулумсираб турган хушвақт бир киши эди.

Унинг асосий касби дурадгорлик бўлиб, бу ҳунарда маҳорати катта эди. Чўп йўнишда ва чўпга қабартма ва ўйма нақшлар солишда Бухоро шаҳрида ҳам у каби усталар кам топилади деярдилар.

Бу кишининг номи Ҳидоятхўжа бўлса ҳам, усталикда шуҳрат топганидан уни Устахўжа деб атардилар. У хатли, саводли эди ва халққа чучук тил ва очиқ юз блан муомала қиларди.

Устахўжанинг биринчи хотинидан қолган икки ўғли бор эди, катта ўғлининг номи Саидакбар бўлиб, менинг акам блан тенг, хат-саводли, қишлоқ хатибида ўқирди; Икромхўжа номли кичик ўғли мендан икки ёш катта, чаласавод бўлиб, отасининг ишларига ёрдамлашарди.

Устахўжа биринчи хотини ўлгандан кейин иккинчи марта уйланган ва бу хотинидан ҳам икки қизи бор эди. Қизлари ёш ва хотини Хатча хўжалардан бўлиб, кибрли ва қўлини иссиқ-совуққа урмайдиган бир хотин эди. Шунинг учун Устахўжанинг ўз ҳунаридан даромади ёмон бўлмаса ҳам, унинг рўзғори бизникидан ободроқ эмас эди. Шундай бўлса ҳам у Тўтапошша ва Абдуллахўжадан ўз ёрдамини аямасди.

Акам Соктареда Саидакбар блан бирга қишлоқ хатибида дарс ўқишга киришди. Мен бўлсам бу серсув қиш-

лоқда эртадан кечгача ариқча қазिश, ерча ясаб уни су-  
ғориш, сув, лой ичига ботиб юришдан бўшамасдим.

Отам қишда ҳам бизни Маҳаллайиболога кўчирмас-  
ликка қарор берди. Чунки у томонда тирикчилик фақат  
қудуқ сувига қараб қолган эди. Шунинг учун у Соктаре-  
даги ҳовлимизни қайтадан қуриб, қишда туришга ярарли  
қилишга киришди: эскирган уйни бузиб, уни майдонли қи-  
либ қурди. Ошхона учун бир айвонча, моллар учун пах-  
садан бир оғил ва бир сомонхона бино қилди.

Бу бинокорликда отамга Устахўжа катта ёрдам бер-  
ди. Иморатнинг лой, ғишт ишларида акам блан Икром-  
хўжа ҳам қўлларидан келганча кўмаклашдилар. Аммо  
Саидакбар ҳеч қарашмади ва отаси уни ёрдамга чақир-  
ганда «Мен хушхат бўлишни истайман, агар лой, ғиштга  
қўл тегизсам қўлим қалам ушлашдан чиқади» дер эди.

Отам Соктарега келгандаёқ кўклам бошида ичкари  
ҳовлининг майдончасини кетмон блан юшматиб, текислаб  
ўрик ниҳоллари ўтқизган эди. Янги уйимизнинг икки эши-  
ги жанубдан — янги ўтқазилган ниҳолларга қараб ва ик-  
ки эшиги шимол томонда — ҳовуз ва эски боғчага қараб  
турарди. Отам мени шу рўбарў очилган эшиклар орасида  
ётқизарди (кичикликда шундай шамол жараёнида одат-  
ланган бўлсам керакки, ундаги «сквозняк» менга зарар  
қилмасди).

У йил мен, Икромхўжа, Ҳомидхўжа номли Иброҳим-  
хўжанинг жияни ва Устахўжанинг қизлари кўпинча Тўта-  
пошша блан машғул бўлдик. Кампир бизга қизиқ-қизиқ  
ҳикоялар айтар ва ажойиб афсоналар ва эртақлар нақл  
қиларди. У Рустами дoston, Исфандиёр, Сиёвуш, Абумус-  
лим, Меҳтарбоди балво ва доғулилар афсоналарини ёд-  
дан биларди.

Бизнинг ҳарбиримиз унга нон, ўрик каби егуликлар  
келтириб бериб, уни гапга солардик. У бош оёғини ба-  
ланд ёстиқлар устига қўйгани ҳолда осмонга қараб ётиб  
гапирарди.

У, бирнеча марта бизга бир «доно малай ва фрибгар  
бой» тўғрисида ҳикоя қилган эди. У ҳикоя жуда қизиқ  
бўлганидан ҳозиргача эсимдан чиқмаган ва уни нақл қи-  
либ китобхонлар блан ўртоқлашсам зарар қилмаса ке-  
рак.

### **ДОНО МАЛАЙ ВА ФРИБГАР БОЙ**

Тўтапошшанинг айтишича, «Бор экан, йўқ экан, бир  
фрибгар бой бор экан» у доим ўз қарол ва малайларини

текин ишлатар экан. Бирор хизматчи ундан ҳақ талаб қилганда, у бирон баҳона топиб, уни қарздор қилар ва хизматкор «қарз»ни тўламагунча унинг қўлидан қутилолмас экан. Борди-ю, бирон қарол бундай қилинмаган қарзини бирор йўл топиб тўласа, бой яна бирон туҳмат блан уни иккинчи бор қарздор қилар экан. Шу тариқада у бойнинг қўлига тушган ҳарбир қарол, малай умри бо-рича ундан қутилолмас экан.

Бора-бора қарол ва малайлар у бойнинг фрибини тушуниб олиб, ҳечбир киши унинг хизматига кирмайдиган бўлган. У ҳарбир кишини ўз хизматига таклиф қилса «Сен фрибгар, сен туҳматчи» деб унинг таклифини рад қилар экан.

Охирда бойнинг бутун эски хизматкорлари ўлиб, бутунлай хизматчисиз бўлиб қолганида қишлоқдаги камбағалларни мачитга, имом олдига тўплаб, уларга агар хизматимни қабул қилсангиз кўп нарса бераман деган ва имом олдида, вадам устидан чиқмасам хотинталоқ бўлай, деб қасам ичган.

Ушанда ҳам камбағаллар унинг таклифини рад этганлар, «ўзинг нимаю, қасаминг нима бўларди» деганлар.

Иш бу даражага етгандан кейин бой ўйлаб-ўйлаб бошқа бир фриб йўлини топган: у қишлоқда отасиз-онасиз қолган бир ўғил болани «ўғлим мен блан бирга уйимга кел, сенга зарур бир ишим бор!» деб эргаштириб ўз уйига олиб келган ва уйда у болага:

— Ўғлим,— деб гап бошлаган,— сенинг отанг йўқ, менинг ўғлим йўқ. Агар сен менга хизмат қилсанг сени фарзанд қилиб оламан. Бирдан-бир болам бўлган қизимни бўйга етганда сенга никоҳлаб бериб, сени куёв қиламан. Мен ўлгандан кейин менинг барча мол-мулким сеники бўлади,— деган.

Бой бу гапларни айтгандан кейин беш яшар қизчасини чақириб у болага кўрсатиб:

— Ана кўрмайсанми, бу қандай оппоқ, дўндиқча! Мана шу менинг бирдан-бир арзандам, келажакда сенинг хотининг бўлади,— деган.

Малай уяла-уяла бойнинг таклифини қабул қилган ва ўша куннинг ўзида бойга малай бўлган.

Кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтаберган. Малай бойга сидқидил блан фарзанддек хизмат қилаберган,

бойнинг нафани — ўзининг нафи, унинг зарарини — ўзининг зарари деб билган. «Мен унинг куёви бўлганимдан кейин унинг барча нарсаси меники бўлади» деган ўзича.

Малай, бойнинг қизчасига ҳам ўзининг келажакдаги хотини каби қараб, унга ҳар турли ўйинчоқлар ясаб бериб, унга қизиқ гаплар топиб гапириб, уни эркалатиб хурсанд қилар экан.

Қизча ҳам бу чучук тилли, меҳрибон, хушмуомала ўсмирга софдиллик блан меҳр қўйган ва ундан бир нафас ҳам бўлса ажралиб туришни истамас экан.

Қиз бўйга етганда отасининг малай болани ўзига куёв қилиш тўғрисидаги ва'дасини эслаб, унга бошқа кўз блан — келажакдаги ёри ва турмуш йўлдоши сифатида қарайбошлаган. Бу вақтда унга бўлган соф болалик муҳаббати ҳаяжонли севги ҳолатига кирган. Энди малай уни қандай эркалатиб хурсанд қиладиган бўлса, у ҳам эркалатиб хурсанд қилишга уринадиган, уни илгари «ака» деган бўлса энди «акажон!» дейдиган, унинг ишларига ёрдам қилиб имкони борича юкини енгиллаштирадиган бўлган.

Малайнинг муҳаббати ҳам қизгин тус олган, оз вақт қиздан узоқда туриш ҳам унга қийинлик қилиб қолган. Иш учун далага бораётган чоқларида бирор зарур ва муҳим нарсаси уйда қолган ёки орқасидан келаятган бирон яқин дўстини кутаётган каби ҳар қадамда бир кетига қараб-қараб борадиган бўлган.

Малай қизга бўлган севгисининг ортиши блан бойнинг хизматини ҳам илгаригисидан яхшироқ ва пухтароқ қилабошлаган, «бой менинг жон куйдириб ишлашимни кўриб, менга кўнгли исисин ва қизини тезроқ никоҳ қилиб берсин» деб дам олмасдан ишлашга киришган.

Бой ҳам унга ўз муомаласини аввалгидан яхшироқ, отадек муомала қилабошлаган, илгари унга иш буюрганда масалан «буғдойни ўр! Ғўзани суғор!» деган бўлса, энди, «буғдойингни ўр! Ғўзангни суғор!» деябошлаган.

Малай бойнинг бундай «оталарча» иссиқ муомаласини кўриб мақсадга эришиш кунини яқинлашганига қаноат ҳосил қилиб юпанган бўлса ҳам, қиз севги ўтида соат сайин шиддатлироқ ёнабериб охирда тоқатсизланган ва ҳарқандай мулоҳаза ва уялишдан кўз юмиб, малайдан:

— Отамдан бирор киши орқали тезроқ тўй қилиб беришни сўра!— деб талаб қилган.

Аmmo малай бу талабни рад қилган:

— Мен сўрамасдан ўзи тўй қилиб берса яхшироқ бўлади, ўзи ҳам шундай қилмоқчига ўхшайди,— деган.

Бу орада қиз ўзига ҳар томондан талабгор чиқаётганини сезган ва қиз кўрадиган хотинларга онасининг қандай жавоб бераётганини эшик орқасидан туриб тинглаган, онаси ҳечбир кимсанинг қизини келин қилиш тўғрисидаги талабини рад қилмас, «қизимнинг боши боғлиқ» демас экан. У, ҳарбир совчига фақат тўй харажати тўғрисида гапириб, қизига юқори баҳо қўяр экан. Чунончи: «Агар худо тақдир қилган бўлса, биз сиздан яхшироқ куда топаолмаймиз, лекин отаси вилоятда тўрттадан битта, халқнинг тўйини кўп еган. У киши тўй қиладиган бўлсалар ўн ботмон гурунж керак бўлади. Албатта қизлари учун ҳам ўзига яраша кийим-кечак ва тўққиз талаб қиладилар, тўй учун бериладиган нақд пул ҳам қизларига муносиб бўлиши керак» дер экан ва сўнгра она қўшимча қилиб: «Агар худо насиб қилган бўлса-ю, куда бўлуи ҳалиги нарсаларни тайёр қилаолса, биз бир қиз эмас, юзта қизимиз бўлса ҳам бериб юбораберамиз» дер экан.

Қиз бундай савдолашлардан ота-оналарининг уни малайга бермасликларига, уни яхшироқ баҳо блан сотиш учун серпулроқ харидор излаб юрганликларига қаноат ҳосил қилган, шунинг учун малайни кўриб, унга ҳалиги воқиаларни гапириб:

— Сен тезроқ бирор киши орқали мени отамдан талаб қил. Агар сен талаб қилмасанг, ёки отам мени ўзи истаган бирор кишига бермоқчи бўлса, шуни билиб олки, мен ўзимни ўлдираман!— деган.

— Агар отанг ўз ва'дасидан қайтиб сени менга бермаса, ёки бошқа бирор кишига бермоқчи бўлса, аввал мен ўзимни ўлдираман,— деган-да, тўғри қишлоқ имомининг олдига борган.

Малай имомга бойнинг ва'даси ва ўзининг мақсадини эслатиб, бой блан ўзи орасида воситачилик қилиб, қизни сўрашни ундан илтимос қилган.

Имом малайнинг талабини қабул қилиб, унинг мақсадини бойга айтган. Бой бу гапни эшитиш блан хоҳолаб кулгандан кейин, имомга:

— Малайнинг жавобини ўзига бераман, агар сиздан жавоб талаб қилса, ўзимга ҳавола қилиб қўяқолинг!—



деган ва ўша соат далага, малай олдига бориб, кулумсираб унга айтган:

— Уғлим, сен кўп шошилма! Ҳар кимни орага солаберма! Мен йиғим-теримдан кейин ўзимга ва қизимга яраша тайёрланиб, шу кузда тўй қилмоқ ниятидаман. Бу тўғридан сен хотиржам бўл! Сен совчиларнинг келиб-кейтишдан гумонсирама. Сен бахтли бўлганингдан қаллигинг гўзал, шунинг учун унга талабгор кўпайган. Аммо биз бирор кишини ранжитмоқчи эмасмиз ва бирор совчи-га «Кетинг, биз сизга қиз бермаймиз» демаймиз. Лекин «Бермас қизнинг қалини оғир» деганларидек қизга баланд баҳо қўямиз. Шу восита блан ҳарбир совчини ранжитмасдан ўз эшигимиздан узоқлаштирамыз.

Малай бу гапларга ўзи ишонгани каби қизни ҳам ишонтириб, тинчлатган ва илгаригисидан ҳам кўпроқ ва яхшироқ ишлайберган.

Кунлардан бир кун бойнинг дарвозаси олдида бир қатор туя пайдо бўлган. Бу туяларнинг жул-жағозлари патли, янги қизил гиламдан бўлиб, бўйинларига, думларига ва тиззаларига кумуш қоплама қўнғироқлар, нўхталарига гипакли қизил лўпақлар тақилган экан.

Бу туяларнинг бирнечтасига гурунч, бирнечтасига ун, бирнечтасига шакар, қанд, навот ва ҳалво каби ширинликлар, бирнечтасига духоба, кимхоб, зарбофт, атлас, адрас ва шойи кийимликлар ва кўрпа-ёстиқ бўладиган газламалар юкланган экан. Бир туяга икки тир сандиқ ортилган ва одамларнинг гапига кўра, у сандиқлар нақд тилла, танга ва қизга тақиб, уни безатиш учун олтин-кумушдан ясалган безаклар блан тўла экан.

Туяларни бойнинг дарвозаси олдига чўктириб, уларнинг юкларини тушириб, бойнинг ҳовлисига киргизаётганларида, бой ўз қизини бир бой куёвга унашганлигини ва бу юкларнинг тўққуз ва «попук»лиги ва шу кунларда фотиҳа — бош тўй бўлажаги ҳаммага билиниб қолган. Бу ҳолни кўрган малайнинг кўз олди қоронғилашиб, боши айланабошлаган, гўё осмон унинг бошига чўкиб, тегирмон тошидай гир айланиб, унинг ғавдасини буғдой донасини эзаётгандек, а'зойи-бадани титраб-қақшаган.

Малай аввал, ўзини ўлдирмоқчи бўлган, аммо бирпасдан кейин, ўзини тутиб олиб: «Ўзимни ўлдириш қочмайди, танда жоним борица ўзимни ва қизни қутқазिशга

уринишим керак. Агар мақсадимга эришаолмасам, ўшанда ўзимни ўлдираман» деган.

Малай шу мулоҳаза блан одамлар тўй тушириш блан машғул бўлган вақтда бир пасқам йўлакча орқали ҳовлининг боқча томонига ўтган ва уерда бир бурилишда туриб, қизни излайбошлаган.

Ичкари ҳовли қўни-қўшни хотин-қизлар блан тўла ва улар ҳарбир туширилган молни очиб кўриш учун бир-бирлари блан талашиб-тармашиб чувиллашмоқда эканлар. Қиз бўлса ўтинхонада пусиб ўтириб йиғламоқда экан.

Малай қиз томонга кўз тикиб туриб, кўзлар бир-бирови блан дуч келганда уни имлаб, боғча томонга чақириб, бир хилват бурчакка олиб борган.

Қиз уерда малай блан юзма-юз келганда этаги остидан ўткир бир ханжарни чиқариб, унга кўрсатиб:

— Мен ўзимни ўлдириш учун бирор хилват жой изламоқда эдим. Мана шу жой жуда соз экан,— деб ханжарни ўз қорнига суқмоқчи бўлганида, малай унинг қўлини тутиб:

— Аввал мен ҳам шу фикрда эдим,— деган,— лекин бир чора эсимга келиб, вақтинча бу фикрдан қайтдим. Агар у чорани амалга ошираолсам, сен ҳам, мен ҳам қутилиб бахтли турмушга эришаоламиз.

Қиз бу гапни эшитгач, қўлларини малайнинг бўйнига солиб, бирнеча марта унинг оғзидан ўпиб:

— Тезроқ топган чорангни айтақол! Агар кечиксанг, қувончдан ўлиб қутилиш чорасини бутунлай унутиб юбормай, деб қўрқаман,— деган.

— Ҳозирча чидаб тур! Ота-онангга ва қўни-қўшнilarга ўзингни бу тўйдан хурсанд каби қилиб кўрсат. Аммо доим қочишга тайёр бўлиб тур. Қулай фурсат топилган чоқда мен яширинча келиб, сени олиб қочиб кетаман. Аммо мен, ҳақиқатда мен блан сен учун мотам бўлган бу тўй вақтида бунда тураолмайман ва бирор жойга бориб яшириниб, қочиш учун тайёрланишга киришаман,— деган йигит.

Икки ёш бир-бирларини қучоқлаб, ўпишгандан кейин вақтинча ажралаётганларида малай яна:

— Лекин фотиҳа тўйи ўтгандан кейин бир марта отангга учраб ундан 12 йиллик хизмат ҳақимни талаб қиламан. У «бундан кейин қарол ва малайларимга ҳақ тўламасам хотиним талоқ бўлсин» деб имом ва бутун

қишлоқ халқи олдида қасам ичгани сабабли менинг ҳақимни тўласа керак. Мен буни шунинг учун қиламанки, биз ҳочиб бир томонга борганимизда, унда бирор иш топгунимизгача ҳам пул керак,— деган.

Қиз блан йигит гапни бир жойга қўйиб, бир-бирларидан узоқлашганлар. Малай ўша соатдан бошлаб у қишлоқдан ғойиб бўлган...

Фотиҳа тўйидан бирнеча кун ўтгандан кейин малай бойга учраб, ундан ўз ҳақини талаб қилмоқчи бўлиб, қишлоққа келган. Бой имом ва қишлоқ катталари блан гурунглашиб мачитнинг олдида ўтирган экан.

Малай тўғри бойнинг олдида бориб туриб, унга салом бериб:

— Бой амаки, нон-тузингизни кўп едим, хизматингизни оз қилдим, мендан рози бўлинг! Мен энди сиздан кетаман,— деган ва, яна давом этган,— кетар чоғимда ҳақимни тўласангиз, мен буни ўзим учун сизнинг охириги неклигингиз билиб, сиздан кўпдан-кўп миннатдор бўлар эдим.

— Қандай ҳақ? — деб бой ғазабланиб сўраган.

— 12 йиллик хизмат ҳақим, у шундай ҳақларданки, сиз домла бобом олдиларида бундай ҳақни тўламасам хотиним талоқ бўлсин, деб қасам ичиб эдингиз.

Бой бундай жавобни эшитгач, кўзлари катта очилиб, бўшашиб кетган, тарвузи қўлтиғидан тушиб:

— Ҳақ талаб қилсанг ҳақ бераман,— деган,— тегирмонга олиб бориш ниятида омбордан ярим қоп буғдой чиқариб қўйиб эдим. Бор, ўша буғдойни ол-да, рози бўл!

— 12 йиллик хизматимнинг ҳақи ярим қоп буғдой бўладими? Сиз бу ишингиз блан ўз ҳалол хотинингизни ўзингизга ҳаром қилмоқчи бўласизми? — деган малай, кулимсираб ҳечбир қизишмасдан.

Бой малайнинг бу гапини эшитгач, халқ орасида хотин талоқ та'насига қолиб, обрўсиз бўлишдан қўрқиб, гелбаланиб мадад сўраш назари блан имомга қараган. Чунки у бойнинг қасамига шоҳид эди, ажаб эмас эдики, бирор шар'ий ҳийла топиб, бойни бу батқоқдан қутқазса.

Имом ҳам «Қушлар тилини қушлар тушунадилар» деган мақолга мувофиқ, бойнинг мақсадини тушуниб, дарҳол унинг ёрдамига етган-да, малайдан сўраган:

— Бой сани хизматга олганда сенга йилига қанча ҳақ бермоқчи бўлган эдилар?

— Ҳечбир ҳақ ва'да қилганлари йўқ, фақат сени куёв қиламан, деб ва'да қилиб эдилар. Модомики қизларини бошқа кишига бермоқчи бўлганлар, менга тегишли ҳақни тўлашлари керак,— деган малай имомга.

— Куёв қилиш ҳақ бўлмайди, ҳар йили қанча пул, ёки мол бераман деган эдилар? Сен мана шуни айтиб бер! — деган имом ўз саволини такрорлаб.

— Ҳечнарс ва'да қилганлари йўқ,— деб малай жавоб берган.

— Жуда яхши,— деган имом, бу очиқ жавобни эшитиб,— ундай бўлса ҳар нарсаки, бой муносиб кўриб берсалар, ўша сенинг 12 йиллик хизмат ҳақинг бўлади. Бой сенга ярим қоп буғдой бермоқчи бўлган эканлар, бу у кишининг катта марҳаматлари. Агар бир коса буғдой бермоқчи бўлганларида ҳам, сен ортиқча талаб қилаолмас эдинг ва бу кишининг қасамлари ҳам синмас. Модомики, сенга ҳақ тўлар эканлар, - сени текин ишлатмас эканлар, шариат юзасидан хотинлари талоқ бўлмайди. Сен ўша ярим қоп буғдойни олиб, бойни дуо қилиб, хурсанд бўлиб кетабер!..

Малай имомдан бу шар'ий ҳийлани эшитиб, аввал ғазабланган бўлса ҳам, кўнглига бир фикр келиб, ўзини қизишдан тўхтатиб, хурсанд кўрсатиб:

— Хўп, ҳарниманики сизлар муносиб кўрсангиз, мен рози, лекин мен буғдойни олиб кетаман деганда бойбиби бермасалар нима қиламан? — деган.

— Агар у сенинг гапингга ишонмаса,— деган бой,— унга айтгин, дарвозадан чиқиб менга қарасин, мен унга «Бериб юбор!» деб ишорат қиламан, олиб кетаверасан.

Малай қувонганидан терисига сиғмай югуриб бориб, бойнинг ҳовлисига кириб, отни эгарлайбошлаган. Бойнинг хотини ичкаридан чиқиб, ундан:

— Нима қилаяпсан? — деб сўраганида, малай:

— Бой амаким «буғдойни тегирмонга олиб бор, синглингни ҳам бирга ол, тўйдан аввал тегирмонни тамоша қилиб қайтсин» дедилар,— деган.

— Ёлғон айтасан,— деган бойнинг хотини,— бўйи етган ва янги фотиҳа бўлган қизни сенга қўшиб юбормайдилар.

— Ишонмасангиз дарвозадан чиқиб ўзларига қаранг! Сизга тушунтирадилар,— деган малай.

Хотин бир чопончани бошига ёпиниб, дарвозадан чиқиб мачит олдида имом ва катталар блан ўтирган бойни

кўрган, у блан бирга чиққан малай бойга қараб қўлини кўтариб қимирлатиб, баланд овоз блан:

— Олиб кетай десам бу киши қўймайдилар,— деган.

— Қўй, майли, олиб кетаберсин! — деган.

Малай югурганича ҳовлига кириб, оласолиб буғдой қопини кўтариб, отга ортиб, устига миниб олган ва тайёр бўлиб турган қиз ҳам унинг орқасига мингашган.

— Малай дарвозадан чиқиб, отнинг бошини қишлоқнинг бошқа томонига — одамлар ўтирган мачит томоннинг тескарисига қаратиб бурганда, уни қамчилаб, пошналаб, кистаб суриб бир зумда кўздан ғойиб бўлган.

Бой бу вақидан хабардор бўлиб, то унинг орқасидан от миниб қидириб чиққунча, малай қишлоқдан анча узоқлашган ва бирнеча кунда узоқ бир вилоятга бориб, жойлашиб олиб, иккала ёш қувноқ турмуш қуриб, муроду мақсадига етипти.

Тўтапошша бу ҳикояни ғоят равшан образлар блан содда халқ тилида моҳирона тасвирлаган эди. Мен ва бошқа эшитгучилар кичик ёшда бўлсак ҳам, буни эшитиб, ҳаяжонланган эдик. Эссизки, мен у кампирнинг табир ва тавсифларини эсимдан чиқарганман. Бу ҳикояни эшитганимдан олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтганда уни ўз тилим блан ёзишга мажбур бўлдим, лекин имкон борича содда ёзишга ҳаракат қилдим. Мен ҳикоячиликда ўша саводсиз 80 яшар кампирни ўзимнинг биринчи устозим деб биламан ва уни ҳарвақт ҳурмат блан эслайман.

Тўтапошша эртақ ва афсоналарни нақл қилишда жуда ҳунарманд эди ва бирор муносабат блан эртақ, афсона ё халқ мақолини айтиб берар эди. Бир кечқурун ҳали кун унча қоронғилашмаган эди, онам менга бир коса ош бериб, олиб бориб кампирга беришга буюрди. Мен ошни олиб бориб, кампирга бердим. У менга:

— Бироз тўхтаб тур! Мен ошни еб, косани бўшатиб бераман, олиб кетасан. Онанг уни қозон-товоқлар қаторида ювади,— деди.

Мен ўтирдим. Шу вақтда Устахўжанинг кичик ўғли — Икромхўжа келиб менинг ёнимда ўтирди ва кампирдан бирон ҳикоя айтиб беришини сўради.

— Бу кеча менинг гапиришга ҳавсалам йўқ, ўзимни жуда ҳолсиз сезаяпман. Лекин очликдан уйқум келмай туриб эди. Ошни егандан кейин ётишим керак,— деди кампир.

Икромхўжа бироз дағалроқ бола эди, айниқса кампирга азоб беручи ҳазиллар қиларди. Шу вақтда унинг мана шу хусусияти қўзғолди ва ошни кампирнинг олди-дан олиб, узоқроққа бориб туриб:

— Бирор эртақ айтиб беришни ва’да қилмасангиз, мен сизни ош ейишга қўймайман,— деди.

Кампир ҳикоя айтишни ва’да қилиб, Икромхўжа қўлидан ошни олиб еб, ҳикояга киришди.

## ҲАРБИР ИШНИНГ ЎЗ ВАҚТИ ВА ЖОИ БОР

Кампирнинг айтишига кўра, бор экан, йўқ экан, бир қашшоқ шоир бор экан. У, бир мадрасанинг ҳужрасида турар экан. Унга ҳар вақт ёрдам бериб, уни зиёфат қилиб юрадиган бир дўсти бор экан. У шоир ҳарвақт «Бирор нарса топсайдим, шу ошноми мен ҳам зиёфат қилардим» деб орзу қилиб юраркан.

Кунлардан бир кун ёввойи каптар парвоз қилиб келиб, шоирнинг ҳужрасига кириб қолган. Шоир чаққонлик блан ўрнидан ирғиб туриб, эшикни ёпиб, каптарни тутиб олган ва дарҳол уни сўйиб, патларини юлган ва «Буни қовуриб, ўша дўстимни зиёфат қиламан» деб ўйлаган.

Аммо, каптар гўштини қовуриш учун шоирнинг ёғи йўқ экан. Шунинг учун воқияни қўшнисига айтиб бериб, ундан бир қошиқ мой сўраб олган ва каптарни ўша мойда қовуриб, қозонни ёпиб қўйиб, дўстини олиб келиш учун шошилиб кетган.

Шоир ҳужрадан чиқиб кетгач, воқиядан хабардор бўлган қўшниси унинг ҳужрасига кириб, қовурилган каптарни олган ва унинг ўрнига бир тирик каптарни қозонга солиб қопқоғини аввалгисидай ёпиб қўйган.

Шоир бироздан кейин ўз меҳмонини олиб келиб уни ҳужранинг тўрига ўтқазган ва енгини тирсагигача шимариб, лаганни артиб, капкирни қўлга олиб, қовурдоқни сузаман деб бир қўли блан қопқоқни қозон устидан кўтарганида тирик каптар қозон ичидан учиб чиққан ва ҳужранинг шипини бир-икки марта айлангандан кейин эшикдан чиқиб қаҳот қоқиб ҳавога кўтарилиб кетган.

Бу ҳолни кўрган шоир ҳушдан кетаёзган, капкир қўлидан тушган ва икки қўлини баланд кўтариб, осмонга қараб айтган:

— Худоё, худовандо! Ўлгандан кейин тирилиш ҳақ ва ростдир. Лекин вақти бор-да. Сўйиб қовурилган каптар-

ни тирилтириб мени меҳмон олдида шарманда қилиб, лаззатли таомдан маҳрум қилиш сенинг ша'нингга муносиб эмас эди,— деган.

Тўтапошша ўз ҳикоясини тугатганидан кейин Икромхўжага қараб сўзга киришди:

— Уғлим! Уша шоирнинг айтганига ўхшаш ҳикоя айтиб беришнинг ҳам вақти бор-да,— деди,— касаллик чоғимда мени қистаб азоб беришингиз лозим эмас эди.

Тўтапошшадан эшитган ҳикояларим кўп. Мен у эртактардан ба'зиларини адабий асарларимнинг муносиб жойларига киритиб юборганман. Бу ерда шунга айтиш керакки, умрини қийинчиликда ўтказган 80 яшар кампир биринчи ҳикоя ёки эртактни айтиб бериш блан чарчаб қоларди. Лекин болалар яна ҳикоя айтиб беришга уни қистардилар, айниқса Икромхўжа кўпроқ ҳикоя айтдириш учун унга азоб берарди, ба'зан унинг боши ва оёғи остидаги ёстиқларни олиб қочарди. Бундай вақтларда кампир гавдасининг мувозанати бузилиб, ҳамма оғирлик белига юкланиб, азоб чекар эди.

Бундай мавридларда кампир ўзини ундай шум болалар қўлидан қутқазиб учун «Дев, пари ва ажиналар» тўғрисидаги қўрқинчли ҳикояларни айтишга киришарди. Болалар бундай эртактларни эшитабошлагач, қўрқишиб, қочишиб кетишарди. Кампир тинчланиб осмонга қараб тескари букилиб, бош, оёғи остида баланд ёстиқларни қўйгани ҳолда ётарди.

Айниқса «Етти бошли дев» эртаги жуда қўрқинчли эди. «Болаларни ўғирлаб ейдиган у ёвуз дев» охирда «Қоф» тоғида Рустами Достон қўлига тушиб, ўз қилмишига яраша жазоланиб ўлдирилса ҳам, эртактнинг бош қисми жуда ваҳимали эди. Болалар орасидан ёлғиз мен у эртактни охиригача эшитганман. Мен Улуғ Ватан уруши вақтида Гитлер ва фашистларни ўша «Етти бошли дев»га ўхшатиб, уларни замон «Рустами Достони» — Қизил Армия қўлига тушириб ўлдиртирган эдим. (Бу ҳикоя ўша вақтларда «Ленин йўли», «Тожикистони Сурх», ва «Коммунист Таджикистана» газеталарида босилган эди).

Катта ёшли хотинлардан Султонпошша номли Иброҳимхўжанинг хотини «Дев, ажина» эртактларини эшитишга кўп қизиқарди. Султонпошшанинг уйи ва супаси Тўтапошшаники блан ёнма-ён эди. Ёз кечаларида булар-

нинг ҳарбири ўз супасида ётарди. Олдий эртақларини эшитишга Султонпошшанинг ҳаваси йўқ эди. Аммо кампир «Дев, ажина» эртақларини айтабошлагач, у ўрнидан туриб келиб, кампирнинг олдида ўтирар ва кампирни бундай эртақлардан кўпроқ айтиб беришга қизиқтирарди. Султонпошша кампирдан эшитган эртақларга ўзидан ба'зи гаплар қўшиб, айтиб бериб, хотин-қиз ва болаларни қўрқитишга интиларди. Унинг айтишига кўра, у кўп «дев, ажиналар»ни ва жумладан «Етти бошли дев»ни кўрган эмиш. У, айтарди: «Амакибобом (у ўз қайинотаси бўлган 90 яшар Абдиллахўжани шу унвон блан тилга оларди) нинг меҳмонхоналари орқасида «Еттибошли дев» бор. У, аввал қора мушук суратида кўринади, сўнгра ит, бўри ва эшак каби турли ҳайвонлар шаклида келади. Ундан кейин қора ҳам ваҳимали одам суратига кириб, етти бош чиқариб, бўйи осмонга қараб чўзилиб кетаберади, охирда боши осмонга етиб, суйкалиб туради. Мана шу вақтда кўзига бирон одам, айниқса болалар кўринса, тутиб олиб осмонга суйкалар, офтобда қиздириб ейди.

— Сиз уни кўрганда, у сизни кўрмаган бўлса керакки, тутиб қиздириб емапти? — деб ундан сўрадим.

— Мулламакинг (эри бўлган Иброҳимхўжани айтмоқчи бўлади) менга Исми А'замни ўргатганлар. Мен у «дев»ни кўрган вақтимда дарров ўша дуони ўқийман. Шунинг учун у менга зарар етказмайдими, — деди. Яна: — Дев, ажина тўғрисида эшитган гапларингни бирор кишига айта кўрма! Чунки у вақтда сенга зарар етказмади, — деб қўйди.

— Тўтапошша дев, ажина тўғрисида кўп гапирарди, девлар нега унга зарар етказмайдилар? — деб сўрадим.

— Тўтапошша ҳам мен каби Исми А'замни билгани учун девлар унга ҳам зарар етказмайдилар, — деди Султонпошша ишонтирарли оҳанг блан.

Мен бу гапларнинг та'сири блан кўрқоқ бўлдим. Кеча қоронғилашган ҳамон кўзимга кўринган ҳарбир нарсани «дев, ажина» деб ўйлардим. Султонпошша «дев, ажина» тўғрисида эшитган гапларни бошқаларга сўзлашни ман' қилгани сабабли, бу гапларни ота-онамга ҳам айтмас эдим.

#### «ДЕВ, АЖИНА ВА АЖДАРҲО»

«Девбандлар» ва Дуохонларнинг қишлоғи бўлган Соктареда умуман «Дев, ажина» ва «аждарҳо» тўғрисида



эртак кўп эди. Бизнинг ҳовлининг шимоли-ғарбида биздан унча узоқ бўлмаган бир мазор бор эди (бу мазор ҳали ҳам бор). Бу мазор баланд ва кенг бир тепадан иборат бўлиб, усти ва тевараги қабрлар блан тўла эди.

Бу тепанинг шимолий-ғарбий ёнбағрида бир ғор бор эди. Афсонапарастлар «У ғорда аждарҳо бор, ҳар кеча одамлар ётгандан кейин уясидан чиқиб, тўғри Зарафшон дар'ёси бўйига боради ва сувга кириб, қуйи лабини дар'ёнинг остига ёпиштириб, юқори лабини сувнинг юзига тутади, шундай бўлиб, дар'ёнинг бир томчи суви ҳам қуйига оқмай, ҳаммаси унинг ичига қуйилади. Аждарҳо шу йўсинда сув ичиб, қонганидан кейин сувни ўз оқимиغا қўйиб юбориб, ўз уясига қайтади».

Ҳалиги афсонапарастларнинг айтишларига кўра, аждарҳо сув бўйига бориб келишида агар йўлида бирор одам дуч келса, уни тириклай ютиб юборармиш. Аждарҳо ҳарбир жонзоддан қучли бўлиб, у ёлғиз шамолдан қўрқар эмиш. Қаттиқ шамол кўзғолган вақтларда у ғувиллаб, увиллашга киришар эмиш.

Мен у вақтларда бу гапларга ишонар эдим, ҳақиқатда ҳам қаттиқ шамол вақтларида у ғордан ғувиллаш садоси эшитиларди.

У мазорнинг ғарб томонида пастгина бир тепа бўлиб, бу тепага ерли бўлмаган «келгинди» одамларнинг ўлиги кўмилганидан уни «Ғарибмазор» деб атардилар. «Ғарибмазор»нинг усти ва тевараги тиконли, бўлиқ жангаллар блан қопланган эди. Кечалар у жангаллар орасидан ҳам увиллаш товуши эшитиларди.

Афсонапарастлар «Бу жангаллар орасида девлар, ажиналар уя қўйган ва увиллаш товуши уларнинг товуши» дер эдилар. Мен у жангаллардан ҳам ёмон қўрқардим.

Ез кунларининг бирида онам ота-онасини кўриб келиш учун Маҳаллайиболо қишлоғига кетди, акам у блан бирга борган эди. Соктаредаги ҳовлимизда отам блан мен қолган эдим.

Отам томорқа томонида ёш ўрик дарахтлари майдо-нида буғдой эккан эди. У вақтдаги деҳқонлар буғдой ёки арпаси ўриб олинган ерларни экинлардан қолган хас-хашак бир томонга тўпланиб, супириб олишга осон бўлсин деб, шамол кунларида суғорардилар.

Уша кечаларнинг бирида шамол қўзғолган вақтда отам буғдойи ўриб олинган ҳалиги майдончага сув қўйди. Лекин ер сувга тўймасдан аввал шамол ётди. У ер, сувга тўйгандан кейин, отам дарахтдан бир шох синдириб олиб, томорқа томонига ўтиб, суғорилган ерга келиб, сувни шох блан қўзғаб, хас-хашакларни бир томонга тўплашга киришди. Мен ҳовли юзида супа устида ёлғиз қолдим.

Отам мендан узоқлашгандан кейин Султонпошшанинг «Етти бошли дев» тўғрисидаги гаплари эсимга келиб, қўрқабошладим. Шу вақтда супа қуйисида ўйнаб юрган бир мушук кўзимга кўринди. Бирпасдан кейин у ерда итлар, эшаклар пайдо бўлди. Эшаклар орасида чиройли куррачалар ҳам бор эди ва мен бундай куррачалардан бирини қўлга киргизиб, миниб юришни доимо орзу қилардим.

Мен гўзал куррачаларнинг тамошасига берилиб, кетган вақтда у ҳайвонларнинг барчаси бир жойга тўпланиб, етти бошли қора бир одам шаклига кирдилар ва у одамнинг бош томони гўёки осмонга чўзилиб кетмоқда эди. Султонпошшанинг айтган нишонларига кўра менинг фикримча у нарса «Етти бошли дев» эди. Мен бу фикр блан қаттиқ кўрқиб: «Вой ўлдим!» деб ҳайқириб, турган жойимда йиқилдим.

— Нима гап? Нима бўлди?—деб югуриб келган отам, юзим ва кўкрагимга совуқ сув сепиб мени турғизди. Мен кўзимни очиб, супа қуйисига қарадим, у ерда ҳечнарса кўринмади. Менинг фикримча, отамнинг овози эшитилиши блан «Етти бошли дев» қочиб кетган экан.

Отам мени ҳолга келтиргандан кейин нима бўлганини мендан сўради. Мен унга ҳалиги кўзимга кўринган нарсаларни айтиб бериб, «Қора одам»нинг «Етти бошли дев» эканини Султонпошшанинг сўзи блан та'кидладим.

Отам менинг бу гапларимни кула-кула эшитди, сўнгра жиддий бир вазият олиб, сўзга киришди:

— Шайхса'ди деган катта билимдон бир киши биздан бирнеча юз йил илгари ўтганлар,— деди отам,— у киши «Дев одамнинг ишига аралашмайди — зарар етказмайди, қўрқма! Балки девга ўхшаган одамлардан қўрқ!» мазмунида қуйидаги гапларни айтганлар:

«Дев бо одам наёмезад, матарс!  
Бал битарс аз одамони девсор!»

— Шайхса'ди ёлғон гапирадиган одам эмас эдилар, у кишининг гапларига таяниб аниқ билки, дев ажина каби

нарсалар одамга зарар етказаолмайди ва ҳарбир нарсадан одам кучли. Ҳарвақт, ҳарнарсга кўзингга кўринса, кўрқма, Шайхсадининг юқоридаги гапларини эсингда тут!

— Девсор (девга ўхшаган) одамлар қандай одамлар? — деб отамдан сўрадим.

— Девга ўхшаган одамлар, — деди отам, — ҳар жойда топилади. Аммо бизнинг қишлоқда ундай одамлар кўп: дуохонликни касб қилиб олиб, ўзларига «Девбанд — девбоғлагучи» лақабини таққан одамлар девга ўхшаган одамлардирлар. Улар аввал одамларни девдан, ажинадан кўрқитадилар, сўнгра «Биз девни боғлаймиз, ажинани кувамиз» деб уларга фриб бериб, пулларини оладилар.

Отам хаёлга чўмгандай бироз жим бўлиб турди, сўнгра яна давом этди:

— Менинг амакимнинг ўғли Иброҳимхўжа ҳам девсор бўлган, унинг хотини Султонпошша ҳам эрига ёрдам бермоқчи бўлиб, девсорликни машқ қилаётир. Сен бундан буён унинг олдига борма, унинг эртақларига қулоқ солма! Дев, ажина тўғрисида гапирса, гапларига ишонма ва менга келиб хабар бер! — деб ва сўзида давом этиб:

— Сени кўрқитиб, «бу гапларни ота-онангга айтма!» деганидан унинг фрибгарлигини тушуниб ол! Чунки у менинг дев, ажиналардан кўрқмаслигимни билади, «Агар менинг бу гапларимни отаси эшитақолса, мени расво қилади» деб кўрқади, — деди.

Отамнинг бу гапларидан менда оз бўлсада, дев ва ажиналардан кўрқмаслик кайфияти пайдо бўлди. Аммо, ғор ва аждарҳонинг воқиси, ғарибмозор жангалининг ажинахоналиги кўнглимга шубҳа соларди, чунки мен ғордаги ғувиллашни ва жангалдаги увиллашни ўз қулоғим блан эшитган эдим. Шунинг учун у ҳодисаларнинг нималигини отамдан сўрадим.

— Ғарибмозор жангалидан эшитиладиган товушлар у ерда уя қилган шоғолларнинг увиллаши, — деди отам, — ўтган қиш бизнинг икки товуғимизни олиб кетган шоғоллар ҳам ўша шоғоллардан. Ғордан эшитиладиган ғувиллашнинг сабабини эртага тушунтириб бераман, энди ётиш керак.

Биз ётдик, лекин мени уйқу элтмас эди, кўзим юмилиши блан босиринқиб сесканиб турардим. Отам бу аҳволдан хабар топиб, кўлини менинг устимга қўйди ва ҳарбир сесканганимда «Кўрқма, мен сенинг ёнингда!» деб мени огоҳлантириб турарди...

Уша кечанинг эртасига отам мени «Аждарҳо уяси бўлган» ғорни кўрсатишга олиб бормоқчи бўлди. Лекин йўналишдан илгари менинг олдимга бир бўш кўзани келтириб:

— Оғзингни кўзанинг оғзига яқинлаштириб, қаттиқ пуфла! — деди.

Мен пуфладим. Кўзанинг ичидан бир ғувиллаш товуши эшитилди. Отам менинг диққатимни ана шу пуфлаш натижасида эшитилган ғувиллаш товушига тортиб:

— Мана шу ҳолни эсингдан чиқарма! Ғорнинг сирини англаш учун сенга керак бўлади,— деди.

Отам мени ғорнинг олдига олиб борди. Мен у вақтга-ча «Аждарҳо»дан қўрқиб у ғорнинг яқинига бормаган эдим. У кун бўлса ғорнинг жойи ва ўзининг тузилишини тузуккина кўрдим. Тепанинг шимбли-ғарбий бурчагида ердан 5 метрча юқорироқда ёнбағирни айвон шаклида кавлаганлар, кавланган жой ўпирилиб кетмасин деб ўрталигига пишиқ ғишдан бир устун қуриб, унинг бошини айвон шифтига етказиб, тираб қўйганлар. Айвоннинг тўрида—тепанинг бағрида қазилган ёки табиий тарзда пайдо бўлган бир ғор бор эди. Ғорнинг оғзи кенгроқ бўлса ҳам, ичи сув қудуқлари кенглигида чуқурланиб кетарди, аммо унинг ичи қудуқларникидай тик пастга қараб кетмай, у нишаб бир йўлак каби тепанинг ўртасига қараб пастланиб кетарди.

Отам у ердаги ғорнинг тузилишини бирма-бир менга кўрсатганидан кейин:

— Қаттиқ шамол қўзғолган вақтларда, айвонга келиб тикилади, қаршида чиқиш йўли бўлмаганлиги учун бор кучи блан ғорнинг ичига уриб киради, ғорнинг ҳам олди тўсилган ва чиқиш йўли бўлмаганидан шамол аввалги кучи блан қайтиб чиқишга мажбур бўлади. Қаттиқ шамолнинг ана шундай зўр блан ғорга кириб қайтиб чиқишидан ғувиллаш товуши эшитилади,— деди.

Отам кўзага пуфлаганимни ва ундан ғувиллаш садоси эшитилганини менинг эсимга келтиргандан кейин, яна давом этди:

— Сенинг пуфлашинг блан кўзада қандай товуш чиқарганини ўзинг кўрдинг. Шамолнинг кучи бўлса, сенинг пуфлашингдан миллион баравар зўр бўлгани каби ғорнинг кенглиги ва чуқурлиги ҳам бизнинг кўзаникидан

минглар марта ортиқдир. Шунинг учун қаттиқ ва кучли шамол эсганда ёрдан қўрқинчли товуш эшитилади, бу ерда на аждарҳо бор ва на унинг овози,— деди.

Отам бироз жим тургандан кейин:

— Яна бир нарсани сенга уқдириб ўтай,— деб сўзга киришди,— «Аждарҳо»нинг кечалар уясидан чиқиб Зарафшон бўйига бориб сув ичиб келганлиги тўғрисидаги гаплар бўлса, ана шу ёрнинг ғувиллашига боғлаб тўқилган аҳмоқона эртақлардан биридир.

Отам «дев, ажина» каби афсонавий «жонзол»ларнинг борлигига ишонарди. Унинг фарқи ўша замондаги бошқа одамлардан шунда эдики, у, «дев», «ажина» одамга зарар етказмайдиган, дер эди. Бунга ҳам далили юқорида нақл қилинган Саъдий шерозининг шеъри эди. Шундай бўлса ҳам у ўзининг ўша озгина очилган фикри билан менинг ўсишимда қатта фойда берди. Мен ўша кундан бошлаб, на дев, на ажинадан қўрқардим ва на қоронғи кечалардаги ёлғизликдан. Ҳатто, бироз улғайганимдан кейин қишлоқ болалари билан гаров боғлаб, бир қоронғи кечада Ғарибмозор жангалига бориб, ундан бирнеча навада кесиб олиб, у ерга пичоқ қадаб келдим. (Мен бу эсдалигимга бошқа бирнеча шу мавзудаги эсдаликларимни қўшиб, биринчи босмаси 1928 йилда тожикча «Раҳбари дониш» журналида босилган «Аҳмади девбанд» номли очеркни ёзганман.)

Ўша йилнинг кузида отам Устахўжа билан маслаҳатлашиб, катта ўғилларини Бухорога юбориб, ўқитмоқчи бўлдилар. Бухоро мадрасаларида дарслар бошланишидан бирнеча кун аввал — сентябрь ойининг бошларида отам Устахўжанинг катта ўғли Саидакбар билан акам Муҳиддинни шаҳарга олиб бориб, мадрасага жойлаштириб келди. Тажрибасиз, шаҳарни кўрмаган бу болаларга раҳбарлик қилишни отам кўп йиллардан бери мадрасада турадиган мулла Деҳқон номли тоғамга топширган эди.

Бу воқиядан кейин мен оилада якка ўғил ва бирдан бир дастёр бўлиб қолдим. Бу вақтларда Сирожиддин номли бир укам бўлса ҳам, у ҳали жуда кичик ва отамнинг гапига кўра ҳали «фарзандлар қаторига кирмаган» эди. Шунинг учун мен ота-онамга қўлимдан келганча ёрдам беришга ва акамнинг йўқлигини сездирмасликка уринардим.

Ўша йил куздан кейин Ғарибмозордаги шоғоллар

қишлоқ товуқларига ҳужум қилабошладилар. Бу ҳужумларнинг биринчи қурбонлари, ҳовлилари қишлоқнинг шимол томонида бўлиб, экинзорлар орқали шоғолхонага туташган бизнинг ва қўшниларимизнинг товуқлари бўлабошлади. Шунинг учун отам ўша қиш Маҳаллайиболо қишлоғидан — Чўпон тоғамдан чўпон ити зотидан бўлган олти ойлик Хайбар номли бир итни келтирди. Бу ит келгандан кейин бизнинг товуқлар тинчланиб қолди.

## Х А Й Б А Р

Хайбар зийрак ит эди, оз вақтда у бизнинг гапларимизнинг ҳаммасини тушунадиган, ўзининг асосий вазифаси нималигини биладиган ва у вазифани муваффақият билан бажарадиган бўлиб қолди. У билиб олдики, бу хонадонда асосий хавф товуқлар учун бўлиб, у ҳам шоғоллардан, шунинг учун ҳар кеёа товуқлар ётадиган дарахтларнинг олдида ётар ва гоҳ-гоҳ боқча томонига чиқиб шоғоллар келадиган йўлни текшириб келарди.

Баҳор кунлари, ўрик дарахтлари гуллаган, кечалар қисқариб, кундузлар узаябошлаган эди. Ўша кунларнинг бирида отам тонг ёримасдан ўрнидан туриб мачит бошига чиқиб кетди. Мен уйғонган бўлсам ҳам ўрнимдан туришга эриниб, чўзилиб ётмоқда эдим. Шу вақтда товуқларнинг қут-қутлашганини, бир товуқнинг «Қақ» деб жим бўлганини ва буларнинг орқасида оғир бир нарсанинг томдан ерга тушган садосини эшитдим.

Мен дарров ўрнимдан туриб, кийиниб, ҳовли юзига чиқиб, Хайбарни чақирдим, Хайбар у атрофда йўқ экан. Дарахт остига бориб, товуқларни санаб кўрдим, бир товуқ йўқ эди. Бундан бир товуқни шоғол олиб кетганлиги маълум бўлди. Мен боқча томонига ўтиб, у ердан далага чиқдим. Энди тонг отган ва ҳарнарсга узоқда бўлса ҳам одамнинг кўзига кўринарди. Мен ўзимдан 200 метрча узоқликда турган Хайбарни кўрдим, у ҳовлимиз томонига қараб турарди. У ҳам мени кўрди ва мени ўз томонига чақиргандай бўлиб, махсус оҳанг билан фингилларди. Аммо мен унинг чақиришига аҳамият бермай, борган жойимда турақолдим.

Мен олдин бормагач, Хайбар оғзи билан бир нарсани ердан кўтариб ҳовли томонга келаберди. Аммо, орадаги йўлнинг ярмисини босгандан кейин оғиздаги нарсани у ерга қўйди ва орқасига қайтиб, у томонларни диққат

блан кўздан кечиргандан кейин, ўқ тезлигида отилиб, менинг олдимга келди-да, этагимдан тишлаб, мени тортиб, махсус овоз блан садолар чиқарди. Сўнгра менинг этагимни қўябериб, орқага қайтиб, келгандаги тезлиги блан ерга қўйган нарсаси олдига бориб турди.

Мен итнинг бу ҳаракатларидан товуқни шоғол чангалдан қутқазганлигини пайқадим. Аммо, ўзи кўтариб келтиришни товуқ ҳаёти учун хавfli деб ўйлаганидан бўлса керакки, бу вазифани менга юкламоқчи бўлган. Мен шундай мулоҳаза блан итнинг олдига бордим.

Ҳақиқатан ҳам товуқ унинг олдида, ерда ётган эди, унинг орқасида, қорнида ва умузида шоғолнинг тиш ва тирноқларининг изи кўринарди.

Мен товуқни олиб, уйга қайтдим. Менинг олдимда Хайбар ўйнаб, қувониб бормоқда эди. Уйга, онамнинг олдига етиб борганимизда Хайбар ерга ағанаб, қуйруғини силкитабошлади; у гўё товуқнинг шоғол чангалига тушишига сабаб бўлган ўзининг вазифасига бўш қарагани — гуноҳи учун онамга узр айтиб, ундан кечиришни сўрар ва айни замонда уни шоғол чангалидан қутқазолгани учун шодлик қиларди.

Хайбар одати бўйича ҳар кеча отам уйдан чиққунча ухламас, тун оқарабошлаб отам чиққандан кейин у хотиржам бўлиб хас-беда босилган дўконхона томига чиқиб, хаслар орасига кириб ухларди.

Доимо товуқларни кузатиб, фақат Хайбардан қўрқиб, уларга яқинлашаолмаган шоғол итнинг бу одатини ўрганиб олган бўлса керакки, у кеча ит ётгандан кейин тонг оқарган бўлса-да, келиб товуқни олишга жур'ат қилган.

Хайбар шоғолнинг бу фрибгарлик блан қилган ҳужумидан хабардор бўлганидан кейин тонг оқариши блан томга чиқмайдиган ва товуқлар дарахтдан тушиб, уйдагиларнинг барчаси ҳовли юзига чиққанча пойлоқчилик вазифасини бажариб турадиган бўлди.

Хайбар жуда орли ит эди: бир кун қозон бошига келиб бир товуқни искаган, онам бу ҳолни кўриб, уни бир урган. Шу блан у аразлаб овқат емаган. У, бу ҳодисадан кейин кундузлари ўзини ҳечбир кишига кўрсатмай, хаслар орасида ётар, аммо кечалари дарахт остига тушиб, товуқларга соқчилик қилар эди. Онам отамга Хайбарнинг касал бўлганлигини ва овқат емаганлигини хабар берди.

Бу хабар мени ташвишга солди, чунки мен унга меҳр қўйган, айниқса товуқ ва шоғол воқиасидан кейин унга нисбатан муҳаббатим ортган эди. Шунинг учун бу хабарни эшитганим ҳамон бир бурда нон олиб, унинг олдига «касал кўрди»га бордим.

Мен берган нонни у еди ва қўйруғини ликиллаптиб, яна нон сўрагандай бўлиб турди. Мен бу ҳолни ота-снамга хабар бердим. Отам онамга:

— Сен ҳам бир бурда нон олиб бориб, итга бер! деди,— қани, ейдими?

Аmmo ит онам берган нонни емадигана эмас, унга қарамади ҳам. Мен иккинчи марта нон бердим, уни ҳам еди. Отам бу ҳолни кўриб онамга:

— Хайбар сендан аразлаган, бунинг сабаби нима?— деди.

Онам қозон бошидан уни қувганини ҳикоя қилди.

— Бундай бўлса ит сендан аразлашга ҳақли,— деди отам,— чунки бу чўпон ити зотидан. Чўпонлар итнинг қозон-товоқ бошига келишини тақиқламайдилар. Сен унга бу ҳаракати нотўғрилигини яхши тил ва юмшоқ ишора блан тушунтиришинг керак эди. Модомики, сен уни билмасдан қилган бу ҳаракати учун урибсан, у сендан ранжиган.

Ит ҳақиқатан ҳам қаттиқ ранжиган экан, бирнеча кун онамнинг қўлидан овқат емади. Онам алдаб-сулдаб, ёлиниб-ёлвориб, зўрға уни ўзига ром қилди. (Мен бу итнинг характерини ўз номи блан «Қуллар» романида акс этдирганман.)

## ОТАМНИНГ АМАКИСИ — АБДУЛЛАХУЖА

Биз Соктарега кўчиб келгач, отам онамга ҳар нарса пиширганда ундан бир коса амакисига беришни унутмасликни буюрди ва менга ҳарвақт ошни унга чиқариб беришни, обдастасидан ҳаммиша хабардор бўлиб туришни, обдаста сувдан бўшаганида дарров уни тўлдириб олиб бориб меҳмонхонасига қўйишни тайинлади.

Шунинг учун мен кунда неча марта унинг олдига борардим. Мен «Амакибобо!» деб атайдиган бу чолнинг бўйи узун, бадани ориқ, юзи буғдой тусли, 90 яшар бўлгани ҳолда унча оқармаган соқоли ўртача бўлиб, қоши қуюқ ва узун тукли эди. Қошлари тукининг узунлиги шу даража эдики, кўзларининг олдини ёпиб турар, агар у бирор кишига ё бирор нарсага қарамоқчи бўлса, бармо-



фининг орқаси блан қош тукларини юқорига кўтариб, кўз олдини очиб қарар эди.

Аммо у ҳечбир кишига қарамас, гапирмас ва меҳмонхонасининг бурчагида жим ўтирар ёки ётарди. У, шу даражада қариганига қарамай, кучли эди, кунда бирнеча бор меҳмонхонадан ҳовли юзига чиқиб, қадам босар, ҳаво олар, сўнгра яна ётоқхонасига кириб чўзиларди.

Уни умрида ҳечбир вақт касал бўлмаган деярдилар. Улар чоғида ҳам касал бўлмади. Бир куни кечқурун мен ош олиб бориб, унинг олдига қўйдим, обдастасини тўлдирдим, ўша кечанинг эртаси сут, нон олиб чиқдим. У чўзилиб ётарди. Бўшалган кечки ош косаси ҳам унинг олдида эди. •

Мен мушук тегмасин деб овқатни унинг олдига қўймай қайтариб олиб бориб, унинг ухлаб ётганини отамга айтдим.

У бу вақтда ётмас, ҳар саҳар офтоб чиқмасдан икки соат аввал уйғониб турарди. Бориб ундан хабар олиш керак,— деган ҳолда отам ўрнидан турди.

Мен ҳам унга эргашиб, меҳмонхонага чиқдим. Отам эшик олдида турган обдастани кўтариб кўриб:

— Бу, бўш, саҳар турган экан,— деди. Отам чолнинг олдига бориб ўтирди. Аввал унинг билагини, сўнгра юрагини тутиб кўрди-да:

— Улган, ҳозир ўлган, ҳали бадани иссиқ,— деди.

Отам мени Устахўжани айтиб келишга буюрди, мен айтиб келдим. Улар биргалашиб ўликнинг қаддини ростлаб, жағини боғладилар. Уғли уйда йўқ, қаердалиги ҳам маълум эмас эди. Шунинг учун отам блан Устахўжа халқни хабар қилдилар. Жаноза ва кўмиш учун керак бўлган нарсани ҳам икковлари тайёрладилар.

Пешиндан кейин тобутини мачит ҳовлисига олиб чиқиб, унга жаноза ўқидилар. Жанозадан кейин тобутни кўтараётганда халқ талашиб, тортишиб тобут атрофидаги газламани юлиб, йиртиб парча-парча қилиб олдилар.

Мен бунинг сабабини отамдан сўрадим.

— Тобут теварагига тортилган газламани «табаррук» деб йиртиб оладилар, аҳмоқлар,— деди отам.— Ҳолбуки шу одамлар у тирик бўлиб бирнеча йилдан бери ҳовлидан чиқмай ётган вақтларида бирор марта ҳам унинг ҳолини сўрамаган эдилар. У ўлгандан кейин мен ўз уйимдан чиқариб унинг тобутига кўклаганим газлама булар учун табаррук бўлди.

Устахўжани мен «Уста амаки» дер эдим. Қиш вақтида одамларнинг бинокорлик ишлари ётганди. Уста амаки ташқари ҳовлисида бир айвончанинг остида эшик ясаш блан машғул эди. У, сада ёғочларидан тилинган тахталарни йўниб, силлиқ қилиб, шундай сайқал урардики, ҳарнарсанинг акси бироз хирароқ бўлса ҳам унда кўринарди. «Темир тахта» деб аталиши мумкин бўлган қаттиқ тахталарга у турли-туман «Пўлат қаламлар» блан ҳархил ўйма ва бўртма нақшлар соларди. Унинг бундай нақшлари моҳир рассомлар томонидан қил қалам блан қоғозга чизилган нозик нақшлар каби гўзал кўринарди.

Унинг пешонаси очиқ, муомаласи яхши ва бир даража қизиқчи ҳам эди. У, камтар бўлиб, ҳечбир кишига катталик қилмас, яхши муомаласини катта-кичикдан аямас, менинг ёш бола бўлганимга қарамай, менга ҳам жиддий қарар, иш тўғрисидаги сўроқларимга тафсилли жавоблар берар, ўз сан'атининг нозикликларини менга тушунтиришга интиларди.

Менингча зериктиручи бу касб, уни сра зериктирмас, тонг отгандан бошлаб, кечқурун — кўз ишни кўрмайдиган бўлгунча ўз иши устидан силжимасди.

Мен ҳар куни унинг олдига бориб ўтирар ва ишлаётган ишини диққат блан кузатиб турардим. Бир кун ундан:

— Уста амаки, сиз бу қадар ҳунарни кимдам ўргандингиз? Кимга шогирдлик қилдингиз?— деб сўрадим.

— Бизнинг қариндошларнинг ҳаммалари, — деди у, — дурадгорликни биладилар, кўрмайсанми, отанг уста, амакинг уста, амаки бобонг ҳам уста эди, менинг ота-бобом ҳам уста эдилар. Аммо буларнинг ҳечбирлари бировга шогирд бўлмаганлар, бир-бировларидан кўриб ўрганаборганлар. Ундан кейин ўз қобилиятларига қараб, ба'зилари ўткир ҳунарманд, ба'зилари ўртача ва ба'зилари паст ҳунарманд бўлганлар...

Уста амаки ўяётган нақшларига пуфлаб, тарашланган ёғоч майдларини унинг устидан туширгандан кейин гапни ўз устига буриб давом этди:

— Мен ҳам теша тутиш ва йўнишни ота-бобомнинг ишларига қараб ўргандим, сўнгра ўз ақлимни ишлатиб, ҳунаримни яхшилатабордим. Ўймакорликда мен биринчи

намуналарни ўзимизнинг мазоримиздаги тошлардан олдим, сўнгра ўз фикрим блан гўзал ва шинам нақшлар ишлаб чиқардим. Эски усталардан қолган нақшларга янги ишлар қўшиб, қайта ишладим.

Уста амаки бир нафас жим бўлиб, ишлаётган ишини қўйиб, ўз жузгири (папкаси)ни очиб, ундан бир қоғозни олиб, менга кўрсатиб, яна давом этди:

— Бу ишни «Дувоздаҳ гиреҳ» дейдилар, — деди, сўнгра бошқа бир қоғозни олиб кўрсатиб, — бу ҳам ўша «Дувоздаҳ гиреҳ»нинг ўзи, фақат фарқи шундаки, бунинг гиреҳлари (тугунлари) орасига юлдузлар ва бодомча нақшлар киргизилган. Бунинг аввалгидан кўркамлигини, жозибаторлигини ўзинг ҳам кўраётирсан. Ана шу қўшимча нозикликларни эски нақшга мен қўшдим.

Уста амаки ҳалиги қоғозларни ўз жойига тиқиб қўйиб, яна давом этди:

— Агар шогирд<sup>1</sup> ўз устасининг ҳунарини ўрганибгина қаноат ҳосил қилсайди, дун'ёда ҳечбир ҳунар олдин бормасди. Ҳарбир ҳунарни ривожлантиручи шундай шогирдлардирларки, улар усталаридан ўрганган ҳунарлари устига ўз ақлларида янги нарса топиб қўшадилар, — деди.

Уста амаки ўзининг кичик ўғли — Икромхўжани ҳунарманд қилмоқчи эди. Аммо, ўғли ўргатган нарсаларни ўрганишга унамас ва машқ учун отаси буюрган ишларни атайи бузарди.

Уста амаки бир кун отамга ўз ўғилларидан шикоят қилиб:

— Саидакбар ўз номига мувофиқ<sup>1</sup> — деди у, — бўйининг ўсишидан ортиқроқ «Улғайиб» кетаётир. Бўйи менин бўйимга барабар бўлгунча кибри осмонга етар деб кўрқаман. У ҳунар ўрганишга бўйсунмади. Мен ҳам «Хўп, майли, одам бўлишни истамас экан, борсин, мулла-пулла бўлсин» деб уни ўқишга қўйдим. Бу кичкинаси бўлса яна бошқа бир тулпор бўлиб чиқди: ўзим икки йил ўқитдим, уч йил мактабга қўйдим, зўрға чаласавод бўлди. Ҳунар ўрганишни сра бўйнига олмайди. Энди бу, на одам бўлади ва на мулла, бора-бора эшак бўлмасин дейман.

---

<sup>1</sup> А к б а р — арабча сўз бўлиб, ма'носи ҳаммадан каттароқ, ҳаммадан улканроқ демакдир.

— Муқаррари мулла бўлишдан, эшак бўлиши беҳроқ, — деб жавоб берди отам.

Ҳақиқатда ҳам Икромхўжа бўйни йўғон бир бола эди: бир кун отаси бир тахтага ислими нақшини чизиб бериб, қаерини ўйиш, қаерини ўз ҳолича қўйиш кераклигини кўрсатиб, уни машқ қилишга буюрди.

Аммо, Икромхўжа машқ вақтида ўз ҳолича қолдириш керак бўлган жойларни ўйди ва ўйиш керак бўлган жойларни ўз ҳолича қолдирди. Мен отаси берган кўрсатмани унга эслатганимда «Сен билмайсан, менга ўргатма! Қандай ишлаш кераклигини ўзим яхши биламан» деди.

У ишни тамом қилиб, олиб бориб отасига кўрсатганида, у ғазабланди, пойтешага соп қилиш учун йўнаётган чўпни таёқ ўрнида олиб, ўғлига хитоб қилди.

— Қоч, йўқол! Бўлмаса ураман!

Икромхўжа нарироқ бориб, ичкари ҳовлининг йўлагида тўхтади. Уста амаки ўрнидан тўриб бориб, ундан бир-неча қадам узоқда туриб, урадигандай бўлиб, ўқталиб, тағин такрорлади:

— Қоч, йўқол! Бўлмаса ураман.

Икромхўжа қочиб ичкари ҳовлига кирди, отаси ҳам уни қувиб борди. Мен ҳам, ўзимча «Агар Уста амаки бу таёқ блан ўғлини урса, уни майиб қилади» деб қўрқиб, уларнинг кетидан:

— Амакижон, урманг, товба қилади, — деб югурдим.

Лекин Уста амаки урмади, ўғли тўхтагандан кейин ўзи ундан узоқроқда туриб, ҳалиги буйруқни такрорлади. Шундай қилиб, ота-ўғил боғчага, у ердан далага чиқиб, қочиш-қувишни давом этдирдилар. Ба'зан Уста амаки ерга ўтириб, нафасини ростлаб олар, тағин ҳалиги буйруқни такрорлаб, қувишга киришарди. Мен ҳам «Амакижон, урманг!» деб уларнинг кетидан борардим.

Энг охирда Уста амаки бир ерда ўтириб олиб, нафасини ростлагандан кейин ўғлига хитоб қилиб:

— Кел энди, урмайман, ғазабим босилди. Бундан кейин ишингни билиб қил! — деди-да, уйга қайтди ва мен ҳам унга эргашдим.

Қайтишда у менга:

— «Амаким Икром акамни уради» деб қўрқдингми?! Йўқ, мен уни урмоқчи эмас эдим, урмайман ҳам. Эшак ўз боласини урмайди, йиртқич ҳайвонлар ҳам ўз болаларини урмайдилар, одам нега ўз боласини урар экан? Мен ҳунар ўргансин деб унга пўписа қилдим,— деди ва бир-

пасдан кейин,— менинг бу ишимни отанга айтакўрмаки, мендан кулади,— деб қўйди.

Уста амаки отам блан қариндошликдан ташқари икковлари бир-бирлари блан яқин ва қалин дўст эдилар. Улар бир-бирларига «Жўра» деб гапирардилар. Ҳар икковларининг айрим одамлар ҳақидаги фикр ва ақидалари бир эди.

Фақат буларнинг бир-бирларидан фарқлари қуйидагича эди: Уста амаки чучук тилли, хуш муомала ва қизиқчинамо бўлиб, айрим одамларнинг ёмон қилиқларини ўз юзларига ширин тил блан, аммо ма'но жиҳатидан аччиқ қилиб очиб ташлар эди. Чунончи, бизнинг қўшимиз Азизхўжа деган дуохон бор эди. У ўз уйида жинниларни ҳам сақлаб дуо ўқирди. Унинг уч хотиндан туғилган уч ўғли бор эди. Биринчи ўғли — Э'ломхўжани, онаси ўлганидан ва ўғай оналарининг чақиғида қолганидан бўлса керак, кўп урарди.

Бир кун Э'ломхўжанинг ҳайқириб йиғлагани ва дод-фар'ёд қилгани эшитилди. Уста амаки ўғлини ота таёғи остидан қутқозиш учун Азизхўжанинг ҳовлисига ўтди. У ўз ўғлини дарахтга боғлаб, қамчи блан саваламоқда эди.

Уста амаки югуриб бориб, Азизхўжанинг қўлини тутиб, уни ўғлидан узоқлаштириб:

— Қўйинг, урманг, эшон амаки, товба қилади, бундан кейин сизнинг гапингиздан чиқмайди!— деди.

— Бу жинни бўлипти, буни уриб, ақлга келтириш керак, бу товба-повбани билмайди, — деб Уста амакининг қўлидан ўзини қутқозишга ва бориб ўғлини яна уришга интиларди.

— Эшон амаки сиз қизиқ одам экансиз! Икки жинни бир ҳовлида қўймайдиларми? Ҳолбуки ўзимизнинг қишлоқда ҳарбирида икки уч жинни турадиган ўндан ортиқ ҳовли бор!

Уста амаки бу гапи блан Азизхўжанинг ўзини жинни деган ва бошқа «девбанд» ва дуохон эшонларга ҳам тош отган эди. Бу гапнинг ма'носини Азизхўжа ҳам тушунарди, лекин юмшоқлик ва тил ўйини блан айтилган бу сўзларга у муносиб жавоб топаолмай, ўзини билмасликка солишга мажбур эди.

Менинг отам бир даража дағал ва қаттиқ сўзлик эди, ёмон одамларнинг ярамас ишларини қаттиқ ва аччиқ гаплар блан очиб ташлар ва уларнинг ранжиганига сра парво қилмас эди.

Соктаре қишлоғида Гўппон лақабли Лутфулла деган бир киши бор эди. Мен қанча ёш бўлсам ҳам бу одам менинг диққатимни ўзига тортди.

Гўппон ўрта бўйли, ўрта суякли ва ўрта эсли бўлиб, қош, кўз, соч, соқоли қора ва юзининг туси оловда қиздирилган мисга ўхшарди.

Бу киши кўринишда бўш ва дангасасимон бўлса ҳам, ҳақиқатда ғайратли ва ишчан, ҳатто чаққон ва лозим бўлган вақтда қўл оёқларини тез ҳаракат қилдиручан эди.

Лутфулла Аvezхўжа деган кўшнимизнинг хотини орқасидан келган ўғай ўғли эди. Avezхўжа ерсиз деҳқон бўлиб, бошқаларга чорикорлик ва бухоролиларча айтганда «корандалик» қиларди.

Avezхўжани қишлоқда «сергапу, камкор» (кўп гапириб, ишни оз қиладиган) деярдилар. Лутфулланинг онасидан бўлган унинг иккита ўз ўғли бўлиб, каттаси ўқир, кичиги мен блан ёшдош бўлиб, қўлидан ҳали ҳечбир иш келмасди. Шунинг учун Avezхўжа чорикорлик қиладиган 20 таноб (5 гектар) ерни гўппоннинг ёлғиз ўзи экиб, тикиб, йиғиб, хўжайин блан ўғай отасига бўлиб берарди.

Соктаре деҳқонлари ва умуман у вақтдаги ишчан ғиждувонлик кетмонсиз деҳқонлар ҳарбири 4 килограмм келадиган. Устадўстбойнинг кетмонини ишлатардилар. Лутфулла Гўппон ва бирнеча бошқа деҳқонлар Устадўстбойга махсус буюртма тарзида ясаптириб, 5 килограммлик кетмон блан ишлардилар. Аммо, одамлар Гўппонни бошқа катта кетмонлилардан ажратардилар, уни «девкор» (дев каби ишловчи) дер эдилар ва айтишларича, Лутфулла эртадан тушки овқат вақтигача ва тушдан оқшомгача ишлар, кечалари бўлса қўш қўшар, ер ҳайдар эди<sup>2</sup>.

---

1 Гўппон сўзининг қайси тилданлигини ҳозиргача ҳам аниқлай олганим йўқ. Уша вақтларда бу сўзнинг ма'носини отамдан сўраганимда фавқул'одда «зўр-кучли» деган эди. Бу сўзнинг қадимги сўғд тилидан қолганини тахмин қилиш мумкин. Луғат китобларида бир «П» блан «гўпон» шакли бор, аммо унга чўпон деб ма'но берганлар.

2 Ғиждувон деҳқонлари апрельдан ноябрьгача «Ернинг нами учачи, хўкиз зўриқади» деб кундуз ер ҳайдамасдилар ва кечаси хайдалган ерга эрта блан — офтоб чиқишдан илгарчи мола босар эдилар.

Гўппон ишда тўрт кишининг ишини ишлагани каби овқатда ҳам тўрт кишининг овқатини ер эди ва агар овқат ейишга у блан гаров боғласалар, ўн кишининг овқатидан ҳам юз ўгирмас эди.

Бир кун мен қишлоғимиз орасидан оқадиган Марзангон ариғи бўйида ўйнаб юрардим. Абдушукурхўжа деган киши 3 йигитни олиб келиб, Марзангонни боғлатмоқчи ва ўз боғи ва ерига сув олмоқчи эди.

Ариқнинг ости қум, қирғоқлари қум аралаш тупроқ бўлиб, бу яқинларда чим топилмасди. Шунинг учун сув боғловчи йигитлар кўп қийналардилар ва ариққа ташланган тупроқни сув ювиб кетаверарди.

Шу вақтда қаёқдандир кифтида 5 килолик кетмани бўлгани ҳолда Лутфулла Гўппон келиб қолди. У, сув боғловчиларнинг ишини бироз кўздан кечириб тургандан кейин Абдушукурхўжага қараб:

— Эшон амаки,— деди,— ёлғиз ўзим шу сувни боғлаб берсам менга нима берасиз?

— Битта нон, бир тутам мойли ҳалво,— деди Абдушукурхўжа.

Гўппон қабул қилди ва иштонидан бўлак кийимларини ечиб қўйиб, кетмонни олиб, ишга киришди. Аввал ариқнинг икки қирғоғида икки тўда тупроқ тўплаб, хирмон қилиб қўйди, сўнгра сувга кириб, бир қирғоқдаги тупроқни тортиб, ариқнинг учдан бирини боғлади, ундан кейин иккинчи томондаги тупроқни тортиди. Шу блан ариқнинг учдан икки қисми боғланди.

Ишнинг зўри энди бошланган, сувнинг уч метр келадиган йўли торайиб, бир метрга келган ва оқим зўрайиб, икки томондаги бўш тупроқни ялаб олиб бормоқда эди.

Лекин Лутфулла фурсатни қочирмай, сув йўлига ёнбошлаб, кўндаланг ётиб олиб, боши ва елкаси блан бир томондаги, оёқлари ва сонлари блан иккинчи томондаги ўзи тортган тупроққа тиралиб, уни сув ювиб кетишидан сақлаб қолди ва шу вазиятда кетманни қўлга олиб, сувнинг келиши томонидан ариқ остидан лой қазиб, тортиб ўз гавдасига тираб қўяберди.

У кетмонни шундай тезлик блан ўрардики, қўлининг ҳаракатини санаб бўлмасди. Тирсақларининг кетман уриш чоғида тезлик блан олдин-кейин бориб келишини мен бу вақтда бирор нарсага ўхшатаолмаган эдим, аммо Бухо-

родан темир йўл ўтиб, мен паровознинг тирсакларини ҳаракат вақтида кўрганимда, Лутфулла Гўппон тирсакларининг у кундаги ҳаракати эсимга келди. Мен бу иккала тирсаклар орасида тўла ўхшашлик топган эдим.

Лутфулла ўзига қаратиб, тортиб ташлаётган лой уюми ўз гавдасидан баланд бўлиб, сув йўлини бутунлай тўсгандан кейин у тикланиб туриб, лой уюми орқасида чўккалаб ўтирди ва кўкраги блан лойни суяб, сақлаб тургани ҳолда, тагин аввалги тезликда кетман уриб, сув келиши томонига лой тортиб, тўсиқни яна ҳам баландроқ қилди. Сўнгра сувдан чиқиб, ҳар иккала қирғоқдан қуруқ тупроқ қазиб, лой устига ташлаб, оёғи ва кетман орқаси блан шиббалаб сув кўтариб кетаолмайдиган даражада мустаҳкамлади. Натижада сувнинг ҳаммаси Абдушукурхўжа ариғига ва бошқа қулоқ ариқчаларга ағдарилиб оқиб кетди, Лутфулла ҳам суюнабошлади. (Лутфулланинг она бир укаси Иброҳимхўжа ҳам ўқишни ташлаб, деҳқончиликка киргандан кейин у ҳам Марзангонни ёлғиз ўзи боғлаган эди).

Лутфулла Гўппоннинг ёлғиз ўзи ариқни боғламоқчи бўлиб, ишга киришгани оғиздан-оғизга ўтиб, бирпасда бутун қишлоққа ёйилди ва ҳамма шошилиб ариқ бўйига чиқди. Тамошабинлар орасида Устахўжа ҳам бор эди. Иш тугагач, у Гўппонга қараб:

— Иним, минг яша! Ўлма! — деди.

— Устахўжа! Сиз Лутфуллани қабули мумкин бўлмаган тарзда дуо қилдингиз,— деди Абдушукурхўжа.— Дун'ёда минг йил умр кўрадиган одам ёки сра ўлмайдиган одам борми? Бундан кўра «Илоҳи, бой бўл! Қорнинг нонга тўйсин!» десангиз яхшироқ бўлур эди.

Устахўжа одати бўлган очиклиги блан кулимсираб:

— Ижозат беринг Эшон ака,— деди,— мен ўзимнинг дуомнинг ма'носини сизга айтиб берай!

— Марҳамат!— деди Абдушукурхўжа.

— Бир одамни «Мингяша!» деб дуо қилишнинг ма'носи «Дун'ёда минг йил тирикчилик қил» деган гап эмас, бунинг ма'носи оддий одамлар дун'ёда минг йил тирикчилик қилганда бажараолмайдиган ишларни бажар! демакдир. Шунингдек «Ўлма!» дегандан мақсад дун'ёда «Обиҳаёт» ичган афсонавий одамдай ўлимдан баттар тирикчилик блан дун'ёда абадий тирик қол демак эмас, бу сўзнинг ма'носи «Дун'ёда номингни абадий тирик қолдирадиган ишларни амалга ошир!» демакдир.



Абдушукурхўжа кулги аралаш ва масхаралаш оҳанги блан:

— Хўш, Лутфулла қандай ишни бажараоладики, бошқалар дун'ёда минг йил тирикчилик қилганда ҳам ундай ишни бажараолмасинлар ёки у ишнинг сабабидан унинг номи дун'ёда абадий тирик қолсин?— деди.

— Лутфулла 30 ёшга кирди,— деди Уста амаки,— у қўлига кетмон олган вақтдан бери сержонли бир хонадонни ўз меҳнати блан тўйғизиб, кийғизиб келаётир. Бундан буён ҳам шундай қилиши мумкин ва қилиши кутилади. Аммо, сиз (аччиғингиз келмасин) 60 йиллик умрингизда хонадонингиз нари турсин, ўзингизни ҳам ўз меҳнатингиз блан тўйдирган эмассиз!

— Нега? — деб сўради Абдушукурхўжа бироз зардаси қайнаб.— Мен меҳнат қилмас эканман, ўзим ва хонадоним нимани еб тирикчилик қилаётирмиз?

— Қилган меҳнатларингиздан бирортасини айтиб берсангиз!— деди Устахўжа кула-кула:

— Мен ҳарвақт мурид овлашга чиқаман, бу ишда ҳар ой 100—200 танга топаман, шу блан ўзимнинг куним ва хонадонимнинг кунини подшоликдай ўтаётир. Яна қандай иш қилишим керак эди?— деди Абдушукурхўжа фахрланиб ўз касбидан рози одамлар каби.

— Жуда яхши!— деди Устахўжа кулумсираб,— ўзингиз иқрор бўлганингиз яхши бўлди, «мурид овлаш» иш эмас-ку, ахир. Тўғри, паррандаларни ва ёввойи ҳайвонларни овлаш бир иш, бир касб. Одамларни алдашдан иборат бўлган «мурид овлаш»га қандай ма'но бериш керак? Ўзингиз айтинг!

— Одамларга фриб бериш, одамларни ҳийла блан тузоққа илинтириш,— деди оломон орасида турган қори Маҳмуд деган бир киши.

Одамлар қақирлашиб кулдилар. Абдушукурхўжа уялганидан қизариб-бўзаргани ҳолда ўзи ҳам одамлар қаторида кулиб:

— Келинг, бу гапларни бирёққа қўяйлик. Энди Гўппоннинг ўз меҳнатидан қандай нон-ҳалво еганини тамоша қилиш керак,— деди-да, ўз малайини уйдан нон ва бақоликдан ҳалво келтиришга буюрди.

Лутфулла Гўппон нонини<sup>1</sup> тўрт бўлди ва 250 грамм

<sup>1</sup> Бухоронинг уй нони юпқа, аммо жуда катта бўлиб, тевараги бир метрдан анча ортиқ келарди.

келадиган бир тутам мойли ҳалвони ҳам тўртга бўлди-да, ҳарбир бўлак ҳалвони бир парча нонга ўраб еди ва димланиб ариқнинг уватига чиққан сувдан ҳовучлаб ичгандан кейин икки кафтини очиб, қўлларини юқори кўтариб, овқат фотиҳаси ўрнида:

— Лаб айтди, келди! Оғиз айтди, кирди! Қорин айтди, юқоридан қандай нарсаларнингдир шарпаси келди-ю, лекин қуйига тушмади!— деб қўлларини бетига суйкади.

— Лутфулла ака! Агар шу вақт топилса ҳалиги ҳалводан неча тутамини еяоласиз? — деди ёш йигитлардан бири.

— Агар шу вақт бўлса уч тутам, агар кечқурун, ҳозир еганим ҳазм бўлгандан кейин тўрт тутамини ейман,— деди Гўппон.

— Бекор гап,— деди бошқа бир йигитча,— ҳозир бир тутамни ҳам еяолмайсиз!

— Ҳалвони тайёрланг, қандай еганимни кўрсатай!— деди Гўппон.

— Гаров боғлаймиз,— деди бошқа бир йигитча.— Текин ҳалво қаерда?

— Майли, қандай шарт қўйсангиз ҳам мен рози. Ҳалвони тайёрланг!— деди Лутфулла.

— Уч тутам ҳалво, уч танга пул,— деди гаровга чақирган йигитча.— Агар ҳаммасини есангиз, ош бўлсин, сингсин! Бунинг устига 3 танга пул ҳам оласиз. Агар борди-ю, еяолмасангиз, ҳалвога кетган 3 танга устига яна 3 танга қўшиб—6 танга қилиб берасиз. Нима дейсиз?

— Нима дердим?— деди Лутфулла,— тезроқ, бояги ҳалво ҳазм бўлмасдан келтирингки, бир марта бўлса ҳам тўйиб қолай дейман-да!

Уч тутам ҳалвони келтирдилар. Гўппон ейишга киришди, ҳарбир оғиз ҳалво устидан бир қултум сув ҳам ичарди. Еб бўлгандан кейин гаров боғлаганлардан 3 танга пулни ҳам олди.

— Ҳақиқатда сиз 6 танга эмас, 7 танга ютдингиз! — деди ҳалвони олиб келган гаров ўйнаганлардан бири Гўппонга. Уч тутам ҳалво одатда 3 нимча (750 грамм) бўлиб, пули 3 танга бўлса, биз сизга фриб бермоқчи бўлиб, 4 нимча (бир кило) ҳалвони 3 тутамга кестириб тўрт танга тўлаган эдик.

— Жуда яхши қилган экансизлар,— деди Гўппон ва Абдушукурхўжага ишора қилиб давом этди.— Эшон амаким одамларга фриб бериб, уларнинг пулларини олиб ей-

диган бўлсалар, сиз менга фриб бериб ўз пулларингизни егизибсизлар. Бу жуда яхши.

Одамлар кулишиб тарқалдилар. (Мен «Аҳмади Девбанд» деган очеркимда Лутфулла Гўппонни эслаганман).

### ШОФИРКОМДА ЯНГИ РУД (АНҲОР)

Отам қиш кунларида кийим-кечак, кўрпа-ёстиқларга керак бўлган матоларни тўқиб, тикиш учун онамга топширгандан кейин, қиш маҳалларида Маҳаллайиболога кетди. Мақсади: тайёрланган тегирмон чархларини қўшни районлардаги тегирмонлардан харидор топиб сотиш ва чалаларини шундай бўш кунларда йўниб тайёрлаш эди.

Орадан икки ойча вақт ўтгандан кейин — кўклам бошларида отам Маҳаллайиболодан қайтиб келди. У келган чоқда мен ҳовлимизнинг йўли бўлган мачит ғарбидаги тор кўчада Хайбарни эшак қилиб миниб юрган эдим.

Мен отамни кўргач, итни қўйиб юбориб, қувонч блан қарши олиб, эшак устидан осилиб турган оёқни қучоқлаб олдим. Аммо у менга илтифот блан қарамади. Ўзига яқинлашиб, думини ликиллатиб, гўё унинг келишига ўз хурсандлигини изҳор қилган итни ҳам эркалатмади. Унинг манглайини ғам, қайғу булутлари қоплаб олган эди.

Отам ҳовлига кириб, эшакни дарахтга бойлаб, хуржунни олиб ичкарига қараб йўналди. Мен югуриб бориб, отамнинг келганини онамга хабар бердим. Онам уйдан югуриб чиқиб, хуржунни отам қўлидан олиб, аҳвол сўради.

Отам онам блан саломлашиш ва аҳвол сўрашдан, отонасининг саломларини етказишдан бошқа бирон гап айтмади.

Онам хуржунни айвончага қўйиб, отам учун кўрпача ёзиб, ёстиқлар қўйди ва унинг салла-чопонини олиб, қоziққа илди.

Отам ўша қайғули кўринишда онамга чой буюрди, хуржундаги гўшти олиб тузлашни тайинлади ва ўзи ёстиқларни олдинга тортиб, уларга суяниб, ёнбошлаб чўзилди. Мен унинг қайғули юзи кўриниб турадиган жойда жим ўтирдим. Онам чой келтириб, дастурхон ёздан кейин отам тикланиб ўтириб, нон еб, чой ичишга киришди, лекин ҳали ҳам унинг қайғули вазияти бирдек эди. Онам отам рўпорасига ўтириб, хафалиги сабабини билиш учун бўлса керак:

— Тегирмон чархлари сотилмадимиз? — деб сўради.

— Сотилди. Иккита сада ҳам сотиб олиб, чарх бўладиган ўлчакда ғўла кесиб, тайёрлаб қўйдим. Ёз кунларида вақтим бўлса бориб, йўниб чарх ясайман,— деди-да, яна жим бўлди.

— Худо сақласин, мижозингизда бирор оғирлик борми, бу қадар сўлғин кўринасиз?— деди онам яна гап қўзғаб.

— Менинг мижозимдаги бу оғирлик касалликдан эмас. Шофирком халқи бошига тушган оғирликнинг таъсиридан пайдо бўлди,— деди отам, яна жим бўлди.

Онам отамнинг бу жавобидан чигал калаванинг учини топгандай, уни яхшилаб ечишга киришди ва шу мақсад блан яна сўради.

— Шофиркомда янги рўд қазийтирлар, дейишади, бу гап ростми?

— Рост,— деди отам ва давом этди:— кошки янги рўд чиқармоқчи бўлмасайдилар! Рўд қазииш иши — қум бошишдан келган бу харобалик устига «дард устига чипқон» бўлди.

Энди отамнинг юзи бироз очилгандай кўринарди. Лекин бу очилиш кўнгилда пайдо бўлган қандайдир бирор шодликнинг аксланиши бўлмай балки кўзида ёлқинланабошлаган ғзаб ўтининг ин'икоси каби эди. У сўзлайбошлади. Унинг гапига кўра, Шофирком туманининг халқи ўтган йил ўз ташаббуси, ўз кучи блан қум босган эски рўдни очмоқчи бўлипти. Лекин муваффақ бўлаолмапти. Неча марта рўдни қазиб, Қоқо ёвонигача бироз сув келтирган бўлсалар ҳам, рўд қирғоғида уйилиб ётган қумлар яна силжиб тушиб, икки кунда сув йўлини кўмиб ташлапти. Бу ҳолни кўрган деҳқонлар янги рўд қазиишни орзу қилабошлаптилар. Янги рўд қазииш фақат ҳукуматнинг рухсати ва назорати блан қилинар экан. Туманнинг «катталари» — аминлар, оқсоқоллар: «Халқ янги рўд қазииш учун тайёр, бутун харажат ва жамғармани ўз гарданига олади. Жаноби олийнинг рухсатлари бўлиб, раҳбарлик учун бирон кишини тайин қилсалар, мамлакат ободлигига сабаб бўлардилар» деган мазмунда амирга арз қилишипти.

Амир Музаффар Шофирком туманининг тўрт ҳокимига — қози, раис, амлақдор ва миршабига фармон юбориб, бу ишни бошлашга буюрипти.

Ҳокимлар янги рўд ўтадиган жойларни аниқлагандан кейин ишга киришиптилар. Лекин 6 ой муддатида, халқнинг шу ҳужуми оқибатида бор-йўғи туманнинг «катта-

лари» ва тўрт ҳокимнинг харажатларига кетгани ҳолда фақат бирнеча минг газ сув йўли қазилипти.

Отам янги рўд қазииш ишининг бориши тўғрисида қуйидагиларни айтди:

— Мен ҳашар ишнинг боришини кўрмоқчи бўлиб, иш бошига бордим, тўрт ҳоким ўз одамлари ва аминлар, арбоблар ва оқсоқоллар ўзларига қарашли одамлар блан 200 тача бор эдилар. Булар кенг далада чодир қуриб ўтирардилар. Юзлаб ҳашарчилар ҳам тўп-тўп бўлиб, унда-бунда ётардилар.

Қассоблар қўйларни сўймоқда, наввойлар нон ёпмоқда, ошпазлар шўрва, палов пиширмоқда ва гўшт қовурмоқда. Ҳар 4—5 чодир орасида бир катта самовар қайнамоқда.

Бу 200 кишилиқ тўданинг отлари ўз эгаларининг чодир олдига қоқилган қозиққа боғлангани ҳолда кўк беда емоқда, отларнинг оқшом емлари учун арпа тўла қоплар қатор қилиб қўйилган эди.

Қишлоқ оқсоқоллари келажакда керак бўладиган гурунч, ун ва арпани эшакларга юклаб келтирмоқда, қўйларни суриб келмоқдалар.

У тўда тайёр бўлган овқатларни еб, чойларни ичгунча офтоб ботишга икки соатча вақт қолган эди. Овқатдан кейин аминлар ўз чодирларидан эринибгина чиқиб, арбобларга ҳашарни бошлашга буйруқ бердилар. Арбоблар пайкорларни чақириб, ҳарким ўз даҳаси одамларини ишга солсин деб буюрдилар.

Ҳашарчилар тўпланиб ишга киришгунча яна анча вақт ўтди, шундай бўлиб, ҳар даҳа ўзига берилган жойдан офтоб ботганича 2—3 газ ер қазиди, холос. Қун қоронғулашгач, пайкорлар жар солиб, бугунги ишнинг тугаганлигини, эрта ҳарким ишга келмаса ёки кечикиб келса оғир «боқипули» (штраф) тўлажагини ҳашарчиларга э'лон қилиб, уларнинг тарқалишига рухсат бердилар,— деди.

Онам ҳам албатта мен каби ишнинг чўзиш сабабини туюшунмас эди, шунинг учун сабабини отамдан сўради.

— Сабаби ма'лум,— деди отам,— агар ҳашар тамом бўлса бу икки юз ўлаксахўр текин овқатни қаердан топади ва отлари учун бепул ем, беда қаердан келади? Ҳолбуки уларнинг ҳашардан оладиган манфаатлари бу блан қолмайди: агар кунда 10.000 танга «ҳашар харажати» деб халқдан йиғиб олсалар, бу пулнинг ярмини пишириб есалар, ярмини «хомталаш» қиладилар, я'ни ўзаро бўлиб ола-

дилар. Бирон сабаб блан ишга келмаганларга ва ишнинг кеч бошланишидан зеркиб кечроқ келганларга солинадиган «боқипули» бўлса улар учун қўшимча даромад.

Отам Шофиркомда халқ бошига тушган балоларни айтиб кўнглини бироз бўшатганидан бўлса керак, юзидан, қайғуси озгина енгиллашгандек кўринабошлади ва олди-га қўйилган пиёлани олиб чой ичаётганида кўзида фахрли бир жасорат ҳам жилваланди. Пиёлани бўшатиб онамга бериб, унга кўнглидаги қандайдир бир сирни «айтайми, айтмайми?» дегандай қилиб, иккиланиб қараб тургандан кейин, у сирни айтишга жазм қилгандай гап бошлади:

— Мен бир иш қилдим билмайман фойда берадимми ё бермайдимми? Ўз фикримча фойда берса керак,— деди-да, сирни очабошлаганидан пушаймон бўлгандай яна жим бўлиб қолди.

Онам бироз кутиб турди, ундан гапнинг давомини эшитмагач сўради:

— Қандай иш қилдингиз?

Отам боши очилган сирни айтмасдан иложи йўқлигини билди, лекин сирни очишдан аввал суҳбатдошини сир сақлашга чақиришни лозим топиб, шу мақсадда гап бошлади:

— Ҳозирча мен қилган ишим тўғрисида бирор кишига бирон оғиз гапирган эмасман, сен ҳам бу тўғрида бирон кишига оғиз очакўрма! — деди-да, ўз ишини изоҳлади:

— Мен халқ бутунлай хонавайрон бўлгани ҳолда янги рўд қурилмай қолишини билдим-да, бир тахта қоғозни тўлдириб, амирга ариза ёздим. Аризада ишнинг боришини сенга айтиб берганимдан ҳам кенгроқ қилиб тасвирладим. Натижада бирон мўминроқ одамни ишбоши қилиб тайинлашни талаб қилдим. «Шундай бўлмаганда,— дедим,— рўд қазиш иши бирнеча йил чўзилади-да, ундан биринчи навбатда давлат зарар кўради. Чунки сув бўлмаганида бир туманнинг ери бирнеча йил экилмай қолиб, молият (ер солиғи) олиш йўли боғланади. Ҳолбуки чор ҳоким блан амин, оқсоқолларнинг ишни чўзиб, халқни алдаганларидан жаноби олийга бир пуллик фойда йўқ.

Онам кўрққанидан ранги ўчгани ҳолда:

— Аризани кимнинг номидан ёздингиз?— деб сўради.

— Ўз номимдан!— деди отам.

Бу жавобни эшитган онам кўрққан парчасига бирдан дуч келиб қолган одамдай, титраб кетиб, нафаси кўкрагига қисилиб қолгандай бўлди. Бу ҳолни кўрган отам:

— Қўрқма! Ўз номимни билдирган эмасман,— деб давом этди,— балки аризанинг охирида «Бу аризани ёзган киши бу тумандан эмас, унинг бунда ери ҳам йўқ, унга сув ҳам керакмас. Аммо ҳам давлатга, ҳам халққа манфаат етказиш ниятида бу аҳволни жаноби олийга холисона арз қилдим» дедим.

— Аризани амирга етказдингизми? — деб сўради ранги жойига келиб нафаси ростланган онам.

— Ариза амирга етган бўлса керак,— деди отам ва давом қилди:— Аризани энг ақлли, энг қўрқмас йигит бўлган сенинг аканг — Қурбонниёзга бердим ва унга тайин қилганим бўйича, у Бухоро шаҳрига боради, ҳар жума куни амир аркдан тушиб Жоме'га бораётганида оломон орасида туради, амир олдидан ўтаётганида унинг кўзи тушадиган даражада аризани юқори кўтариб туради, амирнинг жиловидида пиёда бораётган шотирлардан бири одат бўйича аризани унинг қўлидан олиб, ўша ондаёқ амирга топширади.

Отам Маҳаллайиболо қишлоғидан қайтиб келгач бир-неча ҳафтадан кейин Бухорода ўқиётган катта тоғам мулла Деҳқон онамни кўриш учун уйга келди.

Унинг айтишига кўра, Бухорода Ғиждувон қозиси Қознабдувоҳиднинг ўғли блан бирга ўқир экан. Бухоро мадрасаларида дарслар тўхтаганидан кейин қозининг ўғли тоғамни ўзи блан бирга олиб, Ғиждувонга — отаси олдига келган. Мақсадлари қози олдида мадраса программасига кирмаган ба'зи дарсларни ўқиш экан.

Бу орада амирдан қозига Шофиркомга бориб янги рўд қазниш ишига раҳбарлик қилиш тўғрисида муборакнома (фармон) келган. Қози Шофиркомга — ҳашар бўлаётган жойга кетган ва қози ўғли блан тоғамнинг дарс ўқиш ниятлари амалга ошмаган.

Бу хабарни эшитган отам ўтирган жойида бўйинини юқорига чўзди ва бошини орқа томонга солиб, кўрагини олдинга чиқарди, бу хабардан пайдо бўлган хурсандлик гўё унинг ичига сиғмай, кўкраги кенгаймоқ истарди. Шундай бўлса ҳам тағомга ма'нидор қарашдан бўлак ариза сирини очиниш йўлида ҳечбир ҳаракат кўрсатмади ва тоғамдан:

— Янги ишбоши тайин бўлгандан кейин ҳашар иши қандай бораётир? — деб сўради.

Тоғам жавобда ҳалигача ўзининг Шофиркомга бормаганини ва синглисини кўргандан кейин у томонга бормоқчи эканини, ўшанда ҳашар иши блан танишаолишини айтди...

Тоғам бирнеча кун бизникида тургандан кейин Маҳаллайиболога бормоқчи бўлганида отам ҳам у блан бирга бориб, рўд қуришда янги ишбошининг ишини кўрмоқчи бўлди. Мен ҳам отамдан мени бирга олиб боришни сўрадим. Отам рози бўлди ва биз йўлга чиқиб, Маҳаллайиболо қишлоғига бориб, бобомнинг ҳовлисига тушдик.

Қишлоқда хотин-қизлар, қарилар ва ёш болалардан бошқа киши йўқ эди. Бобомнинг ҳовлисида бизни чолу кампир ва келинлари қарши олдилар, тоғаларим ҳашарга кетган эканлар.

Отам ва Мулла тоғам блан кўришмоқ учун қишлоқ чоллари тўпландилар. Улар бир-бирларининг сўзларини бўлиб, ҳашарнинг янги ишбошиси — қози Абдувоҳидни мақтардилар. Уларнинг айтишларига кўра, янги раҳбар ҳашар учун халқдан пул ва озиқ-овқат йиғишни тақиқлаган. «Ҳарбир ҳашарчи фақат ўзи учун овқат олиб келсин, аминлар, оқсоқоллар ҳам ўз ғамларини ўзлари есинлар» деган. Қозининг ўзи ҳам фақат икки одами блан иш бошига келган ва ўз овқатини ўзи келтирган.

Иш вақтини офтоб чиқишидан, офтоб ботишигача белгилаб, ҳашарчиларни фақат овқат вақтида дам олдирган ва бунинг натижасида бирнеча кун ичида эски раҳбарлар вақтида 6 ойда бажарилгандан кўпроқ иш бажарилган.

Отам бу гапларни эшитиб, жуда хурсандлик аломати кўрсатди ва ёзилган дастурхонни ташлаб:

— Келинг, бориб ҳашарни ўз кўзимиз блан кўриб, ҳашарчиларга «Ҳорманг, омин!» деяйлик,— деб ўрнидан турди.

Тоғам ҳам рози бўлиб ўрнидан қўзғолди, мен ҳам уларга эргашдим. Ҳашар Маҳаллайиболо қишлоғининг жанубидаги «Рўбаҳо» (Тулкилар) қишлоғига келган экан. Бу икки қишлоқ бир-бирига яқин бўлиб, орада фақат минг қадамча масофа бор эди.

Биз ҳашар жойига егдик. Қози, белини устидан оқ фўта блан боғлаб, қўлидаги узун таёққа суяниб, тик турарди. У, ўртабўйли, ориқ одам бўлиб, юзи офтобда куйган каби қорамтил, соқоли ўрта, сийрак ва оппоқ, қойлари бўлиқ, узун тукли ва оқарган бўлиб, амаки бобомнинг қошлари тукидай кўзларининг устига тушиб турарди.



Мулла тоғам унга шогирдаларча эгилиб, эхтиром блан салом берди ва кўришмоқ учун чўзган қўлларини тутиб ўпмоқчи бўлганида, бунга йўл қўймай, тортиб олди.

Тоғам ўзи кўришгандан кейин отамни ҳам «Язнамуллам» деб унга таништириб кўриштирди.

Қози отам блан кўришатуриб, тоғамдан:

— Сизнинг саводингизни чиқариб, мадрасага олиб бориб қўйган шу киши бўлса керак? — деб сўради ва тоғамдан тасдиқ жавобини олгач, — Мен бу ҳолни ўғлимдан эшитган эдим, — деган ҳолда отам блан қайта кўришди.

Қозининг кўзи менга тушгач:

— Бу кимнинг ўғилчаси? — деб отамдан сўради.

— Менинг ўғилчам, — деб отам жавоб берди.

Қози мени икки қўллаб боши бараварича юқори кўтариб, қайта ерга қўйди-да:

— Катта бўлсин, мулла бўлсин, доно бўлсин! — деган ҳолда қўйинг чўнтагидан қизил қоғозга ўралган бир дона попук олиб бериб, отамдан сўради:

— Ўғилча ўқийдими?

— Шу кузда мактабга бераман, деган ниятим бор, — деди отам.

Ҳашарчилар орасида бўлган менинг тоғаларим — Қурбонниёз, Равшанниёз, ва Ниёзхонларнинг кўзлари отам ва Мулла тоғамга тушгач, келиб булар блан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Булар ким? — деб қози Мулла тоғамдан сўради.

— Булар менинг иниларим, — деб Мулла тоғам жавоб берди.

— Жуда яхши, булар тузуккина ишлайдилар, — деди қози, Равшанниёз, Ниёзхонларга қараб, — хўп сизлар ишларингга боринглар, булар блан (отам блан Мулла тоғамга ишора қилиб) кечқурун суҳбатлашасизлар, — деди ва Қурбонниёздан бироз шунда туришни сўради.

Иккала тоғам ишга кетгач, Мулла тоғамга қараб:

— Бу уканг, — деди сансанлаб ва Қурбонниёзга ишора қилиб, — ўтакетган ишчан. Унга баравар келадиган ғайратли ишчанлардан ҳашарчилар орасида 10 киши бор. Лекин бу улардан ақл ва жасорат жиҳатидан олдинда туради...

Чол учун тикка туриб гапириш қийинлик қилган бўлса керакки, дарахтга орқасини суяб ва таёғига таяниб, ўтирди ва суҳбатдошларини ҳам ўтиришга буюрди. Қурбонниёзни ишга жўнатгандан кейин сўзини давом этдирди:

— Мен ишга келганимнинг биринчи кунда аминларни олдимга чақириб, уларга 10 та дурадгор уста топишга буюрдим, токи биз ҳашарнинг боришида рўднинг кўприкларини, дарғотларни, тахта варғ ва тўғонларини тузатиб борайлик. Аминлардан бири: «Ҳарбир дурадгор кунда беш танга олмасдан ишламайди, ўн устага кунда 50 танга беришга тўғри келади. Модомики, сиз халқдан ҳашар пули йиғишни тақиқладингиз, бу маблағни ким ва қаердан тўлайди?» деди. Ҳашарчилар орасида туриб аминнинг жавобини тинглаётган сенинг ҳалиги уканг менга қараб «Тақсир, арзим бор!» деди. Мен уни олдимга чақириб, «Гапингни гапир!» дедим. У айтди: Ҳашарчилар орасида 50 тадан кўпроқ дурадгорлар ва ҳарротлар борки, улар ҳам кўп қатори рўд қазимоқдалар. Агар уларни рўд қазийшдан озод қилиб дурадгорлик ишига буюрсалар, хурсанд бўлиб текин ишлайдилар».

— Мен,— деди қози давом қилиб,— дарров дурадгорларни тўплаб, уларнинг орасидан ўнта ҳунармандини ажратиб дурадгорлик ишига қўйдим. Шундай қилиб, биз рўд қурилиши блан бирга унга оид иншоот ишларини ҳам барабар олиб бормоқдамиз.

Қози ўз сўзини яна Қурбонниёз устига буриб, давом этди:

— Бу йигитнинг ақл ва жасорати мени қоил қилди. Агар унинг жасорати бўлмасайди, ақли бу ерда фойда бермасди ва у, бу худбин ва мағрур аминлар олдига келиб, менга маслаҳат беришга ботинаолмас эди. Шунинг учун ҳарбир одамга ақл блан жасорат, ҳар иккаласи керак. Ақлсиз жасорат одамни жинни қилганидек жасоратсиз ақл ҳам одамни ўликлар қаторига ётқизиб қўяди ва ундай одам билатуриб ҳарбир ишга ташаббус қилишдан қўрқади ва фурсат ўтганидан кейин «Ҳай аттанг, шундай қилсам бўлар экан!» дейди.

Қози Мулла тоғамга:

— Бу укангни менинг хизматимга бер! — деди, ва:— Уқиш-ёзишни биладими? — деб сўраб ҳам қўйди.

— Йўқ?— деди Мулла тоғам.

— Майли,— деди қози,— ақл ва жасорати бўлгандан кейин ҳарбир ишни бажараолади, ўзи ҳам кўп нарсани ўрғанади.

Қози хизматчисига чой буюрди. Хизматчи дарахтга осиглик бир чарм халтани олиб, унинг ичидан бир пиёла ва бир мис қумғонни олиб, пиёлага чой қуйиб қозига бер-

ди. Қози чойни икки хўплаб ичиб, суҳбатдошларига ҳам чой қуйиб беришга буюрди ва отамга қараб:

— У чой эрта блан Ѓиждувонда тайёрланиб келтирилган, шунинг учун совуган. Айб қилакўрманг! Ҳар ҳолда совуқ хом сувдан яхшироқ.

Отам блан тоғам ҳам бир пиёладан совуқ чой ичгандан кейин, қози:

— Келинлар, ҳашарчиларнинг ишларини кўриб уларга «Ҳорманг, омин!» деяйлик,— деб ўрнидан турди. Отам блан тоғам унга қўшилдилар. Мен ҳам эргашидим. Қози ҳарбир даҳанинг ҳашарчилари олдида турар, уларга «Ҳорманг, шоввозлар!» дер, айрим ишчан ҳашарчиларга «Балли!» ёки «Офарин» деб руҳлантирарди.

Белларини устларидан боғлаганлари ҳолда дарахтларнинг соясида ётган амин, оқсоқоллар қозининг узоқдан келишини кўриб, ўринларидан туриб чаққонлик блан ҳашарчилар устига бориб, қози эшитарлик баланд овоз блан «Кетмонни бу ердан уринг, тупроқни у ерга отинг!» деб гўёки уларга раҳбарлик қилардилар.

Бу орада қорни катта, фавқулодда семиз бир амин қозини кўриб, дарахт соясидан турди, аммо у шундай оғир юрар эдики, «хўжа кўрсин» учун ҳам тезроқ қадам босаолмас эди. У, секин-секин юриб, ҳашарчилар олдига зўрға етиб, уларга қандай ишлаш кераклигини кўрсата бошлади. Аммо қози ундан илгарироқ кетиб, ҳашарчиларнинг ишларини кўздан кечирмоқда эди.

Семиз амин бироз «иш кўрсатгандан» кейин гўёки қозини ҳозиргина кўрган бўлиб, унга рўбарў бўлиб, эгилиб, эҳтиром блан салом берди.

— Амин, сиз ортиқ семирибсиз!— деди қози унга,— бу ҳол сизга оғир юк ва сизни тинчсизлантиради. Менинг кўзим олдида бошқа аминлар каби қиладиган бу «ишингиз» блан сизнинг юкингиз енгиллашмайди. Сиз гоҳо бирор ҳашарчи қўлидан кетмонни олиб, амалий суратда иш кўрсатинг! Бу блан ҳам ўзингизнинг, ҳам у ҳашарчининг юкини енгиллаштирган бўласиз!

— Хўш тақсир, жоним блан!— деган ҳолда амин қазилаётган жойга кириб бир ҳашарчининг қўлидан кетмонни олиб ер қазिशга киришди. Аммо, ўн-ўн икки кетмон тупроқ қазир-қазимас ҳарсиллаб қолиб, челақ блан бошидан сув қуйгандай терга ботди ва оқибат бўшашиб, кетмон сопига суяниб ўтириб қолди. Ҳашарчилар қиқирлашиб кулиб юбордилар.

— Кўрдингизми амин,— деди қози унга,— ишлаш, иш буюришдан қанча қийин экан! Сиз аминлар шу осонгина бўлган иш буюришни ҳам қилмай, дарахт соясида чўзилиб, қоринларингизни қашиб ётасизлар.

Биз олға борабердик, Рўбаҳо кишлоғидан чиқиб, ундан анча узоқлашганимизда бир тахта варғ (тахта тўғон)га дуч келдик. Усталар тахталарни йўниб, бир-бировига жуфт қилиб тўғон устунлари орасида ўрнаштирмоқда эдилар.

Бу тахта тўғондан икки ариқ ажраларди — рўднинг жанубидагиси Истамзе қишлоғига, шимолдагиси Маҳаллайиболо қишлоғига борар эди.

Қози усталардан сўриштириб, тахта варғнинг беш минутда тугалланишини билгач, бу ишни кузатиб турган миробга варғнинг қуйисидан, тупроқдан бир банд солишни, сўнгра юқорига бориб, сувни очиб келишни буюрдида, меҳмонлари блан бирга сояда ўтириб, гапга киришди:

— Мен ишни шу тартиб блан олиб бораётибманки, ҳашарчилар орқасидан сув ҳам эграшиб келаберади. Ҳашарчилар ҳарбир участкани қазиб тайёрлагач, дарров у участкага сув қўяберамиз. Ўтган йили биз Қорахоний қишлоғида ишловдик, тунов кун Қоқода иш бошлаб, сувни у ергача келтириб қўйган эдик. Бугун биз Истамзе блан Маҳаллайиболони суғорамиз. Эртага рўднинг суви Деҳнавгача боради...

Қози бироз жим туриб, яна давом этди:

— Ўз меҳнат самарасини кўзи олдида кўрган ҳашарчининг куч ва ғайрати икки баравар ошади...

Мироб қазиб бўлган жойдан рўдни тупроқ блан боғлашга отланиб, юқорига бориб, сувни очиб келиб, сувнинг яқинлашиб келганидан қозига хабар берди.

Қози суҳбатдошлари блан рўд бўйига келди, юқорида димланиб кўпайиб қолган сув тўлқинланиб, хас-хашаклар ва кирланган сарғимтир кўпикларни олдин суриб келмоқда ва келатуриб, катта варғга урилиб, тўхтади-да, юқори кўтарилабошлади ва бирпасда тўғоннинг устигача кўтарилиб, Истамзе ва Маҳаллайиболо ариқларига оқиб кетаберди. Варғнинг устида ва тахталарнинг орасидан қуйига қараб ҳам сув оқса-да, ҳашарчилар ишлаётган жойга бориб етмас ва тупроқдан қурилган тўғонга тиралиб, димланиб қоларди.

Отам блан тоғам қозидан рухсат олиб, ундан ажрал-дилар. Биз Маҳаллайиболо ариғини буйлаб, бобомнинг ҳовлисига қараб йўл слдик.

— Бу одам замонамизнинг машҳур олими ва дониш-манди бўлгани устига, бадани ҳам темирдан қўйилган экан, қарилигига қарамай, на тик туришдан чарчайди, на йўл юришдан,— деди отам тоғамга йўлда.— Еши ҳам 70 дан ошгандир.

— Углининг гапига кўра, бу йил 76 ни тўлдириб, 77 га қадам босади,— деди тоғам.

Биз секин-секин юриб, сув блан бирга Маҳаллайиболо қишлоғига кирдик. Қишлоқ болалари қувонч блан чапак чалиб:

Сув келдию, сув келди,  
Қишлоққа сулув келди.  
Қирғоқни ювиб келди,  
Кўпикни қувиб келди,  
Сув келдию, сув келди!

деб ашула айтардилар ва ариқ буйлаб гоҳо сувнинг оқи-мига, гоҳо оқимга қарши югурар эдилар..

Биз бобомниқига кирдик, унда қариялар яна ҳам кў-пайган ва ҳашарнинг самарали боришидан хурсандлик қилмоқда, тарихда сув учун хизмат қилган айрим одам-ларни эсламоқда ва қози Абдувоҳидни ҳам улар қаторига киргизмоқда эдилар.

Гап қозининг Қурбонниёз тоғамни ўз хизматига так-лиф қилгани устига келганда, бобом ўз ихтиёрини отамга берди ва:

— Куёв қандай маслаҳат берсалар, мен унга рози,— деди.

— Мен сипоҳгарчиликни, айниқса қозиларга муло-зимлик қилишни ёмон кўрсам ҳам,— деди отам,— Қур-бонниёзнинг бу қозининг хизматига киришини муносиб деб биламан. Менингча, бу иш Қурбонниёз учун бир тар-бия мактаби бўлур. (Қози Абдувоҳид ўз замонининг буюк шоирларидан бўлиб, Аҳмади Дониш (Аҳмад маҳду-ми калла)нинг яқин дўстларидан эди. Унинг тахаллуси ше'рда «Сарир» (қалам овози) эди. Унинг зикри ва ше'-рининг намуналари менинг томонимдан тартиб қилинган «Намунаи адабиёти тожик» номли тўпламнинг (1926-нчи йил, Москва босмаси) 385—391 бетларида қайд қи-линган).

## ЯНГИ РҮД ҚАЗИЛГАНДАН КЕЙИН ШОФИРКОМДАГИ АҲВОЛ ВА ҚОЗИ АБДУВОҲИДНИНГ ОҚИБАТИ

Ҳашар бошланган йилнинг кузида рўд қазилиб бўлиб, сув оқизилди. Деҳқонлар кўтаринки руҳ блан деҳқончилик ишини бошлаб юбордилар: ерларини суғориб, ҳайдаб, бир қисмига кузги дон экдилар, бир қисмини шудгор қилиб, кўклам экинига тайёрлаб қўйдилар.

Янги рўднинг боши жуда соз ва ўнг тушганидан у За-  
рафшон дарёсидан эски рўдга нисбатан икки баравар  
сув тортадиган бўлди. Деҳқонлар бу ҳолдан фойдаланиб,  
ҳукуматнинг раҳбарлигисиз эски рўдни қумдан тозалаб  
янги рўднинг бир қисм сувини унга оқиздилар ва қум  
босган ерларни очиб, суғориб, қайтадан экинзорга айлан-  
тирдилар. Бу ишни кўпинча қум босиш натижасида ер,  
сув, уй-жойдан бутунлай ажралиб, жануб томонларга —  
бошқа районларга кўчиб кетган деҳқонлар бажариб, қай-  
тадан ўзларининг илгариги жойларига кўчиб келдилар.  
Булардан бошқа ўтинкашликка тушиб қолган ерсиз деҳ-  
қонлар ҳам янги рўднинг фаровон сувидан фойдаланиш  
йўлига киришдилар, булар, кўп йиллардан бери қум бо-  
сиш оқибатида кўмилиб кетган ва у томондаги қумлар  
жанубга кўчгандан кейин атрофидаги собиқ экинзорлар  
тошлоқ, тақир чўлга айланиб қолган жойдаги Жилвоч  
рўдини ўз ташаббуслари блан қазидилар ва унга янги  
рўднинг ортиқча сувини оқизиб, мош, тариқ, буғдой, ар-  
па каби тошлоқда униб-ўсадиган экинларни экабошла-  
дилар.

Шундай бўлиб, янги рўднинг ишга кирганидан кейин  
икки йил ўтар-ўтмас Шофирком тумани қум босмасдан  
илгариги ҳолига кўра ободроқ бўлди.

Аммо, бу ободончиликка ҳаммадан аввал бойўглининг  
кўзига ўхшаган амир Музаффарнинг кўзи тикилди: у —  
золимликда ном чиқарган Муродбек деган кишини Шо-  
фиркомга амлақдор қилиб, корчалонлиги блан амир Му-  
заффарнинг муҳаббатини қозонган қози Сафини қози қи-  
либ тайинлади.

Бу икки таланчи чигирткага ўхшаган ўз тўдалари —  
шогирдпеша ва мулозимлари блан бу туманга келиб, у  
ободон районни харобазорга айлантирдилар: амлақдор,  
Шофирком деҳқонларининг қум босиш оқибатида ерлари  
экилмай қолиб, ер солиғи бермаганларини сабаб қилиб  
кўрсатиб, улардан бирнеча йиллик солиқни талаб қилди

ва шу ҳисобга ўша йилги ҳосилни бутунлай ёзиб, деҳқонларни қарздор ҳам қилиб қўйди.

Асосий вазифаси «шариатпаноҳлик» сифати блан халқни таламоқ бўлган қози Сафи, амирнинг корчалон малайи сифати блан бу оғир солиқни яна ҳам оғирроқ қилиб тўлатишда Муродбекнинг ёрдамчиси бўлиб майдонга отилди: амир ҳукуматининг солиқ йиғиш тартиби бўйича амлақдор ҳосил етилган чоқда экин устига келиб, солиқни жинсан (натура тарзида) деҳқон номига ёзиб кетарди. Йиғим-теримдан кейин — кузнинг охири ва қишнинг бошларида — район қозиси бозор нарҳини амирга арз қилар, амир ўша нарх бўйича солиқ ҳисобига ёзилган маҳсулотни нақд пул блан деҳқонлардан тўлатиб олишни амлақдорга буюрарди.

Қози Сафи мана шу нарх арз қилиш вақтида корчалонлик сифатини яхшилаб бажарди: у, савдогар қўли блан устма-уст бирнеча бозор қуни ғалла-донни ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти нарҳини оширди ва шу сун'ий йўл блан оширилган нарҳни амирга арз қилди ва амир ҳам ўша нархга мувофиқ, солиқларни нақд пул блан ундириб олишга фармон берди.

Бунинг натижасида солиқ солиш вақтида бир марта таланган деҳқонлар солиқни тўлашда бутунлай хонавайрон бўлдилар, уларнинг ба'зилари деҳқончилик асбобларини, уй анжомларини, ба'зилари ерларини арзон нарх блан бойларга сотиб, бу оғир солиқни тўлашга мажбур бўлдилар. Ҳатто ба'зи деҳқонлар ўғил ва қизларини сотиб, солиқ тўлашга ёки қизларини «духтарона» (сақланди), ўғилларини «қулбачча» номи блан солиқ учун ҳукуматнинг ўзига баҳо қилиб беришга мажбур бўлдилар. (Амир Музаффар умрининг охирларида шундай солиқ ўрнига олинган деҳқон болаларидан «ғулумбачча» (қулбачча) номида бир тўда сарбоз (низомил аскар) ташкил қилган эди).

Бу йўлларнинг ҳечбири блан солиқ тўлайолмайдиган деҳқонлар, я'ни молу мулки, қизу ўғли бўлмаганлар зиндонда қамалишга ёки яширин ҳаёт кечиришга ўтиб, ўғирлик қилишга мажбур бўлар эдилар, ба'зилари қочиб бевосита рус подшоҳи қўли остидаги Туркистонга — Сирдар'ё бўйлари ва Мирзачўлга борар эдилар.

Солиқни тўлатиш вақтида бозор нарҳини сун'ий равишда юқори кўтариш қози Сафи намунаси блан бутун Бухоро музофоти қозилари учун умумий одат бўлиб кет-

ди. Амир учун бу иш жуда қўл келган эди, ҳатто у бу тўғрида ўз надимлари (суҳбатдошлари)га ҳаёсизлик блан: «Мен бу ишда ўзимни худо олдида гуноҳкор санамайман, чунки мен шариат ҳокими бўлган қозиларнинг арзи юзасидан фармон бераман. Бу ишдаги нотўғриликлар учун қиёмат кунда, худо олдида қозилар жавоб беражаклар» деган эди.

Муродбек блан қози Сафи янги обод бўлган Жилвон рўд бўйларини ҳам тинч қўймадилар: у томонларда экин-тикин қилган деҳқонларнинг ҳечбири иш ҳайвонига эга эмас эди, улар кетмон ва бел курак блан тошлоқ ва тақир ерларни юмшатиб, бирмунча экин эккан эдилар. Амлақдор уларга ҳам илгаридан экилиб келган ерлар қаторида бир ўлчакда солиқ солди. Албатта улар ундай солиқни беролмадилар ва ҳукуматдан «қарздор» бўлиб, асосий касблари бўлган ўтинкашлик блан пешма-пеш солиқ қарзини тўлашга мажбур бўлдилар (мен бу ҳолларни «Қуллар» романининг II бўлимида акс этдирганман).

Қозилар амир ҳукуматининг ёзилмаган «қонун» бўйича эгасиз қолган молларни «луқата» (йўлда тушиб қолган) номи блан подшоҳлик қилар эдилар. Қози сафи ана шу «қонун»ни чўл этагида бўлган Жилвон бўйида корчалонлик блан жорий қилди... У ўзининг ов итлари мулозимларини ҳар кун чўл этагига чиқиб, у томонлардан «луқата моли» топиб келишга буюрди.

Улар биринчи навбатда Жилвон бўйи ўтинкашларининг қўй ва эчкиларини овлай бошладилар: у ўтинкашлар сдатда қўй ва эчкиларини Жилвон бўйида ўтлов учун қўябериб, ўзлари ўтин териш учун чўлга тарқалиб кетардилар. Қози одамлари мана шундай ҳайвонларни эгасиз мол сифатида қозихонага олиб бориб, подшоҳлик қилардилар. Агар мол эгаси, мулозим у молни ҳайдаб бораётганида етиб келса ҳам, ўз молини унинг қўлидан ололмасди, мулозим:

— Мен эгасиз ҳолатида қўлимга киргизилган бу молни олиб қози жанобларига топшираман, сен гувоҳларингни олиб бориб, бу молнинг ўзингники эканини шариатга мувофиқ исбот қилганингдан кейин, қайтариб олишинг мумкин,— деб унинг талабини рад қиларди.

Барибир мол эгаси гувоҳ топиб олиб борган блан ҳам ўз молини ололмасди, чунки қозихонада гувоҳлик берадиган одамнинг дин асосларидан иборат бўлган «фарзи айн» номли тўпламни билиши ва қози олдида ёддан, ха-



тосиз ўқиб бериши шарт эди. Ҳолбуки саводсиз деҳқонлар ундай нарсани билмасдилар. Агар борди-ю, «фарзи айн»ни билучи бирон гувоҳ топилиб қолса, агар у гувоҳ мол эгаси блан қишлоқдош бўлса, да'вогар блан «шериклик» туҳмати блан; агар чет қишлоқларидан бўлса, «сотқин гувоҳ» деган туҳмат блан қози томонидан рад этиларди.

Ана шундай зулмлар натижасида эски рўд ва Жилвон рўдидан суғориладиган ерлар экилмай қолиб, сув йўллари қуриб, қақраб, кўмилиб кетди ва янги рўддан суғориладиган кам ерли деҳқонларнинг ерлари ҳам экилмай қолди, ёки бойлар қўлига ўтиб кетди. Рўднинг ортиқча суви кўлларга ва чуқурларга оқиб кетиб, у ерларни безгак уясига айлантирди ёки чўлга чиқиб, Қизилқум ораларига сингиб кетди. (Шофиркомнинг янги рўди ва бошқа сув йўллари фақат совет ҳукумати даврида тартибга солинди, эски рўд ва Жилвон ҳам шу даврда қазилиб, қайтадан қурилди ва у томондаги ерлар ҳам шу даврда боғу бўстон ва пахтазорга айландилар).

Ўзини Шофирком туманининг қайта обод бўлишига сабаб деб билган қози Абдувоҳид бу туманнинг бундай хароб бўлишига чидайолмади, бунинг натижасида у ёлғиз Муродбек ва қози Сафидангина эмас, амир ва унинг мансабдорларидан ҳам нафратланиб, амирга исте'фо аризаси бермасданоқ, Гиждувон қозилигини ўзидан ўзи намойишкорона ташлаб, хотин-болаларини олиб шаҳарга бориб, ўз ҳовлисида ўтирди ва бирнеча вақтдан кейин шу аламининг та'сири блан «Гуссамарг» (қайғудан келган ўлим) блан ўлди.

### МАКТАБХОНЛИК ВАҚТЛАРИМДА

Мен мактабда қандай ўқиганлигимни «Эски мактаб» номли асаримда тафсилли тарзда ёзганман. Бу ерда у асарга кирмаган мактабхонлик давримдаги бир воқияни эслаб ўтаман. Бу воқия Ҳабиба ном бир қизнинг воқиясидир.

«Эски мактаб» ном асаримда ёзилгани каби менинг ўқишим мачит олдидаги ўғил болалар мактабида олдин бормагач, отам мени қишлоқ хатибининг уйида ва унинг хотини қўл остидаги қизлар мактабига юборган эди.

### ҲАБИБА

Қизлар мактабида ўқишимнинг иккинчи йилида «Қоқработ» деган қишлоқдан у мактабда ўқиш учун Ҳабиба номли бир қиз келди. У қишлоқ блан бизнинг қишлоқ

орасида бир километрча йўл бўлганидан, Ҳабиба ўз уйига бориб келмас ва кеча-кундуз хатибникида турарди.

Ҳабиба хатибнинг Қутбия номли қизи блан бўйдош бўлиб, ҳар иккилари бу мактабдаги қизларнинг барчасидан катта эдилар. Аммо, Ҳабиба хатибнинг қизига кўра донороқ, гапга чеварроқ, китоб ўқишда чечанроқ бўлиб, хат ёзишни ҳам биларди. Шунинг учун Отинбиби (муаллима) Ҳабиба келгандан кейин ўз ишини — болаларга сабоқ беришни унга буюриб, кўпинча уй ишлари блан машғул бўларди.

Отам Ҳабибанинг бизнинг мактабга келганини эшитиб: «Унинг отаси ўз қишлоғининг имоми бўлиб, у томондаги имомларнинг яхши саводлиларидандир ва қизини ўзи ўқитиб, хатли, саводли қилган» дер эди. Аммо, у: «Нега Ҳабибанинг отаси уни ўқиш учун бу ерга юборган, у хатибнинг хотинидан нимани ўрганади?» деб ажабланди. Шунингдек отам «Ҳабиба 20 яшар бўлгани ҳолда отаси нега уни ҳозиргача эрга бермаган?» деб ҳайрон қоларди.

Ҳабиба менга қизларнинг ҳаммасидан кўра меҳрибонроқ эди, сабоқларимни яхшилаб ўзлаштиргунимча эринмасдан ўргатар ва ўқишдан зерикканимни сезса менга чиройли-чиройли қўғирчоқлар ясаб бериб, мени юпатарди.

Мен у вақтларда ишқий шеърларнинг ма'носини тушунмасам ҳам, ундай байтларнинг ма'ноларини у менга тушунтиришга уринарди. Агар Ҳофизнинг ғазалларида «ёр», «дилдор», «ма'шуқа» ёки «шоҳид» каби сўзлар чиқиб қолса, уларни мен тушунарли қилиб шарҳлаб, уларга мисол қилиб, хатибнинг қизи Қутбияни кўрсатарди. Аммо, «ошиқ», «дилдода», «дилшуда», ёки «ошифта» каби сўзларнинг мисоли қилиб ўзини санарди.

Хатибнинг қизи унинг бу ишдан аччиғлангандай бўлиб, манглайини буриштирар, қошларини чимирар, кўзларида ясама ғазаб учқунларини ялқинлатишга уринар, аммо, шу онда кулимсираб «Сен ҳали қараб тур! Сенинг бу ишингни онамга айтиб, сени шундай урдирайки, отанг ҳам ундан қаттиқ урган бўлмасин. Бу иш устида онам сени мактабдан ҳам қувиб юборар» дер эди. Ҳабиба Қутбиянинг бу гапларига: «Қошки мени тезроқ бу мактабдан қувиб юборсаларди» деган ҳолда узун бир оҳ тортарди. Унинг оҳанги ҳам вазиятидан бу сўзни ҳазиллашиб эмас, чин кўнгилдан айтганлиги билиниб турарди.

Қизлар ўз ораларида Ҳабиба блан Қутбиянинг гўзалликларидан гапириб, баҳслашардилар, ба'зилари Ҳабибани, ба'зибирлари Қутбияни чиройлироқ деб билардилар. Шундай бўлса ҳам уларнинг ҳечбири буларни ёқтирмас, улар ерқасидан гап айтиб, улардан шикоят қилиб турардилар: Қутбияни «кибрли, мағрур ва ота-онасига катталик қилади» деб айблардилар; Ҳабибани бўлса «енгил-так, сергап, созандалар каби овозини баланд қилиб ғазал ўқийди» деб та'на қилардилар.

Броқ менга уларнинг бу гаплари ма'қул тушмас эди. Мен Қутбиянинг бирор қизга катталик қилиб юқоридан қараганини кўрган эмас эдим. Ҳабибанинг айби бўлган унинг созандаларча баланд овоз блан ғазал ўқиши бўлса, менга жуда ёқарди. Мен унинг ёқимли товушида қулонимдан кириб кўнглимни ўз томонига тортадиган қандайдир бир қувватни сезардим.

Мен мактабда Ҳофиз девонидан сабоқ ўқирдим. Бир кунги дарсим «Мен мақсадни қўлга киргизиш тилагидан сра воз кечмайман» — ё жон жононга етишсин, ёки жон тандан чиқсин» мазмунида бўлган қуйидаги байт блан бошланадиган ғазал эди:

«Даст аз талаб надорам, то коми ман барояд,  
Е жон расад ба жонон, ё жон зи тан барояд».

Отинбиби менга сабоқ беришни Ҳабибага буюриб, ўзи уй ишига кетди. Ҳабиба менга бу ғазални бир-икки марта ўқитиб мазмунини шарҳлагандан кейин, китобни ўз қўлига олди ва созандаларча замзама қилабошлади. У, ҳалиги ғазални шу даража ёқимли, шу даража кўнгли эритучи ҳазин овоз блан ўқирдики, кўзида ёш чарақлаб ўйнарди, менга ҳам унинг ҳазин ва мунгли овози қандайдир та'сир қилиб, баданим жимиллаб кетди.

Айниқса «Вафосизлар» каби ҳарзамонда бир ёр олиб бўлмайти — жон тандан чиққунча мен унинг остонасидан қимирламайман» мазмунида бўлган қуйидаги байтни:

«...Ҳардам чу бевафоён натвон гирифт ёре,  
Моему остонаш чо жон зи тан барояд»

Ўқиганида унинг аҳволи бутунлай ўзгариб кетди, ҳатто мен «У ҳушсизланиб йиқилиб қолмасин» деб кўрқувга тушдим. У, кўзларини юмиб, бироз жим турди, кўйлаган вақтида унинг кўзида тўпланган ёш томчилари ўрмалаб юзига тушди... У, кўзини очиб уялишдан келган бир кулимсираш блан менга қаради.

Мен у вақтларда инсон болаларидаги гўзалликларни ҳечбир фарқ қилаолмасам ҳам, унинг бу ҳолати менга жуда хуш ва ёқимли кўринди. Албатта мен у вақтларда ишқ, муҳаббатдан ва бундан келадиган дард ва аламлардан бутунлай хабарсиз эдим. Шундай бўлса ҳам унинг дилида қандайдир оғир бир дард, алам борлигини сезиб юрагим жизиллаб кетди ва «Нима бўлардики, мен унинг дилидаги бу нома'лум дардни йўқота, ҳеч бўлмаганда енгиллатаолсайдим» деган тилак кўнглимда пайдо бўлди. Аммо мен бу йўлда ҳечбир иш қилаолмас эдим. Ҳатто унинг дарди нима эканини ҳам билмасдим ва билаолмасдим.

Уша кун эди, ёки бошқа бир кун (аниғи эсимда қолмаган) мактабда ўқиш тамом бўлиб болалар тарқалаётганда Ҳабиба мендан сўради:

— Ҳовлиларингизда гул борми?

— Бор!— дедим.

— Эрта блан менга бир дона янги очилган хушбўй гул келтир!

— Хўп,— дедим мен мактабдан чиқатуриб.

Қизнинг бу талабидан менинг кўнглимда бир қувонч пайдо бўлди, «Ажаб эмаски, мен келтирадиган гул блан унинг дарди барҳам еса ёки озайса ва шу блан у, кўйлаётганда менинг кўнглимда пайдо бўлган тилак амалга ошса» деб ўзимча ўйладим...

Эрта блан мен боқчага чиқдим, у ерда бизнинг икки туп гулимиз бор эди. Уларнинг бири қизил гул, иккинчиси оқ гул очарди, аммо, ҳар иккисининг гули ҳам хуш ҳидли эди.

Мен «Буларнинг қайсиси унга ҳуш кўринаркин?» деб ўйладим ва улардан бирини танламоқ учун ҳар иккала гул тупининг гулларини диққат блан кўздан кечирдим: қизил гулнинг туси Ҳабиба юзининг рангига ўхшарди, айниқса ҳали офтоб чиқмаган ва гул баргларидаги шабнам томчилари кўтарилмаган бир вақтда жуда ҳам жовибали эди, у, юқоридаги ше'рни кўйлаётганда кўзидан томган ёш томчилари остидаги Ҳабибанинг юзи каби жозибали, у каби дилкаш ва у каби дилкушо эди.

Мен қизил гулни у қиз учун муносиб билиб, уч донасини узиб олдим. Шундай бўлса ҳам «Ажаб эмаски, унга оқ гул ёқса» деган фикр блан бундан ҳам уч донасини узиб олдим-да, мактабга шошилдим.



— Сабабини билмайман, шундай, кўзимга яхши кўри-  
нади.

У оқ гулларни ўз юзига тегизиб тутиб:

— Менга қайсиси ярашади, қизилими, оқими?— деб  
сўради.

— Қизили!— деб жавоб бердим.

— Нега?

— Чунки унинг ранги юзингизнинг рангига ўхшайди.

У, менинг бу жавобимни эшитгач, «О... балочае!» деган  
ҳолда кулиб, мени қўйнига тортиб, кўкрагига босиб, юзу  
кўзимдан ўпди. Сўнгра мени қўйвориб, оқ гулни менга  
кўрсатиб:

— Бу кимнинг юзига ўхшайди?— деб сўради.

Мен бундан бирнеча минут аввал Қутбияга дуч келиб,  
унинг юзига тикилиб қараб «Оқ гулдай» деб ўйлаганим-  
ни эслаб, ҳечбир ғаразсиз, болаларча соддалик блан:

— Оқ гул Қутбия опамнинг юзига ўхшайди!— дедим.

Менинг бу жавобим унга аввалги жавобимдан ҳам  
ма'қулроқ тушган бўлса керакки, қиқирлаб кулиб, мени  
иккинчи марта кўкрагига босиб, юзи-кўзимни бўсалари-  
дан сероб қилди. Сўнгра мени қўйиб юбориб, кулгисини  
сақлаб жиддий бир оҳанг блан:

— Менга қара! Бирор кишига бу гапларни айтакўр-  
ма. «Қизил гул Ҳабиба опамнинг юзига, оқ гул Қутбия  
опамнинг юзига ўхшайди» дема. Агар сен бирор кишига  
шундай десаңг, мен сендан жуда хафа бўламан,— деди  
ва: — бор, жойингда ўтириб, сабоғингни ўқийбер!..—деб  
қўйди.

Мен жуда хурсанд эдим, чунки мен илгари у қизнинг  
дардини енгиллаштиришни дун'ёда вужудга келмайдиган  
бир тилак каби орзу қилган бўлсам, бугун арзимаган бир  
гул воситаси блан, ҳатто ўзим ҳам ёқтирмаган оқ гул во-  
ситаси блан уни шодлантирган эдим. Энди менинг фик-  
римча, унинг кўнглида аввалги қайғудан, унинг юзи-кў-  
зида илгариги мундан асар қолмаган эди. Шунинг учун  
мен ундан ҳам кўпроқ ўзимни шод, қувноқ сезардим.

Баҳорнинг қизиган кунлари, ўриқлар довучалаган, ол-  
малар туккан, тутлар пишаёзган эди. Бухоро мадрасала-  
рининг талабаси бўлган акам блан Саидақбар шаҳардан  
келдилар. Улар бирнеча кун дам олгандан кейин қишлоқ  
хатиби олдида дарс бошладилар.

Ўзини «Катта» тутиш сабабидан ёши катта одамларнинг саломига жавоб бермайдиган Саидакбар бирнеча кун орасида мен блан ўйиндош бўлиб қолди, У, икки эшиги мачит чорбоғига қараган отасининг меҳмонхонасида турарди. Мен ҳар куни мактабдан чиқиб, мачит чорбоғини оралаб, уйга қайтаётганимда у мени олдига чақириб олар, менга ўйинчоқлар ясаб берар, мактаб аҳволидан, ба'зи қўшни қизларнинг қандай ўқишини сўрарди ва бу орада гапни Ҳабиба устига келтириб, унинг аҳволини кўпроқ суриштирар ва текширар эди. Мен болаларча соддалик блан унинг сўроқларига билганимча жавоб берардим. Фақат Ҳабибанинг та'кидини эслаб, гуллар тўғрисида оғиз очмасдим.

Бир кун эрта блан ҳовлидан чиқиб, Уста амакимнинг меҳмонхонаси олдидан ўтиб, мактабга бораётганимда Саидакбар мени чақирди. У, одатда ҳар кун мени мактабдан қайтишимда чақирар эди. Бугун эрталаб мактабга борётганимда чақиргани учун унинг чақирганига унча аҳамият бермай, бир қайтиб қарадим-да, яна ўз йўлимга борабердим. У такрор чақирганида:

— Мактабдан кечикаман, қайтишда келаман,— деган ҳолда ўз йўлимда давом этдим.

— Кечикмайсан, дарров бораверасан, фақат бир оғизгина гапим бор,— деган ҳолда у мени қайтарди.

Мен йўлдан қайтиб, унинг олдига бордим. У, менга ўраб, елим блан ёпиштирилган бир қоғозни бериб:

— Буни олиб бориб Ҳабибага бер, қайтишда ундан жавобини олиб кел!— деди ва: — Эҳтиёт бўл! Хатни бераётганингни ва ундан жавоб олаётганингни бирор киши кўриб қолмасин, бирор бола билмасин!

Мен хатни олиб бордим. Албатта мен у вақтда хатнинг ма'но ва мақсадини билмасдим. Ўша кун бир фурсат топиб, у хатни Ҳабибага топширдим. У хатни қўлимдан олиб, бир хилват томонга қараб кетди-да, бирнеча минутдан кейин қайтиб келди. Унинг кўзлари ғазаб ўти блан ёнар, лаблари безгак тутгандай титрарди. У менга ҳеч қарамасди.

Аммо, мен ҳали масаланинг нималигини тушунмаган, унинг ғазабига хатнинг сабаб бўлганини ўйламаган эдим. Менинг фикримча, у қандайдир бирор ишдан хафа бўлган эди, шунинг учун мен унга гап ташлаб, унинг фикрини, унинг хафалигига сабаб бўлган ишдан бошқа томонга бурмоқчи бўлиб:

— Ҳалиги хатнинг жавобини қачон ёзиб берасиз? — деб сўрадим.

У менинг бу гапимни эшитгач, бутун гавдаси қалтираб кетди ва аввалгисидан ҳам ортиқроқ ғазабланган ҳолда менга қараб:

— Менинг орқамдан кел!— деб бир томонга йўналди.

Мен унга эргашдим. У тўғри дарвозахонага бориб, бир кун Қутбия ўтган эшикчадан сигирхонага ўтди. Мен ҳам унинг кетидан у томонга ўтдим. У ерда бир пой ковушини оёғидан чиқариб, унинг остини сигир тезагига булғаб, менинг олдимга ташлаб:

— Ана шуни олиб бориб, шу блан хатни берган одамнинг оғзига ур-да, «Хатингизнинг жавоби шу экан» де,— деди.

...Албатта мен у ковушни олиб бормадим. Лекин мактабдан қайтишимда, Саидакбар ўз хатининг натйжаси ва жавобини сўраганида, ҳалиги воқиани унга айтиб бердим.

Саидакбар бу жавобни эшитиб жуда ғазабланди, гапирмоқчи бўлганида оғзидан гапдан гапдан олдин кўпиклар отилиб чиқди. У тили тутила-тутила:

— Ҳабиба-ку енгилтак, бузуқ бир қиз экан. У еган... ларни сен ҳам ўйламасдан-нетмасдан, оқизмай-томизмай келтириб менинг юзимга урасанми?!— деди-да, қўлини чўзиб менинг қулоқ чакамга бир шапалоқ урди.

Мен аввал таажжубландим, сўнгра ғазабландим. Шунинг учун ажабландимки, мен хат ташучилик хизматим бараварида бундай «мукофот» кутмаган эдим; шунинг учун ғазабландимки, бу жазо мен учун бутунлай ҳақсизлик эди. Албатта, мен кўнглимда ундан қаттиқ ранжиб, ўч олиш фикрига тушдим, аммо мен каби ёшгина бир бола у каби қувватли бир йигитдан қандай қилиб ўч олабиларди?

Уста амаки ўймакорликдан бўлак бошқа устахоналар учун қоғозга нақш ва гуллар ҳам чизиб берарди. Унга кулоллар, гулкорлар ва читгарлар каби усталар ўз ишлари учун чизма нақшлар буюрар эдилар.

Уста амакимга буюртма берадиганлардан бири қозоқ-работлик бир кулол эди. Бу кулолнинг 24—25 яшар бир ўғли бор эди. Бу йигит ёшлигида дарахтдан йнқилиб оқсоқ бўлиб қолган экан, шунинг учун у пиёда кўп юролмас, узоқроқ жойга эшак ёки от миниб борарди.



Мана шу йигит отаси буюрган буюртмаларни Уста амакига топшириб, иш тамом бўлгандан кейин келиб олиб кетарди.

Бу йигит авваллар ҳафтада бир марта келиб чизма буюрар ва иккинчи кун келиб буюртмани олиб кетарди, аммо, кейинги кунларда унинг буюртмаси кўпайиб қолди: у кунда келиб янги чизма буюрар, ба'зан кечалар шунда кўниб эрта саҳар буюртмасини олиб кетар ва яна ўша куни кечқурун келиб, янги чизма буюрарди.

Ҳамма унинг кўп чизма буюртма буюришидан ажабланарди. Уста амаким:

— Бошқа кулоллар йилда товоқ учун бир чизма, коса учун бир чизма, ҳаммаси бўлиб икки чизма оладилар. Ба'зи отоқли кулоллар ҳарбир хумдон учун янги бир чизма буюрадилар. Аммо, бу қозоқработлик кулол кейинги вақтларда шу қадар кўп чизма буюриб олдики, унинг ҳарбир товоғи, ҳарбир косасига бир янги чизма тўғри келади. Бу ҳолда унинг сопол идишлари чинни идишлардан ўн баравар қиммат тушади. У, бу зарарли ишни нима учун қиларкин?— деярдди.

Лекин ўша кунларда бир воқиа юз бериб, қозоқработлик кулол ўғлининг кўп чизма буюришининг сабабини ҳаммадан аввал мен англадим:

Шофирком рўди қазилиб бўлгандан кейин менинг Қурбонниёз тоғам Ғиждувон қозисининг таклифи бўйича унинг хизматига кирган эди. Бу орада менинг чорбозорчи тоғам — Алихон ғиждувонлик бир кулолнинг қизига уйланмоқчи бўлди. Уғли қозининг мулозими бўлгани учун қозининг оиласини тўйга айтишга борганида бувим мени ҳам ўзи блан бирга олиб борди.

Биз Ғиждувонга бориб кулол қуданинг ҳовлисига кўндик. Уша кеча ярим кечадан кейин «Уғри келди» деб бир говур кўзғолди, сўнгра «Ошно экан» деб тинчландилар.

Биз эрта блан туриб қозихонага бордик. Биз қозихонага кирганимизда қози маҳкамасида ўтирган эди. Аммо мен кичкина бола бўлсам ҳам қозининг одамлари мени бувим блан бирга ичкари ҳовлига киришга «номаҳрам» деб қўймадилар.

Мен ташқари ҳовлида бувимдан ажралиб қолгач, қозининг рўбарусида, унинг кўзи тушадиган бир жойда орқам блан деворга суяниб ўтирдим. «Ҳашар вақтида менга конфет бериб эркалатган бу чол яна менга бирор илтифот қилар» деб ўйлаган эдим. Аммо, бундай бўлмади,

ё у мени кўрмади, ёки маҳкамада ўтирган вақтида бир бола блан гаплашишни ўз ша'нига муносиб билмади.

Шу орада қозокработлик кулолнинг ўғли оқсаб-оқсаб қозихонага кирди. Унинг ёнида бошига чопонча ёпинган бир қиз ҳам бор эди. Қиз йигитнинг чопонини этагидан маҳкам тутгани ҳолда у блан бирга келди.

Қозининг мулозимлари, кўчадан келган тамошабинлар «Қочоқ қиз, текин хотин, қозихона никоҳи» деб бир-бирлари блан чувиллашиб, кулишиб гапирмоқда ва йигит блан қизнинг теварагини ўрамоқда эдилар.

Мен ҳам жойимдан туриб халқ тўдаси орқасидан меҳмонхона (маҳкама)нинг супасига чиққан бўлсам ҳам ҳеч-бир нарсани кўраолмадим. Бир вақт қозининг овози эшитилди:

— Қизим, тўғриси айт! Сени ким йўлдан чиқарди.

— Мени ҳечким йўлдан чиқарган эмас. Мен ўз ихтиёрим блан шу йигитни ўзимга эр қилмоқчи бўлиб танладим.— Бу қизнинг товуши эдики, у ҳаяжон блан шошиб гапирарди.

— Агар ота-онанг сенинг бу ишингни эшитсалар, нима дер эканлар? Улар сенинг бу ишингга рози бўлармикинлар?— бу қозининг яна эшитилган овози эди.

— Ҳозир менинг отам ҳам шу йигит, онам ҳам. Ота-онамнинг розилик ё норозиликлари блан менинг ишим йўқ.— Бу қизнинг товуши эди. Аммо бу гал шошмасдан, лекин аввалгисидан жиддийроқ ва шунинг блан бирга ҳаяжонлироқ гапирмоқда эди. Қози никоҳ хутбасини ўқишга киришди, у хутбанинг арабча қисмини ва унга қўшимча қилинган тожикча қисмини ўқигандан кейин, унинг йигитга хитоб қилиб айтган сўроғи эшитилди:

— Оқил ва болиғ (ақлли ва балоғатга етишган) бўлганингиз ҳолда, бу хайрли мажлисда ҳозир бўлган сиз — йигит шу мажлисда ҳозир бўлиб турган шу қизни муслмончилик никоҳи блан хотинликка қабул қиласизми?

— Қабул қиламан,— деди кулолнинг ўғли.

Қозининг қиздан хитоб қилиб сўраган сўроғи ҳам эшитилди:

— Оқила ва болиға бўлганингиз ҳолда шу хайрли мажлисда ҳозир турган сиз — қиз шу мажлисда ҳозир турган йигитга ўз танингизни хотинликка бағишладингизми?

— Минг марта бағишладим.— Бу қизнинг овози эди. Энди бу овоз тинч ва сдати бўйича совуққонлик блан

гапираётган бир қизнинг товуши бўлиб, менга таниш каби сезилди. Аммо, мен бу товушни қачон, қаерда ва кимдан эшитганимни эслайолмадим.

Одамлар тўдаси, одатда никоҳ мажлисида қўйилади-ган, бир коса сув устида талашиб тортишмоқда, ҳарбир киши бу сувдан бир томчи бўлсада, ичиб қолишга интиларди. Бўйдоқлар катта ёшли хотин-болаликларга «Сизнинг-ку хотинингиз бор, қўйинг ахир биз бўйдоқлар бу табаррук сувдан ичиб қолайлик. Бизнинг ҳам хотин олиш умидимиз бор, ахир» деб ундай одамларни у сувдан маҳрум қилмоқчи бўлардилар.

Катта ёшликлар «худо берса учта-тўрттаси кўплик қиладими, нега бунча қизғончиқлик қиласанлар, сенларга ҳам насибангизга яраша худо битта-иккитасини бериб қўяр, деб уларни юпатишга уринардилар.

Кулол йигит одамлар орасидан чиқди. Қиз унинг ёнида, ҳали ҳам унинг этагидан тутиб борарди. Улар супадан тушиб, қозихона дарвозасига қараб йўналдилар. Мени у овози таниш қизнинг кимлигини билиш қизиқтирмоқда эди. Мен у қизнинг юзини кўриб, билмоқ учун уларнинг ёнидан югуриб ўтиб, қозихона дарвозасидан ташқарига чиқдим ва улар блан рўбарў келиш мақсадида йўлимдан қайтиб секин-секин юриб, дарвозадан кирдимда, йўлакда унга дуч келиб, унинг юзини кўрдим. Аммо, ўз кўзларимга ишонмадим, ҳатто тушимми, ўнгимми? деб шубҳаландим. Кулол йигитнинг этагини маҳкам тутгани ҳолда қозихонадан чиқиб келаётган қиз Ҳабиба эди; у Ҳабиба эдики, мунгли овоз блан:

«Даст аз талаб надорам то коми ман барояд,  
Е жон расад ба жонон, ё жон зи тан барояд»

деб қўйлаб, инграган ва ўзининг ҳазин ва кўнгил товуши блан менинг а'зойи баданимни жимиллатган эди.

Аммо бу кун у шод ва қувноқ эди. Чунки у «Мақсадига эришган, жони жононига етишган» эди.

Аммо, унинг жонони менга ма'қул тушмади, чунки бу йигит қаттиқ оқсоқ бўлгани устига башараси ҳам кўримсиз эди. Лекин куёвнинг бу ҳолати қизнинг жасорат, ғайрат ва маҳкам иродалигини менинг назаримда яна ҳам ортдирди. Чунки, у одамлар кўзига мана шундай хунук ва майиб кўринадиган йигитни севгандан кейин вафодорликда мустаҳкам туриб:

«Ҳардам чу бевафоён натвон гирифт ёре  
Моему остонаш, то жон зи тан барояд»

деб унинг оstonасидан қимирламаган ва у қахрамон қиз ўрта асрлик феодализм истибодди шароитида мустақкам продалиги соясида бутун тўсиқларни кўтариб ташлаб, ахир ўз мақсадига эришган эди.

Ҳарҳолда мен уни кўриб, ҳайратда қолдим. Ҳатто унга йўл беришни ҳам унутиб, бутун юзма-юз келиб қолибман. У, мени кўриб ма'ноли табассум қилатуриб, ҳино қўйган чилондай бармоқларининг учини қитиқлагандай нозиклик блан кўкрагимга етказиб, йўл беришга ишора қилгани ҳолда:

— Ҳа балоча? Сен бу ерда нима қиласан? Ҳаммадан аввал сен кўрдинг-да, хайр, ҳаммага салом айт!— деди-да, икки бахтиёр ёш дарвозадан чиқиб, кўчада қантариб қўйилган отга мингашиб кўздан ғойиб бўлдилар.

Мен тоғамнинг тўйи ўтгандан кейин онам блан қишлоққа келдим. Қишлоқда Ҳабиба тўғрисида дув-дув гап эди.

Эркак, аёл, ёш-қари — ҳамманинг оғзида шу гап эди. Ба'зилар Ҳабибани айблардилар, «Ота-онасини беобрў қилди» деярдилар; ба'зилар ота-онасини сўкардилар. «Қиз 20 ёшга киргунича эрга бермаган ота-онанинг жазоси шу» дер эдилар; ба'зилар яна Ҳабибани та'на қилиб: «Ўзи ёмон ва ўжар қиз экан, кўп обрўйли одамлар унга киши қўйганлар, отаси ундай одамларга бермоқчи бўлганда у дод деб, дун'ёни бошига кўтариб, агар мени шунга берсангиз ўзимни ўлдираман, деб халқ орасида ота-онасининг юзларини қизартирган экан. Ота-онасига бу қилганлари етарли бўлмагандай, ахир бир оқсоқ блан топишиб, шундай номуссизликни бўйнига олиб, қозихонага бориб никоҳ қилдирган» дер эдилар. Ба'зилар бу ишда қозини айблардилар. «Ким билади, қози никоҳ ўқиганида оқсоқдан қанча пул олган бўлса? Ҳарҳолда пул учун бир хонадоннинг обрўйини сотган шу қози» деярдилар.

Албатта мен у вақтларда бундай гапларнинг таг-тубини билмас, булардан қайси бириси тўғрилигини аниқлайолмадим. Шунинг учун мен эшитган гапларимни отамга гапириб, қайсиси тўғрилигини сўрадим.

— Бу гапларнинг ҳечбири тўғри эмас,— деди отам ва изоҳлашга киришди,— бўйга етган қиз блан йигит бир-бирлари блан топишсалар, бунга ҳечким қарши келолмайди. Агар бундай вақтда қизнинг қўрқоқлигидан, уятчанлигидан фойдаланиб, уларни зўр блан ажратиб, қиз-

ни тутиб бошқа кишига берсалар, оқибати ёмон бўлади— қиз касал бўлиб ўлади ёки ўзини ўлдиради. Йигит ҳам тинч қолмайди — севгилисини зўр блан қўлидан олган кишига душман бўлади, у блан яширинча талашиб, тортишишга киришади. Натижада ўлдирилади ёки рақибини ўлдириб, ўзи зиндонга тушади. Бунда ҳам унинг оқибати ўлим бўлади.

Отам ўз сўзини қозилар устига буриб давом этди:

— Бир-бирлари блан топишиб никоҳ қилдириш учун қозихонага борган қиз блан йигитни ҳечбир қози қувиб юбормайди, дарров никоҳ ўқиб бир-бирларига расмий равишда қовиштиради. Лекин қозиларнинг мақсади бу ишдан ундай қиз ва йигитларни бир-бирларига қовиштириш ва шу блан келажакда воқи' бўлиши эҳтимол фожиаларнинг олдини олиш эмас, балки улар бу ишни ўз манфаатларини кузатибгина қиладилар, чунки қозилар оддий никоҳлардан 10 танга никоҳ пули олсалар, ўз олдларида бўладиган бундай қочоқ қиз ва йигитнинг никоҳидан энг ози минг танга даромад қиладилар. Бундан бошқа, бундай никоҳ орқасида арбоб, оқсоқоллар ишга киришадилар: қизнинг отасини «Сени беобрў қилган бундай ўзикелди куёвнинг адабини бердириш керак» деб майдонга соладилар, қиз учун гўё айтишиб қўйган ясама бир эр топадилар, қизнинг отаси ҳам буни тасдиқлайди. Шу блан иш қизиб кетиб, қозихонага тушади ва ойлаб чўзилади. Бу муддатда «Жанжални ютиб чиқиш» ниятида икки тарафдан пул қозихонага ёмғирдай ёғади, арбоб, оқсоқолларнинг ҳам қозон-чўмичлари мой устида бўлади. Натижада ҳали тузилиб битмаган икки ёшнинг уйи ҳеч тузиб бўлмаслик тарзда бузилади.

Отам бироз жим тургандан кейин Ҳабибани никоҳлаган Ғиждувон қозиси устида гапирабошлади:

— Ҳабибани никоҳлаган Ғиждувон қозиси — қози Абдувоҳиднинг бу ишдан қанча пул олганлиги менга маълум эмас, аммо, менга маълум бўлишича, арбоб, оқсоқоллар Ҳабибанинг отасини майдонга солиб, унга ясама собиқ куёв топиб қозихонага борганларида қози уларнинг да'воларини сўрамаган ва ясама да'во, деб да'вогарни қувиб юборган.

— Мен қози Абдувоҳидни шундай ишлари учун севаман, — деди отам сўзининг охирида.

Мен улғайганимдан кейин Бухоро районларининг қозихоналарида бундай «қочоқ» қизларнинг никоҳларини

бирнеча марта кўрдим, шуни ҳам кўрдимки, қозилар шундай никоҳлар орқасида чиқадиган ясама жанжалларни ойлаб, ҳатто бирнеча ойлаб судраб, ҳам қайнотанинг, ҳам куёвнинг бору йўғини супириб-сидириб олардилар ва ҳарбир шундай воқияни кўрганимда отамнинг айтганлари тасдиқланарди.

## У Ч О Л И Ш

Ҳабиба берган жавобни «элчилик сифати блан» айтганим учун мени урган Саидакбарга қарши менда қаттиқ ғазаб қўзғолган эди, Ҳабибанинг мақсад-муродини билиб олиб, унинг вафодорлигини кўрганимдан кейин ҳалиги ғазаб яна ҳам кучайди, чунки Саидакбар менинг болагимдан, соддалигимдан фойдаланиб, ярамас мақсад блан иш буюрган, вафодор, номусли қизнинг ҳаққоний жавобини эшитганида мени ургани устига, у қизга ёмон иснодларни ҳам таққан эди.

Аммо, Саидакбардан ўч олиш учун менинг жисмоний кучим етмаганидан муносиб фурсатни кутиб қолган эдим. Бу фурсат ҳам тезлик блан келиб қолди.

Отамнинг амакиваччаси Иброҳимхўжа отаси ўлгандан кейин унинг турар жойи — мачит шаклидаги меҳмонхонада эшонлик, дуохонлик ва «девбандлик»ни бошлаб юборган эди. Бир кун унга бир қишлоқдан бир жиннини келтириб топширдилар. У жинни узун бўйли, тўлиқ гавдали, катта соқолли, соғлом баданли бир одам бўлиб, ёши 30—40 орасида эди.

Иброҳимхўжа бу жиннининг оёғига кишан уриб, қулфлаб, ўзини супада қўйиб, кишан занжирини меҳмонхонанинг синчи остидан ўтказиб, учини уйнинг ўртасидаги устунга боғлаб қўйди. Бу ҳолда жинни меҳмонхона супасида ўтирар ёки тикка турар, бошқа жойларга юраолмас эди.

Иброҳимхўжанинг «девбандлик» усули ҳам бошқа «девбанд» эшонларники каби жуда содда эди: у бир кеча-кундузда жиннининг овқати учун бир парча қоқ нон берар ва унинг олдига бир обдаста сув қўярди, холос. Бундан бошқа кунда икки марта эрта блан ва кечгуруч жиннининг орқасини яланғочлаб, қўли чарчагунча урарди.

Жинни эшон бўлмаган вақтларда кўзига кўринган ҳарбир кишига «Худо йўлида менга бир бурда нон бер-

сангиз, нима бўлади, мен ҳам худонинг бандаси-ку, ахир, бирор жонзодни ҳам очликдан ўлдириш тузук эмас, менинг ҳолимга раҳм қилинг!..» деб ялиниб-ёлворарди.

Мен бу жиннининг ҳолига ачинардим, унга раҳмим келарди, нон еганимда бир бурдасини ундан аямас, кунда ўрик, тутмайиз каби бирор егулик ҳам уйдан чиқариб берардим. Бора-бора жинни мени танийдиган бўлди, улфатлашди, мен ундан кўрқмайдиган бўлдим, ба'зан унинг олдига келиб ўтириб, унинг ҳаракатларини кузатардим. У, жиннилардек одамларни кўрқитадиган ҳаракатлар қилмасди, фақат хаёлотчилар каби ўзига ўзи ёки бошқа бирон нарсага қараб ғалати гаплар гапирарди. Чунончи, у кўпинча тикка туриб офтобга гапирарди, у ўзини қутқизишни офтобдан сўрарди ва унга ялиниб-ёлворардики, уни бу кишандан бўшатиб, ўз олдига олиб борсин, у ҳам офтобнинг ўзи каби кенг ва юксак осмонда юриб, ер юзини эркинлик блан кўраолсин.

Жинни бир кун менга ялиниб-ёлвориб:

— Эшон амакингга айтсангчи, кунда бир марта мени кўйиб юборсин, мен мачит чорбоғини айланиб тамоша қилиб келай. Мен қочмасликка ва'да бераман, ўзим келиб, ўз қўлим блан кишанни оёғимга солиб ётаман,— деди ва: — Агар сен менга шундай яхшилик қилсанг, мен офтобни чақириб олиб сенга бераман, сен уни миниб юрасан,— деб қўйди.

Шу вақтда Саидақбарнинг мадрасадан чиқиб ўз ҳовлиси томонига келаётганини кўрдим-да, «Уч олиш фурсати келди» деб ўйлаб, жиннига айтдим:

— Сени эшон кўйиб юбормоқчи эди, аммо шу одам (Саидақбарни кўрсатиб) кўймади. Мен сенинг кишаннинг занжирини ечаман, сен бориб шу одамни боплаб уриб, кўзини очиб қўйсанг, бундан кейин сени боғлатиб қўйишга ундамас.

— Ечиб қўй!— деди жинни, кўзлари қўйни кўрган бўрининг кўзидай ғазаб ўти блан ёлқинлангани ҳолда.

Мен дарров меҳмонхонага кириб занжирнинг учини устундан ечиб ташладим. Жинни киши занжирини синчнинг остидан тортиб чиқариб, ўраб қўлига тутгани ҳолда «душман»га қараб шошилди. Аммо кишанлик оёқ блан югуриш мумкин эмас эди, чунки кишан ҳарбир қадам ташлаганда бир оёқнинг иккинчи оёқдан бир қаричдан ортиқ олдин боришига йўл қўймасди. Агар жинни секин борса, «Душман»нинг ҳовлига кириб ғойиб бўлиб кетиши

мумкин эди. Шу мулоҳаза блан бўлса керакки, жинни олдин қадам босиш ўрнида болаларнинг «пойбандак» (оёқ боғлаш) ўйинида қиладиганлари каби икки оёғини жуфт қилиб, олға отилаберди ва ҳарбир отилишда икки-уч қадам йўлни бирдан босарди...

Жинни шундай қилиб, бир зумда бориб Саидакбарга етди ва унга ҳечбир гапирмасдан уни бўйи бараварига юқори кўтариб, орқаси блан ерга урди-да, унинг устига миниб, қўли блан кекирдагидан бўғиб, тиззаси блан кўкрагига ураберди.

Саидакбар, жинни тутиб ердан кўтарган вақтда «Вой ўлдим, жинни мени ўлдирди, қутқазинглар!» деб бир бақирди-да, ерга урилгандан кейин нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қолди.

Лекин унинг шу бақириси блан отаси ҳовлидан, бошқа одамлар мачит ва мадрасадан чиқиб, шошилиб келиб, уни жиннининг қўлидан қутқаздилар, жиннини ҳам тутиб олиб, кишаннинг занжирини қайтадан устунга боғладилар.

Мен, жинни Саидакбарни босиб, бўғиб ураётганида ўз хатомни англадим, бу иш менинг томонимдан бўлган жинниларча жиноят эди, чунки агар қутқазучилар бирнеча минут кечиксалар, Саидакбар жиннининг қўли остида ўлиши аниқ эди.

Мен Саидакбардан еган шапалоқни отам ва бошқа кишиларга айтмаганим каби, ўч олганимни ҳам бирор кишига гапирмадим, чунки мен бу тўғрида Саидакбардан кўпроқ отамдан қўрқардим, зеро отам аввалги ишим учун мени «Нега йигитлар ва қизлар ораларида хат ташучилик қилдинг?» деб қаттиқ койиса, бир одамнинг ўлиши мумкин бўлган бу ишим учун мени қаттиқ жазолаши турган гап эди.

## МАКТАБДАН КЕПИН

Мен мактабни тамом қилдим. Лекин ҳали ҳам саводим йўқ эди. Тўғри, мактабда ўқиган нарсаларимни, ўша нарсаларни ўқиган китобимдан ўқийолар эдим, аммо ўқимаган китобдан бирор нарсани, ҳам ўқиган нарсаларимни бошқа китобдан ўқийолмас эдим.

Шундай бўлса ҳам отам мени қишлоқ хатиби олдига дарс ўқишга қўйди. Хатиб олдида менинг биринчи дарсим «Аввали илм» деган китобчадан бошланди. Бу китобчада диний масалалар тожик тилида савол-жавоб тарзи-



да ёзилган эди. Мен бу китобчани бир ойда ўқиб ёдлаб олдим.

Ундан кейин хатиб менга «Бидон!» (Билиб ол!) деган китобчадан дарс берабошлади. Бу китобчада араб тилининг сарфя тожик тили блан ёзилган эди.

Лекин мен бу иккала китобчадан ҳам бирор нарсани тушунмасдим ва устознинг топшириғига мувофиқ, тўти қуши сингари ўқиган нарсаларимни такрор қилиб ёдлаб олардим.

Дарсдан дарсга ўтиш шарти ҳам, биринчи дарсни домла олдида ёддан хатосиз ўқиб бериш эди. Аммо, арабча мисоллар блан аралаш қилиб у тожикча сўзлардан нимани билиб олганимни устоз сўрамас эди.

Қолбуки иккинчи китоб «Бидон!» деган сўз блан бошланарди ва биринчи дарсдан бошлаб, домла бу сўзга оид бирнеча савол жавобни менга ёдлатган эди. Биринчи савол-жавоб қуйидагича эди:

— Мусанниф (муаллиф) нега «бидон!» дегану, «бихон!» (ўқи!) демаган?

— Чунки ҳарбир ўқиган одам ўқиган нарсасини биланбермайди, аммо билиб олган одам ўқий олади. Шунинг учун мусанниф «бидон!» деган-у, «бихон!» демаган.

Албатта мен у вақтларда бундай савол-жавобларнинг ма'но ва мақсадларини тушунмасдим. Қизиги шуки, марҳум устозим ҳам бу савол-жавобларнинг амалий мақсадини тушунмас ёки тушунса ҳам у мақсадни дарсимга татбиқ қилиб, «билган» ва «билмаган»лигимдан бирор марта сўрамас эди.

Яна ҳам қизиқроғи шу эдики, отам, айниқса ўқиш-ўқитиш масалаларида жуда диққатли бўлгани ҳолда, у ҳам кундалик дарснинг ма'но жиҳатидан ўзлаштирган, ўзлаштирмаганимни сўрамас, фақат ҳар кеча у кун ўқиган дарсимни ёддан ўқитиб тинглар, агар хатосиз, бурро ва туртинмасдан ўқиб берсам, «Балли» дер, агар хато қилсам, ё туртинсам «Эрта домланинг олдида уялиб қоласан, тузукроқ такрор қил» деб мени огоҳлантириб қўяр, аммо, ма'носини сўрамас эди.

Фақат икки нарса менинг шахсий диққатимни ўзига тортган эди, буларнинг бириси «Эски мактаб»да ёзганим каби абжад ҳисоби эдики, буни менга отам абжадхонлик вақтимда ўргатган эди. Мен бу ҳисобни қачонлар ўзлаш-

тирган бўлсам ҳам сра ташлаб қўймасдим, кунда арабча ҳарфларни бу ҳисобга мувофиқ рақамлар блан ёзиб, жам'-тарх қилардим ва бундан завқланардим.

Бу нарсаларнинг иккинчиси ше'р эди. У вақтларда мен ше'рларнинг ма'носини тўла тушунмасам ҳам уларнинг ўқишдаги оҳонги мени завқлантирарди. Айниқса мактабда менга ма'нолари блан Ҳабиба ўргатган ше'рлар, хусусан Ҳабибанинг ўзи мунгли овоз блан «созандаларча» куйлаган ғазаллар менга ҳаддан зиёд та'сир қиларди. Мен ундай ғазалларни ўқиганимда Ҳабибанинг ўша ғазалларни ўқиган вақтидаги аҳволи кўз ўнгимга келиб менда қандайдир қайғу аралаш наш'али, айни замонда ёқимли бир кайфият пайдо бўларди ва бунинг орқасида дарҳол Ҳабиба «жонининг ўз жонинига етишган» воқияси эсимга келиб, бу нозик табиат қизнинг ҳайкали назаримда афсонавий қаҳрамонлар шаклида гавдаланар ва бу ҳолат менинг кўнглимга шу даражада қаттиқ та'сир қилардики, менда ўшандай қаҳрамон бўлиш — тилакдан ҳеч кечмаслик ҳаваси пайдо бўларди.

Мен эшитган ёки ёдлаб олган байтларимнинг тўла ма'ноларини билиб олишни истардим. Бу тўғрида менга биринчи ёрдам беручи отам эди. У менинг бу тўғридаги саволларимга тўла жавоб берарди. Аммо, агар менинг саволларим ше'рнинг ишқий ма'нолари тўғрисида бўлса, у манглайини буриштириб ва қошларини чимириб: «Ҳали сеннинг учун бундай нарсаларнинг ма'ноларини билиб олишга вақт эрта. Бироз улғайсанг ўзинг тушунасан» дер эди.

Мен у вақтларда ўз замонимизда, ўз орамиздан етишиб чиққан шоирлар бўрлигини билмасдим, менинг ақидамча, шоир бўлиш учун «Вали» бўлиш шарт эди. Бизнинг замонимизда «Вали бўлиш» мумкин бўлмаганидан, шоир бўлиш ҳам мумкин эмас эди. Бу фикр менга қизлар мактабининг муаллимаси — отинбиби томонидан талқин қилинган эди.

Унинг ақидасича, Саиди, Ҳофиз, Бедил ва бошқа ўтган шоирларнинг ҳаммалари «Худога етишган вали» одамлар эканлар. Уларнинг «қароматлари»дан бири ше'р айтиш экан. Бизнинг замонимиз «Охирзамон» бўлгани учун ҳечбир кнши вали бўлмас ва шунинг учун шоир ҳам бўлмас экан.

Аммо, бу орада бир воқиа рўй бериб, менинг бу ақидам остин-устун бўлди. Бу воқиа шундай юз берган эди:

Бир жун отам пешин намози учун мачитга чиқиб, мачитга кирмасданоқ, тез қайтиб келди-да, мени чақириб «Менинг орқамдан тез кел!» деган ҳолда ичкари ҳовлининг йўлагидан қайтиб ташқарига чиқди.

Мен унга етиб борганимда, у мени кўтариб, бизнинг ҳовлини мачит чорбәгидан ажратадиган пастгина пахса девор устига қўйиб, ўзи ҳовли томонидан деворча ёнида тикка туриб:

— Мадрасача эшигидан кўзингни узмай тур. Ҳозир ундан акаингнинг домласи чиқади. Мен уни сенга кўрсатиб, танитаман,— деди.

Орадан кўп вақт ўтмай мадрасадан икки киши чиқди. Буларнинг бири қишлоғимизнинг хатиби эди ва унинг ёнида ўрта бўйли қоқ гавдали — ориқ, туси қорамтил, оқарган ўртача қоқолли иккинчи одам борар эди. Бу одамнинг бошида кичкина оқ салла, ёғнида сурпдан тикланган оқ яктаги бор эди.

Отам шу одамни менга кўрсатиб:

— Акангнинг Бухородаги домласи мана шу киши,— деди ва давом этди — Бу киши катта одам, билимдон ва забардаст шоир.

Мен у вақтгача «ше'р»нинг нималигини билсам ҳам «шоир» сўзининг ма'носини билмасдим. Шунинг учун отамдан:

— «Шоир» не деган гап?— деб сўрадим.

— «Шоир» деб ўз ичидан ше'р чиқарадиган одамни айтадилар,— деди.

Мен отамдан бу одамнинг қанақа ше'рлар айтганини сўрамоқчи эдим. Аммо, у мени девор устидан олиб пастга қўйди-да, менинг кўнглимда пайдо бўлган истакни сезгандай:

— Сен уйга бор! Мен намоздан қайтиб келгач, бу кишининг ше'рларини сенга кўрсатаман,— деган ҳолда мачит томонга шошилиб кетди.

Отам мачитдан келгандан кейин мени уйга олиб кирди. Токчадан ўз қўли блан турли нарсалар ёзилиб муқова қилинган бир китобни олиб ўтирди ва мени ҳам ўз ёнига ўтқазди. У китобни очди, унинг бирнеча бетига олдин-кейин бирнеча ғазал уреб шаклида ёзилган эди. У ғазалларни менга кўрсатиб:

— Ана шулар ҳалиги акангнинг домласи айтган шеърлардан базилари,— деди.

Отам у ғазалларни бирма-бир ўқиб, ўз ақидасича менга тушуниш фойдали, ёки зарарсиз бўлган жойларини шарҳлаб тушунтирди. (Мен улғайганимдан кейин билдимки, отам бу ғазалларнинг кўп жойларини ва шу жумладан ишқий мазмунларини менга шарҳламаган экан.)

У ғазалларнинг ҳарбирининг охирида «Исо» деган сўз бор эди. Отам бу сўзни менга кўрсатиб:

— Бу сўз ҳалиги домланинг номи ва бу номни ҳарбир ғазалнинг охирига қўшиб шу блан бу ғазалларнинг ўзиники эканини тушунтирмоқчи бўлган,— деди.

Бу ғазаллардан бирисининг ҳар байти охирида «қашшоқий» (қашшоқлик) сўзи такрорланарди. Отам у ғазалдан «Умримдан 30 йил ўтди, мен ҳамон камбағаллик кишанидаман, 40—50 яшарликда ажаб эмаски, бу «шаст»<sup>1</sup> (қармоқ) дан қутилсам» мазмунида бўлган қуйидаги байтчи ўқиди:

«Зи умрам сий гузашту ман ҳамон дар қайди зиндонам,  
Ба панжоҳу чихл шояд раҳам аз шасти қашшоқий»,

отам бу байтнинг маъносини шарҳлагандан кейин:

— Исо бу ғазални 30 яшарлигида айтган ва 40—50 яшарликда камбағалликдан қутилишни умид қилган,— деди ва сўзини давом этдириб:— Афсуски, ҳозир ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам, «қашшоқлик қармоғидан» қутилган эмас. Хусусий равишда дарсгўйлик қилиб ва нодир китобларни кўчириб ёзиб, ўлмаслик иложини қилиб, кун кечирмоқда.

Отам ўз сўзига умумий тус бериб, яна давом қилди:

— Аслда донишманд кишилар қашшоқлар орасидан етишади, аммо, афсуски, қашшоқлар ўқиш учун имкон топаолмайдилар. Ўқишда имкони бўлган бой болалари ва маҳдумлар «Қатта муллаларнинг болалари» бўлсалар, кўпинча аҳмоқ ёки бузуқ бўладилар. Булар ўқиган блан бирор нарсани ўрганмайдилар, агар ўргансалар ҳам ўз билимларини ёмон йўлларда ишлатадилар. «Илм ёмон одам қўлида, маст ё жинни қўлида — қиличдир» деганлари бечиз эмасдир.

Отам бироз жим бўлиб хаёл суриб тургандан кейин ўзи тўғрисида гапириб кетди:

<sup>1</sup> Шоир тожикча текстда «шаст» сўзини ишлатиб, ундан сўз ўзини йўли блан ҳам «олтмишни» ҳамда «қармоқни» аңглатган.

— Агар мен ҳам мадраса ўқишини тамом қилсайдим бирон тузукроқ одам бўлишим мумкин эди. Эссизки, сабил қолғур шу қашшоқлик ўқишимни давом этдиришга имкон бермади,— деди ва менга насиҳат қилиб:— Сен ўқи, қандай қийинчилик бўлса ҳам! «Мо худ нарасидем, ту шояд бираси» (биз етишмаган мактабга ажаб эмаски, сен етишсанг) деб қўйди.

Отам Исонинг бошқа бир ғазалидан «Қачонгача бекорликдан муздай қотиб қолиб, ўлиш?— Ҳеч бўлмаганда қўлингдаги варақларни тўплаб, муқовасиз бўлса ҳам бир китобча қил!» мазмунидаги байтни:

«То ба кай зи бекорий бо фусурдагий мурдан?  
Нусхае ба каф дорий жам' созу ажзо кун»

ўқиб шарҳлагандан кейин:

— Бу одамнинг қай даражада донолигини кўрдингми? Бекор туришни ўлим блан баравар санайди, ҳарнима бўлса ҳам бирор иш қил!— дейди,— деб, қўлини чўзиб тоқчада турган тарқоқ қоғозларни олиб, уларни бирма-бир кўздан кечириб, «Ўз юкингни «тавакқал»нинг сиртига юклама! Ўз ишингни ўзинг учун валине'мат (не'мат эгаси) бил!» мазмунидаги байтни ўқиди:

«Ба дўши таваккул манеҳ бори худро  
Валине'мати хеш дон кори худро!»

Бу байтни менга тушунтиргандан кейин давом этди:

— Кўрдингми, катта одамлар бир-бирлари блан қандай фикрдош бўлар эканлар. Бизнинг замонимиздан 250 йил аввал ўтган бобо Соиб<sup>1</sup> блан Исо бир мазмунда гапиришади. Буларнинг ҳар иккилари ҳам одамларни бекор туришдан, тавакқалдан иш томонига ундайдилар.

Бу суҳбат менга катта та'сир қилди. Мен ўша кундан бошлаб бекор туришдан нафрат қиладиган бўлдим.

Мен бу суҳбатнинг натижасида бизнинг замонда ҳам ше'р айтишнинг мумкинлигига қаноат ҳосил қилдим. Энди менда яна бир шубҳа: «Ше'р айтиш учун вали — каромат эгаси бўлиш шарт эмасмикин ёки Исо «охир замон»да чиққан бирдан-бир «вали» микин, деган шубҳа қолган эди.

Мен бу шубҳани бартараф қилиш учун отамдан сўрадим:

---

<sup>1</sup> Табрида туғилиб, Исфаҳонда ўсган шоир-Соибни отам хурмат юзасидан «бобо соиб» дер эди ва унинг ше'рларини болаларнинг қанд шимигани каби лаззатланиб, мазза қилиб ўқирди.

— Ше'р айтиш учун вали бўлиш шарт эмасми?

— Албатта шарт эмас,— деди ва:— Мен ҳам уста амакинг томонидан шу йил бино қилинган ўз мачити-мизнинг айвони тарихини англатадиган бир ше'р ёзганман,— деб тўрт мисра'лик тожикча содда бир ше'рни ўқиди.

Мен абжад ҳисобини билганим учун у ше'рдаги тарих моддасини ҳисоблаб кўрдим. Ҳақиқатан ҳам ундан ўша йилнинг санаси бўлган ҳижрий 1303 чиқарди.

Мен бу суҳбатнинг натижасида «Отам ше'р айтаоларкан» дебгина қувонмадим, шунинг блан баравар «вали» бўлмай туриб, ше'р айтиш мумкин экан деб ҳам қувондим. Чунки отамнинг «вали» эмаслиги менга ма'лум эди.

Мен отамдан яна ўз ше'рларидан ўқиб беришни сўрадим.

— Мен шоир эмасман,— деди у,— одам бир байт, икки байт айтган блан шоир бўлавермайди. Озгина шуури (онги) бўлган одам бир байт, икки байт ше'р айтаолади. Аслда «ше'р» сўзининг илдизи блан «шуур»нинг илдизи бир. Лекин «шоир» бўлиш учун бугина етарли эмас, шоир Исодай, бобо Соибдай, Ҳофиз ва Бедиллардай ҳарбир маврудда ше'р айтган ва айтаоладиган бўлиши керак.

У вақтда кўнглимда «Мен ҳам шоир бўлаоларманми?» деган бир савол пайдо бўлди. Албатта бу саволнинг жавобини ўзим бераолмасдим. Шунинг учун отамдан сўрадим.

— Шоир бўлишинг мумкин,— деди у,— лекин бунинг учун катта шоирларнинг ше'рларини кўп ўқишинг, ёдлаб олишинг, ма'ноларини тушунган ҳолда кўчириб олишинг ва катта шоирлар блан суҳбат қилиб, улардан ўрганишинг керак. Ҳозирча сенинг вазифанг дарс ўқиш, ше'р ўқиш, ше'р ёдлаш ва ше'рларни ёзиб олишдир. Ҳали «ше'р айтаман» деб ўйлаб кўрмаки, ўзингни ҳам аҳмоқ, ҳам саргардон қиласан.

Отамнинг тавсиясидан бошқа ҳам мен ше'р ўқишни кўп севардим. Лекин саводим чала ва китоблардаги ше'рларни ўқий олмаганимдан бу ҳавасимни амалга оширамасдим. Ше'рларни кўчириб олиш имкониятидан бўлса бутунлай маҳрум эдим, чунки мен абжадхонлигимда ўрганганим 9 рақам ва бир цифр (ноль)дан бошқа нарсани ёзаолмасдим. Шунинг учун ёзишни ўрганиш йўлини отамдан сўрадим.

— Мен сенга ёзишни ўрганиш йўлини кўрсатаман. Хат чиқарганингдан кейин саводинг ҳам тўла бўлади,— деди. Мен ўша мажлисининг ўзидаёқ Исонинг шеърларидан бирнечтасини ёдлаб олдим. (Исонинг қисқа таржи-маи ҳоли блан шеърларининг намунасини «Намунайи ада-биёти тожик» (1926 йил, Москва босмаси) номли асарим-да ёзганман).

## Х А Т М А Ш Қ Қ И Л И Ш

Отамнинг хати яхши эмас эди.

— Агар менинг олдимда машқ қилсанг хатинг ёмон бўлади,— деди отам,— бироз кутиб тур, Саидакбар ша-ҳардан келсин (у шаҳарда ўқир эди), унинг олдида машқ қиласан, у хатни гўзал ёзади.

Мени сабабсиз уриб ранжитган одамнинг олдида машқ қилиш ва унинг шогирди деган номни кўтаришни истамас эдим, лекин ўйлаб: «Биринчидан, бирор ҳунарни ўрганиш учун баъзибир ёқимсизликларга чидаш керак; иккинчидан, у мени урган бўлса, мен ҳам ундан ўчимни ортинг блан олдим. Яна ундан нега аразлаб юрай!» де-дим-да, бу таклифни қабул қилдим.

Отам Саидакбар шаҳардан келгунча менинг ёзиш-чи-зиш асбобларимни тайёрлаб бермоқчи бўлди. Шу мақсад блан у Маҳаллайиболога бораётганида мени Ѓиждувон бозоригача бирга олиб борди. Бозордан бир қаламдон, икки қамиш қалам, бир чоқу, бир сиёҳдон, бир банча лос ва 4 тахта машқ қиладиган қоғоз олиб берди. (Сиёҳни ўзи уйда тайёрламоқчи бўлди.)

У майда-чуйдаларни қаламдон ичига солиб, уни қоғоз орасига қўйиб, ўраб, лос блан боғлади, мени хуржунсиз эшакка миндириб, ўрамани олдимга қўйиб, Соктарега қа-раб жўнатди-да, ўзи Маҳаллайиболога йўналди.

Мен бозордан чиққанимда эшакнинг тўқими олдинга сурилиб кетди. Мен тўқимни тузатиш учун эшакдан туш-моқчи бўлдим. У ерда йўлнинг чап томонида пастгина бир деворча бор эди, мен эшакдан ўша деворчанинг усти-га тушдим. Чунки эшакдан тўғри ерга тушишга бўйим етмасди. Ўрамани ўша деворча устига қўйиб, ўзим тўқим-ни тузатишга уринабошладим.

Шу вақтда қаламдон ўралган қоғоз ичидан силжиб шилт этиб деворчанинг орқасига тушди. Мен у томонга қарадим. Деворча орқасида бир ариқ бўлиб унинг ичида

бир қудуқ қазилган экан. Менинг қаламдонгинам ана шу қудуқ ичига тушиб, «шилт» этган экан.

Мен албатта қудуққа тушиб, ўз қаламдонимни олиб чиқаолмас эдим. Мен ноилож, болаларининг қабри бошида ўтириб йиғлайдиган хотинлар каби қудуқ бўйида ўтириб ўз қаламдонимнинг фиरोғида йиғлайбошладим...

Бир ўткинчи келиб йиғимнинг сабабини сўради. Мен йиғидан бўғила-бўғила қаламдон воқиасини унга айтиб бердим.

У одам иштонидан бошқа кийимларини ечиб девор остига қўйди-да:

— Йиғлама! Сен йиғлаган блан қаламдонинг қудуқдан чиқмайди, мен чиқариб бераман,— деган ҳолда қудуққа тушиб кетди ва бирпасда қудуқдан қайтиб чиқди, қаламдон унинг иштони лифасига қистирилиб қўйилган эди.

Энди қувончимнинг ниҳояти йўқ эди. Бу қаламдон мени бир кунда, балки бир соатда икки марта ҳаддан ортиқ қувонтирган эди: биринчи марта бу қаламдонни отам олиб берганида қувонган бўлсам, энди бу одамнинг уни қудуқдан чиқариб бергани учун аввалгисидан ортиқроқ қувонмоқда эдим.

Лекин менинг назаримда бу одам блан отам орасида катта фарқ бор эди.— Отам менга қаламдон олиб бериб, ўз оталик вазифасини бажарган бўлса, бу одам танилмаган бир болага холис яхшилик қилган эди — бу одамнинг яхшилиги холисона, инсоний эди.

Мен кичик ёшда бўлсам ҳам уларни тушунардим ва миннатдорчилик ҳисси блан тўлиб-тошиб, ҳаяжонланмоқда эдим. Аммо, эссизки, мен у одамга қандай қилиб ўз миннатдорчилигимни изҳор қилишни билмасдим. Ҳозиргина қайғу блан йиғлаётган кўзларимни енгим блан артиб, у одамга илжайиб қарамоқда эдим. Лабларимгина эмас, ҳатто кўзларим ҳам миънатдорчилик ҳисси блан табассум қилиб порлаётганини мен ҳис қилардим.

Ҳар ҳолда бу мен танимаган одам хотиримда унутилмас одамлар қаторига кириб қолди.

Мен яна шунинг учун хурсанд эдимки, у қаламдон қоғоздан ясалганига қарамай, сувдан зарарланмаган, фақат бир томонида тирноқ юзича жойининг пўсти қирилган эди. (Бу қаламдон биринчи марта қўлимга олган қаламимни қўядиган идиш бўлгани хотираси учун, ҳозиргача менда сақланилган.)



Саидакбар Бухородан келди. Мен унинг олдида хат машқ қилишга киришдим. У, замонидаги хат муаллимлари қондаларига мувофиқ бирнеча арабча ҳарфларни бир қоғозга якка-якка ва катта-катта қилиб ёзди. Бу ҳарфларни ёзаётганида ма'лум бўлишича, у майда ҳарфларни зарарсиз, ҳатто чиройли ёзабилса ҳам, катта-катта ёзишга иқтидори йўқ экан. У ҳарфларнинг чўзгиларини ва этакларини эгри-бугри ёзарди.

Бундай эгри-бугри ёзилган ҳарфлар ўзига ма'қул бўлмаганидан, чоқунинг учи блан ўз тишидан кирларини тарашлаб, у ҳарфларнинг ортиқча жойларига суйкади ва сўнгра чоқу учи блан ўша тиш кири суйкалган жойларни қоғоз устидан қириб олди. Ҳарфларнинг тўлмаган жойларини қалам учи блан тўлдирди, натижада зарарсиз бир «сархат» вужудга келди.

Муаллим мана шу сархатни менга бериб, шунга қараб машқ қилишимни тавсия қилди:

— Уйга бориб, мана шу сархатга қараб ёзабер. Эрта бошқа бир қоғозга мана шу сархатдай ёзиб келтириб менга кўрсат. Агар меникидай ёзган бўлсанг, сенга бошқа сархат бериб, бошқа ҳарфларга ўтказаман, агар хатинг хом бўлса, тагин машқ қилдираман,— деди.

Мен сархатни олиб келиб машқ бошладим. Аммо, қўлим титрар, ёзган нарсаларим ҳарфдан кўпроқ қоғоз устига сепилган сиёҳга ўхшарди. Мен бундай машқ қилишдан зерикдимда, қаламни олиб муаллимга кўрсатадиган сархатни ёзишга киришдим. Албатта бунга ҳам ҳеч муваффақ бўлмадим. Лекин ўз муаллимим каби мен ҳам чоқунинг учи блан тишларимдан кир тарошлаб, ёзган ҳарфларимнинг ортиқча жойларига суйкаб қўйиб ва тўлмаган жойларини тўлдириб, бир «сархат» вужудга келтирдим.

Бу «сархат»ни отамга кўрсатганимда у мени мақтади, «Бир кунлик машқнинг натижасида шундай ёзабилиш катта муваффақият» деди, чунки у менинг бу сохтакорлигимдан хабарсиз эди.

Қизиғи шуки, бу «сархат»ни муаллимимга кўрсатганимда у ҳам мақтади ва менга бошқа сархат бериб, мени бошқа дарсга ўтказди. У менинг хат ёзишни ўрганишдан олдинроқ ундан сохтакорликни ўрганганлигимни сра ўйламаган эди.

Шундай қилиб, мен оз вақтда ҳарфларни якка-якка ёзиш машқини тугатиб, қўшиб ёзишга киришдим. Ҳарф-

ларни бир-бирига қўшиб ёзганда одатда майда ёзилганидан муаллим бундай сархатларни тўғри ва гўзал ёзарди.

Лекин мен бундай машқларда ҳам муаллимдан ўрганган ясамачиликни ишга солиб, буни ҳам оз вақтда тугатдим.

Мен расман хат чиқарган эдим, хат чиқаришдан асосий мақсадим бўлган шеърларни кўчириб ёзишни ҳам амалга оширабошладим. Лекин мен шу даражада ёмон кўчириб ёзар эдимки, уларни ўзимдан бошқа киши ўқийолмас, орадан бироз вақт ўтгандан кейин ба'зисини ҳатто ўзим ҳам ўқийолмас эдим.

Узоқ муддатда кўп ёзиб чизиш натижасида хатим бир даража тузалиб, ўқиладиган бўлса ҳам, асосан ёмонхатлилар (бадхатлар) қаторига кириб қолдим. Бу, муаллимнинг ўз амали блан менга сохтакорликни та'лим бериши натижасидир.

#### « П А Р В А Р Д И Г О Р Х У Ж А »

Соктаре қишлоғида Миракониё хўжаларидан қори Маҳмуд деган бир киши бор эди. Бу одам хушчақчақ, шўтқари, қизиқчи ва ҳозиржавоб бир киши эди.

Қори Маҳмудни болалик чоқларида отаси қур'онни ёдлатиш учун қорихонага берган экан. Унга «Қори»лик қўшимчаси ўшандан қолган. У улғайгандан кейин сипоҳигарчиликка кириб, амир Бухоросининг ба'зи вилоят ҳокимларига шогирдпеша (сипоҳиларнинг энг паст даражаси) бўлиб юрган. Сўнгра қишлоққа қайтиб эшонлик, дуохонлик ва девбандликни ўзига «касб» қилиб олган.

— Нега сиз сипоҳигарчиликни ташлаб эшонликка киришдингиз?— деб бир кун ундан сўрадим.— Ҳолбуки сипоҳигарчилик қанча кичик, шогирдпешалик даражасида бўлса ҳам, эшонликдан авлодир. Чунки унда бирнав' ҳокимият бор. Аммо эшонлик ва дуохонлик қанча катта бўлса ҳам, ҳақиқатда бир нав' гадоликдан бошқа нарса эмас.

— Чучварадан мақсад гўшт ейиш,— деб жавоб беришга киришди,— одам хоҳ сипоҳигарчилик қилса, хоҳ эшонлик ва дуохонлик, мақсади: меҳнатсиз бир бурда нон топиб, қорнини тўйгазмоқдир. Аммо, сипоҳ қанча ҳокимлик қилса ҳам, халқ унга мажбуран итоат қилса ҳам, ҳамма уни зolim деб билади ва унинг душманлигидан безордир. Айниқса шогирдпешани халқ жуда ёмон

кўради, чунки у амир ва ҳокимларнинг зулмини бевосита халқ устига жорий қиладиган биринчи ва кўзга кўринарли воситадир. Одамлар шогирдпешага ҳукуматнинг жазосидан қўрқиб итоат қилсалар ҳам, фурсат топилган вақтда уни ўлдирмасдан қўймайдилар. Мен ўзимнинг шогирдпешаликдаги ўнйиллик тажрибам натижасида шу хулосага келдим. Аммо эшонлик ва дуохонлик,— деб давом этди қори Маҳмуд,— тинчгина бир «касб» ва «дудсиз ҳалво»дир. Эшонлар ва дуохонлар халқнинг терисини шилишда сипоҳлардан фарқсиз бўлсалар ҳам, зоҳирда халқни ранжитмайдилар, одамларнинг жонини секингина оладилар ва буларнинг тузоғига тушиб, жон берган киши, жон берганини билмай қолади. Мана шунинг натижасида халқ эшон ва дуохондан нафрат қилмайдигина эмас, ҳатто уни ўзининг халоскори билиб, унга доимо ихлос ва ҳурмат арз қилади.

Қори Маҳмуд ўзининг бу далилларидан натижа чиқариб:

— Ана шунинг учун мен сипоҳгарчилик «касби»дан, эшонлик «касби»га кўчдим,— деди.

Бир кун мен қишлоғимиз орасидан оқадиған Мазрангон ариғи бўйида ўтирдим. Қори Маҳмуд қаёқдандир отлик келиб ариқнинг нариги қирғоғида — менинг рўпарамда отдан тушиб, отни ҳовлисига ҳайдаб юбориб, ўзи ариқ қирғоғига ўтириб, қўлини ювабошлади. Мен ундан қаёқдан келганини сўрадим.

— Обгина қишлоғидан бировнинг жанозасини ўқиб келаётирман,— деди у.

— Ўлган одамнинг касаллик вақтида бориб, уни соғайтириш учун дуо ўқиган бўлсангиз керак?— деб яна сўрадим.

— Албатта, бирнеча бор бориб ўқидим, назрини ҳам олдим, бугун бориб, жанозасини ҳам ўқиб, кўмиб ҳам келдим,— деди.

— Сизнинг дуонгизнинг та'сир қилмаганини, сизнинг дуо ўқигангиз блан касалнинг тузалмаганини, аксинча ўлиб қолганини кўратуриб, сиздан ихлослари қайтмаган бўлса керакки, сизни жанозага ҳам чақирганлар?— дедим, ажабланиш оҳанги блан.

— Авом халқнинг ажойиб ҳислати бор,— деди қори Маҳмуд жавоб беришга киришиб,— ўлиқларини ювиб беришдан бошқа айби бўлмаган мурдашўйни «шумқадам» деб жанозага йўлатмайдилар, аммо эшонга ихлос қўйиб,

ундан шифо умид қилиб, олиб бориб, касалларини ўқитадилар, унга назр-ниёз берадилар. Лекин агар касал соғайса буни эшоннинг «пойқадами»дан ва у ўқиган дуонинг «шарофати»дан деб биладилар ва унга қайта-қайта ҳад'я берадилар. Агар бордию, ўлиб қолсачи, буни худодан, касалнинг ажални етганидан ёки касалнинг эшонга бўлган ихлосининг сустигидан ва унинг «шаккок»лигидан деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолатларда эшондан ихлослари қайтмайдигина эмас, балки унга нисбатан ҳурматлари ошиб, уни жанозага чақирадилар, бошқа мулла ва имомларга бир олчин газлама йиртиш берсалар, эшонга бир тўп доқа берадилар.

Қори Маҳмуд сўзининг охирида:

— Ҳарҳолда эшонлар ва дуохонлар мурдашўйларга қараганда бахтлироқ ва иззатлироқдирлар,— деди. (Мен қори Маҳмуднинг бу суҳбатини «Дохунда»нинг биринчи қисмида «Жаноза» бобида Ҳожиёқуббой тилидан эшон Султонхонга қисқартиб айтдирганман).

Бизнинг қишлоқда ёшлар орасида «гаштак» (гап) борарди. Бир кеча Ақобирхўжа деган бир кишининг уйида бўлган гаштак мажлисида қори Маҳмудни хушчақчақлиги учун, Саидакбарни Бухоро мадрасаси талабаси бўлгани учун (улар гаштакка қўшилмаган бўлсалар ҳам) меҳмон сифатида чақирганлар.

Гаштакнинг бутун а'золари ва меҳмонлар аввал оқшом мажлис бўладиган жойга тўпланганлар. Аммо, Саидакбар «катталиқ» сабабидан бўлса керак (чунки у вақтларда катталарнинг мажлисга кеч келишлари одақ эди) кечиккан.

Уй эгасининг яқин ўртоқлари бўлган мажлис аҳллари унга ҳазиллашиб:

— Агар егулик бирор нарсанг бўлса, келтир. Чунки биз сенинг ёғлик зиёфатингни кутиб кул бўйи бирор нарсанга емаганмиз, жуда очиқдик, агар бирор нарсанга тайёрламаган бўлсанг бизга рухсат бер, уйимизга бориб овқат қилайлик,— деганлар.

— Ҳамма нарсанга тайёр,— деган уй эгаси,— броқ мен Саидакбархўжани ҳам меҳмонликка чақирганман, у кишини кутиб тураман, у киши нозик одам, у киши келмасдан дастурхон ёсак, хафа бўладилар.

Яна бирмунча кутганлар. Саидакбар келмагач, зиёфатни усиз ўтказганлар...

Уша кечанинг эртасига кўча бошида одамлар қаторида Саидакбар ҳам ўтирган эди. Қори Маҳмуд ҳам келиб қолди. У Саидакбардан мажлисга бормаганининг сабабини сўради:

— Бир меҳмонхона одам икки соат сизни кутиб дастурхон ёздирмай турдилар. Сиз бормадингиз, бу яхши бўлмади,— деди.

— Мен бориб эдим,— деди Саидакбар,— аммо меҳмонхонага кирмай қайтиб келдим.

— Нега?— деди қори Маҳмуд ажабланиб.

— Чунки саводсиз бўлган уй эгаси менинг отимни атаб, «фалончи ҳалигача келмади» деганини ўз қулоғим блан эшитдим. Бухоро мадрасаларининг толиби илми бўлган мен каби бир кишининг номини тилга олишга саводсиз бир деҳқоннинг ҳаққи борми, ахир? Бу одобсизлик эмасми? Шунинг учун меҳмонхонанинг эшиги олдидан қайтиб келдим.

Қори Маҳмуд қақирлаб кулгандан кейин, жиддий бир вазият олиб:

— Менимча,— деди,— ҳарбир киши ва ҳарбир нарса учун бир ном керак. Токи у ном блан, у одам ёки у нарсани атаб, унинг тўғрисида гапириш мумкин бўлсин. Сиз катталик қилиб отангиз томонидан берилган номдан орланар экансиз, сизга ўзингизга муносиб улуғ бир ном бериш керак, токи у номни тилга олиш блан биз сизни фаҳмлайлик. Менинг фикримча, бу муносиб ном худонинг оти бўлган «Парвардигор»дир. Бу номдан дунёда каттароқ ном йўқ. Айниқса бу номга сизнинг авлодий унвонингизни қўшиб, «Парвадигорхўжа» десак, худонинг номидан ҳам каттароқ бўлади. Бу ном блан сизни атасак, сизнинг шаънингизга зиён қилмаса керак.

Қори Маҳмуднинг ўзи бу сўзларни кулмасдан айтган бўлса ҳам, у ердагиларнинг ичаклари кулгидан узилаёзди. Саидакбарнинг башараси жаҳлдан ийган сиркадай бўлди. Лекин у кўпчиликка оғиз очиб бирор гап гапиролмас эди. Ноилож ғазабдан ўтдай алангалангани ҳолда ўрнидан ирғиб туриб, уйига кетди ва бирнеча кун кўчага — одамлар орасига чиқмади.

Шундай бўлиб, «Парвардигорхўжа» Саидакбарнинг «фахрий» номи бўлиб қолди.

Мен бу ерда отам ва онамнинг машғулотлари ва уларнинг феъл, атвор ва ҳислатлари тўғрисида бироз гапириб ўтишни лозим биламан, чунки мен биринчи навбатда тарбияни улардан олганман ва уларнинг ҳислат ва хусусиятлари шубҳасиз менга таъсир қилган.

Отам деҳқончиликдан бўшаган вақтларида икки иш блан машғул бўларди: бу ишларнинг бири тегирмон чархи ясаш бўлиб, иккинчиси тўқимачилик эди.

Биз Маҳаллайиболодан кўчганимиздан кейин ҳам отам тегирмон чархи ясашни у ерда давом этдирди, чунки у томонларда тегирмон чархининг хом материали бўлган сада дарахти кўп ва арзон эди. У томонларда амакимдан бошқа тегирмон чархи ясайдиган уста бўлмаганидан, бу молнинг нархи қиммат эди.

Тўқимачиликни Соктареда ўз уйимизда давом қилдирарди. У, тўқимачиликни бозор учун эмас, уй ва ўз эҳтиёжимиз учун қиларди. Бизнинг кийим-кечагимиз, кўрпа-ёстигимиз, сочиқ-дастурхонимиз отам тўқиган матодан тайёрланар, отам тўқимачиликда керак бўлган бўёқларни ҳам ўзи тайёрларди: бу бўёқларни рўян деган бир ўтнинг илдизидан, исфарак деган ёввойи бир ўтнинг баргларидан, норпўст — анор пўчоғидан ва бошқа шу каби ўтлардан, пўчоқ ва илдизлардан тайёрларди. Фақат нил номли Ҳиндистондан келадиган ўтдан пайдо бўладиган нилоби ва зайтуни (қуюқ кук) ранги керак бўлса, бўяладиган ипни бўёқчига олиб бориб бўятарди.

Онам отамнинг тўқимачилик ишида асосий ёрдамчи эди. У, қозон-товоқ, тикиш ва кир ювишдан бўшаган вақтларини бутундай шу ишга сарф қиларди. У, жойдори ғўзадан йигириладиган пахта тайёрлар, пахтани чархда йигириб калава қилар, калавани совун ва аччиқтош блан қайнатиб, керакли бўёқларда бўяр ва бошқа шу каби тўқимачиликка оид ишлар блан машғул бўларди.

Онам саводсиз бўлиб, фикр жиҳатидан бошқа қишлоқ хотинларидан фарқ қилмасди. Лекин отам бошқа одамлардан бироз фарқли бўлгани сабабли, бунинг алоҳида фикрлари унга таъсирсиз ҳам қолмаган эди, чунончи, у «дев», «ажина»лардан бошқа хотинлар каби кўп қўрқмасди.

Онам ўз болаларига, шу жумладан менга жуда меҳрибон эди: у бизнинг кийим-кечагимиздан ва баданимиз-

нинг тозалигидан ҳарвақт хабардор бўлиб турарди. У, ёлғончилар ва ўғрилар тўғрисида қўрқинчли эртақлар айтиб, бу ишлардан сақланишга ундарди. Шунинг блан баравар у бизнинг кийимимизга чўнтак тикмасди.

— Чўнтак,— дер эди у,— болалар учун майда-чуйда нарсаларни ўғирлаб яширишга восита бўлади, бундай бола улғайгандан кейин каттароқ нарсани ўғирлашдан ҳам тортинмайди.

Отам у замоннинг одамларидан анча бошқароқ бўлган бир одам эди: у, расмий муллалар, имомлар қози ва раисларни ёмон кўрар, улардан ба'зиларини нодон, ба'зиларини ноинсоф ва золим деярди. У, қозилардан Ёждувон қозиси Абдувоҳид Сарирни ва имомлардан мен кўрмаган ва билмаган бир-икки имомни севарди.

Қишлоқларда отам блан имомлар орасида кўп вақтлар жанжал чиқарди. Лекин у ҳарвақт жанжалларда ўз ҳарифини—муқобилини енгарди. Чунки у, топмача, муаммо, абжад ҳисоби ва тушинилиши ба'зи воқияларни билишга боғлиқ бўлган ше'рларни ва шу каби майда-чуйда нарсаларни кўп биларди. Қишлоқ имомлари эса бундай нарсаларни билмас эдилар. Ҳатто ба'зиларининг «Алифбе» саводлари ҳам йўқ эди. Шунинг учун унга баравар келолмас эдилар.

Шу блан бирга отам ўзи билган бу майда-чуйда нарсалардан фахрланмасди. Чунончи, шундай майда гаплар блан бир имомни енганини Устахўжага ҳикоя қилгандан кейин, айтган эди:

— Мен биладиган бу нарсалар блан ҳечбир киши билимдон бўлмайди, бу нарсаларнинг илмга ҳечбир муносабати йўқ, нодон бўлганлари ҳолда ўзларини ўтакетган доно, деб ўйлайдиган бу мағрурларни жим қилиш учун мен бундай майда-чуйда нарсаларни ишлатиб юраман. «Қўртнинг давоси қайноқ сув» деганлар.

Бизнинг қишлоқ хатиби дарвозлик бир мулла эди. У, ўзини ўтакетган диндор кўрсатарди. У, одамларнинг ишларига дин нуқтаи назаридан аралашар, бозорларда халққа «насихат» қилар, ғайри шар'ий ишлардан тияр ва шар'ий ишларга ундаб юрарди.

У вақтларда бозорларда ба'зи кишилар чилим кўтариб юрар, чекучиларга чектириб, бирор нарса олардилар. Бундай одамларни «пояки» дер эдилар.

Поякиларнинг чилимлари одатда кумуш ва ба'зи рангли тошлар блан безатилган бўларди. Чунки бундай чилимларга кўпроқ рағбат қилардилар.

Бизнинг хатиб бир кун Ғиждувон бозорида шундай чилимлардан учтасини синдириб ташлапти. У бу қилиғи блан фахрланиб қишлоқ халқига гапириб берди.

Одамлар орасида ўтирган отам хатибга:

— Нотўғри иш қилибсиз!— деди.

— Нега?— деди имом аччиғланиб.

— Аввали шуки,— деди отам,— тамаки чекишнинг ҳаромлиги шариат юзасидан исбот қилинган эмас ва исбот қилиниши мумкин ҳам эмас, чунки ислом дини пайдо бўлган вақтда тамаки ва тамаки чекиш йўқ эди. Фақат табибларнинг гапига кўра, ҳарбир тутун каби тамакининг тутуни ҳам одам учун зарарли ва бунинг зарари бўлса чекучиларга оид бир нарса ва сизга ҳечбир дахли йўқ; иккинчидан, укта чилимни синдирган блан чекучилар чекишдан товба қилмайдилар. Бу ишдан фақат у чилимларнинг эгалари — поякиларга зиён бўлган. Улар ҳақиқатда шу чилимлари воситаси блан гадойлик қилиб юрадиган камбағаллар. Агар бозорларда чилим чекиш ҳукумат томонидан тақиқ қилинса, улар чилимларини сотиб, у блан бирнеча кун ўзларини ва бола-чақаларини тўйдиришлари мумкин эди. Кучингиз чекучиларга етмаган ҳолда сиз бечора поякиларни энг охириги нарсаларидан маҳрум этгансиз.

Бу гапларга хатиб ғазабланиб жавоб берди:

— Сиз «саводим бор» деб ҳарвақт мулларарнинг юзига югурасиз. Сиз шу даражада қутирибсизки, «амри маруф» (яхши ишларга ундаш) ва «наҳий мункар» (ёмон ишлардан тийиш)га ҳам йўл бермоқчи эмассиз.

Отамнинг одатини биладиганлар «У хатибнинг бу гапини жимгина еб қўймас ва у блан ёқалашар» деб ўйлаган эдилар. Аммо, иш улар кутганча бўлмади, отам хатибга ҳеч жавоб қайтармай ўрнидан туриб уйга кетди. Мен ҳам орқасидан бордим.

Отам ҳовлига киргач, аввал эшакни тўқимлади, сўнгра уйга кириб, салласини ўраб, чопонини кийди-да, нондонни очиб, бор нонни у ердан олиб, хуржунига солиб:

— Мен шаҳарга кетдим, — деган ҳолда уйдан чиқди.

— Нега бундай ноҳосдан шаҳар бормоқчи бўлдингиз. Бугун тўхтанг, мулла болам учун иссиқ нон ёпай,— деб



онам ёлворса ҳам унга қарамай, жавоб бермай, эшакка миниб ҳовлидан чиқиб кетди.

Онам кўчада қандай воқиа юз берганини мендан сўраганида, мен унга отам блан хатиб орасида юз берган жанжални айтиб бердим. Аммо, бу жанжалдан отамнинг шаҳарга боришига сабаб бўладиган бир нарсани топмади.

Отам уч кундан кейин шаҳардан келди. Эшакни ўз жойида боғлаб, хуржунни супа лабига қўйди-да, акамнинг аҳволидан онамга ҳечбир гап айтмасдан кўчага чиқиб кетди.

Орадан бирқанча вақт ўтгандан кейин у кўчадан қайтиб келди, унинг аҳволида имом блан қилган жанжалдан бошлаб пайдо бўлган ва шу бугун шаҳардан қайтиб келганигача ҳам давом этган оғирликдан ҳечбир асар қолмаган. У, шодиёна вазиятда кулимсираб онамга аввал акамнинг саломини ва саломатлик хатини етказди, сўнгра имом блан қилган жанжалини ҳикоя қилиб, сўзининг охирида:

— Мен ўз гапимнинг тўғрилиги ҳақида шаҳардан ривоят ёздириб келтирдим,— деди-да, қўйнидан бир қоғозни чиқариб ўқиб, унинг мазмунини бизга шархлаб берди. Ривоятнинг мазмуни қуйидагича эди: «Молни нобуд қилиш, хоҳ у мол нобуд қилинучининг ўзиники бўлса, хоҳ бошқаники — дуруст эмас. Агар нобуд қилинган мол бошқа кишиники бўлса, нобуд қилучи бу иши учун гуноҳкор бўлгани устига нобуд қилинган молнинг мислини мол эгасига бериши керак...». Ривоятнинг охирида пиёланинг оғзидан катта бир муҳр босилган эди.

Отам ривоятнинг мазмунини бизга тушунтиргандан кейин:

— Мен бу ривоят блан ўз сўзимнинг тўғрилигини исбот этдим ва халқ олдида имомни шарманда қилдим,— деб, давом этди,— бизнинг муллалар нодондирлар, улар биз каби оддий одамларнинг гапига қулоқ солмайдилар, улар «гапиручининг кимлигига қарамай, унинг гапига қара!» мазмунида бўлган «мангар ки кий мегўяд, бингар ки чи мегўяд» деган ҳикматли сўзни билмайдилар. Буларнинг оғзини муфтининг муҳри блан муҳрлаб (боғлаб) қўйиш керак. «Эшак этига ит тиши керак».

Отам асабий одам эди. Шундай бўлса ҳам мени қаттиқ урмаган ва ёмон алфоз блан сўкмаган эди. Менинг

эсим кириб қолгандан кейин икки марта танбиҳ бергани ёдимда бор:

Отам бир йил эшак сотиб олди, бу эшак бадамал чиқди, уни ҳарким минолмас эди, минган одамни диринглаб устидан отиб ташларди.

Отам бир ёз кунда у эшакни овқатлатиш учун ҳосили ўриб олинган буғдой ерига боғлаб қўйган экан. Қиём вақтида офтоб қизиганда эшакни олиб келишни менга буюрди. Лекин уни минмасдан етаклаб келтиришни менга та'кид этди:

— Чунки агар қўлинг унинг ёлига тегиб қолса, у диринглаб, сени устидан отиб ташлайди ва бирор жойинг майиб бўлади,— деди.

Мен далага бориб, эшакни ечиб олиб, ўзимча: «Модомики, қўл бунинг ёлига текканда диринглар экан, ёлига қўл етказмасдан бирор баланд жойдан миниб олсам ҳеч-нарсга бўлмайди» деб ўйладим. Мен шундай фикр блан эшакни бир ариққа киргиздим-да, ёлига қўл етказмасдан уни миниб олдим. Эшак тинч ва ҳатто қулоғини ҳам чимирмасди.

Аммо эшакни ариқдан чиқараётганимда унинг олди баланд ва кети паст бўлиб, мен орқага силжиб кетдим-да, йиқилиб қолишдан қўрқиб, ихтиёрсиз унинг ёлидан икки қўллаб маҳкам тутдим. Эшак диринглашга киришди. Йиқилиш хавфи яна ҳам ортди, мен яна ҳам қаттиқроқ эшакнинг ёлига ёпишдим. Бунинг натижасида эшак бутунлай қутуриб кетди. Бир ирғишда ариқдан чиқиб, текис ерда бошини қўйи қилиб, икки кейинги оёғини баланд кўтариб, ўнгу чапга отабошлади. Мен қаттиқ шамолда дарахт шохидан узилиб кетган олмадай унинг устидан узилиб, бирнеча қадам нарига отилиб йиқилдим ва эшак қафасдан қутилган қушдай оёқ қоқиб ҳавони тепа-тепа ҳовли томонга қочиб кетди.

Мен ўнг қўлим блан буғдой ўрилган қуруқ ерга, почпояга йиқилган эдим, қўлим тирсакдан синдириб ёки кесиб олингандай жон ачитучи бир тарзда оғримоқда эди. Лекин менга оғриқдан ортиқроқ отадан қўрқиш ташвиш берарди. Чунки мен унинг гапидан чиқиб, ҳам унинг учун, ҳам ўзим учун катта ташвишга сабаб бўлган эдим. Ўзимни тетик тутиб, отамга соғ кўрсатмоқ мақсадида ётган жойимдан турмоқчи бўлдим, оғриқ яна ҳам шиддатланди, гўёки биров менинг кўкрагимдан санчиб баданимни егра тортаётгандай, қайта ётишга мажбур бўлдим.

Шу вақтда отам ҳовли томонидан кўринди. Мен ўзимни таёқ ва шапалоқ ейишга тайёрлаб — йиғламай чидашга ният қилдим.

Отам етиб келди. Лекин у мени урмадиям, сўкмадиям, фақат қўлимни тутиб кўргандан кейин:

— Менинг гапимдан чиқиб, бир қўлингдан ажралдинг, бу қўл ўнг қўлинг бўлгани сабабли сенинг учун яна оғирдир, чунки энди хат ёзолмайсан,— деди.

Отамнинг бу гапи менга унинг таёқ блан уриб жазо беришидан ҳам, қўлимнинг чидаб бўлмаслик оғриғидан ҳам қаттиқроқ таъсир қилди, чунки мен учун хат ёзишдан ва шеърларни кўчириб олишдан маҳрум бўлиш ўлим блан барабар эди. Отам мени турғизиб ўтқизди, белбоғини ечиб у блан менинг қўлимни боғлаб бўйнимга осди. Сўнгра мени уйга олиб борди. Уша кун қишлоқдан бир от топиб, мени ўзи блан мингаштириб, Гиждувонга, шикаста банд — табиб олдига олиб борди.

Табибнинг айтишига кўра менинг қўлим ҳам тирсакдан, ҳам билақдан чиққан экан. У менинг қўлимни қаттиқ қисиб бураб, чиққан суякларни ўз жойларига ўрнаштирди.

Суякларни ўрнаштириш дарди, чиқиш дардидан ҳам қаттиқроқ эди, лекин мен отамдан кўрқиб, табибдан уялиб, тишни-тишга қўйиб чидадим. Йиғламадим ва дод демадим. Бундай чидамимни кўрган отам мени мақтаб:

— Балли ўғлим!— деди.

Қўлим бутунлай тузалгандан кейин отам бир кун мени ўз олдига чақириб олди, бир қўли блан қўлимдан тутиб туриб, иккинчи қўли блан кийгиз остидан (аввалдан тайёр қилиб қўйган бўлса керак) бир хипчинни олди-да, у блан менинг почамга секингина бир уриб:

— Агар бундан кейин менинг гапимдан чиқсанг, қаттиқ ураман! Тушундингми?— деди.

— Тушундим!— деб жавоб бердим.

Отам томонидан иккинчи танбиҳланишим қуйидагича юз берган эди: бизнинг қишлоқдан икки километрча нарида, Зарафшон дарёсининг кўприги бошида Сари Пули Эшон (Эшонкўприк) деган бозорча бор эди. Бир бозор куни мени отам у ерга туз олиб келиш учун юборди. Бозордан қайтишимда отамнинг танишларидан бир киши менга дуч келиб, отамга етказиш учун менга бирнеча гап тайин қилди.

Мен уйга келгунимча у одам тайин қилган гапларнигина эмас, ҳатто унинг ўзини ҳам унутганман. Отам мендан бозорда ўзининг танишларидан кимни кўрганганимни сўраганида, у одам эсимга келиб, уни кўрганлигимни айтдим.

— Нима деди?— деб сўради отам.

Мен унинг гапларини бутун эсимдан чиқарганим сабабли бирнеча гапни ўзимдан ясаб, унинг тилидан қилиб айтдим. Бу ясама гапларнинг мантиқсизлиги отамга маълум бўлса керакки, у мендан:

— Унинг гапларини эсингдан чиқаргандирсан? У бошқа гапларни айтгандир?— деб сўради.

Мен яна ўз ёлғон гапларимни унинг гапи деб таъкид қилдим.

Орадан бирнеча кун ўтгандан кейин у одам бизникига келди. Отам мени унинг олдига киргизиб, ўтқизиб қўйиб, ундан сўради: Сиз бунга нималар деб юборган эдингиз?

У одам ўзи тайин қилган гапларни бирма-бир айтиб берди. Унинг гаплари мен айтган гаплардан бутунлай бошқа эди. Мен уялиб, тер остида қолдим, назаримда эриб, сув бўлиб, ерга сингиб кетаётгандай кўринардим.

Отам менинг қулоғимдан тутиб бураб тургани ҳолда:

— Бундан кейин ҳарнарсани кўрсанг, уни диққат блан кўздан кечириб, нималигини билиб ол, ҳарбир гапни эшитсанг, диққат блан қулоқ сол, агар биров сенга бирор гап айтса ёки бирор иш буюрса тушунган бўлсанг ҳам, қайтадан сўра. Ўзинг у гапни ёки у ишни такрор айтиб «Шундай дедингизми?» деб тузатиб таъкидлаб ол!— деди-да, гапни ҳалиги воқиа устига буриб давом этди:— ҳозир сенинг икки гуноҳинг бор: бириси шуки, тайин қилган гапларни эсингдан чиқаргансан; иккинчиси шуки, эсингдан чиққан гаплар ўрнига ўзингдан ёлғон гаплар тўқиб айтгансан. Агар сен ўша вақт: «Амаким тайин қилган гапларни эсимдан чиқарибман» деганингда, мен сени бу кишининг олдида шарманда қилмас эдим.

Отам сўзининг охирида қулоғимни қўйиб юбориб:

— Бор, ўйна!— деди.

Отамнинг бу огоҳлантириши менинг ҳаётимда катта фойда берди. Мен бундан кейин эсда сақлашни машқ қилдим, бу таълим мени диққаткорликда тарбия қилди, муҳим гапларни, ҳодисаларни, нарсаларни ва одамларни унутмасликка мени ўргатди. Мен шеърларни ёдлаб олган бўлсам ҳам эсдан чиқарардим; ҳатто ўзим айтган шеърларни ҳам бирнеча кундан кейин унутардим. Аммо, ўзим-

га озми-кўпми та'сир қилган ёки ўзимча муҳим саналган гаплар, ҳодисалар ва одамларни унутмайдиган бўлган эдим. Менинг бу хусусиятим Бухородаги дўстларимга ма'лум бўлган эди, улар ўзлари унутган майда-чуйда ҳодисаларни ва уларнинг воқи' бўлган вақтларини мендан сўраб олардилар ва менга «жонли тарих» лақабини берган эдилар.

Кейинги 10—12 йилда қариллик муносабати блан менинг эсда тутиш қувватим бўшашган, гаплар, нарсалар, ҳатто кўрган одамларимни эсдан чиқарадиган бўлсам ҳам, эски хотиралар ҳатто воқи' бўлган йиллари блан ҳаммаси деярли кўнглимда нақш боғлаб қолганлар. Бу ўша отам берган та'лимни амалга ошириб, эсда тутиш қувватимни машқ блан ўстирганимнинг сабабидир.

Отам ўлмасидан бир йил аввал мени Бухорога олиб бориб, шаҳарни тамоша қилдирмоқчи бўлди, агар мен истасам, бирмунча вақт акамнинг олдида туриб, мадраса турмушига одатланишим керак эди. Токи, келажак йилда насиб бўлиб, ўқишга борсам, таҳсилнинг биринчи кунидан бошлаб мадрасани ёт санамасдан ўқишни давом этдира-олай.

Шу мақсад блан отам, қиш кунларининг бирида, мени бир эшакка мингаштириб йўлга чиқди, биз Бухоро—Вобкент орасида бўлган Яланги номли манзилдан ўтганимиздан кейин эшак йўлнинг чеккасига чиқиб, бир тол дарахтининг олдида тўхтаб қолди. Отам эшакни халачўп блан нихтаб зўрға у ердан ўтказиб, менга айтди:

— Ўтган кўклам вақтларида шаҳарга бораётганимда Ялангига тушмай ўтиб, бу толнинг олдида қўниб, ўзим нон еб, эшакка дам берган эдим. Орадан бир йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам, эшак шу жойни эсидан чиқармаган, у яна шу ерда дам олишни истаб, бу жойдан ўтмади.

Отам бироз жим тургандан кейин яна давом этди:

— Эшак, эшитган, кўрган, билганларини эсидан чиқарадиган одамлардан беҳроқ. Ба'зибир бефаҳм ва калтабин одамларни эшакка ўхшатадилар. Бу нотўғри, бундай ўхшатиш эшакка туҳматдир.

Отам сўзининг охирида яна менга:

— Диққат қил, кўрган-билганларингдан ҳечнарсани эсингдан чиқарақўрма,— деди.

Отам шу блан юқоридаги парчада нақл қилинган тавсиясини бу ерда содда ва авомона бир мисол блан, эсдан чиқариб бўлмайдиган даражада та'кид қилган эди.

### БУХОРО ШАҲРИ ВА МАДРАСА ҲАҚИДА БИРИНЧИ ЭСДАЛИКЛАРИМ

Биз хуфтон чоғида Бухоро шаҳрига етдик. «Самарқанд» дарвозасидан шаҳарга кирдик. Отамнинг гапига кўра 5 минут кечикканимизда шаҳарга кираолмай қолар эканмиз, чунки шаҳар дарвозалари хуфтон азони айтилиши блан, я'ни кун ботишдан бир ярим соат ўтган ҳамон қулфланиб, калитлари шаҳар миршабига — полиция бошлиғига олиб бориб топширилар экан.

Шаҳарнинг ичи қоп-қоронғи эди, шаҳар дарвозабони олдида пахта пилта ва зигир мойи блан ёнадиган бир пилсуз—жинчироқ хира ёруғ берса ҳам, ундан нарироқда у ҳам йўқ эди. Бухоро ҳовлиларининг кўча томонида панжара ва дарчалари бўлмаганидан кўчага бирор ёруғ тушмасди. Икки-уч қават бинолар блан икки томони ўралган торгина кўчалар, гўр ичини одамнинг эсига келтирарди.

Биз «Зулмат»га ўхшаган бу шаҳарнинг кўчаларидан ўтиб, акам блан Саидакбар турадиган Мир Араб мадрасаси олдига етдик. Мадрасанинг ғарб томонида ёнғиндан чиқаётгандай тутун аралаш бир ёруғлик кўринар, яна у томондан ноғора сурнай ва чилдирмаларнинг садоси эшитиларди.

Отамнинг сўзига кўра, бу чавки — подшоҳлик томонидан ташкил қилинган умумий базм экан. У вақтларда амир марказий саройидан аркдан ташқари бирон ҳовлига кўнса, у ҳовлига яқин бир жойда — очик кўчада умумий базм қуриш одат бўлган экан.

Отам мени мадраса саҳнининг жануб томондаги босқичидан саҳн устига ҳуржун блан чиқариб қўйиб, ўзи эшакни саройга олиб бориб боғлашга кетди. Мен бу фурсатдан фойдаланиб, чавкини тамоша қилабошладим: чавки мадраса саҳни блан Масчиди қалон — катта мачит орасидаги бир чуқур майдончада бўлаётган эди. Майдоннинг эни тахминан 10 метр бўлиб, узунаси 20 метрча келарди.

Бу майдоннинг ўрта белида — мадраса саҳни олдида чилдирмачилар, ноғорачилар ва сурнайчилар қуруқ ерда қатор чўккалаб ўтириб чалмоқда, буларнинг олдида катта бир гулхан ёнмоқда, гулхандан нарида орқаларини

чолғучиларга ўгириб тикка турган 20 га яқин кокиллик ёш ўсмирлар ўйнамоқда ва кўйламоқда.

Ўйинчилар олдида бирнеча ўғир қатор қилиб қўйилган ва уларнинг ичлари зиғир мойи блан тўлдирилган бўлиб, мойнинг ичига эски-туски латта-путталарни тиқиб ёндирилган. Ҳалиги тутун аралаш ёруғлик чидаб бўлмайдиган сассиқ ис блан шу ёниқ ўғирлардан чиқарди.

Бу майдоннинг теварак-атрофини жуда кўп тамошабинлар босган, қўлларида узун таёқлари бўлган ясовуллар урҳо-ур, сурҳо-сур қилиб орқага итариб турардилар. Агар шундай қилмаганда тамошабин оломон олдин келиб чолғучиларни, ўйинчиларни, гулхан ва ўғирларни босишлари турган гап эди.

Бу майдон айни замонда ғўза бозори бўлиб, кундуз сотилмай қолган ёки жаллоблар сотиб олиб, ҳали ташилмаган ғўза тўла қоп-қанорлар ҳар томонда тартибсиз ётарди. Бу ҳол базмнинг тартибсизлигини яна ортидирган эди.

Отам келиб хуржунни кифтига олди, мен унга эргашдим. Биз мадрасанинг, ғарбга қараб, катта мачит дарвозасига рўпара турган баланд пештоқи остидаги катта дарвозасидан кирдик. Мадрасанинг миёнсаройи — йўлаги баланд, хушхаво ва тўртбурчакли бўлиб, ҳарбир бурчагида учбурчакли супаси бор эди. Миёнсаройнинг дарвоза рўпарасидаги томонида дарвоза кенглигида катта бир равоғи бўлиб, бу равоқ ичида узун тўртбурчакли (мураббаи мустатил) бир супа қурилган эди. Миёнсарой шифтининг ўрта белида саккизбурчаклик кирланиб, тутун блан қораланиб кетган катта бир фонус (фонар) осилган бўлиб, унинг ичида кичкина маҳаллий шам ёнмоқда эди. Лекин бу шам ҳечбир томонни ёритмай, фақат қоронғилиқни одамнинг кўзи олдида гавдалантириб, қандайдир бир қўрқинчли манзарани намоён қиларди.

Миёнсаройдан мадрасанинг ичига кириш учун ўнгдан ва чапдан икки йўлак бор эди. Биз ўнг йўлакка бурилдик. Лекин мадраса ичига бормай, ўша ерда, ўнг қўлдаги айланма-морпеч бир тош босқичга отам қадам босди. Отам товуш бериб, юқорига қўтарилди, мен унинг орқасидан, у товуш берган томонни мўлжаллаб, босқич поғоналарини сийпалаб, эҳтиёт блан қадам қўйиб юқорига чиқардим. Босқичдан чиқиб бўлганимиздан кейин ҳам қоронғилик тугамади, чунки босқич бориб, усти ва атрофи ёпиқ бир йўлакка уланар ва бу йўлак ҳам қоронғиликда босқичдан қолишмасди.

Отам қоронғи йўлақда деворни сийпалаб, бир ҳужранинг эшигини топиб, уни мадраса одобига мувофиқ тирноғининг орқаси блан бир-икки марта чертди. Эшик очилди. Биз ичкарига кирдик. Бу акам блан Устахўжанинг катта ўғли—Саидакбар турадиган ҳужра экан.

Бу ҳужра кенг, катта тош мачитларникидай баланд ва тўғарак бир гумбаздан иборат эди. Бунинг қоронғи йўлақдан кирадиган эшигидан бўлак на эшиги бор эди, на дарчаси. Ҳужранинг ўртасида бир сандал бўлиб, унинг устида 16 талик, я'ни 16 таси ярим кило келадиган маҳаллий шам' ёнмоқда эди. Бу чироқ сандалнинг устини ярим тутилган-ойнинг дарахт барглари орасидан тушадиган ёруғидай зўрға ярим ёритарди, ҳужранинг бошқа жойлари, айниқса унинг мадраса бино бўлгандан бери шам'нинг мойли қуруми блан қопланган баланд ва ҳайбатли гумбази жуда ҳам ваҳимали бўлиб кўринарди.

Биз ҳужрага кирганда акам пойгада ош сузмоқда ва қишлоқда «Парвардигорхўжа» унвони блан «сарафароз» бўлган Саидакбар сандалнинг тўрида катталарга муносиб бир савлат блан ёнбошлаб ўтирар эди.

Биз киргач, акам ишини қўйиб, биз блан кўришиб, сандал четига ўтқазди. Саидакбар ҳам ўрнидан эринибгина туриб, қўл учи блан кўришди ва истар-истамас ўз жойини отамга бўшатиб бериб, ўзи сандалнинг ён четига отамдан илгарироқ ўтириб олди. Акам бизни ўтқазиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин бориб ош сузишни давом этдирди.

Акам ошни сузиб, келтириб сандал устига қўйди. Ош товуқ гўшти блан пиширилган палов эди. Ош еяётганда отам:

— Товуқ гўштини қайдан топдингизлар?— деб сўради.

Бу сўроққа жавоб беришга ботинолмагандан акам жим қолди, аммо Саидакбар тафсилли жавоб берди.

Унинг айтишига кўра, подшоҳ бўлганининг учинчи йилида амир Абдулаҳад бир одат чиқарган: бу одат бўйича амир марказий саройидан — аркдан ташқари бирон ҳовлига тушиб қолса, у ҳовлининг теварагидаги мадрасалардан палов сўраб олар экан. Амирнинг бу буйруғини амалга ошириш учун ошхона ходимларидан бири мадрасага кириб: «Қимнинг тайёр палови бўлса, жаноби олийнинг ҳумоюн (муборак) ошхоналарига келтирабер-



син» деб чақирар ва ҳужралардан олиб чиқилган ошларни қозони блан эгасига кўтартириб, амирнинг ошхонасига олиб борар экан. Унда бош бакавул қозонларни очиб боқиб, биттасини танлар ва бошқасини қайтарар экан.

Бош бакавул мақуллаган ошни амирнинг товоғига сузиб олиб, бўшаган қозонни ошхонадаги тайёр ошлардан тўлдирад ва бундан бошқа амирнинг буйруғига мувофиқ, қабул бўлган ошнинг эгасига 10 танга — бир ярим сўм пул ҳам берилар экан.

Амирнинг бу одати Бухоро мадрасаларининг ҳаммасига маълум бўлган сабабли, у қайси ҳовлигаки қўнса, у ҳовлига яқин бўлган мадрасаларнинг ҳамма ҳужраларида амирга қабул бўлиш умидида ўша кеча палов пиширилар экан. У кеча амир Мир Араб мадрасасига яқин бўлган бир ҳовлига қўнганидан бу мадрасанинг 143 ҳужрасининг ҳаммасида палов пиширилган, ҳолбуки бу ҳужраларнинг бир қисмида бутун қиш бўйи бирор марта ҳам палов пишираолмайдиган қашшоқ талабалар турар эканлар. Уша кеча шундай қашшоқ муллабаччалар ҳам қассоб ва баққолдан ош масаллиҳини нас'яга олиб, палов пиширганлар.

Саидакбар ўз сўзининг охирида фахрлиниб ва мағрурона бир оҳанг блан:

— Бу кеча 143 қозон ошдан фақат бизники мақул кўрилди ва товуқ гўшти блан пиширилган бу ош жаноби олийнинг ошхоналаридан бизнинг қозонга солиб берилган табаррук ошдир,— деди.

Отам Саидакбар ҳикоясининг бошларида унинг гапларига қулоқ солгани ҳолда ош еб турарди. Лекин ҳикоянинг ўрталарига келганда масаланинг таг-тугини тушунган бўлса керакки, ошдан қўл тортди ва унинг юзида ғазаб аломати пайдо бўлди: кўзи алангаланди, манглайи буришди, қошлари бир-бирига тортилди, юзининг териси ва лаблари учаберди.

«У ўз халачўпини олиб, ҳозир акамни урар» деб ўйлаган эдим, лекин бундай қилмади. Дастурхонни йиғиштиргандан кейин ҳам кўп вақт уйғоқ ўтирди. Аммо на Саидакбарга, на акамга бир оғиз ҳам гапирмади, ҳатто уларнинг юзларига қарамади ҳам...

Отам бу кеча ухладими, ухламадими, мен аниқлайолмадим, чунки ўзим ухлаб қолган эдим. Тонг қоронғисида акам чироқ ёқаётганда уйғондим, отам қишлоққа қайтишга ҳозирланарди. Тонг отганда у ўрнидан туриб, менга:

— Кел ўғлим, сени ўзим блан қишлоққа олиб борай. Чунки сен бу ерда, бу амирбозлар ёнида мадраса одобини эмас, амир ошхонасининг қозонини ялашни ўрганасан, — деди.

Мен ялиниб, ёлвориб, йиғлаб, мени қолдириб кетишини сўрадим:

— Ҳеч бўлмаганда бирон ҳафта туриб шаҳарни тамоша қилай ва Мулла тоғамни кўрай, — дедим.

У вақтинча мени қолдириб кетишга рози бўлди ва жиддий равишда:

— Лекин ҳуш'ёр бўл, булардай бўлма! Агар сен мен айтганча қилмасанг, сеннинг юзингни ҳам кўрмайман, — деди ва хуржунни кўтариб бораётган акамнинг қўлидан силтаб тортиб олиб, ҳужрадан чиқди. Биз эшак боғланган саройгача уни кузатиб бордик. У ерда ҳам, бирон оғиз гапирмай, саройбоннинг ҳақини тўлаб, эшакни миниб қишлоққа жўнади.

Биз турадиган ҳужра «девхона» деб аталар экан. Бу ҳужранинг кундузи кечасидан ҳам ваҳималироқ эди. Ёруғ кунда кўчадан келиб, бу кенг баланд ва қурум босган бинога кирган одам ҳақиқатан ҳам ҳарбир бурчагида бир «дев» ётган деб ўйлаши мумкин эди.

Бу даҳшатли ҳужранинг жануб томонида гаждан ясалган кичкина бир панжара бўлиб, бу панжара ҳужранинг ёнида бино бўлган мачитнинг гумбазига очиларди. Агар у панжаранинг торгина эшигидан у томонга қарасангиз ваҳимангиз яна ҳам ортар эди, чунки мачит гумбазининг қоронғи фазоси кўзингизга поёнсиз бир «зулмат» дун'ё каби кўринарди.

Шунингдек бу ҳужранинг тепасида торгина бир эшикча бор эди. Булутсиз офтобли кунларда, қиём вақтида, бу тешикдан пиёла оғзи катталигидай ёруғлик ҳужранинг юзига тушарди. Қоронғилик орасида ғайри табиийдай бўлиб тушган бу ўткир ёруғлик ҳужранинг қоронғи юзида кеча қоронғисида кўринган йиртқич ҳайвонларнинг кўзидай кўрқинчли эди.

Бизнинг тирикчилигимиз у ҳужрада жуда содда эди: эрта-кеч қишлоқдан келтирилган қоқ нонни чойга ивитиб ер эдик, кунда соат бирларда акам бирор иссиқ овқат тайёрларди. Иссиқ овқатимиз ҳам содда бўлиб, ба'зан мошхўрда, ба'зан кичири ва кўп вақт пиёва эди. Пиёва қоқ нон блан менга жуда лаззатли туйиларди.

Хужранинг барча ишларини акам қиларди, қўлимдан келганича мен унга ёрдам берардим. Аммо «Парварди-горхўжа» унвонига сазовор бўлган Саидакбар хужрага меҳмон бўлиб келгандай, ҳеч ишга қўл урмасди. У сандалнинг тўрида оёқларини олов устига чўзиб ётар, ё дарсини тайёрлар, ёки хат машқ қиларди. У қарийб ҳечбир гапирмас ва агар акамга гапирмоқчи бўлса, унинг сўзи қуйидаги икки сўроқдан нари бормас: «Овқатингиз қачон тайёр бўлади» ёки «Қачон чой дамлайсиз?» дан иборат эди.

Акам унинг бундай саволларига очиқ юз блан юмшоққина жавоб берарди. Аммо мен ғазабланардим. Акамнинг бундай одамга бу тарзда хушмуомала бўлишини нотўғри деб билардим.

Мир Араб мадрасасидаги «девхона»да кўп туриш бизга насиб бўлмади. Хужра эгаси судхўр бир мулла бўлиб, хужрасини акамларга зиёфат қилиб туриш шarti блан берган экан. Акамлар таҳсилнинг бошларида қишлоқдан олиб келган ёғ, гурунчлари бор вақтида уни бир-икки марта зиёфат қилганлар. Аммо мен Бухорога келган кунларда уларнинг ёғ-гурунчлари тугаган, энг охири қолдиғини амирга ош қилиб берган, шунинг учун хужра эгасига палов пишириб беришни давом этдириш мумкин бўлмай қолган эди.

Хужра эгаси ҳам қишнинг энг шиддатли совуқ кунларида изғирин шамоллар эсиб, устма-уст қор ёғаётган чоқларда хужрани бўшатиб беришни талаб қилди. (Бухоро мадрасалари хужраларини эгаллаб олганларнинг туриш жойсиз қаншоқ талабаларга қандай муомала қилганларини мен қисман «Судхўрнинг ўлими» номли асаримда тасвирлаганман.)

Акамлар уч кун жой излаб юриб, Бозорихўжа номли гузардан бир жой топдилар. Бу жой бир баққолнинг дўкони устидаги болохона эди. Баққолнинг ўз сўзига кўра, бу болохонани жойсиз муллабаччаларга «савоб учун» ижарасиз бераркан. Аммо, у йил «худо у хужрани бизга насиб қилгани учун» қишнинг ўртасигача бўш қолган экан.

Биз кўчишга киришдик. Мир Араб мадрасаси блан янги жойимиз орасида бир километрдан кўпроқ йўл бўлса ҳам буюмларимизни осонлик блан ташидик. Энг схида ярим қопча саксаул кўмири қолган эди. Лекин

буни ташиш қийинлик қилди, чунки бизнинг қопимиз йўқ эди.

Бу тўғрида ўйлаб турганимизда акамнинг эсига бир фикр келди. Бу кўмирни сув идиши бўлган сопол хумга солиб ташишни маслаҳат берди. Бу фикр бизга ҳам маъқул бўлди.

Биз кўмир солинган хумни қўллаб, авайлаб, тор ва қоронғи босқичдан пастга туширдик. У ерда акам кир ёядиган сим блан хумни чорбанд қилиб, ўз орқасига маҳкам боғлади. Мен самоварни қўлга олдим, Саидакбар ўзининг бир китобини олифта маҳдумлардай чопонининг узун энги учига қистириб олди. Биз йўналдик.

Кўмир тўла хумни кўтариб, Бухоронинг серқатнов тор раста бозорларидан ўтиш мумкин бўлмаганидан, биз хилватроқ бўлган маҳаллалар орқали бормоқчи бўлдик. Қор ёғмоқда, оёқости музлаган, йўловчи ҳар қадамда бир тойиларди. Биз Қимухтгарон номли маҳаллага келганимизда акам музлаган қорда тойилиб йиқилди, хум синди, кўмир ҳар томонга сочилиб кетди.

Акам девор остидаги бир баландроқ жойнинг қорини энги блан супуриб, кўмир учун жой тайёрлади, ака-ука сочилиб кетган кўмирни қор ичидан териб олиб, тайёрланган жойга йиғабердик. Саидакбар бўлса хум синиб кўмир сочилган ҳамон ўзини бир чеккага тортиб, кийимига ўтирган кўмир тўзонларини тирноғи орқаси блан чертиб тозалаб, бизнинг кўмир теришимизга тамошабин бўлиб турмоқда эди. Акам унинг бу ҳаракатига қарши ҳаддан ортиқ ғазабланди ва ҳечбир огоҳлантирмай унга ҳужум қилиб, кўтариб қор устига урди-да, уни босиб туриб, тиззаси блан кўкрагига бир-икки тепиб:

— Бу, ўз ишини ўзи қилмай, ўз юкни бошқаларнинг гарданига юклаб, озодалик ва катталик сотадиган одамнинг жазоси! — деди.

Акам унинг устидан тургач, у ҳам секингина ўрнидан туриб, кийимига ёпишган қор ва кўча лойларини тозаламай бир томонга қочиб кетди.

Мен акамнинг ҳужра ишларида Саидакбарга юмшоқлик блан муомала қилганига қанча ажабланган бўлсам ҳам, унинг одати бўлмаган бундай ғазабига аввалгидан ортиқроқ ажабландим.

Бир вақт отам менга бир муносабат блан араб мақолларидан бирининг мазмунини айтиб берган эди. У мақолнинг мазмуни қуйидагича эди: «Ҳалим — юмшоқ одамлар-

нинг ғазабидан худо ўзи асрагай». Бу вақтда мен у мақолнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилдим.

Бу муносабат блан мен акамга Саидакбарни жиннига урдирганимни сўзладим. Чунки у жинни блан акамнинг уриш тартиблари бир эди.

Бу ҳикояни эшитиб, акамнинг ғзаби бутун тарқалди ва илжайиб айтди:

— Яхши қилибсан. Лекин бу ишингни отамга айта-кўрмаки, у сени қаттиқ койийди.

— У ҳодиса тўғрисида мен биринчи марта ҳозир гапирдим, у тўғрида бундан аввал ҳечбир кишига оғиз очмаганимдек, бундан буён ҳам оғиз очмайман, — дедим.

Янги жойимизда бизнинг аҳвол жуда оғирлашди: бу болохона чўпқори бўлгани сабабли деворлари юпқа, бирон бинога ёпишиб турмас ва ёлғиз ўзи қўнқайиб турарди. Бу бинонинг ости баққол дўкони бўлиб, у эрта тонгдан ярим кечагача очиқ бўларди, шунинг учун бу болохонанинг олди томонидан, я'ни ост-уст ва тўрт тарафига доимо изғирин совуқ шамол урилиб турарди.

Болохонанинг эшигидан бошқа дарча ва туйнуги бўлмаганидан унинг ичи қоп-қоронғи эди. Эшиги бир айвонча олдидан очилганидан ёруғликдан кўпроқ совуқ шамол кирарди.

Биз сандалда ўтириб, оёқларимизни оловга тоблаб турсак ҳам, баданимизнинг бошқа а'эслари совуқдан титрарди.

Бу бинонинг совуқлиги шу даражада эдики, дастлабки икки кунда икки кўза музлаб ёрилди, шунинг учун биз ҳовуздан олиб келадиган сувимизни дарров ишла-тиб, қолганини кўчага чиқариб тўкишга мажбур бўлдик. Бу ҳужрада обрез-сув тўкадиган жой бўлмаганидан қўл-юзимизни ҳам кўчага чиқиб ювардик. (Бу аҳволдан бу ҳужранинг қиш ўртасигача бўш қолганининг сабаби — «худонинг бизга насиб қилганининг» ҳикмати аён бўлди).

Бизнинг қишлоқдан олиб келган мош ва оқишоғимиздан бироз қолган бўлса ҳам мойимиз бутунлай тугаган эди. Шунинг учун биз ҳар икки уч кунда ҳужра-мизнинг эгаси бўлган баққолдан 5 мисқол — 125 грамм зиғир мойи сотиб олардик. Баққол мойни тарозидан тортмасдан ўзи ясаб қўйган бир қовоқчага солиб «ўлчаб»

берарди. У, бизга ўз болохонасини савоб учун берган бўлса ҳам, пулимизга берадиган мойидан ўзи ясаган идишни тўлдирмасди, агар нохосдан идиш тўлиб қолса, қўлини бир титратиб, у мойнинг бирмунчасини ўз лаганига тўкарди.

Бир кеча ҳавонинг совуғи жуда ҳам шиддатланди, биз болохонада ётолмадик, ноилож Мулла тоғамнинг ҳужрасига бориб ётиб, эрта блан ўз «совуқхона»мизга қайтиб келдик.

Бизнинг у кеча болохонада бўлмаганимизни билган баққол эртасига бизни кўриб:

— Болохонани кечалар бўш қўйиш дуруст эмас,— деди,— чунки бирор ўғри болохонанинг бўшлигидан фойдаланиб, унга кириб, дўконнинг томини тешиб, у ердан дўконга тушиб, бутун нарсаларни олиб кетиши мумкин. Бундан буён бундай иш бўлмасин.

Бу гапдан баққолнинг ўз болохонасини бизга «савоб» учун бепул беришининг сабаби маълум бўлди.

Акам блан уришиб, биздан ажралиб кетган Саидакбар у вақтларда Бухоро алами бўлган Орифхон деган кишига «Ковушбардор» бўлиб, унинг уйда ўринлашиб қолган экан. Акам блан жанжаллашганлари эскиргандан кейин бир кун бизга келиб акам блан ярашди.

Ковушбардорлик вазифаси жуда ҳам паст эди: хўжайин бирор тўй ёки жанозага борганида ковушбардор сайис қатори унинг жиловидан югурар, хўжайин борадиган жойига бориб тушганда сайис унинг отини сақлаб турганидек, у меҳмонхонага кирганда, ковушбардор унинг ковушини олиб, лой ёки тўзондан тозалаб сақлар, хўжайин меҳмонхонадан чиққанда унинг ковушини олдин қўйиб кийгизиб, унга берилган ҳадъяни кўтариб, яна унинг жиловидан пиёда юриб, уйга қайтарди.

— Сиз,— деди акам Саидакбарга,— ўзингизни катта тутиб, ҳечбир кимсани назарингиз илмасди, ҳатто ўзингиз турадиган жойни тозалашдан ҳам ор қилар эдингиз. Қандай бўлиб сиз бу паст ишни гарданингизга олдингиз?

— Мен хизматига кирган бу одам,— деди Саидакбар жавобида,— хўжаликда—насабда мен блан барабар бўлиб, илми мендан ортиқдир. Шунинг учун мен унинг хизматидан ор қилмадим. Мен насл-насабда ўзим-

дан паст кўрган одамларга, шунингдек насабда мен блан баравар бўлганлари ҳолда илм ва фазилатлари мендан кам бўлганларга катталиқ қиламан ва бундай кишиларга катталиқ қилишга ҳаққим ҳам бор (Саидакбарнинг та'рифича, акам иккинчи даражадаги одамлар қаторига кирарди.) Бу сўз блан у акамга катталиқ қилишга ҳаққи борлигини исбот қилмоқчи эди.

Биз турар жойимизнинг нобоблигига чидаш беролмай, ўқиш тамом бўлмасданоқ қишлоққа қайтдик. Мен отамга шаҳардан олган таассуротим қаторида Саидакбарнинг катталиқ қилиш тўғрисидаги гапларини ҳам ҳикоя қилдим.

Отам бу гапларни эшитиб, аввал кулди, сўнгра жиддий бир вазият олиб:

«Отаннинг номи теварагида нега айланиб юрасан? Агар мард бўлсанг, ўз отангдай бўл!» мазмунидаги бу:

«Гирди номи падар чи мегарди?  
Падари хеш шав, агар мардий!»

байтини ўқигандан кейин, давом этди:

— Бу ҳикматли сўзларнинг ма'носига кўп кишилар э'тибор кўзи блан қарамайдилар. Насаб устидан катталиқ қилиб фахрланиш кўп одамларни аҳмоқ қилган. Мен насабдан мағрурланиб, Саидакбардан ҳам ортиқроқ аҳмоқ бўлган одамларни биламан, — деди.

Отам шу мавзу'да ўз эсдаликларидан бир воқиани нақл қилди. У воқиа насабпарастлик учун характерли бўлганидан бу ерда алоҳида сарловҳа блан қисқартиб беришни муносиб кўрдим.

### МИРАКОНИЙ ХҲЖАЛАРНИНГ ТҲЙГА БОРИШИ

Отамнинг гапига кўра, у бир вақтлар қишлоғимиздаги мираконий хўжаларнинг бири блан Самарқандни тамоша қилишга борган ва у ерда самарқандли бир мираконий хўжанинг уйига меҳмон бўлиб қўнган.

Уша кунларда даҳбедлик хўжалардан бири тўй қилиб, тўйига мираконий хўжаларни ҳам чақирган.

Хўжалардан оти ва одами бўлганлар тўйга боришга тездан тайёр бўлганлар, аммо отсиз ва одамсиз қашшоқ хўжалар тайёрланишда кўп қийинчиликларга дуч

келганлар. Чунки «Хўжа» бўлатуриб отсиз, одамсиз, оддий одамлардай бир жойга бориш айб экан. Шунинг учун бундай хўжалар қарз-ҳавола қилиб, ҳарқайсилари иккитадан от ва биттадан одам ёллаб олганлар.

Уларнинг ҳарбири бошқа бой хўжалар каби отлардан бирини ўзи миниб, бошқа бирисига бир турлик ёлланган одамни ўзининг доимий сайнсидай қилиб мингазиб, шу тахлитда амирларча ҳашамат блан йўлга чиққанлар.

Отам меҳмон бўлган мезбон уларни ҳам тўйга олиб бормоқчи бўлиб, ҳарбирига биттадан от топиб берган. Отам айтарди:

— Бизни ўзларидан кам санаганлари учун бўлса керакки, хайрият, бизни ҳам биттадан от топиб, биттадан одам ёллашга мажбур қилмадилар.

Хўжалар Даҳбед қишлоғига бориб тўйхонага тушганлар. Тўй эгаси миракониё хўжаларнинг олдиларига турли таомлар ва муносиб ҳад'ялар тортган.

Лекин хўжалар таомга қўл узатмаганлар. Ҳатто дастурхонга қарамаганлар ҳам.

Тўй эгаси меҳмонхона қўйисида тикка туриб, бош эгиб, та'зим қилиб, «Марҳамат қилсинлар! Карам қилсинлар! Лутф қилсинлар! Дастурхонга қарасинлар! Муборак қўлларини таомга узатсинлар!..» деб кўп ялиниб-ёлворгандан кейин, хўжалар бир-бирларини таомга қўл узатишга ундаб «Олинг, олинг»га киришганлар.

Ниҳоят, меҳмонхонанинг тўрида ўтирган катта хўжа—хўжайикалон эринибгина чоқусини чўнтагидан чиқариб, товоқдан бир дона гурунчни олиб, уни чоқи блан иккига бўлиб, бирини оғзига солган ва бошқа бир бўлагини қайта дастурхон юзига қўйган. Унга тақлид қилиб, бошқа хўжалар ҳам олдин-кейин, ҳарқайсилари ўз мартабасига ва хўжалар орасида ишғол қилган мавқийга қараб чоқуларини чиқариб, бир гурунчни бўлиб, ярмисини еб, ярмисини дастурхонга ташлаганлар.

— Биз Соктаредан борган меҳмонлар,— деди отам,— ишнинг боришидан оқибати нима бўлишини сездик, агар товоқдошларимизга қарасак, ўшанча турли-туман лаззатли таомлар олдидан оч қорин блан шаҳарга қайтишимизни билдик, шунинг учун ҳечкимга қарамасдан овқат ейишга киришдик. Хайриятки, хўжалар ўз катталикларини исбот қилиш учун таом ейишнинг бошланишида қандайки «олинг, олинг!» деб вақт ўтказган бўлсалар, таомнинг охирида ҳам шундай «Сиздан, сиздан!»



деб фотиҳа ўқишга бир-бирларини таклиф қилиб, бир-мунча вақтни ўтказдилар. Биз бу орада қорнимизни муддаоий таб' тўйғизиб олдик. Дастурхонга фотиҳа ўқиб бўлгандан кейин, тўйхона ходимлари хўжалар олдидан қайтган ош тўла товоқларни одат бўйича уларнинг хизматчилари — сайисларига берганлар.

Хўжалар бир пиёладан чой ичганларидан кейин келганларидаги каби амирларча ҳашамат блан шаҳарга қайтганлар. Улар Даҳбед қишлоғидан — аҳоли турадиган жойдан узоқлашиб, дар'ё бўйига яқинлашгач, «у ер муносибми ёки бу ер муносибми?» деб бир-бирлари блан кенгашиб, ниҳоят бир катта тол дарахти остини бир оғиздан ма'қуллашиб, сайисларга у жойни тахтлашни буюрганлар.

Сайислар отлардан тушиб, отлар устидаги ёпиқларни ва тўқимларни олиб, ҳалиги тол дарахти остига ёзганлар.

Хўжалар ҳам отларидан тушиб, зарбофт ва шойи чопонлар эгниларида бўлган ҳолда ёпиқ ва тўқимлар устига чўққайиб, давра қилиб ўтирганларида, сайисларга «жуда очиқдик, тезроқ келтиринглар» деб буйруқ берганлар.

Сайислар палтар хуржунлардан от тўрваларини олиб, ҳарбирлари ўз хўжайинлари олдига қўйганлар.

Хўжалар от тўрваларини очиб, уларнинг ичидаги паловни очиққан гадойлар ердан топилган нонни қандай очкўзлик блан есалар, шундай очкўзлик блан еябошлаганлар.

Бу ош тўйхонада шу хўжалар олдидан қайтариб чиқарилган ошлар экан, сайислар тўйхонадаёқ аввал ўз қоринларини тўйғазиб, қолганини хўжайинлари учун сақлаб қолган эканлар. Бу одат тўйга борган хўжаларнинг ҳамишалик одатлари бўлганидан, сайислар бу ишни ҳарвақт шундай бажарар эканлар.

Мен у вақтларда отам нақл қилган бу воқианинг ясама ва ҳаддан ортиқ муболағалик эканини сезмай, эшитганимча ишонган эдим. Бироз улғайганимдан кейин, ясамалигини ва хўжаларнинг у тартибда ош еганларининг, ақл қабул қилмайдиган даражада, ёлғонлигини билган эдим, шунинг ила баравар ўз тажрибамга кўра бу воқиани кўпинча хўжаларнинг характерларига мос келганига қаноат ҳам ҳосил қилган эдим.

Ҳарҳолда отамнинг бу ясама эсдалиги ўз вақтида менга шундай та'сир қилган эдики, тирикчиликни ҳали ўрганмай туриб, насабпарастлик ва насаб устидан катталик қилишнинг аҳмоқларча бир иш эканини фаҳмлаган эдим. Шахсий тажрибам, одам табақаларининг ҳислат ва хусусиятларини ўрганишим бўлса, бу тушунчамни тасдиқ, та'кид ва мустаҳкам қилди.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК

Мен оз бўлса-да мадраса тирикчилиги блан танишиб, шаҳардан қайтган эдим. Энди менинг олдимда келажак таҳсил вақтида Бухоро шаҳрига бориб мадрасада ўқиш масаласи турарди.

Аmmo отам учун икки кишини шаҳарга юбориб, моддий жиҳатдан та'мин қилиш оғирлик қиларди. Шунинг учун у менга ўзимнинг ҳам бу йўлда ҳаракат қилишимни ва Бухорода бўладиган ҳаражатга ёрдам берадиган, оз бўлса-да, бирон маблағ қўлга киргишимни таклиф қилди.

— Бу мақсад учун мен қандай иш қилишим керак?— деб отамдан сўраганимда, у менга бирор бўш жойда ўз бошимга деҳқончилик қилишни тавсия этди.

Ҳовлимизнинг юзида, супанинг қуйида бўш жой бор эди. Отам бу жойга ўрик ниҳоллари ўтқазган эди. У ниҳоллар уч яшар бўлиб, новда ва шох ёйганлари сабабли у ерга қўш ҳўкиз киргиб, ҳайдаш мумкин эмас эди.

Ана шу ер менинг деҳқончилигим учун муносиб кўрилди ва отам менга бир кетмонча олиб бериб, у ерни яхшилаб юмшатишни буюрди.

Мен кетмонча блан у ерни уч марта ағдариб чиқдим, натижада ер кетмонча бўйининг уч барабар чуқурлигида юмшади. Энди менинг олдимда у ерга дандона, мола босиш масаласи турарди. Мен бу ишда дандона ўрнида бир тоқа эски эшик тахтасидан фойдаланмоқчи бўлдим. Лекин менинг «дандонам» сиксиз эди. Шунинг учун сикс мола вазифасини адо қилаолмас, кесакларни кесиб, қирқиб, майдаламасди.

Мен бу ишнинг чорасини ҳам топдим, мола босишдан аввал кетмоннинг дами ва орқаси блан кесакларни майдаладим. Энди менинг «дандонам» ёлғиз «мола» вазифасини бажарарди.

Менинг ишимни тамоша қилиб турган Икромхўжа

блан Ҳомидхўжа ўйин йўли блан «қўшхўкиз» вази-  
фасини бажармоқчи бўлдилар — улар молани тортдилар,  
мен унинг устида қўшчилардай тикка туриб, уларни  
ҳайдар эдим. Лекин улар бир-икки йўл бориб, келган-  
ларидан кейин бу ўйин кўнгилларига уриб, ишни ташлаб  
кетдилар. Бу ишни ўйин учун бошламаган мен бўлсам,  
уни ташлаб қўяолмас эдим. Шунинг учун бу тўғрида  
фикр юритиб, «қўшхўкиз» ўрнида Хайбардан фойдалан-  
моқчи бўлдим.

Хайбарнинг бўйнига отниқайда кўчан уриб, уни мола-  
га қўшдим. Зийрак ва кучли ит ер бўйига икки-уч йўл бо-  
риб келгач, бу ишни ўрганди, у менинг буйруғимга муво-  
фиқ олдин борар, кейинга қайтар ва тўхтаб турарди.

Мола босгандан кейин у ерга гўнг ва эски тупроқ тў-  
киб, тагин бир марта кетмон блан ағдариб, уларни ер  
тупроғига аралаштирдим. Энг охирда яна бир марта мола  
босиб, ерни экишга тайёрлаб қўйдим.

Отамдан: «Бу ерга нима экай?» деб сўраганимда, у  
ошқовоқ экишни мувофиқ кўриб:

— Бу экин орсиз, шўх ва серҳосил бўлгани ҳолда меҳ-  
натни ҳам кўп талаб қилмайди, — деди ва ер бир-икки кун  
офтоб еб уруғлик яхшигина ивигандан кейин отамнинг  
ўзи экиб берди.

Уруғлик ерда униб ўсабошлагач, аввал дугона қилдим  
(бир жойда икки туп қўйдим), сўнгра ягона қилдим (ҳар-  
бир жойда бир туп қолдирдим). Ундан кейин 15 кун ора-  
сида икки марта чопиб чиқдим ва экиннинг тубига тупроқ  
тўпладим.

Палаклар таноб ташлаб, ерга ёйилабошлагач, биринчи  
марта суғордим. Ер етилгандан кейин отам жўяклар  
жойини нишонлаб берди. Мен ўша нишонларга қараб  
жўяк тортиб, ундан чиққан тупроқни палаклар остига  
ёйиб ташладим. Шу блан ерни суғоришдан кейин қуриб  
ёрилган жойлари ёпилиб, нам чиқиш йўллари боғланди.  
(Бухорода қовун-тарвуз, бодиринг ва қовоқ каби палак-  
лик экинларни жўяк тортмасдан экадилар, чопиқлар та-  
мом бўлиб, бир марта суғоргандан кейин жўяк тортиб,  
унинг тупроғини экин остига сепадилар ва бу ишни «вар-  
қоний» қилиш дейдилар.)

У йил отам ҳам деҳқончилик ишида ҳар йилгидан  
кўпроқ меҳнат қилди. У, бир таноб — чорак гектар ерга

ғўза ва бир таноб ерга оқ жўхори экиди. У йил ғўза «пояхушк» бўлиб, ҳосил бермагани учун мен отамнинг фақат жўхори экини устида қандай ишлаганини гапирман: у, кузда жўхори экиладиган ерни катта кетмон блан кесакларни қўпориб, ағдариб ташлади; қишда қавсаб ва чилаоб берди; кўкламда бир марта кетмон блан чуқур ва майда ағдаргандан кейин етарли миқдорда ғўнг солди; бизда йиллардан бери офтоб еб, йиқилиб қолган бир пахса девор бор эди, унинг кесакларини ҳам майдалаб ҳалиги ерга солди. Бу ишларда мен отамга ёрдам қилардим, у эшак устига кашшук қўйиб, уни ғўнг ва кесаклар блан тўлдириб берар, мен эшакни ҳайдаб бориб, кашшукни ерга бўшатиб келардим.

Сўнгра отам қўшқўкиз ёллаб, ерни икки марта ҳайдаб дандона, мола босди. Ер бирнеча кун офтоб еб, тупроғи қизигандан кейин яна бир марта юзагина ҳайдаб, уруғлик сеиб, дандона ва мола босди. Шу блан экиш иши тамом бўлди.

Экин жуда ҳам сийрак кўкарди, ҳар қадамда битта жўхори тупи кўринарди. Қўшни деҳқонлар отамга у экинни бузиб, қайтадан экишни маслаҳат бердилар. Аммо отам қабул қилмади:

— «Ғўза каландрав, жўхори уштурдав» деганлар,— деди (я'ни ғўзани шундай экиш керакки, унинг туплари орасига бемалол кетмон бораолсин, жўхорини шундай экиш керакки, унинг поялари орасида туя бемалол югуриб юрабилсин).

Жўхори поялари ердан бирмунча кўтарилгандан кейин отам уни уч марта кетмон блан чуқур чошиб, экиннинг туплари тагига тупроқ тўплади,— дўмбоғ тортди.

Офтобнинг қизишидан экин сўлиб, шалпайиб сусайган аломати кўринабошлагач, уни бир марта суғорди ва шу сув блан ҳарбир туп жўхорипоянинг тупидан 10—12 та бачка — жўхори кўкариб чиқди. Бачкилар бироз тиклангандан кейин отам улардан ҳарбир ўзак жўхорипоя тева-рагида тўрттасини қолдириб, бошқасини узиб ташлади. У, ўша бир таноб ердан 30 ботмон (240 пуд) ҳосил олишни умид қиларди.

Броқ у йил Бухоро музофотида шундай аҳвол юз бердики, ёлғиз отамнинг умиди ва бизнинг тинчлигимизгина эмас, у томондаги аҳолининг тинчлиги ва ҳаёти остин-устун бўлди. Бу аҳвол умумий вабо ва ўлат эди.

1889 йилнинг июнь ойларида Бухоро шаҳрида вабо касали пайдо бўлди. Акам шаҳардан касал бўлиб қишлоққа келди. Катта тоғам — Мулла тоғам шаҳарда касал бўлиб ўлди. Унинг ўлигини шаҳардан ўз қишлоғига — Маҳаллайиболога келтирдилар.

Отамнинг соғлиги унча яхши эмас эди. Шунинг учун у, тоғамнинг жанозасига бораолмади, уйда ака-укаларимга қараб қолди. Мен онамни бобомникига — тоғамнинг ўлиги устига олиб бордим.

Билмадим онамга вабо юқдими, ёки акасининг ўлимидан ёмон та'сирландими? Ҳар ҳолда ўша ернинг ўзида мотам кунларида касал бўлди. Мен уни ўзим блан эшакка минглаштириб, ўз қишлоғимизга зўрға олиб келдим. Биз уйда отамни, бири тўққиз яшар, бириси 4 яшар бўлган укаларимни касал бўлиб йиқилиб ётган ҳолда кўрдик. Акам бўлса, ўша шаҳардан касал бўлиб келганича тўшакда ётарди.

Энди бизнинг уй бир касалхона шаклига кирган эди. У касалхонанинг ҳам доктори, ҳам фельдшери, ҳам медсестра ва санитаркаси ёлғиз мен эдим. Етти ёғочлик бир хонада 5 касал қатор ётар, мен уларнинг ҳарбирисига навбат блан сув ёки сут ичирардим, чибинларни елпуғич блан қувлардим ва бошқа ишларига ҳам қўлимдан келганча ёрдам берардим.

Бир ҳафта орасида қишлоқдаги уйларнинг барчаси бизнинг уй каби бўлди. Бутун районда ҳам соғ одам оз қолди ва раҳмсиз ўлат бошланди. Тахминан 300 уйлик бўлган бизнинг қишлоқдан кунда бир-икки ўликни мозорга олиб борардилар.

Мен у вақтларда ўз касалларимнинг қандай касалликлари борлигини билмасдим ва билишим мумкин ҳам эмас эди. У замонларда, у томонларда доктор йўқ эди. Бизнинг қишлоқда эса хас-хашакларни қайнатиб, ичириб, касал ва уларга қарашучиларни юпатадиган надон табиб ҳам йўқ эди. Бизнинг қишлоқда фақат дуохон эшонлар бор эдилар. Уларга бўлса у қишлоқдаги саводсиз деҳқонлар ҳам ишонмас эдилар. Улар ҳарвақт дуохонликларини чет қишлоқлардаги содда одамларга ишлатардилар.

Мен бир кун юқорида номи бирнеча марта такрорланган қори Маҳмудга дуч келиб, ундан сўрадим:

— Эшон амаки! Сиз ҳарвақт чет қишлоқларга бориб,

дуохонлик қиласиз. Ҳолбуки ўз қишлоғимизда ҳам касал кўпайиб кетди. Нега сиз буларни ўқимайсиз?

— Ҳечбир ўғри ўз қишлоқдош ва маҳалладошларининг молларини ўғирламайди. Ахир мен ўғрилардан ҳам инсофсизроқманмики, ўз қишлоқдошларимга фриб берай?— деди.

Қори Маҳмуднинг бу гапларида ўзининг фрибгарлигини тасдиқлайдиган фикри тўғри бўлса ҳам, инсофли бўлгани сабабли ўз қўшниларига фриб бермаганлигини ифода қиладиган қисми нотўғри эди. Гапнинг тўғриси шундаки, қишлоқдошлар ўз дуохон қўшниларининг кимлигини билганларидан уларга алданмасдилар...

Менинг касалларим орасида отамнинг аҳволи жуда оғир эди. У, қарийб доимо ҳушсиз ётар, ҳечбир нарса емас, фақат гоҳ-гоҳ, сув сўраб ичарди. Бир кун у кўзини очиб мендан сўради:

— Жўхориға иккинчи марта сув бердингми?

— Йўқ!— деб жавоб бердим.

— Биринчи суғоришдан неча кун ўтди?

— Ўн кун!

— Ҳўп, ҳали сув талаб бўлган эмас экан,— деди-да, тагин кўзини юмиб, ҳушсизлик оламиға кетди.

Бу ҳодисадан кейин кунда неча бор мен блан отам орасида юқоридагидай савол-жавоб бўларди. Бир кун мен унинг «Биринчи суғоришдан неча кун ўтди?» деган сўроғиға «20 кун!» деб жавоб бердим.

— Ундай бўлса сувсаган,— деди у,— агар уdda қила олсанг бориб суғор. Чунки офтоб еган қуруқ кесакни кўп солган эдим, агар вақтида суғорилмаса нобуд бўлади.

Мен кетмончани олиб, далаға чиқмоқчи бўлдим. Мен у вақт итим Хайбарнинг зийраклиғиға қойил бўлдим; ундан бурун ҳар ерга борсам, у мен блан бирға борарди. Мен касал қаровчи бўлганимдан бери у ҳам эшик олдидан қимирламасди. Аммо, у кун мен кетмонни олиб далаға бормоқчи бўлганимда у менға эргашмади ва думни ликиллатиб менға қарагандан кейин тумшугини остона устиға қўйиб, кўзини касалларға тикиб ётди. Гўё у менинг узоққа бормоқчи бўлганимни сезиб, менинг ўрнимда касал қаровчи бўлмоқчи эди...

У йил сув кўп бўлиб, бунинг устиға деҳқонларнинг кўпчилиғи касал ётиб, суғориш иши орқасидан юрадиган киши оз эди. Шунинг учун мен осонлик блан жўхорини суғориб, тездан уйға қайтдим.

Мен даладан келганимдан бир соатча вақт ўтгандан кейин отам кўзларини очиб менга қараб:

— Суғордингми?— деб сўради.

— Суғордим.

— Балли!— деб у яна кўзини юмди.

Отам касал бўлганининг қирқинчи кунда терлаб, бутунлай ҳуш'ёр бўлди, сут ичди, иккинчи кунда жойидан туриб ўтирди. Учинчи кун таёққа суяниб, ўз оёғи билан эшикка чиқди. Биз «У энди бутунлай қутилди» деб қувонмоқда эдик, лекин соғайганининг ўнинчи кунда у яна касал бўлиб ётиб қолди.

Уста амакининг ўзи энгилроқ касал, аммо унинг оила-сидагиларнинг барчаси касал бўлиб, тўшакда ётмоқда эдилар. Шундай бўлса ҳам у кунда бир марта келиб, биздан хабар оларди.

Отамнинг биринчи касаллигида у ҳарвақт бизни юпатар, «қўрқманглар, соғаяди, фақат у учун тўрт томчи совуқ тер керак» дёр эди. Ҳақиқатан ҳам отам терлагандан кейин тузалиб турган эди.

Аммо, отамнинг иккинчи касаллигида Уста амаки бизга бирнарсa демас, тасалли бермасди. Лекин менинг фикримча, отамнинг кейинги касаллиги аввалгисидан энгилроқ эди, чунки бу гал тинч ётар ва ҳушсизланмасди.

Отамнинг иккинчи касаллигининг еттинчи кунда Уста амаки уни келиб кўриб: «Агар касалнинг аҳволи оғирлашса, тездан мени чақир!» деб менга тайинлади.

— Мен унинг аҳволининг оғирлик ёки энгиллигини қайдан биламан?— дедим, кўзларим ёшдан тўлган ҳолда.

— Йиғлама. Мард бўл. Отангнинг ўғли бўл,— дегандан кейин Уста амаки давом этди:— Отангнинг аҳволи оғир. Лекин ўз вақтидан илгари сизни мотамга солмаслик учун ўзини тинч сақламоқда. Сен ҳам уни ташвишга солмаслик учун ўзингни тинч сақла.

Уста амаки беморга бироз жим қараб тургандан кейин яна давом этди:

— Агар қаттиқ-қаттиқ ва калта-калта нафас олиб, томоғи хирилласа, аҳволи оғирлашганини кўрсатади. Хўп, мен кетаман. Янгангнинг аҳволи оғир эди,— деб Уста амаки туриб кетди...

Кеч бўлди, мен қора чироқни ёқиб чўпдан ясалган чироқпоя устига қўйдим. Мендан бошқа уйдагиларнинг ҳаммалари касаллик уйқусига толган эдилар. Ҳали кечанинг бошланғичи эди. Отам калта-калта нафас тортишга

киришди ва томоғи хириллайбошлади. Мен Уста амакини чақириб келдим. У бемор олдида ўтириб, пахта блан унинг оғзига сув томизаберди. Касал бир-икки томчи сувни ютгандан кейин кўзини очиб, аввал менга ва сўнгра Уста амакига қараб:

— Кўпроқ сув беринг, қошиқ блан қуйинг,— деди.

Уста амаким икки қошиқ сув қуйгандан кейин:

— Энди бас!— деди отам унга ва кўзини мен томонга буриб давом этди,— Ўқи!.. ҳарқандай қийинчилик блан бўлса-да, ўқи! Лекин қози бўлма! Раис бўлма! Имом бўлма! Агар мударрис бўлсанг майли...

Билмадим, бемор яна нималар деб ғурунглаган ҳолда, кўзини юмди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, ёқимсиз хириллаш блан калта-калта нафас олабошлади. Уста амаки яна пахта блан сув томизишга киришди. Бу орада бемор талвасага тушди: бошини танасининг ярмиси блан тиклади ва менга бир тикилиб қарагандан кейин яна ўз жойига йиқилди ва кўллари қаттиқ бир қимирлаб шалпайиб ёнига чўзилди. Шу блан у тинчланди. Бу унинг абадий тинчлиги эди.

У вақтда отам шамсий ҳисобга баравар бўлган «йил қайтариш» ҳисоби блан 57 яшар эди.

Уста амаким ўликнинг жағини ва оёғининг бош бармоқларини боғлаб, тахтлаб, кўзларини юмдиргандан кейин менга:

— Агар мен бориб, ўз касалларимдан хабар олиб келсам, сен қўрқмай ўтирасанми?— деди.

— Нега ва нимадан қўрқаман? Ўз отамдан қўрқаманми?— дедим унга жавобан.

— Балли шер!— деган ҳолда у чиқиб кетди ва тезда қайтиб келиб, тонг отгунча соқчилик қилди.

Онам блан акам Уста амаки қайтиб келгандан кейин отамнинг ўлганини англадилар, укаларим бўлса кундуз бўлиб, қўни-қўшнилар фотиҳага келабошлаганда бу воқиядан хабардор бўлдилар.

Бизнинг қишлоқ блан қўшни бўлган бир қишлоқда Йўлдошбой деган бир киши бор эди. У, «қал'ачи» савдогар бўлиб, майиз, ўрик ва бўз, пахталик чопонларни Оренбург, Қазали ва Оқмачит каби шаҳарларга олиб бориб сотиб, у томонлардан Россия молларини олиб келиб сотарди.

Вабо бошланиб, ўлат кучайгандан кейин у кафан сотишга киришди. Унинг сўзига кўра, бу ишни халқнинг эҳ-



тиёжини қоплаш учун қиларди, бўлмаса унинг «кафанфурушлик» каби паст касбга эҳтиёжи йўқ эди. Отамнинг ўлимида ҳам у, «ҳожатимизни раво қилиб» гўр, кафанга ва жанозага керак бўладиган нарсаларни бериб, бизни юз танга — 15 сўм қарздор қилди. Уста амакининг гапига кўра, агар бизнинг нақд пулимиз бўлганда, у нарсаларни бозордан 25—30 танга арзонроқ олишимиз мумкин экан.

Майда харажатлар учун 20 танга нақд пул керак бўлганда, бу маблағни ҳам ҳалиги бой 25 танга қилиб тўлаш шарти блан бизга «ҳожатбарорлик» қилиб берди. Биз турли одамлардан 25 танга қарз олиб, душанба ва жума оқшомларига ва худойига сарф қилдик. Шундай қилиб, биз отамнинг ўлигини 150 танга қарз кўтариб, кўмдик.

Отамнинг аза кунлари ўтгандан кейин билмадим менинг хабарсизлигимдан бўлсами, ё бошқа бир сабабданми бизнинг соғим сўғир бир кечада касал бўлиб ҳаром ўлди.

Касал онам бундай хабарни эшитиб:

— Ҳарқандай бало келган бўлса, ўша сўғирга урган бўлсин. Қошқи у отангдан илгари ўлсайди-ю, отанг соғ қолсайди. Ўлган сўғирнинг бузоғини ўзинг ва ака-укаларингнинг бошлари садақаси учун Хўжахонга олиб бериб бер,— деди.

Хўжахон шал-майиб бир одам бўлиб, қишлоқнинг бир бурчагида ётиб, одамлар берадиган садақа блан тирикчилик қиларди.

Мен бузоқни Хўжахонга олиб борганимда у қабул қилмай:

— Ҳозир сизлар мендан кўра муҳтожроқсиз,— деди,— чунки мен халқнинг садақаси блан бир нав' тирикчилик қилаоламан, аммо сизлар садақа олишга одатланмагансизлар. Сизлар учун отасиз тирикчилик қилиш жуда қийин. Олиб бор, қишда сўйиб ейсизлар ёки сотиб, бирор дардингизга дармон қиласизлар.

Мен бузоқни қайтариб олиб келдим. Аммо онам тағин олиб бориб, Хўжахонга беришга мажбур қилди. Бу гал у, зўрға қабул қилди.

Мен у вақт майиб Хўжахоннинг бизнинг қишлоқнинг имомидан инсофлироқ ва раҳмдилроқ эканини англадим. Чунки имом отамнинг жанозасида ўзига берилган ўн тангани ҳечбир «лозим йўқ эди» демасдан олган эди. Ҳолбуки ўша вақтда унинг 50 ботмон (400 пуд) буғдойи, 25

ботмон (200 пуд) арпаси бор эди. Унинг қанча нақд пули ва мол-аш'ёси борлигини мен билмас эдим, ҳарҳолда кўп нарсаси борлиги ҳаммага ма'лум эди. Аммо, Хўжахоннинг одамларнинг садақасига тикилиб қолган икки кўзидан бошқа нарсаси йўқ эди. Шундай бўлса ҳам у биз берган садақани зўрга қабул қилди.

Тажрибакор одамларнинг фикрича, ака-укаларим ўлим хавфидан қутилган эдилар. Аммо, онамнинг аҳволи кундан-кун оғирлашмоқда эди. Кейинги кунларда эшикка чиқаолмайдиган бўлиб қолди.

Ака-укаларим соғайган бўлсалар ҳам ўз бошларича— ёрдамсиз ҳаракат қилаолмас эдилар. Уларнинг соғайиш аломати шу эдики, озми-кўпми овқат ейишарди. Тажрибакор одамларнинг фикрича, уларга бирдан-бир ёқадиغان ва куч-қувват берадиган овқат товуқ шўрва эди. Мен уйимиздаги товуқларни бир-бир сўйиб, уларга пишириб берабердим.

Жўхорини ўз вақтида суғориб турган бўлсам ҳам уни паррандалар ҳужумидан сақлаб қолиш жуда қийинлик қилмоқда эди: жўхори донлари шира боғлаган вақтда чумчуқлар уни шундай сўриб, шимиб олдиларки, ба'зи бошоқлар похол каби бутунлай донсиз бўлиб қолдилар. Лекин омон қолган бошоқлар етилиб, сопол обдастанинг қорнидай шишиб кетдилар.

Энди чумчуқларнинг ҳужумидан унча хавф йўқ эди, чунки ҳарбир чумчуқ 4—5 дон жўхори блан тўярди. Аммо, бизнинг қишлоқда кўп бўлган олақорға, зогча, сайди ва сорларнинг ҳужуми бошланди. Бу паррандалар бирдан минг-минглаб ҳужум қилиб, бир қўнишда бир таноб жўхорининг донини еб кетишлари мумкин эди. Ҳолбуки отамнинг ўлганидаги қарзни тўлаш ва ўзимизнинг қишдан саломат чиқишимиз шу бир таноб жўхори ҳосилига қараб қолган эди.

Аммо, мен онамни оғир ҳолда қаровсиз қолдириб, жўхорини паррандалар ҳужумидан қўриқлашга бораолмас эдим.

Ана шу вақтда бобом оиласида бирдан-бир соғ бўлган Алихон тоғам бир киши блан келиб, онамни Маҳаллайиболо қишлоғига, ота-онасининг олдига олиб бормоқчи

бўлдилар. Биз ҳам чорасизликдан онадан айрилишга рози бўлдик.

Улар икки чўпни замбар шаклида қўйиб, орасидан арқон тортиб, арқон устидан кўрпача ёзиб, касални ётқизадиган жой ҳозирладилар, сўнгра касални унинг устига ётқизиб, икки эшакни олдин-кейин қўйиб, чўпларни олдиндан ва кейиндан уларнинг устидан ортиб боғладилар.

Тоғам онамни олиб бораётганларида ака-укаларимнинг бу ҳолдан қандай та'сирланганликлари менга ма'лум эмас. Аммо, менинг кўнглим тоқат қилиб бўлмаслик даражада бузилди. Шундай бўлса ҳам, овоз чиқармасликка, дод-фар'ёд қилмасликка, бусиз ҳам қаттиқ азоб ва ташвишда бўлган беморни яна азобламасликка интилардим. Аммо, овоз чиқармай йиғлашдан ўзимни тутаолмадим. Кўз ёшим томчилаб эмас, булоқдан чиқаётган сувдай юзимга оқарди.

Кўзим онамнинг кўзига тушди, унинг нурсиз кўзидан икки томчи ёш сизиб чиқиб, сарғайиб, ингичкаланиб, суюқлари кўриниб қолган юзига томиб, сўлиб қолган лабларигача ўрмалаб борди. Унинг кўзи ҳам менинг кўзимга тикилиб тургани ҳолда:

— Минг яша!— деди зўрға эшитарлик товуш блан, эшаклар йўлга тушаётганда.

Онам ортилган «сарожа» кўздан ғойиб бўлди. Мен «у ҳали ўлмайди, наҳотки мен ота-онадан бирдан ажралиб қолсам» деб ўз-ўзимни юпатдим-да, кўз ёшимни енгим блан артдим.

Онам кетгандан кейин кўп вақтим далада ўтар эди. Уйда касалларга қайноқ сув ёки овқат тайёрлаб бериш вақтидагина турардим. Далада менинг муҳим ишим жўхорини паррандалардан қўриқлаш эди. Лекин бу орсиз ва шилқим жониворлар экиннинг бир томонидан учирсам, иккинчи томонига бориб қўнар ва талончиликни давом этдирардилар.

Мен паррандалар блан курашда ожизлик қилганимда Икромхўжа менга ёрдам қилди. У, йўғонлиги билакдай ва узунлиги бир олчин сада ёғочнинг ичини парма блан тешиб, «тўппонча» ясади. Бизнинг қишлоқда овчи кўп эди, Икромхўжа улардан милтиқ дори олиб келди. У, «тўппонча» ичини дорига тўлдириб, оғзига пахта тикиб, орқасидан олов қўйиб, паррандаларга қаратиб отди.

«Тўппонча»нинг товуши эшитилиши блан паррандалар экинзордан учиб кетдилар. Дорининг ҳиди у теварак-атрофдан кетмагунча улар қайтиб келмадилар. Шундай қилиб, менинг жўхори қўриқлаш ишим анча енгиллашди.

Жўхори бошоқлари оқариб пишабошлади. У кунларда далага чиққан Икромхўжанинг отаси — Уста амаки менинг жўхоримни кўздан кечириб:

— Пишган бошоқларини пешма-пеш синдириб олиб, бирор жойда хирмон қилабер. Агар жўхорининг ҳаммаси пишсин деб қараб турсанг кечикасан. Чунки хазонрезгилик ва ҳайдов вақти яқинлашиб, ҳосилни йиғиштириб олиш учун вақт оз қолади. У вақтда ёлғиз ўзинг ҳосилни йиғиштириб ололмайсан,— деди ва жўхори ери ёнидаги буғдойи ўриб олинган бир ерни кўрсатиб, у ерни хирмон жойи қилишга маслаҳат берди.

Мен ўша кундан бошлаб, жўхорининг синган бошларини синдириб, хирмон жойига тўплайбердим. Энди кечалар ҳам хирмон бошида ётишим керак эди. Шунинг учун бошоғи синдирилиб олинган жўхорипояларни қирқиб олиб, хирмон бошида бир чайла қилдим. Чайладан ортган жўхорипояларни ҳовлига ташийбердим.

Кечалар чайламда мен блан бирга Икромхўжа ҳам ётарди, онаси ўгай бўлгани сабабли уйга боришни истамасди. Қишлоқнинг соғ қолган ва соғайган болалари ҳам бизнинг хирмон бошига келиб, ярим кечагача гурунглашиб, гапиришиб ўтирардилар. Улардан ҳам баъзибир оналари бўлмаган, ёки ўгай оналари бўлганлари ўша ерда бошоқлар ёки жўхорипоялар устида ётардилар.

Бир кеча ҳаво тиниқ ва тинч эди, кузнинг ўткир совуғи кишининг баданига оловда қиздирилган бигиздай жизиллаб ботарди. Тўла ойнинг ёруғида ўсимликлар баргида пайдо бўлган қиров янги ёққан қор каби ярқираб кўринарди. Ҳарким билардики, бу кеча ўсимликларни совуқ уради ва эрта шошилинч блан йиғҳо-йиғ бошланади.

Мен ҳам «Агар бу кеча совуқ урса, эрта жўхориларнинг барчасини йиғиштириб олиш керак бўлади ва совуқ ургандан кейин йиғим-теримда бўшлиқ қилиш ярамайди» деб ўйладим, чунки хазон тўкилиши блан ҳайдов бошланиб, одамлар туёқли молларини ўтлаш учун далага қў-

йиб юборарди. Емғир ёғиш эҳтимоли ҳам бор, унда жўхори-ларнинг ҳаммаси нобуд бўларди. Ҳолбуки жўхори бо-шоқларнинг ярмиси ҳали синдириб олинмаган ва поялари ердан чиқарилмаган эди. Бу ҳолда ўзим ёлғиз бир-икки кунда, мунча нарсани йиғиштириб ололмасдим.

Мен шундай фикр ва хаёллар қилиб турган вақтда Икромхўжа келди. У, совуқ қотиб, тол баргидай титра-ётгани ҳолда шикоят оҳанги блан:

— Онамдан қолган кўрпалардан бирисини олиб кела-ман, деганимда,— деди у,— ўгай онам рози бўлмади. Отамга айтдим, у ҳам унинг тарафини олиб, «Агар бир кўрпани олиб сенга берсам, у хафа бўлади. Ўзи касаллик-дан яқиндагина бош кўтарган. Бу иш устида жанжал қилиб, узилиб қайта касал бўлиши ҳам мумкин. Бор, ке-табар, бундай совуқ одамни ўлдирмайди»,— деди.

Яна уч бола келди. Улардан бири менга:

— «Вой онажоним» деб айтиб йиғлаш учун сен Ма-ҳаллайиболога бормадингми?— деди.

Бу гап бошимдан қуйилган бир қозон қайноқ сувдай, баданимнинг терисини бутунлай шилиб кетгандай бўлди.

Мен бу гапдан онамнинг ўлганини англаган эдим. У бола қайдандир бу хабарни эшитган ва менга уни ўз фикрича, усти ёпигроқ ва юшоқроқ қилиб айтган эди.

Бу хабар мен учун қанча дахшатли бўлса ҳам кўзла-римда ёш аломати пайдо бўлмади. Гўё бу хабар шид-датли олов ёнғинидай бошдан оёғимгача а'зойи-бада-нимни қуритиб унда кўздан сизиб чиқадиган бирор нам қолдирмаган эди.

Мен ўзимча ўйлар эдим: «Энди нима қиламан! 12 яшарликда ҳам отасиз, ҳам онасиз! Укалар ёш ва касал, акам бўлса, соғайгани ҳамон ўқишга кетади. У ҳолда ёш укаларимнинг бутун моддий ва ма'навий тарбиялари ёлғиз менинг қоқ бошимга қолади. Ўқиш... уни ўзим жон-дан истаганим каби отамнинг ҳам охирги нафасида мен-га қилган бирдан-бир васияти шу эди... Бу истақ ва бу васиятнинг амалга оширилиши энди қандай бўлади?..»

Ҳалиги бола менга «Вой онажоним» деб айтиб йиғ-лашга бормадингми? деганида унинг ўртоқларидан бири: «Бундай гаплар керакмас. Уни юпатиш ўрнига сен унга бундай гапни гапирасан» деди ва менга қараб сўзини давом этирди:

— Зарари йўқ, бир иш бўлар, кетар. Икромхўжа ҳам онасиз тирикчилик қилиб юрипти-ку!

— Ғам ема! Ҳарнима бошдан ўтади. Дун'ёда одам кўп нарсани кўради,— деди Икромхўжа.— Мен ўн йилдан бери онасиз тирикчилик қилмоқдаман, мени бўри емади-ку.

— Сенинг онанг бўлмаса ҳам,— деди Икромхўжага қараб ҳалигача жим турган бир бола,— отанг бор, ўгай онанг бор. Аммо, бу учун,— менга ишора қилиб деди,— қийин бўлди, ота ва онадан бирдан ажралди. Худо осон қилсин.

— Мен онамдан жудо бўлганман, иш қилиб отамдан жудо бўлмайин,— деди Икромхўжа чуқур уҳ тортиб,— токи ўгай онанинг қўлида қолмайин...

Инсон иложсиз бирор қийинчиликка дуч келганда ҳар томондан ўзини юпотиш йўлини ахтаради ва ҳар-бир нарсадан ўзини юпотиш йўлини қидиради. Икромхўжанинг бу гапидан мен ҳам ўзимни юпотиш йўлини кидириб, ўзимга айтдим: «Онам ўлганда, агар отам тирик қолиб, бошқа хотин олса, мен нима қилардим? Албатта ўгай она мени ёқтирмас, уйга киргизмас, онамдан қолган кўрпалардан фойдаланишга йўл қўймасди, буларнинг устига меҳрибон отамни ҳам менга номеҳрибон қиларди. Ҳозир отасиз, онасиз қолган бўлсам ҳам ўзим эгаман. Жўхори ўзимники, эшак ўзимники, укаларим менинг ихтиёримда. Тўғри, аҳволим жуда оғир, лекин ҳар ҳолда ўгай онанинг қўлида бўлгандан осон». Мен ана шундай мулоҳаза блан анча юпондим.

Менинг бу юпонишим узоққа бормади, ўртоқларим ухлагандан кейин ўзимнинг ёлғизлигимни, айниқса бирдан-бир ғамхўрим бўлган ота-онамдан жудолигимни ҳис қилдим ва қайтадан ғам-ғусса, қайғу алам кўшини менга ҳужум қилиб, бутун борлигимни ўраб олди. Энди фиғон қилиб йиғламоқни истардим, фақат мени юпотиш учун олдимга тўплашиб қалин қиров остида ётган азиз ўртоқларимнинг роҳатини бузмаслик учун зўрға ўзимни йиғидан сақладим. «Бирор иш бўлсаю, бу чидаб бўлмаслик қайғу аламларни унутиб, бирнеча минут бўлса-да, роҳат юзини кўрсайдим» деб орзу қилардим.

Шу вақтда ер ҳайдашга чиққан қўшчиларнинг кўйлаган овозлари эшитилиб, мени ўз томонига тортди. Саводсиз қўшчиларнинг классик шоирлар ғазалларини классик Шашмақом ҳавосида кўйлашлари мусибат ва мотам остида қолган кишини ўз тарафига тортмасдан қўймасди.

Айниқса бир қўшчи томонидан «Савти ушшоқ» (Савти калон) ҳавосида кўйланган Бедилнинг қуйидаги байт блан бошланадиган бир ғазалининг мазмуни менинг у вақтдаги аҳволимга бутунлай мос келиб, менга ҳушсизлантиручи даражада та'сир қилди. У ғазалнинг бошланғич байти «кўз ёши карвонининг йўлбошчисиман, совуқ «оҳ» га ўхшайман. Мен «доғ» та'сири блан тарбияланганман, дард аҳлининг сўзига ўхшайман» мазмунида бўлган шу байт эди:

«Далили карвони ишқам оҳи сардор монам,  
Асарпарварди доғам ҳарфи соҳиблардро монам!»

Қўшчилар «авж»ларда бир-бирларига ёрдамлашиб, навбат блан Шашмақом кўйларида Ҳофиз, Са'дий, Жомий, Навоий ва Ҳилолий ғазалларидан кўйлашда давом қилдилар...

Кун оқариб, офтоб чиқди, ўртоқларим уйғониб, яна мени юпотишга киришдилар...

#### Т У П Л А Н Г А Н М А Ҳ С У Л О Т В А У Н И Н Г С А Р Ф И

Жўхорини қўшниларнинг от-эшаклари ва қишлоқ болаларининг ёрдамлари блан янчиб, ғалвирда элаб, чоч қилиб олдим. Ҳосил, то ўша вақтгача ундай экинлардан олинадиган ҳосилдан анча кўп эди. Мен аввал ғалвир блан тахминан ўлчаб, 25 ботмон — 120 пуд жўхорини Йўлдошбойга отамнинг гўр-кафан қарзини тўлаш учун бердим. «Холислар» ҳарбир ботмон жўхорини 10 танга нарх қилдилар. Бозорда бир ботмон жўхори 12 танга бўлса ҳам, икки тангани бойга хирмон бошидаги юкни ўз идиш ва улови блан олиб боргани учун бағишладилар.

Йўлдошбой жўхори пулидан 125 тангасини ўз қарзини ундириш учун ҳисоблаб, қолган 25 тангани нақд пул блан бизнинг номимиздан майда қарзларга тўлади.

Қарзларни тўлагандан кейин ўзимиз учун 5 ботмон — 40 пуд оқ жўхорини мен уйга ташидим. Кўкбошларни (тамом оқармаган ва бутунлай пишмаган бошоқларни) ўлчамадан уйга олиб бердим.

Онамни касаллик вақтида олиб борган тоғам Алихон йиғим-теримдан бирор ҳафта ўтгандан кейин келди. У, онамнинг ўлигини кўмишда қилган 100 танга харажатини биздан талаб қилди.

Биз 20 ботмон—160 пуд кўкбошни, ҳарбир ботмонини 5 тангадан ҳисоблаб, унинг қарзига бердик. Бозорда ҳар-

бир ботмон кўкбош 7 танга бўлса ҳам, унга ўз идиши ва улови блан олиб боргани учун 2 тангадан камайтирдик. Қолган кўкбошни эшакнинг қишки еми учун сақлаб қолдик.

Бизнинг жўхори экилган бир таноб еримиздан олинган бундай мўл ҳосил у вақтгача кўринмаган эди. Уста-амаким ҳам у йил ярим таноб ерга жўхори эккан эди, у 3 ботмон пишган эҳ жўхори ва икки ботмон кўкбош олди. Ҳолбуки унинг экини ўғли Икромхўжанинг қўриқчилиги остида паррандалар ҳужумидан бутунлай омонда қолган эди. Одамлар «Агар жўхориларингиз тузук қўриқланганда, 40 ботмон пишган оқ дон олардинглар» деярдилар.

Ба'зибир одамлар бундай мўл ҳосилни кўриб, «Бундай баланд ҳосил хосиятсиз бўлади, ана шундай ҳаддан ошиқ кўп ҳосил Саидмуродхўжанинг бошини еди» дедилар.

Мен кичик ёшда бўлганим ҳолда бу ақидага рози бўлаолмасдим, мен ўзимча: «Отам меҳнат қилиб бир таноб ерга гўза экди, гўза битмай, унинг меҳнати бутунлай куйди. Аммо, бу ҳол унинг умрини узайтирмади. Нега мўл ҳосил унинг умрини қисқартираркан?» деб муҳокама қилардим.

Деҳқончилик меҳнатимнинг дастлабки самараси бўлган ошқовоқ ҳам одатдан ортиқ ҳосил берди. Мен жўхорини йиғиштириб олганимдан кейин пишиб сарғайган қовоқларни узиб, отамнинг тўқимачилик дўконхонасига жойлаштирдим, бешёғочлик уй ердан шифтгача қовоқ блан тўлди. Ярим сарғайган ва тузук пишмаган қовоқларни овқатимизга сарфлаш учун мадонга киргизиб қўйдим.

Мен ўша қиш ошқовоқ сотиш блан шуғулландим: Гиждувон районининг марказида ҳар ҳафтада икки кун—шанба ва чоршанба кунлари бозор бўларди. Мен ҳар бозор кунни бир қоп қовоқни эшакка ортиб борардим ва унда доналаб сотардим. Бозорда эшакни саройга боғлаш учун сарой пули, бозор ижарадорларига тагижой пули тўлашдан бошқа ўзимизга ҳам бирмунча харж қилардим: бозордан узум, нон олиб еярдим, касал ақа-укаларимга бозор нони, ҳафтада нимча — 500 грамм қўй гўшти ҳам олиб келиб уйда шўрва пиширардим. Булардан бош-



қа қовоқ пулидан ұзим ва укаларимга кўйлак-иштон ҳам тикдирдим (акамнинг етарлик кийими бор эди).

Қишда шунча сарф-харажат қилганим ҳолда қовоқ сотишдан қолган пулга баҳорда болали бир совлиқ ҳам олиб боқабошладим.

## О И Л А   Б О Ш Л И Г И

Мен у йил оилада ҳам отамнинг, ҳам онамнинг, ҳам ёрдамчи боланинг ўрнида ишлардим. Қисқа қилиб айтганда менинг ишим оила бошлиғининг вазифасини адо қилиш эди. Акам касаллиги учун, укаларим касалликдан янги соғайганлари учун, бунинг устига кичик ёшда бўлганлари учун ҳечбир ишга ёрдам қилолмасдилар.

Онам у йил касаллиги сабабли тутдан шинни пишираолмай, бир қопча қуруқ тут майиз қилиб қўйган эди. Қўшнилардан бир хотин менга тутмайиздан ҳалвойитар пиширишни ўргатди. Мен ҳафтада икки бор ҳалвойитар пиширардим. Бу биз учун ҳафта бўйича нон хўриш бўларди.

Мен тегирмонга жўхори олиб бориб, ун тортиб келтирардим. Қариндош хотинлардан бири бу ундан бизга зоғора ёпиб берарди. Қир ювиш, йиртиқ-ямоқларни тикишни ҳам ўзим бажарардим. У қиш бизнинг асосий овқатимиз ҳалвойитар ва зоғора нони бўлиб, ҳафтада бир марта шўрва ё бошқа бирор иссиқ овқат пиширардик. Ошни ҳам албатта мен пиширардим.

## А К А - У К А Л А Р И М

Қишнинг ўрталарида акам соғайиб турди. Лекин у, уйда кўп қолмади, бирер қишлоқда имом бўлиб, келаси йил мадраса харажатини топиб, ўқишни давом этдириш мақсадида жой ахтариб, уйдан чиқиб кетди.

Биз уччала ака-ука уйда қолдик. Катта укам Сирожиддан энди 8 ёшга тўлган эди. У, бутунлай соғайган бўлса ҳам, нимжон эди, у аслда ориқ, заифбаданли бўлиб, касалликдан рангсиз, қуруқ бир чўпдай бўлиб чиққан, иштаҳаси ҳам йўқ эди. Аммо, 4 яшар бўлган кичик укам-Киромиддин касалликдан туриб тез қувватга кирди.

Киромиддиннинг гавда тузилиши ҳам бошқача эди: Бўйи ёшига қараганда узун, боши оддий болаларникидан кўп катта, бўйни тўла ва кўкраги кенг эди. У,

юрганда кўрагини кериб, полвонларча қадам ташларди. У, кам кулар, ма'нили гапирар, зийрак ва ҳозиржавоб эди.

### ОТА-ОНАСИЗ БИРИНЧИ ЕЗДА МАШҒУЛОТИМ

Мен у вақтларда Бухорога бориб ўқиш фикрини бутунлай бошимдан чиқарган эдим. Менда ўқиш истаги қанча зўр бўлса ҳам, айниқса отамнинг ўқиш тўғрисида қилган васияти блан бу истак ортган бўлса ҳам, у вақтдаги шароитга кўра, бу истак кўзимга бир хаёли маҳолдай бўлиб кўринарди. Чунки акам қандай қийинчилик блан бўлса ҳам, ўқишини давом этдирмоқчи ва давом этдириши лозим эди. Мен бўлса ота-онам ўрнига укаларимга қарашим керак эди. Агар мен ҳам ўқиш учун Бухорога борсам, бу икки боланинг нобуд бўлиши аниқ эди. Аммо, буни виждоним қабул қилмас эди. Бухорога бориб ўқиш нари турсин, қишлоқда ҳам ўқийолмас эдим. Чунки бирор иш қилиб укаларимни ва ўзимни боқишим керак эди. Шунинг учун мен у йил қишлоқ имоми олдида ўқишни ҳам ташладим ва хўжалик ишлари блан машғул бўлдим.

Мен кўкламда қовоқ сотишдан келган пулнинг қишдан қолган бир қисмига болалик бир совлиқ олиб қўй боқишга киришдим. Отамнинг Мирзамўмин деган дўсти ёрдами блан икки таноб ернинг бир танобига кузги буғдой бир танобига баҳори арпа экдим.

Ўзимнинг хаёлимча, буғдой ва арпа нонимизни та'мин қилса, қўйларнинг бири қиш кийимини ва бириси қишги гўштини та'мин қиларди. Шунинг учун мен қўйларни семиртиришга кўп интилардим.

Мен қўйларни кўкламда мазор бошида боқардим, кўклам ёмғирлари блан у тепаликда ўт яхшигина ўсган эди. Мазорнинг махсус эгаси бўлмагани учун менинг у ерда қўй боқишимга ҳечбир киши моне' бўлмасди ва бошқа болаларнинг «Ажиналар ҳужумидан ва аждарҳонинг тириклай ўз дамига тортишидан» қўрқиб, мазорда қўй боқмаганлари сабабли у ўтлоқ менга қолган эди. Мен бўлсам, юқорида нақл қилганимча, отамнинг тарбияси соясида «ажина» ва «аждаҳо»лардан қўрқмайдиган бўлган эдим.

Мазорда қўй боқиш менинг учун осон ва завқли эди. У ерда одамларнинг экинзорлари бўлмаганидан мен қўй-

ларни уёқдан-буёққа суриб юришдан озод эдим. Мен тепалик устида ўтириб, қишлоқдаги экинзорни, боғчаларни, дарахтларни ҳавода учиб юрган қушлардай баландликда туриб хоҳлаганимча тамоша қилардим ва ба'зан мозор тошларида ўйилган хатларга кўмир суйкаб, уларда ёзилган тожикча лирик, классик ва халқ ше'рларини ўқиб завқланардим. (Мозорда қўй боқишим «Қолхозни Коммунизм» ном очеркимда ақс этдирилган. Бу очеркнинг русчаси 1934 йилда Москвада «Наши достижения» журна-лида босилган.)

Кўклам вақти ўтиб, мозордаги ўтлар қуриб қовжираб қолгандан кейин менинг ўтлогим дар'ёбод — Зарафшон дар'ёсининг қирғоқлари бўлди. Бухоро истилоҳича, одоғ (обдоғ) аталган Зарафшон қирғоғидаги қўриқ ерлар жуда ҳам серўт эди. Айниқса у ерларда одам бўйи барава-рида ўсадиган ширинмия молга ёқимли ва семиртиручи бир ем эди.

Одоғнинг ба'зи жойлари ерсиз деҳқонлар томонидан очилиб шоли, мош, лов'я, тариқ каби экинлар экилган бўлса ҳам катта-катта майдонлар ҳали очилмаган ва қишлоқнинг ўтлоғи бўлиб ётган эди. Қишлоқнинг подачи ва чўпон болалари ўз молларини ўша ерда боқардилар.

Табий, мен ҳам подачи ва чўпон болалар коллекти-виға қўшилдим. Биз молларни ўтлоққа ёйиб, ўзимиз тол дарахтлари соясида турли-туман ўйинлар блан машғул бўлардик. Очиққанимизда заҳқашлар ва экинзорлар ат-рофидан хом лов'яларни териб тузли сувда қайнатиб, лов'я шўрак қилиб ердик. (Мен лов'я шўрак пиширишни «Қуллар» романининг иккинчи бўлимида тасвирлаганман).

Бундан бошқа дар'ёдан чиққан кўлмак сувларда қар-моқ ташлаб, балиқ овлаб, гулханда пишириб ердик, ба'-зан қармоғимизга каттароқ балиқ илинса, у кун биз учун «тўй» бўларди...

Куз яқинлашганда биз дар'ёбодда мол боқишдан маҳ-рум бўлдик. Бу воқиянинг тафсилоти қўйидагича:

Дар'ё қирғоғидаги қўриқ ерлар подшоҳлик ҳисобла-нарди. У ерлардан бирор парчасини очиб, экинзор қилган деҳқонлар ҳосилотларидан ўндан тўртини, я'ни 40 про-центини подшоҳликка беришга мажбур эдилар.

У йилларда Гиждувон туманида Қорабек номли киши амлақдор, я'ни подшоҳликка бериладиган экин солиғини тўплаб оладиган бўлиб тайинланди. У, ўтакетган золим эди, у амлақ-подшоҳлик ерларининг ҳосилини («Қуллар» романининг иккинчи бўлимида тасвир қилинганидек) юз турли ҳийла-найранг блан бутунлай олар, бунинг устида деҳқонни подшоҳликдан қарздор қилиб ҳам қўяр эди. Шунинг учун у вақтларда кўп ерлар экилмай қоларди. Бу жумладан бизнинг дар'ёбоддан очилган ерлар ҳам экилмай қолиб, қўриқ бўлган эди.

Бир кун Қорабекнинг ўзи шахсан дар'ёбодга келиб, экилмай қолган ерларга «тикан пули» солди ва ўша вақтда дар'ёбодда ўтлаб юрган молларни кўриб, у моллар эгасига «ўтлоқ пули» солмоқчи бўлди. Шу мақсад блан подачилар ва чўпонларни ўз олдига чақирди. Аммо чўпон ва подачилар деҳқонларнинг имо-ишоратлари блан унинг ёвуз ниятидан хабардор бўлиб олдига бормадилар ва молларини ҳартомонга суриб, тарқалиб қочдилар ва булардан қўлга тушганлари солиқ бериш блангина қутилмай, молларидан бутунлай ажралиб, «қочоқлик гуноҳи» блан қамалдилар.

Ана шундай бўлиб, биз дар'ёбодда мол боқмайдиган бўлдик ва молларимизни Бухоро та'бирича «Ангор» деб аталадиган экинлари йиғиштириб олинган ерларда боқадиган бўлдик.

Мен у йил деҳқончиликдан ҳеч нарса ололмадим: кузги буғдойнинг бошоқлари шира олаётган вақтда ҳавода ола булут пайдо бўлиб, бошоқлар кўйиб, қовжираб кетди. Бир таноб ердан ҳатто сепилган уруғлик ҳам унмади; баҳори арпанинг уруғини мен бир аллофдан олган эдим. Аллоф баҳори арпа ўрнига кузгисини берган экан. Баҳорда экилган кузги уруғ ўсиб, баш тортмади, униб чиққандан кейин ажриқдай бўлиб ерга ёйилди ва унинг бошоқлари ҳам шамак бошоқларидай донлари унсиз бир похол бўлиб қолди.

Ўтган йил ошқовоқ экилган ерга яна ошқовоқ эккан эдим.

Бултургидан яхшироқ ишлаган бўлсам ҳам ҳосил бермади. Палаклар таноб ташлаб, гуллаган вақтда палаклар орасидан шумғиё (шумғия) деган «шум» гул чиқди. Шу блан ошқовоқнинг тутган найчалари сарғайиб

тўкилаберди. Мен у вақтларда бир ерда бир экинни уста-усти экиш тузук эмаслигини билмас эдим. У офат шу сабабдан пайдо бўлган бўлса керак.

Кўкламда ўриклар гуллаганда бир кеча совуқ бўлиб, дарахт гулларини совуқ урди. Шу блан ўрикзоримиз ҳам бирнимага арзийдиган ҳосил бермади. 10 туп дарахтдан фақат бир қопча ўрик қуритиб олдим. Тутлар яхши ҳосил қилган бўлсалар ҳам тутмайизнинг нархи бозорда арзон бўлгани учун ундан ҳам бир қопча қуритиб олиш блан қаноатландим.

Шундай бўлиб, у йил менинг деҳқончилик ишим ба-рор топмади ва бурдсиз бўлди.

### Қ И Ш Л О Ё И М И З Н И Н Г У Ш А Й И Л Л А Р Д А Г И А Ҳ В О Л И

1868 йилларгача — Бухоро амири блан рус подшоҳи орасида тузилган сулҳномагача, Бухоро музофотининг бошқа районлари каби Гиждувон райондаги амлақ тўлай-диган деҳқонлар ҳам ер ҳосилининг ўндан тўрт қисми, я'ни 40 процентини подшоҳликка берар эканлар. Мазкур сулҳномадан кейин, расман ҳали ёзилмаган қонун бузил-маган бўлса ҳам, амир Музаффар Россияга берадиган уруш товонини баҳона қилиб, ма'мурларга имкон борича деҳқонлардан ер солиғини кўпроқ ундириб олиш тўғриси-да оғзаки кўрсатма берган. Бу буйруққа мувофиқ, ма'мурлар деҳқонларнинг терисини шилишга киришган-лар.

Амир Абдулаҳад бўлса, у ҳам ҳалиги қондан расман бузмагани ҳолда, ҳарбир райондан ҳар йил аввалги йилга кўра кўпроқ солиқ талаб қиларди. У, ўзининг бу талаби-ни қониқтириш учун амлақдорликка «Иш биларманд кор-чалонларни» топиб тайин қилаберди. Қорабек ўз замони-да ана шу «Ишбилармандлар»нинг энг уччига чиққани эди.

Қорабек аввалларда ба'зи амлақдорлар ва ҳокимлар-га мирзалик-котиблик қилиб юрарди. У мана шу майда лавозимда ўз «ишбиларманд»лигини кўрсатиб, амир Аб-дулаҳад диққатини ўзига тортаолган ва амир уни Бухоро районларининг энг ободи ва серҳосили бўлган Гиждувон туманига амлақдор (ер солиғини тўловчи) қилиб тайин-лаган.

Қорабек бизнинг қишлоғимиз бўлган Соктаре қишлоғига қарашли Такиқўрғон қишлоғидан бурқутлар қабиласидан эди. Гиждувон районини, айниқса Соктаре гурупа қишлоқларини яхши биладиган бу таловчи золим ўз жабру жафосини кўпроқ шу томонларда амалга оширди.

Такиқўрғон қишлоғида бир кўл ва бир тепа бор эди. Одамларни «Бегор» (мажбурий хизмат) га сафарбар қилиб тепадан тупроқ ташигиб, кўлни кўмдириб, текислатиб, ўзи учун бир кўшк ва бир чорбоғ бино қилдирди. Унинг бу мажбурий меҳнати вабо йилларида ҳам давом этди.

Солиқнинг оғирлигидан экилмай қолган амлак ерларга «тикан пули» номи блан солиқ солиш: «тикан ўсмасин» деб шудгор қилиб экмай ташланган ерларга «шудгор пули» номи блан солиқ солиш одатлари мана шу Қорабек воситаси блан Бухоро музофотларида жорий бўлди.

Такиқўрғон қишлоғида бурқут қабиласида 80 яшар бир саркарда бор эди. Уни одамлар ҳурматлаб, «Бегбобо» деярдилар. Соктаре мазорининг шимол томонидаги қирқ таноб ер Бегбобога танҳо эди, я'ни ўша ерда деҳқончилик қиладиган деҳқонлар подшоликка солиқ тўламасдан солиқ ҳақини Бегбобога тўлардилар.

Бегбобо соф қалб ва раҳмдил бир одам эди. У, ўз деҳқонларини бирор ишга мажбур қилмас, ҳосил йиғишда ҳам ўз одамини чош бошига юбормас ва деҳқонлар ўз ихтиёрлари блан келтириб берган нарсага рози ва хурсанд бўларди.

Унинг деҳқонлари қишлоғимизнинг «туғди-битди» тожикларидан, отамнинг яқин дўстлари Мирзайўлдош ва Мирзамўмин деган ака-укалар эди. Улар бир кун отамга айтган эдилар:

— Биз меҳнат қилиб ҳосилни йилдан-йилга ошираётимиз. Аммо барака топгур Бегбобо биздан ортиқча ҳосил талаб қилмайди, бундан 15 йил аввал — ерларнинг хароблиги вақтида қанча ҳосил элтиб берган бўлсак, ҳозир ҳам ўшанча ҳосил элтиб берамиз. Шу блан у хурсанд. «Ер обод бўлсин, сизлар тинч ва тўқ бўлинглар. Менга шу бас» дейди.

Қорабек Гиждувонга амлакдор бўлгандан кейин ўша обод қирқ таноб ерни ҳам ўзининг оч қирғий кўзидай бўлган бойўғлисимон кўзидан қочирмади, у шахсан Бегбобо олдига бориб, ундан у ерлардан ҳар йили қанча ҳосил олишини суриштириб билди ва у ҳосилни бозор

нархи блан ҳисоблаб 4 000 тангага баравар келишини аниқлади.

Сўнгра амирга арз қилиб, йилда Бегбобога 4 000 танга нақд пул бериб, унинг қўл остидаги 40 таноб ерни бошқа амлақ ерларга қўшиб, солиқ солиб олишни давлатнинг манфаати қилиб кўрсатди.

Пулга тузоқ қурган амир ҳам Қорабекнинг фикрини хурсандлик блан қабул қилди. Натижада ўша 40 таноб ер уч йил орасида экилмайдиган ерлар қаторига кириб, Мирзайўлдош ва Мирзамўминлар ҳам «тикан пули» ва «шудгор пули» тўлайдиган бўлиб, ер экмасдан солиқ тўлайдиган деҳқонлар қаторига кириб кетдилар. Улар мулк ерлари бўлган ер эгаларида чорикорлик қилиб, ундан ундирган меҳнат ҳақларини «тикан пули» ва «шудгор пули»га берардилар.

Қорабек Гиждувон туманида ўз «хизмати»ни амирга писанд ва манзур қилиб, юқори кўтарилди. У ер, сув, шоликорлик ва ғўзақорлик райони бўлган Зиёвиддин районига амалдор бўлди. Аммо, ўша вақтда ҳам халқ унинг Соктаредаги иморати ва чорбоғида бегорлик тариқасида ҳақ олмасдан, мажбурий меҳнат қиларди, унинг илтимоси бўйича, бу ишни унинг ўрнида Гиждувонга амлақдор бўлган бошқа бир золим давом эгдирарди. Биз қишлоқ болалари баъзан бориб, Қорабекнинг иморатини тамоша қилардик. Қорабек Зиёвиддинда амлақдор бўлганидан икки йил ўтгач, ўғлининг ўлганлиги хабари келди. Қорабекдан гилкор усталарга ўғли учун пишиқ ғиштдан соғона қуриб, юзини оқ гулгаж (ганч) блан суваш тўғрисида буйруқ келган эди.

Усталар соғонани ясаётганда улардан бири «Худо халққа раҳм қилса-ю Қорабекнинг ўлими тўғрисида хабар келиб қолса, у учун бир қора соғона қуриб берардик» деган эди. Орадан бир ой вақт ўтар-ўтмас Қорабекнинг ўлими тўғрисида ҳам хабар келиб қолди. У вақтда усталар кўмир хокасини гаж қўшиб, бинонинг «Эзора» аталган қуйи қисмини суваш учун қора ранг тайёрламоқда эдилар.

Қорабек ўлгандан кейин у учун соғона қуриб беришга усталарни бирор киши мажбур қилган бўлмаса ҳам, улар ҳалиги истакларини амалга ошириш мақсадида ўз ихтиёрлари блан соғона қуриб, уни «Эзора» учун тайёрланг н қора ранг блан сувадилар.

Одамлар Қорабекнинг ўлимини «Худонинг қасоси» ва

соғонасининг қора бўлишини «Худонинг ғазаби» деб билардилар. «Унинг гўрида олов ёнаётган бўлса керакки, соғонаси тандирхонанинг шифтидай қораланган» деярдилар.

Аммо, ба'зибир фикрли одамлар «Қайси бир зулм кўрган одамнинг яқин бир кишиси Қорабек ошхонасига йўл топиб, унга ва ўғлига заҳар ичирган бўлса керак» деб ўйлар эдилар.

## БУХОРОГА БОРИБ УҚИШИМНИНГ МУҚАРРАР БУЛИШИ

Бухорога бориб ўқишдан умидим узилиб юрган вақтларда бир воқиа юз бериб, бу эски мақсадим қўлга кирадиган бўлди.

1889 йил ёзининг охирларида онамнинг онаси 70 яшар бувим «Умрининг охирида бизни кўриб қолиш учун» ўз олдига чақирди.

Мен боқиб юрган қўйларимни Икромхўжага топшириб, уччала ака-ука бир эшакка мингашиб, биздан 16 километр узоқликда бўлган Маҳаллайиболо қишлоғига — бувимнинг-уйига бордик.

Биз Маҳаллайиболода бўлган кунларда у қишлоққа яқин бўлган Маҳалла деган қишлоққа Бухородан меҳмон келган экан.

Уй эгаси — мезбон мулла Абдусалом деган акамнинг домлаларидан бири бўлгани сабабли, у акамни имоматчилик жойидан меҳмонларга хизмат қилдириш мақсадида чақириб келтирган, бобом уйига келганимни эшитиб, мени ҳам хизматга чақирди.

Меҳмон Бухоро катта муллаларидан бирининг ўғли бўлиб, у ўз хизматчилари, дўстлари ва унинг шарафига чақирилган бошқа меҳмонлар блан меҳмонхонада ўтирар, акам уларга дастурхон ёзиш ва чой қўйиб бериш каби меҳмонхона ичиди бўладиган ишлар блан машғул эди.

Уй эгаси мени супада самовар қайнатиш ва чой дамлаб бериш каби меҳмонхона ташқарисида бўладиган хизматларга қўйди. Мен самовар бошида чойнакларни чайқаб, латта блан артиб, тозалаб турган вақтимда меҳмонхонадан мен блан бўйдош бўлган бир бола чиқиб, супа лабида менга яқин бир жойда ўтириб:

— Қишлоқ кўнгилга урди, жуда ҳам зериктирди. Бунда лоақал «байтбарак» қиладиган бирор одам ҳам топил-



майди,— деди ва қўлларини икки томонга чўзиб бир эснаб олди.

У бола менга э’тибор бермаган, ҳатто менга қайрилиб қарамаган бўлса ҳам, мен унга гап ташладим ва ундан:

— «Байтбарак» нима деган гап? — деб сўрадим.

Бола менга ажабланиб қарагандан кейин мендан:

— Саводинг борми? — деб сўради.

— Оз-моз ўқийоламан? — деб жавоб бердим.

— Ёддан байт биласанми?

— Бирнеча байтни биламан.

— «Байтбарак» шундай ўйинки,— деди у бола,— мен бир байт ўқийман, сен жавобда аввалги ҳарфи мен ўқиган байтнинг охирги ҳарфи блан бир бўлган бир байтни ўқийсан. Ундан кейин мен аввалги ҳарфи сен ўқиган байтнинг охирги ҳарфи блан бир бўлган байтни ўқиб, сенга жавоб қайтараман. Мана шу тариқада навбатманавбат байт ўқишаберамиз. Кимки жавоб бераолмаса, ютқизган ҳисобланади. Бир марта ўқилган байт иккинчи марта ўқилмайди.

У бола шундай қилиб, «байтбарак»ни тафсиллаб, менга тушунтирганидан кейин таклиф қилди:

— Агар истасанг, «байтбарак» ўйнаймиз.

— Майли! — дедим.

У бир байт ўқиди, мен жавоб бердим, у менга жавоб қайтарди, мен унга... шу тариқада биз 15 минутча ҳеч туртинмасдан ва тўхтамасдан навбат блан байт ўқишиб бир-биримизга жавоб бердик. Ундан кейин мен бўшашдим. Ҳали ёдлаган байтларим тамом бўлган бўлмаса ҳам аввалги ҳарфи ўйиндошим ўқиган байтнинг охирги ҳарфи блан бир бўлган байт тезликда эсимга келмасди. Менинг ҳарифим, керакли байтларни менга қараганда тезроқ топиб ўқирди. Унинг бу ишда етарли тажрибаси борлигини ва ҳарбир ҳарф учун бирнеча байт тайёрлаб қўйганини сездим. Шунингдек у, ўқиган байтларнинг мазмуни ва оҳанги одамга ёқимли туйиларди. Шу блан бирга унинг ўқиш оҳангидан ўқиётган байтларидан кўпининг ма’носини тушунмаганлиги билиниб турарди.

Мен ўз ўйиндошимнинг мана шу камчилигидан фойдаланиб фрибгарлик қилабошладим; биринчи ҳарфи менга керак бўлмаган байтларнинг сўзларини юқори, қуйи қилиб, ҳариф ўқиган байтнинг охирги ҳарфига мослаштириб ўқирдим ёки ундай байтларнинг бош сўзини ташлаб, унинг ўрнига бошқа бирор сўз топиб киргизардим. Албатта

менинг бу ишим блан у байтнинг мазмуни бузиларди. Аммо, ўйиндошим ундай бузуқликларни сезмас эди.

Бир вақт ҳарифим охири «ж»<sup>1</sup> ҳарфи бўлган бир байтни ўқиди. Мен бўлсам у вақтгача аввали «ж» ҳарфи бўлган бирор байтни кўрган эмас эдим. Фақат мен аввали «ж» ҳарфи бўлган икки сўзни «жола» блан «жож»ни билардим. Аммо бу сўзлардан бирини бир байтнинг бош сўзига олмоштириб ўқишни ўнгара олмасдим.

Ўйиндошим бўлса:

— Тез бўл. Ё жавоб бер ёки «шаҳар бер» (ютқизганингни бўйнингга ол!) — деб қистаб, мени яна ҳам баттароқ саросима қиларди.

Шу вақтда аҳволимда воқи' бўлган танглик ва тазйиқдан илҳомланиб, (тазйиқ натижасида воқи' бўладиган портлаш каби) «жож» сўзини такрорлаб, айтиб юбордим.

Жожу, жожу, жожу, жожу, жож,  
Ин ҳама жожаст сарто пой жож.

(Агар бу икки йўллик тизмани «назм» дейиш мумкин бўлса, менинг энг аввал айтган назмим шу бўлади).

Ўйиндошим бу «байт»даги биринчи ҳарфни «ж» эмас, „Ҷ“<sup>2</sup> деб жанжал чиқарди. Мен бўлсам бу ҳарфнинг «ж» лиги устида қаттиқ туриб олдим, чунки мен бу ҳарфнинг «Ҷ» эмас, «ж»лигини ўз номимни билганимдай очиқ ва ойдин билардим. Аммо, мен ўз ичимда кулардим, чунки бу байт ҳечбир ма'носи бўлмаган ва ўзим тўқиган бир сафсата эди. Лекин менинг хушбахтлигимдан ҳарифим менинг бу бўш еримни сезмас ва охири менинг фойдамга ҳал бўладиган масала устида ўжарлик блан жанжал қиларди... Жанжалимизнинг устига меҳмонхонадан бир кўзи кўр, ўрта ёшли бир одам чиқиб келди. У, бироз бизнинг жанжалимизга қулоқ солиб тургандан кейин:

— Бу гапни Маҳдумжондан (меҳмондан) сўраш керак. Уша вақтда қайсиларингизнинг гапингиз тўғрилиги аниқланади,— деди.

Менинг ҳарифим бу таклифни эшитгач, ҳалиги «байт»ни қалам блан бир қоғозга ёзиб олди-да, ўз да'восининг тўғрилигига ҳечбир шубҳаси бўлмаган да'вогарлардай мағрурона қадам босиб бориб, меҳмонхонага кирди ва

<sup>1</sup> Тожикча ва русчага хос бўлган «ж» ҳарфи — „з“.

<sup>2</sup> Ўзбекчада бу ҳарф учун «ж» қабул қилинганидан лотинча кўрсатишга мажбурман.

бирнеча минутдан кейин сувга шўнғиган товукдай шалпайиб, терга ботиб қайтиб келди ва менга:

— Маҳдумжон сени чақираётирлар,— деди.

— Гапингиз тўғри чиқди, ё йўқ? — деб ўзимни билмасликка солиб ундан сўрадим. У, менинг бу саволимга жавоб беришдан бош тортиб:

— Маҳдумжон сени чақираётирлар, тезроқ бор!— деди.

Лекин мен бормадим. Мен ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган ва хизматчилари ҳам шаҳарча озода кийинган шаҳарли катта бир одамнинг олдига йиртиқ ва кирланган қишлоқча кийим блан қандай бориб кираолардим?!

Бир икки минутдан кейин акам меҳмонхонадан чиқиб мени чақириб:

— Уялма, кел! «Буйруқни бажариш, одоб қилиб туришдан авло» деганлар,— деди.

Мен бориб меҳмонхонага кириб, салом бериб пойгада тикка туриб, у ердагиларни кўздан кечирдим. Меҳмонхона меҳмонга тўла эди. Меҳмонларнинг кўпчилиги оқ саллалик мулланамо кишилар эдилар, қишлоқ чолларидан ҳам бир-икки киши кўринарди. Тўрда соқоли хурмойи—қизилча бўлган оқ юзли ва озода кийинган 25—26 яшар бир йигит ўтирарди. Бу йигитнинг бош меҳмон—Маҳдумжонлиги билиниб турарди.

У менга диққат блан қараб сўради:

— Отинг нима?

— Садриддин,— деб жавоб бердим.

— Жуда яхши. Мирза Абдувоҳид блан сен «байтбарак» ўйнадингми?

Мен бош қимирлатиш блан бу саволга жавоб бердим, аммо товуш чиқармадим.

— Сенинг гапинг тўғри. «Жож», «ж» блан ёзилади, бу сўзни „Ҷ“ блан ёзиш хато,— деди ва давом этиб, мендан сўради:— Сен Бухорога бориб ўқишни истайсанми?

Мен бу саволнинг жавобида бирор нарса демадим, фақат умидсизларча бошимни эгиб ерга кўз тикиб турдим. Чунки шароитнинг талаби бўйича бу саволнинг жавобида «Бухорода ўқишни истайман, лекин бораолмайман» дейишим керак эди. Фикримга келган мана шу «бораолмайман» сўзининг даҳшатли таъсири блан кўнглим бузилди ва кўзим ёшга тўлди. Бу ҳолда гапирмоқчи бўлсам ҳам гапиролмасдим.

Акам менинг тарафимдан жавоб беришга киришди:

— Ота-онамиз вафот қилдилар, ёш укаларимиз бор. Шу катта укамдан бошқа уларга қарайдиган битта ҳам кишимиз йўқ. Мана шу аҳвол бунинг шаҳарга бориб ўқишга йўл бермай турипти,— деди.

Ҳарқандай йўл блан бўлса ҳам, бу болани Бухорога олиб бориб ўқитиш керак,— деди меҳмон,— бу бола қобилиятли кўринади. Бизнинг «маҳмадона» (менинг байтбаракда ҳарифим бўлган Мирза Абдувоҳид)ни байтбаракда енгиш осон иш эмас.

Акамнинг домласи, уй эгаси— мулла Абдусалом гапга аралашди:

— Бу боланинг шаҳарга бориб ўқиши учун мен ҳам ҳаракат қиламан,— деди у меҳмонга жавобан ва менга қараб хитоб қилди:— Бор, самоварни тез-тез қайната-бер. Сенинг ишингни тўғрилаймиз.

Бу суҳбатдан ҳаддан ортиқ қувонганим ҳолда мен меҳмонхопадан чиқиб самовар бошига бордим. Менинг қувончим меҳмоннинг «жож» сўзининг «ж» ҳарфи блан ёзилишини тасдиқ қилиши учун эмас эди. Чунки у тасдиқ қилмаганда ҳам бу сўзнинг «ж» ҳарфи блан ёзилишини ҳамма саводдилар тасдиқ қилардилар. Менинг қувончим аввало шунинг учун эдики, меҳмон менинг «жож» сўзи асосида «ше'р» тўқиб, ҳарифимни енганимдаги сохтакорлигимни сезмаган ёки сезган бўлса ҳам одамлар олдида сиримни очиб мени шарманда қилмаган эди; иккинчидан ҳаддан ортиқ қувончим шунинг учун эдики, бу суҳбат натижасида менда Бухорога бориб ўқиш умиди қайта пайдо бўлиб, қувватланган ва ҳарбир тўсиққа қўл силтаб оёқ қоқиб, қандай қийинчилик блан бўлса ҳам, шаҳарга бориб ўқиш фикри менда кучайди ва бу фикрни амалга ошириш иродаси синдириб бўлмаслик даражада менда кучайган эди.

Икки кундан кейин шаҳарли меҳмонлар кетдилар. Меҳмонларни узатган ҳамон мен ўз масаламни — Бухорога бориб ўқишим масаласини акам ва унинг домласи олдида кўндаланг қилиб қўйдим.

Акам укаларимни тарбия қилиш ишини олдин суриб, менинг фикримга қаттиқ қарши турди. Меҳмон олдида «Ҳаракат қилишга» ва'да берган домла бўлса, жим турмоқда ва ўзини бу масалада бетараф тутмоқда эди.

Унинг меҳмон олдида берган ва'даси фақат меҳмонга хуш кўриниш учун эканлиги сезилиб турарди.

Мен ҳарнима бўлса ҳам, ўқишга боришимни изҳор қилдим ва:

— Укаларим тўғрисида фикр қилиб, уларнинг кўчада қолмасликлари йўлини топишда мендан кўра сиз катта ёшлилар авлоқроқсиз, чунки менинг ўзим тарбияга муҳтожман. Бошқаларнинг тарбиясини қандай қилиб бўйнимга оламан,— дедим.

Ахир улар шу қарорга келдиларки, болаларни бувимга топширадиган ва акам мени ўзи блан шаҳарга олиб борадиган бўлди. Менинг мадрасадаги харажатим тўғрисида мулла Абдусалом деди:

— Бу боланинг тирикчилиги мадрасада бир нав' бўлиб ўтар, «худо подшодир». Модомики, бир катта одам— меҳмон олдида ва'да бердик, амалга ошириш керак.

Ана шундай қилиб, менинг Бухоро шаҳрига бориб мадрасада туриб ўқишим муқаррар бўлди.

#### БУХОРО САФАРИГА ТАИЕРЛАНИШ ВА БОРИШ

У вақтдаги урф-одатга кўра бизнинг олдимизда бир «муҳим» вазифа турарди. Бухорога боришимиздан илгари у вазифани адо қилишимиз зарур эди. У вазифа ота-онамиз учун йилоши бериш ва икки укамизни тўй қилиш эди. Агар биз бу ишларни қилмасак, жамият орасидан чиқиб кетган ҳисобланардик. Аммо бу ишларни қилиш учун анча пул керак эди, ҳолбуки бизда бундай пул йўқ эди.

Биз иккала ака-ука — акам блан мен бу тўғрида фикр юритиб, Маҳаллайиболо қишлоғидаги ҳовлимизни сотиш фикрига келдик. Мен бу тўғрида акамга айтдим:

— У ҳовли биз учун ҳечбир вақт керак бўлмайди, чунки биз ҳечбир вақт Маҳаллайиболо қишлоғига бориб ўтирмаймиз. Ҳолбуки агар биз у ҳовлини бувимиз ва бобомиз тирикчилигида сотмасак, ажаб эмаски, улар ўлгандан кейин Мулланаврўз каби бир харомхўр киши бирон баҳона топиб, у ҳовлини бизнинг қўлимиздан текинга олиб қўйса (Мулланаврўзнинг ёмон қилмишлари «Қуллар» романининг иккинчи бўлимида тасвирланган). Биз бу фикрни дарров амалга оширдик. Ҳовлининг пулини олиб, Соктарега бориб, аввал марҳум ота-онамиз учун

Йилоши бердик. Иккинчи кун бироз гурунч дамлаб, укаларимизни тўй қилдик.

Мен қўйларни сотиб, у пул блан бозордан газлама олиб, укаларим ва ўзим учун қишлик-ёзлик ички ва ташқи кийимлар тиктирдим. Қийим-кечакдан ортиб қолган 5 танга — 75 тийинни «бирор кун керак бўлиб қолар» деб ўз белимга тугиб олдим. Эшакни бўлса акам сотиб пулни мадрасада ҳар иккаламиз учун харж қилмоқчи бўлди.

Ота-онамдан қолган кўрпа-ёстиқлардан ўзим учун ва укаларим учун керакли миқдорда олдим. Тутмайиз ва қуритилган ўрикнинг кўпроқ қисмини укаларим учун ажратиб, бирозини ўзим блан мадрасага олиб бормоқчи бўлдим.

Отам мадрасада ўқиган вақтида «Урганжи» аталадиган бир чўян қозонга ва ёғ солиш учун бир сопол хумча олган экан. Бу идишларни у «мадрасада ўқиганимнинг эсдалиги» деб асраб қўйган эди. Мен бу идишларни «отамдан қолган ёдгорлик» деб мадрасага олиб бормоқчи бўлдим.

Қолган рўзғор буюмларини уйга қулфлаб, Хайбарни эргаштириб Маҳаллайиболога бордик. У ерда укаларимни ўзларига тегишли нарсалари блан катта бувим ва бомга топширдим. Қадрдон итим Хайбарни 6 ойлик вақтида чўпон тоғам — Ниёзхон бизга берган эди. Мен уни ўша тоғамга қайтардим-да, ўзимга тегишли нарсаларни тоғамнинг эшагига ортиб, акам блан бирга Бухорога жўнадик. Ниёзхон тоғам бизни шаҳаргача кузатиб бормоқчи бўлиб, биз блан бирга йўналди.



# ШАХАРДА









## К И Р И Ш

Шаҳардаги тирикчилигимнинг кўп қисми асосан мадрасада ўтгани учун «Эсдаликларим»нинг бу бўлими бошларида Бухоро мадрасалари, улардаги тирикчилик, дарс программаси, мударрисларнинг ўқитиш усуллари, талабаларнинг ўрганиш йўллари ва умуман Бухоро мадрасалари тўғрисида қисқагина бўлса ҳам умумий маълумот беришни лозим кўрдим.

Бундай маълумот шунинг учун ҳам лозимки, бизнинг замондошимиз бўлган ёшлар мадрасалар тўғрисида жуда оз маълумотга эгадирлар ёки уларнинг билганлари тахминий ва қиёсий бўлиб, кўпинча тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Чунончи ба'зи ёшлар мендан: «Бухоронинг қайси мадрасасини тамомлагансиз?» ёки «мадрасадан қандай фанга мутахассис бўлиб чиққансиз?» деб сўрайдилар (бундай саволларга расмий-анкеталарда жавоб беришга жуда қийналаман).

Бундай саволлар шунинг кўрсатадики, сўровчилар Бухоро мадрасаларини ҳозирги университетларга ўхшаган ва мадрасаларнинг бирига кирган студент ўқишнинг охиригача ўқиб, «факультетлар»дан бирини тамом қилиб бир фанга мутахассис бўлиб чиқади, деб ўйлайдилар.

Аммо бундай саволлар Бухоро мадрасаларида ўқиганларга ва у мадрасалар аҳолидан тўла маълумоти бўлганларга кулгили кўринади.

Шунинг учун Бухоро мадрасалари ҳақидаги бу умумий маълумот китобхоннинг саволларига жавоб бўлиб, «Эсдаликлар»ни ўқиган кишилар билмаган ва чала бил-

ган масалалари юзасидан керакли ма'лумотни олар, деб ўйлайман.

## БУХОРО МАДРАСАЛАРИНИНГ БИНОЛАРИ

Бухоро мадрасаларининг бинолари Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги мадрасаларга ўхшаган асосан пишиқ ғиштдан икки қаватли ёки бир қаватли қилиб қурилган бўлиб, биз уларнинг намуналарини ҳозир ҳам Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда кўрмоқдамиз.

У мадрасалар ички-ташқи кенг саҳнга, баланд ва мустақкам деворга, ҳашаматли тоқ-равоқ ва гулдасталарга эга бўлиб, ба'зиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар блан безатилган бўлар эди.

Аммо у мадрасаларнинг асосий турар жойлари—ҳужралари ғоят тор, қоронғи бўлиб, кўпчилиги икки кишининг ётиб туришига зўрға кифоя қиларди. Бу ҳужраларнинг кўпчилиги бир эшиклик ва олди равоқли бўлиб, одам ҳам, ҳаво ҳам, зиё ҳам ўша бир эшикдан кирарди. Ош пишириладиган ўчоқ, сув идиши, қўл-юз ювиладиган жой, кўмир, ўтин, кўпинча мой, гурунч, пиёз, сабзи каби озиқ-овқат запаслари ҳам шу тор ҳужрага жойлаштирилар эди.

Бухоро мадрасалари (умуман мадрасалар)нинг қурилиши — ташқи ҳашамат, шукуҳлари ва ички торлик ва қоронғилиги блан тамоман «юзи ялтироқ, ичи қалтироқ» бўлиб (агар та'бирни китобхонлар муносиб кўрсалар) чириган феодализмнинг зоҳирда «тантанали» ва ботинда бузғун, жирканч бўлган тузумига том ма'носи блан ўхшарди. Бу биноларда феодализмнинг риё, нифоқ, фасоди ва шу блан барча зоҳирпарастлиги батамом акс этган эди.

Бу биноларни ўтмишдаги ҳукмдорлар ва бойлар илм-дўстлик ёки шуҳратпарастлик мақсади блан қуриб «худо йўлига» вақф қилган эдилар. Улар экиладиган ерларини, ҳаммом, сарой ва дўконлар каби даромад берадиган «ғайри манқул» (қимирламайдиган) мулкларни ўз мадрасаларига вақф қилиб, у мулклардан келадиган даромад ўша биноларнинг ремонтига, талабаларга, мударрис, имом ва бошқа ходимларга муайян тақсимот юзасидан белгилаган эдилар.

Эски замонларда ба'зи мадрасаларнинг кутубхонаси ҳам бўлган, мадрасани бино қилган кишилар керакли китобларни сотиб олиб, талабаларнинг истифодалари учун у кутубхоналарга қўйиб, мадраса вақфидан кутубхонадор учун ҳам ҳисса тайин қилганлар.

Мадрасаларнинг ва уларга тайин қилинган вақфларнинг вақфномаларида, арабча сўзлар ва диний цитаталар блан қўйдаги мазмунда сўзлар ёзилган эди: «Сотилиши, сотиб олиниси, бировга бағишланиши, биров фойдаси учун васият қилиниши ва меросга қолдирилиши мумкин эмас. Бу сўзларга амал қилмай, вақф қондасини ўзгарган киши худонинг ла'натига, пайғамбарнинг ва бутун малойикаларнинг ла'натига учрагай...»

Аммо шу қадар та'кидлар ва диний қўрқитишларга қарши, диний марказлик сифати блан шуҳрат топиб ўзига «шарифлик» сифатини таққан амирлар Бухоросидаги мадрасаларнинг бутун ҳужралари хусусий мулкка айланиб, сотди-олди бозорининг энг хардоргир моллари қаторига кирган эди.

#### **БУХОРО МАДРАСАЛАРИ ҲУЖРАЛАРИНИНГ ХУСУСИЙ МУЛККА АЙЛАНИШ ТАРИХИ**

Астархонилар ҳукмронлиги даврининг охирларида, айниқса Абулфайзихоё замонида (1708—1747) Бухоро ва Самарқанд мадрасалари бутунлай хароб бўлган эди. Самарқанд мадрасалари кўчманчиларнинг подахоналарига ва Бухоро мадрасалари қаландарлар, сарсарилар, гадоилар ва ғариблар турадиган вайронага айланган эди. Бу ҳар иккала шаҳарнинг мадраса ҳужраларида эшик, дарпарда каби чўпдан ясалган буюмлари қолмаган ва у ҳужраларнинг пишиқ ғаштдан бино бўлган қисмлари, эски соғоналар шаклини олган эди.

Бу мадрасаларга оид вақф ерлар экилмай қолиб қўриққа айланган, ёки бойларнинг хусусий мулки ва амалдорларнинг танҳоси бўлган эди. Савдо — тижорат ва қўл ҳунари саноати ётиб қолгани сабабли вақфга оид сарой, дўкон ва тижоратхоналар ҳам, даромад бериш қобилиятини йўқотган эди.

Бу бузғунлик Манғит сулоласи ҳукмронлигининг бошларида ҳам давом этди ва бу сулоладан Амир Шоҳмурод (Ма'сумби) даврида (1785—1801) бир нав' ислоҳот юзига келди.

Амир Шоҳмурод ғоят қаттиқ қўллик блан «теппа беклар»га хотима бериб, бош тортган қабила бошлиқларини раҳмсизлик блан қатл қилиб, Манғитлар ҳукуматини марказлаштирди, қаттиқ диний таассуб воситаси блан мадрасаларни ишга солди, сув йўлларини тозалатиб экинзорларни бир нав' обод қилди, савдо-сотиқни йўлга қўйди, ботил бўлган вақф мулкларини жорий қилди, йўқолган вақфномалар ўрнига расмий нома ёздириб, ҳукумат муҳри блан тасдиқлатди.

Лекин бу блан мадрасаларнинг ишга кириши мумкин эмас эди, чунки ҳужралар бузилиб, туриб бўлмайдиган ҳолга келган эди. Уларни тузатиш учун хазинада пул йўқ эди ва янгидан жорий бўлган вақф даромади уларнинг ремонтга етмасди. Шунинг учун Амир Шоҳмурод мадраса ҳужраларини турар жойга яроқли қилиш йўлида қуйидаги мазмунда бир фармон чиқарди:

«Ҳарбир талаба мадраса ҳужраларидан бирини ўз харжи ва меҳнати блан обод қилиб унга кириб ўтирса, ҳужра у талабаники бўлади ва қачонки талаба ҳужрадан чиқмоқчи бўлса, ҳужрани тузатишга сарф қилган маблағини бошқа бирор талабадан олиб, ҳужрани унинг номига ўтказиши мумкин».

Бу тадбир яхши натижа бериб Бухоро ва Самарқанд мадрасаларининг ҳужралари икки-уч йил орасида обод бўлди ва бирқанча йиллар мадраса ҳужраларининг талабадан талабага ўтиши — тузатишга сарф бўлган ҳақиқий маблағнинг «олди-берди»си блан бўлар ва талаба бўлмаган киши, бундай турар жойга яқинлашмас эди.

Аmmo бо̀ра-бора вақф ерлар обод бўлиб, маҳсулотлари ошди ва савдо-сотиқ ривожланиб вақфга оид сарой, дўкон ва тижоратхоналар кўпроқ даромад берабошладилар ва шунга кўра ҳужраларнинг ҳам вақфдан келадиган даромадлари ошаборди, бу вақтда пойдакардлик сармоясини мадрасаларга йўл солди ва бу вақтда ҳужраларнинг қўлдан-қўлга ўтиши ремонтга сарф бўлган маблағ блангина эмас, ҳарбир ҳужранинг нархи ҳужрага вақфдан келадиган даромадга ҳам қараб аниқланадиган бўлди ва вақф даромади ортса, ҳужранинг нархи ҳам ўшанга қараб ошаборди. Бу вақтда мадраса ҳужраларини эгаллаш учун талаба бўлиши шарти барҳам еди ва ҳарбир пулдор, судхўр бирдан ўнгача ва бундан ҳам ортиғроқ ҳужрага эга бўлаоларди.

Аmmo ҳужраларнинг «сотди-олди»сида ўша эски тартиб «ша'рий ҳийла» сифатида барқарор қолди, иш шу даражага бордики сервақф бир ҳужранинг қўл-бет ювиладиган сопол тоғорачасини, чўп ва қоғоздан ясалган дарпардасини, бир пулдор 20—30 минг танга (3 минг — тўртярим минг олтин сўм)га оладиган бўлди.

Бухоро мадрасаларининг энг сердаромади Жа'фархўжа мадрасаси эди. Бу мадраса шаҳарнинг узоқ бурчагида ва чўпдан қурилгани учун бузилиб кетган ва ҳужралари туриб бўлмайдиган ҳолга келган эди. Тузатилгач, вақф даромадлари кўпайгандан кейин мадраса ҳужраларининг нархи 50 минг тангагача етди. Энг қизиғи шуки, бу мадрасанинг ҳужраларида на тоғороча бор эди ва на дарпарда. Шундай бўлса ҳам пулдор «шариатни рия қилиб» бўлмаган тоғороча ва дарпардани 50 минг тангага сотиб олар ва қозикалон ҳам бундай ҳужранинг савдо хатига (васиқасига) шариат номидан муҳр босиб, муҳрона бадалини ундиради.

Аmmo вақфсиз бўлган мачитлар олдидаги ҳамда вақфи подшолик бўлган (мусодара қилинган) мозорлар бошидаги ҳужраларни, иморатлари яхши ва дарпардаларни шишалик (дераза) бўлгани ҳолда, ҳечбир киши сотиб олмасди.

Самарқанд Россия подшоҳи томонидан ишғол қилингандан кейин, мадраса ҳужраларининг «сотди-олди»сига у ерда барҳам берилган бўлса ҳам, ўз ичидаги ҳарбир бемазагарчиликда «мустақил» бўлган амирлар Бухоросида, Бухоро революциясигача (1920-нчи йил сентябрь ойигача) ва кулгили фожиа жорий эди.

Ўнлаб катта ва юзлаб кичик мадрасаси бўлган амирлар Бухоросида қашшоқ талабаларнинг турадиган ҳужра топмай дарбадар бўлиб, кўчаларда улоқиб юришларининг сабаби энди ўқучиларга ма'лум бўлгандир.

### БУХОРО МАДРАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЖОЙЛАНИШИ ВА МУДАРРИСЛАР БЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

Бухоро мадрасаларида ўқиган талаба (шаҳарда турар жойи бўлмаса) пули бўлса бирор мадрасадан ҳужра сотиб олиб, унда турар, агар пули оз бўлиб, ҳужра олишга етмаса, бирор ҳужрани «истиқомат гаров» қилиб жойлашарди.

«Истиқомат гаров»нинг тартиби шундай эдики, талаба ҳужра эгаси бўлган кишига, бир маблағ пул бериб (бу маблағ ҳужранинг яхшилигига ва шаҳарнинг марказида

бўлганига қараб кўпроқ ё озроқ бўларди), ҳужрада турар ва ҳарвақт ҳужрадан чиқмоқчи бўлса пулини ҳужра эгасидан олиб чиқарди.

Бу ҳолда ҳужра эгаси ўз ҳужрасидан иккиёқлама фойдаланарди — бир томондан ҳужранинг вақфини олса, иккинчи томондан гаров учун талабадан олган маблағни судхўрлик ё савдо йўли билан ишлатиб фойдаланарди.

Ба'зан ҳужра эгаси «истиқомат гаров» учун олган маблағига, бошқа бирор ҳужрани «вақф гаров» қилиб олиб, бир ҳужрага эга бўлгани ҳолда, икки ҳужранинг вақфини ўзлаштирарди.

Ўз ҳужраси бор, пулга муҳтож бўлган ва жойсиз қолишидан қўрқиб, ҳужрасини сотмаган талаба, шундай пулдордан қарз олиб, ўз ҳужрасидан келадиган вақфни пул фойдаси учун, пул эгасига берарди ва буни «вақф гаров» дер эдилар.

Ҳужра сотиб олишга ёки «истиқомат гаров» қилиб олишга кучи етмаган талаба, ҳужра эгасини муайян вақтларда зиёфат қилиш шарти билан, бирор ҳужрага жойлашарди (ёзучининг «Судхўрнинг ўлими» номли асарига мурожаат қилинсин).

Ба'зи ҳужрадор саводсиз муллалар, ба'зи қашшоқ талабаларга ўзларига дарс ўқиш шарти билан ҳам, ўз ҳужраларини берардилар. Бундай саводсиз муллалар, шу восита билан «дарс берадиган» муллалар қаторига кириб, муллаликка ном чиқариб бирор илмий мансабга эга бўлардилар.

Ба'зи қашшоқ талабалар, бирор нуфузлик кишининг ҳимоясига кириб, унинг воситаси билан бирор ҳужра топиб турарди.

Хулоса Бухоро мадрасаларидаги ҳужра эгалари расман ўз ҳужраларини талабага ижарага бермасалар ҳам, ма'нан ҳамиша бундай ижара барқарор эди.

Бухоро мадрасаларининг ҳужраларига эга бўлиш ва унда туриш учун талаба бўлиш шарт эмаслигидан, кўпгина дарсхонликка алоқасиз, бошқа касбларга мансуб ёки ҳечбир касби бўлмаган кишилар, мадрасаларга жойлашиб олгандилар. Ба'зибир шундай нома'лум касб эгалари, мадрасада туришни а'ло билиб, умрларининг охиригача унда тирикчилик қилардилар. Чунки мадраса тирикчилиги озода бўлиб, муллалар амир ҳукумати олдида ҳурматли бўлгани сабабли, мадраса ҳамиша амалдорлар ҳужумидан омонда эди.

Юқоридаги тафсилотдан ма'лум бўлишича, бир мадрасанинг мударриси, у мадрасадаги ҳужра эгалари блан «шериквақфлик»дан бошқа алоқаси йўқ эди. Шунинг учун бир мадрасанинг мударриси, у мадрасада турадиган талабаларни ўзида ўқишга мажбур қилаолмас ва ҳарбир талаба ўзи истаган мударрисдан дарс ўқишга ихтиёрли ва ўқиш мавсумида устозини ўзгартишга ҳам ҳақли эди.

Бинобарин Бухоро мадрасаларининг талабаси, ўзи турадиган мадрасанинг шогирди эмас, бир ёки бирнеча мулланинг шогирди ҳисобланар, мулла қаерда дарс берса, талаба ҳам ўша ерга бориб ўқир эди (у ер хоҳ бирор мадрасанинг дарсхонаси бўлсин, хоҳ у мулланинг уйи).

### **БУХОРО МАДРАСАЛАРИНИНГ ДАРС ПРОГРАММАСИ ВА УҚУВ КИТОБЛАРИ**

Бухоро мадрасаларида асосан қуйидаги илмлар ўқиларди: араб тилининг сарфу наҳви, мантиқ, ақоиди ислом (илми калом), ҳикмат (табiiй ва илоҳiiй), фикҳи ислом (таҳорат, намоз, рўза, жаноза, ҳаж, закот, никоҳ, талоқ), савдо-сотик (қул сақлаш ва қул озод қилиш каби масалаларки, ибодатга ёки мусулмонлар жамияти орасида бўладиган муносабат ва муомалаларга оиддирлар).

Ҳисобни, умуман риёзиёт (математика) га оид дарсларни ўқишни истаган талаба бу фаннинг мутахассисини топиб, унинг олдида ўқирди. Адабиётни истаган одам, у блан хусусий тарзда шуғулланарди. Она тили на ибтидоий мактабларда ва на мадрасаларда, дарс қилиб ўқитилмагани каби, ўқув китобларининг тили бўлган араб тили ҳам дарс қилиб ўқитилмас ва юқорида айтилгани каби фақат араб тилининг сарфу наҳви ўқитиларди.

Она тилини бўлса ҳар бир талаба ўз иқтидори, қобилияти ва ҳавасига қараб тирикчиликдан ва эски китобларнинг мутолаасидан ўрганарди. Аммо ҳечбир талаба она тили лозим ва керакли бир нарса деб билмасди.

Юқоридаги дарсларни ўқиш-ўрганиш программаси ва дарс китоблари қуйидагича эди:

Бошланғич (мачит олдидаги) мактабни тамомлаган талаба, агар яна ўқишни давом қилдирмоқчи бўлса (хоҳ у саводли бўлсин, хоҳ саводсиз) бирор оддий мулланинг

олдига бориб («Бидон») деган китобчадан дарс бошларди (бу китобча араб тили сарфига оид бўлиб, арабча мисоллар блан тожик тилида ёзилганди), шунингдек «Аввали илм», номли тожикча китобчани ҳам ўқишга киришарди. Бу китобчада диний «зарур» масалалар савол-жавоб гарзида ёзилганди.

Бундан кейин талаба араб сарфига оид бўлиб, араб тилида ёзилган «Муиззи» ва «Занжони» деган китобчаларни, сўнгра араб тил наҳвига оид бўлиб, араб тилида ёзилган «Авомил» номли китобчани ўқир ва бу китобчалардаги арабча сўзларни жумлама-жумла тожикча таржимаси блан ёдлаб олар, аммо улардаги мазмунга ва у қондаларни амалда қандай қўлланишларига ҳечбир диққат қилмас ва домла ҳам ҳечбир диққат қилмасди.

Булардан кейин араб тилининг наҳви кенроқ баён қилинган «Қофия» ном китобни ўқишга киришиларди. Аммо етти бобга бўлинган бу китобни аввалидан бошламай, даромадлар ақидасига кўра осонроқ бўлган қуйироқдаги бобларидан бошланарди.

Бу ерда айтилган китоб ва китобчалардан дарс берадиган муллалар, хоҳ бирор мадрасада мударрис бўлса, хоҳ бўлмаса «Кунжаки домла» деб аталардилар.

Бу дарсларнинг ҳаммасига (бошланғич мактабдан бошқа) тахминан икки ё уч йил сарф бўлар ва ундан кейин талаба, араб тили наҳвига оид «Қофия»нинг шарҳи бўлиб, машҳур Абдураҳмон Жомийнинг асари — «Шарҳи мулло» номли катта китобни ўқишга киришарди.

Талаба «Шарҳи мулло»ни асосан «дарсхона домласи» дейилган бирор каттароқ мўлланинг олдида ўқир ва бу дарсга беш йил сарф бўларди.

Шунинг блан баравар талаба «Кунжаки домла»нинг дарсига ҳам кирар, унинг олдида «Қофия»нинг ҳалигача ўқилмаган бобларини, ҳам мантиққа оид «Шамсия» номли китобчани ўқир ва шунингдек Шарҳи мулло дарсини ҳам, дарсхона домласи олдида ўқишдан илгари шу кунжаки домла олдида ўқиб, дарсхона дарсига тайёрланарди.

«Шарҳи мулло» дарси тугагандан кейин, талаба дарсхонада, мантиққа оид Шамсиянинг шарҳи бўлган «Ҳошния» номли китобни ўқир ва шу орада кунжаки домла олдида илми каломга оид бўлган «Ақоиди Насафий» номли китобчани ҳам ўқиб, ёдлаб оларди.

Ҳошия дарсига бир йил сарф бўлиб, сўнгра дарсхона-



да Алломаии Тафтозонининг асари—«Шарҳи Ақоиди Насайфий» дарси бошланар ва одат бўйича бу дарсга тўрт йил сарф бўларди.

Мантиқ ва илми каломга оид — «Таҳзиб» китоби икки йил, ҳикмати табиий ва илоҳийга оид «Ҳикматулайи» китоби ҳам икки йил ўқилиб, уларнинг ҳар иккаласига тўрт йил кетарди.

Ниҳоят илми каломга оид — «Муллажалол» китоби икки йил ўқилиб, мадраса дарслари ҳатм қилинар (туғатилар)ди<sup>1</sup> ва ҳатм кунда пайғамбар ҳадисларидан (сўзларидан) бир ҳадис ўқилар ва домла у ҳадиснинг ма'носини шарҳлагандан кейин, мадраса дарсларини татом қилган шогирдларига, хоҳ ўз олдида ўқилган дарслардан бўлсин, хоҳ ўзининг олдида ўқимаган дарслардан (Қур'он тафсири, пайғамбар ҳадислари, фикҳи исломий каби) бўлсин, дарс беришга ижозат берарди. Дарс айтишга рухсат берадиган у оғзаки сўзлар «аттестат» ёки диплом ҳисобланарди.

Бухоро диний марказлиги учун «шариф» сифатини эгаллаб олиб ва бу сифат блан ёлғиз Ўрта Осиёдагина эмас, ҳатто Россиядаги мусулмонлар (тортор ва бошқирлар) орасида ҳам шуҳрат қозонган эди, шунингдек Бухоро мадрасалари диний мадраса деб ном чиқарган ва Бухоро уламулари диний олим ҳисобланиб, унда ўқиган кишиларнинг дин тўғрисидаги сўзи ҳатто Миср ва Арабистонда ўқиганларнинг сўзларидан ҳам му'табарроқ ва олдин турарди.

Лекин ҳақиқатда Бухоро мадрасаларининг дарс программаларига ўрта аср схоластикаси бўлган илми каломдан бўлак диний дарс кирмаган, Қур'он тафсири ва пайғамбар ҳодиси каби ислом динининг асослари, шунингдек ислом динининг ибодат ва муомалотига оид бўлган фикҳ

---

<sup>1</sup> Муллажалол китоби «Е ман ваффақано литаҳқиқил ақоидил исломияти» (бизни ислом диний ақидаларини таҳқиқ қилишга муваффақ қилган худо) деб бошланади. Бизнинг гуруҳда мадраса дарсларига инкор кўзи блан қарайдиган жинзахлик бир дарсдошимиз бор эди. Биз мадраса дарсларимизнинг энг охиригиса бўлган ана шу китобни бошлаганимизда, китоб бошидаги ҳалиги арабча... жумлани ўз-ўзича «ёмон вақф оламано» деб ўзгартириб ўқиб, ҳаммани кулдирган эди. Ҳақиқатда у дарсдошимиз Бухоро мадрасаси дарсларини тугатишдан бўлган «ғоя»ни кулгили равишда характерлаб берган эди (ҳалиги жинзахли дарсдошимизнинг таржимаи ҳоли ва фожиали оқибати «Эсдалиқлар»нинг кейинги бўлимларида келади).

(ҳуқуқ) илмий, расмий дарслар қаторида саналмас, ҳатто бу илмлар блан хусусий равишда шуғулланадиган одамлар «масалачи» деб, таҳқир қилинарди.

Юқорида кўрсатилган дарс программаси ва ўқув китоблар, ҳечбир ўзгаришни қабул қилмайдиган, агар таъбир тузук ҳисобланса стандартний бўлиб, XV—XVI асрдан бери, шу тарзда давом қилиб келарди. Фақат фарқ шундаки, йиллар ва асрлар ўтиши блан, юқорида кўрсатилган дарс китобларни устида янги-янги шарҳлар ёзилган, мударрис ва шогирдларни кўпинча мана шу янги шарҳ ва ҳошиялар ўзига тортган бўлиб, программада кўрсатилган дарслар ва китобларни ўзлаштириш бутунлай бир четда қолдирилган эди.

Бу сартларни мутолаа қилучилар, модомики Бухоро мадрасаларининг талабалари, маҳдуд программа устида, 18—19 йил машғул эканлар, у программада кўрсатилган илмларда яхшигина тахассус пайдо қилсалар керак, деб ўйлашлари мумкин.

Афсуски бундай ўйлаш қуруқ хаёлдан бошқа нарса эмас ва у тўғридаги ҳақиқий аҳвол қуйидаги парчадан очиқ-ойдин англашилажак.

### БУХОРО МАДРАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ЙИЛИ ВА ДАРС КУНЛАРИ

Бухоро мадрасаларида таҳсил йили 22 сентябрь (мизон боши) дан 22 март (ҳамал боши) гача — олти ой ҳисобланарди. Бу муддатни, ўз маишатини олти ой давомида таъмин қилаоладиган, ёки очлик ва йўқсилликка чидайоладиган талабаларгина таҳсил блан ўтказоларди. Аммо қишлоқлардан келадиган қашшоқ талабаларнинг кўпчилиги, бу муддатнинг ярмисида ҳам ўқиш блан машғул бўлаолмасдилар.

Чунончи кўпгина қашшоқ талабалар таҳсил бошида мадрасага келиб «дарснинг бошланиш савобини олгандан кейин» қайта қишлоққа чиқишга мажбур бўлардилар. Чунки улар ўз маишатларини таъмин қилиш учун қишлоқда йиғим-теримда ишлашлари, ёки йиғим-терим вақтида имоматчиликлари учун (агар бир қишлоқ мачитида имом бўлган бўлсалар) бирор нарса ундириб олишлари керак эди.

Бундай талабалар ноябрь ойининг охирларида яна мадрасага келиб, анча ўтиб кетган дарсларга иштирок

қилардилар, имоматчилик топиш, ёки экин-тикинга ишти-  
рок қилиш учун февраль, март ойларидан бошлаб (ол-  
дин-кейин) тагин қишлоққа чиқардилар.

Шундай бўлиб таҳсил бошида, бир гуруҳнинг ҳай'ати  
масалан 50 киши бўлса, иккинчи ҳафтада булардан кўп  
бўлса 20 киши қолар, ноябрь, декабрьларда қишлоққа  
чиққанлар қайта келиб, гуруҳ тўлар ва февральдан бош-  
лаб яна қишлоққа чиқиш бошланиб, таҳсил йилининг энг  
охирги ҳафталарида — март ойларида жамоада 10—15  
талаба қолар ва шуларгина, таҳсил йилининг тамом бў-  
лиш «савобини олишга мушарраф бўлардилар».

18—19 йиллик таҳсил муддатининг таҳсил йили шун-  
дай бўлиб, ҳафталик дарс кунлари бундан ҳам ёмонроқ  
эди. Бухоро мадрасаларидаги расмий дарсларнинг ҳафта-  
лик дарс кунлари: шанба, якшанба, душанба ва сешан-  
ба — ҳафтада тўрт кун бўлиб, ҳар ҳафта чоршанба, пай-  
шанба ва жума кунлари — уч кун дам олиш кунлари  
ҳисобланарди.

Одатан кекса катта мударрислар, ба'зан соғликлари  
яхши эмаслигини сабаб қилиб, ҳафталик дарс кунлари-  
нинг энг охиргиси бўлган сешанбада ҳам дарсга чиқмас-  
лар ва у кунни «сешанбалик» (дам олиш) деб э'лон қи-  
линар ва бундай вақтларда ҳафтанинг уч кунни дарс ва  
тўрт кунни дам олиш кунлари ҳисобланарди.

Бундай вақтларда ба'зибир бухоролилар ҳазиллашиб  
«обмўри аз боғ калон шуд» (сув йўли боғдан катта бўл-  
ди) деярдилар.

Агар биз дарс кунларида талабаларнинг дарс ўқиш  
тартибини назарга олсак, ҳақиқий дарс кунлари яна ҳам  
озаяди.

Бир талаба масалан кунжаки домла олдида кунда  
бир дарс, бирор матндан (кофия, шамсия ёки матни ақо-  
иддан) дарс ўқирди, шу талаба яна шу домла олдида,  
ёки бошқа бирор кунжаки домла олдида, дарсхонада  
ўқийдиган дарсини ҳам ўқирди, сўнгра шу талаба ҳалиги  
дарсхонада ўқийдиган дарсини, дарсхона домласи бўлган  
катта домла олдида такрор ўқийди, ба'зибир талаба ҳа-  
лиги дарсхона дарсини, ба'зи сабаблар блан (масалан  
дарсхона дарсини яна ҳам яхшироқ ўзлаштириш ёки бош-  
қа бирор катта домла блан алоқа боғлаш учун) бошқа  
бирор дарсхонага бориб учинчи бор ўқирди. Шундай қи-  
либ, талаба кундалик икки дарсни, уч ба'зан тўрт жойда  
ўқирди.

Ўрта ҳисоб блан ҳарбир дарсга бир соат вақт сарф бўлса, талабанинг уч ё тўрт соат вақти ҳалиги икки дарсни ўқишга сарф бўларди. Бунинг устига агар биз ҳалиги дарслар орасида сарф бўладиган вақтларни назарга олсак, талабанинг бир ўқиш кунни ҳалиги икки дарсга кетади.

Талаба вақтининг қандай исроф бўлишини тузукроқ тушунмоқ учун қуйидаги тафсилотга диққат қилиш керак:

Юқорида қайд қилингани каби, талабанинг турар жойи блан домланинг дарс берадиган жойи бошқа-бошқадир, шунингдек кунжаки домланинг дарс берадиган жойи блан дарсхона домласининг дарс берадиган жойи ҳам бошқа-бошқадир, ба'зан талабанинг турар жойи блан дарсхоналар орасида икки-уч километрлик йўлни босиш керак бўларди. Бунинг устига дарс олишни кутиш учун сарф бўладиган, энг ози ярим соат вақтни ҳисобласак, талаба ўқиш вақтидан бошқа, ҳарбир дарс учун икки-уч соат вақт сарф қилишга мажбур бўлгани ма'лум бўлади.

Бизнинг замондошларимизга энг ози ярим соат сарф бўладиган дарс олишни кутиш вақти, деган гап ғалати туйилади. Буни тушуниш учун қуйидаги гапларга қулоқ солиш керак.

Одатда Бухоро мадрасаларининг мударрислари, айниқса ном чиқарган катта домлалар, кунда саккиздан ўн иккитагача дарс беришни бўйинларига олардилар. Улар бизнинг замонимиздаги муаллим ва профессорлар каби синфдан-синфга ёки аудиториядан аудиторияга кириб эмас, балки ўтирган жойларида олдиларига навбат блан кирган гуруҳга дарс берардилар.

Ҳарбир дарснинг вақти «биринчи, иккинчи»лик блан тайин қилинган (масалан, Шарҳий-мулла биринчи, «Ҳошия» иккинчи, «Ақойид» учинчи ва ҳоказо) бўлиб, одатан ҳарбир дарс учун ўрта ҳисоб блан бир соат вақт белгиланган бўлар эди.

Аммо мантиқсиз бирор мунозаранинг чиқиб қолиши блан бир соатлик дарс вақтининг бир ярим соатга чўзилиши, домланинг ёки талабаларнинг ҳавсаласизликлари блан бир соатлик дарс вақтининг ярим соатга қисқартирилиши мумкин эди.

Бундай тартибда биринчи дарснинг талабаси, ўз вақтида келиб дарсга кириши мумкин бўлса ҳам, иккинчи ва учинчи дарсларнинг талабалари, дарсдан қолмаслик учун,

ўз вақтидан ярим соат илгарироқ дарсга келишга мажбур бўлардилар. Мана шу талаба тугалишини кутиб турган дарсда мунозара авж олиб, ярим соат чўзилсачи, ҳалиги талабанинг бир соатлик вақти, дарс кутишга сарф бўларди ва дарснинг навбати қанчалик қийинроқ бўлса, дарс кутишга ҳам ўшанча кўпроқ вақт кетарди (шунинг учун бошлиғи му'табарроқ бўлган гуруҳнинг дарс навбати аввалроқ қўйиларди).

## 18—19 йиллик таҳсилнинг ҳосили

Агар биз «Бухоро мадрасаларидаги 18—19 йиллик таҳсилнинг ва дарсхона дарсларининг ҳосили ҳеч нарса эмас эди» десак ўқучи ишонмайди ва бу сатрларнинг ёзучисини ёлғончиликда, ҳеч бўлмаганда ўтакетган шарқча муболағачиликда айблайди. Аммо қуйидаги тафсилотни ўқиган киши бу гапларнинг ажаблантиручи ҳақиқат эканини тасдиқлайди:

Юқоридаги боблардан ма'лум бўлганича, Бухоро мадрасаларида талабанинг саккиз йиллик умри, араб тилининг сарфу наҳви дарсларига сарф бўларди. Қобилиятли талаба ўз-ўзича ишлаш йўлини топгани тақдирда, саккиз йиллик таҳсил натижасида, назарий равишда ба'зи калималарнинг ва ба'зи осон жумлаларнинг таркибини ўргана ва араб тилида гапириш ва мутолаа қилишни ҳеч билмасди. Бу ҳечбир парсага арзимайдиган ма'лумот ҳам, гуруҳнинг тахминан беш процентига, у ҳам кунжаки домла олдида қўлга кирарди. Аммо бешйиллик расмий дарсдан — дарсхона дарси бўлган «Шарҳ мулло»дан ҳечбир натижа ҳосил бўлмасди. Чунки талаба бешйиллик «Шарҳи мулло»хонлик даврида, ҳар йил 5 ё 10 сатр Жомийнинг гапларидан, у ҳам хутба ва муқаддимага оид гаплардан ўқиб, қолган вақти, Жомий асари устига боғланган шарҳ ва ҳошияларнинг муҳокамасига сарф бўларди.

Чунончи Жомийнинг замондошларидан, Мавлоно Исомиддин Қофияга шарҳ боғлаб, схоластик мунозара усули блан, кўп жойда Жомийнинг фикрларига қарши чиққан, ундан кейин Жомийнинг шогирдларидан мулла Абдулғафури Лорий «Шарҳи мулло»га ҳошия боғлаб, Жомийнинг фикрларини шарҳлаб ва мудофаа қилиб, Исомиддиннинг фикрларини рад қилган, ундан кейин Абдулғафурнинг шогирдларидан Лабиб номли бир киши майдонга чиқиб, ўз устози — Абдулғафурнинг ҳошиясига ҳошия боғлаб,

Жомий ва Абдулғафурнинг фикрларини изоҳ ва муҳофаза қилиб, қўлидан келганича Исомиддинни урган, ҳаммадан кейин XVI асрда, Бухорода тирикчилик қилган Мавлоно Шариф деган бир зот, Жомийнинг «Шарҳи мулло»сига кенг бир ҳошия боғлаб, унда юқорида қайд қилинган бутун шарҳ ва ҳошияларнинг бир-бирларига қарши бўлган фикрларини тўплаб, уларнинг орасида ўзи муҳокама юритиб, мунозарачи муаллифларнинг кўплиги ва турли-лиги сабабидан орада йўқолиб кетган «ҳақиқат»ни топиб чиқаришга интилан.

Бахтсиз талаба ва ақлсиз домланинг бешйиллик умри, мана шу шарҳ ва ҳошиялар муаллифларининг тарафдорлари бўлиб, бир-бирлари блан уришиш ва талашишда ўтарди ва бу орада, араб тилининг наҳви масалаларигина эмас, Жомий ва унинг асари устида гапирган бошқа муаллифлар ҳам унутилиб, кундалик бир соат — бир ярим соатлик дарс вақти, домла блан шогирдлар ва шогирдларнинг ўз ораларида, энг қабиҳ сўзлар ва қўпол таъбирлар блан олиб борилган «мунозара»га сарф бўларди.

Ўзаро мунозараларнинг қандай бошланиши ва олиб борилишини англаш учун, қуйидаги дарс ўқиш тартибига диққат қилиш керак:

Дарс вақтида бир гуруҳнинг талабалари, дарсхонага кириб домла рўпарасида чўккалаб ўтирадилар. Агар дарсхона тор ва талаба кўп бўлса, улар олдин-кейин бир-бирларига ёпишиб жойлашардилар. Ҳарбир гуруҳнинг дарс иборасини домла олдида баланд овоз блан ўқийдиган бир қориси бўларди.

Талабалар жойлашиб бўлгандан кейин, домла қорига қараб:

— Қани бошланг,— дер эди.

Қори ўз китобини очиб ўқиладиган дарсдан арабча бир жумлани ўқирди ва бошқа талабалар ўз китобларини очиб, жимгина унга қараб турардилар. Домла, ўқилган арабча жумлани тожикча таржима қиларди.

Гоҳ таржимадан ва гоҳ домла ўз фикрини айтгандан кейин мунозара бошланарди: баъзан талабалар домлага қараб, таржимага ёки домланинг фикрига онд кўнгилларига келган шубҳаларни баён қилардилар ва баъзи талабалар ўша дарсга ёки ўша илмга дахлдор муаллифларнинг тарафини олиб, ўзаро мунозарага киришардилар.

Бу мунозараларда дарсдан озми-кўпми бирор нарса тушунган талабаларгина эмас, ҳамма талабалар бирдан ва барабар иштирок қилардилар. Ҳатто нодонроқлари «доно»ликда, «дарсфаҳм»ликда ном чиқариш учун яна ҳам кўпроқ ва баландроқ овоз блан бақирардилар. Бу мунозараларнинг ҳақиқатан ҳам овози баландроқ, қабих ва қўпол сўзларни мантиқсиз бўлса ҳам бир-бирига тизиб тўхтовсиз айта олишга устароқ талаба «ғолиб» чиқарди.

Домла дод дейишдан томоғи қирилиб, бақиришлардан қулоғи гаранг бўлгандан кейин, у икки қўлини баланд кўтариб ҳам ишорат блан ва ҳам тил блан:

— Бас энди, жим бўлинглар, аблаҳлар! — деб шогирдларни жим бўлишга мажбур этар ва соатини очиб, унга қарар. Агар дарс вақти тугаган, ёки ўтиб кетган бўлса, шу блан бугунги дарс тамом қилинар ва агар ҳали вақт бўлса, яна бирор жумла ўқитарди.

Бухоро мадрасаларида дарс устида бўладиган мунозаранинг «ҳосилини» яна ҳам яхшироқ тушуниш учун қуйидаги мисолни эшитиш керак:

Юқорида айтилганидек, Бухоро мадрасаларида ўқиладиган китобларнинг, бири Алломаи Қутбий асари — «Ҳошия» номли китоб эди. Ҳошия мантиққа оид Шамсия номли китобнинг шарҳидир. Мантиқ илми шарқ ва ғарбдаги ҳамма маданий мамлакатларнинг дарс программаларига кирган бир илм бўлиб, Бухоро мадрасаларида ҳам бу илм ўқитилар эди. Аммо кейинги замон Бухоросида мен ўқиган мадрасаларда, расмий дарслар программасида мантиқ илмидан, фақат шу «мантиқ» сўзининг ўзгинаси қолган эди ва бу илмни ўқиган вақтда бўладиган мунозаралар бутунлай мантиқсиз эди.

Юқорида айтилгани каби талабанинг бир таҳсил йилни мантиққа оид ҳалиги Қутбий «Ҳошия»сининг ўқишига сарф бўларди, лекин шу бир йил ёлғиз бир «калима»нинг устида бўладиган мунозараларга кетарди:

Мантиқ китобининг матни бўлган «Шамсия» муаллифи асарининг бошланишида (Шамсия арабча бўлиб, мен бу ерда ўзбекча таржимасини келтираман) «...мен бу китобни бир муқаддима, уч мақола ва бир хотимада тартибладим» деган муаллиф, яна давом қилиб айтади «аммо мақолалар учтадирлар».

Муаллиф ўз китобининг бошланишида, юқоридаги жумлалардан бир муддао устида «уч» (салос) сўзини икки марта айтган. Бу ерда муаллиф ё котиб тарафидан

саҳв бўлиб «уч» (салос) сўзининг икки марта ёзилгани маълум ва буларнинг бириси ортиқча.

Бир йилнинг мунозараси мана шунинг устида борардики, биринчи жумладаги «уч» (салос) ортиқчами ёки иккинчи жумладагиси?

Бу ерда ҳам мунозаранинг бир йил чўзилишида биринчи рольни шарҳлар ва ҳошиялар ўйнаган бўлсалар, охирги ва асосий рольни домлалар ва уларнинг талқинлари блан тарбияланаётган талабалар ўйнардилар.

Бир йиллик мунозаранинг натижаси сифатида, таҳсил йилининг охирида қуйидаги қарорга келинарди: «Шамсиянинг муаллифи (XIII асрда яшаган Нажмиддин Умарий қазвини) донишманд киши эди. У бундай саҳвни қилмасди. Албатта бу саҳвни унинг қалами қилган».

Бундай мунозаралардан талабаларнинг ҳечбир фойдаланмаганлари, ҳатто ҳечбир нарса тушунмаганлари маълумдир. Шундай бўлса ҳам, дарсни тугатиб, дарсхонадан чиққан вақтда, улар ўзларини у кунги дарсдан жуда қаноатланган вазиятда кўрсатишга тиришардилар ва йўл-йўлакай, айниқса одамлар кўп бўлган жойларда овозларини яна ҳам баландроқ қилиб, бир-бировларига қўпол сўзлар отиб, мунозарани давом этдирардилар ва ҳарқайсилари ўзларичи қаттиқ ишонган каби қилиб кўрсатардилар.

Бухоро мадрасаларидан баъзи маълумотли одамлар ҳам етишиб чиққанлар. Лекин бундай одамлар, у ерда ёлғиз ярим етишиб чиққан ҳосилдор буталардай жуда оз бўлиб, улар Бухоро мадрасаларидаги дарс программаларини ўтиш ва унда бўладиган мунозаралар воситаси блан етишмаганлар, балки улар фавқулудда қобилиятли кишилар бўлиб, бахтли бир тасодиф блан, тожикча ва арабча савод чиқариб, ўз шахсий меҳнат ва мутолаалари соясида маълумот ҳосил қилганлар.

Аммо бундай маълумотли одамларнинг кўплари ҳам, бирор маънавий ғоядан узоқда бўлиб, уларнинг асосий мақсадлари устозлари каби бирор мадрасада мударрис бўлиш, ўз олдиларига талаба тўплаш, улар блан (хоҳ улар бирор нарсани тушунсалар, хоҳ тушунмасалар) эртадан кечгача дарс ва мунозара номи остида шовқин-сурон кўтариш, бу восита блан улардан ифтитоҳона ундириш ва катта «дарсғўйлик»да ном чиқариб, яна ҳам каттароқ мадрасада мударрис бўлишдан нарига ўтмасди.



Биз бу парчани Аҳмад Маҳдуми Дониш (Аҳмад калла)нинг устозлари ҳақида айтган гаплари блан тугатамиз:

«Уларнинг (устозларимнинг) олдида бирнеча бекорчи нодон талабалар йиғилардилар, ҳарбир нарсани тушунмасдан адабсизлик блан шовқин-сурон кўтарардилар; вақти-вақти блан фақир (қашшоқ) талабалардан майиз, ҳалво, чопон ва танга диндириб олардилар; устоз кўп гапириш натижасида, дилмурда (руҳи тушган) бўларди, унда ҳазм қуввати қолмас ва тишлари бўшашарди, бирор нарсани тишласа чайнаёлмас ва еса ҳазм қилолмасди, кечалар ухламасдан қитоб кўрар, кундузлари эртадан кечгача ғавғо, тўполанг қиларди, кенг, аммо димиққан гумбаз (дарсхона) ичида қишин-ёзин зиндонда қамалгандай ўтирар, таом ейишга, сайр-тамошага ва дам олишга фурсат топмасди...» (Аҳмад Маҳдумнинг «Наводирулвақое» номли китобининг «касбу корлар» деган бобидан мазмунан олинди).

#### БУХОРО МАДРАСАЛАРИДАГИ ТАЛАБАЛАРНИНГ УСТОЗЛАРИ БЛАН МОДДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

Бухоро мударрисларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ҳали ўқишни тамомламаган ёки тамомлаган бўлса ҳам, бирор мадрасада мударрис бўлмаган қобилиятли ёш муллалар.

2. Мударрисликдан оладиган вақфлари ўз харажатларига етмайдиган ёки вақфсиз мадрасада мударрис бўлган кичик мударрислар.

3. Мударрисликдан оладиган вақфлари ўз харажатларига етарли бўлган ва ба'зилари мударрислик устига, муфтилик даражасига ҳам етиб, бу йўлдан ҳам даромад оладиган шуҳратли катта мударрислар.

Мана шу уч гуруҳ мударрислар олдида тўпланиб дарс ўқийдиган талабалар, расман та'лим ҳақи номи блан бирор нарса бермасалар ҳам, нефитоҳона (дарс бошлаш) муносабати блан ҳар йил ўзаро маблағ тўплаб, янги дарс бошлаш маросимига сарф қилардилар.

Дарс бошлаш харажати мударрисларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳи учун жуда оз даромад келтирса ҳам, та'лим ҳақларини мадраса вақфидан тўла оладиган катта мударрисларга анчагина маблағ келтирарди.

Дарс бошлаш маросими одатан талабалар кўп йиғил-

ган пайтда, қишнинг ўртасида — декабрь ойининг охирларида бўларди. Ҳарбир гуруҳ шу вақтда, келаси таҳсил йилида ўқиладиган дарсини бошлаб қўярди (чунки таҳсил йилининг охиригача талабаларнинг кўпчилиги тарқалиб кетиб, пул берадиган талаба озайиб қоларди).

Талабалар ўзаро тўплаган маблағларининг бир қисмига майиз, ҳалво, қанд, наввот, писта, бодом каби нарсалар, домла учун чопон олиб ла'лилар (баркашлар)га солиб, ҳарбир талаба бир ла'лини кўтариб, кўчалардан намойишкорона ўтиб домланинг дарсхонасига борардилар ва харажатдан ортган нақд пулни бир қоғозга ўраб, ҳалиги нарсалар блан бирга домлага тортиқ қилардилар.

Ба'зи гуруҳ ўзаро тўплаган маблағдан бирозини сақлаб қолиб, ўзларини зиёфат қиладилар, бу зиёфатни «ижтимоона» деб атардиларки, ҳозирги замон та'бири блан «вечер» деса бўлади.

Қорилари машҳур муллаларнинг ўғли бўлган гуруҳлар Ақоид ва Мулла жалол дарсларни бошлаганда, шунингдек мадрасани тамомлаганда (хатми кутуб қилганда) тўй ҳам қилиб берардилар.

Тўйдан олдин одатда гуруҳ қориси аввал амирга бирмунча тортиқ қилиб, ундан рухсат олар ва сўнгра тўйни бошларди. Тўйда қозикалон, раис, шаҳарнинг муфтилари ва катта мударриснинг олдида тўй бераётган мулла ўзига алоқадор амалдорлар ва бойларни чақириб зиёфат қиларди, шунингдек ўзи ўқиган мударрисининг бутун шогирдларига ҳам, у мударрис бўлган мадрасада турадиган кишиларга ҳам тўй берарди.

Катта муллалар олдида бўладиган дарс бошлашдан, айниқса юқори дарсларнинг бошланишидан, у муллаларга жуда катта даромад келарди, шунинг учун вазифалари адлия ва ма'мурий ишлар бўлиб, дарсгўйлик блан ҳечбир алоқалари бўлмаган қозикалон ва раис ҳам дарсгўйлик қилардилар.

Илмий мансабларга етишиш буларнинг воситаларидан ташқари мумкин бўлмаслигини назарга олиб «узоқни кўрадиган талабалар» айниқса таҳсил даврининг охириги йилларида буларнинг олдиларида ҳам дарс ўқишга киришардилар.

#### МИР АРАБ МАДРАСАСИДА

Мен 1890 йилда акам блан бирга ўқиш учун Бухорога бордим. Уерда акамнинг кунжаки домласи — мулла Абду-

салом, Мир Араб мадрасасидан бир ҳужра топиб берди. Биз ака-ука иккаламиз ҳужрада турабошладик.

Бизнинг ҳужра, мадрасанинг шимоли ғарбий бурчагидаги «гулдаста»нинг тўртинчи қаватида эди. Бу ҳужранинг кириш эшиги усти ёпиқ қоронғи бир йўлакда бўлса ҳам, кўча томонидан қўйилган дарчасидан керакли ёруғ ва ҳavo кирарди. У ҳужра анчагина тор бўлса ҳам, у вақтдаги Бухоронинг қашшоқ талабаларига нисбатан иккаламиз у ерда мамнуният блан турмоқда эдик.

Акам, имоматчиликдан топган маблағи ва отамдан қолган эшакни сотишдан келган пулга бироз гурунч, мош, ёғ, кўмир, ўтин ва жайдори шам (у вақтларда лампа ёқиш мадрасаларда ҳали расм бўлмаган эди) сотиб олиб, қишга керакли нарсаларни оз бўлса ҳам та'мин қилгандай бўлди.

Акам дарсда пешқадамроқ<sup>1</sup> бўлганидан, унга тозароқ кийим, кўпроқ китоб ва ортиқроқ дарс бошлаш харжи керак бўлгани учун, ў қўлидаги маблағнинг ҳаммасини озиқага сарф қилолмае, тайёрланган озиқа бўлса, икки киши учун баҳоргача етмасди. Шунинг учун акам менинг овқатимни, бошқа жойдан та'минлаш фикрига тушди ва бу жой ҳам тезда топилди:

Менинг мадрасага бориб ўқишимга далолат қилган акамнинг домласи — мулла Абдусалом мени ўз «ошдошлари»га ошпаз қилиб олмоқчи бўлди.

Мулла Абдусаломнинг ошдошлари, вардонзелик мулла Қосим блан, ғиждувонлик Қорибеги номли муллалар эдилар. Буларнинг уччаласи давлатманд одамларнинг болалари бўлиб, дарсда шерик — баравар бўлсалар ҳам, дарсфаҳмлиқда баравар эмас эдилар.

Қорибегининг фазилати, қур'онни «тўтиларча» ёдлаб олганидан иборат эди. Бу, тожикча чаласавод бўлиб, хат ёзишни билмас ва арабчада бутунлай саводсиз эди. У,

---

<sup>1</sup> Бухоро мадрасалари истилоҳича «пешқадам» деб дарсфаҳмлиқда олдин бўлган талабани эмас, балки дарс ўқишда йил жиҳатидан олдинроқ бўлган талабани айтардилар. Масалан, Ҳошияхон Шарҳи муллохондан (Шарҳи муллохон, Ҳошияхондан дарсни тушунишда олдин бўлса ҳам) «пешқадамроқ» ҳисобланарди. Бухоро мадрасаларида моддий жиҳатдан ўзига тинч талабалар учовлашиб ёки тўртовлашиб, ош пишириб ёйишда шерик бўлиб, кунда навбат блан битталарининг ҳужраларида ош пишириб ердилар. Бухоро мадрасалари истилоҳича бундай талабаларни «ҳамтабх» дер эдиларки, «ошдош» деса бўлади.

отаси томонидан бериладиган ёрдамдан бўлак, «қур'он сотишдан» — хатми қур'онлардан ҳам анчагина даромади бор эди.

Мулла Қосим вардонзеллик қал'ачи (Қазали, Оқмачит ва Қизилўрдаларда савдо қиладиган) бир бойнинг ўғли бўлиб, тожикчада чаласавод, арабчада саводсиз ва бирмунча хат ёзишни билса ҳам, унинг хатини ўзидан бўлак киши ўқийолмасди. Афтидан шу қадар хат ёзишни ҳам отасининг савдодафтарини ёзишда керак бўлганидан мажбур бўлиб ўрганган эди.

Мулла Абдусалом ўртача бойлиги бўлган Шофирком туманнинг Маҳаллайипоён қишлоғидан, бир деҳқоннинг ўғли бўлиб, унинг тожикча ва арабча саводи тузуккина, хати «ғўзал» дейиш даражада яхши эди. У мадраса программасидаги дарсларни яхшигина ўзлаштирганидан, ҳали хатм қилмаган — мадраса ўқишини расман ҳали тамомламаган бўлса ҳам, дарс ўқишдан фориг бўлган соатларида, ўз ҳужрасида дарсгўйлик ҳам қиларди.

Мен қишлоқда қозон-товоқни эплайдиган бўлган эдим. Бунинг устига акам бирнеча кун ўз назоратида менга палов пиширтириб бу «хунарни» ўргатгандан кейин, мени ҳалиги уч ошдошнинг хизматига топширди.

Одат бўйича менинг хўжайинларим ҳар кун соат бирда ошларини ердилар. Шунинг учун мен кундуз соат ўнбирларда ошдошлардан қайсибирининг ош бериш навбати бўлса, унинг ҳужрасига бориб ошни ма'лум вақтда тайёр қилардим. Мен пиширадиган ош тўрт кишилик бўлиб, ошхўрларнинг тўртинчиси ўзим эдим.

Ошдошларнинг ҳаммалари йиғилгандан кейин, ошни бир лаганга сузиб, бир жойда ўтириб, биргалашиб ер эдик. Ундан кейин мен қозон-товоқни ювиб, йиғштириб, ҳужрани супуриб-сидириб, эртага ош учун керак бўлади-ган ўтинни ёриб тайёрлаб, ўз жойимга борардим.

Бухоро мадрасаларидаги ўзига тинч талабалар каби, менинг хўжайинларим ҳам ҳар кун палов ерлар, то бирорталари касал бўлмаса шўрва пиширтмаслар, та'тил кунларининг эрталари ба'зан қаймоқли чой ҳам пиширтирадилар.

Ҳафтада уч кун — эртаси дарсхона дарси бўлмайдиган — сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларида, менинг хўжайинларим, одатап кечалари чақчақлашиб ўтирардилар ва ошларини ҳам, кечаси соати 9—10 ларда ердилар. Бундай кечаларда, мен аввал оқшомдан уларнинг хизмат

ларига бориб чой тайёрлаб бериб, ошни тайин қилган вақтларида пиширардим.

Лекин уларнинг ўтиришлари (ўзлари уни чақ-чақ десалар ҳам) мени зериктирадиган гаплардан бўлак нарса эмас эди. Чунки уларнинг суҳбатлари кўпинча, менга дахли ва фойдаси бўлмаган, вақфлар, илмий мансаблар, у мансабларни «тўғри» ёки «нотўғри» эгаллаган мансабдорлар устида борарди. Мен Уста амаки ва Тўтапошшанинг суҳбатларини буларнинг чақчақларидан беҳроқ билардим.

Мен таҳсил (чоршанба, пайшанба ва жума) кунларида, навбат блан бу уччала хўжайиннинг кийим-кечакларини ҳам, ювиб берардим ва бу муносабат блан «кир ювишни ўрганиб қўй, бу ҳунар сенга мадрасада керак бўлади» деб, мени қизлар қаторида кир ювишга солган қишлоғимиздаги қизлар мактабининг отинибиси («Эски Мактаб»га қаралсин) эсимга келиб, унга раҳматлар ўқирдим. Чунки, агар мен кир ювишни билмасам, ошпазлик хизматидан чиқарилишим турган гап эди.

#### МИР АРАБ МАДРАСАСИДА УҚИГАН ДАРСЛАРИМ

Мен Мир Араб мадрасасида кунда уч дарс ўқирдим. Бу дарсларнинг икkitаси араб тилининг наҳвига оид «Қофия» ном китобчадан эди. Бухоро мадрасаларининг одатига кўра, юқорида айтилгани каби—«Қофия»нинг бошидан эмас, осонроқ ҳисобланган қуйироғидан ўқирдилар.

Лекин бу «тартиб» ғоят тартибсиз ва мантиқсиз эди. Чунки китобнинг аввалида, калиманинг та'рифи ва қисмлари баён қилинар ва унинг биринчи қисми бўлган «исм» устида тафсиллироқ тўхталарди. Ундан кейинги тўрт бобда, исмининг тўрт қисми ва китобнинг охиридаги икки бобда калиманинг қолган қисмлари — «фе'л» ва «ҳарф» зикр қилинарди. Аммо Бухоро мадрасаларининг «тартиби»га кўра, талаба калиманинг та'рифи ва унинг тақсимотини кўрмагани ва билмагани ҳолда, бошлаб унинг қисмларини ўқишга мажбур бўларди.

Ҳар нучукки бўлса, мен ҳам бу «тартиб»га бўйсундим — Қофиянинг қуйироғидан бир бобни ўз хўжайиним мулла Абдусаломнинг олдида ва яна ҳам қуйироқдаги бошқа бир бобни, мулла Абдусаломнинг қишлоқдоши бўлиб, Бадалбек мадрасасида турадиган мулла Бозорнинг олдида ўқишга киришдим.

Мулла Бозор, мадрасани янги тамом қилган бўлиб, ҳали бирор мадрасада мударрис бўлган эмас ва келажда бирор мадрасада мударрис бўлиш умидида ўзи турадиган ҳужрада талабаларни қабул қилиб дарс берарди. Мулла Абдусалом бўлса юқорида айтилгани каби, ҳали мадраса дарсларини хатм қилмаган бўлса ҳам, ўз дарсларидан бўшаган вақтларида, «Кўнгилли» сифатида ўз ҳужрасида истаган шогирдларни ўқитарди.

Мулла Авез деган бир хўжандлик мулла олдида диний масалаларга оид Мухтасари Виқоя китобидан дарс ўқишга киришдим.

Мулла Авез ҳам, мадраса дарсларини янги тамомлаган, ҳали бирор мадрасада мударрис бўлмаган киши эди. У жуда ҳам қашшоқ бир мулла бўлиб, Мир Араб мадрасасида мутавалли топиб берган бир эшиклик торгина ҳужрада турар ва ўша ерда дарс ҳам берарди. Унинг ҳужрасида, фақат икки нафар талаба ўтириб, дарс ўқийоларди. Шунинг учун мулла Авез айни бир дарсни ўқийдиган талабалари, икки нафарлик бирнеча гуруҳга бўлиб ўқитар ва бир дарсни нечабор такрорлаб айтишга мажбур бўларди.

Бу домланинг олдида бошда мен блан бирга ғиждувонлик талаба ўқирди. Сўнгра домла, қашшоқлиги сабабидан бир саҳҳофга шогирд бўлиб ишлайдиган ўз синглисини, ўғлини менга шерик қилиб, ғиждувонлик талабани бошқа бир гуруҳга қўшди.

Аммо домланинг жияни бўлган менинг янги шеригим пастзеҳн ва чаласавод эди. Шунинг учун домла, кунда ярим соат у блан машғул бўлиб, ўқилган дарсни унга тушунтиришни менга буюрди.

Бу иш менинг учун жуда қийин эди, чунки у бирор нарсани тушунмас ва тушунмоқни истамас ҳам эди. Аммо домланинг ўзи аввалги икки домлага кўра дарсни менга яхшироқ тушунтириб бергани сабабли мен унинг хотири учун бу оғирликни кўтарардим.

Бухоро мадрасаларида дарсларни ўзлаштириш тўғрисида ҳечким ҳечбир таклиф қилмас, фақат «дарсхона дарси» бўлмаган, бошланғич дарсларни тожикча таржимаси блан ёдлашни кунжаки домлалар тавсия этардилар. Шунингдек домлалар ҳужрада иссиққина сандал олдида ўтириб такрор қилиш ва дарс ёдлашни фойдасиз санарди-

лар: «такрор ўша вақт фойдали бўладики,— дер эдилар улар,— аёз кечаларда, усти очиқ жойларда ўтириб дарсни ёдласанг, агарки, қор устида ўтириб такрор қилсанг фойдаси жуда ҳам катта бўлади. Чунки бу илм йўлидир, илм йўлида қанча кўпроқ риёзат ва машаққат чексанг, фойдаси ўшанча кўпроқ бўлади».

Шунинг учун менинг у вақтлардаги вазифаларим, ўқиган дарсларимни тўти қуши каби ёдлаб олиш ва ҳар киши сўраса ўқиб бериш эди. Аммо ўқиган дарсларимнинг, ма'но ва мазмунларини ўзлаштиришни ҳечбир киши менга тавсия қилмас, бирор киши мендан сўрамас ва ўзим ҳам, бундай ишнинг кераклигини ўйламасдим.

Домлалар аёз кечаларда очиқ ҳавода ўтириб такрорлашни афзал билсалар ҳам, изғирин совуқларда ҳар талаба такрор вақтида усти ёпиқ бўлган мадраса миёнсаройидан жой олишга ҳаракат қилар, лекин уерда жойлашниш ҳарбир талабага насиб бўлмас. Ёши каттароқ ва кучлироқ талабалар, усти ёпиқ жойларни босиб олар ва мен каби янги ўқишга кирган ёшгина болаларнинг насибаси — кенг ва баланд бўлган мадрасанинг усти очиқ саҳни эди.

Биз ёш талабалар пишиқ ғишт ва мрамор тош ётқизилган мадрасанинг саҳни, лабига қатор бўлиб ўтириб, қорли кечаларда ўтирадиган жойимизнинг қорини енгимиз блан артиб, баланд овоз блан дарс такрорлардик.

У вақтларда мадраса талабаларида камзил ва шим кийиш одати йўқ эди. Шундай бўлса ҳам ўзига тинч талабалар устма-уст серпахта чопонларни ва қалин пайтава блан, маҳсини кийиб олиб ўзларини совуққотишдан сақлардилар, аммо мен каби кийими юпқа талабаларнинг ҳоли оғир эди.

Мен оддий юпқа кўйлак-лозим устидан бир қават чопон киярдим. Менинг маҳсим ҳам йўқ эди. Фақат, жайдари кўндан тикилган, нам ва сувни ўзига тортадиган ковуш кийиб юардим. Шундай бўлса ҳам, у вақтларда менинг ўпкам шамолламади, ревматизм ҳам бўлмадим, ҳатто тумов ҳам бўлмадим (бу — одатнинг та'сири эди). Фақат маҳсисизликдан кўп азоб чекардим. Чунки оёқларимнинг кафи ва пошнаси ёрилиб, қатқалоқланган шўр ердай бўлиб қоларди.

Бу ҳолда қор-ёмғирли кунларда кўчага чиқсам, ковушимнинг ичи сув блан тўлиб, оёғимнинг ёрилган жойла-

ридан, пичоқ блан тилинган каби қон сизилиб чиқар ва ёриқларга кирган муздай сувнинг та'сири блан яра, қиздирилган бигиз санчилгандай, чидаб бўлмаслик даражада оғрирди.

Бундай азобли дард учун менинг бирдан-бир давом жайдари шам эди: кечалари ётар вақтда шамни ёндириб, бошини оёғимнинг ёрилган жойларига қаратиб эгиб тутардим. Шамнинг ўз олови блан қизиган ёғи томчи-томчи ярага томиб, дарров унинг дардини секинлаштирар ва эртаси кун қор, ёмғир суви ҳам унга озроқ та'сир қиларди.

## МИР АРАБ МАДРАСАСИДА АДАБИЁТ БЛАН ШУҒУЛЛАНИШ

«...Бухоро мадрасаларининг дарс программаси» бобида айтганимиз каби Бухоро мадрасаларида адабиёт, дарс сифатида ўқилмас, лекин адабиётга ҳаваси бор кишилар, ўз билганларича бу иш блан шуғулланар эдилар. Аммо 300 нафардан кўпроқ талабаси ва «хатмкарда» мулласи бўлган Мир Араб мадрасасида, мен ше'р ва адабиёт тўғрисида гапирадиган бирор кишини ҳам кўрмадим. Акамнинг шерикларидан ёшдувонли мулла Ҳомид ва миркулоллик Зайниддин хўжа турли лирик ғазалларни ёдлаб олган бўлиб, у ғазалларни турли шашмақом ва халқ кўйларида айтардилар. Лекин бу ҳаваскор ҳофизлар у ғазалларнинг мазмунларига ва ше'рийтларига диққат қилмаганлари каби, уларнинг тингловчилари ҳам фақат уларнинг овозларидан ва мусиқавий ҳунарларидан завқланардилар, аммо улар ўқиган классик ғазалларнинг, ҳатто (эски ҳофизларга махсус бўлган) хато ўқишларига ҳам парвосиз қарардилар, чунки уларнинг ўзлари ҳам у ғазалларнинг хато ёки тузуклигининг фарқига бормасдилар.

Менинг хўжайинларим ҳужраларида бўлса, дарс китобларидан бошқа шайхларнинг маноқиб (таржимаи ҳол)ларига оид, ба'зи китоблар топилар, аммо адабиётдан бирор ғазал ҳам топилмасди.

Бу мадрасада мулла Абдулҳаким номли кўлоблик бир мулла бор эди. У китоб савдоси блан шуғулланар, ҳафтада уч кун — дам олиш кунларида у бирдаста китобни кўтариб, китоб бозорига бориб, тик туриб истаган харидорларга китобларидан сотар ва кўзига арзонроқ кўринган



китобларни сотиб оларди. У олиб сотадиган китобларнинг кўпчилиги қўл'ёзма бўлиб, ҳаммаси мадраса дарсларига оид китоблар эди.

У ҳаркун бозордан қайтганида, мадраса миёнсаройида ўтириб, ўша кун бозордан қўлга киргизган китобларини талаба ва муллаларга кўрсатар, китобларининг ҳарбирини савдогарлардек та'риф қилар, уларнинг хатларини муаллифга, ҳеч бўлмаса машҳурроқ бирор котибга (кўчириб олчига) нисбат берар, китобларнинг ҳошияларига ёзилган, тузук ўқиб бўлмайдиган «чалама-чатти» хатларга суяниб, китобнинг қандайдир бир машҳур олимнинг қўлидан ўтганлигини, у олимнинг бу китобнинг айрим масалаларига оид «қимматли» фикрларини исбот қилишга уринар ва «бу китобни эгаллаган талаба ҳечбир азоб чекмасдан бу фикрлар соясида китобнинг мазмун ва ма'ноларини ўзлаштирди» дер эди.

Талабалар ва муллалар унинг китобларини бир-бир кўздан кечирардилар, ўзларига керакли бирор китоб бўлса сотиб олардилар. Мен ҳам бирор баёз ёки девон олиш умидида, унинг китобларини бир-бир қараб чиқардим. Бир кун унинг китоблари орасидан бир китобнинг ичига қистирилиб қўйилган, бир ше'р китобчаси чиқиб қолди. Бу китобча тош босмада босилган бўлиб, унинг орқасидаги ёзувларидан, Ҳиндистон босмаси бўлгани ва номи «Маҳмуд ва Аёз» экани ма'лум бўлди.

— Бу китобчани неча пулга сотиб олдингиз?— деб китобфурушдан сўрадим.

— Бу китобча кераксиз бир нарса. Мен буни керакли бир китоб қаторида ноилож олдим. Чунки эгаси «бу китобларнинг иккаласини бир жойда сотаман» деди,— сўнгра китобфуруш бу китобчага қўшиб сотган китобни менга кўрсатиб.— Бу китобчани мана шу китоб блан бир жойда ўнгангага олдим. Сен ўникки танга бериб шу китобни ол, мен бу китобчани сенга бепул бераман.

У китоб «Шарҳи мулло»нинг шарҳи бўлган, Лорий Абдулғафурнинг ҳошияси эди. Мен у китобнинг уёқ, буёғини қараганимдан кейин:

— Бу китоб, яхши китоб экан, аммо ҳали менга керак эмас. Модомики, бу китобча сиз учун кераксиз экан, менга сотақолинг!— дедим.

— Бу китоб керак бўлган вақтида топилмайдиган бир нарса. Ҳозирча сенга керак бўлмаса ҳам, келаси йилда керак бўлади. У вақтда бундай китобни тополмай сарсон

бўласан. Менинг маслаҳатимга кир, шу вақт олиб қўй ва ўзинг қизиққан бу китобчани текин ол,— деди сотучи.

— Бу катта китобни сотиб олишга менинг пулим етмайди. Агар арзон қилиб берсангиз, шу китобчани оламан,— дедим.

Мулла Абдулҳаким у катта китобни менга сотишдан умиди узилгандан кейин:

— Хўп майлинг, бир танга бериб олақол!— деди.

— Ҳозир мен пул олиб келаман,— деб ҳужрамга қараб югурдим. Шошилганимдан ҳар икки поғонани бир қадамда босиб, икки узун ва кўп босқичли айланма зинадан, қандай қилиб ҳужрамга чиқиб олганимни билмай қолдим. У ерда қишлоқдан олиб келганим беш тангадан ҳали уч тангаси бор эди. Ундан бир тангасини олиб, яна шошила-шошила Миёнсаройга тушдим ва у тангани сотучига бериб, у китобчани ўзимники қилдим.

У кун Мир Араб мадрасасида, мен учун янги бир кун эди. У кун менга янги қутилмаган бир бахт келтирган эди. Мен китобчани қўлга олиб, яна шошила-шошила ҳужрага чиқиб, уни бошдан оёқ варақлаб, тузукроқ кўздан кечирдим. У китобча менинг назаримда жуда қимматли эди. Агар сотучи у китобчанинг мен учун бу қадар муҳимлигини билганда, пулимнинг ҳаммаси — уч танга (45 тийин)га ҳам сотмасди. У китобчани, ишсизликдан зериккан Ҳиндистоннинг қайсибир тожик шоири «байтбарак» усули блан ёзган экан, у китобчада араб алифбесининг ҳарбир ҳарфи учун бир ғазал бўлиб, ҳарбир ғазалдаги байтларнинг иккинчи мисраи қайси ҳарф блан тамом бўлса, биринчи мисраи ўша ҳарф блан бошланарди.

Бу китобчанинг мен учун шеърлар тўплами бўлишидан қатъий назар, яна аҳамияти шунда эдики, агар мен ундаги ғазалларни ёдлаб олсам «байтбарак»да ҳечбир киши мени енгаолмасди.

### МИР АРАБ МАДРАСАСИНИНГ АҲОЛИСИ

Бора-бора мен Мир Араб мадрасаси аҳолисининг аҳволи блан танишдим<sup>1</sup>. Бу мадрасадаги катта ёшлилар қачонлар мадраса дарсларини тамомлаган одамлар бўлсалар ҳам, ҳали ҳам мадрасада турардилар. Буларнинг бир қисми ўз сўзларига кўра «толе'сиз» бўлиб, бирор илмий

<sup>1</sup> Бухородаги бошқа мадрасалар аҳолисининг аҳволи ҳам, бу ерда тасвирланган Мир Араб мадрасаси аҳолисининг аҳволидек эди.

мансабга етишмаган, фақат ўз зархаридлари бўлган ҳужраларнинг вақфи блан тирикчилик қилардилар.

Ба'зилари «завворлик» (зиёратчилик) мансабига етишган бўлиб, улар ҳар кун навбат блан бирор мозорга бориб, уерда кўмилган авлиёнинг қабрини зиёрат қилиб келардилар ва бу хизматлари учун ҳар ойда амир хази-насидан 30 танга (тўрт ярим сўм) пул олардилар<sup>1</sup>.

Катта ёшдагиларнинг ба'зилари «салавотхон» эдилар. Улар пешин вақти подшоҳлик аркига (ўрдага) бориб, бирор соат ўтириб салавот ўқиб келардилар. Булар ҳам «хизматлари» учун подшоҳликдан, ойда 30 танга пул, бундан бошқа аркка борганларида битта нон ва бир ҳовуч қора майиз ҳам олардилар<sup>2</sup>.

Мадрасада турадиган катта ёшдагилар оиласиз бўлиб, улар ўз ҳужраларида турардилар, уларнинг маишатлари ҳужра вақти блан, агар мансабдор бўлсалар мансабларининг даромади блан та'минланарди. Аммо уларнинг ба'зилари ўз даромадларини бутун харажат қилмасдан ва зиқналик блан тирикчилик қилиб, пул тўплардилар. Мен биринчи йил ўша мадрасада турганимда муллалардан бири ўлди. Унинг ҳужрасидан ўнминг танга (1500 сўм) нақд пул ва кўпгина қимматбаҳо буюмлар чиқди. Ҳолбуки уни тирикчиликда қорни тўйиб овқат емаган деярдилар.

У мулла вориссиз бўлгани сабабли қозикалон бутун мол-мулкни подшоҳлик (мусодара) қилди ва кўмиш харажати учун 20 танга (уч сўм) берди.

Албатта у 20 танга кўмиш харажатиغا етмасди, мадраса аҳолиси ўзаро пул тўплаб, унга гўру кафан қилиб кўмдилар.

Бундай зиқналарнинг ба'зилари емай-ичмай, муҳтож бўлган талабаларга ва майда баққолларга ижарага пул қарз берардилар ва то ўлгунларича, қозикалон мусодара қилиши учун пул тўплардилар ва ўзлари кафангадо бўлиб кетардилар.

Булардан бошқа уйлик-жойлик ва оилалик муллалар бор эдиларки, уларнинг мадрасада ҳужралари бўлиб, ўз-

<sup>1</sup> Завворлар 30 нафар эдилар. Уларнинг ҳарбири бу «мансабга» қозикалоннинг арзи бўйича, амирнинг ёрлиғи блан тайин бўлардилар. Ҳар кун пешин вақти бир мозорга тўпланишиб борар ва зиёрат қилиб тарқалардилар.

<sup>2</sup> Салавотхонлар бирнеча гуруҳ (кундалик, пайшанбалик ва душанбалик) бўлиб, ҳарбир гуруҳ 30 нафардан бўларди.

лари унда турмасалар ҳам, та'тил кунларида кунда бир марта келиб кетардилар, ҳужраларида турадиган талабаларнинг зиёфатини ердилар, ҳужра савдоси ёки вақф ижараси бўлиб қолса ширинкома олардилар ва ҳечнарсга бўлмаса миёнсаройда ўтириб бировни ғийбат қилишардилар.

Мадраса аҳолисининг кўпчилиги талаба бўлиб, буларнинг кичик бир қисми ўзи сотиб олган ҳужрада турар, кўпчилиги турли йўллар билан бирор ҳужрани қўлга киргизган бўлиб, унда турардилар ва бугун ё бу ойлар у мадрасада турсалар, келажакда бу ердан кўчишга мажбур бўладиган, том ма'носи билан «дар-бадар»лар эдилар.

Ҳужрадорлар, айниқса катта ёшдаги ҳужрадорлар, буларга ҳақорат кўзи билан қарардилар ва «ориятнишин» (бировнинг ҳужрасида турадиган) деб, таҳқир қилардилар.

## МАҲДУМИ ГАВ ВА ПИРАК

Мир Араб мадрасасида икки ака-ука бор эди. Улар менинг диққатимни ўзларига тортган эдилар. Мен бора-бора улар билан таниш ва ошна бўлдим. Бу ака-укаларнинг каттаси Ма'сумхўжа бўлиб, лақаби «Маҳдуми гав» эди. Бу одамнинг бўйи ўртадан узунроқ бўлса ҳам, гавдасининг тўлиқ ва семизлигидан қисқа бўйлидай бўлиб кўринарди. Туси қорамтил, кўзи қора, катта ва ўтли, тўлиқ ва сергўшт бўлган юзининг қарийб ҳамма жойи дағал тукли, қора ва қуюқ соқол билан қопланган эди. Узун ва учи қайрилган киприклари, қуюқ тукли ва бир-бирови билан туташган — пайваста қошлари унинг қовоқ ва манглайларига ҳам, очиқ жой қолдирмаган эди. Унинг оёқ ва қўллари, тизза ва тирсақларигача — кўзга кўринадиган жойлари жингалак сочга ўхшаган, қора ва қуюқ туклар билан ўраб олинган эди.

Юқоридаги тасвирга кўра, анча баҳайбат кўринадиган бу одам, ўзининг юмшоқ муомаласи, очиқ чеҳраси, донмо кулимсираб турган дудоқлари ва ҳаминша меҳрибонлик нури сочаётган кўзлари билан ҳаркимнинг муҳаббатини ўзига тортмасдан қўймасди.

Ҳамма талабаларга, айниқса қашшоқ ва ориятнишинларга ҳурмат аралаш муҳаббат билан салом берар ва меҳрибончилик билан ҳол-аҳвол сўрарди. Мадрасадаги талабалардан бирортаси касал бўлса, касални албатта у бо-

қар, беморга чой, қайноқсув ва бошқа керакли нарсаларни тайёрлаб берар, ҳужрасини супурар ва кийим-кечагини юварди.

Бу одам ҳечвақт маҳси киймас, ковуш кийиб юрар, салла ўрамас, дўппи кияр, ёз кунларида бир қават қўйлак-лозим блан ва қиш кунларида, қўйлак устидан кийган пахтасиз авраостар бир қават чопон блан юраверарди.

Ҳақиқатда 25 ёшдан ошмаган бу йигит ўзининг сочи, соқоли, қадди-қомати ва гавдасига кўра 30 ёшдан ошгандай кўринарди. Аммо ўқийдиган дарсига кўра, уни 13—14 яшар тахмин қилиш мумкин эди. Чунки ўз сўзига кўра у «Қофияхон» бўлиб, мен блан дарси барабар эди.

Мен бу одамга, ҳўкиз ма'носида бўлган «гав» лақаб берилишни ҳеч хушламасдим, чунки унинг ташқи кўриниши учун жунли бароқ ҳўкизга ўхшаса ҳам, ахлоқи, одоби, ма'навий фазилатлари уни ҳарбир комил инсонга барабар қилиб кўтарган эди<sup>1</sup>.

Бу кишининг укаси «Пирак» деб номланарди. Аслда унинг номи «Пир» бўлса ҳам, гавдаси жуда кичик бўлганидан, калимага кичиклик аломати «ак» қўшиб—«Пирак» деганлар.

Пирак 15 яшар бўлса ҳам, унинг гавдаси ўн яшар бир болани кўзингиз олдига келтирарди. Бу боланинг бўйи қисқа, гавдаси ва юзи ингичка, кўзлари сарғиш ва нурсиз, киприклари калта, ранги узоқ давом этган оғир бир касалликдан янги турган каби ўчган бўлиб, а'зойи баданининг тузилиши ҳарбир жиҳатдан том ма'носи блан, акасининг тескараси эди.

Пиракнинг ўз сўзига кўра у дарсда акаси блан шерик бўлиб, отаси олдида Қофия ўқир экан. Аммо мен на уни ва на акасини, бошқа талабалар қаторида, кечалар мадраса саҳнига чиқиб дарс такрор қилганликларини кўрган эмасман.

Бу ака-укаларнинг оталари 80 яшар бир мулла бўлиб,

---

<sup>1</sup> Ҳозирги тожик тилида гов ва гав — ҳар иккиси ҳам ҳўкиз ма'носида ишлатилсада, қадимги тилда бундай эмас эди — қадимги тилда «гов» ҳўкиз ма'носида бўлиб, «гав» зўр ва кучли ма'носида ишлатиларди. Фирдавсий Шохномасида ҳам «гав» кучли паҳлавон ма'носида ишлатилган. Бухоро ва Самарқандда ҳозиргача фавқулудда кучли паҳлавонларга «гав» лақоби бериш (Маҳмуди гав, Муллашоҳи гав ва бошқалар), ажаб эмаски, эски ма'но асосида бўлиб, ҳозирги — ҳўкиз ма'носида бўлмаса. Чунки бу лақаб ҳарвақт ижобий оҳанг блан берилади.

уларнинг оналари ўлгандан кейин, етмиш яшарлигида ёш хотин олган ва бу ёш хотиндан ҳам уч боласи бўлиб, каттаси ўн яшар ва энг кичиги бир яшар эди (бу чолнинг кенжа боласи 79 яшарлигида туғилган эди).

Саксон яшар у чол ёш хотин ва ёш болалари блан Мир Араб мадрасасининг жанубидаги ўз ҳовлисида турар эди. У бир мадрасада мударрис бўлса ҳам, дарс айтмас ва мударрислик вақфини пенсиядай еб ётарди.

У чолнинг Мир Араб мадрасасида икки зархарид ҳужраси бўлиб, у ҳужраларни икки катта ўғилларига бериб, уларни ўз оиласидан ажратган ва бу ака-укалар у ҳужраларда туриб, уларнинг вақфи блан тирикчилик қилардилар.

## РУС ТИЛИНИ БИРИНЧИ МАРТА ЭШИТИШИМ

Ма'сумхўжа ва Пирак блан менинг танишлигим қуйидагича юз берган эди: одат бўйича мадраса аҳолисининг кўпчилиги, аср-шом орасида ҳаво олишга чиқардилар. Катта ёшдагилар мадрасанинг миёнсаройида — кириш йўлагига жойлашар ва кичиклар ташқи саҳнга чиқиб ўтирардилар. Бу ишни «фасли аср дам олиши» ёки қисқартиб «фасли аср» дер эдилар.

Бир фасли асрда менинг ўтирар жойим Пиракнинг ёнига тўғри келди. Ҳамиша бирор ше'рдан хабардор киши топиб, у блан байтбарак ўйнаш пайида юрганимдан, мен гап орасида Пиракдан:

— Сен бирор байт ёки ғазал биласанми? — деб сўрадим.

— Агар билсам нима бўларди? — деб, у менинг саволимга, савол блан жавоб берди.

— Агар байтни ёд билсанг, байтбарак ўйнардик, — дедим.

— Йўқ, мен байт-майт билмайман, — деди у ва мендан сўради:

— Сен байтни ёд биласанми?

— Мен бирнеча байтни ёдлаб олганман, — дедим. Менинг бу жавобимдан унинг юзида бироз уялиш, қизариш пайдо бўлди, бу қизариш айни ҳолда бирнав' болаларча рашкни ҳам ифода қиларди. У ўз бўйдошига, ўз ўйинчоқларини кўз-кўз қилиб кўрсатадиган ёш болалар каби, мағрурона бир оҳанг блан:

— Мен, сен билмайдиган бир нарсани биламан, — деди.

— У нима экан? — деб сўрадим, таажжубланиб. У мен билмайдиган кўп нарсаларни билиши мумкин эди. Брок мен билмаганлигимни у қайдан биларди. Менинг ажабланишим мана шунда эди.

— Мен урус тилини биламан! — деди у, ўша аввалги мағрурона оҳанг блан.

Унинг бу жавобидан менинг ажабланишим яна ҳам ортди. Унинг бу сўзига ишонгим келмасди. «Талабалари ўз она тилларини билмайдиган бир мадрасада, бунинг ўзи она тилида бирор байтни билмагани ҳолда, рус тилини қайдан билсин! Бекор гап» деб ўйладим. Шундай бўлса ҳам, қани нима дер экан деб, унга:

— Қани русча гапирчи! Рус тили қанақалигини эшитиб қолай, — дедим.

— Уруслар соятни «час» дейдилар, — деди.

— Яна нималарни биласан? — деб сўрадим.

— Яна бирнеча оғиз русча гапларни билардим. Эсимда йўқ. Бир қоғозга ёзиб қўйганман. Сен менинг ҳужрамга бир кирсанг, ўқиб бераман, — деди.

Мен яна ажабландим, чунки у вақтдаги Бухоро мадрасалари шароитида, бир талабанинг хат ёзишни билиши ҳам, ажабланурлик бир ҳодиса эди. Шунинг учун ундан:

— Сен хат ёзишни ҳам биласанми? — деб сўрадим.

— Мен хат ёзишни билмайман. Фақат урус тилига қизиққанлигимдан урусча гапларни бировнинг хатидан кўчириб олдим, — деди.

— У ким экан?

— Ҳужрамга кирсанг ҳаммасини билиб оласан, — деди у, ғолибона бир тарзда. Чунки у, мен билмаган нарсанинг билганини исбот қилаолган эди.

Мен ўша вақтнинг ўзидаёқ шомдан кейин Пиракнинг ҳужрасига кирдим. Унинг ҳужраси Мир Араб мадрасасининг ичкарасида, ғарби жанубий бурчагида эди. У ҳужра жуда ҳам тор бўлиб, икки киши зўрға сиғарди. Ҳужранинг ўртасида бир сандал қурилган, унинг бир бурчаги деворга, бир бурчаги пойгага етган бўлиб, қолган икки томонига икки одам рўпара ўтирарди. Пойганинг бир томонида қўл-бет юйдиган охурча (ташпов) бўлиб унинг остида бир тоғорача қўйилган. Ҳарвақт у тоғорача сувга тўлса ташқарига чиқарилиб тўкиларди. Пойганинг иккинчи томонида девор мағзида ўчоқ ва мўри бўлиб, унинг

остидаги чуқурга ўтин қўйиларди. Пойга томонидан одам ўтирадиган жойнинг ости камар қилиб кавланиб кўмир-хона қилинган эди.

Ҳужранинг палоси содда, лекин озода эди. Умуман ҳужра Бухоро мадрасаларининг у вақтдаги шароитида, бир талабага туриш жойи бўларлик эди.

Пирак мени ҳужра юзида рўпарасига — сандалнинг четига ўтқизди ва ҳечбир муқаддимасиз, ўзи ўтирган кўрпачанинг остидан бир қоғозни олди ва менинг қўлимга бериб:

— Уқиб кўр, урус тилини ўрганасан! — деди. У қоғоздаги ба'зи ҳарфлардан, у хатнинг арабча ҳарфлар блан ёзилганлиги билинарди. Лекин у ҳарфларни бир-бировига қўшиб, гап қилиб ўқиш мумкин эмасди.

— Бу хатни ўқиш мумкин эмас, — деб, қоғозни унинг олдига қўйдим ва:

— Ўзинг ўқиб бер! — дедим.

У, ўнг қўлининг иккинчи бармоғини у қоғоз устига нақшланган қоралар устига қўйиб, чап қўлининг тирсагини сандал устига тираб, чап қулоғини юзининг бир қисми блан ўша қўлининг панжасига суяб ва кўзларини диққат блан у қоғозга тикиб ўқишга киришди:

— Ана буниси «ледина»... ма'ниси «ях»... яна буниси «часи» ма'ниси «соат» дегани... ундан кейингиси «хлеб» буниси «нон»...

Ўқучи жим бўлиб қолди.

— Ҳаммаси шуми? — деб сўрадим.

— Ҳаммаси шу! — деб Пирак жавоб берди.

— Ундай бўлса сен у сўзларни «ана буниси...»ларинг-ни қўшмасдан битта-битта айт, мен эшитай!

Пирак бирнеча бор «ана буниси»ларини қўшмаса ҳам, «ундан кейингиси» ва «яна»ларини қўшиб ўқиди. Охирда менинг танбеҳ ва талқинларимга қулоқ солиб, ҳечбир нарса қўшмасдан, лекин эски мактаб шогирдлари каби бошини олдин, орқа томон қимирлатиб:

— «Ледина»... ях... «часи»... соат... «хлеб»... нон... — деди.

Мен унинг тилидан бу гапларни ўрганиб, ше'р ўқига-нимдай бурророқ қилиб:

— Ледина—ях, часи—соат, хлеб—нон, — дедим.

Суҳбатдошим, бу гапларни ёқимли бир оҳангда менинг тилимдан эшитгач, унинг юзида бирдан қувонч нури пайдо бўлиб, ҳаяжонланиб:



— Ибий! Бу «Нисобуссиб'ён»<sup>1</sup> бўлди-ку,— деди.

— Сен «Нисобуссиб'ён»ни биласанми? — деб ундан сўрадим.

— Мен ёшгина бола бўлган вақтимда, отам Нисобуссиб'ёндан менга бирнеча байт ёдлатган эдилар. Ҳозир эсимдан чиққан. Фақат бир байтини биламан,—деб қуйидаги мисра'ни ўқиди:

— «Само — осмон, арзу ғабро — замин».

Пирак яна сўзда давом қилиб айтди:

— Кел бир иш қилайлик: мен урусча гапларнинг тожикча таржимаси блан топиб берай. Сен урусча «Нисобуссиб'ён» яса! Хўпми?

— Хўп! Сен урусча гапларни қаердан топасан.

— Мулла Туроб бор-ку,— деди у (мадрасада мулла Туроб деган кишини мен билардим).

— Хўш?— дедим.

— У Самарқандга бориб келади. У ерда уруслар кўп экан. У, ўша ердаги уруслардан бирнеча гап эшитиб бир дафтарчага ма'ниси блан ёзиб олган экан. Мен ҳалиги гапларни унинг дафтарчасидан кўчириб олиб эдим. Унга айтаман, бугал Самарқандга борганида кўпроқ урусча гап топиб, ёзиб олиб келсин. Мен ундан кўчириб олиб сенга бераман.

— Жуда соз бўлади,— дедим.

Пирак бироз ўйлаб тургандан кейин, яна гапга киришди.

— Менинг урусча гаплар ёзиб олганимни бировга айтқўрма! Муллалар ёмон, эшитиб қолсалар одамни ҳафа қиладилар,— деди.

— Нега ҳафа қиладилар? — деб ажабланиб сўрадим.

— «Нега ҳафа қилганларини» улардан сўраш керак. Мен шуни биламанки, ўтган йил мулла Туробни шу иш устида ҳафа қилган эдилар.

— Қандай? — деб сўрадим.

— Қандайдир, муллалар мулла Туробнинг Самар-

---

<sup>1</sup> Бухорода «Нисобуссиб'ён» деган бир китобча бор эди. Унда арабча сўзлар, тожикча таржималари блан қаршима-қарши қўйилиб, турли вазнда назм қилинган ва ҳарбир парчанинг бошига у парча вазнининг, аруздаги номи ва «афойл»и ҳам назм қилиб қўйилган эди. Бу китобча, янги ўқишга кирган ёш талабаларга маълум нарсаларнинг арабча номини ўргатишга жуда фойдали эди. Шундай ҳам бўлса, у китобча Бухоро мактаб ва мадрасаларига дарс китоби қилиб киргизилмаган ва ба'зи хушсавад муллалар ўз фарзандларига у китобчани ёдлатардилар.

қандан, урусча гаплар ёзиб олиб келганини эшитганлар. Шунинг учун «урус бўлипти, уни мадрасадан ҳайдаш керак» деганлар. Броқ мулла Туроб ўзи сотиб олган ҳужрада турганидан, ўзлари уни мадрасадан чиқараолмаганлар ва бирнеча катта муллалар менинг отамни ҳам, ўзлари блан бирга олиб қозикалонга бориб, мулла Туробни мадрасадан ҳайдашни ундан сўраганлар. Броқ қозикалон қабул қилмаган. «Бир киши урусча гапларни ёзиб олган блан урус бўлмайди» деган Қозикалон, яна кўшимча қилиб: «урус подшоҳи — Оқподшоҳ жаноби олий (амир) блан дўст. Агар сизнинг бу гапларингизни амир ҳазратлари эшитсалар хафа бўладилар... бунақа гапларнинг орқасидан юрманглар! Замона нозик» деган.

Пирак бироз жим туриб яна:

— Мен бу гапларни отамдан эшитдим. Акам мулла Туроб блан ошно эди. Отам унга «бундан буён мулла Туроб блан борди-келди қилма» деб тайинладилар, — деди.

Мен бу суҳбатдан Пиракнинг ақли расо ва ҳарнарсани ўрганишга ҳавасли бўлганини пайқадим, шунинг учун мен унга:

— Оз-моз ше'р ўқиш блан ҳам машғул бўл! Одамга у ҳам керак бўлади, — дедим.

— Савтий мулла Ҳомид ва Зайниддан хўжалар акамнинг ҳужрасига кўп келардилар ва ғазал ўқирдилар. Мен улардан, менга ғазал ўқишни ўргатишларини сўрадим, — деди, Пирак менинг таклифимни қабул қилган бўлиб.

— Ғазал ўқиш ва ашула айтиш бошқа иш, бу ҳам одамга керак, — дедим унга, — аммо менинг мақсадим, баёзлардан, ғазал девонларидан ше'рларни тушуниб ўқиш ва кўнгилга ёққан байтларни ёдлаб олишдир.

— Бизда баёз ва бошқа ше'р китоблари йўқ. Мактабда ўқиш учун отам менга бир Хўжаҳофиз китобини топиб берган эдилар, мен мактабдан чиққангидан кейин, у китобни мендан олиб мактабда ўқийдиган укамга бердилар.

— Мен сенга бир ше'р китобчасини келтирсам ўқийсанми?

У қабул қилди ва бизнинг биринчи суҳбатимиз шу блан тамом бўлди.

Мен бир оқшом «Маҳмуд ва Аёз» китобчасини олиб, Пирак олдига кирдим. У, китобчани кўлига олиб бироз варақлаб, уён бу ёнига қарагандан кейин, уни менга қайтариб бериб:

— Мен бу китобни ўқиёлмайман ва хатини танитайман,— деди, ма'юслик блан ва: — агар ўзимнинг Хўжа-ҳофизим бўлсайди, эҳтимол ўқийолардим,— деди.

Мен унинг, у замондаги мактабни тамом қилган кўп болалар каби мактабдан «нуссахон» бўлиб чиққанини ва ўзи мактабда ўқимаган китоблардан бирор ҳарфни ҳам, танимаганлигини фаҳмладим ва унинг кўнглини кўтариш йўлида:

— Мен қандай ўқишни сенга кўрсатаман, уч-тўрт кунда ўзинг ўқийоладиган бўласан,— дедим.

Мен унга бу таклифни жуда эҳтиёткорлик блан қилдим.

— «Мен сенга ўқишни ўргатаман» демай, «...кўрсатаман» дедим. Чунки агар ўзимга ўргатучилик-муаллимлик сифатини берсам, иззати нафсига қаттиқ тегиб, ўқишдан бош тортиши мумкин эди. У менинг бу таклифимни хуш қабул қилиб қувонч блан:

— Хўп, ўқишни кўрсат,— деди.

Мен ўша кеча у китобчанинг бир ғазалидан тўрт байтини, аввал ўзим баланд овоз блан сўзларини бурро-бурро қилиб, бир-биридан ажратиб ўқидим. Сўнгра ўша байтларни бирнеча бор, унга айтдирдим. У ше'рнинг ибораларини яхши ўрганиб, ёдлаб олганидан кейин, ҳар-бир сўзни ва товушни у китобчадаги нақшлардан-ҳарфлардан қандай чиқишни унга бир-бир кўрсатдим.

Пирак бир кечалик машғулотда ўша тўрт байтнинг ҳарфлардан қандай чиқишини ўрганиб олди. Ундан кейин мен ҳарбир та'тил кечаси, хўжайинларимнинг хизматларидан бўшаганимдан сўнг, Пиракнинг олдига кириб «Маҳмуд ва Аёз» китобчаси устида машғулот олиб борардим.

У икки ойлик машғулотда, у китобчани бошдан оёқ ўқийдиган ва очиқ ёзилган ба'зи бошқа хатларни ҳам ўқийоладиган бўлди.

Ундан кейин Пиракни ўша китобча юзасидан хат ёзишга киритдим. Авваллари фақат нусхага қараб кўчирди, бора-бора нусхага қарамасдан ҳам ёзаоладиган бўлди. Шундай бўлиб, Пирак ўша қиш кўкламгача ишлаб, жуда пухта бўлмаса ҳам, хатлик-саводлик бўлди.

Бу орада мулла Туроб яна бир марта Самарқандга бориб келди. У, муллаларнинг ҳужумидан қўрқиб, русча сўзларни ёзиб олиб келтиришни тарк қилган бўлса ҳам, Пиракнинг илтимосига кўра, бу гал ҳам бирнеча сўзни

таржимаси блан бирга ёзиб келтирган экан. Пирак у луғатларни мулла Туроб дафтарчасидан, ўз хати блан ёзиб олиб менга берди. Мен ўқидим, қуйидагича эди:

«Снег — барф (қор), дожд — борон (ёмғир), душа — жон».

Пирак бу сўзларни ҳам «Нисобуссиб'ён» (назм) қилиб, аввалги «Нисобуссиб'ёнга» қўшишни мендан сўради.

Мен бу гапларни аруз вазнида назм қилиш тўғрисида фикр қилдим. Аввалги сўзлар ўзидан-ўзи назм бўлиб қолган бўлса ҳам, бу сўзлар осонлик блан назмга кирмади. Мен «снег — барф» сўзига бир «у» қўшишга ва охирги икки луғатнинг жойларини бир-бири блан олмаштиришга мажбур бўлдим. Натижада қуйидаги шаклга кирди.

«Снег — барфу, душа — жон, дожд — борон».

Бу мисра'ни аввалги мисра'га қўшганимда, қуйидагича бўлди:

«Ледина — ях, часи — соат, хлеб — нон»

«Снег — барфу, душа — жон, дожд — борон».

Мен бу мисра'ларни арузнинг ҳазажи мусаддаси мақсур вазнига «мафоилан, мафоилан, мафоил»га мувофиқ қилиб оҳанг блан ўқидим.

Пирак бу мисра'ларни эшитгач фавқулодда бир ҳаяжонга келиб, арча ўтини оловининг учқунидай ўрнидан сакраб туриб, шундай бир рақс қилдики, мен ҳайратда қолдим, — у а'зойи баданини музикавий ҳамоҳанглик блан титратар ва панжаларини бир-бировига қовуштириб, бармоқлари учларини бир-бировига суйкаб қарсиллатиб, гўё доира ва дўмбурак ўрнида ўз бармоқлари садоси блан, ўз рақсининг усулини сақларди.

Пирак рақс қилиб бўлгандан кейин, менинг ёнимга ўтириб, мени «Нисобуссиб'ён» «ше'рларим» блан табриклади. Мен ҳам уни моҳирона рақс қилиш блан таҳсинлаб мақтадим.

Пирак воситаси блан унинг акаси — Махдуми гав — Ма'сумхўжа блан ҳам таниш ва ҳолдон бўлдим.

## МУЛЛА ТУРОБ ВА МУЛЛА ҚАМАР

Мулла Туроб занданайилик бир деҳқоннинг бирдан-бир фарзанди эди. У ёшлигида ўз қишлоғидаги мактабда ўқиб чала савод бўлиб чиққан ва отаси тириклигида икки йил Бухоро мадрасаларида, дарбадар юриб ўқиб, ҳужрасизлик азобини чеккан. Шунинг учун ота-онаси ўл-

гандан кейин, улардан қолган барча мол-мулкени сотиб, ундан келган пулга, Мир Араб мадрасасидан бир ҳужра сотиб олиб, тинч яшашга киришган.

Мулла Туроб бир ёз фаслида самарқандлик шерик дарси блан Самарқанд саёҳатига бориб, у шаҳарнинг оби-ҳавосини ёқтирган ва ундан кейин Бухоро ҳавоси оғирлик қилган вақтларда, тез-тез Самарқандга бориб келадиган бўлган.

Мулла Туроб Самарқандга бориб келганда — поезд ичида ва Самарқанд янги шаҳрини тамоша қилиб юрганида, рус тилига эҳтиёж пайдо бўлганидан, ба'зи русча сўзларни тожикча таржимаси блан бир дафтарчага ёзабориб, ўзи учун бир луғатча тартиб қилган ва юқоридаги бобда айтилгани каби муллаларнинг унга русча сўзларни ёзиб олгани учун, ҳужум қилганлари сабабли бу ишни ташлаган. Аммо Самарқандга бориб келишини аввалгидай давом этдирган.

Мулла Туроб русча сўзларни ёзиб олишни тарк қилган ва рус тили тўғрисида ҳечбир гапирмай қўйган бўлса ҳам муллалар ҳужумидан қутилмаган эди. Қозикалоннинг унамаганлиги сабабли муллалар уни мадрасадан қуваолмаган бўлсалар ҳам, ҳарвақт унга гап отишдан ва уни таҳқир қилишдан тўхтамаган эдилар. Ҳарвақт у мадраса миёнсаройи (кириш йўлаги)дан ўтаберса «урус, урус» ва «афти ҳам урусга ўхшайди» каби бема'ни гапларни унга эшитдириб айтардилар (ҳолбуки мулла Туробнинг афти русларга сра ўхшамас эди, у қора тусли ва жингалак қора сочли, қора ва катта кўзли бўлиб, арабларга ўхшарди).

Бир вақт у Самарқанддан бир жуфт калош олиб келган экан, бир ёмғир куни уни кийиб чиқди. Муллалар юрганда оёқ товуши чиқармайдиган унинг бу пойафзални кўргач, уни ўғри деб тўхмат қилдилар. Уларнинг ақидасига кўра бунақа товуш чиқармайдиган пойафзални ҳовли эгасига ўзларининг босиб кирганларини билдирмаслик учун фақат ўғрилар кияр эканлар.

Мулла Туробнинг «ўғрилиқ» масаласи кўп вақт муллаларнинг эрмаги бўлиб қолди. Унинг «ўғрилиги» тўғрисида улар ҳаркун, янги-янги «ҳужжатлар» топиб чиқардилар. Уларнинг фикрича унинг Самарқандга қатнаши ҳам ўғрилиги учун экан, у Бухородан ўғирлаган моллари-

ни Самарқандга олиб бориб сотар ва у ердан ҳам молларни ўғирлаб олиб келиб, Бухорода сув қилармиш. У Мир Араб мадрасасидаги ҳужрасини ҳам ўғирлик молдан олган эмиш. Бўлмаса бирнеча йил дарбадар юрган оёқ-яланг бир талаба, бирдан Мир Араб мадрасаси каби катта мадрасанинг яккаравоқ ва чиройли бир ҳужрасига қандай қилиб эга бўлаолармиш. Бу эса ўғрилиқ қилмайдиган қашшоқ талабага муяссар бўлмайдиган бир иш эмиш.

Бу орада бошқа бир воқиа юз бериб, мулла Туробнинг товуш чиқармайдиган пойафзали ва ўғрилиқ масаласи унутилган бўлса ҳам, унинг Мир Араб мадрасасидан мажбуран кўчишига сабаб бўлди. Бу воқиа ҳам бир пойафзал устида юз берди. Лекин бу пойафзал садо чиқармаганлиги учун эмас, аксинча «ғарчиллаб» баланд садо чиқарганлиги учун катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ўша йил кўклам вақтларида мулла Туроб Самарқанддан бир дастаги чарм кавуш олиб кийиб, мадраса юзига чиқди. Бу кавуш кийиб юрганда «ғарч-ғарч» қилиб товуш чиқарарди.

Мулла Туробнинг садо чиқармайдиган пойафзалидан унинг «ўғрилигини» топиб чиқарган муллалар, энди ғарчиллайдиган пойафзалидан унинг ҳақида яна ҳам катгароқ бир айб тўқиб, уни бутунлай мадрасадан қувиш пайига тушдилар.

Муллалардан бири бу тўғрида бундай фикр юритди: у кавуш мусулмон дўзандасининг иши эмас, чунки мусулмон усталари кавушнинг дастагига охурчўп қўйиб тикадилар. Дастаги чармдан бўлган кавуш албатта урус устасининг иши. Эҳтимол уруслар худо ва пайғамбар номларини таҳқир қилмоқ учун бирор парча мисга ўйиб, ковуш тагчармининг мағзига қўйган бўлсалар. Урус бўлиб кетган мулла Туроб ҳам буни билатуриб бу кавушни олиб кийиб, муқаддас номларни таҳқир қилиб юрган бўлса керак.

Бу фикр кўпчилик муллаларга ма'қул тушган. Лекин бу тўғрида мулла Туробни гуноҳкор қилиш учун ўша худо ва пайғамбар номлари ўйиб ёзилган мис парчани у кавушнинг таг чарм мағзидан топиб чиқариш керак эди.

Ба'зи муллалар ўз шогирдларига буюриб, намоз вақтида мулла Туробнинг кавушини мачитдан олиб чиқиб,

унинг чокини сўкиб, мағзидаги миспарчани топиб чиқаришни маслаҳат кўрган.

Аммо бошқа ба'зилари бу тадбирни мувофиқ топмаганлар: «агар кавуш мағзидан муқаддас номлар чиқмаса ва бу ҳолдан хабардор бўлган мулла Туроб «менинг урусларга тиктириб олган кавушимни, урусларга душманлик юзасидан муллалар қасддан бузиб, нобуд қилдилар» деб қозикалонга арз қилса ва уруслардан қўрқиб қолган қозикалон бизни чақириб олиб бориб, койиса, биз учун яхши бўлмайди. Шунинг учун бу сирни очиш йўлида бошқа бирор чора топиш керак» деганлар.

Охирда маслаҳат шунга қарор топганки, ба'зибир талабаларни мулла Туроб блан «яқин дўст» қилдириб, уларнинг воситаси блан мулла Туробнинг ўзидан бу сирни билиб олсинлар.

Бу тадбир амалга оширилиб, мулла Туроб блан «дўст бўлган» талаба «уруслар бу кавушни ғарч-ғарч қилдириш учун остига нима қўйганлар?» деб ундан сўраганда, «ука бу кавушни урус усталари эмас, Қозондаги мусулмон усталар тикканлар. Аммо ғарч-ғарч қилиш сабабини билмайман» деган.

Бу жавоб муллаларга у кавушнинг ғарч-ғарч қилиш сирини топишга йўл очиб берган. Чунки у мадрасада Қозон тоторларидан мулла Қамар деган бир мулла турарди ва ундан бу «сирни» билиб олиш муллалар учун қийин эмас эди.

Мулла Қамар менинг кунжаки домлам ва хўжайиним бўлган мулла Абдусалом блан шерикдарс эди. Унинг таржимаи ҳолини яхши биладиган одамларнинг айтишларига кўра, Бухоро савдогарларидан Маҳмудхўжа деган бир киши савдо ишлари учун Қозонга борганида 16 яшар ёшбола бўлган мулла Қамарни ўзига «мирзо» (котиб) ва «маҳрам» қилиб, Бухорога олиб келган.

Мулла Қамар то ёши улғайиб соқол-мўйлов чиқаргунча у бойга «мирзолик» ва «маҳрамлик» қилган. Ундан кейин ўзи учун бошқа бир ёш «мирзо» ва «маҳрам» топган бой, уни хизматдан озод қилган. Лекин уни бутунлай кўчага ҳайдаб юбормасдан, мадрасада жойлашишга ва ўқишига ёрдам қилган. Аҳволдан хабардор одамларнинг сўзларига кўра мен мадрасага кирган вақтларда ҳам ўша бой мулла Қамарнинг маишатиغا ёрдам қилар экан.

Тотор талабалари ва муллалари мулло Қамарнинг шубҳали таржимаи ҳолидан орланиб, у блан алоқа қилмасдилар.

Мир Араб мадрасаси аҳолиси катталарининг ақидаларича Бухорода бирдан-бир «закундон», Россия ҳамда рус ва тоторларнинг аҳволини биладиган мулла Қамар эди. Шунинг учун руслар ва тоторларга оид ҳарбир масалани ундан сўрардилар ва шу жумладан Қозонда тикилган мулла Туроб кавушининг ғарчиллаш сирини ҳам ундан сўраганлар.

Мулла Қамар: «мулла Туроб кавушининг Қозонда тикилганлиги тўғри деган, броқ Қозонда тикилган ҳарбир кавушни, Қозон мусулмонлари — тоторларгина тикмайдилар, унда урус дўзандалари ҳам кўп. Тоторлар тиккан кавуш ғарчилламайди. Аммо руслар кавушнинг тағчарми мағзига чўчқа бурутининг қилини қўйганларидан, улар тиккан кавуш ғарчиллайди. Туркистон ва Бухоро аҳолиси бу ҳолдан хабарсиз бўлганлари сабабли «Қозонда тикилган кавушни мусулмонлар тиккан» деб фарқ қилмасдан олиб кияберадилар. Мулла Туроб кавуши ҳам рус усталари томонидан тикилган бўлиб, мағзига чўчқа бурути қистирилганлигидан ғарчиллайди».

«Донишманд» мулла Қамарнинг бу жавоби эшитилгач мадрасада шовқин-сурон қўзғолди:

— «Бу худобехабар — мулла Туроб, чўчқа бурути қистирилган кавушни олиб кийиб, мадрасани мурдор қилди».

— «Ахир бу саводсиз, чўчқанинг нажасулайн (айни нажосат) бўлганини билмайди».

— «Чўчқанинг нажасулайн бўлганини нега у билмасин? билади! Лекин ўзи уруспараст бўлгани сабабли, мусулмонларнинг муқаддас ва пок жойларини мурдор қилиш мақсадида, қасддан олиб келган»<sup>1</sup>...

Бахтсиз мулла Туроб муллаларнинг ўзини «кофирликка ҳукм қилишларидан» қўрқиб, жамоат намозидан қолмай, мачитга келарди. Бу жанжал қўзғолган кун, у

---

<sup>1</sup> Эҳтимол, ҳозирги замон китобхонлари бу сатрларни муболағали, ҳатто ёлғон санасалар, лекин XIX асрдаги Бухорода, бундай ҳоллар кунда юз берарди. Бунинг мисоли, ҳозирги замон Ҳиндистон мусулмонлари орасида воқеа бўлмоқда: Ҳиндистон мусулмонларининг ҳиндилардан ажралиб, алоҳида «ҳукумат қуриб», унинг номини «Покистон» қўйишлари — ҳиндиларни «кофир-мурдор» ва ўзларини «пок-мусулмон» санаганларидандир.



мачитда бўлган вақтда, устозлари томонидан обдон қиздирилган, ҳалиги муллаларнинг содиқ шогирдлари ғовур қилиб мачитга кириб, уни кавуши блан бирга кўтариб «сен мурдор, мурдор кавушинг блан мусулмонларнинг пок мачигларини мурдор қилмоқчисан» деб чиқариб, мадрасанинг ҳовлисига ташладилар.

Муллалар намоздан кейин миёнсаройга чиқиб ўтириб, ўз шогирдларининг бу ишини ма'қулладилар. «Аmmo бу оз. Мағзига нажасулайн қистирилган бундай кавушни, Амир Абдуллоҳи Яманий — Мир Араб қурган бир мадраса ва ҳужранинг ичида туриши тузук эмас, унинг жойи нажасотлар орасида бўлиши керак» дедилар ва: «сиз нодон болалар катга бир гуноҳ қилиб, нажасулайн бўлган нарсани қўлларингизга олгансизлар. Бундай мурдор нарсага қўл тегизмай оташкурак блан тутиш керак эди» деб қўйдилар.

Бундай тавсияни эшитган ҳалиги содиқ шогирдлар, ўз ҳужраларига бориб, оташкуракларини олиб, мулла Туробнинг ҳужрасига бостириб кирдилар ва ҳужрани тинтиб, яшириб қўйилган рус тили луғатчасини топиб, уни ҳам оташкурак блан олиб кавуш блан бирга, ҳужра эгасининг ечиб қўйган бир кўйлагига ўраб мадрасанинг халажойига ташладилар.

Бу аҳволдан қўрққан мулла Туроб, кечгача ҳужрасидан чиқмай ётди ва ўша кеча мадрасадан ғойиб бўлди.

Орадан бирнеча кун ўтгандан кейин ма'лум бўлганича, мулла Туроб мадрасадан қочгач, 15 минг танга турадиган ҳужрасини бир судхўрга 12 минг тангага сотган. Мадраса катталари ўз ҳузурларида бўлмаган бундай савдони қабул қилмадилар. Улар, ҳужрани бундан ҳам арзонроқ нархга ўзлари олмоқчи эди.

Лекин сотучи ва олучи ўзаро келишганларидан кейин, шундай эҳтимолни назарга олиб, қозихонага бориб васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳронани бериб, муҳр бостирганлар.

Катталар ҳужра савдоси васиқалангандан кейин ундан хабардор бўлиб, қозикалон олдида расмийлашган савдони қайтаришга йўл топмадилар, харидорлардан унадиган ширинкома пули ва «бур'ёкуби» зиёфатини ғанимат билиб, жим бўлдилар.

Айтишларича қозикалон олдида шар'ий васиқа блан расмийлаштирилган биринчи ҳужра савдоси, шу ҳужранинг савдоси экан. Ундан аввал ҳарбир мадраса ҳужра-

сининг савдоси, фақат ўша мадрасанинг катталари ҳузурида расмийлаштирилар экан.

Ўшандан кейин ҳарбир чагоқлик ҳужра савдоси қозикалон ҳузурида васиқа қилинадиган бўлди. Мир Араб мадрасасининг катталари, бу «бид'атнинг гуноҳини ҳам» мулла Туроб бўйнига юклардилар.

Шундай бўлиб, Пиракнинг рус тили ўрганияши ва менинг русча «Нисобуссиб'ён» ёзишим ҳам қолиб кетди (мулла Туробнинг фожиаги оқибати шу бўлим «Эсдаликлар»нинг кейинги бобларининг бирида ёзилади).

Шу қадар шовқин-сурон, жанжал ва фитналарга сабаб бўлган кавушнинг мағзида чўчқа бурути қилларининг борми ёки йўқми эканлиги у ердагиларнинг ҳечбирига маълум эмас эди. Мадраса аҳолиси у вақтгача чўчқанинг бурути тугил ўзини ҳам кўрмаган эдилар.

Аммо мулла Қамарнинг мулла Абдусалом олдида иқроп бўлганича, масаланинг ҳақиқати бошқача экани менга маълум:

Мулла Абдусалом ва унинг ошдошлари кўп ҳам фитна, фасодларнинг орқасидан юрмайдиган одамлар бўлганлари сабабли, мулла Туробнинг кавуш жанжалига қатнашмаган эдилар. Жанжал ёпилгандан кейин мулла Абдусалом масаланинг ҳақиқатини англашга қизиқиб, мулла Қамарни зиёфатга чақирди.

Зиёфат мажлисида мулла Абдусаломнинг ошдошлари ҳам бор эдилар. Ошпаз сифатида мен ҳам иштирок қилган эдим.

Мулла Абдусалом суҳбат орасида, гапни мулла Туробнинг кавуши устига келтириб, мулла Қамардан чўчқанинг бурути қанақа бўлишини ва ҳақиқатда ундай кавушлар мағзига чўчқа бурути қўйилиш, қўйилмаслигини сўради.

— Мен,— деди мулла Қамар жавобда,— 16 яшарлигимда Россиядан Бухорога келганман. Мен у томонларда чўчқани кўп кўрган бўлсам ҳам, унинг фарчиллайдиган қилли бурути бор ёки йўқлигига диққат қилмаганман. Фарчиллайдиган кавушнинг тағчарми мағзига, чўчқа бурути қистирилганини Бухорода илм тахсил қилган бир кекса тотор мулласидан эшитган эдим. Бухорода менинг собиқ хўжайиним — Маҳмудхўжа Қозондан келтирган шундай бир кавушни олиб кийганида, мен унга шу гапни

айтдим. Аммо у қабул қилмади, «бундай кавушнинг ғарчиллаши, тагчармининг спиртга ботириб, қотирганлигидан келади» деди.

Мулла Қамар ўз сўзини давом этдириб илова қилди:

— Шунинг ила барабар мулла Туроб кавушининг мурдорликка ҳукм қилиш учун менингча тагчармининг мағзига чўчқа бурути қистирганлиги ёки спиртга ботирилгани фарқсиздир, чунки спирт арақнинг жавҳари бўлиб, бу ҳам шарият юзасидан ҳаромдир. Муллалар менадан бу ҳодисани сўраганда, мен бундай кавушлар тўғрисидаги биринчи эшитганимни — тагчарми мағзига чўчқа бурути қистирилганлигини айтиб қўяқолдим. Чунки муллаларга бу гап тушунарли ва таъсирли бўлиб, спиртни ва унинг арақ жавҳари эканини тушунтириш қийин эди.

Мулла Қамар бир жим бўлиб кулимсираган ҳолда, яна давом этди:

— Мен бу ишдан зарар чекмадим, бир мурдор нарсани — спиртли кавушни, мадрасадан йўқотишга сабаб бўлиб, савобга дохил бўлдим, жанжални тамоша қилдим, мулла Туроб ҳужраси савдесининг зиёфатига қатнашиб, савдодан икки танга (30 тийин) ширинкома ҳам олдим. Ҳолбуки илгари, мени мадрасанинг ҳечбир ишига қатнаштирмас эдилар.

Мулла Қамар кейинги гапларини, хушчақчақлик оҳанги ва ҳазил аралаш бепарволик блан айтарди ва тингловчилар ҳам, унинг гапларини у вақтдаги мадраса чақчақлари қаторида завқланиб эшитардилар.

Аммо ҳечбир киши бу фитнадан, бахтсиз мулла Туробнинг бошига тушган фожиаларни ўйламасди.

Меънинг диққатимни ва таажжубимни ишнинг мана шу томони ўзига тортарди.

## А Ж О И Б О Д А М

Биркун аср ва шом орасида муллалар одатларича Мир Араб мадрасасининг миёнсаройида — кириш йўлагига ўтирган эдилар. Ташқаридан мадрасага қараб келаётган бир одам кўринди. Бу одам узун бўйли бўлиб, оддий одамлар кийганда ерга етадиган подшоҳлик банорас чопони унинг тиззасидан келарди. Бу кишининг гавдаси тўлиқ бўлганидан бўйининг узунлиги унча сезилмас ва биринчи қарашда, ўртабўйли одамлардай кўринарди. Бу кишининг бўйи ҳам бўйига яраша узун ва гавдасига мувофиқ тўла

эди. Лекин бу одамнинг боши одатдан ташқари катта бўлиб, бўйни тўла бўлгани ҳолда, ундай катта бошни кўтараолмаганидан бўлса керак, йўл юрганда уён-буёнга эгиларди.

Бу одамнинг туси буғдойранг бўлиб, юзи тўла ва силлиқ эди ва ёшини олтмишдан ошган тахмин қилиш мумкин бўлгани ҳолда юзида кўзга кўринарли ажинлар сезилмасди. Соқоли ўргача ва қисқароқ бўлиб, оқ туклари қорасидан кўпроқ кўринарди.

Бу кишининг қўлида русча ҳасса — палка бор эди. Палкалар одатда ўрта бўйли одамларни назарга олиб ясалганларидан, у палка бўйи узун бўлган одамга бирмунча қисқалик қилар ва у йўл юрганда бўйи палка туган қўли томонга қараб бироз эгиларди. Бу одам саллона-саллона виқор блан қадам босиб, мадраса дарвозасидан кирганда, миёнсаройда ўтирган мадраса катталари жойларидан туриб, қўл қовиштириб та'зим блан у одамга салом бердилар.

Броқ у одам салом берганларнинг томонига қарамади ва саломга, жавоб ҳам бермади, фақат боши бироз қимирлаб қўйди. Лекин бошининг қимирлаши уларнинг саломига жавоб ишоратими ёки оғирлигидан одати бўйича ўзидан ўзи қимирладими, билиб бўлмасди.

У одам миёнсаройдан ўтиб мадраса ичкарасига кириб кетгач, муллалар ўз жойларига ўтириб, у одамни ғийбат қилабошладилар:

— Бу киши ҳужрада тун бўйи девлар, парилар, ажиналари ва шайтонлари блан суҳбатлашиб, улардан эшитган гапларини ўз шогирдларига айтиб, уларни ҳам ўзидай йўлдан чиқариш учун яна мадрасага келди,— деди у ердагилардан бири.

— У «офтоб ва ойнинг қайси кун ва қайси соатларда тутилишини мен биламан ва олдиндан хабар бераоламан» дер эмиш,— деди бошқа бириси.

— Ҳаҳҳаҳ, ҳаҳҳаҳ, ҳаҳҳаҳ (умумий кулги),— умумий кулги босилмасданоқ яна бириси деди:

— Ғайбни билиш-ку, ёлғиз худога махсус эди. Бу динсиз ғайбдан хабар беришни да'во қилиб, ўзини худога шерик қилиптида.

— Наузу билло, бу худобехабар биргина кофир бўлиб қолмай. Намруд, Фир'авн ва Шаддодлар каби худодлик да'восини ҳам қилади,— деб бошқа бириси қўшимча қилди.

— Мен амир, вазир ва қозикалонларнинг қилиқларига ҳайронман,— деди бошқа бириси,— бир одамни фарзайни билмагани учун, 39 дарра урдилар ва бировни солиқ тўламаганлиги сабабли ўлдирадилар. Аммо очиқдан-очиқ куфр гапларни гапириб, худодик да'во қилиб юрган бу одамга индамайдилар. Ҳатто унга уламолар қаторида кийиб фахр қилиб юриш учун банорас тўн ҳам берадилар.

Гап амиру қозикалонлар устига келгач суҳбат бошқача тус олди — тингловчиларни қандайдир нома'лум бир оғирлик босиб, лаблари кулгидан тўхтади, катгаларнинг башараларида аввалги жўшқин ҳаяжондан асар қолмади, умумий жимжитлик бошланди...

Охирда бир кекса мулла, у жимжитликни бузиб, гапга киришди:

— «Салоҳи мамлакату мулк хисравон донанд» деганлари жуда тўғри,— деди у ва ҳаммадан кейин гапирган «нотиққа» қараб давом этди,— сиз «фарзайинни билмаганларни 39 дарра урдилар» дедингиз. Бу ишнинг қаери ажабланурлик? Бу иш шариятга хилофми? Агар нодонларни урмасалар, сал вақтда дин қўлдан кетади. Дини исломни пойдор сақлаган, ана шу раисларнинг дарралари ва жаноби олийнинг қиличларидир. Агар булар бўлмасайди, бу нодонларнинг барчаси бир кунда йўлдан озиб, динсиз бўлиб кетарди. «Хирс мулла мешавад аз зарби чўб» [таёқ зарбидан айиқ ҳам мулла бўлади] деганлар...

Нотиқ бироз жим бўлиб нафасини ростлаб олгандан кейин, яна давом этди:

— Агар жаноби олий итоатсизлик қилиб, солиқ тўламаганларни жазоламасаларди, амирнинг ҳам, вазирнинг ҳам, қозикалоннинг ҳам ва улар қаторида биз ва сизнинг ҳам, кунларимиз гадойликка тушиб қоларди...

Гапиручи бир жим бўлиб яна давом этди:

— Энди амир, вазир ва қозикалонларнинг бу динсизга индамаганлари устига келайлик: бу кофирга уларнинг жазо бермай, ўз ҳолича қўйганлари, мамлакатнинг салоҳи, осойишталиги учундир. Жаноби олий урус подшоҳи блан дўстдирлар. Бу кофирнинг таянчи бўлса уруслардир. Бу йўлдан озган, уруслар мамлакатига бирнечабор сафар қилган. Айтишларига кўра, уруслар подшоҳи блан суҳбатдош бўлиб, насоро динини қабул этган. Агар жаноби олий бу динсизга бирор жазо берсалар, урус подшоҳининг ранжишига сабаб бўлади ва у вақтда мамлакатга

бирор зиён, зарар етиши мумкин. Шу қадар уруслар қаторида қўйинг, бу кофир ҳам ўз оёғи блан жаҳаннамга боргунча тирик юраберсин.

Мен, бу чол мулланинг юқоридаги гапларидан, у одамга, қўлида русча ҳасса (палка) тутиб юрса ҳам, мулла Туробнинг калоши ва кавушига ўшанча шовқин-сурон кўтарган муллаларнинг индамаганлари сабабини англадим, броқ шу муллаларнинг у одамга шу қадар ҳурмат блан салом беришларининг сабабини тушунмас эдим: Модомики у одам, муллаларнинг ақидаларича шу қадар ёмон одам экан, унинг юзида ўша муллаларнинг ўзлари нега уни бу қадар ҳурмат қилар эканлар? Менинг у вақтдаги фикримча, бу тушуниб бўлмайдиган бир муаммо эди.

Лекин бу «муаммо» ва у одамнинг муллаларнинг салом ва ҳурматларига, керагича жавоб бермай уларнинг олдидан киборларча ўтиб кетишининг сабаби ҳам кейинча очилди ва бу тўғрида шу бобнинг охирида изоҳ берилади.

Мен текшириб суриштириб кўрганимдан кейин, бир даража у одамнинг аҳволига воқиф бўлдим: у ажойиб одамнинг номи Аҳмад маҳдум, унинг адабий тахаллуси Дониш, илмий тахаллуси муҳандис (ҳандасадон)лик ва мунажжимлик (юлдузшунослик) экан. У одамнинг боши ҳаддан ортиқ катта бўлганидан, унга «калла» лақаб берган эканлар. Одамлар уни «Аҳмад маҳдум», «Аҳмад маҳдуми дониш», «Аҳмад маҳдуми муҳандис», «Аҳмад маҳдуми мунажжим» ёки бутунлай қисқартиб «Аҳмад калла» деб юритар эканлар. Аммо ўзини ҳазил блан «Аҳмади порина» (ўтган йилги Аҳмад) дер ва «одамлар мени не десалар десинлар» «Мен ҳамон Аҳмади поринаки будам, ҳастам» (Мен ўша бултурги Аҳмадманки ҳозир ҳам ўшаман) дер экан.

Аҳмад маҳдум асосан ўзининг Жа'фархўжа гузари (маҳалласи)даги ҳовлисида турар ва унинг Мир Араб мадрасасида бир ҳужраси бўлиб, унда куёви турарди.

Аҳмад маҳдум одатан уйида кўп воқи' бўладиган одамларнинг суҳбатидан зерикса ва ёлғиз ўтириб, бирор илмий масала устида фикр юритмоқчи бўлса, мадрасага бир кечага келиб, унда тунаб, эртасига яна ўзининг доимий турар жойига — ҳовлисига борарди.

Бир воқиа юз бериб, мен Аҳмад маҳдумнинг овозини эшитдим ва у воқиа воситаси ила унинг ўз замонига кўра буюк донишманд эканига ақида пайдо қилдим.

Ҳозир аниғи эсимда йўқ, ўша йилми эди ёки бошқа бир йилми эди Дониш одати бўйича асру шом орасида мадрасага кириб келди. Миёнсаройдаги муллалар ҳам, одатлари бўйича жойларидан туриб, унга та'зим ва ҳурмат блан салом бердилар. У бу гал ҳам муллаларнинг саломларига очиқ жавоб бермади, броқ уларга қарамасдан, ўз-ўзига гапиргандай қилиб ва тили тутила-тутила (унинг тили бироз тутиларди ва ҳарбир сўзнинг, биринчи ҳарфини, такрорлаб гапирарди):

— Бу кеча фалон соат ва фалон минутда ой тутилади, фалон минут давом қилади, сўнгра очилабошлайди, фалон соатда ва фалон минутда бутунлай очилади. Ҳарбир киши табиатнинг бу ҳодисасини тамоша қилмоқчи бўлса, ма'лум соатда мадраса томига чиқса, буни ўз кўзи блан кўради,— деди-да, ўтиб кетди.

Аҳмад маҳдум мадрасага кириб кетганидан кейин, муллалар орасида, унинг ҳақида одатдаги гийбатлар бошланди. Мен аввалларда муллаларнинг шикоятларига алданиб, унинг ҳақида шубҳада бўлсам ҳам, бу гал уларнинг гапларини муҳокамасиз эшитаолмадим. Чунки у кун ундан эшитганим да'волар қизиқ эди: у вақтгача мен одамлардан «ой, гуноҳ шумлигидан тутилади» деб эшитган эдим. Агар бу кеча у айтган гаплар тўғри чиқса, бу унинг буюк олимлигига далолат қиларди. Одамлар уни «мунажжим», я'ни юлдузлар юзидан фол кўрадиган деб билардилар. Агар унинг бу гаплари тўғри чиқса, унинг ҳақиқий мунажжимлиги, я'ни юлдузшунослиги ма'лум бўларди. Мен бу гал муллаларнинг, унинг ҳақидаги шиква-шикоятларидан, унга ва унинг билимига нисбатан бирнав' рашк, ҳасад пайқадим. Ҳар ҳолда тоқатсизлик блан бўлса ҳам кечани ва ма'лум соатни кутиш керак эди.

Кеча келди. Ма'лум соатда талаба ва муллаларнинг кўпчиликлари мадрасанинг томига чиқдилар. Мен ҳам биринчилар қаторида томга чиқдим. Томга ҳаммадан олдин Аҳмад маҳдум чиққан экан. У, мадраса томининг жануби-шарқий бурчагида ўз ҳужраси устига ўзи қурган текис бир супа устига патли гиламча-ёзиб ўтирган эди. Унинг рўпарасида куёви ўтирарди. Унинг олдида, ичида катта бир жойдари шам ёнаётган бир фонус (фонар) бор

эди. Унинг чўнтак соати ҳам шам' еруғи остида очиб кўйилган эди.

Аҳмад маҳдумнинг тиззаси олдида, ҳисоб рақамлари ёзилган, бирнеча варақ қоғоз турарди. У қоғоздаги рақамларнинг ба'зилари қизил сиёҳ блан ёзилган бўлиб, устларига қорачизиқлар чизилган эди. Рақамларнинг йўллари қаторида ва қоғознинг ҳошияси (чети)да, ма'носи менга ма'лум бўлмаган икки ҳарфлик, уч ҳарфлик калималар кўринарди.

Аҳмад маҳдум диққат блан у рақамларни кўздан кечиран, ба'зан соатга қараб ундан кейин, тўлнн ой нур сочаётган ғуборсиз, соф, кўмкўк осмонга қарарди...

Бир вақт тили тутила-тутила одамларга хитоб қилиб, аммо уларга қарамасдан:

— О... осмонга бо... боқинглар! — деди у.

Ҳамма осмонга қарарди, ой тутилабошлаган эди. Бора-бора ойнинг тутилган жойи кенгроқ бўлди. Бу вақтда шаҳар аҳолисига ойнинг тутилгани ма'лум бўлиб, кўчаларда миршаб одамлари (шабгардлар — полициячилар) ўз довулларини хавф-хатар ҳавосида, тинмай чалабошладилар. Ҳовлилардан ҳам чалинган ла'ли (баркаш)ларнинг мис қозон ва челақларнинг садоси, ҳаяжон ичида тартибсиз равишда чалинган мис жом ва тосларнинг жаранг-журунглари эшитилаберди. Бирнеча минутда шаҳар ваҳималик дамбир-думбур ва жангир-жунгур овози блан тўлиб, кишининг юрагига даҳшат солабошлади.

Мен ўз қишлоғимизда ҳам ой тутилган чоқларда қоқилган мис идишларининг садосини эшитган эдим. Аммо қишлоқдаги шовқин-сурон, унда аҳоли оз бўлгани сабабли паст ва бўш эди. Броқ Бухоро шаҳаридаги мингларча ҳовлилардан ва кўчалардаги юзларча довуллардан, бирдан чиқаётган тартибсиз, ваҳимали ва ёқимсиз садолар кишининг асабларини бузиб, ҳаяжонга келтирарди.

Бундай садоларнинг эшитилиши блан, Аҳмад маҳдумнинг лабларида истеҳзо аломати — кулимсираш пайдо бўлди ва у гўё ўзининг кулимсирашини изоҳлаш йўлида ўз-ўзига:

— «Вақти етишгач, ойнинг ўзи очилади. Бундай ла'ли чалишларга ва челақ қоқишларга эҳтиёж йўқ, — деди ва одамларга хитобан қўшимча қилди, — фалон минутдан кейин бутунлай очилади.

Ҳақиқатда ҳам Аҳмад маҳдум айтган минутда ойнинг



юзи очилабошлаб, у белгилаган вақтда ойнинг юзида ҳечбир тутилиш нишонаси қолмай, бутунлай очилди.

Ҳаммадан аввал Аҳмад маҳдум куёви блан томдан тушди. Бошқалар унинг ҳақида бирмунча гапиргандан кейин тушабошладилар.

Бу гал ғайбатчиларнинг мавзу'лари: Аҳмад маҳдумнинг «жодугарлиги» ва «сеҳрбозлиги» эди. Уларнинг гапига кўра томда, Аҳмад маҳдумнинг олдида турган қоғоздаги рақамлар ва ма'носи нома'лум ҳарфлар «тасхир» дуоси эмиш. Бундай дуоларга машғуллик қилиб, нисобига еткизган киши жинларни, девларни, париларни, ҳатто шайтонларни ҳам тасхир қилиб, ўз ҳукмига киргизиб олар эмиш ва у «руҳони маҳлуқлар» тахсир қилучига ғайбдан хабар берар эмишлар. Лекин шариат юзасидан сеҳр ва жоду блан шуғулланиш тузук эмас экан. Шундай бўлатуриб, Аҳмад маҳдум каби, ба'зи йўлдан озганлар сеҳр ва жоду блан машғул бўлиб ғайбдан хабар бериб, бошқаларни ҳам йўлдан оздирар эмишлар.

Мен ўша ой тутилган кечанинг эртасига дарс вақтида кеча ой тутилган вақтда томга чиқмаган ўз кунжаки домлам — мулла Абдусаломдан:

— Аҳмад маҳдум, ой тутилишини қандай қилиб, олдиндан билган? — деб сўрадим.

У жавоб берди:

— Ғайбдан хабар беручилар, икки турли бўладилар: биричиси — вали, иккинчиси қоҳин (фолбин). Вали ҳар нарсани ғайбдан хабар берганда, худонинг илҳоми ва малоикаларнинг талқини блан хабар беради. Одамнинг бу даражага эришиши жуда қийин, бундай даражани топиш учун, инсоннинг пири комил раҳбарлигида неча йиллар риёзат чекиши керак. Валининг ғайбдан хабар беришини шариат тилида «кашфу каромат» дейдилар. Броқ валилар худо ҳикматларининг сирини сақлаш учун ғайб хабарларини ҳечбир кишига айтмайдилар:

Қоҳин (фолбин) ғайбдан хабар берганда ажина ва париларнинг талқинлари юзасидан хабар беради. Ажина ва парилар бўлсалар «латиф жисм» (кўзга кўринмайдиган нозик жисм) бўлганлари сабабли «арвоҳ оламига» учиб бориб, малоикаларга яқинлашиб, улар ўзаро гаплашганда ғайб хабарларини ўғирлаб олалар ва ўзларини тасхир қилган қоҳинларга хабар бералар. Қоҳинларнинг

гайбдан хабар беришларини шариат тилида «истидрож» дейдилар ва бундай ишнинг кофирлардан содир бўлиши ҳам мумкиндир. Коҳинлар, одамларни йўлдан оздириш учун, жинлардан эшитган хабарларини ҳаркимга айтабералар. Аҳмади калла ҳам коҳинлар жумласидан бўлиб, ой тутилиши тўғрисидаги хабарларни, ўз ажиналаридан эшитиб олдиндан хабар берган.

Домлам бироз ўйлаб туриб, жиддийроқ оҳанг блан илова қилди:

— Аҳмади калла ҳам бошқа коҳинлар каби шайтоннинг дўстидир ва унинг гапларига қулоқ солиб, ишонган одам ҳам, йўлдан озиб шайтоннинг дўсти бўлади.

Бу ерда яна бир воқиани айтиб ўтиш керак. Бу воқиянинг жойи бу ерда бўлмай, тарих жиҳатидан анча кейинроқ юз берган бўлса ҳам, юқоридаги воқиага — ой тутилиши, Аҳмад маҳдумнинг уни олдиндан хабар бериши ва домламнинг бу ҳодисага оид, юқоридаги гапларига яқиндан алоқадор бўлгани учун, шу ерда ёзиб ўтишни муносиб кўрдим.

Юқоридаги воқиядан икки йил ўтгандан кейин, мен мазкур домлам олдида, мантиққа оид «Шамсня» ном китобчадан, дарс олиб юрганымда бир дарсда бир мисол чиқиб қолди. Бу мисолда ой блан офтоб орасига ер кирган чоқда, ойнинг тутилиши лозим бўлгани кўрсатилган эди.

Домлам бу масалани менга ҳай'ат фанида бўлгани каби, шарҳлаб тушунтирди.

Бу муносабат блан Аҳмад маҳдумнинг ой тутилишини олдиндан хабар бергани эсимга келиб, домламга:

— Афтидан Аҳмад маҳдум ҳам, офтоб, ер ва ойнинг вазиятини ҳисобга олиб ва қайси вақтда ернинг офтоб блан ой орасига киришини аниқлаб, ой тутилишини олдиндан хабар берган экан ва унинг олдида бўлган қоғоздаги ҳисоб рақамлари ҳам шу масалага оид бўлса керак, — дедим.

Менинг бу гапларимни эшитгач домламнинг манглайи бурншди, қошлари чимирилди ва шу ҳолатда бошини эгиб бироз жим тургандан кейин, менга қарамасдан гапга киришди:

— Шамсня китобининг муаллифи хукамо жумласидандир. Хукамонинг шариат блан ҳечбир алоқаси йўқ ва ақлларига нимаки келса айтабералар. Ҳақиқатда улар

шайтоннинг шогирдлари ва Аҳмад калла бўлса уларнинг шогирдидир. Буларнинг ҳаммалари йўлдан озган кишилар. Буларнинг айтганларини, кўп текшириб, суриштириб юриш ҳам тузук эмас, — деди.

Мен мантиқ дари муаллимининг бу гапларида мантиқсизлик сездим ва ўзимча: «Шамсия китобининг муаллифи, ҳукамодан бўлиб ва ҳукамолар йўлдан озган одамлар бўлсалар ва уларнинг айтганлари ҳақида гапириш тўғри бўлмаса, бас не учун бу китоб бирнеча асрдан бери ислом оламининг ва шу жумладан Бухоронинг мадрасаларида дарс китоби бўлиб келмоқда. Ҳатто ҳозирнинг ўзида ҳам «тўғри йўлни топган (йўлдан озмаган) домланинг ўзи ҳам менга шу китобдан дарс бераётир» деб ўйладим.

Мен у вақтгача домламни, мулла Туробга бўлган ҳужумларга қатнашмаганидан ва миёнсарой ғийбатларига қўшилмаганидан ақлли одам деб ўйлардим. Аммо, у кун унинг ҳам бошқа жоҳил ва мутаассиб муллалардан фарқсизлигини билиб, афсусландим.

#### АХМАД МАҲДУМНИНГ ҲОВЛИСИДА

Мир Араб мадрасасида турганим биринчи йилнинг ёз бошида, Аҳмад маҳдумнинг ҳовлисини кўриш менга мурасар бўлди. Бу хушбахтлик, менга хўжайинларимнинг тут ейишга ҳавас қилганлари туфайли юз берди. Мен ошларини пишириб берадиган муллалар тут пишган кунларда бирор жойга бориб тут ейишни орзу қилдилар. Уларнинг шерикдарсларидан, мулла Муҳиддин номли лаввоҳ (лавҳқунандаи китоб) ўша кун менинг домлам— мулла Абдусаломнинг ҳужрасига келган эди. У ўз касби — лаввоҳлик сабабидан, бу ишнинг мутахассиси бўлган Аҳмад маҳдум блан алоқалик ва ўз сан'атининг нозиклигини ундан ўрганиб турар экан.

У шерикдарсларига, Аҳмад маҳдумнинг ҳовлисига бориб тут ейишни таклиф қилди. Унинг айтишига кўра Аҳмад маҳдумнинг ҳовлиси боғчалик бўлиб, унда янги ҳосилга кирган ва меваси лаззатли ёш тут дарахтлари ҳам бор экан.

— Агар бормоқчи бўлсангизлар, мен сизларни бошлаб бораман, — деди мулла Муҳиддин.

Бу таклифни менинг хўжайинларим хурсандлик блан қабул қилдилар. Бу вақтда Аҳмад маҳдумнинг «бид'аткорлиги, динсизлиги ва шайтоннинг дўсти бўлгани» ҳеч-

қайсиларининг эсига келмади ва унинг бундай «ёмон ҳислатлари» уйига бориб тутини ейишга тўсқинлик қилмади.

Муллалар мени ва яна бирнеча ёш талабани тут қоқиш ва чойшаб тутиш учун ўзлари блан бирга олдилар.

Биз Мир Араб мадрасаси саҳнининг шимол томондаги босқичидан катта кўчага тушиб, шарқ томонга бурилдик ва ўша кўча блан Заргарон тоқи остидан, Заргарлик растасидан, Улуғбек Мирзо мадрасаси олдидан ўтиб, Дегрезон, Химчагарон, Қалобод ва бошқа маҳаллалар орқали, Жа'фархўжа маҳалласига етдик.

Жа'фархўжа маҳалласининг шарқ томондаги охиридан жанубга қараб, ўнг қўлга — бошиберк бир торкўчага бурилдик. Бу кўчанинг узунлиги тахминан эллик қадам бўлиб, охирида чиройлик бир дарвозача бор эди. Бударвозача Аҳмад маҳдум ҳовлисининг кириш эшиги экан.

Биз дарвозачадан кирдик. Дарвоза олдидан жанубга қаратиб, тик бир йўлак тортилган бўлиб, унинг икки томонидан икки ариқча қазилган эди, йўлакнинг усти балик сиртидай қилинганидан, ёмғир ёққан вақтларда сув йўлак устида тўхтаб қолмай, икки томондаги ариқчага оқиб тушадиган бўлганди.

Ариқчалар бўйида, ҳар бирнеча қадамда икки томондан бир-бирига рўпара қилиб, қатор устунчалар ўтқазилган ва устунчалар устидан бўлак, бўйи шийпан шаклида, узум сўриси тортилган эди. Сўри ҳавозаси остидаги устунчаларнинг ҳарбири ёнида—ариқчалар бўйида бир беҳ ток ўтқазилган бўлиб, тоklarнинг занги устунчалар орқали ҳавоза устига чиқарилган ва унда ток занги, новдалар ёзиб ва новдалар зумрад каби барглар очиб, сўри устини бутун қоплаб олган эдилар.

Узум сўриси йўлагининг икки томонида турли мевали дарахтлар ҳандаса усулида, жадваллар блан шахмат шаклида, ўтқазилган эди.

Узум сўриси остидаги йўлак бориб чиройлик бир айвончага ёндашган бўлиб, у айвончанинг устига бир айвончалик болохона қурилган эди, у болохона ва айвончада ўтирган киши боғчанинг барча жойи блан бирга кириш эшиги олдидаги торкўчани ҳам, катта кўчани ҳам кўриб турарди. Йўлак охиридаги айвончанинг шарқ томонида ва унга туташтириб узун ҳам баланд бир шийпон қурилган ва бу шийпоннинг устунлари саккиз қиррали бўлиб, остки қисми ҳандалак шаклида тўғарак қилиб тарошлан-

ган эди. Устунларнинг остки қисми хандалакка ўхшаш сарғимтил бўёқ блан ва юқори қисми бодирингга ўхшаш яшил бўёқ блан бўялган эди. Шийпоннинг шифги ёй шаклида бўлиб, томи балиқ сирти каби ёмғир турмайдиган қилиб ёпилган эди.

Остки айвончанинг ғарб томонида ва унга ёндаштириб бир баланд ва узун супа тортилган бўлиб, супанинг узунлиги ва эни шийпон блан баравар эди.

Айвончанинг шимол томони боғчага қараб очиқ бўлгани каби, унинг шарқ ва ғарб томонлари ҳам, шийпон ва супага қараб очиқ эди. Жануб томони деворли бўлиб, деворда йўлакка ўхшаган узун бир хонага очиладиган эшик бор эди ва у хонага ўхшаган усти ёпиқ йўлак, қишлоқ уйлар биносига бориб туташарди.

Қишлоқ бинонинг бир томони ичкари — хотинларга махсус бўлиб, бошқа бир томони эркаклар учун меҳмонхона эди.

Бу йўлакка ўхшаган хона ёки хонага ўхшаган йўлакнинг ҳар икки томони — шийпон ва супа блан қишлоқ бинонинг ораси гулзор бўлиб, унда турли-туман ранг-баранг гуллар очилиб ётарди.

Мулла Муҳиддиннинг айтишига кўра бу боғча ва бинонинг лойиҳасини Аҳмад маҳдумнинг ўзи чизган бўлиб, бино ва боғчани қуришда ҳам ўзи бевосита қатнашган эди. У муҳандис (ҳандасадон) бўлгани сабабли ўз ҳунарининг нозиклигини бу бино ва боғчага татбиқ қилган экан.

Аҳмад маҳдумнинг хизматчиси бизни сўри йўлагининг охирида қарши олиб, супа ва шийпон орасидаги остки айвончага киргизиб, унинг тўридаги бир босқич блан болохонага олиб чиқди.

Бу болохона ва унинг олдидаги айвонча, остки айвонча блан унинг ёнидаги хонага ўхшатиб йўлак устига бино қилинган экан. Болохона деворларига ер юзи хариталари, янги ва эски дунёнинг мусаттаҳа курралари ёпиштирилган бўлиб, икки тўгарак курсича устида ер ва осмоннинг мужассама курралари турарди.

Албатта мен у вақтларда на харитани билардим ва на куррани, шунингдек у асбобларнинг нимага хизмат қилишларини ҳам билмасдим. Брок мулла Муҳиддин у нарсалар тўғрисида шерикдарсларига узундан-узоқ малумот берди, мен ҳам улар қаторида у нарсаларнинг нима эканини билиб олдим.

Муллалар бу асбобларни Аҳмад маҳдумни масхара қилиш воситаси қилдилар. Улардан бири айтарди:

‘ Ер юзини ким қаричлаб чиққанки, унинг суратини — шаҳарлар, биёбонлар, тоғлар, даралар, кўллар ва дар’ёлар блан бир-бир чизиб кўрсата олсин. Бекор гап! Бундай нарсаларни бир ёлғончи ёки бирнеча ёлғончи ясаб ва одамларни алдаб пул тўплаш учун босмахонада бостириб чиқарганлар.

— Аҳмади калла, — деди бошқа бириси, — ўзини Бухоро аҳолисининг ҳаммасидан билимдонроқ ва ақллироқ санайди. Броқ у ҳаммадан бурунроқ бу ёлғонга ишониб, буларни сотиб олиб, меҳмонхонасининг тўрига жойлаштирган ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ...

— Дун’ёда бундан ҳам ортиқроқ аҳмоқона иш бўлармикин деб, — бошқа бириси қўшимча қилди.

Муллаларга, мулла Муҳиддин Аҳмад маҳдум тилидан, ернинг ҳаракатини ва унинг ба’зан ой блан офтоб орасига киришини ҳикоя қилганда, уларда Донишнинг «кофирлиги» тўғрисида ҳечбир шаку шубҳа қолмади ва уни бемалол, динсизликка ҳукм қилабердилар.

Болохонанинг тоқчаларида доира, танбур, дутор ва рубоб каби музикӣ асбоблари бор эди. Муллалар, бу нарсаларни зайтун ўйинларининг асбоби деб санадилар. Уларча у асбоблар Аҳмад маҳдумнинг бид’аткорлигига далолат қилар эмиш.

Уларнинг бу гаплари менга, жуда ёш бўлсам ҳам, кулгили кўринарди. Чунки қишлоқда ҳарвақт бирор ҳовлида базм бўлса отам мени кўтариб олиб борарди ва унда куйлаш ҳамда чалишларга диққат блан қулоқ соларди. Ашулачиларни, чолғучиларни ва раққосларни баланд овоз блан:

— Офарин, балли, баракатоп, ўлма, яша! — деб олқишларди. Отамни у замонадаги одамларнинг ақлдиларидан билганим учун, мен ҳам унга эргашиб музика асбобларини яхши нарсалар ва базмни яхши иш деб билардим. Шунинг учун бу нарсаларнинг Аҳмад маҳдум уйида туришини, муллаларнинг уни ёмон ишлардан санаганлари менга ма’қул бўлмасди.

Бундан бошқа мен отам блан биринчи марта Бухорога келганимда Мир Араб мадрасаси блан катта жоме’ орасида подшолик базми давом этаётганди, бу мадрасанинг бутун аҳолиси, у базмни тамоша қилмоқда эдилар. Бу муллалар ўша вақтда, нега ўз мадрасаларининг аҳо-

лиси олдида, базм ва музика асбобларининг бид'атлигини исбот қилиб, уларни у тамошадан сақлаб қолмадилар? Бугун бу нарсаларнинг Аҳмад маҳдум уйда бўлиши, нега унинг бид'аткорлик ва гуноҳкорлик аломати бўлади? Мен ўзимча шундай мулоҳазалар қилиб, муллаларнинг у гапларини ғаразғўйлик, мантиқсизлик ва кулгили деб билардим.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, менинг у вақтларда Аҳмад маҳдумга бўлган муҳаббатим, унинг фазилатларидан ва яхши ҳислатларидан хабардор бўлганим учун бўлмай, унинг душманларининг мантиқсиз ҳужумлари менинг содда ва соф кўнглимга акс та'сир этиши натижаси эди. Чунки мен у вақтда ва у ёшимда, Аҳмад маҳдумнинг маслак ва мақсадларидан хабардор эмас эдим, ундай мақсад ва маслакларнинг яхшилигини ҳам билмасдим. Ўзимни ўраб олган унинг душманлари муҳиtida бўлганим учун ҳатто унинг «ҳислатлари» тўғрисида шубҳада эдим.

Ўй эгасининг хизматчиси чақирилмаган бу меҳмонларга дастурхон ёзди ва чой келтирди. Бизнинг чойшаб тутиб, тут қоқишимизга ҳам эҳтиёж қолмади. Чунки хизматчи икки ла'ли (баркаш) тут келтириб дастурхонга кўйди ва узр оҳанги блан:

— Эшон (Аҳмад маҳдум)<sup>1</sup> бироз хаста бўлганлари сабабли сизнинг олдингизга чиқолмадилар. Узр сўрайдилар, — деди-да, чиқиб кетди.

Хизматчи босқичдан тушиб кетгандан кейин, мулла Муҳиддин:

— Аҳмад маҳдумнинг касаллиги ясама бўлса керак, — деди.

— Қайдан биласиз? — деб мулла Абдусалом сўради.

— Унинг одатидан биламан, — деди мулла Муҳиддин ва изоҳ беришга киришди, — одати бўйича у шу болохонада ўтиради. Келучиларни катта кўчадан, ўзининг торкўчасига бурилганларидаёқ кўради. Агар келучи ёки келучилар ўзига ёқмайдиган одамлар бўлсалар, у босқичдан тушиб, остки айвончадаги эшикдан бошқа хонага ўтиб, ўзини касалликка солиб ётади. Эҳтимол сизларни ҳам, ёқтирмай тушиб қочган бўлса.

— Нега бизни ёқтирмас экан? — деди Қорибегги. — Биз, у каби йўлдан озган одамлармизми?

<sup>1</sup> Бухорода ёши улғойган катта муллаларни «эшон» дейиш одат эди.

— Мен сизни ёки уни йўлдан озган демайман, — деди мулла Муҳиддин, — броқ шуни биламанки, сизлар блан унинг ораларингизда сув блан ўт орасидаги каби зиддият бор. Сув ўтқи ёқтирмагани каби ўт ҳам сувни ёқтирмайди. Модомики сизлар уни ёмон кўрасизлар, ундан ўзларингизга нисбатан муҳаббат ва меҳрибонлик талаб қилиш нотўғри ва мантиқсизлик бўларди. Менинг домлам мулла Абдусалом гапга қўшилиб:

— Аҳмад маҳдум аслда кибрли ва ғурурли одам, у ҳечбир кишини назарига илмайди. Ҳолбуки худо кибру ғурурни шайтоннинг сифатларидан санаган, — деди.

— Қандай далил блан сиз Аҳмад маҳдумни кибрли санайсиз? — деб сўради мулла Муҳиддин домламдан.

— Аҳмад маҳдум мадрасага кириб борганда, мадраса катталарининг уни ҳурмат қилиб, ўринларидан туриб салом берганларини ва унинг саломга жавоб қайтармай ўтиб кетганини бирнеча бор кўрганман. Бу, кибр бўлмаса нима бўларди? — деди домлам.

— Жойларидан туриб Аҳмад маҳдумга «ҳурмат» блан салом берадиган мадраса катталари, — деди мулла Муҳиддин, — ўшандаёқ ўз кўнгилларида уни ҳақорат қилдилар ва у ўтиб кетгандан кейин бўлса, очиқдап-очиқ ғийбатга киришиб, уни «бид'аткор», «кофир», яна билмайман нималар дейдилар. Буни сиз ҳам инкор қилмайсиз.

— «Кофир» деганларининг ма'ниси нима? — деб мулла Муҳиддин ўз суҳбатдошларига савол бериб, ўзи жавобга киришди:

— Бировни «кофир» дейиш, — деди у, — Бухорода жорий бўлган қонунга кўра «ўлдиргули-ўлдиришга лойиқ» дейишдир. Аҳмад маҳдум ўз фаросати блан буни билади ва муллаларнинг ўзига зоҳиран қилган ҳурмат ва та'зимларининг мунофиқлик эканини тушунади ва ўзи бўлса, мунофиқлик қилишни истамайди, шунинг учун ўз кўнглидаги нарсани очиб кўрсатади ва уларнинг саломларига жавоб бермайди. Чунки агар уларнинг салом ва ҳурматларига яраша жавоб қайтарса, у ҳам мунофиқлик қилган бўлар эди...

Бу орада хизматчи, устига қиздирилган сариқ мой қуйилган бир товоқ (лаган) сутгурунчни олиб чиқиб, дастурхон юзига қўйиб кетди.

Мулла Муҳиддин хизматчи келиши блан узилиб қолган гапини, у қайтиб кетгач давом қилдирди.

— Мен бирнеча марта Аҳмад маҳдумнинг «мунофиқ-



лик инсоннинг энг ёмон ҳислатларидан биридир. Мен ўзимни ўлимга бераман, броқ мунофиқлик қилмайман» деганини эшитганман. Лекин биз ва сиз (мулла Муҳиддин суҳбатдошларининг оғирлашган «юкларини» енгиллатиш учун ўзини уларга қўшиб давом этди) мунофиқлик қилишга одатланганмиз, шунинг учун бу сифатнинг ёмонлиги кўзимизга кўринмайди. Ҳақиқатда эса «дил бошқаю, тил бошқа бўлиш, энг ёмон ҳислатдир»...

Муллалар шошилиб ош емоқда эдилар, ошга аралаштириб қўлга олинган мойнинг, панжалари орасидан дастурхонга томганига ҳам аҳамият бермасдилар. Мулла Қосим оғзидаги ошни чайнаб тургани ҳолда, мулла Муҳиддиндан сўради:

— Сизнинг фикрингизча кибрлилик мунофиқликдан яхшироқми?

— Мен кибрли бўлиш яхши демадим, — деди мулла Муҳиддин жавобда, — такрор айтаманки, Аҳмад маҳдум кибрли эмас. Унинг муллаларнинг саломларига жавоб қайтармагани, катталик қилишдан бўлмай, мунофиқликни ёмон кўрганидандир. Ҳақиқатда у жуда камтар бўлиб, саводсиз оддий одамлар блан улфатлик қилади. Ҳар йил бир марта қишлоқларда саёҳат қилиб, оддий деҳқонлар блан, қардошларча суҳбатдош бўлади...

Ҳаммадан илгари ошдан қўл тортган мулла Абдусалом қўлини артатуриб деди:

— Хўп фараз қилайликки, Аҳмад маҳдум кибрли эмас ва у «мунофиқликни ёмон кўради», броқ у арабларнинг «душманинг бўлса ҳам, меҳмонингни сийла-ҳурмат қил» деган гапларини эшитмаганми? Ёки биз унинг душманларидан ҳам ёмонроқмизми? Биз унга меҳмон бўлиб келганимиз ҳолда, у бизни ҳурматлаб олдимизга чиқмади.

Мулла Муҳиддин жавоб берди:

— Бизнинг ўзидан шиква ва ғийбат қилаётганимизни билатуриб, олдимизга дастурхон, чой, нон, тут, ва ош юбориши, биз каби чақирилмаган меҳмонлар учун катта ҳурматдир. Бу шундай ҳурматки, буни фақат Аҳмад маҳдум каби кўнгли кенг одам қилаолади...

Биз Аҳмад маҳдумнинг уйдан тўлган қоринлар блан чиқиб, аста-секин қадам босиб йўналдик. Ҳовлиси Қалобод маҳалласида бўлган мулла Муҳиддин, у ерга етгач қолди. Хўжайинларим Мир Араб мадрасасига келгунча

хам Аҳмад маҳдум ҳақидаги шиква-шикоятларни давом қилдирдилар. Энди улар эркинлик блан гапирардилар. Чунки энди ораларида Аҳмад маҳдумга тарафдорлик қилиб, гапларига халал берадиган мулла Муҳиддин йўқ эди.

Мен бўлсам мулла Муҳиддин тўғрисида ўйлардим: У шерикдарслари орасида «нодонлик ва фаҳмсизлик» блан шуҳрат топган эди. Ҳатто унинг баъзи дарсдошлари унга «шерик, сиз ўқиб нима қиласиз? Барибир, тузук мулла бўлаолмайсиз. Мақсад бир бурда нон бўлса шу лавҳу жадвал ва қил қаламдан ҳам топасиз» дер эдилар.

У кулиб жавоб берарди: «подадан ажралиб қолган бузоқни бўри ейди. Шунинг учун мен ҳўкизлик даражасига етолмасам ҳам, ўзимни сақлаб қолай деб пода орасида юришни афзал биламан».

Броқ, мен унинг, ўша кун бирга бўлган ўз шерикларининг ҳаммасидан ва шу жумладан, ўз домламдан ҳам, ақллироқ эканини кўрдим ва сездим.

1890—91-нчи таҳсил йили тугади. Шу блан бирга акамнинг озиқ-овқати ҳам тугади. У бирор жойда имом бўлиш ёки мактабдорлик қилиш учун қишлоққа чиқмоқчи бўлди. Унинг каркилик бир шерикдарси бор эди, у акамни ўзи блан бирга туркман саҳросига олиб бормоқчи бўлди:

— У томонларда сизни бирор ўбада мактабдор қилман, — деди.

— Мен туркман тили нари турсин, ўзбекчани ҳам яхши билмайман. Бу ҳолда тожикчани билмайдиган туркман болаларини қандай қилиб ўқитаоламан, — деди акам.

— Туркман ўбасида мактабдорлик қилиш учун туркман тилини билиш ҳам керак эмас, бирор нарсани ўқиши ё ўргатиши ҳам керак эмас, — деди туркман муллasi ва изоҳ берди, — туркман бойлари ном чиқариш учунгина мактабдор сақлайдилар. Улар учун «фалончи бой ўз ўбасида мактабдор сақлапти» десалар етарли. Туркман ўбасида мактабдорлик қилабилиш учун туркман эшонлари блан келишаолиш кифоя. Туркман эли ўлик ва тиригининг эгаси эшонлардир. Туркман эшонлари ҳам мурид овлайдилар, ҳам имоматчилик қиладилар, яъни туркманларнинг никоҳ ва жаноза маросимларини бажарадилар. Броқ мактабдорлик қилмайдилар, чунки уларнинг кўпчи-

лиги саводсиздирлар. Лекин мактабдорлик қилмаганларини халққа мактабдорлик «паст» ишлигини ва ўз ша'нларига муносиб эмаслигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Шунинг ила баравар ўзларини ҳурмат қиладиган, ҳам олдиларида, ҳам орқаларида халққа ўзларини мақтайдиган мактабдорга ёрдам берадилар ва уни халқ кўзига жуда ўткир олим қилиб кўрсатадилар. Броқ ўзларига ёқмаган мактабдорни «бу нодон ҳечнарсани билмайди» деб обдон тинкасини қуритадилар.

Акам туркман эшонлари блан мадора қилмоқчи бўлиб, шерикдарси блан ҳамал ойининг бошларида — мартининг охирида туркман саҳросига жўнади.

Мен ўз хўжайинларим блан ҳаво жуда иссиқ бўлгунча Бухорода турдим. Хўжайинлар қишлоққа чиқмоқчи бўлганларида — тут пишиғининг охирларида мен ҳам улар блан бирга қишлоққа жўнадим.

### Қ И Ш Л О Қ Д А   С А Е Х А Т

Мен ўзимнинг домлам ва асосий хўжайиним мулла Абдусалом блан бирга бориб, унинг қишлоғи бўлган Маҳаллага тушдим ва уердан Маҳаллайиболо қишлоғига — бобомнинг уйига бордим.

Мени у ерда катта бир мусибат қарши олди: менинг севгили укам — Киромиддин ўша қиш ўлган экан. Лекин тоғаларим бизни таҳсил вақтида ҳам, кулфатга солмаслик учун бу хабарни ўз вақтида етказмаган эканлар.

Катта укам — Сирожиддиннинг аҳволи ҳам яхши эмас эди, у аслда ориқ, камгўшт ва касалсимон, ранги ўчган эди. У қиш рўзғорлари тангликка тушган бобом ва бувим уйда, унинг аҳволи яна ҳам ёмонроқ бўлган эди.

Бобом оиласининг кун кечириши илгарига қараганда анча ёмонлашган эди: эрталаб бир ҳовуч мошни бир кафт оқ жухарининг уни блан бир қозон сувга солиб қайнатиб, унинг номини «мошова» қўйиб, ҳарқайсилари бир косадан ичардилар, пешин вақтида оқ жухори ундан ёпилган зоғорани совуқ сувга ивитиб ердилар ва кечқурун иккибош пиёздан бир қозон пиёва пишириб ичардилар ёки эрталабкидек мошова қайнатардилар. Етмиш ёшга тўлган бувим, ўлган болаларининг доғи ва тирнликнинг танглиги та'сири блан ўрнидан қимирлайолмайдиган бўлган ва ёшн саксондан ошган бобом ҳам, ўз хотинидан тетикроқ кўринмасди.

Деҳқончилик блан фақат бир тоғам машғул эди. Мен

унинг аҳволига диққат қилдим: у кечқурун даладан келарди, онасининг олдига кириб, ўзи учун қўйилган явғонни ерди ва ўрнидан туриб ота-онага ёшдан тўлган кўзи блан бир боқарди-да, ҳечбир кишига бирор оғиз гапирмай, ўз уйига бориб ётарди ва эрта блан яна онаси олдига кириб «мошлик иссиқ сув» дан бир коса ичарди ва бир дона зоғорани қўйнига солиб, ҳечбир кишига ҳечнарсa демасдан далага кетарди.

Бувимнинг айтишига кўра «худо Равшанниёзни фақат меҳнат учун яратган» эди. У айтарди:

— Бизнинг турмушимиз унча ёмон бўлмаган илгариги йилларда ҳам, Равшанниёз ҳечбир кишига ҳечнарсa демасдан ва ўзи учун бирор нарсa талаб қилмасдан ишларди. Лекин у вақтларда бу даражада қайғига ботган эмасди ва умидсиз кўринмасди. Кейинги йилларда бизнинг тирикчилигимиз ёмонлашди: вабо йилида деҳқончиликдан ҳечнарсa унмади. Ўтган йил бирмунча ҳосил етишган бўлса ҳам, бизга уч ботмон (24 пуд мошдан ва беш ботмон 40 пуд) оқ жухоридан бошқа нарсa тегмади. Абдурахимбойдан қарзга олинган уруғликни, хирмон бошида икки баравар қилиб бердик, ер солиғини ва вақф даҳ'ягини уйлари куйгур, амлакдор блан ижарадор икки баравар қилиб олдилар, я'ни вабо йилида ердан унмаган ҳосилнинг солиғини ҳам, ўтган йилгига қўшиб биздан ундирдилар. Ана шундан кейин, Равшанниёзнинг аҳволи шу даражада ёмонлашдики, мен унинг узоқ яшайолишини умид қилаолмайман.

Ҳаммаларидан кичик бўлган Ниёзхон тоғам чўпонлик қиларди. У ўз отаси ва акалари қўйлари қаторида, бошқа одамлардан боқишга олган бир сурук қўйни боқарди. Унинг умри қишин ёзин кўпинча қизил қум чўлида ўтарди.

Катта онамнинг гапига кўра, қўйлари вабо йили қаралмай ориқ қолиб, қишда бирмунчаси ўлган, ўтган кўк-лама — тул вақтида қўйларнинг туёғини тўлдириш учун қўзилари сўйилмаган (Қоракўл қўйларнинг қўзиларини туғилган кунларидаёқ териси учун сўядилар). Шунинг учун чорвадан даромад бўлмаган. Одамлардан олинган чўпонлик ҳақи ва қўйларнинг юнги, вабо йили ўлган қўйларнинг закоти учун подшоликка берилган (амир вақтида ўлган, сотилган ва нобуд бўлган қўйлар учун ҳам чорвадорлардан бир-икки йил закот олардилар). Шундай бўлиб, чўпон тоғамнинг овқати ва кийим-кечаги деҳқончилик устига юкланган.

Мулла тоғам — мулла Деҳқон ўлгандан кейин ҳамма-ларидан катта бўлиб қолган Қурбонниёз тоғам, қози Абдулвоҳид қозилигини ташлаб кетгандан кейин мулозимликни тарк қилиб, пахтакашликка киришган<sup>1</sup>. У пахтажаллоб бойлардан жойдори ғўзани ўлчаб олар ва тозаллаган пахтани чигити блан ўлчаб, бойга қайтарарди ва бу иши учун арзимас меҳнат ҳақи оларди.

— Мен ва бобонг, — деди бувим, — фақат Қурбонниёзнинг ғайрати соясидагина ўлмаё турибмиз. У пахтакашлик қилиб зарур бўлган кийим-кечакни тайёрлаб, мен блан бобонгга ба'зан оз-моз гўшт ва наввот ҳам олиб беради.

Катта онамнинг айтишига кўра Қурбонниёз, пахтакашликдан фақат ўзининг ғайрати ва ишчанлиги соясида бир нарса топар экан. Одатдан ташқари кўп ишлайдиган пахтакашларнинг даромадлари ўлмаё тирикчилик қилишга ҳам етмас экан.

Алихон деган яна бир тоғам бор эди.. У Қурбонниёз ва Равшанниёздан кичик бўлиб, Ниёзхондан катта эди. У отасининг уйида ва оиласида тургани ҳолда, рўзғори бошқа эди. У бозорчи чойфуруш бўлиб, бир хуржун чойни отга ортиб, жума кунидан бошқа ҳафтада олти кун, атрофдаги қишлоқ бозорларга қатнаб турарди.

Қурбонниёз тоғамнинг айтишига кўра Алихоннинг даромади ёмон эмас экан. Унинг хотини гиждувонлик бўлиб, сотиш учун гиждувонча серпахта тўн тикар ва Алихон унинг ишидан ҳам анча даромад қилар экан. Броқу ҳаддан ортиқ хасис бўлиб, ота-онасига ҳечбир қарашмасди.

Қурбонниёз тоғам чўпон укасининг аҳволидан хабар олиш учун, чўлга бормоқчи бўлди:

— Агар чўлни тамоша қилмоқчи бўлсанг, сени ҳам бирга олиб бораёй, — деди у менга.

Мен хурсандлик блан қабул қилдим. У зоғора ва бошқа нарсаларни хуржунга солиб олди ва иккаламиз икки эшакни миниб чўл томонга йўналдик.

Қишлоқдан чиқиб эски руддан ўтиб чўл этагига кирганимизда, ёқимли ва хушбўй ҳаво эсабошлади. Қишлоқнинг ҳавоси Бухоро шаҳарининг ҳавосидан қанча фарқ

---

<sup>1</sup> У вақтларда завод йўқ эди. Россияга борадиган пахтани қўл блан тозалардилар.

қилса, чўл ҳавоси қишлоқ ҳавосидан ўшанча фарқ қиларди. У йил ёгин кўп бўлгани, кўкламнинг охири ва ёз боши бўлгани ҳолда ҳам, ёгиннинг давом қилгани сабабидан чўл кўмкўк марғузордай эди ва яшил сабзалар ва ўтлар орасида, очилган ранг-баранг лолалар, яшил духобага тикилган гуллардай, кўзга нур ва дилга хузур бағишларди.

Мен йўлда Қурбонниёз тоғамдан, қози Абдулвоҳид қозиликни ташлагандан кейин бошқа бирор қозига мулозим бўлмаганининг сабабини сўрадим.

— Қози Абдулвоҳид одил бир қози эди. Шунинг учун ҳам у қозиликни ташлаб кетди. Бошқа қозилар халқни таламоқдан бўлак ишни билмайдилар. Уларга мулозимлик қилиш, халқни талаб бериш деган гап. Менинг табиатим бундай ишни кўтармайди, — деди.

— Пахтакашликдан тирикчилик қандай ўтади, — деб яна сўрадим.

— Пахтакашлик аслда, — деди у, — ёмон иш эмас. Қувват ва соғлиги жойида бўлган одамнинг оиласи бу ишдан тинч яшайди. Лекин шу шарт бланки, бойлар ҳисоб-китобни тўғри олиб борсалар. Броқ пахтажаллобларнинг барчаси ўғри, ўлчаб беришда ва ўлчаб олишда, тош-тарозидан уриб, пахтакашликнинг битта нонини бир бурда қилиб берадилар. Мен бу ишда, бошқа бирор иш топмаганим учун ишламайман. Даромади меҳнатимга яраша эмас.

Тоғам бу ерда, «Қуллар» романининг биринчи бўлими Х ва XII бобларида пахтажаллоб қал'ачи Абдурахимбойнинг ўз пахтакашлари блан муомаласи тўғрисида ёзганларимни тафсилоти блан айтиб берди. Ўзининг ўша жанжалда қозихонага тортилганлигини ҳам ҳикоя қилди. (Мен мазкур XII бобда Қурбонниёз тоғам образини «тўти бурут — Рустам» номи остида кўрсатганман).

Биз, қуриб қолган Жилвон рудидан сув оладиган ва ботил бўлиб қолган бир ариққа етдик. Мен Жилвон рудини эшитган эдим, лекин у ариқни билмасдим ва тоғамдан унинг номини сўрадим.

— Бу ариқ сувлик бўлган вақтида, Тезгузар деган қишлоқни суғорганидан, буни «Тезгузар ариғи» дейдилар, — деди тоғам.

Мен одатим бўйича сўзларнинг ма'ноларини ва ном-

ларнинг номланган нарсалар блан муносабатини билишга қизиққанымдан:

— У қишлоқни нега Тезгузар атаганлар? — деб сўрадим. У жавобда бир афсонани айтиб берди. Афсонага кўра, қадим замонларда ҳалиги қишлоқда, бир бойнинг гоят чиройли қизи ариқ бўйида қўлида бир коса бўлгани ҳолда ариқдан сув олиб ичиб ўтирган экан.

Шу вақтда бир чўпон йигит ариқнинг нариги қирғоғидан пиёда ўтатуриб, қизнинг ҳусну жамолига мафтун бўлиб, унга қараб қолган.

Қиз бу ҳолни кўриб чўпонга хитоб қилиб:

Ин чи нигоҳи ажиб,  
Рўяма хўрди қариб?

(бу қандай ажабланиб боқиш? Қарийб менинг юзимни единг-ку) деган.

Чўпон жавобда:

— Ошиқаму беқарор!

(Мен беқарор ошиқман) деган.

Қиз қўлидаги косани унга узататуриб:

— Косая бар зар биёр!

(Ошиқ бўлсанг косани олиб олтин тўлдириб кел) деган.

Чўпон жавоб берган:

— Муфлисаму раҳгузар!

(Мен бир қашшоқ йўловчиман. Олтинни қайдан топаман) деган.

— Қиз юзини буриштириб:

— ...Хурў тезгузар!

(Куракда турмайдиган нарсани емай тез ўтиб кетабер!) деган.

Ана шундай бўлиб ҳалиги қишлоқнинг номи «Тезгузар» (Тез ўтиб кет) бўлиб қолган. ✓

Биз Жилвон рудидан ўтиб бир мозорга етдик. Бу мазор чўл этагида бўлиб, у яқинларда ҳечбир қишлоқ, боғ ва экинзор йўқ эди. Мен у мазорнинг номини ва у ерга қаердан ўлик келтириб кўмганларини сўраганимда, тоғам:

— Мозорнинг номи Чилдўхтарон (қирққиз), — деди ва бу тўғрида бир афсонани ҳикоя қилди.

Қурбонниёз тоғамнинг нақлига кўра, Тезгузар ва Боғнафзал қишлоқларида қадимги замонларда бирнеча катта бойлар бўлиб, улар орасида қулдорлик жуда ривож топган экан. У қишлоқларда фақат қиз чўрилардан қирқ нафар бўлиб, уларга эгалари кўп зулм қилар эканлар.

У қизлар кунлардан бир кун ошабораётган азоб уқубатларга чидаёлмай, ҳаммалари гапни бир жойга қўйиб, бир кеча хўжайинлари ухлагандан кейин чўл томонга қараб қочганлар.

Улар қочгандан кейин эгалари хабардор бўлиб, белларига қилич ва шашпарларни тақиб, чопқир отларга миниб қочқинларни излаб чиққанлар ва Жилвон бўйига келганларида, чўл томонидан қизларнинг қораларини кўриб, уларнинг орқаларидан от қўйганлар.

Чўри қизлар, хўжайинларининг ўзларига яқинлашиб келаётганларини кўриб, «худо»га «худоё худовандо бизни қайтадан бу золимларнинг қўлларига туширма! Бизнинг азоб чекишга ортиқ тоқатимиз қолмади. Ерга буюрки, ёрилиб бизни ўз комига тортсин, токи биз буларнинг зулмидан абадий қутилайлик» деб ялиниб-ёлворганлар.

«Худо» мазлум қизларнинг сўзини қабул қилган — ер ёрилган. Қизлар ер остига киргандан кейин, яна ернинг ёриғи ёпилиб нома'лум бўлиб қолган ва шу муносабат блан, бу мазорнинг номи «Чилдўхтарон» (қирқ қиз) бўлиб қолган!

Биз Чилдўхтарондан ўтиб Хармез деган жойга етдик. Бу ернинг номи тўғрисида ҳам, тоғам бир афсона ҳикоя қилди. Бу ҳикояга кўра қизларнинг эгалари «еростига кирган қизларни» топмай, шу ергача от чоптириб келганлар. Улар буерга етгач сувсизликдан тоқатсизланганлар. Бу ер ўтинкашларнинг эшаклари дам олиб, ёзиладиган жой бўлганидан бунда бироз мурдор сув тўплашиб қолган экан. Бойлар ана ўша заҳарга айланган мурдор сувни ичиб, ўлиб кетганлар. Бу жой ўтинкашлар эшакларининг ёзиладиган жойи бўлгани муносабати блан, номи Хармез бўлган. Ҳалиги бойлар бу ерда заҳарланиб ўлгандан кейин бу ном халқ орасида шухрат топган.

Хармезда Деҳнави Абдуллажонга қарашли қишлоқларнинг чўпонлари, бир-бирларидан узоқроқ, аммо бир доирада қора уйлар тикиб манзил қилган ва рамаларини ўтлатиш учун узоқларга суриб кетган эканлар.



Биз қора уйларни қидириб чўпон тоғамнинг манзилини топдик. У ҳам ўз рамасини ўтлатишга кетган экан. Қурбонниёз мени укасининг қора уйига қолдириб, ўзи уни излаб чўл бағрига кириб кетди ва бирор соатда уни топиб олиб келди.

Ниёзхон тоғам бизни қўй қатиғи блан зиёфат қилди ва оқ жўхоридан гўжа пиширишга киришди (мен чўпонларнинг гўжа пиширишларини ва уларнинг турмушини «Қуллар» романининг учинчи бўлими V ва VI бобларида шу эсдалигим асосида тасвирлаганман).

Қурбонниёз тоғам қора уй ичига кириб ётди. Мен туриб аста-секин қадам босиб, у ердан узоқлашдим. Чўлнинг у томонларида паст-паст қизилқум хомалари ва кичик-кичик тепачалар қатор тизилган эдилар. Мен икки-уч хомача ва тепачалардан ошганимдан кейин, бир томонда чўпон найининг ҳазин овози эшитилди. ]

Мен у садо келаётган томонга қараб юриб, яна бирнеча хомача ва тепачадан ошиб най овози келаётган тепачанинг олдига етдим. У тепачанинг ёнбағрида қўйлар ўтламоқда эдилар.

✓ Мен тепачанинг устига чиқдим. У ерда биз «Қулбобо» дейдиган 80 яшар чол най чалмоқда эди. Бу чолнинг ўғли менинг акам блан сутқариндош бўлгани сабабли мен уни танидим. У ҳам мени кўргач таниди ва қўлидаги найни бир томонга қўйиб, мендан ота-онамиз ўлгандан кейин қандай кун кечираётганимизни сўради.

Мен унинг саволига қисқача жавоб бериб, унинг бошидан ўтган воқиаларни ўзининг оғзидан эшитиш фикрига тушдим. Чунки мен унинг собиқ қул эканини ва туркманлар томонидан келтириб сотилганини отамдан эшитган эдим. Брок, бу воқиянинг тафсилотидан хабардор эмас эдим. Мен ундан туркман босқинчилари томонидан қандай чопилиб келтирилганини сўрадим.

У менга ўз бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб берди. Бу чол ўша Раҳимдод эдики, етти яшарлигида Хиротдан чопилиб, Неқадам (нек қадам) номи остида қул қилиниб, сотилган эди (бу чолнинг воқиясини мен 1928 йилда «Қулбобо» номи блан очерк тарзида ёзиб «Маориф ва Ўқитучи» журналида бостирган эдим. 1934 йилда босилган «Қуллар» романининг биринчи бўлими сюжетини ҳам асосан шу одамнинг таржимаи ҳоли ташкил қилган).

Мен чолнинг ҳикояларини эшитишга қизиқиб қолиб,

тоғаларимни унутиб, куннинг кеч бўлиб қолганини ҳам сезмай қолибман. Бирвақт мени чақираётган бир кишининг овози эшитилди. Мен ўрнимдан тик туриб, товуш келаётган томонга кўз тикдим. Қичик тоғам — Ниёзхон бир тепачанинг устида тик туриб, қўлини оғзининг бирёнига тутиб, ҳартомонга қараб мени чақираётган эди.

Мен дарров унинг чақирғига жавоб бериб, олдига етиб бордим ва у блан бирга қора уйга бордик. Қурбонниёз менинг бедарак бўлиб кетганимдан, «бўрининг чангалига учраган бўлмасин» деб қўрқиб, укасини менинг орқамдан излашга юборган экан.

Биз гўжа ошини егандан кейин, мен ва Қурбонниёз қишлоққа қараб йўналдик ва кечадан уч соатча вақт ўтганда бобомнинг уйига етдик.

Менинг олдимда тирик қолган укам — Сирожиддин масаласи кўндаланг бўлиб турар эди. Агар у яна бобомникида қолса, ўлиши аниқ эди. Шунинг учун мен ўзимча уни шаҳарга олиб боришга қарор бердим ва «ҳарнима бўлса ўз олдимизда бўлсин» дедим.

Аммо шаҳарга бориш вақти етгунча, ўз қишлоғимиз — Соктарега бориб келиш керак эди. Соктарега ҳам уни бирга олиб бордим.

Соктареда қавм-қариндошларни қайғили аҳволи, ўз ҳовлимиз ва боқчамизнинг хароблиги менга ёмон таъсир қилди: Тўтапошша ўлган, ҳовлисининг юзини шўра ўти босган; Султонпошша блан тўрт яшар боласи касал ётарди. Устаамаки касал, у йил ишлаёлмай бир парча ерини қозибаччаларга сотган, қишлоқдаги вабо йилида ўлмай қолган кексаларнинг кўпчилиги ўлган ва уларнинг ўликларини кўмиш харажати учун ерлари қозибаччаларга сотилиб, болалари мардикор ва қарол бўлиб қолгандир, бизнинг боқчамиздаги мевали дарахтлар суғорилмай, қуриёзган, кўрпа-ёстиқларни сичқон тешган, кийгизни куя еган...

Отамдан қолган ерни акам экиш учун бир деҳқонга топшириб эди. Бу бир таноб ерга буғдой ва бошқа бир танобига гўза эккан. Гўзани офат уриб «пояхушк» бўлган, буғдойни алобулутда гармсел уриб, ўз уругини ҳам бермаган.

Мен ота, онадан қолган эски, туски рўзғор буюмларини ва қозон товоқларни сотиб, ёзлик озиқ-овқатимизни

та'минладим ва ўша ёз, ўз уйимизда қолишни муносиб кўрдим. Чунки ҳар ҳолда Соктаре орасидан, Марзангон ариғи оққани ва Зарафшонга яқин бўлгани учун, Маҳаллайиболо қошлоғидан ободроқ ва ҳавоси ёқимлироқ эди.

Соктареда яна менга ёқимли бир янгилик пайдо бўлган экан: дарвозлик бўлган қишлоқ хатибининг вилоятдошларидан, мулла Шоҳ деган киши ўша ёз қишлоққа келган. Хатиб касал бўлгани сабабли талабалар блан машғул бўлишни унга топширган, мулла Шоҳ ҳар кун мачит айвонида ўтириб талабаларни тўплаб, улар блан расмий дарсдан кўпроқ адабиёт тўғрисида машғул олди.

Мулла Шоҳнинг адабиёт блан машғуллиги жуда содда ва ибтидоий эди: у Бедил девонини ўз олдида очиб қўйиб, ундан ғазалларни байтма-байт ўқиб, талабаларга шарҳлаб берарди.

У ба'зан байтларни хато ўқиб, хато шарҳларди. Лекин ҳар нучук бўлса ҳам, бу иш қишлоқда бир янгилик эди. Мен ўша ёз мулла Шоҳ ташкил қилган «адабиёт тўғраги»дан қолмай иштирок қилдим ва анча ма'лумот ҳам олдим.

Биз узум пишиғида Соктаредан Маҳаллайиболога бордик. У ерда бобомнинг боғида бирнеча кун узум едик. Бухоро мадрасаларининг таҳсил йили боши бўлган мизон ойи яқинлашганда шаҳар сафарига тайёрландик. Бизни Қурбонниёз тоғам шаҳарга олиб бориб қўйиб келмоқчи бўлди.

### КАҲҚАШОНЛИК МАЖИД

Сентябрь бошларида Қурбонниёз тоғам биз иккала ака-укани бир эшакка мингаштириб, ўзи бир эшакка минди ва биз шаҳарга қараб йўналдик.

Эшаклар қари ва ориқ эканлар, шунинг учун йўлда бирнеча жойда дам беришга ва ўтлатишга мажбур бўлдик ва шундай қилиб кечадан бирор соатча вақт ўтганда — хуфтон чоғида, шаҳардан саккиз километр узоқликда бўлган Галаосиё деган манзилга етдик.

У вақтда бизнинг шаҳарга етиб бориб, кираолишимиз мумкин эмас эди. Чунки шаҳар дарвозалари хуфтон азони блан баравар ёпиларди. Ҳолбуки Галаосиёдан ша-

ҳаргача тезюрар улов блан борганда бир соатлик йўл эди.

Тоғам сарой ва чойхона харажатидан қочиб бўлса керак, Галаосиёда тунашни муносиб кўрмади:

— Йўлда бирор ошнохонада ётамиз,— деди.

Биз йўлни давсм этдирдик. Тахминан тўрг километр юрганимизда Қаҳқашон деган қишлоққа етдик.

Тоғам у қишлоқда бир ҳовлининг олдига бориб, дарвозасини тақиллатаберди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин бир одам дарвозани очиб, саломлашиб:

— Кимга ишингиз бор? — деб тоғамдан сўради.

— Мажиднинг ҳовлиси шуми? — деб тоғам унинг саволига, савол блан жавоб берди.

— Ҳа, шу! Унга нима ишингиз бор эди? деб у одам яна сўради.

— Биз шаҳар бораётган эдик, кечикдик. Агар мумкин бўлса, меҳмон бўлимоқчи эдик,— деди тоғам.

— Марҳамат! — деган ҳолда, у одам дарвозани кенг очди. Биз кирдик. Меҳмонхонадан яна бир киши чиқиб, эшакларни бостирма остига элтиб боғлаш учун бизнинг қўлимиздан олди ва дарвозани очган одам бизни меҳмонхонага киргизди.

Меҳмонхона унча кенг бўлмаган — беш болорлик бир хонача эди. Меҳмонхонанинг тўрида ҳали олов қилинмаган кўрпасиз бир сандал бор эди. Сандалнинг икки бурчагида, икки чол ўтириб ғўза чувишардилар. Сандалнинг бурчаклари олди пахта блан, усти чанғалоқ (ғўза пўчоғи) блан тўла бўлиб, меҳмонхонанинг икки томонида девор олдида иккитадан тўртта чиғириқ бор эди. Уларнинг орқаси тоза пахта блан ва олди чигит блан тўла эди. Чиғириқларнинг ўқлари остида парда тортилган бўлиб, бу парда тоза пахта блан чигитни, бир-бирига қўшилишдан сақларди.

Сандалнинг олдида бир баланд чироқпоя бўлиб, унинг устида сополдан ясалган бир қора чироқ бор эди. Бу чироқ оддий чироқлар каби бир тумшиқлик бўлмай, кема шаклида ясалган бўлиб, икки учида икки тумшуғи бор эди ва тумшуқларнинг ҳарбирида бир пилта ёниб туриб, ҳар икки томонни — ҳам ғўза чувучилар олдини, ҳам чиғириқлар олдини баравар ёритарди.

Энг қуйидаги чиғириқларнинг бириси олдида 20 яшар кўринадиган бир йигитча чиғириқда пахта тозаламоқда эди. Биз меҳмонхонага кирганда, ўрнидан туриб, бизга

салом бериб қайтиб ўтириб, ўз ишини давом қилдирди. Бизни қарши олган одамлар, биз блан бирга сандалнинг теваарагида — чолларнинг рўпараларида ўтирдилар.

Орадан кўп фурсат ўтмай, бир йигит меҳмонхонага кириб келди. Тоғам бу йигитни кўргач, ўрнидан ирғиб туриб у блан кўришмоқчи бўлиб, у келаётган томонга қараб бир-икки қадам босди. Келучи йигит ҳам ўз қадамини тезлатиб, тоғамга етди ва ҳар иккилари қучоқлашиб кўришиб, ўпишганларидан кейин, ўтиришиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашдилар. У йигит, чолларни «амакиларим», бизни қарши олган кишиларни «амаки-баччаларим» ва ёш йигитчани «укам» деб тоғамга таништирди.

— Биз чақирилмаган меҳмон бўлиб келдик,— деди тоғам,— сиз уйда йўқ экансиз. Шундай ҳам бўлса кирдик.

— Ўз уйингизга келибсиз. Бунда менинг бор ё йўқлигимнинг фарқи йўқ,— деди йигит ва давом этди,— дарвоза тақиллатилганда мен шунда эдим. «Ҳокимларнинг одамлари мени қўлга олиш учун келдилармикан?» деб эҳтиёт учун меҳмонхонадан чиқиб яшириндим. Сиз меҳмонхонага кириб ўтиргач, эшик роғидан қараб сизни таниб, хотиржам бўлиб кирдим.

— Тирикчилик қандай ўтаётир?— деб Қурбонниёз сўради.

— Агар ўз ҳолимга қўйсалар ёмон эмас,— деди уй эгаси,— ҳечбир кишига тегмай, бечорачилик блан меҳнат қилиб, кун ўтказаман. Кўриб турибсиз-ку, пахтакашлик қилаётирман. Бу осон иш эмас, тирноқлар узилади, билаклар шишади, броқ ҳалол меҳнат. Номус ва ғайрати бор одам бундай меҳнатлардан қўрқмайди.

— Мен ҳам пахтакашлик қилаётирман,— деди тоғам,— ёмон иш эмас. Лекин музди меҳнатига арзимади. Агар пахтажаллоблар ўлчовда ва ғўзанинг сара-ю пучаглигида ўғрилиқ ва фрибгарлик қилсалар, ҳақ олмасдангина қутилолмайсан, тавон ҳам берасан.

— Пахтажаллоблар авваллар менга ҳам фрибгарлик қилдилар. Броқ мен уларнинг фрибига, муштум блан жавоб бердим. Ундан кейин мен блан эҳтиёткорона муомала қиладиган бўлдилар.

Дастурхон ёзилиб чой, нон чиқарилди. Уй эгаси чойни қайтариб, ўзи ярим пиёла қуйиб ичгандан кейин, тоғамга чой қуйиб бериб ўз гапини давом этдирди:

— Броқ ҳокимлар ҳалол меҳнатга йўл бермайдилар. Менинг уйда бўлганимни, усту бошим бутун бўлиб, қорним тўяёзганини англадиларми? Мулозим орқасидан — мулозим, шогирдпеша орқасидан — шогирдпеша ва шабгард (миршаб одами) орқасидан — шабгард юбораберадилар. Улар уйимни босиб, бору йўғимни оладилар. Мени талаб қиладилар. У вақтда мен қочишга мажбур бўламан ва узоқ жойларга бориб, нотўғри йўллар (ўғрилиқ) блан қорин тўйдираман...

Ош чиқардилар. Биз овқатланиб чой ичгандан кейин ётдик ва тонг қоронғисида туриб, уй эгаси блан хайр-хўшлашиб шаҳарга қараб йўналдик.

Мен йўлда тоғамдан уй эгасининг кимлигини ва у блан қачондан бери танишлигини сўрадим. Тоғам жавоб ўрнида ҳикоя қилишга киришди:

— Мен Ғиждувон қозиси — қози Абдулвоҳидга мулозим бўлиб юрган вақтларда, — деди у, — у ернинг амлақдори, ер солиғидан йиғилган пулларни Бухорога — амир хазинасига юбормоқчи бўлди. Одат бўйича амирга юбориладиган нарсаларни эрта блан амир дарбор аҳлининг саломини қабул қилаётган вақтда аркка (ўрдага) етказишлари керак бўлганидан, амлақдор солиқ олиб бораётганларни Ғиждувондан аввал оқшом жўнатди.

Броқ ўғрилар бу ишдан хабардор бўлган эканлар, солиқ карвони Розмоз қишлоғига етганда йўлни тўсиб, амлақдор одамларига ғалаба қилиб нақд пулни ва тортиқ қилиш учун олиб борилаётган нарсалардан бир қисмини олиб кетганлар.

Бухоро ва Ғиждувон ҳокимлари ва ўғрилиқ ўз районларида бўлган Вобканд ҳокимлари қанча қидирган бўлсалар ҳам ўғрилардан ва ўғирланган моллардан ҳечбир дарак топмаганлар.

Бирнеча кундан кейин, амир ўз вақианавислари (жосуслари) воситаси блан Ғиждувон яқинида бўлган Зарангари тепасининг олдида, бир бўш қўрғонда, кечалар бир гуруҳ ўғрилар йиғилиб, ўша ердан ҳар томонни босишга борганлари хабарини эшитган ва дарров Ғиждувон ҳокимларига фармон юбориб, ўғрилар ўша қўрғонда йиғилган вақтда у ерни босиб, мумкин қадар ўғриларни тирик қўлга кирғизиб, Бухорога юборишга буюрган.

Ғиждувон ҳокимлари бу фармонни олгач, ўз одамларини яроқлантириб, тайёр қилиб сақладилар ва ярим

кечада, ўғрилар мазкур қўрғонда бўлган чоқда, ҳокимлар қуролли одамлари блан бориб, у ерни босдилар.

Ғиждувон қозиси қарилигини сабаб қилиб кўрсатиб, бу ишга қатнашмаса ҳам, ўз одамларини бошқа ҳокимларга қўшиб юборди ва мен ҳам қозининг мулозимлари қаторида бордим.

Ҳокимларнинг одамларни маш'алларни ёндириб, қўрғоннинг ичини ва теварагини ёруғлантириб, бир қисмлари қўрғонга бостириб кирдилар ва бир қисмлари қўрғон атрофида соқчи бўлиб турдилар ва мен ҳам соқчилар қаторида бўлиб, қўлимга қилич олиб қўрғон деворининг торгина бир рахнаси олдида турдим.

Бир вақт ўғрилардан бир йигит от чоптириб қўрғондан чиқиб қочиш учун, мен турган рахна олдида келди. Мен унинг оти оёғини қилич блан чопиб, уни отдан йиқитмоқ ниятида тайёрландим.

Йигит менинг мақсадимни пайқаб:

— Яхши йигит, менинг ёш бошимга раҳм қилиб, йўл бергил! Мен бу раҳнадан чиқиб кетай! — деди.

Мен унга қарадим, ҳақиқатан барно бир ёш йигит эди. Раҳмин келди, қилични кейинга тортдим. У йигит раҳнадан чиқиб кетди...

Қози Абдулвоҳид қозиликни ташлаб кетгандан кейин, мен ҳам мулозимликни тарк қилдим. Ўша йилнинг қишида, бир кун кўп қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлди. Чўпон укам чўлда эди. Отам мени укамга иссиқ кийим ва озиқ-овқат олиб бориб беришга буюрди.

Мен ўша мулозимлигим вақтидан қолган қилични белга тақдим ва мулозимликда миниб юрадиган ва ҳали сотилмаган отимга кийим-кечак ва озиқ-овқатларни юклаб устига миниб олиб, чўлга қараб йўналдим.

У нарсаларни укамга элтиб бериб, бирнеча донатақир (етилмаган-чала) қоракўл терисини хуржунга солиб қишлоққа қараб жўнадим.

Кеча қоронғиси дун'ёни босиб, кўз-кўзни кўрмайдиган бўлди. У қоронғиликда Хармезга етганимда от ҳуркиб, қулоқларини диккайтириб орқага қочмоқчи бўлди. Аммо фурсат топмади: биров унинг жиловидан маҳкам тутган эди.

Мен қиличнинг сопига қўл узатдим. У одам менга фармон берди:

— Отдан туш!

Мен бу фармонни бажариш ўрнида, қилични унинг отни тутган қўлига ҳавола қилдим. Отнинг жилови бўшалди, у вой-войлаб қочишга киришди. Броқ от биринчи қадамни босар-босмас йиқилди ва мен унинг устидан юмалаб, нарироққа тушдим. Лекин жойимдан туришга фурсат топмадим — мени юзлари рўмол блан боғланган, уч қувватли йигит босган эди ва менинг қўлларимни орқамга қайриб боғладилар. Нарироқда от типирлаб ётмоқда эди, унинг бир оёғи ўғрилар қиличи блан чопилган экан. Мени боғлаб олдилар. Биринчи бўлиб отни жиловидан тутиб йўлимни тўсган одамнинг панжаси менинг қиличим зарбаси блан кесилган экан. У мени ўша ерда ўлдириб ташлашни йўлдошларига таклиф қилди. Броқ йўлдошлари қабул қилмадилар: «бу ўзбошимчалик бўлади. Буни бошлиқнинг олдига олиб борамиз. У нима буюрса ўшанга амал қиламиз» дедилар ва мени олди-ларига солиб, қилич ва хуржуним блан чўлнинг бир пасқам-лигидаги бир қора уйга олиб бориб киргиздилар.

Қора уйда юзлари рўмоллар блан ўралган, бирнеча киши ўтирарди. Мени тутқин қилиб олганлардан бири, мен блан ўзлари орасида ўтган воқияни у ердагиларга айтиб берди. Бу ерда ҳам панжаси кесилган киши мени дарҳол ўлдиришни талаб қилди.

Лекин гапининг оҳангидан у ердагиларнинг бошлиғи бўлгани сезилган киши, дарров ўлдириш таклифини қабул қилмади.

— Албатта ўлдириш керак, лекин дарров эмас. Биз бировни ўлдирмасимиздан аввал, кимни ўлдиришимизни билишимиз лозим,— деди ва мендан гап сўради.

Мен жавоб бермадим. Мен: «модомики, мени ўлди-рар эканлар, фурсат топиб ўлимимдан илгари булардан лоақал бирини ўлдириб, ўз ўчимни ўзим олдиндан олсам» деб ўйлардим. Броқ маҳкам боғланган қўллар, бу орзум-ни амалга оширишга ёрдам бераолмасди.

Мен жавоб бермагач, бошлиқ бир нукча (латта ўраб мойга ботирилган чупча)ни ёндириб, менинг юзим олдида тутишга буюрди. Бу иш амалга оширилгач, бошлиқнинг кўзи менинг юз ва кўзимга тушиб:

— Воҳ! Бу менинг дўстим, бу мени азобли ўлимдан қутқазган киши! — деган ҳолда, ўзини менинг устимга ташлаб, юз ва кўзимдан ўпди ва боғланган қўлларимни ўз қўли блан ечди.



Бу йигит бу ҳодисадан бир йил аввал Зарангариди ҳокимлар қўлига тушишдан қочирганим йигит экани менга ҳам маълум бўлди. То ўша кунгача мен уни кўрмаган ва танимасдим. У бўлса мени ойдин тунда бир неча марта кўриб, суриштириб, яхшигина таниб қўйган экан.

Тоғам ўз ҳикоясини тугатгандан кейин:

— Биз меҳмон бўлган уй эгаси, ана шу йигит, уни «қаққашонлик Мажид» дейдилар,— деди (мен қаққашонлик Мажиднинг образини ўз номи билан «Бухоро жаллодлари» номли повестьда кўрсатганман).

## МИРАРАБ МАДРАСАСИДА ИККИНЧИ ЙИЛ

Биз эрта билан шаҳарга кириб, тўғри акам турадиган ҳужрага бордик. У ҳам Қаркидан келган экан. Унинг ҳужраси ўша будтурги ҳужра эди. Тоғам ўша куннинг ўзидаёқ қишлоққа қайтиб кетди. Агар ўша кеча шаҳарда қолганда, у тор ҳужрага тўрт киши сиғмасди. Афтидан тоғам ҳам шу ҳолни пайқади, шунинг учун бизнинг қаттиқ илтимосимизни рад қилиб, тунашга унамади.

Бошда акам, укамни шаҳарга олиб борганимга норозидай кўринди. Броқ мен бобом уйдаги тирикчиликнинг танглигини ва у тангликка чидаёлмай кичик укамнинг ўлганлигини гапирганимдан кейин:

— Буни шаҳарга олиб келиб, яхши иш қилибсан,— деди.

Кунжаки домлам ва унинг ошдошлари ҳам келган эканлар. Мен бултургидай яна уларнинг ошпазлигига киришдим.

Дарс ҳали бошланмаган эди. Мен ишсизликдан зериқдим. Қишлоқнинг кенг фазоси ва тоза ҳавосидан келиб, бирдан-бир тор ҳужрага кириш менга ёмон таъсир қилди. Мен ҳужранинг кўча томондаги дарчасини тоза ҳаво олиш учун очиб, унинг олдида ўтирдим.

Броқ кўчадан қўланса ҳид келиб, димоғимни чатнатаёвди. Бу бир ёт ҳид эди. Қанча ўйласам ҳам, унинг қандай ҳидлигини аниқлаёлмадим.

Дарров дарчани ёпиб ҳужрадан тушиб, мадрасанинг ташқари саҳнига чиқдим ва кўчадан ўтган-кетганларни тамоша қилиш мақсадида, саҳннинг шимол томонига бориб, унга тутатиб турган самаворхона томига чиқиб ўтирдим.

Броқ ҳалиги қўланса ҳид у ерга ҳам келарди. Ноилож у ердан туриб саҳннинг ғарб томониغا бориб ўтирдим. У ерда бадбўйлик оз эди. Лекин у ердаги шовқинсурон кишининг қулогини батанг қиларди. Чунки у ерда мадраса саҳни блан катта мачит (жоме')нинг орасидаги тор чуқурлик ғўза бозори эди. Шаҳар атрофидаги юзларча деҳқонлар, юзларча қоп, қанор ғўзани олиб келиб, каппон тарозилари теварагида юкларини устма-уст қўйиб, ўлчатиб, жаллобларга топширишни кутиб турардилар.

Паллабардорлар гўё бирор деҳқоннинг «кўнглини қолдирмаслик учун» ҳарбирлари бирнеча деҳқоннинг юкини бирдан ўлчатишга бошлардилар.

Мен паллабардорларнинг ишларини ҳайрат блан кўздан кечирардим: ҳарбир паллабардор айни бир замонда бирнеча деҳқоннинг юкини бирдан ўлчатиб, ҳарбир кишининг юкини, бошқа бир жаллобнинг хирмониغا тўкканлари ҳолда, саноқда қандай саҳв қилмас ва қайси деҳқоннинг юкини қайси жаллобга берганларини қандай унутмас экан? — деб ҳайрон бўлардим.

Мен фақат шуни эшитардимки, паллабардор, ҳарбир деҳқоннинг олдига келганда бошқа бир саноқни такрорларди. Масалан бир деҳқоннинг олдига паллабардор «уч! уч!» деб борса, шу паллабардорнинг ўзи шу ондаёқ бошқа бир деҳқоннинг олдига «беш! беш!» деб борарди. Ба'зан деҳқон паллабардор такрорлаган саноқни қабул қилмай, масалан «беш эмас, олти!» деб дод дерди. Броқ паллабардор бундай шикоятларга қулоқ солмас ва ўзи айтган саноқни такрорлаб кетаверарди.

Гоҳо деҳқон ўжарлик қилиб, ўзи белгилаган саноқни, паллабардорга қабул қилдирмоқчи бўлиб, ғўза тўлдирилган паллани маҳкам тутиб олиб, боришга қўймай жанжал чиқарарди. Ундай вақтларда, паллабардор, паллани бир силтаб деҳқоннинг қўлидан тортиб олиб, ғўзасини оёқ остига тўкиб, ўзини кутиб турган бошқа бир деҳқоннинг олдига бориб, ўз ишини давом қилдирарди.

Бундай деҳқоннинг юки кечгача ўлчанмасдан қолар ва кеч бўлгандан кейин, бахтсиз деҳқон паллабардорга ялиниб-ёлвориб, у айтган саноқни қабул қилиб, ўз юкини ўлчатарди.

Ҳарбир деҳқон ўз молининг пулини жаллобдан ёки унинг одамидан олишда ҳам шундай жанжал бошланарди: деҳқон, жаллоб белгилаган саноқни қабул қилмас ва

Ўзи аниқ билган санокни, унга қабул қилдиришга уриниб, ўзининг юкини ўлчатдирган паллабардорни гувоҳликка қақирарди. Паллабардор бўлса бошини бир қимирлатиб, шошилиб бораётган ишига кетаверарди. Бунда ҳам, агар деҳқон кўп ўжарлик қилаберса, жаллоб ёки унинг одамни у деҳқоннинг ишини чала қолдириб, ҳисоб қилдириб пулларини олиш учун шошилиб турган бошқа деҳқонларнинг ишини кўрабошларди.

Мен ғўза бозори можаросининг тамошасига фарқ бўлиб ўтирганимда бир киши орқамдан келиб елкамдан юмшоққина тутди. Бош кўтариб қарадим, Пирак экан. Мен қишлоқдан келганимдан бери уни кўрмаган эдим. У ҳам акаси блан бирнеча кун бундан аввал шаҳар атрофидаги қишлоқларга чиққан ва ўша кун келган эканлар.

Ҳол, аҳвол сўрашгандан кейин, у менга:

— Нега бу ари уяси (ғўза бозори) олдига келиб, ўтирипсан? Самовархона томи бу ердан тинчроқ эмасмиди? — деди.

Мен у ердаги бадбўйликни унга гапириб, у ёқимсиз ҳиднинг қаердан келганини ундан сўрадим.

— У кушишхона ҳиди,— деди Пирак жавобда ва изоҳлади,— илгариги йилларда, мадраса олдидаги қассобларнинг кушишхоналари чўп бозорида эди. Қассоблар шаҳар раисига «у кушишхона бизга узоқлик қилади» деб, унинг рухсати блан мадраса олдига келтирдилар.

— Ахир бу қўланса уясини одамлар ўтирадиган жойлардан узоқроқда, масалан: шаҳарнинг ташқарисида қурсалар бўлмасмиди? — дедим мен афсус ва ажабланиш оҳанги блан.

— Оҳо! Тунов кун қишлоқдан келиб, ўзларини бутун дунё халқидан «нозик табиатроқ санайдиган Бухоро катталарига озодалик сотасанми? Ҳолбуки, Мир Араб мадрасаси олдига, кушишхона шу йил бино қилинган бўлса, бу мадрасадан каттароқ ва машҳурроқ бўлган, Кўкалтош мадрасаси олдида, кушишхона ўн йилдан бери мавжуд ва у мадрасанинг аҳолиси индамайди. Уни ҳам бир томонга қўййлик, Бухоронинг ҳарбир қассоблик бозоридан каттароқ бўлган ва ҳар кун юзлаб ҳайвоннинг гўшти сотиладиган Регистондаги қассоблик бозорининг кушишхонаси аркнинг рўпарасида ва унинг ҳиди «жаноби олий» ва қушбеги «жаноблари»нинг димоғларига кириб тура-

ди. Лекин улар шикоят қилмайдилар-у, сен шикоят қиласан.

Пиракнинг мақсадини мен тушунардим, у пичинг қиларди, у асабийланиб, қизиб кетган эди ва сўзининг охирида, қўшимчадай қилиб, деди:

— Ҳали сен ҳайвонлар кушишхоналарининг шаҳарнинг ичида бино қилишларидан зорланасан. Ҳолбуки шаҳар ичида одамлар кушишхонаси ҳам бор.

Мен сесканиб кетиб сўрадим:

— У қаерда ва қандай?

— Мен бирор кун одамлар кушишхонасини сенга кўрсатаман,— деди,— ҳозир бир зарур ишим бор,— деб менинг ёнимдан туриб кетди.

Ғўза бозорининг шовқин-сурони яна ҳам авж олган эди. Броқ ортиқ у шовқин-сурон менинг қулоғимга кирмасди. Чунки менинг фикрим тамомила одамлар кушишхонасига тортилган эди.

## БУХОРО РЕГИСТОНИДА

Тонг қоронғисида мен Пирак блан бирга Регистон томонига йўналдик. Пиракнинг айтишига кўра, агар кечиксак, Регистонда тамоша учун қулай жой тополмас эканмиз. Кун оқаришидан илгари биз амир арки (ўрдаси)нинг дарвозаси олдидаги майдончадан иборат бўлган Регистонга етдик.

У вақтларда Регистон майдони тор бўлиб, бир гектарнинг тўртдан бир қисмига барабар келарди. Бу майдоннинг шимолида илгариги замонларда тиб илми ўқиладиган Дорушшифо мадрасаси бўлган эди. Жануб томонида Поянда жомии бино қилинган бўлиб, шарқ томонини амирнинг арки қурилган бир тепа ишғол қиларди. Аркнинг дарвозаси майдоннинг ўрта белига тўғри келиб, унга майдончадан пастдан баландга қаратиб қурилган ва «Тахтапул» номли бир кўприк блан чиқиларди.

Тахтапулнинг шимол томонида — аркнинг тепаси ва Дорушшифо мадрасаси орасида ва ундан бир тор кўча блан ажралган амирнинг қурол-яроғ омбори бўлган қурхона биноси қурилган эди.

Тахтапулнинг жанубида ва бир кичик майдонча блан ажралиб турган тўпхона айвони бино қилинган эди. Бу айвон анчагина узун бўлиб, унинг орқаси — ғарб томони Поянда жоминининг шарқий деворига туташган ва олди—

шарқ томони арк тепасига қаратилган ва бу айвонлар блан арк тепаси орасида узун ва торроқ бир майдон бор эди.

Амирнинг тўплари араваларга ортилган ҳолда бу айвонда қатор қилиб қўйилганидан, бу айвонни тўпхона дер эдилар.

Тахтапулнинг остида кейинги вақтларда эшиги беки-тилиб нома'лум қилиб қўйилган «канахона» номли амирнинг ҳибсхонаси бор эди.

Тахтапулнинг жанубида ва унга туташтириб бино қилинган бир хонача бўлиб, унда аҳолининг ҳечвақт қабул бўлмайдиган аризаларини пул олиб ёзадиган мирзолар ўтирардилар.

Регистон майдонининг тўпхона айвонига туташадиган ерида — Тахтапулнинг қуйи қисми рўпаросида, Поянда жомининг деворига ёпишган бир баландроқ супа бўлиб, унинг устида бирнеча эски ва катта шоҳдор тўп турарди.

Регистон майдонининг ғарб томони очиқ бўлиб, у ердан — шимолдан жанубга қаратиб тортилган катта кўча, Дорушшифо мадрасаси, Регистон майдони ва Поянда жомининг ғарб томонларидан ўтиб кетарди.

Бу катта кўчанинг ғарби — Болойиҳавз биносигача асосан очиқ майдон бўлиб, унда шарқдан ғарбга қаратиб қатор қилиб, қападан бино бўлган вақтинча дўкончалар қурилган ва уларда узум, қовун каби мевалар ва бошқа егулик нарсалар сотиларди.

Биз Регистон майдонига кирганимизда, ҳали кун оқармаган бўлса ҳам, Поянда жомии ва Дорушшифо мадрасаси томлари одам блан лиқ тўлган бўлиб, майдоннинг жануб томонида — Поянда жомининг девори остида ҳам, икки-уч қатор тамошабинлар тизилиб ўтирардилар.

Биз бирор қулай жой топиш умидида одамларнинг қатори олди блан ғарбдан шарққа қараб юқори боравердик. Броқ бирор бўш жой кўзимизга учрамади. Охири бора-бора супа устига қўйилган эски тўплар олдига едик ва бошқа жой бўлмаганидан у тўплардан бирининг устига миниб оёғимизни пастга осилтириб ўтирдик.

Бизга қараб ўтирган ба'зи тамошабинлар пичирлаб: «уерга ўтирсанглар жаноби олийнинг тўпларига адабсизлик бўлади» десалар ҳам биз ўзимизни билмасликка солиб, ўтирабердик. Чунки у ерларда соқчилик қилиб юрган сарбозлар ва аркка чиқиб тушаётган қушбегининг хизматчилари бизнинг бу ишимизга индамадилар.

Биз ўтирган жойдан арк дарвозаси ва Тахтапулнинг устига бир йўғон ва узун занжир кўндаланг тортилган эди. Пирак у занжирни кўриб:

— Агар букун «дарихона» маросими бўлса, занжирни у ердан оладилар, катта тамоша бўлади, агар бўлмаса, занжир пешингача турган жойида тураверади ва «дарихона» маросимига иштирок қиладиган сипоҳлар ҳам, умидларини узиб Регистондан қайтиб кетадилар,— деди.

Орадан кўп фурсат ўтмай, икки фаррош арк дарвозасидан югуриб чиқиб, икковлашиб ҳалиги занжирни кўтариб, йиғиштириб, бир томонга элтиб қўйдилар.

Занжир йиғиштирилиши блан Регистон майдонининг ғарбидан ўтадиган кўчанинги шимол ва жануб томонларидан ҳамда мева сотиладиган дўкончаларнинг ораларидан суворилар от чоптириб келабердилар. Булар «дарихона» маросимига иштирок қилучи дарбор сипоҳилари бўлиб, эгниларида зарбофт, шоҳи, атлас ва адрас тўнлар бўлгани ҳолда беллари олтин ва кумуш пулакчалик камарлар блан боғланган, бошларида шолғом шаклида қилиб, оқ саллалар ўралган, салла печлари қистирилган, оёқларида ўкчаси баланд хром этик кийган ва белларида қини олтин, кичум блан қопланган қиличлар тақиларган эди.

Бу сипоҳиларнинг ҳарбири жиловидан оддий кийим кийиб, белларини фўталар блан боғлаган, бошларида оддий телпак ва оёқларида укфа этик бўлган йигитлар югурардилар.

Бу йигитларнинг ҳарбири ўз хўжайини отидан бўлак отларнинг тумшуғига уриб, уни четлатиб, ўз хўжайини отини олдин ўтказишга уринарди. Ба'зилари ўз хўжайинлари отининг жиловидан тутиб, олдин тортар ва агар от ўжарлик қилиб, бошқа отлар тўдасини ёриб олдин ўтишга унамаса, ҳалиги йигит отни: «ҳа, эгангнинг фалонига фалон қилай» деб, қабиҳ кўча сўзлари блан ҳақорат қиларди.

Дарҳақиқат отни эмас, от эгасини ҳақорат қилган бу гапларни эшитган тамошабинлар қақирлашиб кулишардилар, аммо ҳаммадан олдин Тахтапул олдига етиб олишни мақсад қилиб олган от эгаси ўзига оид бўлган бундай таққирларга парво қилмас эди.

Тахтапул олдида отлиқлар отдан тушабошлаганда эгнида зарбофт тўн, белида олтин камар ва қўлида ол-

тин қопланган таёқ тутиб, арк дарвозасининг остонаси устида турган бир сипоҳ отдан тушаётганларга хитоб қилиб ва уларни урадигандай бўлиб, таёғини ҳавода ўйната туриб:

— Ясавингни сақла! Бўлмаса адабчўп ейсан!— деб бақирди.

Тахтапул устида ҳам бир-бирларидан олдин ўтишни истаган сипоҳлар, бу товушни эшитиш блан бўшашдилар ва ўзларига маълум тартибга киришдилар: олдин зарбафт тўнлилар, уларнинг орқасидан шоҳи, атлас ва адрас тўнлилар қатор тизилиб, аркка чиқабошладилар.

Пиракнинг айтишига кўра, у олтин таёқли сипоҳ удайчи бўлиб, унинг вазифаси дарборда сипоҳларни амал ва мансабларига қараб тартибга солиш экан.

Сипоҳларнинг жиловларида югурадиган йигитлар хўжайинлари отдан тушгандан кейин у отларга миниб олиб, худди кўпкари — улоқ чопиш майдонида бўлгани каби бир-бирлари отларининг бошларини, тумшуқларини қамчилаб, Дорушишифо мадрасаси девори остига бориб, отларининг думини мадраса деворига ва бошини Регистон майдонига қилиб, қатор тизилдилар. Булардан отлари кучлироқ ва ўзлари эпчилроқ бўлган йигитлар, Тахтапулга яқинроқ ерда жойлашдилар ва бўшроқлар қуйироқдан жой олдилар.

Булар «дарихона» маросимига қатнашиш учун келган сипоҳиларнинг сайислари эдилар ва Тахтапулга яқинроқ ерга жойлашишга интилишлари, хўжайинлари аркдан тушган вақтда, ҳарким ўз хўжайинини ҳаммадан олдин отлатиб, ҳаммадан илгари Регистон майдонидан чиқиш учун эди. Чунки бу иш сипоҳнинг оти яхшилигини ва сайиси эпчилигини билдириб, бу восита блан сипоҳнинг «уддабуролиги» билинар эмиш.

## АМИРНИНГ САРБОЗЛАРИ (НИЗОМИ АСКАРЛАРИ)

«Дарихона»чилар аркка чиқиб кетгандан кейин Регистонга амирнинг «Кавказ» номли отлич сарбозлари ҳарбий-духовой музика чалиб келдилар. Бу сарбозларнинг кийимлари, бичими доғистонлиларнинг кийимидай бўлиб, кийимларининг рангига кўра ҳарбир тўда «кубанский», «турский» ва «турк» каби номлар блан аталарди.

«Кавказ» отличларининг кийимлари ранг-баранг шоҳи

ва шоҳи каби нафис юнгли матолардан бўлиб, улар кийимларининг ғалатилигига қараганда, ҳарбийлардан кўпроқ циркларнинг артист ва артисткаларига ўхшардилар.

«Кавказ» отлиқлари батамом казармаларда жойлашган бўлиб, буларнинг казармалари амир турадиган жойларнинг ҳарбирига яқинроқ ерларда бино қилинганди. Уларга хусусий равишда кўчаларга чиқиш мумкин эмас эди.

«Кавказ» отлиқларининг ҳай'атини ўнбеш яшардан ўнсақкиз яшаргача бўлган болалар ташкил қилардилар ва ёши ўнсақкиздан ошган болалар бу тўдадан чиқазилиб, сарбозлик муддати умри бўлган, пиёда сарбозлар тўдасига киргизилардилар.

«Кавказ» отлиқлари Регистонда бироз «машқ» қилгандан кейин амир аркига қарата музика чалиб, низоми салом бериб Регистондан чиқиб кетдилар ва улар кетгандан кейин Регистонга пиёда сарбозлар тўдаси келабошладилар.

Амирнинг пиёда сарбозлари икки қисмга — шанбалик ва сешанбалик қисмларга бўлинардилар. Шанбаликлар ҳар ҳафта шанба, якшанба ва душанба кунларида, сешанбаликлар эса сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларида эрта блан икки соат машқ қилишга мажбур эдилар.

Шанбаликларнинг милтиқлари бардонка бўлиб, уларнинг шаҳар ичида махсус казармалари бор эди. Улар қуролларини казармада қўйиб, машқдан ва қоровулликдан бўшаган вақтларида кўчаларга чиқиб озод юрардилар ёки бирор касб ва иш блан машғул бўлардилар.

Сешанбаликларнинг қуроллари эски тарзда ясалган милтиқлар бўлиб, ўқ ва дорилари оғизларидан солиб, сумба блан жойланарди. Буларнинг махсус казармалари бўлмай, ўзлари хусусий равишда саройлардан ҳужра ижарага олиб турардилар ва милтиқларини ўз ҳужраларида сақлаб, унга ўзлари шахсан жавобгар эдилар. Сешанбалик сарбозлар машқдан бўшаган вақтларида кўпинча «бекорлик» қилишга — подшоҳлик ёки саркарда ва юзбошиларнинг хусусий ишларида ҳақ олмай ишлашга мажбур эдилар. Машқ ва бекорликдан бўшаган вақтларида, ўз маишатларини таъмин қилиш учун бирор касб блан машғул бўларлар, ҳунари бўлмаганлари мардикорлик ва ҳаммоллик қилардилар.

Пиёда сарбозларнинг уст кийимлари, умуман низоми бўлиб, ёзда оқ ва қишда қора кулуча (телогрейка) эди,



белларини қайиш камар блан боғлардилар. Шимлари мешипи — қўй териси чармидан бўлиб, оёқларида қўпол этиклари бор эди. Бош кийимлари оддий қора қўзининг терисидан тикилган телпак бўларди.

Сарбозлар уст кийимларини миллий кийимлари — кўйлак-иштон ва чопонлари устидан кийиб, машқ ва қорувулликдан бўшаган вақтларида низоми кийимларини ечиб ташлаб, миллий кийимлар блан юраберардилар.

Амир сарбозларининг ҳарбири умуман ҳар ойида йигирма танга (уч сўм) ойлик олардилар. Уларга овқат ва бошқа нарсалар берилмасди. Низоми кийимлари ҳам, шу ойлик ҳисобидан подшолик томонидан тиктирилиб бериларди. Милтиқларини ремонт қилдириш ҳам ўз зиммаларида эди. Шанбалик сарбозларга, фақат казармада соқчи бўлиб турган кунларида, ҳар ўн кишига кунда бир марта бир лаган ярма бериларди.

«Кавказ» тўдалари бу умумий қоидадан мустасно эдилар, уларнинг овқатлари ва кийимлари подшоликдан тўла бериларди.

Сарбозларнинг юзбошилари катта ойлик олардилар, уларнинг кийимлари ҳам а'ло мовутдан, этиклари хромдан ва бош кийимлари қоракўл қўзиси терисидан бўларди.

Сарбозларнинг саркардалари — генераллар катта ойликдан бошқа, ўзларига «танҳо» қилиб берилган ерларнинг ҳосилдан ҳам фойдаланардилар. Саркардаларнинг бош кийимлари савсор мўйнасидан бўлиб, погонлари олтин эди.

Биз Регистонга борган кунда, амирнинг а'ло пиёда сарбозлари бўлган шанбаликларнинг машқ навбати эди. Уларнинг музыка асбоблари миллий бўлиб, духул (икки томонидан чалинадиган, бочкага ўшаган катта ноғора), най, сурнай ва санж<sup>1</sup> дан иборат эди.

Бу сарбозлар Регистонга кириб, саф тортиб, музыка чалиб амир аркига низоми салом берганларидан кейин икки томонда — Дорушшифо мадрасаси ҳам, Поянда жомиянинг томонларида бир-бирларига, рўпара тизилиб турдилар ва ҳар икки тўда орасида аркка чиқадиган тор бир йўлак қолдирдилар.

---

<sup>1</sup> С а н ж — орқасида тутғичи бўлган ла'ли (баркаш) бўлиб, иккисини бир-бирига уриб матлуб садони чиқарадилар.

Тўрт бандини зиндондан олиб келдилар. Уларни оддий кийим кийганлари ҳолда қўлларининг уч жойида темир ҳалқа ўтказилган, таёқлар блан яроғланган миршаб одамлари (шабгардлар) соқчилик қилиб олиб келдилар.

— Буларни ўлдирадиларми? — деб ҳаяжонланиб Пиракдан сўрадим.

— Йўқ! — деди у, — буларни ўлдирмайдилар. Ўлдириладиган одамнинг қўлини орқасига эмас, олдига, кўкрагининг устига боғлайдилар. Буларни чўп блан жазоласалар керак.

Бандиларни саф тортиб турган сарбозлар тўдаси орасидаги йўлакдан ўтказиб Тахтапулга чиқардилар ва Тахтапулнинг арк дарвозаси остонасига, туташадиган жойида сақладилар. Қўлида кумуш сопли ойболта бўлгани ҳолда миршаб (полицийместер) келиб бандилар олдида тик турди. Таёқли шабгардлар уларнинг орқасида соқчилик қилиб турдилар. Мириғазаблар (амирнинг ғазабини ижро қилучилар) келиб, бандиларнинг икки томонида саф тортдилар. Бир мириғазаб узунлиги бир метрча ва йўғонлиги оёқнинг бош бармоғича бўлган ирғай чўплардан бир қўлтигини олиб келиб, бандиларнинг кўзи олдида ерга ташлади ва ўзи бошқа мириғазаблар қаторида сафга турди.

Арк дарвозасининг ичкарасидаги супачада расмий кийимлар кийиб ўтирган қушбеги (бош вазир) ўрнидан туриб, супачадан тушиб келиб арк дарвозасининг остонаси устида тик турди ва қўйнидан бир қоғозни чиқариб, уни кўзидан кечирганидан кейин, дарвозанинг ичкараси ва ташқарисида саф тортиб турган дарбор аҳллари ва ўз одамларига бандилардан бирини кўрсатиб:

— Бу банди Аҳмадми? — деб сўради.

— Бу банди ўлдиришга сазовар, бўлган Аҳмад! — деб у ердагиларнинг ҳаммалари бирдан жавоб бердилар. Тамошабинлардан бизга яқинроқ ўтирган бир ўрта ёшли киши, билинмас қилиб кулди ва ўзича пичирлаб:

— Бу одамлар, бахтсиз бу бандини тушларида ҳам кўрмаганлар. Унинг Аҳмад эканини қайдан билсинлар? — деди.

Мен у одамдан пичирлаб:

— Ундай бўлса, қушбеги нега бу бандининг кимлигини улардан сўрайди? — дедим.

юмалаб ётарди. Икки мириғазаб унинг икки оёғидан тутиб тортиб, арк дарвозасидан ичкарига судраб олиб кетдилар. Энди уни аркнинг йўлагидаги «обхона» номли ҳибзхонага қамайдилар, — деди бизга яқин ўтирган ўрта ёшли киши<sup>1</sup>.

Қолган уч бандига ҳам жазо беришга киришдилар. Уларни ҳам битта-битта юқорида тасвир қилинган тартибда 75 таёқдан уриб, обхонага қамадилар. Ундан кейин сарбозларнинг машқи бошланди.

### САРБОЗЛАР МАШҚИ

Сарбозларнинг саркардаси ўзининг карнайчиси орқали бир фармон берди. Кичик командирларнинг буйруғига мувофиқ карнайчи бир умумий команда берди. Кичик командирлар у командага мувофиқ ўз бўлимларига команда бердилар.

— «Лапле... чув!» («на плечо!» ўрнида).

Ҳамма бўлимдаги сарбозлар милтиқларини елкалари-га кўтардилар ва бошқа бир команда блан тўрттадан қатор бўлдилар.

Сўнгра «марш» командасига мувофиқ музиканинг марш ҳавоси остида Регистондан чиқиб кетдилар (мен амир командирларининг команда бериш тартибини шу кўрганларим асосида «Дохунда» романининг иккинчи бўлимида «шароб ташучи яҳудий» бобида мисол тариқасида акс этдирганман).

### РЕГИСТОНДА ТАЙЁР ОВҚАТ СОТУЧИЛАР

Сарбозлар чиқиб кетиб, Регистон майдони бўшагач майдоннинг ғарбида, кўчанинг нарироғида қўлларида тайёр овқатлар бўлган ҳолда тамошабинлар қаторида тик турган овқат сотучилар, Регистон майдонига бостириб кирабошладилар. Ба'зиларининг қўлларида бир тоғора тўла пиширилган поча, ба'зиларида бир лаган ҳасиб ва

---

<sup>1</sup> Мен бу фожиани кўраётганимда «бир кун ўз бошимга ҳам шундай кунлар тушар» деб ўйласайдим, ўшандаёқ юрагим ёрилиб ўлардим. Брок бундай ҳодисани биринчи кўришимдан 26 йил ўтгандан кейин — 1917 йилда шундай фожа айнан ўз бошимга тушди. Менинг қаттиқ бошим у азобга чидади. Мен бу ерда ўз кўзим блан кўрганларимни ўз бошимдан ўтганлар блан тўлатиб тасвир қилишга муваффақ бўлдим (автор).

шаҳлут, ба'зиларининг қўлларида кўра, қозон ва пиширишга тайёрланган балиқ ва бошқа овқатлар бор эди.

Улар бир-бирларига тўқнашиб, бир-бирлари блан туртишиб Регистон майдонида қулайроқ жойни эгаллаш учун шошилардилар.

Шу вақтда «дарихона» маросимига иштирок қилиш учун аркка чиққан сипоҳилар у ердан тушабошладилар. Улар арк йўлагидан кўрингач, сайислари от чоптириб, бир-бирларидан саркардаларнинг буйруғига мувофиқ ўз тўдачаларига оғзаки буйруқ бердилар. Биз уларнинг команда тилини тушунмасдик. Айтишларига кўра улар рус тили блан буйруқ бергандилар. Броқ русча билучилар «уларнинг команда бериш тиллари рус тилига ҳеч ўхшамайди» деярдилар.

Ҳар ҳолда сарбозлар ўшандай командани эшитгач, турли-туман ҳаракатлар қилардилар. Саккиз кишилик бир бўлим бизнинг олдимиздан якка-якка қадам ташлаб ўтабердилар. Уларнинг орқасидан бораётган командир баланд овоз блан:

— «Наме... исти!» — деб команда берди.

Бўлим бу командани эшитгач қадамини тезлатиб йўлида давом этди.

Бу ҳолни кўрган командир ғазабланиб, тўда орқасидан югуриб бориб, уларни йўл юришдан тўхтатди ва ҳар бирини бир шапалоқдан ургандан кейин, уларга деди:

— Ла'натилар, бир йилдан бери ўргатаман, ҳали ҳам ўрганмайсанлар, ҳар вақтки,— деди у яна ўшқириб, лекин пастроқ овоз блан — «наме...исти!» десам, ўз жойларингизда таққа тўхтанглар!

— Ма'лум бўлишича рус тили, тожик тилининг чаппаси экан,— деди тамошабинлардан бири,— бизда агар «наме...исти» (тўхтамайсан) десалар «юриб кетабер» деганлари бўлади. Русларда бу гап «жойингда туратур!» дегани экан (кейинча бу команда русчада «на месте!» экани менга ма'лум бўлди).

Бўлимчаларнинг машқи тугагандан кейин, саркарда олдин ўтиш учун уришиб талашиб, Тахтапул олдига етиб бордилар, «дарихона»чилар ҳам бир-бирларидан ўтишиб, олдинроқ отланиб, илгарироқ Регистондан чиқиб кетиш учун шошилардилар. Чунки у иш уларнинг «ҳарбий қобилиятлари даражасини» кўрсатар эмиш.

Улар энди удайчининг «ясавингни сақла!» деб бақиршига қулоқ солмай ва овқат сотучиларнинг идишлари

синиб, овқатлар ерга тўкилишига парво қилмай, бир-бирларининг отлари тумшугига қамчи уриб, уни кейин тислатиб, ўзлари олдин ўтишга ҳаракат қилардилар.

Овқат сотучилар, уларни қабиҳ алфозлар блан сўкиб, тупроққа буланган овқатни енглари блан артиб, харидорлар учун тайёр қилардилар.

Сипоҳилар майдондан чиқиб кетгунча, Регистоннинг катта кўчаси олдидан то Тахтапулгача, тайёр овқат солинган тоғора, лаган, ла'ли (баркаш), тос, жом, челақ ва бошқа идиш-оёқлар блан, енгил овқат пиширадиган қозон, тоба ва кўралар блан тўлди.

Бу вақтда Регистон майдони подшо қасрининг олдидаги майдонга эмас, ифлосликлар блан тўлдирилган қишлоқ бозорлари майдонига ўхшарди.

Овқат сотучилар ҳали тинчланмаган эдилар. Улар энди ўз «молларини» харидор кўзига яхши кўринадиган тартибда териб, савдо-сотиққа кириша бошлаганларида Болойиҳавз томонидан подшолик машкоблари (сув ташучилар) пайдо бўлдилар.

Машкоблар чўпдан ясалган кенг эгар урилиб, устига икки машк сув ортилган эшакларни олдин суриб, «пўшт! пўшт!» деб келмоқда эдилар. Лекин улар «пўшт! пўшт!» дейишлари блан йўлнинг очилгани ёки очилмаганига парво қилмасдилар.

Уларнинг маст ва семиз эшаклари, худди «дарихона» чи сипоҳилар каби бир-бирларидан олдин ўтишга интилиб, бир-бирларининг қулоқларини тишлаб, тепишиб, ҳанграшиб олдин босардилар.

Машкобларнинг эшаклари бундай ҳаракатлари блан овқат сотучиларнинг бошларига «дарихона»чиларнинг отлари келтиргандан озроқ фалокат келтирмадилар.

У орада бир калла-почафуруш менинг диққатимни ўзига кўпроқ тортди: бир хўранда келиб у почафурушнинг олдида ўтирди. Шу вақтда бир машкоб эшаги бошқа бир эшак блан тепишиб ўтаётганида унинг оёғи почафурушнинг лаганига тегиб, уни чаппа қилиб кетди. Овқат сотучи, машкоб блан сўкиша туриб, бир қўли блан кетмоқчи бўлган харидорнинг этагидан маҳкам тутиб, бошқа бир қўли блан тупроққа беланган почаларни лаганнинг лабига артиб, харидорга тақдим қилар ва айни замонда — сўкишлар орасида ўз овқатини «лаззатли» ва «ҳало-лу покиза» деб харидорга мақтарди.

Биз Регистон майдонидан чиқаётганимизда, Пирак менга:

— Бугун одам ўлдириш бўлмади. Шундай ҳам бўлса одам кушишхонасини сенга кўрсатсам зиёни йўқ, — деди.

Мен рози бўлдим ва икковлашиб Регистон майдонининг ғарбидаги кўчанинг юқорисида бўлган майдонга кирдик. У ерда капалар остида, ёки чорпоялар устида, ё бўлмаса ерда ўтириб қовун, тарвуз, узум ё бошқа егуликлар сотаётган бозорчилар орасидан ўтиб, у майдонининг ғарби-шимолий бурчагига етдик.

У ерда қора ва бадбўй лой блан тўла бир чуқур бор эди. Қиш кунларида Регистон доирасидаги бозорлар, майдонлар ва биноларга ёққан қор, ёмғир сувлари ўша чуқурга тўпланар ва ҳарвақт сув суриб келтирган суприндилар блан чуқур тўлса, у ердаги бозорчилар чуқурни қазиб, лойни унинг қирғоғига чиқариб ташлар эканлар. Ўша кунларда чуқур қазилиб қора балчиғи чиқарилиб ташланганлигидан, унинг сассиқ ҳидига чидаб бўлмасди.

Пиракнинг айтишига кўра, одамларни шу чуқур бўйида ўлдирад эканлар ва ўлдирилганларнинг қонлари шу чуқурга оқиб тушар экан.

Пирак ўша чуқурнинг олдида туриб, арк деворининг юқоридаги бошида, тўпхона айвонининг шимол томондаги бурчагига қараб турган бир дарчани кўрсатиб:

— Бу дарча, — деди, — амир саломхонасида қурилган, амир ҳар эрта ўша саломхонада, шу дарча олдида ўтириб, саломхона ҳовлисиغا очилган эшикдан дарбор аҳлининг саломларини қабул қилади. Агар бирор кишини ўлдиришга ҳукм қилган бўлса шу дарчани очиб, бу ерга қараб туриб, у маҳкумнинг қандай ўлдирганларини «тамоша» қилади.

У чуқурнинг теварак-атрофида ва ундан озгина нарироқда бозорчилар ерда ўтириб, ўз олдиларига арқон, чилвир ва ҳайвонларни боғлайдиган бошқа хил ипларни ёйиб, сотмоқда эдилар. Чуқурнинг ғарб томонида Болойи-ҳавз биносининг девори остида ҳам, арқон сотиладиган дўконча бор эди.

Пирак уларни менга кўрсатиб:

— Бухоро халқи бировни «арқон бозорига олиб бордилар» десалар, уни «ўлдиришга олиб бордилар» деган ма'нони англатади ва англайди. Бухоронинг бир бекорчи шоири шу мазмунда ше'р боғлаб:

«Менинг кўнглимни бир арқон сотучи гўзал олди, дўстлар энди менинг бошим арқон бозорига боргусидир» мазмунида бўлган қуйидаги тожикча байтни айтган:

Дил бурда аз кафам санами рисмонфуруш,  
Ерон кунун сари ману бозори ресмон.

Биз одам ўлдириш «тамошасини» бошқа кунни кўрмоқчи бўлиб, ўз жойимизга қайтдик.

## ҒУЗАЖАЛЛОБ ҲОЖИ ЗОКИРБОЙ ВА 70 ЯШАР КАМПИР

Бир кун мен Мир Араб мадрасаси саҳнининг ғарб томонида, катта мачит — жомининг дарвозаси рўпарасида ўтирардим. У кун ғуза бозори бўш ва тинч эди. Бозорда на сотучи бор эди, на олучи. Бозорда фақат бирнеча қанор ғуза ўз эгаларининг — жаллобларнинг юк ташучиларини кутиб тургандай бўлиб ётарди.

Саҳн четида, мен ўтирган жойга яқинроқда, ёзилган бир бўш қанор устида, уч киши нон еб ва чой ичиб ўтирарди. Буларнинг бири шаҳарга яқин Гулобиён деган қишлоқдан, машҳур ғузажаллоб ҳожи Зокирбой эди. Унинг умри олтмишдан ошган ва етмишга яқинлашгандай кўринарди. Унинг номи аслда Зокирбой бўлса ҳам, ўтган йил ҳожга бориб Макка ва Мадинани зиёрат қилиб келганидан кейин, номига «ҳожи» сўзи ҳам қўшилган эди. У одамларнинг иккинчиси Ҳошим деган 21—22 яшар бир йигитча эди. Бу йигитча ҳам Гулобиён қишлоғидан бўлиб, ғуза бозорида паллабардорлик қилар ва тарозибон бўлмаган вақтларда шайин бошига ўтиб, юк тортиш ҳам қўлидан келарди, у ердагиларнинг учинчиси Мурод пахтакаш деган 70 яшар бир чол эди. Бу одам Бухоро шаҳарига яқин бўлган Бозорча номли қишлоқдан бўлиб, ёшлигида пахтакашлик қилиб кун кечирар экан. Бу ишда бел ва билаги ишдан чиққандан кейин ғуза бозорида қоровул бўлиб қолган эди.

Ҳожи Зокирбойнинг Комилжон деган ўғли бўлиб, у бизнинг гиждувонликларимиз блан таниш ва савти мулла Ҳомиднинг ҳужрасига кўп келарди. Шу муносабат блан мен унинг отаси — ҳожи Зокирбойга бир даража ҳолдон эдим.

Гиждувонликлар ҳожи Зокирбойни «ғуза жаллобликда жуда ҳам инсофсиз эди. Броқ ҳаж бориб, у бутун гу-

ноҳларига товба қилиб «шайхлар каби» худодан қўрқадиган тақводор бўлиб келган» деярдилар.

Ҳожи Зокирбой чой ичиб ўтирганда суҳбатдошларига ўзининг ҳаж сафарларидан гапирар, Мадинада пайғамбар қабрини қандай зиёрат қилганини ва Маккада Хонаий ка'бага қандай кирганини сўзларди ва араб шайхларидан нақл қилиб, «Хонаий ка'бага кирган одам ҳамма гуноҳларидан пок бўлиб, онадан янги туғилгандай бўлиб чиқар экан» дер эди.

Шу вақтда ғўза бозорига бошида минг бир ямоқ бир паранжи, қўлига узун ҳасса ушлаган бир кампир кириб келди. У, устига бир қоп ортилган бир ярамас эшакни олдига солиб, ҳайдаб келарди. Кампир бозорга кириб, у ерда ҳечбир киши йўқлигини кўриб ҳайрон бўлиб, ҳассасига суяниб қолди.

Ҳожи Зокирбой кампирни кўргач Ҳошимга:

— Тур, бу кампирнинг ғўзасини тортиб менинг қопимга сол! Лекин шундай тортки, бугунги чой, ноннинг пулини ва кечқурунги ошнинг гўштини кўтарсин, — деди.

— Агар «тўғри торт» десангиз, жоним блан хизмат қилардим, хожиамаки! — деди Ҳошим — лекин...

Йигитча «лекин»дан кейин, ҳечнарсa демай ерга қараб қолди.

— «Лекин ўғрилиқ қилмайман» дейсан! Шундай эмасми? — деб Ҳошимдан сўради ва зарда қилиб сўзида давом этди.— Сен қачондан бери «шайх Барсисо» бўлдинг? Кеча бозорда жуда кўп ўғрилиқ қилдинг-ку!

— Уғрилиқ қилдим, бундан буён ҳам ўғрилиқ қиламан. Чунки «ғўзанинг ичи оқ бўлса ҳам, ғўза бозоридагиларнинг ичи қора» деганлар. Бир тўда ичи қора жаллоблар, тарозибонлар ва паллабардорлар орасида, албатта менинг ичим оқ бўлиб қолмайди,— деди йигитча кескин оҳанг блан,— лекин бу кампирнинг молидан ўғрилиқ қилмайман!— деди Ҳошим.

— Нега? — деб сўради ҳожи Зокирбой, ажабланиб.

— Чунки, агар бу кампирнинг кишиси ва навоси бўлганда эди, шундай ўлар ҳолда ўзи бозорга келмасди. Бу аҳвол шуни кўрсатадики, агар кампир тирик қолса шу ғўзанинг пули, унинг қишлиқ овқатига, агар ўлиб қолса, гўру кафанининг харажатига кетади. Мен ёш бошим блан бу кампирнинг қишлиқ овқатини ва гўру кафан харажатини ўғирлашдан қўрқаман.

— Жуда яхши!— деди ҳожи Зокирбой пичинглаб ва



уст тўнини ечатуриб, йигитчани масхаралаб давом этди, — дарҳақиқат ёш бошингдан қўрқишинг керак. Ажаб эмаски, шу кампирнинг қарғишидан шу кечанинг ўзидаёқ ўлиб қолсанг. Броқ кексаларнинг жони қаттиқ бўлади...

— Айниқса ҳаж қилиб барча гуноҳлардан пок бўлиб келгандан кейин, — деб Муродпахтакаш ҳожининг гапини «қувватлади».

— Балли! — деб ҳожи Зокир, Муродни ҳалиги гапи учун мақтагандан кейин, узилган гапини давом этдирди:

— Ўзим бу кампирнинг ғўзасини ўз истагимга мувофиқ тортиб оламан. Чунки мен унинг қарғишидан қўрқмайман. Борди-ю шу кампирнинг қарғишидан ўладиган бўлсам ҳам, унинг ғўзаси ҳисобидан шу кеча бир ёғлик нахарт (биқин) гўшти еб ўлсам зиёни йўқ.

Ҳожи Зокирбой ечган уст тўнини қанор устига қўйиб, ўзи саҳн босқичидан тушиб, аста-секин қадам босиб, кампирнинг олдига бориб гап бошлаб, кампирдан:

— Синглим! Ғўзангиз олақароқ (офтобда очилган кўрак)ми, тоза ғўзами? — деб сўради.

— Сунбула (сентябрь боши) ғўзаси! — деди кампир ва қўшимча қилди, — ғўзалар энди очилаётган бир вақтда олақароқ қаердан топилади?

— Ўтган йилдан қолган олақароқ бўлмасин деб ўйладим-да, хафа бўлманг синглим — деди ҳожи ва — Рухсат беринг, юкингни эшакдан тушириб, қопни очиб, ғўзангни кўрай, — деб қўйди.

— Юкимни эшакдан тушириб берсангиз дуо қиламан, — деди кампир, — мадорим йўқлигидан тушираолмай туриб эдим.

Ҳожи Зокирбой, юкни эшакдан тушириб қопнинг оғзини очиб, ғўзани кўргач:

— Ғўзангиз ёмон эмас экан, — деди, — фақат икки сувдан қолган экан, шунинг учун кампахтароқ бўлипти, тош босмайди. Ҳарнима бўлса ҳам жаллоблар «жон» деб олардилар-куя. Эссизки, бугун бозорда харидор йўқ. Нега бозор бўлмаган кунда келтирдингиз? Агар бозор куни бўлганда бирор жаллобга тузуккина нарх блан сотиб бериб, сизга хизмат қилардим.

Ҳожи Зокирбой қопнинг оғзини қайта боғлаб, кампирга кўз тикиб турди. Афтидан унинг гапига қараб нарх қўймоқчи эди.

— Кишисизлик қуриб кетсин! — деди кампир жавобда. — Эрим сиздан ҳам қарироқ эди. Шундай бўлса ҳам,

ёллаб олган қўшхўкиз блан бир парча еримизга ғўза экди. Ғўзани чопиқдан чиқаргандан кейин, раҳматлик ху-дога бандаликни бажо келтирди (ўлди). Мен унинг гўр, кафани учун қишлоғимизнинг бойидан қарздор бўлиб қолдим. Оқсоқол ҳам ер солиғини кунда талаб қилади. Ўзим бир ойдан бери иссиқ овқатнинг юзини кўрган эмасман, қўшнилardan бирнеча нон қарздор бўлиб қол-дим. Ана шуларнинг ҳаммаси, шу ғўзанинг устига юкля-ниб қолди. Броқ ўнбеш кундан бери қанча ялиниб ёлвор-сам ҳам, шу ғўзани бозорга келтириб сотиб, пулини мен-га олиб бориб берадиган бирор киши топилмади...

Ҳожи Зокирбой кампирнинг гапига диққат қилиб қулоқ солиб, унинг узундан-узоқ зорланишидан зериккан бўлса керак, жеркиш оҳанги блан унинг гапини бўлиб:

— Хўп, ғўзангизни бугун сотасизми ё йўқ? — деб сў-ради.

— Харидор топилса сотаман! — деди кампир.

— Кўриб турибсиз-ку, ҳаридор йўқ. Нега бозор бўлма-ган кунда келтирдигиз? дейман — деб ҳожи Зокирбой аввалги саволини қайта берди.

Кампир узун гапининг ҳожига ёқмаганини пайқаган бўлса керак, узр сўрагансимон:

— Мен ҳам шу гапга жавоб бермоқчи эдим. Қарилик қуриб кетсин, гапим узун бўлиб кетди, — деди ва сўзида давом этди: — Ахир мен бу зорқолғурни (ғўзага ишорат қилиб) орқамга кўтариб олиб келолмасдим-ку. Улов топ-мадим. Бир бозорчи аттор қўшним бор эди. Ундан эшак тиладим. Фақат бугунга берди. «Бошқа кунларда ўзим қишлоқ бозорларга қатнайман» деди. Ноилож қолиб бугун олиб келдим.

— Хўп, бугун харидор йўқ. Энди нима қилмоқчи-сиз? — деб ҳожи Зокир сўради.

— Илоҳи барака топинг! Бир иш қилиб бугун сотиб беринг, арзонроқ бўлса ҳам майли. Мен бу зорқолғурни қайта қаерга олиб бораман? Агар бугун олиб борсам, албатта бошқа кун келтиролмайман. Йўқчилик ва киши-сизлик қуриб кетсин!

Энди кампирни «тахтага олиш» вақти етган эди. Чун-ки у ўзини, мурдашўйнинг қўлига топширилган ўликдай, ҳожининг қўлига топширган эди. Ҳожи кампирга деди:

— Хўп, майли «бир савоб иш қилай». Одамлар савоб учун мачит, мадраса соладилар. Ҳеч бўлмаса мен ўзим-дан пул харж қилмай, сизнинг кўнглингизни овлай...

— Илоҳи имонингиз ҳамроҳ бўлсин! Невара-чевараларингизнинг тўйини кўринг! — деб кампир ҳожининг гапини бўлди. Ҳожи давом этди:

— Мен ғўзангизни арзон нарх қилмайман. Тоши аниқлангандан кейин, пулини ўз ёнимдан нақд бераман. Эрта бозор куни ғўзангизни бирор жаллобга сотиб, пулимни ундираман. Майли менинг пулим эртагача сизнинг ғўзангизга «қарзи ҳасана»дай фойдасиз банд бўлиб турсин. Худо бошқа жойдан менга ортиғи блан беради.

Кампир ҳожини сидқи дили блан дуо қилабошлади. Ҳожи ғўзани қондан зағома (тарози палласи)га ағдариб тортишга киришди...

Ҳожи Зокир кампир блан гапиришаётганда Муродпахтакаш Ҳошимга деди:

— Бизнинг қишлоғимиз — Бозорчада Насим деган эшакчи бор эди. У эшакка ишқбоз бўлиб, қанграгучи зотли эшаклар сақларди. У, Бухоро — Вобканд, Бухоро — Баҳоваддин ораларида киракашлик қиларди. У, ўтган йил бир фалокатга учради — ўғрилар бир йўловчини тутиб унинг жухори экилган ерига киргизиб, мол ва пулини олиб ўзини ўлдириб ташлаганлар.

Шариат юзасидан бировнинг ери ичида бир жиноят бўлиб, у жиноятни қилган киши ма'лум бўлмаса ер эгаси жавобгар бўлар экан. Ҳалиги ўғрилар ма'лум бўлмаганидан, ҳукумат одамлари ер эгаси бўлган Насимни қўлга олиб, Бухоро зиндонига қамаган эдилар.

Бир йил орасида унинг акаси эшакларини, жухори экилган ерини ва бошқа нарсаларини сотиб, миrшаб ва унинг одамларига егизди. Броқ уни қутқазолмади.

Бугун эшитдимки амирдан Насимни ўлдириш ҳукми чиққан эмиш. Миршаб унинг акасига «агар шу кеча икки минг танга (уч юз сўм) топиб берсанг, унинг ўрнида бошқа одамни ўлдириб, уни қутқарамиз, бўлмаса эртага уканг ўлдирилади» деган.

Броқ Насимнинг акаси икки минг танга тугул, икки минг сариқ чақа ҳам топаолмайди ва Насим эртага ноҳақ ўлдирилади.

Мурод ўз ҳикоясининг охирида қўшимча қилиб деди:

— Модомики бировнинг ўрнида бошқа бировни ўлдириш мумкин экан, мен амир ёки миршаб бўлганимда Насимнинг ўрнига шу ҳожи Зокирбойни тутиб олиб бориб, ўлдираддим. Бу ноҳақ ҳам бўлмасди. Чунки бу пичоқсиз

жаллод кунда бирнеча деҳқоннинг қонини тўкаётир. У, ҳозир бу кампирни ҳам ўлдириш пайида...

Бу вақтда кампирнинг дод-бедоди эшитилди, у айтди:

— Мен ўзим ўз қўлим блан кичик тарозида тортиб олиб келганман. Бозорда кам чиқмасин, тарозибон ҳақи ҳам паллабардорнинг «муштагини» кўтарсин, деб қасдан оғир-оғир тортган эдим...

— Мен бошда ғўзангиз сувдан қолган, тош босмайди деган эдим-ку. Яна нега мунча шовқин-сурон соласан? Хўп, ўзинг айт қанча эди? — ҳожи Зокир энди кампирни «сансанлаб» унга дўқ урарди.

— Мен тарозига чораклик (икки килолик) тош қўйиб битта-битта тортдим. Тортилган ҳарбир тарози юкка, ҳисобдан янглишмаслик учун нарироқда бир дона ғўза қўйган эдим. Тортиб бўлганимдан кейин нарида қўйилган ғўза доналарини санаб кўрдим — ҳаммаси йигирма тўрт дона эди. Демак тортиб қопга солинган ғўза йигирма тўрт чорак бўлиши керак. Сиз бўлсангиз ўнолти чорак чиқардингиз.

Ҳожи Зокир кампирни сўка-сўка ғўзани унинг қопига қайта солаберди. У, ўзича «хизматга тухмат, деганлари шу бўлади», деб кампирга ўдағайларди:

— Мен сенга фриб бериш учун ўтган йил тўрт минг танга харажат қилиб, ҳажга бориб келганми эдим? Ғўзангни кўтариб олиб бор манжалоқи! Ўлганингдан кейин кишлоқ оқсоқоли сотиб, сенга кафанлик олади.

Кампир бўшашди:

— Мен ғўзани қайтариб олиб бораолмайман. Ҳарни-ма қилсангиз қилинг, ўз розилигингиз блан нимайики берсангиз беринг! Мен худога топшираман.

— «Худога топширармиш» — деди ҳожи Зокир пичинг қилиб, ўз-ўзига ва кампирга қараб гапини давом этдирди, — афтидан, сенинг топширигингни бажаришдан бўлак худонинг иши йўқ экан-да. Аҳмоқ?

Кампир кўп ялиниб, ёлворгандан кейин, ҳожи Зокир унинг ғўзасини қайтариб ўз қопига солди. Унга қанча пул берганини мен билаолмадим. Фақат менга шу маълум бўлдики, кампир ҳожи берган пулни санамасдан, ўз бошидаги рўмолнинг учига тугди, бўшаган қопни эшак устига ташлаб, уни олдига солиб, бозордан пиёда чиқарди.

Мен «бироннинг ёрдамидан бошқа у эшакка минаол-

маса керак» деб ўйладим ва уни эшакка мингизиб қўйиш учун чошиб бориб, унга етиб, ўз хизматимни тавсия этдим. У қабул қилмади:

— Мен етмишга кирганман, қариликдан эшакнинг устида ўтиролмаيمان. Кўзим тинади, йиқиламан,— деди ва мени бу яхши ниятим учун дуо қилиб, хира бўлиб қолган кўзларидан жовдираб ёш чиқиб, сўлгин юзига оқаётгани ҳолда бозордан чиқиб кетди.

Мен ғўза бозоридан чиқиб тўғри Пиракнинг ҳужрасига бордим. Унга пахтакаш Муроддан эшитганларимни сўзлаб, Бозорчалик эшакчи Насимнинг эрта ўлдирилишини унга билдирдим ва одам ўлдирилиши «тамоша қилиш» учун, эрта Регистонга мен блан бирга бориш тўғрисида ундан ваъда олдим.

Сўнгра ҳужрамга чиқдим, ҳушим бошимда йўқ эди, хаёлим кампирга банд эди. Кечаси ухлаёлмадим. Кўзим уйқуга кетаркан кампирнинг қуриган гавдаси, йиғлаб, ҳассага суюниб, бозордан чиқаётган шаклида кўзимнинг олдига келарди.

#### РЕГИСТОНДА ИККИНЧИ МАРТА

Биз тонг қоронғисида Регистонга етдик. Ҳали тамошабинлар унча кўп бўлмаганидан бир қулай жойга ўтириб олдик.

Регистонда тамоша аввалгидай бошланди. Соат саккиз бўлса ҳам, Тахтапул устига тортилган занжирни кўтармадилар.

— Бугун дарихона бўлмайди афтидан, — деди Пирак. Ҳақиқатан ҳам дарихона бўлмади. Регистоннинг тевааракатрофида тўпланган дарихоначи сипоҳилар ҳам, дарихона бўлишидан умидларини узиб, тарқалиб, ўз уйларига кетдилар.

— Бугун бу қадар сипоҳ аркка киролмай қайтиб кетдилар. Энди булар қиладиган хизматини аркда ким қиладилар? — деб Пиракдан сўрадим.

— Буларнинг аркда ҳечбир қиладиган ишлари йўқ, — деди Пирак кулиб.

— Ундай бўлса, нега у қадар шошилиб аркка чиқадилар? Ё бўлмаса булар ҳар сафар аркка чиққанда амир уларга бирор ин'ом қиладигандир. Улар ана шу ин'омни тезроқ қўлга киргиши учун балки шу қадар шошиладигандирлар? — дедим, ўз томонимдан тахминий фикр юргизиб.

— Бундай ҳам эмас, — деди Пирак ва ўзи дарихоначиларнинг аркдаги ишлари тўғрисида менга тафсилли маълумот берди.

## «ДАРИХОНА» ЧИЛАРНИНГ АРКДАГИ ИШЛАРИ

Пирак дарихоначиларнинг аркдаги «иши» тўғрисида маълумот бериб, мени қондириш учун гап бошлади:

— Ўтган сафар Регистонга келганимизда, ўртаёшли одамнинг бизга айтгани каби бундай ишлар «подшолик ҳикмати» бўлиб, бизнинг ақлимиз буларнинг «ма'носига етмайди» — деди Пирак ва давом этди. Пиракнинг айтишига кўра: дарихоначилар таллашиб, тортишиб аркка чиққандан кейин, удайчи уларнинг амалларига қараб олдин-кейин тизиб қўяди. Амир саломхонага чиқиб ўтириб, рухсат берганидан кейин, удайчи ва унинг ўринбосари ҳисобланган шиғовул буларни амалларига кўра тўдаларга ажратиб, саломхона ҳовлисига киргизиб, узоқдан амирга салом бердиради, таъзим ва дуо қилдиради.

Ўз қулларининг саломига жавоб бериш «амирнинг ша'нига муносиб бўлмагани учун» «салом оғаси» деган ма'мур амир ўтирган хонанинг даҳлези олдида туриб, баланд овоз блан:

— «Ваалайкумуссалом!» — деб амир жанибидан буларнинг саломларига жавоб қайтаради.

Удайчи блан шиғовул ҳарбир салом бериб бўлган тўдани саломхона ҳовлисидан чиқариб, қўй рамасини қўрага ҳайдагандай, у тўдани амирнинг тахти қурилган ҳовлига ҳайдаб юборадилар. Булар унда пишиқ ғишт ётқизилган палоссиз супага ўз амалларига кўра юқори, қуйи тизилиб, чўккалаб ўтирадилар.

Тўдаларнинг ҳаммалари салом бериб, бориб тахт атрофида жойлашганларидан кейин, фаррошлар ошхонадан сирланмаган сопол товоқларда палов келтириб, уларнинг олдиларига қўймоқчи бўладилар. Броқ, дарихоначилар, очиққан ит ё мушукдай, овқатни олдиларига қўйишга чидамай, товоқларни фаррошлар қўлидан таллашиб тортишиб олабошлайдилар...

— Улар умрларида палов юзини кўрмаган бўлсалар керакки, бу қадар очкўзлик кўрсатадигандирлар? — деб мен Пиракнинг сўзини бўлиб сўрадим.

— Бундай эмас! — деди Пирак, — эҳтимол уларнинг

уйларида кунда пишириладиган ошлар, амир ошхонасининг умумий овқатидан лаззатлироқдир. Броқ уларнинг тушунчаларига кўра амир томонидан бериладиган ош қанча маззасиз бўлса ҳам «табаррук» эмиш ва уни талашиб-тортишиб олиш амирга хуш кўринармиш, шунинг учун шу қадар талашадилар. Ҳолбуки шу қадар тортишув блан қўлга киргизилган бу «табаррук» ошни ҳечбирлари емайдилар, ҳатто тузини ҳам тотиб кўрмайдилар — унинг бир қисми дарихоначиларнинг тортишлари вақтида ерга тўкилади ва қолгани ошхоначилар томонидан сирсиз товоғи блан бирга томга отилади.

Пиракнинг айтишига кўра дарихоначилар «оштортиш» маросимидан кейин саломхона блан арк жомин орасидаги йўлакда, палоссиз супачалар устида ўтирар эканлар. Қор, ёмғир ёғаётган вақтларда ҳам улар учун усти ёпиқ жой йўқ экан.

Улар амир руҳсат бергандан кейин, ўз уйларига борадилар ва агар руҳсат бериш амирнинг эсидан чиқиб қолса, кечқурунгача — арк дарвозаси бекиладиган вақтгача ўша ерда қолар эканлар.

### О Д А М У Л Д И Р И Ш

Пиёда сарбозлар Регистонда сафга тизилиб тургандан кейин қўллари олдинга — кўкраклари устига тортилиб боғланган уч кишини арк йўлагидан тушириб, дарвозадан чиқариб, Тахтапулнинг бошида сақлаб турдилар.

Бу бандиларни кўрган ҳамон тамошабинлар орасида ҳаяжон, қимирлаш ва шов-шув бошланди: ба'зилар бош қимирлатиш блан сассиз, садосиз афсус аломати кўрсатардилар, ба'зилари ўз жойларида сабрсизлик блан қимирлаб, гоҳ арк томонига ва гоҳ арқон бозори томонига қараб, қандайдир бир фавқулудда «тамоша»ни кутиб турганлари аломатини кўрсатардилар, ба'зилари ўз ёнларидагилар блан қўллари олдинга боғланган бандилар тўғрисида, совуққонлик блан гапиришардилар ва уларча бўладиган иш оддий иш бўлиб, кундалик ҳодисалардан бири каби эди. Броқ барча тамошабинларга қўллари олдинга боғланган бу уч бандининг беш-олти минут орасида ўлдиришлари ма'лум эди.

Қушбеги жазо бериш маросимининг Бухородаги ма'лум усули бўйича уч бандининг номларини бир-бир айтиб «ҳақиқатда уларнинг ўша номлар эғалари бўлганликларини» у ерда турган кишилар томонидан «тасдиқ қилди-

риб аниқлади» ва ундан кейин амир томонидан муҳрланган ўлим фармонини, миршаб (полицеймейстер)га берди.

Миршаб у фармонни олиб аввал ўпди, сўнгра кўзига суртди, ундан кейин бошидан бир қарич юқори кўтариб, қайтариб тушириб, такрор кўзига суртиб ва ўпиб қўйнига тикди.

Бу ишлардан кейин миршаб ўз одамларига қараб, бошини юқори, қўйн секингина қимирлатди. Бу «қани бандиларни кушишхонага олиб юринглар!» дегани экан.

Бу ишоратнинг ма'носини тўла англаган жаллодлар, ҳар бандининг ёнига иккитадан ўтдилар. Жаллодлар қисқа бўйли, йўғон гавдали ва қисқа чопонли одамлар бўлиб, беллари устдан боғланган, оёқларида оддий эгик, бошларида оддий телпаклари бор эди. Жаллодларнинг туслари турлича бўлса ҳам, кўзлари қутирган итларнинг кўзларидай даҳшатли эди ва кўзларида оқ ва қора ўрнида олов ёнаётгандай эди.

Жаллодларнинг бириси қўлида боши тўгарак қисқа сопли калтакча бўлиб, бошқа бирисининг белида пичоқ тақилган эди.

Жаллодлар ва бандилар теварагини, таёқли шабгардлар (миршаб одамлари) ўраб олдилар ва бу тўданинг икки томонидан қиличли қушбеги ва миршаб одамлари, оқ таёқли амир ясавуллари саф тортдилар.

Миршаб кумуш сопли ойболтани қўлда тутиб, тўданинг олдига ўтиб юрабошлади ва тўда ҳам унинг орқасидан йўналди.

Миршаб Тахтапулдан Регистон майдонининг текислигига тушгач, у ерда тайёрлаб қўйилган отига минди. Тахтапул блан одам ўлдириладиган жойнинг ораси уч юз қадам чиқмаса ҳам, миршаб у ерга пиёда боришни ўз ша'нига муносиб кўрмади.

Тўда, миршаб орқасидан пиёда сарбозлар орасида махсус, очиқ қолдирилган йўлакдан йўналди.

Ўлдирилучиларнинг ўлим олдида чехралари қандай бўлишини яқиндан кўриш учун биз тамошабинлар орасидан бир бало қилиб олдин силжидик. Биз тўда ўтаётган жойга яқинлашиб, кўзимиз бандиларнинг юзларига тушганда, даҳшатдан ҳушсизланаёздик. Чунки ўлимга олиб борилаётган бандиларнинг биринчиси мулла Туроб бўлиб, Пиракнинг айтишига кўра иккинчиси мулла Бозор эди. Мен мулла Бозорни шахсан кўрган бўлмасам ҳам, унинг кимлигини Пиракдан эшитиб билардим.



Биз буларни бу ҳолда кўришни ўйламаган эдик, биз учун бу даҳшатли кўришиш кутилмаган фожиа эди. Биз бошда ўз кўзларимизга ишонмадик, «узоқдан бошқа одамларни уларга ўхшатганмиз» дедик ва яна яқинроқ бордик. Эссизки, кўзимиз адашмаган экан. Ҳақиқатан ҳам улар мулла Туроб ва мулла Бозор эдилар.

Мулла Туроб блан мулла Бозор ўлимга қараб мардларча бормоқда эдилар. Албатта уларнинг туслари, кўзлари ва феъл-атворлари оддий одамларга ўхшамасди — ранглари ўчиб кулранг бўлган эди. Лекин ҳаракат ва қаддам қўйишлари мастларча кўринарди, улар гўё соғлом ва тетик одамлар бўлиб, кўп ичганлари ҳолда ўзларини йўқотмаган ва йиқилмаган одамлардай бўлиб кўринар эдилар. Броқ ўша кучли ва кўп ичилган майнинг таъсири блан гўё бошларидан нима ўтаётганини аниқлаёлмасдилар. Орқадан судралиб келаётган учинчи бандини биз шахсан танимасдик. Лекин Мурод пахтакашнинг тилидан кеча эшитганларимга кўра биз уни «эшакчи Насим» деб ўйладик.

Бу банди жаллод пичоғи блан кекиртаги кесилмасдан илгари ўлгандай кўринарди. Унинг туси бинафша гулининг тусидай бўлган, юриш, туриш қувватидан бутунлай ажралган эди. Унинг икки ёнидан икки жаллод тутиб, уни кўтариб бораётгандай зўрға олиб борардилар ва унинг қадамлари ерга гоҳ тегар ва гоҳ тегмасди.

Тўда «кушишхона»га бориб етди. Миршабнинг одамлари қушбегининг шогирдпешалари ва амирнинг ясовуллари арқон бозоридаги сассиқ чуқурни ўраб олдилар. Миршаб ўз одамларининг ҳалқаси орасида, чуқур бўйида от устида тургани ҳолда, қушбегидан олган амир фармонини қўйнидан чиқарди. У фармонни яна бир марта бошидан юқори кўтариб ва қўйига тушириб, кўзига суртиб, ўпгандан кейин қайта қўйнига тикди. Сўнгра арк томонига, амир олдида ўтириб бу манзарани «тамоша» қилаётгани тахмин қилинган, саломхона дарчасига қараб тумшуғи отининг ёлига текканча эгилиб таъзим қилди. Ундан кейин қўл кўтариб бандиларга ва одамларга, амирни дуо қилдирди. Бош жаллод қўлини очиб юқори кўтарди, бошқа жаллодлар ва соқчилар ҳам қўл кўтардилар. Бош жаллод дуо қилабошлади: «Илоҳи! Жаноби олий жаҳонгир бўлсинлар! Қиличлари кескин ва сафарлари хатарсиз бўлғай! Зоти олийга қасд қилган ҳарбир душман паст бўлғай! Пирлар, ёр, чорёр мададгор ва Шо-

ҳимардон ҳазратлари камарларини боғлагайлар! Омин, ёраббилламин!».

Бошқа қўл кўтариб турган одамлар ҳам «омин!» деб, қўлларини юзларига суртдилар.

Сўнгра миршаб жаллодларга қараб бош қимирлатиб, ишора қилди. Бу «ишни бошланг!» дегани экан.

Бошлаб икки жаллод мулла Бозорни чуқур бўйига олиб келди. Қўлида калтак тутган жаллод олдин ўтиб, қулочини ёзиб, бандининг тиззасидан қуйисига — оёқлари суюгининг қиррасига калтак блан қаттиқ бир урди. Банди оёқлари суюгининг шиқирлаб синган садоси, у ерда яқин турган одамларга эшитилди. Банди юзи блан ерга — чуқурдан қазиб чиқариб ташлаган қора балчиқ устига йиқилди. Калтаклик жаллод бандининг устига миниб, унинг елкасидан тутиб, оғзи лойга бўялгани ҳолда бошини босиб турди. Таёқли миршаб одамлари уни белидан оёқларигача ерга босиб турдилар.

Иккинчи жаллод белига тақилган пичоқни қинидан суғуриб олди. Пичоқ унча катта эмас эди. Гулбандидан учигача бир қарич келар эди. Шунинг ила баравар ингичка ва дудама эди. Жаллод у пичоқни банди бўйинининг бир ёнидан — қулоғи тубига яқин бўлган жойдан гулбандигача суқиб бир марта товлагандан кейин, суғуриб олди ва қонга бўялган пичоқни бандининг кийимига артиб яна қинига солиб қўйди. Қора қон бандининг тешилган бўғзидан отилиб чиқиб, ерга тушиб чуқур ичига оқиб борарди.

Бошқа икки бандини ҳам, шу тартибда ўлдирдилар. Биз эшакчи Насим деганимиз бандининг бўғозидан қон озроқ оқди ва тез тўхтади.

Миршаб жаноби олийни яна бир марта дуо қилдиргандан кейин соқчилар тўдаси блан бирга арк томонига қайтиб кетди. Тамошабинлар бандиларнинг гавдаси ётган жойга яқин бордилар. Мулла Бозор блан мулла Туробнинг гавдалари ҳали ҳам отилиб тушиб турарди. Насим эшакчининг гавдаси бўлса бўшгина қимирларди.

### **«ЖАНОБИ ОЛИЙНИНГ БОЙВАЧЧАЛАРИ»**

Миршаб ўз тўдаси блан ҳали узоқлашмасданоқ Регистоннинг жануб тарафидан — Тиргарон тоқи томонидан бир тўда калбаччалар қўлларида уч дона занбар бўлгани ҳолда кўриндилар. Уларнинг бошлари—елкаларидан қошлари устигача чағбут (эски пахта)га ўхшарди. Улар кўй-

лак-иштонсиз бўлиб, иштон ўрнида — баданларининг белларидан қуйисига бир эски латга ўралган эди. Уларнинг ҳарбири эгнида уада бир чопон бўлиб, беллари чилвир блан боғланган эди.

Уларнинг гавдалари — оёқлари учидан кўзлари олди-гача қорамтил кулга булангандек баданларининг туси билинмас, фақат кўзлари қорамтил мушукнинг кўзидай милтиллаб турарди.

Қалбаччалар узоқдан кўрингач у ердаги одамлар «жаноби олийнинг бойваччалари» келаётирлар, деб шивирлашабошладилар.

Қалбаччалар чуқур бўйига келиб, ўлдирилганларнинг гавдалари тинчлангунча кутиб турдилар ва уларда ҳаёт аломати кўринмагач, биттадан занбарларга солиб, кўтариб олиб, келган йўлларига қайтиб кетдилар.

Мен Пиракдан у калбаччаларни «жаноби олийнинг бойваччалари» дейишларининг сабабини сўрадим.

— Бухоро амири,— деди у,— ўзи томонидан ўлдирилган одамларни, калбаччаларнинг шундай хор қилиб кўтариб кетишларига жуда яхши кўз блан қараган. Уларни шундай «хизматлари» учун тирик одамларга ҳам ҳарқандай ҳурматсизлик қилсалар, тақиқламаган. Амирнинг ўзи «шоир» бўлганлиги сабабли, калбаччаларнинг бу ишлари тўғрисида «агар йўлингда бадкирдор ва шум рақиб дуч келса, бошини танасидан ажратиб гавдасини занбарга солиб олиб бор» мазмунида қуйидаги тожикча байтни тўқиган:

«Бароҳат гар дучор афтад, рақиб шуми бадкирдор»<sup>1</sup>  
Сараш аз тан жудо гардон, жасад болойи занбар бар!»

Бухоро халқи бу аҳволдан, калбаччалар амир меҳрибонлигига сазовар эканини пайқаб, буларга «жаноби олийнинг бойваччалари» деган «фахрий» лақабни берган.

Пирак менинг сўроғимга жавоб бергандан кейин:

— Бухоро аҳолиси зийрак кишилардирлар,— ҳар нарсага тушунадилар, ҳарбир нарсага ва кишига бирор муносабат блан, муносиб номлар ва лақаблар берадилар. Фақат буларнинг айби шуки, зулмга ва ҳақсизликларга қарши, бирор ҳаракат кўрсатмайдилар. Менинг фикримча бунинг сабаби шундаки, булар кўп зулм чекканларидан зулм чекишга «одат»ланиб қолганлар. Ба'зи одамлар, наша чакиш ва тарёк ейиш ўзларини ҳалокатга олиб бо-

<sup>1</sup> Афзал тазкирасида, бу байт амир Абдулаҳад номига ёзилган.

раётганини билатуриб, ундай ишларга одатланиб, оддий бир ишдай қараганлари каби Бухоро аҳолиси ҳам ўзини ҳалокатга олиб бораётган, зулм ва ҳақсизликларга оддий бир ишдай қарамоқда,— деб қўйди.

Биз кушишхона олдидан Болойиҳавзга чиқдик. У ерда қўл-бетимизни совуқ сув блан ювиб, бузилган қон ва асабларимизни бироз тинчлатдик ва самаворхонага кириб чой ичиб, ҳужрамизга қайтмоқчи бўлдик.

Қайтишда биз Регистон бозоридан базозлик растаси блан Тиргарон тоқи остига етганимизда, Пирак, Мир Араб мадрасасининг ёвуқ йўли бўлган мисгарлик растасига бурилмай, тўғри Наддофлик растасига қараб йўл бошлади:

— Бу йўл узоқроқ бўлса ҳам, бу йўл блан бориб, «жаноби олийнинг бойваччалари» ҳалиги ўликлар устидан қандай пул тўплаганларини сенга кўрсатаман,— деди.

Биз Наддофлик растасидан ўтиб, Тўқимдўзлик ҳаммомига яқинлашганимизда, у ҳаммомнинг олдида икки томондан келаётган одамларнинг тўпланганларини ва ўзаро шовқин-сурон ва жанжал қилаётганларини кўрдик.

Биз қадамимизни тезлатиб у одамларга яқинлашдик: У ерда «жаноби олийнинг бойваччалари» катта кўчанинг икки томонини тўсиб, икки томондан келаётган йўловчиларни ўраб олган эдилар. Уларнинг, ҳарбириси бир йўловчини, бир қўли блан этагидан маҳкам тутган ва бошқа бир қўлини ўзининг яланғоч кал бошига уриб олиб, у йўловчининг кийимларига, бўйин ва елкаларига сурта туриб бақирарди:

— Тез бўл! Уч ўликнинг кафани учун уч танга бер! Бўлмаса қўлимни бошимга уриб олиб, оғзинга тиқаман!

— Агар йўловчининг пули бўлса, дарҳол у «бойваччанинг» талабини қондирар, агар пули оз бўлса савдолашиб икки танга ёки бир танга, ҳеч бўлмаса ярим танга блан уни рози қилиб, қутилиб кетарди. Агар йўловчининг ёнида пули бўлмаса, «бойвачча» қўлини яна бир марта ўз бошига уриб олиб, унинг оғзига тиқиб тургандан кейин уни қўйиб юборар ва бошқа йўловчининг этагидан тугтарди.

Биз яна яқинроқ бориб, одамлар тўдаси орасини кўздан кечирдик, унда — Тўқимдўзлик ҳаммомининг гўлаҳи

олдида — йўл устида уч занбарда, қонга бўялган уч ўлик ётарди. Булар, шу кунни эрта блан Регистонда ўлдирилган мулла Бозор, мулла Туроб ва эшакчи Насимнинг ўликлари эди.

Биз ортиқча у ерда туришни ўзимиз учун хавfli билиб «жаноби олий бойваччалари»нинг қўлларига тушишдан қўрқиб, чап қўлдаги бир тор кўчага бурилдик. У тор кўча блан Кўчайисангин, Хўжазайниддин, Ҳаммомикунжак ва Сиддиқхон маҳаллалари орқали, Тагиманор ва ғўза бозорига чиқиб, у ердан Мир Араб мадрасасига кирдик.

Пиракнинг йўлда менга айтишига кўра «жаноби олийнинг бойваччалари» доимий равишда, Тўқимдўзлик ҳаммомицинг гўлаҳида — куллар орасида ётарканлар. Амир томонидан ўлдирилган одамларнинг ўликларини олиб келиб, ўз турар жойларида сақлар эканлар.

«Бойваччалар» бундай ўликларни кундузлари эртадан кечгача кўчага чиқариб қўйиб, уларнинг гўр, кафан ҳаражатлари баҳонаси блан йўловчиларни юқорида кўрганимиз тартибда талар эканлар. Агар ундай ўликларнинг эгалари бўлса келиб, «жаноби олийнинг бойваччалари»га кўп пул тўлаб, ўз ўликларини сотиб олиб кетар эканлар. Эгасиз ўликлар бўлса, бирнеча кун ҳалигидай, уларнинг таланчилик воситаси бўлар экан.

— Ундай бўлса «бойваччалар» бу ишдан кўп пул топсалар керак. Шундай бўлатуриб, нега уларнинг уст-бошлари бу қадар увада ва турар жойлари кул ораси?— деб Пирақдан сўрадим.

— Тўғри, буларнинг даромадлари катта,— деди Пирак — «бойваччалар»нинг ўликлардан бошқа, тирик одамларнинг тўйларидан ҳам анча даромадлари бор, улар бир лаъли (баркаш)га бирнеча кулчани солиб тўйхоналарга борадилар. Тўй эгаси ва меҳмонларга, ҳалиги йўловчиларга қилганлари каби, ёпишиб, суртинаберадилар. Уй эгаси буларга катта маблағ бериб, тезроқ тўйхонадан чиқариб юборишга мажбур бўлади.

Пирак «жаноби олийнинг бойваччалари» катта даромадлари борлиги тўғрисида менинг гапимни ортиғи блан тасдиқ қилгандан кейин, уларнинг усти-бошлари увадалигини изоҳлаш йўлида деди:

— Бу бойваччалар шу катта даромадларининг ҳаммасини қиморда йўқотадилар. Уларнинг бирдан-бир машғулотлари қиморбозлик бўлиб, қиморхоналари ҳам ўз ту-

рар жойларида. Шаҳарнинг ҳар томонидан машҳур ва моҳир қиморбозлар буларнинг қиморхоналарида тўпла-ниб, бор-йўқларини ютиб олиб кетадилар. Қимор ўйинида кўп вақтда бойваччалар катта қиморбозлардан қарздор ҳам бўлиб қоладилар.

— Бундай ифлосларнинг ҳеч бўлмаганда тўйхоналар-да қиладиган тартибсизликларини тақиқласалар эди,— деб мен ўз истагимни изҳор қилдим.

— Тақиқ қилмайдилар, чунки буларнинг ҳомиси амир бўлгани учун тақиқ қилаолмайдилар,— деди Пирак ва:— Буларнинг, «жаноби олийнинг бойваччалари» аталган-ликларининг ма'носи ҳам шунда,— деб қўйди.

### БИР БЕЧОРАНИНГ УРНИДА БОШҚА БИР БЕЧОРА

Мени уйқу элтмас эди. Кўзимни юмсам Регистондаги фожиали манзаралар — бандилар, жаллодлар, одам ўл-дириш, ўликлар, амирнинг бойваччалари ва уларнинг йў-ловчиларга қилган муомалалари кўз олдимда пайдо бў-лардилар.

Ноилож жойимдан туриб, босқичдан тушиб, мадраса-дан чиқиб, саҳннинг ғарб томонига бориб, катта мачит-нинг рўпарасида ўтирдим.

Вўза тўлдирилиб қўйилган қанорлар устидан аввал бировнинг йўтали, сўнгра «кимдир у» деган ўша одам-нинг товуши эшитилди.

— Мен, ошно! Шу мадрасанинг талабаси!— дедим ва:

— Муродбобо! Бу ерга келинг! Тўрт оғиз гапиришай-лик!— деб қўйдим.

Пахтакаш Мурод қоровуллик таёғини ҳасса қилиб, ер-га ва босқичга тўқ-тўқ уриб саҳнга чиқиб, менинг ёним-га келди ва қўлида бўлган бир пўстакчани ёнимга ёзиб, устига ўтириб гап бошлади:

— Қарибман. Тошнинг совуқлиги ва ернинг нами бе-лимга тез та'сир қилиб, санчиб оғрийди. Шунинг учун ҳар жойда ўтирмоқчи бўлсам, пўстакчамни ёзиб устига ўтира-ман.

Мен чолдан ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, ундан қиш-лоқдоши — эшакчини охирги марта кўриб, у блан видео'-лашиш учун бугун эрта блан Регистонга бормаганининг сабабини сўрадим.

— Сен бугун эрта блан Регистонга борибмидинг?— деб ҳаяжон блан сўради чол.

— Бориб эдим!

— Унинг ўлдирилганлигини ўз кўзинг блан кўрдингми?— деб яна ҳаяжонланиб сўради.

— Ўз кўзим блан кўрдим!

— Сен уни танирмидинг?— чол бироз шубҳаланиб сўради.

— Йўқ танимасдим,— дедим,— лекин сизнинг ўтган кун Ҳошимга эшакчи Насимнинг ўлдирилишини гапирганингизни эшитган эдим. Бугун эрта блан Регистонда нотаниш бир одамнинг ўлдирилганини кўрганимда «бу ўша эшакчи Насимдир» деб гумон қилдим.

— У ўлдирилган нотаниш киши эшакчи Насим бўлмай, бошқа бир бечора!— деди мўйсафид, ҳаяжони бироз пасайгани ҳолда.

Чол узундан-узоқ йўталиб бўлгандан кейин гапини давом этдирди:

— Ҳошимга айтганим каби миршаб эшакчининг акасидан ўлимдан укасини қутқазиш учун икки минг танга сўраган экан. У кун бўйи судхўрларнинг эшигига бориб қарзга пул топмагач, ўзининг уйи, жойи, қўшхўкизи ва ерини ўн минг тангага арзийдиган юқоридаги мол, мулкани қишлоқ бойига икки минг тангага сотиб, пулни кечқурун миршабга олиб бориб берган. Миршаб «Насимнинг ўлим ҳукми, жаноби олий томонларидан муҳрланиб, қушбегига келди. Энди уни рўйирост озод қилиб бўлмайди. Мен ўз одамларимга буюраман, зиндондан бирор кишисиз бандини топиб, Насимнинг ўрнида ва унинг номи блан обхонага юборсинлар. Ундан кейин, сен қоронғи бўлганда зиндон олдига бор. Зиндонбон укангни сенга топширади, олиб кетасан» деган. Миршаб таъкид қилиб, яна Насимнинг акасига айтган «эхтиёт бўл, Насимнинг қутилгани одамлар орасида овоза бўлмасин. Олти ойгача у яшириниб юрсин. Бу ҳодиса, эскиргандан кейин, рўйирост юрса майли, у вақтда уни ҳечбир киши текшириб юрмайди».

Пахтакаш Мурод ўз гапининг охирида деди:

— Шундай бўлиб Насим ўлимдан қутилди. Лекин эссизки у бечора ўрнида бошқа бир бечора ўлдирилди. Мен унинг ўрнида ғўзажаллоб ҳожини Зокирбойнинг ўлдирилишини истар эдим.

— Сиз, нега ҳожини Зокирбойга бу қадар душманлик кўрсатасиз?— деб сўрадим.

У бир «оҳ» тортиб, ўзининг пахтакашлик қилган ёш-

лик вақтларини, у ишда ғўзажаллоб ҳожи Зокирбойдан қанча азоб-уқубат тортганини, унинг оғир меҳнат остида қорни тўймай, ёшлик умри барбод бўлиб, охири ғўза бозорида қоровул бўлиб қолганини, бу ерда ҳам ҳожи Зокирбойнинг бечора деҳқонларга қилаётган ҳақсизлигини кунда кўриб турганини айтиб берди.

Пахтакаш Муроднинг ўзи блан ғўзажаллоб ҳожи Зокирбой ораларида бўлган муомалалар тўғрисида айтиб берганлари, маҳаллайибололик Абдурахим бой блан унинг пахтакашлари орасидаги ба'зисини ўзим кўрган, ба'зиси Қурбонниёз тоғамдан эшитган воқиаларнинг такрори эди.

Мен у воқиаларнинг хулосасини ўзимнинг «қуллар» номли романимнинг IX—X ва XII бобларида акс эттирганимдан, бу ерда ёзишни муносиб кўрмадим.

### МУЛЛА БОЗОР ВА МУЛЛА ТУРОБНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ САБАБЛАРИ

1891 йилнинг бошларида Кўкалтош мадрасасида қори Зоҳид деган киши нома'лум кишилар томонидан ўлдирилган эди.

Одамларнинг айтишларига кўра қори Зоҳид Кўкалтош мадрасасида кўп ҳужранинг эгаси бўлиб, унинг устига судхўрлик ҳам қилар экан. У Бухоро шаҳрида уйлик-жойлик бўлса ҳам, уйланмаган ва мадрасада бўйдоқ умр ўтказишни беҳроқ билар экан.

Шунингдек одамлар уни судхўрликда ва ҳужражаллобликда жуда раҳмсиз деб билардилар. Айтишларига кўра у кўпгина ўзига тинч ҳужралик талабаларни фриб, найранг блан қарздор қилиб, охирда ҳужраларини қўлларида олиб, ўзларини дарбадар қилиб қўйган экан.

Одамлар қори Зоҳиднинг шахсий турмуши ва хулқатвори тўғрисида ҳам жирканч воқиалар нақл қилардилар ва «унинг ҳужрасида ахлоқсизлик ҳодисалари юз бермайдиган бирон кеча йўқ» дер эдилар.

Одамлар қори Зоҳиднинг ўлдирилиши сабабини ҳам унинг шу икки ҳислатида деб билардилар, я'ни ё уни жонига теккан бир ёки бирнеча қарздори ўлдирган, ё бўлмаса бирор ўзидай ахлоқсиз рақиби ундан қонли ўч олган дер эдилар.

Қори Зоҳид ўлдирилгандан кейин, вориси бўлмаганидан, узоқроқ қариндошлари бўлса ҳам ворислигини қози-



калон олдида «исбот қилаолмаганидан» унинг молу мулк подшолик бўлиб, қозикалон томонидан забт қилиниб олинди.

Унинг ўлигини кўмиш учун қозикалон фақат 20 танга (уч сўм) берди ва қолган харажатини мадраса аҳолиси ўзаро пул тўплаб кўмди.

Унинг яқин қавм-қариндоши ва қонини да'во қиладиган кишиси бўлмаганидан ҳукумат унинг қотилини топиш учун ортиқча ҳаракат қилмади. Чунки қори Зоҳид гўё пул йиғиб қозикалонга бериш учун дун'ёга келган эди ва у бу вазифасини «шараф блан» бажариб дун'ёдан кетди ва шундан бошқа унинг нима иши бор эди ва бошқаларнинг унга нима ишлари бўлсин.

Мулла Бозор Занданай туманидан бўлиб, мулла Туроб блан ҳамқишлоқ эди. У бирнеча йил қори Зоҳиднинг хизматида туриб, унга ошпазлик қилган ва кейинги вақтларда унинг хизматидан чиқиб, дарбадар бўлиб қолган.

Мулла Туроб Мир Араб мадрасасидан қочганидан кейин шаҳарнинг четроғида бўлган Хиёбон мадрасасидан бир ҳужра олиб унда турабошлаган ва муллаларнинг ҳужумидан кўрқиб, ҳечбир киши блан бориш-келиш қилмас экан. Фақат тураржой топмай юрган мулла Бозор ҳамқишлоқлик сабабидан мулла Туроб олдига бориб, у блан бирга турабошлаган.

Қозикалон қори Зоҳиднинг қарздорларини топиб, улардан пулларини ундириб олиш учун унинг ҳужрасидан олиб борилган дафтарлар ва рўйхатларни кунт блан кўздан кечирар экан. Қори Зоҳиднинг дафтарлари орасидан хусусий ҳаржлари ва хусусий ишлари ёзилган бир дафтарни қозикалон кўздан кечирипти.

Қори Зоҳиднинг хусусий харжлари ва ишлари қаторида ёзилган бир воқиа қозикалоннинг диққатини ўзига тортиб, унинг ташвишига сабаб бўлипти. Бу воқиа қозикалон ўглининг қори Зоҳид блан яширин ва ахлоқсизлик алоқаси экан. Ўзининг ахлоқсизлик ишларини ҳам ёзиб қўйишга ҳавасли бўлган қори Зоҳид, қозикалон ўгли блан бошидан ўтказган ҳодисаларни уятли та'бирлар блан ёзиб қўйган экан.

Қозикалон қори Зоҳид дафтарида у воқиаларни ўқи-

гач қўл-оёғини йўқотиб, нима иш қилишини билмай, ҳайратда қолипти. Агар бу воқиядан одамлар хабардор бўлсалар, ёлғиз ўғли эмас, ўзининг ҳам обрўсиз бўлишини ўйлаб, жуда ҳам қўрқиб қолипти. Ҳолбуки у ўлганидан кейин катта ўғли бўлган ўша ўғлининг қозикалон бўлишини умид қилар экан.

Қозикалон қори Зоҳид ўлиб, унинг дафтарлари ўз қўлига тушганидан бир даража хурсанд эди. Чунки шу блан ҳалиги сирнинг фош бўлиш йўли бир даража боғланган эди. Қори Зоҳид ҳужрасидан мол, пул ва дафтарларни олиб келган таракачи, у воқияни ўқиб кўрган бўлса ҳам, қозикалон учун зиёни йўқ эди. Чунки ўз манфаати хўжайинининг обрўсига боғлиқ бўлган хизматчининг оғзини ёпиб қўйиш осон эди.

Лекин қозикалон, у сирдан хабардор бўлганлари гумон қилинадиган чет кишилардан ҳали хотиржам эмас ва хотиржам бўлиши мумкин ҳам эмас эди. У, ўйлар эди: «бу сир воқи' бўлган вақтларда, қори Зоҳиднинг яқин дўстларидан бирортаси ундан хабардор бўлса, ёки ҳалиги дафтарни ўқиб кўрган бўлса, бирор вақт у «сир»ни фош қилса, унда ўзининг ва ўғлининг ҳоли нима бўларди?» Ана бу эҳтимол, қозикалонни сра тинчлатмасди.

Шунинг учун қозикалон қори Зоҳид ҳужрасига боришкелиши бўлган одамларнинг кимлар эканини билишга ва айниқса ўғли у блан алоқа қилиб юрган вақтлардаги унинг яқин дўстларини аниқлашга киришди.

Бу текшириш, қозикалонни анча тинчлатадиган натижани берди. Ма'лум бўлишига кўра қори Зоҳид умрида бирор киши блан бориш келиш қилмаган, яқин дўст бўлмаган ва бирор кишини ҳужрасига чақириб зиёфат қилмаган. Ахлоқсизлик ишларини ҳам, ёлғиз ўша ахлоқсизлик «материали» бўлган кишининг ўзгинаси билар экан, холос. Чет кишилар унинг унақа ишларини фақат сезиб, пайқаб тахмин қилар эканлар. Броқ қори Зоҳиднинг сирларини фақат мулла Бозор деган киши билар экан, чунки у кўп вақт унинг ҳужрасида ошпазлик сифатида хизмат қилган, ётиб туриши ҳам унинг ҳужрасида бўлган, қозикалоннинг ўғли у блан яширин алоқа қилиб юрган вақтларда ҳам унинг ошпази мулла Бозор бўлган ва унинг ўлдирилишидан бирнеча ойгина аввал у ердан қувилган экан.

Қозикалон, ҳалиги мулла Бозорнинг ҳозир қаерда эканини суриштирганида, унинг Хиёбон мадрасасида,

мулла Туроб деган ўзининг бир ҳамқишлоғи блан тургани ма'лум бўлган.

Қозикалон учун энди бирдан-бир йўл, мулла Бозорни қўлга олиб, йўқ қилиш эди. Лекин бу блангина у бутунлай тинчланаолмасди. «Борди-ю мулла Бозор у сирларни ўзининг ётоқдоши ва бирдан-бир яқин дўсти бўлган мулла Туробга айтган бўлса-чи?» У ҳолда мулла Бозорни йўқ қилиш блан «сир» кўмилиб қолмас, балки мулла Туроб томонидан у «сирнинг, мулла Бозорнинг ўлдирилиши сабаби сифатида яна ҳам, ёмонроқ ва қабиҳроқ шаклда, овоза бўлиши мумкин эди. Шунинг учун энг хавфсиз чора, мулла Бозор блан мулла Туробни бир жойда қўлга олиб, ҳар иккаласини бирдан йўқ қилиш эди. Шу блан у сирнинг изи абадий кўмилиб кетарди.

Ана шундай бўлиб, мулла Бозор блан мулла Туроб бир жойда қўлга олиниб, ҳар иккаласи «қори Зоҳиднинг қотиллари ва унинг жаноби олий хазинасига оид бўлган пулни таловчилар сифатида «зиндонда» қамаганлар ва уч кун орасида уларнинг ўлим ҳукми амирдан муҳрланиб, ҳар иккалалари бир жойда ўлдирилганлар.

## МИР АРАБ МАДРАСАСИДА ТУРИШИМНИНГ КЕЙИНГИ КУНЛАРИДА

1891—1892 ўқиш йили бошланди. Ўқиш бошланишининг аввалги кунларида кунжаки домлам — мулла Абдусалом ўз тўдасининг қориси бўлган Латифжон маҳдумни, унга яқин дўст бўлган бошқа шерикдарслари блан бирга зиёфатга чақирди.

Мулла Абдусаломнинг ҳужраси, Мир Араб мадрасаси ҳужраларининг яшиларидадан бўлса ҳам, бошқа кўп ҳужралар каби ош пишириладиган ва қўл-бет ювадиган жойи, ўтирадиган жойнинг пойгасида эди. Шунинг учун меҳмонлар уй эгаси ва ош пишираётган мен, ҳамма бир жойда, бир-биримизга яқин ўтирардик.

Мен ош пишираётганимда ҳам, самовар қайнатаётганимда ҳам, у суҳбатнинг иштирокчиларидай, уларнинг чақчақларини эшитиб турардим.

Мен у зиёфатдан жуда хурсанд бўлдим, чунки у мажлисда кўпроқ сўз ше'р ва адабиёт тўғрисида борарди ва меҳмонларнинг кўплари ё шоир ё ше'ршунос эдилар. Агар ба'зилар адабиётдан хабарсиз бўлсалар ҳам, хушгап, хушчақчақ ва аскиячи эдилар.

Мажлис аҳли орасида тахаллуси Лутфи бўлган мулла Назрулло деган бир киши бор эди. У ҳаммадан кўпроқ менинг диққатимни ўзига тортди.

Кейинроқ тўплаган ма'лумотимга кўра мулла Назрулло ёшлигида саҳхофлик (муқовасозлик) қилар экан ва кейинчароқ дарс ўқишга киришиб, расмий дарслардан кўпроқ адабиёт блан машғул экан. У ўша кунларда 27—28 ёшларда бўлиб, мадраса дарсларининг кейинги даврларини ўтмоқда эди.

Лутфининг хати гўзал эди. У ёзган хатни саводсизлар ҳам, сан'аткор бир рассом чизган лавҳани тамоша қилгандай завқланиб, лаззатланиб тамоша қилардилар. Ўша вақтларда Лутфи ўз маишатини нодир китобларни кўчириб, ёзиб сотиш блан та'мин қиларди.

Лутфининг ше'рлари оддий ва мазмунлари бошқа шоирлар айтган ше'рларнинг мазмунини такрор қилишдан иборат эди. Лекин у мажлисаро сўзда уста, ширин гап ва ҳозир жавоб бир одам эди.

Лутфи гапиришда, кўпинча икки ма'ноли сўзларни (туюқларни) ишлатарди. У ишлатадиган икки ма'ноли сўзларнинг биринчи ма'носи мақсаднинг зоҳирини ифода қилса, иккинчи ма'носи бировнинг ҳажвий ёки мадҳини билдирарди. У суҳбатдошларининг гапларидан ҳам гапиручининг сра эсига келмаган иккинчи ма'нони топиб чиқарарди.

Мулла Назруллоҳи Лутфи, ма'навий жиҳатдан тузуккина бўлгани каби унинг зоҳирий қиёфаси ҳам кўркем, хушсурат ва хушбичим одам эди.

У мажлисининг бир иштирокчисини, сартарош мулла Раҳмат дер эдилар. У ёшлигида сартарош бўлган. Бошланғич дарсларини сартарошлик қилиб юрган вақтларида ўқиган. Дарси олдинроқ боргандан кейин сартарошлик дўконидан мадрасага кўчган.

Мулла Раҳмат та'тил ойларида — ёшларда ба'зи бойларда мирзалик қилиб маишатини та'мин этарди.

Мулла Раҳмат ўша вақтларда тахминан 30 яшар бўлиб, Лутфи ва Латифжон маҳдум блан шерикдарс эди. У мадраса дарсларида ўртача бўлиб, ше'р ва адабиётдан хабарсиз эди. Броқ, у юмшоқ муомалали бир одам бўлиб, муллаларча катталиқ қилмас, шайх ва эшонларни жуда ёмон кўрарди. У «палов оши менинг пирим» дер эди ва палов товоғи атрофида давра қуриб, ош егучиларни хонақоҳ шайхларининг «суҳбат» ҳалқалари деярди.

Мулла Раҳмат ёз кунларида хизмат ё саёҳат учун ҳар-қаерга борса, у ердан ажойиб воқиалар топиб келиб, ўз дўст ва ошноларига сўзлаб, уларни кулдирадди.

Латифжон маҳдум у, топиб келиб нақл қилган воқиаларни «ёлғон, ясама» дер ва унинг ўзига «сиз сартарошликни ташлаб «воқиа тарош» (воқиа ясовчи) бўлибсиз» дер эди.

У мажлисда мулла Оқил деган киши бор эди. Мулла Назруллони «ўликлар орасида шаҳид» деярдди (Лутфи, ўз шерикдарсларини ва бу жумладан менинг кунжаки домламни ва унинг ошдошларини «ўлик» дер эди).

Мулла Оқил чаласавод эди. У илмий ва адабий масалалардан ҳечбир нарсани тушунмас. Ҳатто оддий ширин гаплардан ҳам лаззат топмасди. Унинг бирдан-бир «Фазилати» соддалик, кулчанлик ва ҳарбир гапни кўтарганлиги эди. Шериклари уни сўксалар ҳам кулиб турарди. Менинг фикримча у мажлис аҳлининг ўйин «материали» эди ва мажлисдагилар унга ҳар турли қаттиқ ва ачиқ гаплар айтиб, ўз вақтларини «хуш қилардилар».

У мажсилдагиларнинг бири кўлоблик мулла Бурҳон деган киши эди. У тахминан ўттиз яшар бўлиб, бўйи узун, гавдаси тўла, туси буғдойранг, соқоли қора ва катта бўлиб, қарийб юзининг ҳамма жойини қоплаб олган эди.

Унинг кўзи ёлқинли бўлиб, оддий вақтларда ҳам боқши уришаётганга ўхшарди. У сўзчан ва суҳбатаро бўлиб, тоғлиларнинг қаттиқ муомалалигини бухоролиларнинг нозик гаплиги блан қўшган эди.

Мулла Бурҳон шоир бўлиб, шеърлари оддий эди. У авваллар ўзига «муштоқи» сўзини тахаллус қилиб олган экан. Лутфи бу сўзни бироз ўзгартириб талаффуз қилиб, уни «мушитоқи» (тоғ сичқони) дер экан. У бу лақабдан қочиб, «боши кесилган» ма'носида бўлган «бисмил» сўзни ўзига тахаллус қилган. У, «Лутфи тилининг тиги (қиличи) блан «бисмил» бўлганман» (ўлдирилганман) дер эди.

Мулла Бурҳон ўша вақтдан икки йил аввал, дарс ўқишни ташлаб, ўз юрти — Кўлобга борган экан. Ўша кунларда қайтиб Бухорога келиб, аввалги шериклари блан дарс ўқишга киришган (кириш бобида кўрсатилгани каби Бухоро мадрасаларида бирнеча йил дарсдан қолиш ҳам, аввалги дарсдошларидан кейин қолишга сабаб бўлмасди).

Мулла Бурҳон икки йил дарсни ташлаб кетганининг сабабини романга ўхшатган ўз бошидан кечирган воқиалар орасида ўша мажлисда айтиб берди.

Мен бу ерда унинг бошидан ўтган воқияларни ўз томонимдан сарлавҳа қўйиб, ўз таҳририм блан нақл қилиб бераман.

### ХУЖАЎБОННИНГ «КОВУШЛАРНИ ТУҒРИЛАБ ҚУЙИШИ»

Мулла Бурҳоннинг ҳикоясига кўра у бир йил ёз кунларида, мадраса дарслари та'тил бўлган вақтларда, у замонлардаги мадраса талабаларининг одатлари бўйича бирор хилват жойда «чилла» ўтириб, одамлардан алоқасини узиб, ўтган дарсларини такрор назардан ўтказмоқчи ва келажак дарсларини тайёрламоқчи бўлади.

Мулла Бурҳон қашшоқ талаба бўлгани учун унга оз бўлса ҳам текин овқат топиладиган бирор жой керак эди. У бундай жойни суриштириб юрганида унга Хўжаўбон мазорини дарак берганлар.

Хўжаўбон мозори Бухоро шаҳарининг ғарби шимолида 40 километрча нарида қишлоқдан узоқ, Қизилқум хомалари орасида эди.

Мулла Бурҳонга айтишларига кўра у мазорга теварак атрофдан зиёратчилар кўп келиб, улар турли-туман назрнийёллар ва шу жумладан егулик нарсалар кўп келтирар эканлар. У ерда овқат «оша-тоша» бўлиб, кунда юзлаб фақир-бечоралар текин овқатланар эканлар. Мулла Бурҳон каби бир талаба у ерда қирқ кунгина эмас, агар бир йил туриб овқатланса ҳам ҳечбир кишига оғирлик қилмас экан.

Бунинг устига у мазорда бир чиллахона бўлиб, унга мазорнинг мутаваллиси рухсат бермай туриб, ҳечбир киши кираолмас экан. Агар мулла Бурҳон ўша мазорга бориб мутаваллининг рухсати блан, у ернинг чиллахонасига кириб иш бошласа, унинг илмий ишига ҳечбир киши халал бераолмас экан.

Мулла Бурҳон у мазорга боришни жазм қилиб йўлга чиқипти. У йўлнинг бир қисмини ободонликлар орқали кезиб, бир қисмини сувсиз, гиёҳсиз Қизилқум хомалари орасидан босишга мажбур бўлипти ва ҳарқандай қийинчиликлар блан бўлса ҳам, бориб у мазорга ётипти.

У ерда на сув, на сабза, на долу дарахт бор эди ва на боғу қишлоқ. У ерда мазорнинг биноси бўлиб, унинг ичида «Хўжаўбон турбати» деб шуҳрат топган бир қабр, бир чиллахона ва суви аччиқ бўлган бир чуқур қудуқ бор эди ва у қудуқнинг суви фақат касалларнинг, айниқса

пес ва кўзи оғриганларнинг «шифоланишларига» ва зиёратчиларнинг «табаррук» деб олиб боришларига сарф қилинар эди. Ичиладиган сувни қишлоқдан от, эшакда таширдилар.

Мозордан ташқари ва унинг ғарб томонида намоз ўқиладиган бир хонақоҳ, унинг айвони ҳамда «ҳазрати бузругворнинг меҳмонхоналари» деган ва зиёратчилар унда ўтириб овқат қиладиган бир меҳмонхона бор эди.

Мозор ва хонақоҳнинг шимол томонида кенг ва баланд деворлик бир қўрғон бор эди. У қўрғоннинг ичи уйлар, айвонлар, омборлар, ошхона ва керакли бошқа бинолар блан тўлган бўлиб, ичкари ва ташқари бўлимларга ажратилган эди. Қўрғоннинг кириш ва катта дарвозаси, мозор ва хонақоҳ томонига қарата қурилган бўлиб, унинг шарқ томонида — пасқамликда қум хомаларига қараб турган «партов эшик» деб аталган бир эшикчаси ҳам бор эди. Бу қўрғон мазор мутаваллисига тааллуқли бўлиб, унинг хусусий турар жойи ҳисобланарди.

Мутавалли етмиш яшар тахмин қилинадиган бир чол бўлиб, бўйи қисқа, гавдаси йўғон, қорни катта ва юзи кунда икки марта туғадиган товуқнинг юзидай қипқизил эди. Бу одам мутаваллилик вазифасидан бошқа, хонақоҳнинг имомлик, хатиблик ва шайхлик вазифасини ҳам бажарар ва умуман у мозор ва хонақоҳнинг барча ишлари унинг ихтиёрида эди.

У ерда мутаваллидан бошқа бирнеча хизматчилар бўлиб, уларни «фаррош» (шипиручи) деб айтардилар. Бу ерда булардан бошқа кўп, одамлар бўлиб, улар келиб кетгучи зиёратчилар, касаллар, ош, нон излаб келган гадоилар эди.

У томонларда, юқорида тасвир қилинган бинолардан бошқа, ободонлик нишонаси бўлмаб, теварак атрофни Қизилқум хомалари (тепалари) ўраб олган эди. У ернинг айниқса ғарби-жанубий томонидаги қум хомалари Битик ва Фарабгача ғарб томонидагилари Тўрткўлгача ва шимол томондагилари Қизил қум чўлигача бориб етишарди.

Броқ у ерда озиқ-овқат жуда кўп бўлиб, умумий меҳмонхона турли-туман егулик нарсалар блан тўлиб, тошиб ётарди. У озиқ-овқатларни зиёратчилар, касаллар ва умуман мозор ва мутаваллининг ихлосманд ва муридлари назр-ниёз тариқасида келтирардилар.

Айтишларига кўра мозорга келтирилган назру ниёзлардан мутаваллининг омборлари тўла ғалла, хумлари

тўла мой, қўралари тўла қўй бўлиб, булардан бошқа, у қишлоқлардан кўп экинзорларни ҳам эгаллаб олган экан ва «муридлари бўлган» ерсиз деҳқонлар, у ерларда ҳақ олмасдан ишлар эканлар.

Мулла Бурҳон у дол-дарахтсиз қумзор орасидаги жойда, бу қадар фаровон не'матларни кўриб, ўзини «дўзох»-ицида бино қилинган «жаннат»га келгандай ҳис қилипти ва келгани ҳамон, мутаваллига мурожаат қилиб, чилла-хонага кириб чилла ўтириши учун ундан рухсат сўрапти.

— Агар ҳазрати бузругвор, сизнинг ўз даргоҳларида туришингизни истасалар, қирқ кунгина эмас, қирқ ҳафта турсангиз ҳам, бу фақир хизмат қилади,— деб ўз кўкрагига қўли блан ишорат қилиб қўйпти.

Мулла Бурҳон мутаваллидан рухсат олгач, чилла-хонага кириб ўтириб ўз ишини бошлапти ва у ердан фақат овқат ва намоз вақтларида чиқаркан.

Мулла Бурҳон чилла ўтиришининг иккинчи кунда мозордаги хизматчилардан, у ерга келган фақир ва гадойларнинг уч кундан ортиқ тураолмасликларини ва «бузругвор ҳазратлари истамаганларидан» у не'матларга кўнгиллари кашол бўлиб қолгани ҳолда у ердан кетишга мажбур бўлишларини эшитпти. Шундай бўлса ҳам, бу гапларга аҳамият бермапти ва ўз-ўзига «агар ҳазрати бузругвор мен каби дин илми талабаси бўлган бир қашшоқни истамасалар, кимни истар эканлар?» депти.

Мулла Бурҳон, чилла ўтирганининг учинчи кечасида, саҳар уйқудан туриб, ташқари чиқмоқчи бўлганида ўз ковушининг тўғрилаб — кетишга тайёрлаб олдинга қўйилганини кўради ва ўз кўнглида «бу ернинг хизматчилари адабли одамлар эканлар. Менинг талабалигимни ҳурмат қилиб, ковушимни олдин қўйганлар» деб ўйлапти.

Бу иш яна бирнеча марта такрорлангач мулла Бурҳон чилла-хона ва мозорга қарашиб юрадиган фаррошнинг олдига келиб:

— Биродар!— депти унга.— Сен ҳам мен каби одамсан, бу даргоҳнинг «жорўбкаши» (шипиручиси) бўлганининг сабабидан сенинг шараф ва ҳурматинг мендан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Шунинг учун бундан буён, менинг ковушимни тўғрилаб қўйиб, мени ҳижолатда қолдирма?

— Мен сизнинг ковушингизни тўғрилаб қўйганим йўқ,— депти фаррош.

— Ундай бўлса ким тўғрилаб қўйган?— Мулла Бурҳон ажабланиб сўрапти.



— Бузругвор тўғрилаб қўйган? — депти фаррош.

— Қайси ва қандай бузругвор? — Мулла Бурҳоннинг таажжуби яна ҳам ортгани ҳолда сўрапти.

— Шу турбатда истироҳат қилиб ётган Хўжаўбон ҳазратлари,— деб фаррош қабрни кўрсатипти.

Бу жавобдан мулла Бурҳоннинг ажабланиши яна ҳам ортипти ва бу ерда қандайдир бир «сир» борлигини пайқапти. Броқ у сирни яхшигина билиб олиш учун ўзини билмасликка солиб, кулмай, нетмай фаррошдан сўрапти:

— Бу иш, бузругвор ҳазратларининг менга махсус илтифотлари борлигининг аломати бўлса керак, шундай эмасми?

— Бундай эмас. Балки бу иш, у жанобнинг норозиликлари аломати,— депти фаррош ва изоҳлаб.— Агар ҳазратлари бировнинг ўз даргоҳларида туришини истама-салар, унинг ковушини тўғрилаб қўядилар ва: «бу ерда турма, узоқлаш!» деганлари бўлади. Бу Хўжаўбон ҳазратларининг кароматларидан бири бўлиб, бундай каромат кўпинча шаккоҳларга содир бўлади.

— Агар бирон шаккок ковуш тўғрилаб қўйилиши блан бу ердан кетмаса нима бўлади? — деб сўрапти мулла Бурҳон ва бу саволни, ўзини кулгидан зўрға сақлаб ва ўз вазиятига ясама жиддият туси бериб, депти.

— У вақтда ундай шаккок пес бўлади!— депти фаррош, шундай «шаккокларнинг пес бўлганини ўз кўзи блан кўрган» кишиларнинг жиддияти блан.

Мулла Бурҳон шу суҳбат натижасида Хўжаўбоннинг ковушни тўғрилаб қўйиш сирини англаб олипти, шунинг ила баравар фақир, бечора ва ғарибларнинг бу даргоҳда уч кундан ортиқ туролмаганларининг сабабини ҳам англапти ва ўз ичида кулиб, ўз-ўзига «мен бундай аҳмоқона ҳийлалар блан шуқадар нозу не'матларни ташлаб кетадиган аҳмоқлардан эмасман. Мен бу ердан, мутавалли ўз фаррошлари воситаси блан мени уриб қувламагунча қимирламайман» депти ва у «Хўжаўбоннинг бу кароматини» масхаралаш фикрига тушипти.

Мулла Бурҳон ўша кечанинг ўзидаёқ ярим кечадан кейин, ҳамма ўликдай ухлаб ётган вақтда, чиллахонадан чиқиб, меҳмонхона, айвон ва бошқа жойларда ётган меҳмонларнинг ковушларини тўғрилаб қўйипти ва ўзи қайтиб чиллахонага кириб, тинч ухлапти.

Мулла Бурҳон кун оқаргандан кейин, уйқудан туриб эшикка чиқипти. У ерда барча меҳмонлар ва мутавалли-

нинг ҳамма мурид, мухлислари мазордан кетишга тайёр-ланиптилар ва уларнинг юзларини ғам, қайғи қора бу-лутдай қоплаб олипти. «Чунки Хўжаўбон уларнинг ўз даргоҳларида туришларини истамаган ва уларнинг ко-вушларини тўғрилаб қўйиб, у ердан узоқлашишларини буюрган эдилар» ва «ким билади, Хўжа арвоҳларининг норозиликлари сабабли уларнинг бошларига яна қандай балолар келиб қолади».

Мулла Бурҳон ўзининг бу ишини ҳаркеча қилаберип-ти. Охир иш шу даражага бориб етиптики, қишлоқларда «Хўжаўбон ҳазратларининг ҳаммадан кўнглилари қолган-лиги ва ҳечбир кишини ўз даргоҳларига йўлатмаётганла-ри овоза бўлиб, назр-ниёз келтирадиганлар авваллар-дан озайиб, бора-бора келмайдиган бўлиб қолипти.

Бу аҳволдан мутавалли қаттиқ ташвишга қолипти ва бу ишни ким қилаётганини пайқаб, бу «ярамас аҳвол»га хотима бериш учун тўғри чиллахонага — мулла Бурҳон-нинг олдига кирипти.

Мутавалли чиллахонага кирганида юзи аввалгидан ҳам қизилроқ ва қарашлари ҳам бошқача экан. Мутав-валлини бу ҳолда кўрган мулла Бурҳон: «у ҳозир мени бу ердан қувлайди ва агар кетишга унамасам фаррошлари воситаси блан уриб ҳайдади, лекин мен бўш келмай-ман» деб ўйлапти. Шундай ҳам бўлса, уни кўргач ўрни-дан ирғиб туриб, мунофиқлик блан таъзим қилиб, салом берипти.

Мутавалли мулла Бурҳонга қўли блан ўз жойида қи-мирламасдан ўтиришга ишорат қилиб, ўзи қадамини тез-латиб унга етиб, ҳали ҳам тик турган мулла Бурҳонни қўли блан тутиб, зўр блан ўз жойига ўтқизипти ва ўзи ҳам унинг рўпарасида чўккалаб, муридларнинг пирлари олдида «таважжух олиш» учун ўтирганларидай тиззаси-ни унинг тиззасига ёпиштириб ўтирипти ва бирор яширич гапни айтадигандай бўлиб, бошини олдинроққа чўзипти.

Мулла Бурҳон айтарди:

— Мутавалли бошини менинг томонимга чўзганида, унинг оғзидан, мен то ўша вақтгача ундай даргоҳларда «ёт» деб билган бир ҳид келди — бу шароб ҳиди эди. У етмиш яшар чолнинг Бухоронинг баъзи кекса муллалари каби «тоатга қувват» деб, гоҳо қўлдан ясалган шаръий мусаллас ичиш одати борлигини пайқадим. «Лекин у кун у «тоатга қувват» мақсадида эмас, балки мен каби Хўжа-ўбондан кўрқмайдиган бир шаккокнинг олдига келиш

учун, жасорат пайдо қилиш мақсадида, мусаллас ичиб чиққан бўлса керак» деб ўйладим ва мен ҳам унинг қаршисида тажанг туришга ният қилдим.

Мулла Бурҳоннинг ҳикоясига кўра:

Мутавалли унга:

— Сиз «ҳазрати Хўжанинг ковуш тўғрилаб қўйишларига» аҳамият бермасангиз керак,— деди паст овоз блан.

— Албатта аҳамият бермайман ва қўрқмайман!— депти у, овозини баландроқ чиқариб, ғазаб ва шиддат блан. Мулла Бурҳон ўзича «агар мутавалли мени бу ердан қувмоқчи бўлса, унинг сирини фош қилиб, фаррошлари ва муридлари олдида расвосини чиқаргандан кейин бу ердан кетаман» деб жазм қилипти. Броқ мутавалли унга бошқа оҳанг блан — келишучилик оҳанги блан жавоб берипти.

— Ундай бўлса, бу ер бузругворнинг даргоҳлари эмас, сизнинг ўз уйингиз бўлсин. Сиздан фақат бир илтимосим: «Ковушларни тўғрилаб қўйиш вазифасини ўз гарданингиздан соқит қилиб, бузругворнинг ихтиёрларига қўяқолинг» ва бу сирни фош қилиб, бу ерга келиб кетучи зиёратчилар, мурид мухлислар ишларига ҳалал берманг!

Мутавалли ўз илтимосини юмшоқ тил, паст овоз ва ёлвориш оҳанги блан мулла Бурҳонга арз қилгандан кейин, ўз қўйин чўнтагидан қоғозга ўралган бир нарсани унга узатиб, давом этипти.

— Бу «хамир учидан патир», сиз чиллангизни тамом қилиб, шаҳарга борадиган вақтингиз етишгунча, бу дуо-гўй томонидан (ўзига ишорат қилиб) сиз учун сарпо (кийим — бош) тайёр қилинади, хўпми?

— Хўп!

Мутавалли мулла Бурҳондан келишишга розилик жавобини олгандан кейин, бирор оғир юкни ўз устидан ташлаган каби, енгиллашиб тез чиқиб кетипти.

Бу учрашувдан кейин, мулла Бурҳонга овқатланиш учун умумий меҳмонхонага бориш тўғри келмапти. Турли-туман лаззатли таомлар, ҳаммадан аввал унинг олди-га — чиллахонага ўз вақтида келтирилар экан. Хизматчи қиз, ҳарвақт ундан хабар олиб туриб, унинг кийимларини ювиб келтирар экан. Барча фаррошлар ва хизматчилар уни ҳурмат қиладиган бўлиптилар. Мулла Бурҳон уерда ўзини меҳмон каби эмас, мутавалли оиласининг а'зоси каби, ҳатто унинг ўғли каби ҳис қилипти. Қисқа қилиб

айтганда, мулла Бурҳон у ерда «гурги хонадон» (уй бўриси) бўлиб қолипти.

Мулла Бурҳон ўз ҳикоясининг бу ерида, мутаваллининг қизи блан, ишқий муносабат пайдо қилганини ва у ишқининг оқибатини ҳам айтиб берган эди.

Мен бу ерда воқияларга сарлавҳа қўйиб, ўз таҳририм блан ёзишни мувофиқ биламан.

### БАХТСИЗ ҚИЗ

Хизматчи қиз мулла Бурҳоннинг олдига кўп келиб кетадиган бўлипти. Мутавалли шаҳарга ёки бошқа жойларга кетган вақтларда хизматчи қиз блан бирга бошқа бир қиз ҳам келар экан. Бу қиз бошига товус пари каби ранг-баранг товланадиган шойи паранжи ёпиниб, юзига докадан парда ташлаб юраркан.

Хизматчи қиз бирор баҳона блан мулла Бурҳоннинг олдига келиб кирганида, у қиз чиллаxonанинг эшигига келиб турар, юзини очмас, ичкари кирмас экан. Броқ унинг кийимига суртилган кучли атр ҳиди мулла Бурҳоннинг димоғига урилиб, уни тоқатсизлантирар экан.

Мутавалли мазорда бўлмаган вақтларда бу ҳол кунда бирнеча бор воқи' бўлипти. Мулла Бурҳон ҳар гал, аввалгидан ортиқроқ тоқатсизланипти. Аммо у қизга гап ташлашга ботинолмапти.

Бир кун хизматчи қиз мулла Бурҳоннинг олдига кириб, ювиб келтирилган кийимларни берипти. Нотаниш қиз ҳам ҳарвақтдагидай чиллаxона эшиги олдида турипти. Хизматчи қиз ювиладиган кийимларни йиғиштириб олгандан кейин мулла Бурҳонга:

— Пошшоxоним сизнинг кўп ғазал билганингизни эшитган эканлар. У киши учун бирор ғазал ёзиб берар экансиз!— депти.

Нотаниш қиз паранжи остида қиқирлаб кулиб, хизматчи қизга:

— Жувон ўлгур Ситора! Мен сенга ҳечбир нарса айтмаган эдим. Сен менинг тилимдан ёлғон гапларни айтиб, мени мулла акамнинг олдиларида уялтирдинг,— депти.

Мулла Бурҳон ўзи бу воқиа тўғрисида бундай деган эди: «Мен у қизнинг овозини эшитиш блан ҳушсизланаёздим. «Булбулнинг овози жуда яхши» дейдилар. Мен ўз юртимда тоғ ораларида булбул сайрашини кўп эшитганман, ҳақиқатда ҳам жуда яхши. Аммо у қизнинг овози

олдида булбулнинг сайраши менга олақарғанинг товушидай туюладиган бўлиб қолди».

Қизнинг овози мулла Бурҳонни ҳушсизлантираёзгани блан баравар, унга фавқул’одда жасорат ҳам берипти, у қизга:

— Жонгинам! Агар мен илгари қалам блан қоғозга ше’р ёзган бўлсам, энди сенинг учун кипригим блан кўзимнинг оқпардасига қонли кўз ёзишмни сиёҳ қилиб ёзаман. Сен — офтобим, кечқурунроқ Ситорани юборсанг, ёзганларимни олиб бориб, оёғинг остида пояндоз қилажак,— депти.

Хизматчи қиз «пошшоҳон» деб атаган нотаниш қиз мулла Бурҳоннинг бу гапларини эшитгач, бир эснаб, қиқирлаб кулипти. Броқ кулгисини зўрға тўхтатиб, ранжи гансимон хизматчи қизга хитоб қилиб:

— Ситора! Тез тур! Қетамиз, мени шунча расво қилганинг бас!— депти.

Иккала қиз кетиптилар. Мулла Бурҳон улардан кейин чиллахонадан чиқиб, мутаваллининг кўрғонига кириладиган мозорнинг, пасқам эшиги олдига борипти ва ўша эшик олдида туриб қизнинг юришини тамоша қилипти.

Мулла Бурҳон айтган эди: «ўша куни шамол шимол томонидан эсаётган эди. Шамол унинг паранжисини кўтариб қимирлатармиди ёки қизнинг ўзи икки кўлини икки томонга чўзиб, паранжи барларини силкилатиб борардими? Мен буни аниқлаёлмадим. Ҳар ҳолда қизнинг у тахлитда юриши, товус парига ўхшаган ва юқорига кўтарилган паранжи остида, қанотларини «чодир қилиб», жилваланиб бораётган маст товуснинг юришига ўхшарди».

Қиз боратуриб орқасига қайрилиб бир қарапти ва мулла Бурҳоннинг мозор эшиги олдида турганини кўриб, уялганидан ёки чарс қизларча нозу истиғнодан қадамини тезлатиб, кўрғонга кирипти.

Мулла Бурҳон бу тамошадан маст бўлиб, мозор эшиги олдида қотиб қолиб, қизнинг ҳалиги вазиятини тасвирлаб: «юриши қандай? товуснинг юришидай». «Қайрилиб боқиши ҳурккан кийикнинг, қайрилиб боқишидай» мазмунида бўлган, Хисрави Деҳлавийнинг қуйидаги байтини замзама қилабошлапти.

«Рафтан ба чи монад? ба хиромидани товус!»  
«Батиргашта нигаҳ карданаш, охуйи рамида!»

Мулла Бурҳон қайтиб чиллахонага кириб, қизнинг топшириғига мувофиқ, унинг ҳақида бир ошиқона ғазал ёзипти. Мен у вақтда унинг ғазалини ёзиб олмаганим учун ёзиб кўрсатолмайман, эсимда қолганига кўра, у ғазалда қиздан бир учрашув талаб қилинар эди.

Офтоб ботаётган чоқда, Ситора мулла Бурҳон олдига келипти. Мулла Бурҳон ундан:

— Хат саводинг борми?— деб сўрапти.

— Йўқ,— депти қиз. Мен ўқимаганман.

Мулла Бурҳон унинг саводсизлигидан қувонипти. «Агар қиз саводли бўлиб, мен ёзиб берган ғазални ўқиёлса, бу ғазал мазмунини бошқаларга сўзлаб бизнинг ишқий алоқамизни фош қилиб қўйса, ажаб эмас» деб кўрқар экан.

— Пошшахоннинг хат-саводи борми?— деб мулла Бурҳон қизга яна савол берипти.

— Бор,— депти қиз,— гоҳ-ногоҳ хат ёзадилар, кўп китоб ўқийдилар.

Мулла Бурҳон ўз ғазалини Ситорага топширатуриб, эҳтиёт юзасидан та'кидлапти:

— Бу ғазални бировга кўрсатма, менинг олдимга келиб, мендан пошшахонга хат олиб борганингни бировга айтмакўрма!

— Сиздан аввал, бу гапларни менга пошшахон тайинлагандилар,— депти қиз кулимсираб.

— Сен бу гапларни бировга айтмаслик тўғрисида пошшахонга ва'да бердингми?— деб сўрапти мулла Бурҳон.

— Ва'да бермасдан ҳам, мен у кишининг бирор гапларини ва бирор ишларини бировга айтмайман,— депти қиз қат'ият блан ва:— Пошшахон меңи яхши кўрадилар, эркалатадилар ва кечалар мени ўз ётоқларида, ўз қўйниларида олиб ётадилар. Мен ҳам у кишини яхши кўраман, гапларидан чиқмайман,— деб қўйипти.

Ситора ғазал ёзилган қоғозни олиб кетипти. Мулла Бурҳон ўзича: «хатсиз, саводсиз 12—13 яшар қишлоқ қизи ҳам, Хўжаўбон даргоҳларининг «шарофатидан» кўкрак ҳидини ҳидлаган экан. Мен бўлсам хатлик, саводлик ва шоир бўлганим ҳолда, мадрасада бекорга тупроқ ялаб ётган эканман» деб ўйлапти.

Пошшахоннинг кўнгли мулла Бурҳонниқидан ҳам то-

қатсизроқ эканки, орадан икки минут ўтар-ўтмас Ситора қайтиб келипти. Унинг қувноқ ва кулимсираб келишидан, мулла Бурҳон учун бирор яхши хабар олиб келаётгани билиниб турипти.

Мулла Бурҳон қизни бу ҳолатда кўриб, унинг чилла-хонага келиб киришини кутиб турмасдан, «хуш хабарни» ундан тезроқ эшитиш учун, шошилиб чиллахона эшиги олдиға борипти.

Броқ қиз, қўлини унинг кўкрагига қўйиб, уни ҳужра ичига қарата тисариб:

— Шошманг, сабрсизлик қилманг! Ичкари кириг! Биров пайқаб қолмасин,— депти.

Мулла Бурҳон ўз ҳаракатидан уялиб, ўз-ўзига: «Оҳо! Бу қишлоқи «содда қиз» ишқбозликда, мenden ҳунар-мандроқ экан-у. Мен бу ҳолдан хабарсиз қолган экан-ман. Эссиз, бу чиллахонада ўтказганим йигирма кунлик умр! Бу йигирма кун, ўз нодонлигимдан ва жур'атсизлигимдан, ёлғизликда қон ютиш блан ўтди» депти.

Мулла Бурҳон бориб, ўз жойига ўтирипти ва ўзининг «ишқ муаллимаси бўлган» қишлоқи қиз юзига уялганидан боқолмапти.

Қиз енги ичидан қатланган бир қоғозчани чиқариб, мулла Бурҳонга берипти. Мулла Бурҳон қизнинг юзига қарамасдан, қоғозни унинг қўлидан олипти.

Қиз, мулла Бурҳоннинг қоғозни очиб ўқишини кутмасдан паст овоз блан:

— Кеча қоронғилашгандан кейин мозорнинг орқа эшиги олдиға чиқиб туриг, мен келиб сизни бир жойга олиб бораман,— депти ва тез чиқиб кетипти.

Мулла Бурҳон Пошшоҳоннинг хатини қозикалон ва бошқа амалдорлар амирнинг хатига қиладиганларидай аввал бошидан юқори кўтарипти, сўнгра қуйи тушириб кўзига суртипти, ундан кейин, қоғозни ҳўл бўлгунча ўпибди, кейин очиб ўқишга киришипти.

Пошшоҳон: Муллака! Менинг хатим чиройли эмас. Айб қилмагайсиз, шунинг учун ҳамма гапни ёзмадим. Ҳарнимайки Ситора деса, ўшанга амал қилинг, вассалом, деб ёзипти.

Мулла Бурҳон кечанинг қоронғиланишини кутиб туралмапти ва мозорнинг орқа эшигидан чиқиб, эшик олдида уён-буён қадам ташлаб, тоза ҳаво олаётгандай бўлиб турипти...

Кўп ўтмай қоронғи тушипти. Ситора ҳам қўрғон то-

монидан кўринипти. Мулла Бурҳон уни кўргач, у келаётган томонга қараб бормоқчи бўлиб қадам босипти.

Лекин қиз қўли блан ўз жойида туришга ишорат қилипти ва ўзи унинг олдига етиб келиб:

— Сабрсизлик қилманг!— депти.

Мулла Бурҳон бу сўзни эшитиб: «афтидан учрашув бошқа вақтга қолган, Ситора шу аҳволни менга хабар бериш учун келган ва «сабрсизлик қилманг!» деб ёмон хабарни эшитишимдан аввал мени чидамлик бўлишга чақираяпти» деб ўйлаб қўрқипти ва умидсизликка тушипти. Лекин Ситора сўзни бошқа оҳангда давом этдириб:

— Мен боравераман. Сиз менинг изимдан, мендан йигирма қадамча кейинроқ келаверинг!— депти.

Мулла Бурҳон айтар эди: «Мен у етимча қизнинг олдида иккинчи марта шарманда бўлдим, чунки унинг кейинги сўзидан маълум бўлдики, менинг ҳалиги сабрсизлик қилиб унинг олдига бормоқчи бўлганим ҳам, ундан бир соат илгари чиллахона ичида кўрсатганим сабрсизлик каби огоҳлантиришга сазовар бўлган бир энгилтаклик экан».

Қиз олдин бораверипти. Мулла Бурҳон унинг босган қадамларини, бир-бир диққат блан санаб турипти. Қиз йигирма биринчи қадамини ердан кўтарганда, у ҳам биринчи қадамини қиз блан баббаравар ердан кўтариб, баб-баравар ерга босипти. Мулла Бурҳон йўл юришда ўз қадамлари орасининг, қизнинг қадамлар орасидан кенг ё тор бўлмаслиги, ердан баравар кўтарилиб ерга баравар босиш учун кўп эҳтиёт бўлипти. Чунки у қиз блан ўзи орасидаги масофа йигирма қадамдан кўп ё оз бўлиб, ундан учинчи марта гап эшитишдан қўрқипти.

Мулла Бурҳоннинг бу тахлитда йўл юриши, амир сарбозларининг командирга қараб қадам босганлари каби кулгили бир вазият олипти.

Қиз қўрғоннинг кириш эшигига қараб бормаи, унинг шарқ томонига ўтипти ва уёқдан тик шарқ томонга қараб, қум хомалари ораси блан ўз йўлини давом этдирипти.

Мулла Бурҳон ҳам қизнинг кетидан бораверипти. Броқ қиз бирор қум хомасининг ён бағрига тушиб, кўздан пана бўлса мулла Бурҳон қадам босишда жуда қийинликда қолипти ва ўзи блан қиз ораси олис ёки яқин бўлиб, қолмасин деб ташвиш тортипти.



Қиз бора-бора қум ораларидаги бир пасқамликда тўхтаб турипти. Мулла Бурҳон ҳам унинг сояси каби, борган жойда қотиб қолипти.

Қиз унинг тўхтаб қолганини кўриб, ўз олдига етиб боришга имлапти. Мулла Бурҳон ҳам тузоқдан қутилган қуш каби парвоз қилиб, бир зумда қизнинг олдига етиб борипти.

— Сиз бу ерда қумнинг текис жойида чўзилиб ётинг, ўтган-кетганларга ўзингизни кўрсатманг! Мен бориб Пошшоҳонни шу ерга олиб келаман,— деб қиз кетипти. Мулла Бурҳон сарғимтир духоба каби юмшоқ бўлган қум устига чўзилиб ётипти. Ой ҳам шарқ томондан оловда қиздирилган мис баркашдай бўлиб кўринипти. Бора-бора бу мис баркаш кичикроқ бўлиб, кумуш баркаш тусини олипти.

Мулла Бурҳон бироз чўзилиб ётгандан кейин зерикипти ва эмақлаб ўзини қум тепасининг устига олипти ва у ердан мутақалли кўрғонига кўз тикипти. Янги чиқиб, осмонга кўтарилган йигирма кунлик ойнинг нури остида кўрғон девори оппоқ бўлиб кўринипти.

Мулла Бурҳон ётган жойидан кўрғоннинг шарқ томонидаги пасқам эшигини ҳам кўрипти ва «менинг офтобим шу эшикдан чиқса керак» деб сичқон уясини пойлаган мушукдай, ўша эшикка тикилиб қараб ётипти.

Ой яна ҳам юқорироқ кўтарилиб, ер юзини сутдай оқартирипти ва унинг ёруғи остида, қизил қум тўдалари сарғимтир хом қаймоқдай бўлиб кўринипти. Аммо мулла Бурҳоннинг «офтоби» ҳали ҳам чиқмапти...

Мулла Бурҳоннинг кўнглига турли-туман васвасалар келабошлапти. У «эҳтимол отаси шаҳардан қайтиб келган бўлса; эҳтимол унинг уйига бирор шум қадам, чақирилмаган меҳмон келиб қолган бўлса, худо кўрсатмасин, ажаб эмаски, унга бирор касаллик дариган бўлса, эҳтимолдан узоқ бўлса-да, бошқа бир тахмин ҳам бор, у, афсоналардаги ба'зи алдоқчи қизлар каби мени алдаб, масхара қилиб, ўзи Ситорани бағрига босиб мендан кўлиб ётган бўлса...» деб ўйлапти.

Шу вақтда кўрғоннинг пасқам эшигидан бир киши чиқипти. Мулла Бурҳон бу кишини Пошшоҳон гумон қилиб, телбаланиб, бутун а'зойи бадани титраб кетипти. Броқ тузукроқ диққат қилгандан кейин, чиққан кишининг бўйидан Пошшоҳон эмас, Ситора эканини фаҳмлапти ва бу ҳолдан у қаттиқ умидсизликка тушипти. Чунки у «ҳа-

қиқатан ҳам бу кеча Пошшоҳон чиқмайдиган бўлган ва Ситора шу ёмон хабарни менга етказиш учун келмоқда» деб ўйлапти.

Лекин хизматчи қиз, мулла Бурҳон ётган томонга келмай, қўрғоннинг девори ости блан жануб томонга қараб кетипти ва қўрғоннинг шарқи-жанубий бурчагигача бориб, у ерда бирпас туриб, мозор, хонақоҳ ва қўрғоннинг расмий кириш эшигини кўздан кечиргандан кейин борган йўли блан кейинга қайтипти ва девор ости блан шимолга қараб боравериб пасқам эшик олдидан ўтиб, қўрғоннинг шарқи-шимолий бурчагига бориб турипти ва у томонларни ҳам кўздан кечиргандан кейин қайтиб келиб, ҳалиги эшикчадан қўрғонга кириб кетипти. Мулла Бурҳон, Ситора қўрғонга киргани блан, у ердан товус ранг паранжи остида, ўз «офтоби»нинг чиқишини умид қилипти. Броқ эшикчадан оқ кийимга ўралган бир киши чиқиб, мулла Бурҳон ётган томонга қараб келаверипти.

Мулла Бурҳон келгучининг кимлигини аниқлаёлмай, ташвишда қолипти. Ҳақиқатан ҳам сутдай оппоқ — маҳтоб кечада, оқ кийим остида келгучининг кимлигини аниқлаш мумкин эмас экан. Мулла Бурҳон ўрнида бировнинг келишини кутиб турган, бошқа бирон киши бўлганда келгучини одам деб ўйламас ва уни маҳтобнинг партови деб аҳамият ҳам бермай қўяқолар экан. Лекин келгучи яна ҳам яқинроқ келгандан кейин, мулла Бурҳон унинг маҳтоб орасида келаётган ўз «офтоби» эканини аниқлапти ва Ситора кўрсатган жойга бориб, уни кутиб туриш учун қум устидан силжиб пастга тушиб, чўзилиб ётипти. Орадан кўп вақт ўтмай, Пошшоҳон, мулла Бурҳон чўзилиб ётган жойга бориб етипти. Гўё бахт мулла Бурҳонга: «бошинг устига офтоб келди, тургил ахир!» дегандай бўлипти. Мулла Бурҳон ҳам, ихтиёрсиз жойидан ирғиб туриб, Пошшоҳоннинг рўпарасида қотиб қолипти.

Пошшоҳоннинг эғнида оқ шойи кўйлак бўлиб, бошига ҳам узун сочини ўраб олган, кенг оқ шойи рўмол ёпинган экан. Унинг бундай оқ кўйлак кийиб, оқ рўмолга ўралиб чиққани, ўзини маҳтоб тусига айлантириб, учраб қолган ёт кишилар кўзидан ўзини яшириш учун экани маълум эди.

Мен у қизни кўзим блан кўрмаганимдан, тасвир қилсам ясама бўлар эди. Шунинг учун у қизни тасвирлашда мулла Бурҳон қўллаган та'бирларни, эсимда қолганича, унинг тилидан нақл қилишни мувофиқ биламан.

Мулла Бурҳон айтарди: «Мен унинг қизилга товланиб турган оппоқ юзини нимага ўхшатишни билмайман. Мен у юзни «ой» десам ҳам бўлмайди. «Офтоб» десам ҳам бўлмайди, «гул» десам ҳам бўлмайди, «ойна» десам ҳам бўлмайди, чунки булар оддий нарсалар бўлиб, ҳарбир киши уларни кунда кўради ва аҳамият ҳам бермайди. Ахир бир кўришда одам ўз жонини унга нисор қилишгача тайёр турган бир юзни, нучук ва қандай инсоф блан бундай оддий нарсаларга ўхшатади киши?

Мен шуни айтаоламанки, у гўзал юз, у меҳр ва муҳаббат ёлқинлаган қора кўзлар, учи ингичка бўлиб қуйига эгилиб турган қора қошлар, қуюқ ва узун киприклар одам кўрган блан тўймайдиган даражада бир-бирларига шинам тушган эдилар.

Унинг кенг енглари юқорига шимарилган бўлиб, оқ билаклари ой нури блан тўлган фазода, тиниқ сувда ўйнаб турган оқ бақиқлардай жилваланиб турарди. У билаклар «мен фақат ўпиш учун яратилганман» дегандай бўлиб, киши ҳавасини ўзига тортарди.

Мен ихтиёрсиз икки қўлим блан унинг икки билагидан тутдим. Менинг қўлларим титрарди, унинг қўллари ҳам меникидан озроқ титрамасди. Мен унинг юмшоқ билакларини секингина босиб бўшатиб турардим. Лекин гапириш учун гап топмасдим. Унга учрамасдан аввал айтиш учун ўйлаб қўйган гапларимнинг ҳаммаси эсимдан чиққан эди.

Қиз бирдан қўлларини менинг қўлларимдан тортиб олиб, икки қўлини икки томонга чўзиб, бир эснагандан кейин, жасур ва жиддий овоз блан:

— Ахир бир жойга ўтирайлик! — деди.

Унинг оҳангидан мени жасоратсизликда та'на қилган ма'но сезилиб турарди.

Мен унга жавобан:

— Хўп,— дедим.

Мулла Бурҳоннинг айтишига кўра, қиз блан у, бир-бирларига рўпара ўгириптилар. Ҳар иккаларининг орасида икки қаричдан ортиқ очиқлиқ йўқ экан.

Мулла Бурҳон ҳали ҳам гапириш учун гап топмас ёки гунглар каби кўнглида бор гапларни айтолмас экан. Яна бошлаб қиз гапга киришипти:

— Сизни нега «бисмил» дейдилар ва бу сўзнинг ма'носи нима,— деб сўрапти.

— «Бисмил»нинг ма'носи «ўлдирилган»дир. Мен ишқ

томонидан ўлдирилганлигим учун мени «бисмил»деганлар,— депти мулла Бурҳон қизга жавобан.

— Сиз каби барно йигитни қайси номехрибон ёрнинг ишқи ўлдирди? — деб сўрапти қиз, ишвабозлик оҳанги блан.

— Сенингча номехрибон, лекин ҳақиқатда меҳрибон бўлган у ёрнинг отини айтишдан кўрқаман! — депти мулла Бурҳон.

— Ишқ ўлдирган кишини тирилтирадиган даво йўқми? Агар бўлса у қандай ва уни қаердан топиш мумкин?

Мулла Бурҳон қизнинг бундай саволларини ўзи учун бир чақриқ фаҳмлапти ва ҳарбир мулоҳазани эсдан чиқариб, қиз томонига силжиб, унга яқинлашипти. Қўлларини унинг белига узатиб, дудоғларини унинг дудоғларига яқинлаштиргани ҳолда:

— Ишқ ўлдирган кишини тирилтирадиган даво, ана шу лаблардан ўпиш — деб, уни ўпмоқчи бўлганида, қиз фавқулодда бир жасорат блан уни кейинга итариб, ўзини унинг қўлидан қутқазиб, нарироққа бориб ўтириб, хўнграб йиғлапти.

Мулла Бурҳон айтарди: «Қизнинг бундай муомаласидан баданимдаги алангаланган ўт, бирдан пасайди. Ҳали ҳам бошдан оёғимгача, а'зойи баданим ёнарди. Лекин алангаланган қуруқ ўтиндан, узоқлашган ҳўл ўтин каби тутаб ёнарди. Мен яқин келган мақсадни ножўя ҳаракатим блан қўлдан чиқарганимга афсусланар ва нима иш қилишимни ва ранжиган қизни қандай юпатишни билмай, ҳайрон бўлиб қолдим. Қиз ҳали ҳам йиғламоқда эди...»

Мулла Бурҳон ўзини эплаб олгандан кейин, узр айтмоқчи бўлиб сўзга киришипти:

— Жонгинам,— депти у,— сенинг илтифотларингга, меҳрибончиликларингга таяниб, мен бир ножўя ҳаракат қилдим. Сен жасурлик ва соф қалблик блан огоҳлантириб менга ўз жойимни кўрсатдинг. Бу жиҳатдан мен сендан миннатдорман. Броқ ўзимнинг нотўғри ҳаракатим блан сени ранжитганим, сени юпатиб кулдириш ўрнида ғам, қайғига солиб йиғлатганим учун ўзимни гуноҳкор билман. Мени кечиришингни сендан ялиниб, ёлвориб сўрайман...

Қизнинг йиғиси бпроз пасайипти, лекин ҳали ҳам йиғламоқда экан. Мулла Бурҳон сўзини давом этдириб:

— Жонгинам! Менга айтчи, нима қилсам сенинг табинг очилиб, хурсанд бўласан ва истамаганим ҳолда сен-

да пайдр бўлган бу қайғи, бу алам бартараф бўлади.— депти.

Қизнинг йиғиси яна ҳам пасайиб, тинчланабошлапти. Броқ мулла Бурҳоннинг сўроқларига жавоб бермапти. Мулла Бурҳон яна сўзида давом этиб:

— Азизим, жоним, меҳрибоним! — депти, мулла Бурҳон қизга, — агар сенинг хурсандлигинг менинг йўқолишим блан муяссар бўлса, мен ўзимни ҳалок қилиб йўқотишга, ҳеч бўлмаса бу ерлардан бошимни олиб кетишга тайёрман. Менинг мақсадим, менинг тилагим, фақат сенинг истагингга боғлиқдир. Айтгилки, нима қилай... — депти.

Мулла Бурҳон жим бўлиб, гапларининг қизга қандай таъсир қилганини билмоқ учун унга қараб турипти.

Қиз йиғидан тўхтаган, бошини эгиб ерга боқиб қандайдир бир ўй, фикрга чўмган экан. У ҳинодан челон каби қизил бўлган, бармоғининг учи блан қизил қум юзига чизиқ чизипти. Мулла Бурҳон яна гап бошлапти.

— Ахир мен сени севаман. Сенинг учун ҳарбир азобуқубатни тортишга тайёрман ва ҳарбир оғирликка чидаман, фақат сенинг хафа бўлишингга чидаёлмайман. Айниқса, сенинг хафалигингга боис бўлганим учун аламга чидаёлмай ўзимни ҳалок қиламан...

Мулла Бурҳон жим бўлипти ва қиздан бир жавоб эшитиш умидида, унга кўз тикиб турипти.

Қиз бироз фурсатдан кейин бошини кўтарипти ва мулла Бурҳонга қарамай сўзга киришипти:

— Менинг хафалигим, қайғи ва аламин сиздан ва сизнинг ноҳўя ҳаракатингиздан эмас, — депти қиз, — албатта сизнинг ҳаракатингиз нотўғри эди, шунинг учун ўзимни сизнинг қўлингиздан қутқаздим. Бордию менинг хафалигим сизнинг ноҳўя ҳаракатингиздан бўлганда ҳам, мен сизни айбли деб билмасдим ва айбдор дейишга ҳақим ҳам йўқ. Чунки сизнинг шу даража жасур қилган ўзимнинг ноҳўя қилиқларим эди...

Қиз бироз жим туриб яна давом этди:

— Хафалигимнинг, қайғи ва аламга чидаёлмай, йиғлаб юборганимнинг ҳақиқий сабаби ўзимнинг бахтсизлигимдир. Шу бахтсизликнинг мажбур қилишидандирки, мен шарият ва муллалар хотин қизларнинг ҳатто овозлари номаҳрам деганлари ҳолда, мен қоронғи кечада, хилват жойда бир бегона одам олдида очиқ юз блан ўтириб суҳбат қилишгача жасорат қилдим...

Қиз бироз жим бўлиб тургандан кейин, бирдан бошини кўтариб мулла Бурҳонга тикилиб:

— Сиз мени неча яшар деб тахмин қиласиз?— деб сўрапти.

Мулла Бурҳон унинг ёшини каттароқ тахмин қилган бўлса ҳам, ёшини кичикроқ десам кўнглига хуш келар деб:

— Мен сени 17—18 яшар деб тахмин қиламан,— депти.

— Сиз мени ёлғон гап блан хурсанд қилмоқчи бўласиз,— депти қиз кулимсираб ва сўзида давом этиб,— ҳақиқатда мен 28 ёшдаман!

Қиз кейинги гапларни айтганда лабларидан аввалги жилмайиш йўқолиб, ўрнини қайғи аломати олипти ва:

— Тўғри, мен 28 ёшдаман, броқ ҳали ҳам қизман. Агар менинг бахтсизлигим ёлғиз шугина бўлганда, кўп ҳам қайғирмасдим. Лекин шу 28 ёшлик умримнинг кейинги ўн йили чидаб бўлмаслик азоб-уқубатлар блан ўтиб, яна ўшандай азоб-уқубатлар блан давом қилмоқдаки, энди чидаёлмайман,— депти.

—Жонгинам! Агар бошингдан ўтган воқиаларни менга айтиб берсанг кўнглинг юки бироз енгиллашар,— депти мулла Бурҳон, қизни юпатадиган бошқа гап топмаганидан.

— Менинг бошимдан ўтган қора кунлар узун ва аламлидир. Агар сиз ўшандай аламли воқиаларни эшитишга чидаёлсангиз, айтиб беришга тайёрман,— депти қиз.

— Мен миннатдор бўлиб эшитаман,— депти мулла Бурҳон. (Мен қуйидаги парчага сарлавҳа қўйиб қизнинг тилидан ёзишни мувофиқ билдим.)

### БАХТСИЗ ҚИЗНИНГ БОШИДАН УТГАН ҚОРА КУНЛАР

— Мен онадан 18 яшарлигимда ажралдим,— деб қиз гап бошлапти,— мен ота-она хонадонида бирдан-бир фарзандман. Онам, хат-саводли бир мулланинг қизи бўлганидан хатлик-саводлик эди. У мени ҳам ўзи ўқитиб, хат-саводлик қилди. Бундан бошқа пишириш, ювиш, бичиш, тикиш каби ҳарбир қиз учун керак бўладиган уй ишларини ҳам ўргатди.

Мен 16 ёшимни тўлдирганимда, онам мени куёвга чиқариш ва бирдан-бир фарзандининг тўй-тамошасини кў-

риш орзусига тушди. У умрининг охирги икки йилини куёв бўларлик бирор йигитнинг чиқишини кутиш блан ўтказди. Броқ бундай йигит чиқмади.

Қиз бу ерда ўз ҳикоясини тўхтатиб, мулла Бурҳондан сўрапти:

— Сиз куёв бўларлик бирон йигитнинг топилмаганлиги сабабини биласизми?

— Йўқ билмайман!— депти мулла Бурҳон.

— Албатта, сиз билмайсиз ва билишингиз мумкин ҳам эмас — деб, қиз ўз саволига ўзи жавоб бериб, сўзида давом этипти:

— Хўжаўбонлик хўжалар, бошқа хўжалар каби, қизларини ўз авлодларидан бўлмаган кишига бермайдилар. Хўжаўбонлилардан бўлса, бирор куёв бўларлик киши чиқиб совчи юбормади. Шундай бўлиб, меҳрибон онам ўз орзу ҳавасларини ўзи блан бирга тупроқ остига олиб кетди.

Онасини эслаганидан бўлса керак, қизнинг кўзида вижирлаб ёш томчилари пайдо бўлди. У ўз енги блан кўзларини артгандан кейин:

— Онамнинг йилошисидан кейин, отам бошқа хотин олди. Мен шафқатли онамнинг ўлимига қанча куйган эдим, лекин чидаб бўлмаслик мусибатим ўгай она уйга келгандан кейин бошланди, — деганида, қизнинг томоғини йиғи бўғиб олипти — у жим бўлипти ва бирпасдан кейин, бошини кўтариб узун бир «оҳ» тортиб, томоқ ва ўпка йўлини очгандан кейин яна сўзини давом этипти:

— Мусибат оғир ва жон куйдиручи эди. У вақтларда бизнинг уйимизда икки хизматчи хотин бор эди. Броқ ўгай она энг оғир ва энг ифлос ишларни менга буюрарди. Мен уй ва ҳовли юзини шупурардим, ҳатто ҳожатхонани ҳам кунда икки марта мен тозалардим. Хизматчилар ош, нон пиширардилар. Қирни бўлса мен ҳам хизматчилар қаторида ўтириб ювишга мажбур эдим.

Овқат еганда ўгай она энг маззасиз нарсаларни менга берарди. Ба'зан хизматчилар маззасизлигидан емай қўйган овқатни менга егизишга уринарди.

Мен бундай оғирликларни ҳам кўтаришга интилардим. Лекин ўгай онанинг мени азоб бериши булар блан чекланиб қолмасди. Мен уй ишидан бироз бўшаб бир бурчакка тиқилиб, китоб ўқишга киришсам, у «китобхон қиз, ўйнашбоз бўлади» деб мени жеркиб таҳқир қилгандан кейин, бўлмағур ва кераксиз бир ишни топиб, менга

буюарди. Мен бирдан-бир севиб қиладиган, ҳордиғимни чиқарадиган ва аламимни енгиллаштирадиган ишдан — китоб ўқишдан маҳрум қиларди.

Ўгай она бу блан ҳам тинчланмасди: кечалари мени отамга чақарди. Мен эшик орқасидан қулоқ солиб, унинг сассиқ гапларини эшитардим. У отамга айтарди: «Қизингиз уятсиз, ғазалларни кўп ўқийди. Бундай қилаверса у бузилади. Бу ишнинг олдини олишингиз керак, уни китоб ўқишга қўйманг! Тезроқ бирор киши топиб, уни эрга чиқариб, менинг олдимдан узоқлаштинг. Мен бундай енгилтак қиз блан туришга чидаёлмайман. Илоҳи бундай қизни ўстирган она гўрида тинч ётмасин».

Менга ҳаммадан ортиқроқ меҳрибон онамга тил тегизгани алам қиларди. Отам бўлса унга жавобан юшмоқ тил блан, ўз қариндошларидан куёв бўларлик киши топилмаганини, бошқа кишига бериши мумкин эмаслигини, менинг бахтимнинг очилмаганини кўрсатиб: «Сабр қил! Бир кун келур, унинг бахти очилур ва сен қутиларсан» деб уни юпатишга уринарди...

Мулла Бурҳон қизнинг бу аламли қиссасини эшитганида унга бўлган муҳаббати раҳм блан аралашиб, сўнмайдиган бир ўт каби бошдан оёғигача ўраб олиб, унинг ўгай онасига нисбатан қалбида пайдо бўлган ғазаб ўти ҳам алангаланиб, уни тоқатсизлантирипти. У ғазаб шиддати блан югуриб бориб, ўгай онани парчалаб ташламоқчи бўлипти ва тоғликларга махсус қизғинлик блан қизнинг сўзини бўлиб:

— Ҳали у ла'нати ўгай онанг қаерда? — деб қиздан сўрапти.

— Тўрт йил отам блан тургандан кейин, ўлди! — деб қиз жавоб берипти.

— Хайрият! — депти мулла Бурҳон, ғзаби биров босилгандай бўлиб, — ундан кейин тинчландингми? — деб сўрапти.

— Агар ўгай она ўлгандан кейин тинчланганимда, мен ўзимни бахтли санардим, — депти бахтсиз қиз ва сўзида давом этиб: — у ўлгандан беш ой ўтгач отам бошқа хотин олди. Аммо бу хотин, аввалги хотиндан юз марта ёмонроқ бўлиб чиқди. Бу хотин оғир ва ифлос ишларни буюришда, овқат бермасликда, китоб ўқишга йўл бермай, мени «бузуқ» деб ҳақорат қилишда аввалгисидан баттарроқ эди. Бунинг устига отам бозордан



мен учун олиб келган янги кийимларни, менга бермагани ила баравар, онамдан қолган кийимлардан фойдаланишга ҳам йўл қўймади. «Хотиндан қолган мерос қизники эмас, хотинники бўлади» деб, у кийимларни сандиққа солиб қулфлаб қўйди ва мурдашўйлардан чиққан ислиқи кийимларни билмадим қаердан топиб келтириб, мени уларни кийишга мажбур қиларди.

Бу ҳам мени эрга бериб юборишга отамни ундарди. Мен ҳам, агар етмиш яшар чол бўлса ҳам эрга чиқиб, у чидаб бўлмаслик азоб, уқубатлардан қутилишга рози эдим. Броқ бу зот, зурёти блан қуриб кетгур Хўжаўбонлик хўжалардан куёв бўларлик бирор киши чиқмасди. Билмадим бу уруғи қурғурларнинг қандай балолари борки, ораларида ўғилдан кўпроқ қиз туғилади, ўғиллари бўлса ўз уруғларидан номига бир хотин олгандан кейин, унинг устига мурид-мухлислари қўй, эчки қаторида назр қилиб келтирган қизларни ҳам, чўридай қилиб олаберадилар. Бундай аҳволда шаҳардан узоқ бир қумзорда қолган мен каби бахти қорага, ўз уруғимиздан куёв қандай топиларди.

— Иккинчи ўгай онанг ҳали қаерда? — деб мулла Бурҳон сўрапти.

— Унинг қаердалигини билмайман. Броқ уйдан қувилди, бу воқиа шундай бўлди: у отамнинг уйидаги буюмларни, бу жумладан онамдан қолган кийимларни ҳадеб ўғирлаб олиб бориб қариндошлариникига яшираберди. Бу ҳолдан хабар топган отам мол аламига чидаёлмай уни қувиб юборди.

— Демак, ҳозир тирикчилигинг тинч ўтаётирми? — депти мулла Бурҳон, ўзи ҳам бироз тинчланган ҳолда.

— Кўринишда шундай кўринади, — депти ва бир «оҳ» тортиб сўзида давом этипти, — менинг ёш умрим, ўгай оналарнинг эзиши остида сўлиб, қуриб қолди. Менинг жисмим тирик бўлса ҳам, қалбим ўлган ва унда ёшлик орзу ҳавасларидан асар қолмаган. Менинг бирдан-бир свунчоғим шу хизматчи қиз — Ситора бўлиб қолди. Ўгай она қувилиб, ўзим уй эгаси бўлганимдан кейин, ота-онасиз қолган бир қизчани олиб тарбияладим. У менинг ўз синглимдай бўлди. Уй ишларини бошқа хизматчи хотинлар бажарадилар. Бу қиз ҳамиша ўз олдимда...

Қиз бир нафас жим туриб эрга қараб:

— Мени фақат бир фикр ташвишлантирабошлади: Отам қариган. Ҳечбир киши дун'ёда абадий қолмайди.

Отам ўлиб қолса, мен ёлғиз бошим блан нима қиламан ва нима ҳам қилаоламан, деган фикр мени тинчитмайди. Шунинг учун мен ҳам қандай одам бўлса ҳам, элга чиқсам деб орзу қиламан. Бу орзу ёшлик орзу ҳаваси бўлганини уқдириб ўтишим керак. Чунки боя айтганимдай у каби орзуларим, қачонлар ўлиб кетган эди. Бу орзу фақат кишисиз бўлиб қолмайин деган орзудир. Броқ бир воқиа юз бердики, мен ундан бу истагимнинг ҳам вужудга келмаслигини билиб олдим...— депти.

Қиз жим бўлиб нафасини ростлагандан кейин яна сўзида давом этипти:

— У воқиа бундай юз берди: шаҳардаги хўжаўбонликлардан хотини ўлган эллик яшар бир киши мени сўратиб совчи юборди. Мен эшикнинг орқасида туриб, отамнинг берган жавобини эшитдим. Отам жавобида: «Мен қаридим. Бошқа фарзандим йўқ, хотиним ҳам йўқ. Уйимни бошқарадиган бирдан-бир фарзандим шу қизим. Шунинг учун мен уни ичкуёв бўладиган бир кишига бериб, бир фарзандимни иккита қилмоқ ниятидаман» деди.

Совчи отамга: «уйни бошқариш учун бирон бева хотин олақолинг» деб маслаҳат берганида, отам ўгай онамнинг ўғрилигини сўзлаб «мен бева хотин олишдан товба қилдим. Тўғрисини айтсам, уйланиш ниятим йўқ эмас. Броқ бундан буён, кўзи очилмаган бирор 12 яшар қизга уйланмоқчиман. Шундай қиз ўз уйимда бор. Лекин у қиз рўзгорни бошқаролмайди. Ҳарҳолда, ақлли, идрокли бўлган қизимнинг уйимда қолиши лозим» деди...

Бу воқиянинг охирини ҳикоя қилаётганда қизнинг авзойи бузилди. Унинг юз ва кўзини қайғи, алам аломатлари қоплаб олди ва шу вазиятда бироз жим тургандан кейин, яна сўзини давом қилдирди:

— Бу воқиянинг натижасида меңинг бир ташвишим иккита бўлди: биринчи ташвиш, дун'ёда ёлғиз ва кишисиз қолиш ташвиши эди. Чунки ҳалиги хўжаўбонлик хўжа ичкуёв бўлишга унамагани каби бошқаси ҳам шаҳардаги уй-жойни ташлаб, бу қумзордан иборат бўлган сувсиз чўлга келиб ўтирмасди; иккинчи ва яна ҳам оғирроқ ташвишим шуки, мен ҳалиги воқиядан Ситорага — менинг синглимдай бўлган Ситорамга, ўз отамнинг ҳаёсизлик блан қасд қилганини пайқадим. Бундай номуссизликка Ситора ҳам чидаёлмайди, мен ҳам. Бу фалокатни ўз бошимиздан қайтариш учун бизнинг қўлимиз-

дан ҳечбир иш ҳам келмайди, шунинг учун, агар чол ўзининг ниятини амалга оширадиган бўлса, биз иккала-миз бир жойда ўзимизни ҳалок қилишга қарор бериб қўйдик. Бу қарордан кейинги бизнинг тирикчилигимиз ўлим блан баббаравар бўлган эди...

Бу гапларни айтган қиз, ўзини бир оғир юк босгандай бўлиб, бошини эгиб ўйга чўмиб қолипти. Қизни бундай аҳволдан қутқазिश учун мулла Бурҳон бирор гап тополмай, у ҳам ҳайрон бўлиб қолипти.

## БАХТСИЗ ҚИЗ БАХТ ИЗЛАШ ЙУЛИДА

Мулла Бурҳоннинг айтишига кўра Пошшоҳон қайғига чўмиб бироз жим тургандан кейин юзида шодлик аломати кўринабошлапти ва бошини кўтариб, жилмайиб турган ҳолда сўзга киришипти:

— Мен умримда муҳаббат назари блангина эмас, оддий назар блан ҳам бирор эркакнинг юзига қарамаган эдим,— депти у ва изоҳ берипти,— чунки менинг қалбим, менинг ёшлик ҳавасларим ёшликданоқ ўлган эди. Ҳалқ тили блан айтганда мен «ғўра бўлмасданоқ майиз бўлган эдим.— Қиз бироз жим турди ва унинг юзидаги шодлик аломати яна ҳам ортгани ҳолда давом этипти:

— Броқ бу орада бир иш юз бериб, мен бир йигитга муҳаббат пайдо қилдим...

— У хушбахт йигит ким экан? — деб ҳаяжон блан мулла Бурҳон сўрапти, қизнинг сўзини бўлиб.

— Сабр қилинг, гапнинг адоғида у йигитнинг кимлигини билиб қоласиз,— дегандан кейин, қиз сўзини давом эттирипти,— бу шундай бўлди: бир кун, хўжаўбонликларнинг ота-боболаридан бири давом қилиб келаётган баъзи одатларга қарши турган бир йигит пайдо бўлиб қолди. Ота, боболаларимиздан қолган одатларнинг қурбони бўлган менда у қаҳрамон йигитга ғойибона бир муҳаббат, ишқ эмас, оддий бир муҳаббат пайдо бўлиб, у йигитни бир кўриб қолишни истадим. Мен бошда бу истагимни эшик ва девор орқаларидан амалга оширдим ва у йигитни кўрдим. У йигит барно бир йигит эди ва бир кўришда унга бўлган муҳаббатим яна ҳам ошди ва уни яқинроқдан кўриш ва овозини эшитиш тилаги менда пайдо бўлиб, мени тинчлатмай қўйди. Бу тилагим ҳам биргина марта эмас, бирнечабор амалга ошди ва ҳаргал у йигитни кўрганимда, унга бўлган муҳаббатим аввал-

гисига кўра ортаборди ва бора-бора бу муҳаббат шоирлар «ишқ» деб атайдиган ва унинг куйдиришдан, ўз шеърлари воситаси блан доду фар'ёд қиладиган ҳолатга етишди...

Гўзал қиз, юзи қизил гулдай қизаргани ҳолда жим бўлипти. Унинг юз, қовоқ ва манглайдаги асаблар қандайдир бир ма'нони ифода қилаётгандай, секин-секин ҳаракат қилмоқда, афтидан у, биринчи ишқни эслаганида одатдан ташқари ва юрагини сиқиш даражасида ҳаяжонга келган эди. У икки кафтини икки томондан белига босиб ва сидириб кўкрагининг устигача келтирди ва у ердан икки қўлини бир-бирига қовуштириб бир-икки марта қаттиқ-қаттиқ ишқалагандан кейин, бироз тинчланиб, яна сўзида давом этипти:

— Муҳаббат,— депти у, менинг фикримча ҳарбир ёшнинг кўнглида бор. Броқ у олди тўсилган сувдай тўғон орқасида димланиб туради. Ма'лумки бундай сув бир томонга майл қилиб, оз бўлсада ўзи учун ҳаракат йўли топса, аввал оз-оз оқади ва бора-бора бу оқим олдини тўсиб бўлмайдиган даражада қувватланиб, олдидаги бутун тўсиқ ва тўғонларни кўтариб ташлайди. Шунингдек у йигитга нисбатан менинг қалбимдаги муҳаббат ҳам, бошда кўнглининг оддий бир майли эди. Бора-бора ҳарбир тўсиқни кўтариб ташлайдиган шидатли бир оқим даражасига етди...

Қиз жим бўлипти ва унинг бу жимлиги анча вақтгача чўзилипти. У мулла Бурҳонга бир гап айтиб, ундан жавоб кутиб тургандай тикилиб қараб турипти.

Мулла Бурҳон, қизнинг юқоридаги гапларидан, қиз севган йигитнинг кимлигини аниқ билиб олган бўлса ҳам, уни очиқдан-очиқ иқроор қилдириш ниятида унга аввалги саволини қайтадан бериб:

— Хўш, у бахтли йигит ким экан? — деб такроор сўрапти. Қиз аввалгисидан ҳам ортиқроқ қизариб ва жилмайиб:

— Агар менинг юқоридаги гапларимдан ҳали ҳам у йигитнинг кимлигини тушунмаган бўлсангиз, мен ошкоро айтаманки, у йигит сиз эдингиз! — қиз кейинги гапини ерга қараб айтипти ва ўша вазиятда сўзида давом қилиб:— Сиз хўжаўбонликларнинг «қовушларни тўғри-лаб қўйиш» найранги блан фақир у қашшоқларни мазордан қувиб, уларни «садақа» деб келтирилган, овқатларни ейишдан маҳрум қилиш йўлидаги ҳийлаларини

фош ва масхара қилиб, отамдай ўжар одамни қўрқитиб, тузоғингизга тушириб олдингиз. Сизнинг бу ишингиздан хўжаўбонликларнинг мени бахтсиз қилган бошқа ба'зи одатларининг ҳам сизнинг воситангиз блан бузилиш имконияти борлигига умидвор бўлдим ва бу умид блан менда ёшлик ҳаваслари уйғонабошлади. Бу умид ва ҳавасни менда уйғотган кишига нисбатан қалбимда майл-муҳаббат пайдо бўлди ва бу муҳаббат бора-бора зўрайиб ҳарбир тўсиқни кўтариб ташлайдиган даражага етди. Сабаби шуки, мен бутун урф-одатларни ва шариат буйруқларини олдимдан олиб ташладим ва сизнинг олдингизга очиқ юз блан чиқиб ўз муҳаббатимни арз қилиб таслим бўлдим...— депти.

Мулла Бурҳон айтар эди: « У олижаноб қизнинг меҳр ва муҳаббат қўзғотучи ҳалиги сўзларидан унга нисбатан бўлган менинг севгим юз даража ортиб, ҳаяжонланиб гап тополмайдиган, даражага етдим. Мен шуни ҳис қилардимки, уни ҳаддан ошиқ севганман ва унинг ишқи ўтида ўтга ташланган қил каби ўзимга ўралиб қолмоқдаман. Бу вақтда у қиз менинг назаримда учрашувнинг аввалги минутларидаги каби енгилтак бир қиз кўринмас, энди у поклик ва соф қалбликнинг намунасидай бўлиб кўринарди. Қисқа қилиб айтганда, бошда менинг унга бўлган севгим «ҳайвоний бир ишқ» бўлса, энди «инсоний ишқ» даражасигача кўтарилган эди. Бу ҳолатда мен «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» қиссаларини қуруқ ва уйдирма афсона деб, ҳам ба'зи сўфиларнинг айтганларича «илоҳи, ишқнинг рамзи (символи)» деб ҳам билмасдим, балки у қиссаларни «ўзим блан Пошшоҳон орасида пайдо бўлган севгининг намунавий ифодаси» деб билардим. Бу вақтда менинг бирдан-бир мақсадим, у қизни бўлажак фалокатлардан қутқазिश ва қандай йўл блан бўлса ҳам, уни хурсанд қилиш эди.

Қиз фикрга чўмиб туриб ва мулла Бурҳонни ҳаяжон ичиди кўриб, яна гапиришга киришипти.

— Тўғри,— депти қиз,— мен сизга ҳаёсизлик блан таслим бўлдим. Броқ бу «таслим» ҳозирнинг ўзидаёқ сизнинг ҳарбир ҳаракат ва муомалангизга «тан бераман» деган ма'нода эмас. Ундай иш енгилтак қизларнинг ишидир. Менинг мақсадим, агар тақдир йўл берса ва сиз рози бўлсангиз, сиз блан урфу расмга мувофиқ никоҳланиб, рўйрост, номусли инсонларча турмуш кўришидир. Бўлмаса мен, агар ёлғизлик ва азоб уқубатлар



остида ўлсам ҳам, унақа номуссизлик блан бўладиган ҳаракатларга тан бермайман.

— Мен розигина эмас, балки сен блан урф-расмга мувофиқ никоҳланиб, бир-биримизни маҳкам боғланган қалбий сезгини зоҳирда ҳам мустаҳкам қилиб, сен блан номусли тирикчилик қилишга жону дилдан толиб ва роғибман, броқ, сенинг фикрингча бу ишни ўжар отангга қандай ма'қуллатиб, нучук амалга оширамиз? — депти мулла Бурҳон.

— Бир йўл бор, — депти қиз, — лекин у йўл оғир бўлиб, у блан бориш ва отамни у йўлга киргизиш, сизнинг қат'ий, жиддий ва моҳирона ҳаракатингизга боғлиқдир.

— У қандай йўл? — деб сўрапти мулла Бурҳон ва сўзида давом этиб, — у йўлни менга кўрсат. Агар у йўлда бошим кетса ҳам бораман ва ҳарқандай оғир бўлса ҳам, у йўлдан қайтмайман!

— Агар у йўлда, сизнинг бошингиз кетиши эҳтимоли бўлганда эди, ундай йўл менга керакмасди, — депти қиз, — ахир сизнинг бошингиз ёлғиз истакларимдангина эмас, жонимдан ҳам, бутун борлигимдан ҳам, азизроқдир. Мен ўйлаган йўл оддий бўлиб, фақат у йўл блан бориб, отамни у йўлга киргизиш оғир, шунинг учун сиз моҳирлик блан жиддий ҳаракат қилишингиз керак бўлади...

Қиз нафасини ростлаб, ўзи ўйлаган «йўл»ни изоҳ қилишга киришипти:

— Эшитганимча, — депти қиз, — шаҳардаги ба'зи хўжалар ўз уруғларидан куёв бўларлик киши топилмаса қизларини муллаларга берар эканлар ва муллаларни шарафда хўжалар блан баравар билар эканлар. Сиз, бир гапга уста ва нуфузли одамни топиб юборишингиз керакки, у киши бу йўлни отамга ма'қуллатсин, агар ич-куёвлик масаласини олдин сурса, сизнинг томонингиздан буни ҳам қабул қилсин.

Қиз у сўзининг охирида ўзи ўйлаган фикрни қувватлаш йўлида илова қилипти:

— Ахир отамнинг бирдан-бир мақсади бўлган ичкучёвликни, ҳечбир уйлик, жойлик одам қабул қилмайди. Унинг бу тилагига мусофир бўлганингиз сабабли сиз мос келасиз. Бу ҳам борки, «отам менинг сирларимни шаҳарда, қишлоқларда фош қилиб даромад йўлимни боғлаб, ўзимни расво қилмасин» деб кўрқади ва сизни ранжитмасликка ҳаракат қилади. Бу ўша «ковуш тўғрилаб қўйиш» воқисидан бери сизга қилаётган муомалалари-

дан ма'лум. Мени ҳам сизнинг муваффақиятингизга умидвор қилган, сизнинг шу ҳислатингиз ва «ўғрининг ости бўш» деганларича отамнинг қўрқоқлик хусусиятидир. Агар мен ўйлаган орзулар вужудга келса, бу сут эмар қўзигинамни (Ситорани) ҳам бу бўри чангалидан қутқазиш ҳечгап эмас.

Отамни «бўри» дейишим ажаб эмаски, мулла Бурҳонга ёқмаган бўлса, деб ўйлаб, қиз қуйидаги гапларни айтипти:

— Кечирасиз! — муллаларча отага тил тегизиш тузук бўлмасада, 12 яшар сағирага қасд қилгани учун ўз отамни «бўри» дейишга мажбурман, сиз каби қаҳрамон «чўпон» бўлган хонадонда бўрилар қўйларга қасд қилишдан ҳайиқадилар...

Қиз жим бўлиб, мулла Бурҳондан жавоб кутиб турипти. Мулла Бурҳон бу қари бўрини йўлга киргиши учун қандай тулкани топиб совчиликка юбориш тўғрисида ўйлаб қолипти.

Қиз, мулла Бурҳоннинг фикрга чўмиб кетганини кўриб «ажаб эмаски, унинг қат'ий жавоб бериши йўлида бошқа тўсиқлар ҳам бўлса, масалан унга ичкуёв бўлиб, бу қақраган чўлда тирикчилик қилиш ма'қул тушмаган бўлса» деб ўйлаб ва шундай «эҳтимолга» жавоб бериш йўлида гап бошлапти:

— Эҳтимол сизга ичкуёв бўлиш ма'қул бўлмагандир. Броқ сизнинг бу шартни қабул қилишингиз, никоҳ хутбаси ўқигунча, никоҳдан кейин шарият бўйича менинг ихтиёрим сизнинг қўлингизда бўлади истасангиз бу ерда турасиз, истамасангиз мени бошқа жойга олиб борасиз...

Мулла Бурҳон қизнинг бу гапига жавоб бериш учун оғиз очмоқчи бўлганида, қиз қўли блан имлаб уни жим қилиб, яна сўзини давом эттирипти:

— Ажаб эмаски, сизнинг фикрингизга рўзғор тортиш ташвиши келиб, ўйловга тушган бўлсангиз, лекин рўзғорда менинг оғирлигим сизнинг гарданингизга юкланмаслигини олдиндан айтиб қўяман. Чунки мен ёлғизлик вақтларимда кўп китоб ўқиб, саводимни яхшиладим, китоб ўқишдан зериккан чоқларимда бичиш, тикиш блан машғул бўлиб, бу ҳунарни ҳам етарли даражада ўзлаштирдим. Агар мени шаҳарга олиб борсангиз, қўшниларнинг қизларини ўқитсам ҳам, одамларнинг кийимларини тикиб бериб ўзим ва Ситора учун бир бурда нон топаоламан.

Мулла Бурҳон, қизнинг отасини рози қилишга кўзи етмаса ҳам, бу фикрини унга айтиб, уни хафа қилишни муносиб кўрмапти ва қат'ий оҳанг блан:

— Бирор нуфузли одам юбориб, отангни йўлга киргизамиз ва бир бахтли турмушга эришамиз,— депти.

— Демак сиз мен блан турмуш қуришни қабул қиласиз!

— Минг марта қабул қиламан! — депти мулла Бурҳон, яна ҳам қат'ийроқ оҳанг блан.

Мулла Бурҳон айтар эди: «Бу вақтда ой бизнинг бошимиз устидан ўтиб ғарб томонга оғиб борган, шарқ томондан минорага ўхшаган нур кўтарилиб кўмкўк бўлган осмон юзини оқиш тусга айлантирган эди. Қиз менинг ҳалиги «қабул» сўзимни эшитиб ирғиб турди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, унинг рўпарасида тик тўхтадим.

— Сиз менга қайтадан жон бағишлаб, мени бахтиёр турмушга умидвор қилдингиз,— депти қиз,— бундан буён менинг тирик қолишим сизнинг қўлингиздадир. Бир вақтлар баёзда «бундан буён билмайман, фалакнинг гардиши менинг ҳақимга бу қўйдаги икки ишдан қайсисини қилгусидир: ё сенинг қўлингни бўйнимга, ёки менинг қонимни сенинг бўйнингга» қўйғусидир, мазмунида бўлган:

«То чи хоҳад кард бар ман даври гети зин ду кор:

Дасти ту бар гарданам, ё хуни ман дар гарданат»

ше'рини ўқиган эдим. Шунга ўхшаш менинг келажгим ё у, ё бу бўлғусидир, учинчи йўл йўқ.

Мулла Бурҳон айтар эди: «Мен бу ше'рни у гўзал қиздан эшитгач, ихтиёрсиз ўз қўлларимни унинг оқ атлас каби оппоқ, латиф ва юмшоқ бўйнига чўздим, у ҳам менга яқинлашди. Қизгин лаблар, пайванд қилингандек ажратиб бўлмас даражада бир-бирига ёпишди. Бу вақтда тонг ёруғи ўз партовини бизнинг устимизга оқ чойшабдай ёзган эди. Броқ бу «оқ чойшаб» бизнинг бахтимизни қора қилиши мумкин эди. Шундай мулоҳазадан бўлса керакки, қиз:

— Вой! Расвочилик яқинлашди,— деди-да, бир силтов блан ўзини менинг қўлимдан қутқазиб, қўрғонга қараб қочди. ...Мен бир вақт ўзимга келиб қарасам, жонсиз ҳайкал каби турган жойимда қотиб қолибман. Бу вақтда шарқ томон уялчан қизларнинг юзларидай қи-



зарган, кун оқариб юз қадамдан одам, одамни танийдиган даражага етган эди. Мен кўрғонга яқин бормаи, пасқамликлардан, қум хомалари ораларидан эҳтиёт блан юриб, мозорга етдим ва чиллахонага кириб олиб, жонон хаёлида арзи-розу ниёз қилиб ўтирдим.

## БАХТСИЗ ҚИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛИШ ЙУЛИДА

Мулла Бурҳон Пошшоҳон блан учрашган кечанинг эртасига мутавалли шаҳардан келипти. Унинг олдига ҳаммадан илгари мулла Бурҳон кирипти. У мутаваллига яхши кўриниш ниятида, мунофиқлик блан таъзим қилиб, ҳурмат блан салом бериб, ҳол-аҳвол сўрапти ва уни чарчаб келган вақтида зериктирмаслик учун олдидаи тез чиқиб кетипти.

Мулла Бурҳон ундан кейин ҳам муносабат топиб, мутавалли олдиға тез-тез кирар ва ҳар гал гапни унинг оилавий турмуши устига келтириш учун интилипти. Лекин зийрак чол ҳар гал унинг саволларига қисқа-қисқа жавоб бериб, оилавий аҳволидан гапирмас ва унинг «маслаҳат беришига» йўл қўймас экан...

Бу орада бир воқиа юз бериб «қари бўри» тулкилик блан бўлса ҳам, ўз оилавий аҳволини мулла Бурҳонга очиқ баён қилишга мажбур бўлипти ва шу блан бирга мулла Бурҳоннинг «маслаҳат беришига» ҳам йўл очилипти. Бу воқиа 60 яшар бир баҳоваддинлик хўжанинг мутавалли қизига совчи юбориши ва унинг рад қилишидан иборат эди.

Мулла Бурҳон бу совчининг талаби рад бўлганидан хабардор бўлса ҳам, ўзини билмасликка солиб мутаваллининг олдига кириб, уни «қизининг тўйи блан» табриклапти.

Мутавалли совчининг талаби рад этилганини хабар бериб:

— Ҳали табрик қиладиган иш бўлган эмас,— депти.

Мулла Бурҳон рад қилишнинг сабабини сўраганда, мутавалли:

— Бизнинг ота-боболаримиз пайғамбарнинг учинчи ёри ва халифаси бўлган ҳазрати Усмондан тарқалган. Баҳоваддинлик хўжалар бўлса, ўзларига хўжалик номи ни Баҳоваддини Нақшбанддан бошлаб таққанлар. Баҳоваддин боболарининг кимлиги эса номаълум. Ажаб эмаски, уларнинг насаби исломиятдан илгариги Бухоро

оташпарастрларига бориб етса, бу ҳолда баҳоваддинлик хўжалар насл-насабдан биз блан қандай барабар бўладилар...— депти.

— Эшитишимга кўра,— деди мулла Бурҳон,— қарима (қиз)ларининг ёши анчага борган. Шариат юзасидан отанинг вазифаси қиз бўйга етгач дарҳол эрга беришдир. Ҳарҳолда у мастура (қиз)ни тезроқ эрга берсалар, яхшироқ бўларди.

— Биз мадрасада оз ўқиган бўлсак-да, депти мутавалли,— шариат қоидаларини бирмунча биламиз: шариат ҳамиша зарур вақтларда ўз қоидаларидан истиснога йўл қўяди. Чунончи, Чоркитобда бир муносабат блан айтилган:

«Гар зарурат бувад, раво бошад» (зарурат вақтида дуруст).

Мутавалли қизининг эрга берилишини кечиктирган заруратлардан бири қилиб, «наслий шарафда» ўзи блан барабар келадиган куёв топилмаганини, иккинчидан оилавий аҳволини кўрсатиб сўзининг охирида:

— Бизнинг тилагимиз, шарафда ўзимиз блан барабар одам топилса, ожизамизни (қизимизни) ундай одамга ичкүёв бўлиши шарти блан бермоқдир. Лекин ана шундай одам топилмай турипти. Ҳамма иш тақдир, насибага боғлиқдир...— депти.

Мутавалли бироз жим туриб, яна ўз гапини давом эттирипти:

— Ожизамизнинг ёшини сизга жуда юқори қилиб кўрсатган бўлсалар керак. Ҳақиқатда эса, у энди 18 ёшга қадам босди. Тўғри, шариат юзасидан қизни 9 яшарликда эрга бериш мумкин ва қизнинг номаҳрам кўзидан сақлаш учун бу шариатнинг муҳим тадбиридир. Броқ боя арз қилингани каби синглингизнинг бахти ҳозирча очилмай турипти.

Мулла Бурҳон мутаваллининг бирор муллага ўз қизини бериш ёки бермаслик тўғрисидаги фикрини англамоқчи ва бу масала юзасидан ўзига қандай қараганини аниқламоқчи бўлиб, шу йўлда сўз бошлаб, аввал қуйидаги саволни берипти:

— Шариат юзасидан,— депти у,— муллалар шарафда хўжалар блан барабар. Шарафда сиз блан барабар келадиган хўжалардан ичкүёв бўларлик киши топилмас экан, бирон муносиб муллани топиб ичкүёв қилсангиз бўлмайдими?

Мулла Бурҳон бу гапларни айтар экан, мутавалли юзига тикилиб қараб, унинг бу сўзга қандай қараганини билмоқчи бўлипти. Бу гапларни эшитиш блан унинг авзон бузилган ва бир даража ғазабланган экан. Шундай ҳам бўлса ўзини тутиб олиб, қуйидаги жавобни берипти:

— Муносиб муллани топиш қийин-да,— депти-ю ўйга ботиб қолипти.

Бу гапингиз тўғри,— депти мулла Бурҳон,— ҳарбир тўғри келган муллага ишониш тузук эмас. Жанобларига ичкүёв бўладиган мулланинг бу хонадонда қуллар каби хизмат қилиши керак. Бундай мулланинг мусофир бўлиши ва шаҳарда уй-жойи бўлмаслиги ҳам шарт. Шундай бўлганда у, бу қумзорнинг турмушига кўнгил боғлаб, умри борича шунда туриб қолади, бунинг устига сизга ичкүёв бўладиган мулла, бу даргоҳнинг кашф, кароматларидан хабардор бўлсин ва «каромат кўрсатишларда» жанобларига ёрдам қилсин...

Мулла Бурҳон бир нафас жим бўлиб, мутаваллининг авзойига эътибор берипти: унинг ғазоби яна ҳам ортганини сезипти. Шундай бўлса ҳам мулла Бурҳон бошлаган гапини давом эттирипти:

— Агар жаноблари илтифот қилсалар, юқоридаги сифатларга эга бўлган мулла осонлик блан топилади. Албатта жаноблари ичкүёв бўладиган кишининг давлатманд бўлишига муҳтож эмаслар. Худо кўп кўрмасин, ўз давлатлари ўзларига етарлик. Бояги сифатларга эга бўлган қашшоқ ичкүёв, худо берган бу давлатнинг янада ортишига сабаб бўлади.

Мулла Бурҳон ўз сўзини тугатиб, мутаваллининг жавобини кутиб, унинг юзу кўзидаги асаб ҳаракатларини текширабошлапти. У, мулла Бурҳон бу гаплар блан ўзини ичкүёвликка тақдим қилганини билиб олган экан. Шунинг учун юзидаги ғазаб ва норозилик аломатларини жўрттага йўқотиб, ясама шодлик ниқобини кийиб олипти. Лекин у ниқоб остидаги ҳақиқий башара, мулла Бурҳоннинг ўткир кўздан яшириниб қолмапти. У қари тулки бу ичкүёвнинг кимлигини очиқ-ойдин билгани ҳолда, ўзини билмасликка солиб жавоб берипти:

— Кошки худо тақдир қилган бўлса-ю, шундай мулла топилақолса,— депти у ясама қувонч оҳанги блан,— ундай кишига биз ўз харажатимиз блан катта тўй қилиб, ожизамизни бериб, бир фарзандимизни иккита қилишга тайёрмиз...

Мутавалли жим бўлиб, ўйлаб туриб:

— Шаҳардан узоқ бўлган бизнинг жойимизда муллар блан учрашув оз тўғри келади. Бу тўғрида биродарлик қилиб, сиз бу фақирга ёрдам берсангиз, миннатдор қилардингиз. Китобларда: «яхшилик, ўша яхшиликки охиригача олиб борилса» деганлар. Сиз бизга яхшилик қилиб, тузук маслаҳат бердингиз. Энди шу маслаҳатни амалга оширишда ҳам, ўзингиз воситачилик қилинг...

Мутавалли бироз ўйлаб туриб сўзида давом этипти:

— Бу камина сизнинг суҳбатингиздан «ҳали тўймаган бўлса ҳам» тезроқ шаҳарга бориб, шундай муллани дарак қилишингизни истардим. Шуни ҳам айтиб қўяйки, юқорида ўзингиз айтган сифатларга эга бўлган мулла топилса, унинг жонибидан бирор му'табар одамни топиб, совчиликка юборишга ҳаракат қилинг, чунки шу блан дўст-душман олдида бизнинг иззатимиз жойига келади. Қайтариб айтаман: куёв бўладиган киши харажатдан ҳечбир ғам емасин!

Чолнинг бу гаплари ёлғон ва мунофиқона экани мулла Бурҳондан яширин қолмапти. Чолнинг ҳақиқий мақсади мулла Бурҳонни ранжитмасдан, тезроқ ўз даргоҳидан қувиниш экан. Чунки уйланишга толиб бўлган бир йигитнинг куёвга чиқишни истаб турган бир қизга яқин туриши хавfli бўлиб, совчилик учун му'табар одам талаб қилиши ҳам бир найранг эди. Чунки у замонда мол ва насаб жиҳатидан юқори бўлган одам, му'табар ҳисобланарди ва бундай «му'табар» одам ҳечвақт бир қашшоқ мусофир учун совчилик қилмасди. Шундай бўлиб мутавалли, мулла Бурҳонни шаҳарга жўнатиш блан ундан бутунлай қутилар экан.

Мулла Бурҳон истар-истамас шаҳарга бориб «ичкуёв бўларлик киши» топишга ва'да бериб, мутавалли олдидан чиқипти.

Бу суҳбатдан кейин мулла Бурҳон қийин аҳволда қолипти. Чунки мутаваллига берган ва'дасига мувофиқ унинг тезроқ шаҳарга бориши керак бўлиб, Пошшоҳонга учрамасдан ва отаси блан бўлган суҳбатнинг натижасини унга айтмасдан ҳечёққа кетолмас экан. Мутавалли бўлса қабр тошидай мазордан қимирламас ва гўё мулла Бурҳоннинг, қизи блан эҳтимол бўлган учрашувига йўл қўймаслик учун қасддан бирон жойга бормапти. Бунинг устига мутавалли, мулла Бурҳонни ҳарбир кўрғанида:

— Қачон шаҳарга бормоқчи бўлдингиз? — деб ундан сўрар, мулла Бурҳон ба'зи дарсларининг ҳануз тайёр бўлмаганини кечикишига сабаб қилиб кўрсатиб:

— Шу дарслар тайёр бўлгандан кейин, тездан бораман,— деярдан. Мутавалли уни шаҳарга боришга қистаб:

— Дарсни ҳарвақт тайёр қилиш мумкин, аммо хайрли ишни кечиктириш тузук эмас,— дер экан.

Охири бир кун мутавалли Жондорга бир муридининг тўйига боришга мажбур бўлипти. Мулла Бурҳон ҳам Ситоранинг келишини кутиб, чиллахонадан бирон жойга чиқмай ўтирипти. Ситора уни кўп кутдирмапти. У тезда келиб:

— Пошшоҳон сизга салом айтдилар. Мутавалли бобом бугун тўйга кетдилар, кечаси қайтиб келар эмишлар. Пошшоҳон, аввалақшом, кеча қоронғилашган вақтда, қўрғоннинг пасқам эшиги олдига келишингизни сўрадилар. Ўзлари ўша эшикнинг орқасида сизни кутиб турар эмишлар,— деб кетипти.

Мулла Бурҳон айтарди: «Ситоранинг келиб кетиши блан мен бир-бирларига қарама-қарши бўлган ҳислар, ҳаяжонлар орасида қолдим. Мен бу кеча — биринчи учрашувдан кўп вақт ўтгандан кейин, иккинчи марта қоронғи кечада яна у ёрқин ой блан учрашардим. Бу учрашув, менга биринчи учрашувдан лаззатлироқ туюларди. Чунки биринчи учрашув нотаниш бир қиз блан бўлса, бу учрашув ўз хушбахтлигини, менинг хушбахтлигимга боғлаб, жоним, дилим ва бутун борлигимни ўзига қаратиб қўйган таниш бир қиз блан учрашув эди. Бу учрашув, мени китобларда «жаннатда тасвир қилинган лаззатларга» эриштириши керак эди, иккинчи томондан мен бу учрашувни, энг охириги учрашув деб билар эдим. Чунки талабимнинг қизнинг отаси томонидан рад этилишига ҳечбир шак, шубҳа қолмаган эди. Бу ҳол мени китобларда «Дўзоҳ»да тасвир қилинган азоб-уқубатларга солмоқда эди, учинчидан, мутавалли томонидан бизнинг талабимизнинг рад этилишини билиб турганим ҳолда, бу учрашувда у гўзал қизнинг тоқатсиз кўнглини ёлғон гаплар блан юпатишим керак, ўзимнинг кўнглим ҳам униқидан ортиғроқ ташвишда эди, энг оғир ва энг хавфли аҳвол шу эдики, агар қиз отаси томонидан менинг талабимнинг рад этилишини билиб қолса, ҳатто ўйлаша ёки сезса унинг ҳаёти таҳликада қолар эди. Мен бундай хавфни тасоввур қилиб, «бу учрашувда қизнинг олдида ўзимни туюл-

май, йнглаб юбориб, уни шубҳага солиб, бу блан унинг ҳаётини хавф остида қолдирмагайман» деб қўрқар эдим. Шу учун мен бу кечанинг кечроқ келишини истардим. Лекин бизнинг қора бахтимиз каби кеча қоронғиси тездан босиб келди.

Мулла Бурҳон кеча қоронғилашгач мазордан чиқиб, қўрғон девори остидан оёқтовушини чиқармай аста-аста қадам босиб, қўрғоннинг пасқам эшиги олдига бориб турипти.

Мулла Бурҳон айтар эди: «Мен бориб эшик олдида турганимдаёқ эшик очилиб, ундан афсонавий китобларда тасвир қилинадиган бир «парилар» чиқди. Бу менинг оромим жоним эдики, афсонавий гўзал парилар шаклида зоҳир бўлган эди. Унинг эгнида қорамтир атлас кўйлак бўлиб, уни кеча қоронғилиги блан ҳамранг қилган, бошида на дўппи бор эди, на рўмол. Буларнинг ўрнида унинг қора ва қалин сочлари ўрилмаган ҳолда ёзиб ташланган эди. Белидан қуйига тушган бу сочларининг учлари юқорига қараб қайрилиб, қилдан тайёрланган тузоқларнинг ҳалқаси шаклига кирган, ҳақиқатда ҳам у халқалар кўргучиларнинг кўнглини банд қиладиган тузоқлар эди. У сочларининг бир қисми юзининг икки томонидан ёзилиб, кўкраги устига тушиб, унинг сиймосини ҳақиқатан ҳам афсонавий парилар сиймосига айлантирган эди.

Афтидан у бошини ювган, аммо кечаси бўлиб қолганидан сочини ўришга фурсат топмай, таралган ҳолида шундай қолдириб, шошилиб чиқишга мажбур бўлган ёки ўз қиёфасини яна ҳам кеча қоронғисига мос қилиш учун қасдан сочини ёзиб ташлаб чиққан эди. Ҳар ҳолда у гўзал парининг бу қиёфаси мен учун кутилмаган бир гўзаллик эди.

Пошшоҳон, париларга нисбат бериладиган бир тезликда менга яқинлашди. Мен унинг қўлларини тутиб ўпишимдан илгарироқ, у менинг билакларимдан тутиб, девор остига тортди ва ҳар иккаламиз деворга жифслашиб, деворга чизилган суратлар каби ҳаракатсиз рўпара турдик...

Мен юқорида айтилган қарама-қарши ҳис ва ҳаяжонларга чўмиб қолиб, нима дейиш ва нима қилишимни билмасдим. Аммо у бошқа одамда — қувноқ турмуш оламида сайр қилмоқда ва шодликдан қанот қоқиб, хушбахтлик осмонига парвоз этмоқда эди. У шодмонлик ҳаяжони

орасида тез-тез гапириб, мени «муваффақият» блан таб-рикларди.

— Эшитдим, ҳаммасини эшитдим,— деб сўз бошлади қиз — мен эшик орқасида эдим. Ҳаммасини ўз қулогим блан эшитдим: сиз отамга ажойиб моҳирлик блан гапирдингиз. Ҳечбир киши қайинотага бундай усталик блан ўзини куёвликка тақдим қилолмайди. Балли! Уйлаганимдан юз марта ортиқроқ моҳир бўлиб чиқдингиз! Яшанг! Қувноқ бахт блан яшайлик! У сизнинг мақсадингизни фаҳмлаб олиб, ўз кўнглида сизнинг талабингизга рози бўлганини, мен унинг сизга берган жавобларидан сездим. Лекин у уялганидан бўлса керак сизга очиқ жавоб бермай, ўзини билмасликка солиб, совчи воситаси блан талабингизни ўзига етказишингизни сиздан илтимос қилди. Кўпни кўрган бу чол, одамларнинг замири дилини фаҳмлаб олишда тенгсиздир. Хўп, сиз қачон шаҳарга борасиз, қайвақт совчи топиб юборасиз? Ҳозиргача нега шаҳарга бормадингиз? Агар отам блан қилган ўша суҳбатингизнинг эртасига шаҳарга борганингизда ҳалигача совчингиз келиб, ишни пишириб кетарди. Хайрли ишни кечиктириш тузук эмас «та'хирда офатлар бор!» деганлар.

Мулла Бурҳон яна айтар эди: Қизнинг гапириш оҳангидан ма'лум бўлишича, у отаси менга айтган гапларнинг ҳаммасига ишонган ва иш фақат совчи келишига қараб қолди, деб тушунган. Шунинг учун менинг шошилинич равишда шаҳарга боришимни сабрсизлик блан талаб қиларди. Мен унинг ҳамма гапларига жавоб бермай, фақат шаҳарга боришни кечиктирганимга сабаб кўрсатиш йўлида дедим:

— Мен ҳам тезроқ шаҳарга бориб, совчи топиб юборишни истар эдим. Аммо сени кўрмасдан, сендан рухсат олмасдан ва сен блан «хайр хуш» қилмасдан қандай бо-раолардим?

— Хўп, энди мени кўрдингиз, рухсат ҳам олдингиз. Истаганингизча «хайр хуш» ҳам қиласиз. Айтингчи сўнгра қачон борасиз?

— Отанг тўйдан келгач, ундан ҳам рухсат олиб сўнгра йўлга чиқаман!

— Отам ҳозир келадилар. Мен Ситорани ташқари ҳовлининг йўлагига қўйдим ва унга «отам дарвозадан кириши блан югуриб келиб, бу эшикка яқинлашиб йўталгин!» деб тайин қилдим. Чунки отам ичкари ҳовлига кирмасдан илгари, мен ўзимни ичкарига олиб, бу эшик-

ни беркитишим лозим,— дегандан кейин, қиз яна шоши-  
либ илова қилди:

— Бошқа бир хуш хабарни сизга айтишни унутаёзиб-  
ман: отам сиз учун янги бир уст чопон тиктириб, янги  
дўппи ва янги салла ҳам тайёрлаб қўйди. Ма'лум бўли-  
шича, бу узоқни кўрадиган чол, ўзига куёв бўладиган  
кишини совчи бўладиган му'табар одам олдига ясантриб  
юборишни муносиб билган.

Бу гаплардан ма'лум бўлардики, менинг меҳрибон ва  
соддадил гўзалим, отасининг менга атаб тайёрлаб қўйган  
сарполарини «ўз куёвини ясантриш учун» деб ўйлаган.  
Қолбуки отаси у кийимларни, мен у ерга борган кунла-  
римда, ўз «сир»ларини очмаслигим учун қилган ва'даси  
юзасидан тайёрлангани менга ма'лум эди. Шундай бўлса  
ҳам, мен унинг умидворлигини қувватлаш учун у хабар-  
ни «янги хуш хабар» каби қувонч блан тингладим ва  
унинг охириг саволига жавоб бериш йўлида унга:

— Агар отанг бу кеча келса, мен ҳам эрта блан ундан  
рухсат олиб, шаҳарга жўнайман,— дедим. Бу вақтда кўз-  
ларим ёш блан тўлган ва овозимда бироз ўзгариш юз  
берган эди. Йиғи томоғимни бўғишдан илгарироқ унинг  
қўлларида бўлган қўлимни тортмоқчи бўлдим. Лекин у,  
қўлларимни қўймай, юқори кўтариб менга яқинлашди ва  
унинг истагига мувофиқ, мен ҳам унга яқинлашганда  
кўкрагим унинг кўкрагига бориб ёпишди ва юқори кўта-  
рилган қўллар, бир-биридан ажралиб бўйин ва белларга  
чирмашдилар. Аммо мен абадий ажралишимиз яқин-  
лашганини ҳис қилганимдан, йиғим авжланиб томоғим-  
нинг ҳиққиллаш садоси қизга эшитилди ва у, таажжуб-  
ланиб:

— Нега йиғлаётирсиз ахир? Бизнинг йиғлайдиган  
чоғимиз ўтиб, умр бўйи кулиб, ўйнашиб кун кечирадиган  
замонимиз яқинлашди-ку. Бундай вақтда йиғлаш муно-  
сибми? — деб та'на қилгандай бўлди.

— Сендан узоқлашаётган бир вақтда, мен қандай  
чидаёламан ахир? — дедим, ҳиққиллаган овоз блан,— бу  
ерда турган чоғларда мен сени кўролмасам ҳам, эши-  
гингга яқин эдим. Мен учун бу катта тасалли эди. Энди  
мен эшигингдан беш тош (40 километр) узоқ бўлган  
жойга бораётирман.

Мулла Бурҳон айтарди: Албатта менинг ўз йиғла-  
шимга бундай сабаб кўрсатишим, йиғимнинг ҳақиқий  
сабабини яшириш учун эди. Ҳақиқатда бўлса менингча



бу абадий жудолик эди. Унинг устига у меҳрибон дилна-  
воз дилбарнинг келажак аҳволи мени ташвишлантирар  
эди. Чунки у отаси томонидан менинг талабим рад этил-  
ганини билиб қолса, (менингча албатта бу талаб рад  
этиларди) унинг ҳаёти хавф остида қоларди. Бу ҳам мен-  
га аниқ эди. Албатта мен бу ҳолга чидаёлмас ва ўзимни  
тутиб туролмасдим.

Мулла Бурҳон ўз суҳбатдошларига бу аламли қайғи-  
ларини айтиб бергандан кейин, яна ўз жонони блан сўнг-  
ги учрашувни яна тасвирлаб: Менинг меҳрибон ороми-  
жоним,— деди у,— ўзининг қора ипакка ўхшаган сочини  
ва қизил гулдай латиф юзини кўз ёши блан нвилган  
юзимга суйкаб туриб,— бас қилинг ахир!— деди у.—  
Сиз ёш бола эмассиз-ку. Сиз узоқлашганингизда мен  
йиғлашим керак эди. Лекин мен келажакдаги қувноқ  
кунларнинг умидида, шу вақтдан бошлаб кулиб, ўйна-  
ётирман. Мен сизни бу даражада чидамсиз деб ўйлама-  
ган эдим. Тўғри ҳижрон дарди зўр. Аммо бу зўр дард-  
нинг юки кўпроқ менинг гарданимга тушаётир. Шундай  
ҳам бўлса вақтинча бўлган бу оғир юкни келажак умиди  
берган кучнинг ёрдами блан кўтараётирман. «Эр йигит-  
нинг шер йигит бўлиши керак» деганлар. Сиз ўзингизни  
мардона тутинг...

Мен ҳали ҳам йиғламоқда эдим. Гўзал қизнинг ундай  
меҳрибончилигини кўриб, шундай юмшоқ қалбли, ақли  
расо жонондан абадий ажралаётганимни эслаб, инграш  
аралаш ҳиққиллашим яна ҳам ошмоқда эди. Қиз менинг  
ундай юпатишлар блан таскин топмаганимни кўргач,  
жиддийликдан ҳазил ва шўхликка ўтиб:

— Хайр, агар сиз тингламасангиз, мен ҳам йиғлай-  
ман. Қани кўрай менинг йиғимга қандай чидам бера-  
сиз?— деб эркаланган ҳолда ясама йиғи блан овоз чиқа-  
риб, мени ўз кўкрагига босди. Шу вақтда Ситоранинг  
йўталган товуши эшитилди. Қиз шошилиб менинг юзим-  
дан устма-уст бирнеча марта ўпиб, истар-истамас мени  
ташлаб:

— Хайр, кўргунча омон бўлинг! Мени эсингиздан  
чиқаракўрманг! Тезроқ совчи топиб юборинг! Унинг изи-  
дан ўзингиз ҳам тез келинг! — деб кўрғонга кириб эшик-  
ни ёпти. Мен учун охирги умид эшиги ёпилган эди ва  
мен деворга суянганим ҳолда қотиб қолдим.

Мулла Бурҳон ҳикоясининг бу парчаси охирида айт-  
ган эди: Мен учун ҳамманарса тамом бўлган эди. Бироз

фурсатдан кейин, аста-секин юриб мозорга етиб, чилла-хонага кириб олдим ва у ерда овозимни чиқармай, кун оқаргунча муғодимча йиғладим ва эрта блан шаҳар сафарига тайёрланабошладим.

## БАХТСИЗ ҚИЗНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТИ

Мулла Бурҳон шаҳарга борганидан кейин ўз талабининг мутавалли томонидан рад бўлишини аниқ билатуриб бирор боп одамни топиб, совчиликка юбориш фикрига тушипти. Чунки агар у совчи юбормаганда, қиз «алдоқчи йигит менга фриб бериб кетди» деб, бу аламга чидаёлмай, ғуссамарг бўлиши мумкин эди. У вақтда мулла Бурҳоннинг бир алами икки бўларди — бириси меҳрибон севгилисининг ҳалокати бўлса, иккинчиси ўзининг ўшандай соф қалбли, меҳрибон жонони олдида алдоқчиликда ном чиқариб, юзи қора бўлиб қолиши эди.

Шунинг учун, мулла Бурҳон ҳарнима бўлса ҳам совчи юборишга жазм қилипти. Совчи бўларлик одам ҳам тездан топилпти. Бу одам, мутавалли: «барибир тополмайди» деб ўйлаган, Бухоронинг мутабар одамларидан бири эди.

У одам шайхрангрезлик хўжалардан бўлиб, ўз қариндошларидан куёв бўларлик киши топилмагани учун, икки синглисини икки қашшоқ муллага<sup>1</sup> бериб, уларни ичкучёв қилган эди.

У хўжаниннг катта куёви мулла Бурҳоннинг дарсхона домласи ва кичик куёви унинг кунжаки домласи бўлганидан уларникига кўп бориб келар ва бу муносабат блан уларнинг қайиноталари блан ҳам қадрдон таниш бўлиб қолган эди.

Бу хўжани совчиликка юбориш фикри Хўжаўбон мазорида бўлган вақтларида мулла Бурҳоннинг эсига келмаган бўлса ҳам, у шаҳарга бориб, зиёрат учун уларникига борганида хўжани кўргач бу фикр «ғайбдан илҳом бўлгандай» унинг эсига тушиб қолади ва фикрини ўз домлаларига айтганида, улар ҳам мақул топадилар. Хўжа ҳам рози бўлиб, ўша куннинг ўзидаёқ Хўжаўбонга жўнайди.

---

<sup>1</sup> Бу муллаларнинг бириси мениннг катта домлам — мулла Икром бўлиб, иккинчиси мениннг тоғам — мулла Деҳқон эди. *Автор.*

Совчи, борган кунининг эртасига Хўжаўбондан қайтиб келипти. У савдон битиролмаган даллол каби бўшашиб, шалвираб келипти.

Мулла Бурҳон уни кўргандаёқ натижанинг салбийлигини сезиб, ундан «мутавалли қандай жавоб берди?» деб сўрамапти ҳам. Броқ хўжанинг ўзи совчилигининг натижасини айтиб берипти.

Совчининг айтишига кўра, у бориб, мутаваллининг олдига кириб, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, йўлини топиб, хўжалардан куёв бўларлик киши топилмагандан икки сингисини икки муллага бериб ичкучуёв қилганини, ўзининг ва сингиларининг хушбахтлилигини, куёвлар тузук одамлар бўлиб чиққанларини сўзлаган. Сўнгра ўзидан мисол олиб ўз томонидан синалган мулла Бурҳонга қизини бериб, уни ичкучуёв қилишга мутаваллини ундаган.

Мутавалли жавобда ҳечбир муқаддимасиз:

— Мен бундай аҳмоқона ишни қилмайман. Сизнинг шундай ноҳўя иш қилиб, хўжаларнинг номини ерга уриб, булғаганингиз учун таассуф қиламан,— деган ва илова қилиб, — тўғри, мен ичкучуёв қилмоқчиман. Лекин менга ичкучуёв бўладиган кишининг ўзимга ва қизимга арзийдиган қалин юбориб, уйимда бир ҳафта тўй-тамоша бериши биринчи шарт, — депти.

Мулла Бурҳон айтар эди: Мен ўз талабимнинг рад бўлишидан унча ўзгармасдим. Чунки мен аввалдан бу ишнинг шундай натижа беришини муқаррар қилиб қўйган эдим. Лекин бахтсиз қизнинг аҳволини ўйлаб, жон ачитгучи дард-аламларга тушдим. Чунки совчи бориб мутавалли олдига киргач, қизнинг эшик орқасида пусиб туриб, отаси берган жавобни эшитиши менга аён эди. У ҳолда унинг бахтли ҳаётга бўлган ширин умидлари бирдан ўлим кетиручи ачиқ умидсизликка айланиб, уни ҳалокатга учратиши муқаррар эди. Мен шундай мулоҳазалар блан ўзимга юзланган жонолгучи дард ва аламларга чидаёлмай, ҳужрамга зўрға бориб, касал бўлиб қолдим ва бу касаллик беш ойгача чўзилди.

Мулла Бурҳон касалликдан бироз соғайиб, кўчага чиқоладиган бўлганидан кейин, биринчи иши бахтсиз қизнинг аҳволидан бирор хабар эшитиш бўлипти ва бу мақсад учун шаҳардаги хўжаўбонликлар блан алоқа боғлапти.

Ундай шум хабарни топиш унча қийин бўлмапти: шаҳардаги хўжаўбонликларнинг айтишларига. Кўра, ўтган ёзнинг охирларида мутаваллининг қизи «жинни бўлиб

ўзини осиб ўлдирипти» ва «бирон ёш қиз топиб уйланиш-ни орзу қилиб юрган мутавалли» қизининг қирқини ўтказгач, сақлаб олинган 12 яшар қизни ўзига никоҳлаб олган ва у қиз ҳам никоҳининг учинчи кунида жинни бўлиб, «Пошшоҳон, жоним! Мени мутавалли бобомнинг қўлларидан қутқазинг!» деб фар'ёд қилган ва ўша кеча у ҳам мутаваллининг қизи ўзини осган жойда ўзини-ўзи осган экан.

Мулла Бурҳон айтарди: Мен бу ҳалокат келтиручи шум хабарни эшитгач, менда ортиқ ҳаёт умиди қолмади. Менга юзланган фалокат жон ачитучи ва ўзим ўйлагандан оғирроқ эди: гўзал ва меҳрибон дилдоримнинг фожиаси устига, менга юкланган зийрак, софдил ва ма'сум гўдак бўлган, Ситоранинг фожиаси мени ўтдан олиб ўтга ташларди.

Мен хўжаўбонликлар маҳалласидан бошсиз тана ёки танасиз бош каби, ақлсиз, ҳушсиз тор кўчалар блан юриб, зўрға ўз ҳужрамга етаолдим ва унда овозим борица йиғлаб фар'ёд қилабошладим. Қўшнилар менинг бошим устига йиғилиб «бечора жинни бўлган» деб аҳволимга ачинардилар. Чиндан ҳам менда жиннилик аломатлари пайдо бўлган эди. Мен учун ҳужра, мадраса торлик қилмоқда эди, мен бошяланг, оёқяланг кўчаларга чиқиб, афсонавий Мажнундай фар'ёд қилиб юришни ёки Фарҳоддай ўз бошимни бирон тошга уриб, бу чидаб бўлмайдиган ғам ва аламдан қутилишни истардим...

Мен бироз фурсатдан кейин, ақлимни бошимга тўплаб, ўзимга: «жиннилик қилиб юриш учун, Бухоро шаҳарининг кўчалари торлик қилади ҳамда ажаб эмаски, биринчи чиқишимдаёқ мени тутиб олиб, хўжаўбонликлар маҳалласидаги жиннихоналарнинг бирисида қамаб қўйсалар. Мажнундай бўлиб юриш учун ҳам, Фарҳоддай бирон тошга бош уриб ўзини ҳалок қилиш учун ҳам, ўз тоғлик вилоятимиз яхшироқ, дедим-да, ўша куннинг ўзидаёқ Кўлобга қараб йўналдим.

Кўлобнинг баланд тоғлари устида юриб, тоза ҳаво олиб, бир йилда жинниликдан эфоқага келдим ва иккинчи йилда қувват топиб, яна Бухорога келиб азиз дўстларим блан яна шерик бўлиб, дарс ўқиш менга насиб бўлди.

Мулла Бурҳон ўз ҳикоясини тугатгандан кейин, деди: ҳали ҳам менинг кўнглим Хўжаўбон мазорининг қумзор-

ларига боғлиқ. У томонга бориб келган одамларга дуч келсам, уёқларда бўлган воқиаларни суриштириб турман.

Бухорога келганимдан кейин бировдан эшитганимга кўра ўтган қишда бир кеча мутаваллининг қўрғонини ўғриллар босиб, унинг бутун қимматли молларини ва нақд пулларини олиб кетганлар. Мутавалли мол аламига чидаёлмай тездан ўлган ва меросхўри бўлмагани учун ўғрилардан қолган мол-мулки подшолик бўлган ва унинг ўрнида мутавалли бўлган бошқа бир хўжаўбонлик хўжа «ковуш тўғрилаб қўйиш» ишини Хўжаўбоннинг «каромати» сифатида давом қилдирмоқда эмиш.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида . . . . .	3
<b>Қ и ш л о қ д а</b>	
Кириш . . . . .	7
Тўй . . . . .	7
Отамнинг отаси . . . . .	12
Маҳаллайиболо қишлоғи . . . . .	14
Қизилқумнинг кўчиши . . . . .	16
Кўчучи қум блан кураш . . . . .	22
Сокгаре қишлоғи . . . . .	27
Сокгаре қишлоғидаги ҳовлимиз . . . . .	30
Доно малай ва фрибгар бой . . . . .	33
Ҳарбир ишнинг вақти ва жойи бор . . . . .	42
«Дев, ажина ва аждарҳо» . . . . .	44
Хайбар . . . . .	50
Отамнинг амакиси — Абдуллаҳўжа . . . . .	52
Уста амаки . . . . .	54
Лутфулла Гўппон . . . . .	58
Шофиркомда янги рўд (анҳор) . . . . .	63
Янги рўд қазилгандан кейин Шофиркомдаги аҳвол ва қози Абдувоҳиднинг оқибати . . . . .	74
Мактабхонлик вақтларимда . . . . .	77
Ҳабиба . . . . .	77
Ўч олиш . . . . .	90
Мактабдан кейин . . . . .	92
Хат машқ қилиш . . . . .	99
«Парвардигорхўжа» . . . . .	102

Отам ва онам . . . . .	106
Бухоро шаҳри ва мадраса ҳақида биринчи эсдаликларим . . .	114
Миракониий хўжаларнинг тўйга бориши . . . . .	123
Деҳқончилик . . . . .	126
Вабо вақтида ота-онамнинг ўлими . . . . .	129
Тўпланган маҳсулот ва унинг сарфи . . . . .	139
Оила бошлиғи . . . . .	141
Ака-укаларим . . . . .	141
Ота-онасиз биринчи ёзда машғулотим . . . . .	142
Қишлоғимизнинг ўша йиллардаги аҳволи . . . . .	145
Бухорога бориб ўқишимнинг муқаррар бўлиши . . . . .	148
Бухоро сафарига тайёрланиш ва бориш . . . . .	153

### Ш а ҳ а р д а

Кириш . . . . .	157
Бухоро мадрасаларининг бинолари . . . . .	158
Бухоро мадрасаларидаги ҳужраларнинг хусусий мулкка ай- ланиш тарихи . . . . .	159
Бухоро мадрасаларида талабаларнинг жойланиши ва му- даррислар блан муносабатлари . . . . .	161
Бухоро мадрасаларининг дарс программаси ва ўқув ки- тоблари . . . . .	163
Бухоро мадрасаларида таҳсил йили ва дарс кунлари . . . .	166
18—19 йиллик таҳсилнинг ҳосили . . . . .	166
Бухоро мадрасаларидаги талабаларнинг устозлари блан моддий муносабатлари . . . . .	173
Мир Араб мадрасасида . . . . .	174
Мир Араб мадрасасида ўқиган дарсларим . . . . .	177
Мир Араб мадрасасида адабиёт блан шуғулланиш . . . .	180
Мир Араб мадрасасининг аҳолиси . . . . .	182
Маҳдуми гав ва Пирак . . . . .	184
Рус тилини биринчи марта эшитишим . . . . .	186
Мулла Туроб ва мулла Қамар . . . . .	192
Ажойиб одам . . . . .	199
Аҳмад маҳдумнинг ҳовлисида . . . . .	207
Қишлоқда саёҳат . . . . .	215

Қаққашонлик Мажид . . . . .	223
Мир Араб мадрасасида иккинчи йил . . . . .	229
Бухоро Регистонида . . . . .	232
«Дарихона» маросими . . . . .	234
Амирнинг сарбозлари (Низоми аскарлари) . . . . .	235
Етмиш беш таёқ . . . . .	238
Сарбозлар машқи . . . . .	241
Регистонда тайёр овқат сотучилар . . . . .	241
Одам кушишхонаси . . . . .	244
Ғўзажаллоб Ҳожи Зокирбой ва 70 яшар кампир . . . . .	245
Регистонда иккинчи марта . . . . .	251
«Дарихона»чиларнинг аркдаги ишлари . . . . .	252
Одам ўлдириш . . . . .	253
«Жаноби олийнинг бойваччалари» . . . . .	256
Бир бечоранинг ўрнида бошқа бир бечора . . . . .	260
Мулла Бозор ва мулла Туробнинг ўлдирилиши сабаблари . . . . .	262
Мир Араб мадрасасида туришимнинг кейинги кунларида . . . . .	265
Хўжаўбоннинг «ковушларни тўғрилаб қўйиши» . . . . .	268
Бахтсиз қиз . . . . .	274
Бахтсиз қизнинг бошидан ўтган қора кунлар . . . . .	284
Бахтсиз қиз бахт излаш йўлида . . . . .	289
Бахтсиз қизни бахтли қилиш йўлида . . . . .	295
Бахтсиз қизнинг фожиали оқибати . . . . .	304



*На узбекском языке*

САДРИДДИН АЙНИ

# ВОСПОМИНАНИЯ

*Госиздат УзССР*

*Ташкент — 1953*

Редактор *М. Исломов*  
Техредактор *Я. Пичасов*  
Корректор *Ш. Зухриддинов* -

\*

Териншга берилди 17/XII 1952 й.  
Босишга рухсат этилди 17/III 1953 й.  
P01640. Қорғоз 84X108/32=4,875 қорғоз л.  
— 15,99 печ. л. + 13 вклейка.=0,34 п. л.  
Нашр л. 16,8. Тиражи 15 000 экз.  
Баҳоси 6 с. 15 т. Муқоваси 2 с.

\*

ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги  
Ўзбекполиграфнашрнинг № 3 босмаҳонаси.  
Тошкент, Ленинград кўчаси, 15. 1953. Заказ № 12.